



**ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI
DAVLAT SOLIQ KЎMITASI
SOLIQ AKADEMIYASI**



**«СОЛИҚ МАЪМУРЧИЛИГИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ОРҚАЛИ
СОЛИҚЛАР ВА БОШҚА МАЖБУРИЙ
ТЎЛОВЛАРНИНГ
ЙИЃИЛУВЧАНЛИГИНИ ОШИРИШ»**

**РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ
ТЕЗИСЛАР ТЎПЛАМИ**

Тошкент ш., 2018 йил 27 апрель



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ
СОЛИҚ АКАДЕМИЯСИ**

**«СОЛИҚ МАЪМУРЧИЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ОРҚАЛИ
СОЛИҚЛАР ВА БОШҚА МАЖБУРИЙ ТЎЛОВЛАРНИНГ
ЙИГИЛУВЧАНЛИГИНИ ОШИРИШ»**

мавзусидаги

Республика илмий-амалий конференция

ТЕЗИСЛАР ТЎПЛАМИ

2018 йил 27 апрель

Тошкент шаҳри

Солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш орқали солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш.
Республика илмий-амалий конференция тезислар тўплами.

Солиқ академияси, Тошкент, 2018 йил, 352 бет.

Таҳририят ҳайъати: Тухлиев Б.К., Исроилов Б.И., Кузиева Н.Р., Ўрмонов Ж.Ж., Нормурзаев У.Х., Бозоров А.А., Рахимов Ф.

Тақризчилар: и.ф.д., проф. Н.Х.Хайдаров, и.ф.д., проф. А.Жўраев

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 6 мартдаги “Ўзбекистон Республикасида 2018 йилда халқаро ва республика миқёсида ўтказиладиган илмий ва илмий-техник анжуманлар режаси тўғрисида”ги 178-ф-сонли Фармойиши ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 12 мартдаги “Вазирлик тизимидаги олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида 2018 йилда ўтказиладиган илмий ва илмий-техник анжуманлар режасини тасдиқлаш тўғрисида”ги 233-сонли буйруғига мувофиқ Солиқ академиясида 2018 йил 27 апрель куни “Солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш орқали солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш” мавзусида республика илмий-амалий конференция ўтказилди.

Мазкур тўпланда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги етакчи мутахассислари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти, Банк-молия академияси, Солиқ академияси, Тошкент молия институти, Олий ҳарбий божхона институти, солиқ коллежлари ва бошқа олий ўқув муассасаларнинг профессор-ўқитувчилари, олимлари, илмий изланувчилари ва иқтидорли талабаларининг солиққа тортиш назарияси ва амалиётининг долзарб жиҳатларини илмий-амалий тадқиқ қилиш, солиққа тортиш масаласида амалиётда синалган принцип ва ёндашувларни ишлаб чиқиш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш орқали солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш борасида бошқа мамлакатларнинг илғор тажрибаларини ўрганишга ва улардан фойдаланишга қаратилган илмий-тадқиқот натижалари маъруза тезислари сифатида ўз ифодасини топган.

Конференция материаллари тўплами солиқ-бюджет, молия-иқтисод соҳаси билан боғлиқ мутахассисларга, ушбу йўналишда илмий изланишлар олиб бораётган профессор-ўқитувчилар, катта илмий ходим-изланувчилар ва магистрантлар учун фойдали бўлади деб ҳисоблаймиз.

© Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Солиқ академияси, 2018 й.

ПЛЕНАР ЙИҒИЛИШ

Гадоев Э.Ф. Кириш сўзи.....	11
Исмаилов Б.И. Правовые аспекты ответственность юридических лиц за совершение коррупционных правонарушений.....	13
Худойқулов С.К. Худудларнинг солиқ салоҳиятини баҳолаш методологиясини такомиллаштириш.....	17
Ўрмонов Ж.Ж. Тадбиркорлик субъектларида солиққа тортиш тизимини соддалаштириш ва солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари.....	21

1-ШЎЪБА

СОЛИҚ МАЪМУРИЯТЧИЛИГИ ВА СОЛИҚЛАРНИНГ ТЎЛИҚ ЙИҒИЛУВЧАНЛИГИНИ ОШИРИШ ОРҚАЛИ СОЛИҚ-БЮДЖЕТ СИЁСАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Камилов М.М. Солиқ маъмурчилигини такомиллаштиришда тизим ходимларининг касбий малакасини оширишнинг долзарб масалалари	26
Қутбиддинова М.И. Иқтисодий солиқлар орқали бошқариш механизмининг такомиллаштириш масалалари.....	29
Қурбанов З.Н. Бухгалтерия ҳисобида маҳсулот таннархини аниқлашнинг моделлари.....	32
Ҳотамов К.Р. Бир неча фаолият юритишда қўшилган қиймат солиғи ҳисоби.....	35
Асатуллаев Х.С. Иқтисодий ўсишни таъминлашда давлат фискал (бюджет-солиқ) сиёсати.....	38
Абдувахидов Ф.Т. Мавлянова Д.М., Махмудова М.Б. Акциядорлик жамиятларида устав капитали ҳисоби.....	41
Тўраев А.Н. Оила тадбиркорлигини ривожлантиришда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг таъсири ва аҳамияти.....	44
Ширинов С.Э. Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимида солиқ маъмурчилигини такомиллаштиришнинг айрим масалалари.....	48
Сафаров Ғ.А. Ресурс солиқларининг рағбатлантирувчи аҳамиятини ошириш масалалари.....	49
Ризаев Н.К. Интеллектуал мулк объектлар ҳисобини ташкил этиш масалалари.....	52
Қурбанов Д.Р. Сув ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлашда солиқ механизмининг роли.....	55
Усманова М.С. Республикада жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортишнинг айрим масалалари.....	58
Аманов А.М. Солиқ маъмурчилигининг ўзига хос жиҳатлари ва уни такомиллаштириш масалалари.....	61

Рузиев Ғ.У. Ўзбекистон республикаси солиқ қонунчилигини янада такомиллаштириш масалалари.....	64
Рахимов Ф. Перспективы внедрения электронных счетов-фактур в Узбекистане.....	67
Бозорова Ф.А. Солиқ- бюджет сиёсатини такомиллаштиришда солиқларнинг йиғилувчанлигини ошириш йўналишлари.....	70
Абдуллаев А.Б. Солиқ тўлови харажатларини бухгалтерия ҳисобида тан олиш.....	75
Турабоев И.Қ. Хавфларни таҳлил қилиш тизимининг солиқ текширувлари самарадорлигини оширишдаги аҳамияти.....	78
Бозоров А.А. Даромадларни декларациялаш бўйича ҳуқуқбузарликларга нисбатан таъсир чораларини такомиллаштириш.....	82
Артиков Н.А. Солиқ маъмурчилигида корпоратив бошқарувнинг самарали амалиёти.....	86
Қиёсов Ш.У. Инновацион фаолият учун солиқ имтиёзлари: хорижий тажриба.....	89
Идирисов А.О., Юлдашев А.А. Солиқ ислоҳоти концепцияси - солиқ қонунчилиги ва маъмуриятчилигини такомиллаштиришга хизмат қилади.....	91
Бердиева Ў.А. Солиқларни ундиришда бюджетдан қарздорлик даражасини камайтириш йўллариининг илмий тадқиқига янгича ёндашувнинг зарурлиги хусусида.....	94
Раҳматов Э.Ж. Солиқ тўловчиларнинг солиқ мажбуриятларини бажаришларини рағбатлантириш: халқаро тажриба.....	96
Эшмуродов С.Т. Ўзбекистон республикасида солиқ тизимининг шаклланиши ва ривожланиш тарихи.....	99
Акрамов Ш.И. Жисмоний шахсларнинг мулкӣ даромадларини декларация асосида солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш.....	102
Сафарова Н.А. Жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи бўйича имтиёзларни такомиллаштириш.....	106
Иномова Л.Д. Юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи йиғилувчанлигини оширишда солиқ солинадиган фойда ҳамда база тушунчаларининг бир-биридан фарқлашнинг аҳамияти.....	109
Кудратов Б.У. Ҳаракатлар стратегияси Ўзбекистон солиқ тизимини янада ривожлантиришнинг ҳуқуқӣ асоси.....	111
Rajabbayeva D.Z. Soliқ qonunchiligini tubdan takomillashtirish – davr talabi	116
Исаев Х.М. Тўғри солиқларнинг иқтисодӣ моҳияти ва уларни аҳамиятини оширишнинг айрим масалалари.....	119
Махмудов А.М. Хуфиёна иқтисодӣ омиллар ва солиқ-бюджет сиёсатини такомиллаштириш масалалари.....	122
Маматқулов А.Н., Жакбаров А.А. Жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғини ундириш механизмини оптималлаштириш йўллари.....	124

Жалолов И.И. Давлат бюджети даромадларида солиқларнинг аҳамиятини статистик таҳлил қилиш.....	126
Исаев Ф.И. Солиқ юкини оптималлаштириш хусусида мулоҳазалар.....	129
Эгамқулов Ш. Солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш, бюджет даромадларини кўпайтиришнинг энг оптимал йўлидир.....	132
Муминов Р.Р. Солиқ назоратида солиқ ва молиявий ҳисоботлардан фойдаланиш.....	136
Бозоров А.А. Жисмоний шахсларнинг даромадларини декларация асосида солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш масалалари.....	139
Эсанов Ж., Умирзаков А., Ишмуратова К. Солиқ юкини ҳисоблаш ва кичик бизнес субъектларининг солиқ юкини пасайтиришда регрессив ставкасини қўллаш аҳамияти.....	142
Абдуллаев Д.А. Иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишда корхоналар фойдасидан олинадиган солиқларни такомиллаштириш масалалари.....	144
Ахмадалиев Б.А. Миллий ҳисоб тизимларини шаклланишида бухгалтерия ҳисоби халқаро моделларининг таъсири ва уларнинг гуруҳланиши.....	149
Отабоев О.Н. Бюджет ташкилотларида номоддий активларни баҳолаш ва уларнинг ҳисоби.....	152
Сотволдиев А.А. Солиқ тизимининг ислохот этилиши орқали жалб қилинадиган инвестицияларни ҳажмини ошириш истиқболлари.....	154
Атақулов У.М. Акциз солиғини ҳисоблашнинг амалдаги ҳолати таҳлили	156
Тулаев М.М. Дебиторлик қарзларининг вужудга келиш сабаблари уларни бошқаришнинг зарурлиги.....	159
Мирсобитов М.М. Инновацион фаолиятни ривожлантиришда солиқ сиёсатининг рағбатлантириш йўналишлари.....	162
Абдуллаев С. Тадбиркорлик субъектларида камерал назоратни ўтказиш тартибини такомиллаштириш масалалари.....	164
Қурбонов И.Б. Ўзбекистонда пенсия жамғармасини хорижий мамлакатлар тажрибаси асосида такомиллаштириш.....	167
Мамадаминов Н.Ю. Ўзбекистонда электрон тижоратни ривожлантиришда солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш масалалари.....	172
Очилов С.Т. Ўзбекистонда инновацион фаолиятга солиқ механизмларининг таъсири.....	174
Нелюбова Н. Оценка эффективности налоговых льгот.....	177
Ахмедова Э. Унификация имущественных налогов – требование времени.....	181
Вахovatdinov F. Mahalliy byudjetlarning daromadlarini oshirishda mulkiy soliqlar va yer solig'ini to'lash mexanizmini takomillashtirish muhim omil.....	184
Norqulov M.Q, Hakimov U.F. Tadbirkolik subyektlariga yanada qulay shartsharoit yaratish orqali davlat byudjetini to'ldirish.....	185

Очилов А. Маҳаллий бюджет даромадларини кўпайтириш мақсадида жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солиқлари механизми ва маъмурчилигини такомиллаштириш.....	188
Мирзарахимов А., Бахромов Ш. Солиқ қонунларини бузганлиги учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини белгилаш масалалари.....	191
Байтанов Ў., Бахромов Ш., Мирзарахимов А. Тадбиркорлик субъектларини солиққа оид маъмурий жавобгарликларини ўзига хос хусусиятлари.....	194
Таслимов Ш. Даромадларни солиққа тортишда ижтимоий чегирмаларни қўллашнинг зарурлиги.....	196

2-ШЎЪБА

ЎЗБЕКИСТОНДА ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ҲУДУДЛАР ВА КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ РАВБАТЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Тухлиев Б.К. Инвестицияларни молиялаштириш манбалари ва уларни шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари.....	200
Кузиева Н.Р. Эркин иқтисодий ҳудудлар ва кичик саноат зоналари фаолияти самарадорлигини оширишда молия-солиқ механизмини такомиллаштириш йўллари.....	204
Умарова Г.Т. Эркин иқтисодий зоналарнинг аҳоли бандлигини оширишдаги аҳамияти.....	209
Кузиев Р.Р. Ўзбекистонда эркин иқтисодий ҳудудлар ва кичик саноат зоналар фаолиятини янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари..	212
Эшимбоева Д.Д. Эркин иқтисодий ҳудудлар ва кичик саноат зоналари фаолиятини молиявий-иқтисодий рағбатлантиришни такомиллаштириш масалалари.....	216
Yulchiboyeva M.S. O‘zbekistonda erkin iqtisodiy zonalar yaratishning iqtisodiyotdagi roli.....	219
Abdullayeva Z.A. Mamlakatimizda erkin iqtisodiy zonalar va kichik sanoat zonalarini faoliyatini samaradorligini oshirish yo‘llari.....	221
Рўзиев С.Р. Эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш орқали эришилаётган ҳамда келажақда кутилаётган натижалар.....	224
Ravshanova O.I. The role of tax policy to reduce the scale of Informal economy.....	226
Акрамов К., Юлдашев У. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг иқтисодий моҳияти ва уларга таъсир қилувчи омиллар.....	229
Джуманиязов Ш.Р. Ҳудудларда эркин иқтисодий зоналарни ривожлантириш.....	233
Гиясов С.А. Инновацион технологиялар асосида замонавий камерал солиқ назоратини ривожлантириш.....	236

3-ШЎЪБА

ХУДУДЛАРНИНГ САНОАТ ВА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ, ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ ҲИСОБИГА СОЛИҚ ТУШУМЛАРИНИ КЎПАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Набиев Э.Г., Мусаева З.Н. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда солиқ тушумларининг аҳамияти.....	240
Исроилов Б.И. Юридик шахсларнинг коррупция ҳолати бўйича жавобгарлигини белгилаш масалалари.....	245
Мухаммадиев Р.З. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида инновацион фаолиятни ривожлантириш йўналишлари ва истиқболлари.....	248
Кутбитдинова М.И. Худудларда хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш жараёнларида менежментдан фойдаланиш ва уни такомиллаштириш.....	250
Бутабаев М.Ш., Котов В.А. Пути повышения эффективности воздействия инвестиционной и налоговой политики на рост конкурентоспособности предприятий-экспортеров Узбекистана.....	252
Абдибаева Т.Х., Очилов О.И. Экспорт салоҳиятини оширишда инвестицияларнинг ўрни ва уларни бухгалтерия ҳисобида таснифлаш масалалари.....	256
Шарипова Д.Н. Меры по активизации экспорта товаров на основе биржевых и ярмарочных контрактов и взаимодействие налоговых и таможенных органов.....	260
Ғанибоев И.Ш. Қишлоқларда саноат ва хизмат кўрсатишни жадал ривожлантириш, солиқ тушумларини кўпайтириш ва аҳоли бандлиги даражасини янада оширишнинг асосий омилдир.....	265
Идирисов А.О., Каршиев О.Т. Ўзбекистон Республикаси президентининг парламентга мурожаатномаси юртимизда тадбиркорликни барқарор ривожлантиришнинг гарови.....	267
Мейлиев О.Р. Худудларни жадал ривожлантиришда солиқларнинг таъсирчанлигини ошириш масалалари.....	269
Шаакрамов К.К. Активизация предпринимательства - основа развития конкурентоспособной экономики.....	272
Алляяров Ф.А. Потенциал инструментов структурированного финансирования и его использование предприятиями-экспортерами.....	275
Хасанов О.М. Экологик хавфсизликнинг мазмун моҳияти ва унинг иқтисодий ривожланиш билан ўзаро боғлиқлиги.....	278
Нормурзаев У.Х. Таълим муассасалари битирувчиларнинг бандлигини таъминлашда солиқ механизмининг таъсирчанлигини ошириш масалалари.....	281
Рузиев Ғ.У. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни солиқлар воситасида рағбатлантириш масалалари....	285

Kazakhova M.Sh. Further ways of perfection of taxation of subjects of small business at the present stage of development of market relations.....	287
Умаров И.Ю. Озиқ-овқат саноатида инвестициялар самарадорлигини ошириш йўллари.....	289
Имамова Н.М. Экспорт корхоналарида бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш масалалари.....	293
Дусияров Ш. Х. Саноатни модернизациялашда солиқ механизмдан фойдаланиш.....	297
Камолов А. Инвестиция ресурсларини жалб қилишда солиқ механизмдан самарали фойдаланиш.....	301
Худоёрова О.К., Эшмуродов С.Т., Ашуров Н. Кичик бизнесда одоб ва маънавиятнинг ўрни.....	305
Закиров Ш.М. Целесообразность использования зарубежного опыта противодействия коррупции как фактор реализации стратегии действий по развитию Узбекистана.....	308

4-ШУЪБА

СОЛИҚ МАЪМУРЧИЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ҲАМДА СОЛИҚЛАР ВА БОШҚА МАЖБУРИЙ ТЎЛОВЛАРНИНГ ЙИГИЛУВЧАНЛИГИНИ ОШИРИШДА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ КЕНГАЙТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Djurayeva K.G. Davlat idoralari o'rtasida elektron hamkorlikni takomillashtirish asosida soliqlar va boshqa majburiy to'lovlarning yig'iluvchanlik darajasini oshirish.....	312
Тожиев И.И. Жисмоний шахсларнинг даромад солиғини ҳисоблашнинг иқтисодий-математик усуллар асосидаги таҳлили.....	316
Ismatullaev Sh., Muhamedov A. Rossiya federatsiyasi va O'zbekiston Respublikasi tashqi savdo aylanmasiga ta'sir etuvchi omillarning ekonometrik tahlili.....	319
Хайитматов У.Т., Джуманиязов Ш.Р. Эффективности использования информационных технологий в налоговых органах Узбекистана.....	323
Matchanov M.J., Matchanov O. Masofadan olingan ma'lumotlar orqali kadastr tizimini takomillashtirish mukammal soliq mexanizmining garovi....	326
Ахраров Б.С. Солиқ органлари ходимларининг касбий маҳоратлари ва уларнинг электрон давлат хизматлари кўрсатишдаги роли.....	328
Nasridinov S.S. Iqtisodiy masalalarga Simpleks usulining ikkilanganlik nazariyasini qo'llash.....	331

Ташмухамедов Д.М., Ташмухамедова Я.А. Солиқ маъмурчилигини такомиллаштиришда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш.....	334
Тошев Б. Суд-тергов фаолиятида коррупцияга қарши кураш самарадорлигини оширишда ахборот коммуникация технологияларини қўллашнинг аҳамияти.....	336
Vaxabova N.T. Elektron soliq xizmatlari portali – my.soliq.uz orqali ko‘rsatilayotgan elektron davlat xizmatlarning afzalliklari va muammolar....	340
Насимова Н.Ш. Ўзбекистонда солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш ҳамда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини оширишда АКТдан фойдаланишни кенгайтириш масалалари.....	343
Ҳахуева N.S. Soliq ma'muriyatchiligini takomillashtirishda axborot-kommunikatsiya texnologiyalarining o'rnini.....	345
Зайнутдинова М.Б., Асқаралиев О.У. Солиқ тизимида маълумотлар ишончилиги ҳамда бутунлигини таъминлаш муаммолари. электрон рақамли имзони шакллантириш ва текшириш.....	347

ПЛЕНАР ЙИВИЛИШ

КИРИШ СЎЗИ

Гадоев Эркин Файзиевичнинг, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси ўринбосари – Солиқ академияси ректори, иқтисод фанлари номзоди, доцент

Ассалому алайкум ҳурматли илмий анжуман қатнашчилари, устозлар ва азиз талабалар!

Маълумки, солиқ тизимини ислоҳ қилишдан кўзланган асосий мақсад – солиқ тўловчилар зиммасидаги солиқ юқини камайтириш орқали ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш ва иқтисодиётни барқарорлаштиришга эришишдир. Ҳар бир мамлакатда ҳам ушбу мақсадга фақат изчил солиқ сиёсатини амалга ошириш орқали эришилади.

Республикада сўнги йилларда солиқ ислохотларига алоҳида эътибор қаратилиб, солиқ органлари фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш, солиқ қонунчилигини соддалаштириш ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга қаратилган тенденцияси мунтазам амалга оширилиб келинмоқда.

Бу борада мухтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан сўнги пайтларда қабул қилинаётган Фармон ва қарорлар солиқ сиёсатини эркинлаштириш, тадбиркорликни ривожлантириш, ижтимоий соҳани рағбатлантириш, солиқ юқини камайтириш ҳамда солиқ маъмурчилигини такомиллаштиришга қаратилаётганлиги алоҳида аҳамиятга эга. Хусусан, республикада солиқ сиёсатида солиқ юқини тобора камайтириб боришга йўналтирилган тадбирлар кўрилмоқда ва солиқлар йилдан-йилга пасайиш тенденциясига эга бўлмоқда.

Бугунги кунда бизнинг назаримизда хорижий мамлакатларнинг солиқ маъмурчилиги соҳасида илғор тажрибаларини ўрганмасдан туриб миллий солиқ тизимини ислоҳ қилиш, бу борада қонунчилик нормаларини такомиллаштириш мураккаб жараён саналади.

Шу муносабат билан бугун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 6 мартдаги 178-Ф-сонли Фармойиши билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида 2018 йилда халқаро ва республика миқёсида ўтказиладиган илмий ва илмий-техникавий анжуманлар режаси”га мувофиқ Солиқ академиясида “Солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш

орқали солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш” мавзуида республика илмий-амалий конференция ўтказилмоқда.

Бугунги анжуманнинг илмий йўналиши солиққа тортиш назарияси ва амалиётининг долзарб жиҳатларини илмий-амалий тадқиқ қилиш, солиққа тортиш масаласида амалиётда синалган принцип ва ёндашувларни ишлаб чиқиш, солиқларни бошқаришнинг замонавий шакл ва методларини жорий этиш бўйича илмий таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишга ва бу борада бошқа мамлакатларнинг илғор тажрибаларини ўрганишга ва улардан фойдаланишга қаратилган.

Унинг вазифалари бўлиб ёш олим, илмий изланувчи ва магистрантларнинг интеллектуал ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш, уларнинг илм-фан соҳасидаги ютуқларини намоён этиш, илмий тадқиқот фаолиятини олиб бориш жараёнлари бўйича ўзаро ахборот ва тажриба алмашишни йўлга қўйиш, уларда илмий асосланган таклифларни ишлаб чиқиш кўникмаларни ҳосил қилиш ҳисобланади.

Бўлиб ўтадиган конференция ишида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш мақсадида солиқ юқини камайтириш, солиқларнинг рағбатлантирувчи таъсирини такомиллаштириш, солиққа тортишнинг замонавий метод ва механизмларини жорий этиш, бу борада бошқа мамлакатларнинг илғор тажрибасидан фойдаланиш, солиққа оид ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, профилактика қилиш ва бартараф этишнинг замонавий механизмларини жорий этиш, ҳамда солиқ тўловчиларга интерактив хизматлар кўрсатиш тизими имкониятларини кенгайтириш хусусида конференция иштирокчиларимизнинг илмий маърузалар эшитилади. Ва ўз навбатида конференция якунида конференция мавзуси бўйича иштирокчиларимизнинг илмий хулоса, билдирилган таклиф ва тавсиялари умумлаштирилади ҳамда улар тезислар тўпламида ўз ифодасини топади.

Ўйлайманки, бугунги анжуман мазмунан бой, юқори илмий савияда бўлиб ўтади, иштирокчилар ўзларининг илмий маъруза тезислари билан фаол қатнашиб, профессор-ўқитувчилар, илмий изланувчилар ўзларининг қизиқарли маълумотлари билан ўзаро ахборот алмашади, конференция иши доирасида республикамиз солиқ тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган илмий асосланган аниқ таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Шу боис, фурсатдан фойдаланиб, барча анжуман иштирокчиларига ўзимнинг самимий миннатдорчилигимни билдириб, уларга омад ва илмий изланишларида улкан ютуқлар тилайман.

ПРАВОВЫЕ АСПЕКТЫ ОТВЕТСТВЕННОСТЬ ЮРИДИЧЕСКИХ ЛИЦ ЗА СОВЕРШЕНИЕ КОРРУПЦИОННЫХ ПРАВОНАРУШЕНИЙ

В последнее время все более актуальным встает вопрос об уголовной ответственности юридического лица. Актуальность этой дискуссионной темы связывают, во-первых, с отсутствием действенных механизмов восстановления нарушенных прав юридическим лицом. Во-вторых, остро стоит вопрос о взыскании проблемной задолженности с юридических лиц, возникающий в связи с невозможностью результативно влиять на действия юридического лица в рамках правового поля. В-третьих, как показывает практика, большинство преступлений в экономической сфере совершается с помощью или в интересах юридических лиц.

В странах общего права изначально отрицательное отношение к возложению уголовной ответственности на корпорации по мере развития капитализма стало меняться. В Англии идея о том, что корпорация должна нести уголовную ответственность, получила признание с середины XIX в., когда суды стали выносить решения о признании корпораций виновными в нарушении статутных обязанностей. В США уголовная ответственность юридических лиц была признана конституционной Верховным судом страны в 1909 г.

Таким образом, до недавнего времени уголовная ответственность юридических лиц оставалась специфической чертой главным образом англо-американского уголовного права. Однако в последние годы все больше стран мира стали вводить рассматриваемый институт в свое уголовное законодательство.

Основным побудительным мотивом для признания уголовной ответственности юридических лиц стала необходимость борьбы с экономическими преступлениями, поскольку, как выяснилось, индивидуальная ответственность служащих корпораций не может даже в малой степени возместить причиняемый ущерб и предупредить совершение новых аналогичных правонарушений.

Процесс введения юридических лиц в сферу воздействия уголовного права активизировался в 80-е годы двадцатого столетия в связи с принятием рядом государств новых уголовных кодексов. Например, в 1976 году уголовная ответственность юридических лиц была установлена в Нидерландах, с 1991 г.

Норвегии, с 1992 г. Франции, с 1995 г. США, Финляндии, с 1997 г. Канаде, КНР, с 1999 г. Румынии, Словении, с 1998 г. Дании, Израиле, Ирландии, Исландии, с 2001 г. Бельгии, Венгрии, с 2002 г. Польши, с 2003 г. Швейцарии и др.

В настоящее время институт уголовной ответственности юридических лиц существует в законодательстве более чем 70 государств мира.

Главная проблема юридической конструкции уголовной ответственности юридического лица связана с субъективной стороной деяния. Как известно, обязательное условие уголовной ответственности - вина, понимаемая как психическое отношение лица к содеянному. Однако юридическое лицо, будучи юридической фикцией, не может иметь никакой психики и, соответственно, непосредственно к юридическому лицу понятие вины не применимо. Поэтому в тех странах, где закон допускает уголовную ответственность юридического лица, принято считать, что вина его воплощается в виновном поведении руководителей или представителей.

Уголовная ответственность юридического лица за виновные действия физических лиц наступает лишь в том случае, если указанные действия были совершены в пользу или во исполнение функций данного юридического лица.

Таким образом, ответственность юридических лиц обусловлена наличием двух обстоятельств:

1) преступное деяние должно быть совершено в пользу юридического лица 2) его руководителем или представителем.

УК Исландии и Норвегии предусматривают, что наказания к юридическому лицу могут быть применены даже в том случае, если конкретный виновник (физическое лицо) не установлен или не может быть наказан за преступление.

В Швейцарии уголовная ответственность юридических лиц за активный подкуп в государственном секторе действует с 1 октября 2003 г. Согласно уголовному законодательству с 1 июля 2006 года юридические лица могут быть признаны виновными в совершении активного подкупа в частном секторе. Наказание ограничивается штрафом, не превышающим 5 миллионов швейцарских франков. В случае повторного совершения преступления, либо если данное юридическое лицо одновременно признано виновным и в других правонарушениях, штраф может быть увеличен до 7,5 миллионов швейцарских франков.

Ответственность юридических лиц в Польше предусмотрена Актом от 28 октября 2002 года Об ответственности коллективных образований за

запрещенные наказуемые действия (Сборник законов от 27 ноября 2002 г., № 197/1661). Согласно закону все юридические лица, совершившие преступления на территории Республики Польша, несут квази-уголовную ответственность. Статья 16 закона содержит полный перечень преступлений, за совершение которых юридическое лицо может понести ответственность.

Закон предусматривает следующие санкции:

Штраф от 1 000 до 20 миллионов польских злотых PLN (приблизительно: от 250 до 5 миллионов Евро, от 330 до 6,6 миллионов долларов США), но не более 10% от выручки, полученной в налоговом году, в котором было совершено преступление;

Обязательная конфискация:

а) предметов, полученных (даже косвенно) в результате совершения запрещенного действия, а также предметов, использованных или предназначенных для использования в качестве средств для совершения запрещенного действия;

б) финансовой выгоды, полученной (даже косвенно) в результате совершения запрещенного действия;

в) суммы, эквивалентной объектам или финансовой выгоде, получаемым (даже косвенно) в результате совершения запрещенного действия, если только эти суммы не принадлежат другому лицу в порядке реституции;

Запрет на поддержку или рекламу осуществляемой предпринимательской деятельности, производимой продукции, оказываемых услуг или предоставляемых льгот;

Запрет на использование грантов, субсидий или иных форм финансовой поддержки, поступающих из государственных источников финансирования;

Запрет на использование помощи, предоставляемой международными организациями, в которых участвует Республика Польша;

Запрет на заключение контрактов на закупки для государственных нужд;

Запрет на осуществление указанной основной или второстепенной предпринимательской деятельности; и Общественное оглашение приговора.

В статье 20 Уголовного кодекса Литвы, регламентирующей условия ответственности юридических лиц, сказано, что «юридическое лицо отвечает за те преступные деяния, за которые предусмотрена уголовная ответственность предприятия» (ч.1 ст. 20 УК). Но не все юридические лица отвечает за преступные деяния. В части, 5 статья 20 УК Литвы сказано - «согласно настоящему кодексу не привлекается к уголовной ответственности государство, органы местного самоуправления, государственные органы и учреждения, а

также международные публичные лица».

Особым институтом является административная ответственность юридических лиц. В ряде государств законодатель пришел к выводу, что задачи уголовно-правовой охраны вполне можно решить путем применения к юридическим лицам административных санкций. В частности, административная ответственность юридических лиц введена в Германии, Италии, Португалии.

При этом размер административной санкции в виде штрафа в некоторых случаях может во много раз превышать размер уголовного штрафа для физических лиц.

Одна из очевидных особенностей уголовной ответственности юридических лиц по сравнению с физическими лицами - неприменимость к первым некоторых видов наказания (лишение свободы, исправительные работы).

Специфика юридического лица как субъекта уголовной ответственности потребовала создания для них обособленной системы наказаний. В тех странах, где ответственность юридических лиц носит "квазиуголовный" характер, более уместно говорить о системе уголовных мер или санкций.

Наиболее распространенным видом наказания для юридического лица является штраф - он предусмотрен во всех странах, где существует корпоративная уголовная ответственность (кроме Албании). При этом УК Дании, Исландии, КНР, Финляндии предусматривают штраф в качестве единственного вида наказания для юридических лиц.

В других странах законодатель предусматривает более или менее широкий выбор наказаний (санкций): 2 - в Норвегии, 4 - в Испании и Перу, 6 - в Бельгии, 9 - во Франции.

Как показывает анализ современного уголовного законодательства стран мира, помимо штрафа к корпорациям наиболее часто применяются следующие санкции: 1) специальная конфискация (Албания, Бельгия, Ирак, США, Франция); 2) ограничение деятельности юридического лица, в том числе запрет заниматься отдельными видами деятельности, закрытие подразделений или филиалов (Албания, Бельгия, Испания, Литва, Молдова, Перу, Франция); 3) временное прекращение деятельности юридического лица (Испания, Перу); 4) ликвидация юридического лица (Бельгия, Литва, Молдова, Перу, Франция); 5) публикация приговора (Бельгия, Франция).

ХУДУДЛАРНИНГ СОЛИҚ САЛОҲИЯТИНИ БАҲОЛАШ МЕТОДОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ


Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 июлдаги “Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида бюджетга солиқ тушумларини ишончли прогнозлаштириш фаолиятни такомиллаштириш, ҳудудларнинг солиқ салоҳиятини тизимли таҳлил қилиш орқали солиқ солиш объектларини тўлиқ қамраб олишни таъминлаш, ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятлари ва солиқ тўлаш салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда Давлат бюджети даромадлари прогноз кўрсаткичларининг холислиги ва асослигини баҳолаш, даромадлар прогнозини сифатли шакллантириш борасида етарлича муаммолар мавжудлиги ва ушбу жараёнларни такомиллаштириш борасидаги вазифалар белгилаб берилган эди. Дарҳақиқат, бугунги кунда давлат бюджети даромадларини прогноз қилишда ҳудудларнинг солиқ салоҳиятини ҳисобга олиш масаласига етарлича эътибор берилмай келинмоқда, ваҳоланки, солиқларни прогноз қилишнинг асосида солиқ потенциални аниқлаш ётади. Солиқ потенциални тўғри аниқлаш эса бюджетга солиқ тушумларининг келиб тушишини аниқлашда энг муҳим база бўлиб ҳисобланади.

Солиқ потенциални ҳам солиқни прогноз қилиш каби мураккаб иқтисодий жараён ҳисобланади. Солиқ потенциални иқтисодий муносабатлар маконида мавжуд бўлиб, молиявий ресурсларнинг ҳажмини, уларнинг шаклланиши ва тақсимланиши тартибларини ўзида акс эттиради. Солиқ потенциални аниқлаш прогноз кўрсаткичларини аниқлашда муҳим аҳамият касб этиши билан биргаликда у ҳудудлар бўйича бюджетлараро муносабатларни тартиблашда ҳам муҳим восита бўлиб хизмат қилади, ҳудуднинг потенциалига қараб субвенция, ссудаларни тақсимлаш механизмларини шакллантириш мумкин.

Таъкидлаш керакки, иқтисодий субъектларнинг солиқ потенциални уларнинг молиявий ресурсларга эгаллиги билан ўлчанади, давлат эса солиқ сиёсатини ишга солиш орқали ушбу молиявий ресурслар(потенциали)нинг қанча қисмини бюджетга ва бошқа мақсадларда олишни ойдинлаштиради, яъни молиявий ресурслар(потенциали)нинг қанча қисми солиқ потенциалига айланишининг чегарасини ўрнатади. Молиявий потенциал иқтисодий ресурсларнинг таркиби сифатида солиқ потенциални ўз таркибига олади, шу жиҳатдан молиявий ресурслар сифатида шаклланган даромад(фойда), айланма,

мол-мулк, номоддий мулк объектларининг маълум қисми юқорида таъкидланганидек, солиқ потенциалига айлантирилади.

Молиявий потенциал ўз таркибига шунингдек, барча молиявий ресурсларни қамраб олади, молиявий ресурсларнинг даражаси молиявий потенциалнинг қисми сифатида солиқ потенциалнинг ҳажмини аниқлаб беради. Шу ерда шуни ҳам таъкидлаш керакки молиявий ресурсларни ҳажмини ошириш ва уни тўғри бошқариш(тақсимлаш) солиқ потенциалнинг даражасига таъсир этувчи энг муҳим омиллардан бири сифатида қараш лозим. Молиявий ва солиқ потенциаллари бир-бирини тўлдирувчи категориялар сифатида бюджетни шакллантиришдаги роли фарқланади. Солиқ потенциали молиявий потенциалнинг бир қисми сифатида турли даражадаги бюджетларнинг даромад қисмини асосий шакллантирувчи манба бўлсада, аммо, молиявий ресурслар нафақат солиқ потенциали кўринишида, шунингдек, бошқа манбалар сифатида масалан, ички ва ташқи қарзлар(Ўзбекистон қонунчилигида бюджетнинг даромад манбалари сифатида ички ва ташқи қарзлар белгилаб қўйилган бўлсада амалда ундан фойдаланиш амалиёти мавжуд эмас), ҳомийлик шаклдаги манбалар, солиқсиз даромадлар шаклда тушади. Молиявий потенциал яна шунинг билан ҳам солиқ потенциалдан фарқланадики, ички ва ташқи хорижий инвестициялар мамлакат ва ҳудудларнинг муҳим молиявий потенциалини ҳам ташкил қилади.



1-расм. Солиқ потенциали ва бюджет тизимининг ўзаро алоқадорлиги

Солиқ потенциали ва бюджет тизими ўртасидаги ўзаро нисбат ва акс таъсир муносабатларининг самарадорлигини солиқларнинг адолатлилик тамойилининг мувозанат сифатида ўрнатилиши ва намоён бўлишидир. Мазкур концепция эса солиқ потенциалининг умумий ҳажми ва унинг реал ҳажмини аниқлаб беришга ҳам хизмат қилади. Давлат аниқланган солиқ потенциалининг маълум бир қисмини солиқ сиёсатини юритиш орқали турли даражадаги бюджетларга жалб қилиш билан биргаликда солиқ потенциалининг "эгалари"-солиқ тўловчиларнинг ўзларига турли тартибда унинг бир қисмини уларга киритилган марказлаштирилган инвестициялар, субсидиялар, бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақлари ва трансферт тўловлари сифатида қайтариб беради. Бу механизмдан шуни англаш мумкинки, бизнинг фикримизча солиқ потенциалининг умумий ва реал шаклини англаш керак лозим бўлади, бу бир томондан солиқ потенциалининг давлат ва уларнинг эгалари ўртасида тақсимланиш жараёнларини ҳам миқдор жиҳатдан ҳам сифат жиҳатдан кўрсатиб берса, бошқа томондан солиқ прогнози ва солиқ потенциалига бевосита боғлиқликда бўлган солиқ юки даражаси ва унга оид давлат сиёсатининг йўналишларини ишлаб чиқишда ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Миллий иқтисодиёт даражасида солиқ потенциали ҳажмини аниқроқ аниқлаш учун эса унинг ялпи кўрсаткичларини аниқлаш етарли бўлмайди. Бунинг учун эса ҳудудий, тармоқ ва корхоналар доирасидаги солиқ потенциалини аниқлашни тақозо этади. Ҳудудларнинг солиқ потенциали аввало уларнинг солиқ ресурсларига боғлиқ бўлади. Таъкидлаш керакки солиқ ресурслари солиқ потенциалидан кенгроқ ҳажмда бўлади ва ўз ичига солиқ потенциалини ҳам олади. Шу боисдан фикримизча ҳудудларнинг солиқ потенциалини аниқлашда солиқ ресурсларидан келиб чиқиш зарур бўлади:

$$\text{ҲСП} = \text{ҲСР} * \text{ЎСС} * \text{ЯИМўк. (1),}$$

Бу ерда: ҲСП-ҳудуднинг солиқ потенциали;

ҲСР-ҳудуднинг солиқ ресурслари;

ЯИМўк- ЯИМнинг ўртача ўсиш коэффициенти.

Ўз навбатида ҲСРнинг ҳажми ялпи ҳудудий маҳсулотга ҳудудда жойлашган солиқ тўловчилар томонидан юқори бюджетга тўланган умумдавлат солиқлари суммасининг чегирилгани ва юқори бюджетдан ҳудудда жойлашган юридик ва жисмоний шахсларга берилган барча турдаги трансферт тўловлари ҳажми суммасининг қўшилгани натижаси сифатида аниқланади, яъни:

$$\text{ҲСР} = \text{ҲЯМ} - (\text{УДС}) + (\text{ТТ}) \text{ (2),}$$

Бу ерда: ХЯМ - ҳудудий ялпи маҳсулот;

УДС- юқори бюджетга ўтказилган умумдавлат солиқлари

ТТ-юқори бюджетдан ҳудуддаги юридик ва жисмоний шахсларга барча турдаги трансферт тўловлари.

Таклиф этилаётган ушбу методнинг моҳияти шундан иборатки, ҳудуднинг солиқ потенциални аниқлашда унга таркибий жиҳатдан ёндошилади. Юқори бюджетга ўтказиладиган умумдавлат солиқлари гарчи ҳудуддаги солиқ тўловчиларнинг молиявий ресурси бўлсада, аммо бу ерда ҳудудий ёндошув бўлганлиги туфайли уни чиқариб ташлаб лозим бўлади. Чунки, юқорида айтиб ўтганимиздек, ҳудудий солиқ потенциални аниқлашдан яна бир мақсад бюджетлараро муносабатларни тартибга солишда ҳудудларнинг ҳақиқий имкониятларини аниқлаш керак бўлади. Мазкур метод эса ҳудудга нисбатан давлатнинг бюджет сиёсатининг йўналишларини аниқлашга ёрдам беради. Ўз навбатида эса охириги беш йил давомида ҳудуд маҳаллий бюджети ва унда жойлашган корхона ва аҳолига юқори бюджетдан берилган трансферт тўловларини солиқ ресурслари таркибида ҳисобга олиш керак бўлади. Сабаби бу маблағлар трансферт тўловини олувчиларнинг даромадлари манбаи сифатида ҳудуднинг молиявий ресурсларини кўпайтиради.

Мазкур жараёнда яна муҳим нарса миллий иқтисодиёт даражасида инфляция даражасини эътиборга олишдир. Чунки, солиқ ресурслари ва потенциал аслида номинал ялпи ҳудудий маҳсулотга нисбатан ҳисобланади, демакки, инфляциянинг ўртача даражаси эса солиқ потенциалнинг ҳажмини оширади, шу жиҳатдан юқорида келтирилган (2) формуламиз қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$\text{ХСР} = (\text{ХЯМ} - (\text{УДС}) + (\text{ТТ})) * \text{ИД} \quad (3).$$

Бу ерда: ИД-миллий иқтисодиётда инфляциянинг ўртача 5 йиллик даражаси(коэффициентда).

Ушбу метод орқали ҳудудларнинг солиқ потенциални аниқлашда зарур бўладиган ахборот манбалари ҳудудий статистик бошқармаси, молия бошқармаси ҳамда солиқ хизмати органларининг кўрсаткичлари ҳисобланади ва тегишли кўрсаткичларни аниқлаш учун маълумотлар эса айтиб ўтилган органларнинг фаолиятида доимий ҳисоблаб ва мониторинг қилиб борилади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ҳудудларнинг солиқ салоҳиятини баҳолаб бориш, унинг даражасига таъсир этувчи омилларни тизимли равишда таҳлил қилиб бориш, ҳудудлар кесимида солиқ салоҳиятининг табақалашув ҳолатларини аниқлаб, бюджет жараёнини прогнозлаштиришда эътиборга олиш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 июлдаги “Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида таъкидланганидек, бюджет даромадларини сифатли прогноз қилиш имкониятини беради.

*Ўрмонов Ж.Ж. - Солиқ академияси
“Солиқлар ва солиққа тортиш” кафедраси доценти, и.ф.н*

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИДА СОЛИҚҚА ТОРТИШ ТИЗИМИНИ СОДДАЛАШТИРИШ ВА СОЛИҚ МАЪМУРИЯТЧИЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш шароитида чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, солиқ сиёсатини янада эркинлаштириш, солиқ маъмуриятчилигини шаффофлигини таъминлаш, солиқ юкини камайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш ва уларга қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш, фаровон турмушини таъминлашда муҳим ўрин тутаётган тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш масаласи давлат сиёсатининг стратегик йўналишларидан биридир.¹ Республикада шаклланган солиқ сиёсати “Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва кудратли бўлади”² деган принцип асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш муҳим роль ўйнайди ҳамда республикада амалга оширилаётган иқтисодий сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича тасдиқланган Ҳаракатлар стратегиясининг “Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш” деб номланган учинчи йўналишида: макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш, солиқ

¹ Мирзиёев Ш.М. “Қонун устуворлиги – инсон манфаатларини таъминлашнинг муҳим омилidir” – Тошкент.: Халқ сўзи газетаси, 2017, 8 январ.

² Мирзиёев Ш.М. “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак.” – Тошкент.: Халқ сўзи газетаси, 2017, 15 январ

юкини камайтириш ва солиққа тортиш тизимини соддалаштириш сиёсатини давом эттириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва тегишли рағбатлантирувчи чораларни кенгайтириш каби чора-тадбирлар белгиланган.³

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 февралдаги “Солиқ қонунчилигини тубдан такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ф-5214-сонли фармойишига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг янги таҳрири лойиҳаси ва солиқ-бюджет сиёсатини такомиллаштириш концепцияси лойиҳасини тайёрлаш, солиқ қонунчилиги ва солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш юзасидан тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда қуйидаги вазифалар белгиланди:

– умумэътироф этилган халқаро норма ва стандартлар талаблари ҳамда бозор иқтисодиёти тамойилларига жавоб берадиган нормалар яратилиши;

– солиқ назоратининг хорижда кенг қўлланилаётган илғор ва синалган шакл ва усулларини жорий этишни ҳисобга олган, жумладан, халқаро эксперт ва маслаҳатчиларни жалб қилган ҳолда солиқ маъмуриятчилиги механизмларини қайта кўриб чиқиш;

– республика стратегик манфаатлари ҳамда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бугунги босқичини ҳисобга олган ҳолда, солиқ соҳасидаги халқаро-ҳуқуқий нормаларни миллий солиқ қонунчилигига имплементация қилиш, шунингдек, самарали давлат солиқ сиёсатини амалга ошириш;

– солиққа тортиш ва солиқ маъмуриятчилиги масалаларини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан икки хил талқин қилиниши мумкин бўлган нормаларни чиқариб ташлаш мақсадида уларни инвентаризация қилиш;

– тўғридан-тўғри амал қилувчи нормаларни кўпайтирган ҳолда, солиқ қонунчилигини унификация қилиш;

– солиққа тортиш тизимини соддалаштириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ҳамда солиқ тўловчилар ҳуқуқларининг ҳимоясини изчил таъминлаш;

– хўжалик юритувчи субъектларнинг умумий солиқ юкини пасайтириш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва хизмат кўрсатиш соҳасида солиқларнинг рағбатлантирувчи ролини кучайтириш, ресурслардан оқилона ва тежамли фойдаланишни таъминлаш, самарасиз солиқ ва йиғимларни бекор қилиш;

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони

– кичик ва йирик бизнес субъектларининг солиқ юкини максимал даражада баробарлаштиришга хизмат қиладиган усулларни жорий этиш;

– «солиқ имтиёзи» ва «солиқ преференцияси» тушунчаларини аниқ чегаралаш, вақтинча имтиёз бериш муддатларини белгилаш, шунингдек, самарасиз ва эскирган солиқ имтиёзларини қайта кўриб чиқиш ва бекор қилиш;

– тадбиркорларга бизнеснинг ўрта муддатли истиқболда ривожланишини асосли равишда прогноз қилиш имкониятига эга бўлишлари учун солиқ тизимининг барқарорлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш ва х.к.

Юқорида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, Солиқ кодексининг янги тахрири лойиҳаси ва солиқ-бюджет сиёсатини такомиллаштириш концепцияси лойиҳасини тайёрлаш, солиқ қонунчилиги ва солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқилди. Хусусан:

Тадқиқотлар кўрсатмоқдаки, “солиқ имтиёзи” ва “солиқ преференцияси” тушунчалари хусусида иқтисодчи олимлар томонидан турли хил фикрлар ва ёндашувлар мавжуд бўлиб, ягона бир таърифга келинмаган. Шунингдек, “Солиқ преференцияси” тушунчаси меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларда, луғатларда шу жумладан Солиқ кодексида белгиланмаган. Шу муносабат билан, Солиқ кодексининг 30-моддасига қуйидагича ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқлиги таъкидланган:

Солиқ имтиёзи – қонун ҳужжатларига асосан, давлат томонидан солиқ тўловчилар учун солиқ юкини камайтириш ва мажбуриятини қисқартириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўламаслик ёхуд уларни камроқ миқдорда тўлаш имконияти солиқ имтиёзи деб эътироф этиш мумкин.⁴

Солиқ преференцияси – (praeferentis - афзалликлар) лотинча сўзидан олинган бўлиб, давлат томонидан қонун ҳужжатларига асосан, иқтисодиётни тартибга солиш ва ривожлантириш мақсадида, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, солиқ тўловчилар учун солиқ мажбуриятини бажаришда қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича тақдим қилинадиган афзаллик (енгиллик) ва устуворликлар деб муаллифлик таърифи ишлаб чиқилди.⁵

Шунингдек, “Солиқ маъмуриятчилиги” тушунчаси ва унинг таърифи хусусида ҳам иқтисодчи олимлар томонидан турли хил фикрлар ва ёндашувлар мавжуд бўлиб, ягона бир таърифга келинмаган. Шундан келиб чиқиб,

⁴Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган. Хайдаров Н.Х., Урмонов Ж.Ж. Солиқ имтиёзлари ва преференцияларининг назарий асослари // Молия. 2016. – №6. –Б. 68-76.

⁵Гадоев Э.Ф., Кузиева Н.Р., Ашурова Н.Б., Ўрмонов Ж.Ж. Юридик шахсларни солиққа тортиш. Дарслик. 2-нашр. – Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2017. – 381-382 б.

тадқиқотчи томонидан солиқ маъмуриятчилиги тушунчасига муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган ва солиқ кодексининг 22-моддасига киритиш лозимлиги асосланган.

Солиқ маъмуриятчилиги – солиқлар ва солиқ объектларини ҳисобга олиш, солиқ назоратини амалга ошириш, солиқ оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни белгилаш, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши ва солиқ муносабатлари иштирокчиларининг мажбуриятларини бажарилишини назорат қилиш бўйича давлат фискал органлари фаолиятини мувофиқлаштириб турувчи солиқ муносабатларини бошқариш тизими⁶ деб таъриф берилди.

Солиқ мониторинги натижалари бўйича аниқланган ҳуқуқбузарликлар учун барча турдаги жавобгарликни давлат солиқ хизмати органлари мансабдор шахслар зиммасига юклатилиши тартибни жорий этиш. Амалдаги қонунчиликда ушбу ҳуқуқий меъёр белгиланмаган.

Камерал назорат натижаси бўйича солиқ базасини аниқлаш учун зарур бўлган маълумотлар, ахборотлар ва ҳужжатларни олиш ва солиқ назорати сифатлилигини таъминлаш мақсадида, давлат солиқ хизмати органларига камерал назорати ўтказиш даврида беш кунгача бўлган муддатда солиқ тўловчи ҳузурида молия хўжалик фаолиятига аралашмаган ҳолда сайёр (жойига чиқиш) камерал назорат турини жорий этиш.

Қўшилган қиймат солиғини тўлаш тартибини барча юридик шахсларга татбиқ этиш, бунда стандарт солиқ ставкасини 15 фоиз ва кичик корхоналарга 12 фоиз миқдорида белгилаш.

Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида ҳисоб-китоб шаклидан келиб чиққан ҳолда сунъий равишда нархларни ошириш ёки тушириш ҳисоб-китоб терминалларини қўллашнинг белгиланган тартибини бузиш деб баҳоланади ва бундай ҳаракатлар учун белгиланган ЭКИҲнинг 30 баробари миқдоридаги жарима миқдорини қўллашни аниқлаштириш мақсадида, Солиқ кодексининг 119-моддасига молиявий санкция эканлиги тўғрисида алоҳида банд киритиш мақсадга мувофиқ.

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорлигини ундириш ва мол-мулкни хатлаш ҳамда суд қарори ижросини таъминлаш ваколатини солиқ органларига бериш.

Россия Федерациясида соддалашган солиқ тизимига ўтиш учун янги ташкил этилган тадбиркорлик субъектлари рўйхатдан ўтишда тегишли

⁶ Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди

ҳужжатларни тақдим этиш билан бир вақтда танлашлари мумкин. Агар рўйхатдан ўтиш пайтида танламаган бўлса, уларга яна 30 кун муддат танлаш учун имконият берилади.⁷ Шундан келиб чиқиб, тадбиркорлик субъектларини “ягона дарча” марказларида рўйхатдан ўтказиш даврида солиқ солиш тартибини танлаш имкониятини бериш ва уларга қонунчиликдаги солиқ имтиёзлари ва преференциялар ҳақида маълумотлар билан таништириш тартибини жорий этиш лозим.

Кичик тадбиркорлик субъектларига йиллик товар айланмасини қаратилиши албатта ижобий. Кичик корхоналарни солиққа тортишнинг жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб, микрофирма ва кичик корхоналарни аниқлаш мезонларига, ишловчилар сони билан бирга, реализация ҳажмини (товар айланма) ҳам киритиш билан биргаликда, микрофирма, кичик корхона ва ўрта корхона мезонларини киритиш зарур деб ҳисоблаймиз.

Юқорида билдирилган таклифлар ва тавсиялар тадбиркорлик фаолиятини солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш, тадбиркорликка қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, Ўзбекистон иқтисодиётининг жадал суръатларда ривожланиб, бизнесни юритишда рейтингини кўтарилиши ва пировардида мамлакат иқтисодиётида хусусий мулкни ролини ошишига хизмат қилади.

⁷ Налоговый Кодекс Российской Федерации глава 26 статья 346. – М.: «Гросс-Медиа», 2008. –С. 525.

1-ШЎЪБА
СОЛИҚ МАЪМУРИЯТЧИЛИГИ ВА СОЛИҚЛАРНИНГ ТЎЛИҚ
ЙИГИЛУВЧАНЛИГИНИ ОШИРИШ ОРҚАЛИ СОЛИҚ-БЮДЖЕТ
СИЁСАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Камилов М. М. - Солиқ академияси
“Солиқлар ва солиққа тортиш” кафедраси доценти, и.ф.н

СОЛИҚ МАЪМУРЧИЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ТИЗИМ
ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИНГ
ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ.

Солиқ тизимида кадрларни тўғри танлаш, шу жумладан уларни касбий тайёргарлиги ва малака ошириш жараёнларини такомиллаштириш республикамизда солиқ тизимини ташкил этилиши ва ривожланиши даврларидан буён ҳозирги давргача долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Давлат солиқ хизмати органлари ходимлари ўзларига юклатилган функционал вазифаларини етарли даражада ижро этиши лозимлигидан келиб чиқиб, улар ўз малака даражаларини ошириб бориши шартдир.

Бу ерда кўзланган асосий мақсад – ўқув-тарбия жараёнини юқори илмий-услубий даражада таъминлаш, малакавий талаблар, ўқув режалари ва дастурлари асосида тингловчиларнинг касбий маҳоратини доимий равишда ривожлантиришга кўмаклашиш учун зарур бўлган касбий билимлар, кўникмалар ва маҳоратларни мунтазам равишда янгилаб боришдан иборатдир.

Маълумотларга кўра, давлат солиқ хизмати органлари бошқарув ходимларининг чекланган сони 12 131 нафар, шу жумладан кўмита марказий аппаратида 263 нафар этиб белгиланган. Бугунги кунда тизимда ишлайдиган ходимлардан 3 мингга яқин нафари бир йил давомида ўз малакаларини оширадilar. Бир ходим учун уч йилда бир марта малака ошириш талаби белгиланганлигини инобатга олсак, бу кўрсаткични 4 мингтага етказиш лозим ҳисобланади. Лекин, буни амалга ошириш учун албатта қўшимча ўқув аудиториялари, ўқув қуроллари, дарс берувчи малакали ўқитувчи ва тажрибали амалиётчи мутахассисларни жалб этиш лозим бўлади. Бу эса ҳам маблағ ажратилишини, ҳам ўқитувчи кадрлар ресурси билан таъминлашни тақозо этади.

Тизим ходимларини солиқ маъмурчилигининг энг долзарб масалаларини ўз ичига олган дастурлар асосида 20 дан ошиқ тоифа йўналишларида малакаси оширилади. Ҳар ўқув йилида малака ошириш ўқув режалари қайта кўриб чиқилиши ҳамда янги мавзуларда дарс машғулотлари ўтилиши ташкил этилган. Тингловчиларга маърузалар солиқ академияси томонидан ишлаб чиқилган ўқув-услугий комплекслари асосида ўтилади. Ўқув дастурлари иқтисодий ривожланиш, солиқ ва молия сиёсати, бошқарув ҳамда замонавий ахборот технологияларни қўллашнинг ҳозирги талабларга жавоб берадиган кенг қамровли масалаларни ўз ичига олади.

Шунингдек, мутахассислик таълим дастурларини ўқитиш жараёнига амалий тажрибага бой ва ўқитувчилик фаолиятида юқори малакали ҳамда соҳасида таниқли ҳисобланган мутахассисларни жалб этиш амалиёти кенг қўлланилиб келинмоқда.

Ўқув жараёнини сифатли таъминлаш ва тингловчиларни қулай шароитларда малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш учун етарли моддий-техника базаси мавжуд бўлиб, давлат интернет сайтлари, ички идоравий ҳужжатларнинг электрон-ахборот тизимидан фойдаланиш имконияти яратилган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг солиқ хизмати органлари ходимларининг касбий маҳоратини ошириш режаси асосида учта йўналишда куйидаги курсларда ўқиш ташкил этилади:

- Асосий фаолият йўналишлари бўйича малака ошириш курслари;
- Замонавий бошқарув усулларига бағишланган малака ошириш курслари (раҳбарлар ва раҳбарлик лавозимларига захирага олинган кадрлар учун);
- «Молиявий-иқтисодий хавфсизлик» махсус курси.

Бундан ташқари, ҳар йили ноиқтисодий олий маълумотга эга бўлган солиқ тизими ходимлари бир йиллик қайта тайёрлаш курсларида таълим олиши имкониятига эгадир.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнини мониторинг қилиш, ҳисоботларни таҳлил қилиш ва тартибга солиш мақсадида «Кадрларга оид маълумотлар базаси» дастурий маҳсулининг малака ошириш қисми (модули) такомиллаштирилиб амалиётга жорий этилганини алоҳида таъкидлаш жоиздир.

Шунингдек, малака ошириш курси тингловчиларининг билимларини кириш ва якуний тест синови орқали назорат қилиш ва баҳолаш тизимини алоҳида эътироф этиш лозим. Машғулотлар сифатини назорат қилиш бўйича ишчи гуруҳининг дарс жараёнини мунтазам ўрганилиши албатта, ҳам

тингловчиларнинг ҳам таълим берувчи профессор-ўқитувчиларнинг бу борадаги масъулиятини ошириши муқаррардир.

Тингловчиларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарор ва Фармойишлари ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатларни мустақил равишда ўрганишларини ташкиллаштириш ҳамда Тошкент шаҳридаги ҳудудий Давлат солиқ инспекцияларида ўзаро иш тажрибасини алмашиш тизимини янада такомиллаштириш, шак-шубҳасиз уларнинг билим ва кўникмаларини янада ошиши имконини беради.

Ходимлар малакасини ошириш борасида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Адлия вазирлиги, Олий суд, Олий ҳарбий божхона институти, ИИБ Академияси ва бошқа мутасадди идоралар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш ва тажриба алмашиш тизимини яна такомиллаштириш бугунги кунда айниқса жуда муҳимдир.

Республикамиздаги бошқа вазирлик ва идоралар ходимларини малакасини ошириш тизими билан яқинроқ танишиш ва ўзаро тажриба алмашиш йўлга қўйилиши солиқ тизимининг бу борадаги фаолиятини янада такомиллаштириш имконини беради.

Россия Федерациясида солиқ хизмати органлари ходимлари малакасини ошириш асосан иккита Институтда, жумладан Шимолий-ғарбий ва Волгабўйи (Северо-Западный и Приволжский институты повышения квалификации ФНС России) малака ошириш институтларида амалга оширилади. Институтларнинг таркибий тузилмаси, ўқув режалари ва иш фаолиятларини www.nalogprof.ru, www.crrp-nnov.nal интернет сайтларида келтирилган расмий маълумотлари асосида атрофлича ўрганиб чиқилди.

Республикамиз ва хориж давлатлар малака ошириш тизими иш тажрибасидан келиб чиқиб, солиқ ходимларини малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш зарур деб ҳисоблаймиз.

Солиқ тизими ходимларининг касбий билим даражаси ва малакасининг доимий ўсиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш ва ҳар томонлама кўмаклашиш, замонавий талабларга мувофиқ уларни мунтазам равишда қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг такомиллаштирилган тизимини жорий этишга қуйидаги йўллар орқали амалга оширилиши лозим:

- малака ошириш курсларида ўқиш давомийлигини камида 144 соатлик юклама асосида бир ойлик муддат этиб белгилаш;

- ходимнинг малака ошириши уч йилда бир мартаба белгиланган талабдан келиб чиқиб, ҳудудий давлат солиқ бошқармалари ёки олий таълим муассасалари негизда малака ошириш маркази филиалларини ташкил этиш;

- кадрларнинг касбий билим даражасини мунтазам ошириш асосида уларнинг қонунчилик нормалари, назария, илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқитилаётган фанлар бўйича инновациялар соҳасидаги сўнгги ютуқларни чуқур ўрганиш;

- юқори самарали замонавий таълим технологияларини, илғор хорижий тажрибани кенг жорий этган ҳолда кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича малака талаблари, ўқув режалари, дастур ва услубларини тубдан янгилаш, кадрларнинг фаолиятини зарур даражада ташкил этиш ва самардорлигини таъминлаш;

- интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларидан фойдаланган ҳолда, ахборот-коммуникация технологияларини эгаллаш ва уларни хизмат жараёнига фаол татбиқ этиш.

Хулоса ўрнида мазкур таклифларимиз тизим ходимларининг касбий билим ва малака даражасини ошириши билан бирга солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш ва солиқ йиғилувчанлигини ошириш каби долзарб вазифаларини ижросини таъминлашга бевосита ёрдам беради деб ўйлаймиз.

*Қутбиддинова М. И. – Солиқ академияси
“Иқтисодий фанлар” кафедраси мудири, и.ф.н.*

ИҚТИСОДИЁТНИ СОЛИҚЛАР ОРҚАЛИ БОШҚАРИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Ҳозирги шароитда мамлакат иқтисодиётини модернизациялаш, солиқ тизимидаги иқтисодий ислохотларни янада такомиллаштириш ва уни амалга ошириш, солиқларнинг рағбатлантирувчи функциясини кучайтириш, кичик бизнес субъектларини ривожлантириш ва унинг иқтисодиётда тутган ўрнини янада мустаҳкамлаш ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим масалаларига айланиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 13 февралдаги “Солиқ қонунчилигини тубдан такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармойишига мувофиқ ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасининг солиқ тизимини ислох қилиш

концепцияси ҳозирги кунда жамоатчилик ҳукмига ҳавола қилиниб муҳокама қилиниши бу жараён нечоғлик аҳамиятли эканлигидан далолат беради. Хусусан, бугунги кунда Солиқ кодексининг 23-моддасига асосан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар турлари келтирилган. Мазкур концепция доирасида юридик ва жисмоний шахслар томонидан тўланадиган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг оптималлаштирилиши ҳисобига солиқ тизимини янада тартибга солиш режалаштирилмоқда. Бу ҳодиса аҳоли учун солиқ юкини камайтириш ва унинг шаффофлигини таъминлашдаги муҳим жараёнлардан бири бўлиб ҳисобланишини қайд этиш лозим.

Солиқ турларини қисқартириш билан бир қаторда уларнинг ставкаларини ҳам пасайтириб бориш назарда тутилмоқда. Биргина маҳсулот ва хизматлар нархини белгилашга бевосита таъсир кўрсатувчи қўшимча қиймат солиғи ставкаси амалдаги 20 фоиздан 12 фоизга пасайтириш режалаштирилган ва бу оптимал даражада эканлиги сезилмоқда.

Иқтисодиётнинг турли соҳаларидан олинадиган даромадлардан солиқ ундириш ва тақсимлаш жараёнида қиймат мутаносиблигини таъминлаш учун шарт-шароит яратилиши солиқларни менежмент функциясида ўз ифодасини топади ва янада такомиллашади. У орқали солиқ солиш самарадорлиги баҳоланади, солиқ сиёсати ва солиқ тизимига қандай ўзгартиришлар киритиш зарурати аниқланади.

Солиқларнинг назорат функциясини самарали амалга ошириш, биринчи навбатда, солиқ интизомига боғлиқ. Бу функциянинг моҳияти солиқ тўловчиларнинг (юридик ва жисмоний шахсларнинг) белгиланган солиқларни ўз вақтида ва тўлиқ тўлашини таъминлашдан иборат. Солиқ функцияларини амалга ошириш давлатга, иқтисодиётга, ишлаб чиқаришнинг барча жараёнларига амалий таъсир кўрсатиш имконини беради. Ривожланган давлатлар тажрибаси иқтисодий ривожланишнинг ҳозирги босқичида солиқларнинг анъанавий функцияларига тегишли ўзгартиришлар киритиш заруратини туғдираётганидан далолат беради. Солиқлар ва уларнинг функциялари иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилишни, инвестициявий фаолликни, ресурсларни тежашни рағбатлантириши зарур.

Иқтисодий ўсиш ва уни рағбатлантириш шароитида солиқ солиш – давлатнинг иқтисодиётни тартибга солишнинг энг фаол усулларида биридир. Бу иқтисодий ўсишни ва ижтимоий жараёнларни кучайтириши ёки пасайтириши мумкин. Хорижий мамлакатларда иқтисодиётни солиқлар

ёрдамида тартибга солиш инқирозга қарши дастурларнинг энг таъсирчан воситаларидан ҳисобланади.

Давлат барча субъектлар учун ўрнатилган солиқ ставкаларини пасайтириш, солиқ солинадиган базани камайтириш, солиқ тўловлари муддатини узайтириш, солиқ кредитлари ажратиш ва бошқа чоралар билан муайян корхоналар ва фуқароларни молиявий қўллаб-қувватлайди. Давлат бу солиқлар ва йиғимлардан тушган маблағни, биринчи навбатда, сарф қилинган ресурсларни (энг аввало, табиий ресурсларни) тиклаш, шунингдек, иқтисодий ўсишни таъминлаш учун ишлаб чиқаришга жалб қилиш кўламларини кенгайтиришга йўналтиради

Солиқларнинг тартибга солиш функцияси ижтимоий-иқтисодий хусусиятга эга бўлиб унинг воситасида аҳоли таркибидаги айрим ижтимоий гуруҳлар даромадлари ўртасидаги нисбатнинг мутаносиблиги назорат қилиб турилади. Солиқларни тартибга солиш функцияси йўналишининг роли, айниқса иқтисодий инқирозлар пайтида кучаяди. Бундай вазиятларда иқтисодиётнинг сердаромад соҳалари ва сердаромад жисмоний шахслардан ундириладиган солиқлар миқдори оширилади, қўшимча ундирилган маблағлар аҳолининг кам таъминланган қатламлари ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга йўналтирилади.

Солиқлар функцияларини амалга ошириш давлатга, иқтисодиётга, ишлаб чиқаришнинг барча жараёнларига амалий таъсир кўрсатиш имконини беради. Ривожланган давлатлар тажрибаси иқтисодий ривожланишнинг ҳозирги босқичида солиқларнинг анъанавий функцияларига тегишли ўзгартиришлар киритиш заруратини туғдираётганидан далолат беради. Шу маънода солиқлар ва уларнинг функциялари иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилишни, инвестициявий фаолликни, ресурсларни тежашни рағбатлантириши зарур.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки:

биринчидан, ижтимоий тўлов ва бюджетдан ташқари мажбурий ажратмаларнинг бекор қилиниши ҳисобига солиқ тизимини тартибга солиш жараёни иш берувчиларнинг иш ҳақи фондлари миқдорини аҳолининг зарурий эҳтиёжларини қондира билиш даражасида шакллантиришга эришиш;

иккинчидан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини солиқ тўлашдаги тафовутга умуман ўрин қолдирмаслик даркор. Бу ҳолат солиқ ундиришда шаффофликни таъминлаш ва ҳамма учун бир хил иқтисодий шарт-шароитлар яратиш имконини беради.

БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИДА МАҲСУЛОТ ТАННАРХИНИ АНИҚЛАШНИНГ МОДЕЛЛАРИ

Мамлакатимизда бухгалтерия ҳисобини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида ташкил қилиниши ҳисобнинг методологик масалаларини қайта кўриб чиқишни талаб қилади. Бухгалтерия бошқарув ҳисобининг методологик масалалари ичида ишлаб чиқариш харажатларининг таркиби ва унинг ҳисоби муҳим ҳисобланади. Чунки ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархининг шаклланиши, ишлаб чиқариш харажатлари таснифи ва таркибига боғлиқ. Республикамизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар талабларидан бири - бу ишлаб чиқариш таннархини пасайтириш бўлиб ҳисобланади. Ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш ва маҳсулот таннархини пасайтириш бўйича аниқ амалий ишларни амалга ошириш учун, харажатлар таркибини ўрганиш асосида қайта кўриб чиқиш зарур бўлади. Шунини алоҳида қайд этиш керакки, маҳсулот таннархини пасайтириш маҳсулот сифатига салбий таъсир қилмаган ҳолда амалга ошириш лозим.

Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ҳолатини характерловчи ва фойдани шакллантирадиган асосий кўрсаткичлардан бири харажатдир. Корхона харажатлари биринчидан, унинг молиявий натижаларини аниқлашда қатнашса, иккинчидан, солиққа тортиш базасини аниқлашда қатнашади. Солиққа тортиш базасини аниқлашда қатнашиши натижасида солиқ харажатлари тушунчаси намоён бўлади.

Молиявий Ҳисоботнинг Халқаро Стандартларида (МҲХС) харажатларни ҳисобга олиш ва уларни тақсимлаш бўйича алоҳида стандарт мавжуд эмас. Шунинг учун харажатлар бир нечта бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларида, жумладан: 2-“Товар-моддий захиралар”, 16-“Асосий воситалар”, 19 – «Ходимларнинг даромадлари» каби стандартларига асосан ҳисобга олинади. МҲХС 2-“Товар-моддий захиралар” да ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини калькуляция қилишни ҳисобга олишда икки гуруҳга ажратилади – маҳсулотга (таннархга олиб бориладиган) харажатлар ва давр харажатларига⁸. Бу стандартга асосан харажатларни ҳисобга ва тан олиш бошланғич ҳужжатларга асосланмайди, балки бухгалтернинг

⁸ МҲХС 2- “Товар-моддий захиралар”

мутахассислик фикрлашига кўра иқтисодий нафнинг камайишига асосланади. Мамлакатимизда харажатларни ҳисобга олиш ҳамда тан олишда тегишли тартибда расмийлаштирилган хужжатларга асосланади. Харажатлар ҳисобининг асосий мақсади – бу харажатларни бошқариш учун зарур бўлган ҳақиқий ишлаб чиқариш харажатларини кўп сонли ҳисоб объектлари ва белгиларига кўра аниқлаш ҳамда акс эттиришдир. В.Ф.Палийнинг фикрича ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобининг объекти бўлиб, таннархни аниқлаш мақсадида ҳар хил белгиларига кўра гуруҳлаштирилган ҳақиқий ишлаб чиқариш харажатларидир.⁹ Таннарх категориясини моҳиятини аниқлаб олдик, энди уни ҳисоблашнинг қандай моделлари борлиги тўғрисида фикр юритамиз.

Жаҳон амалиётида бошқарув ҳисобида таннархни аниқлашнинг бир қанча моделлари мавжуд, жумладан: норматив, “Стандарт-кост”, “Директ-костинг”, “JIT”(Just in Time), ABC (“Activity-Based Costing”), “Абсорпшен-костинг” (Absorption Costing) ва бошқалар. Хорижий мамлакатларда бухгалтерия ҳисобини юритишнинг замонавий шароитида стратегик ва тактик хусусиятга эга бўлган бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёни корхонанинг харажатлари ва молиявий натижалари ҳақидаги ахборотга таянади. Юқорида келтирилган бошқарув ҳисобида қўлланинадиган таннархни аниқлаш методларининг моҳиятига асосан уларнинг таснифини

1- расмда келтирдик.

CIMA-(The Chartered Institute of Management Accountants) томонидан олиб борган тадқиқотларга асосланган ҳолда хориж амалиётида бошқарув ҳисобини ташкил қилишда таннархни калькуляция (ишлаб чиқариш ҳисоби инструменти) қилишда Overhead alloction 9 харажатларни тақсимлаш), шунингдек фарқлар(чекланишлар) таҳлили (Variance analysis) ва Standart costing (“Стандарт-кост”) ва Full (absorption) costing (“Абсорпшен-костинг”) методларидан кенг фойдаланиши кўрсатилган.¹⁰

Биз томондан маҳсулот таннархини ҳисоблашнинг амалиётда қўлланинадиган оддий, «директ-костинг» (“Direct-Costing) ва «ABC» (“Activity-Based Costing”) методлари ёрдамида таннарх ҳисобланди. Маълумотлар солиштирилиб, таҳлил қилинганда натижа қуйидагича бўлди, таннархни «директ- костинг» ва “ABC” методларини қўллаган ҳолда маҳсулот таннархини ҳисоблаш хўжалик юритувчи субъектлар учун фойдалироқ усуллар бўлиб ҳисобланар экан. Чунки «директ- костинг» методини қўллаганда умумий

⁹ Палий В. Ф., Палий В. В. Управленческий учет - новое прочтение внутрихозяйственного расчета . Бухгалтерский учет, - 2000, - №17.

¹⁰ CIMA- “Management Accountants tools today and tomorrow-2009”. www.cimaglobal.com/ma.

рентабеллик кўрсаткичи 27,71 фоизни, “ABC” методи бўйича эса 23,21 фоизни ташкил этмоқда.

1 – жадвал

**Бошқарув ҳисобида қўлланинадиган таннархни аниқлаш
методларининг таснифи**

Бошқарув ҳисобининг методлари	Маҳсулот таннархига олиб бориладиган харажатлар	Давр харажатлари
“Стандарт-кост” Standart costing методи	Таннарх олдинги йилларнинг ўртача харажатлар, маҳсулотларга қилинган харажатлар белгиланган нормативларга асосан аниқланади	Ҳақиқий ва режалаштирилган харажатлар ўртасидаги фарқ
“Директ-костинг” Direct-Costing методи	Бевосита материал, бевосита меҳнат, билвосита умум ишлаб чиқариш харажатлари	Доимий умум ишлаб чиқариш харажатлари, тижорат харажатлари, бошқарув харажатлари
“Абсорпшен-костинг” Absorption Costing методи	Бевосита материал, бевосита меҳнат, ўзгарувчан ва доимий умум ишлаб чиқариш харажатлари	Тижорат харажатлари, бошқарув харажатлари
“JIT” “Just in Time” методи	Материал харажатлар	Меҳнат ҳақи харажатлари, умум ишлаб чиқариш харажатлари, маъмурий харажатлар, сотиш харажатлари
ABC “Activity Based Costing” методи	Маълум бир фаолиятга тааллуқли барча харажатлар (ишлаб чиқариш жараёнига)	Ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган харажатлар, маҳсулотни ишлаб чиқариш, тайёрлаш, ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича харажатларнинг бир қисми

Юқоридагиларга асосланган ҳолда қуйидагича хулоса қилишимиз мумкин: мамлакатимиз амалиётида маҳсулот таннархини аниқлашда замонавий «директ-костинг» ва “ABC” методларини қўллаш мақсадга мувофиқдир.

БИР НЕЧА ФАОЛИЯТ ЮРИТИШДА ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИ ҲИСОБИ

Амалдаги солиқ қонунчилигига кўра кичик бизнес субъектлари бир неча фаолият билан шуғулланишлари ва алоҳида-алоҳида ҳисоб юритишлари мумкинлиги белгиланган. Аммо, мазкур норманинг амалий татбиқи кичик бизнес субъектларида айрим муаммоли масалаларни келтириб чиқармоқда.

Масалани моҳиятини тушунтириш учун бир неча ҳолатдан биттасини тадқиқот объектими мисолида кўриб чиқамиз. Хўжалик юритувчи субъект (кичик бизнес) ишчилар сони мезони доирасида 2-3 хил фаолият билан шуғулланади. Шундан биттаси қурилиш фаолияти бўлиб, ёз ойларида қурилиш бўйича тендерда ғолиб чиқди. Тендер бўйича ишларни ўз вақтида бажарай деса қўшимча ишчиларни олиши ҳамда ишчилар мезонидан чиқиб кетиши керак. Ихтиёрий асосда қўшилган қиймат солиғига ўтай деса, бошқа фаолият турларига салбий таъсир кўрсатади, умумбелгиланган солиқ тўлашга ўтай деса кейинги ҳисобот даврини кутиб вақт ўтказишига ёки умумбелгиланган солиқлар суммасининг кўпайиб корхона зарар билан чиқишига олиб келади. Савол туғилади? Тендер корхонага ғалабами ёки берилган жазоми? Нима қилиш керак? Биринчи йўли-тендердан воз кечиш, иккинчиси «конверт усули»да ҳақ тўлаб ишчилар сонини яшириш.

Ўрганишлардан маълум бўлишича солиқ қонунчилигининг нормалари талқини кичик бизнес субъектлари учун тушунарли эмаслиги ёки норма фаолиятни чеклаб қўяётганлигини кўришимиз мумкин. Олиб борилган тадқиқот жараёнида кичик бизнес субъектлари бир неча фаолият олиб боришда ихтиёрий асосда қўшилган қиймат солиғига ўтиб муаммоли вазиятга дуч келган. Мисол тариқасида улардан бири, «Вахт» МЧЖ фаолиятини кўриб чиқамиз.

Хўжалик юритувчи субъект, ягона солиқ тўлови тўловчиси сифатида рўйхатдан ўтган бўлиб, 4 та турдаги фаолият яъни, ишлаб чиқариш, транспорт хизмати, савдо, автомобилларга ёқилғи қуйиш билан шуғулланади ҳамда ҳар бири бўйича солиқ қонунчилигига кўра алоҳида-алоҳида ҳисоб юритади.

«Вахт» МЧЖ ишлаб чиқариш фаолиятида умумбелгиланган солиқ тўловчилар билан доимий олди-сотди муносабатларини амалга оширганлиги

учун ихтиёрий асосда қўшилган қиймат солиғига ўтишга қарор қилади ҳамда мазкур фаолият бўйича йил давомида қўшилган қиймат солиғи тўлайди.

Аммо, йил якунлари бўйича солиқ ҳисоботларини топширгандан кейин маълум бўлишича корхона ҳар бир фаолият тури бўйича қўшилган қиймат солиғи тўлаши шарт бўлган. Яъни, Солиқ кодексининг 354-моддасидаги «Агар ягона солиқ тўловини тўловчилар ушбу Кодекснинг 199-моддасига мувофиқ қўшилган қиймат солиғи солинадиган оборотни амалга оширсалар, қўшилган қиймат солиғини ихтиёрий асосда тўлашлари мумкин» жумласини бир неча фаолият эмас, алоҳида фаолият турини амалга оширишга татбиқ этилади деган фикрга борган. Аммо, субъект берган маълумотларига кўра бугунги кунда тадбиркорлик субъекти иқтисодий оғир аҳволга тушиб қолган. Буни қуйидаги жадвал маълумотлари асосида тушунтиришга ҳаракат қиламиз (1-жадвал).

1-жадвал

«Вахт» МЧЖ фаолияти таҳлили

Т/р	Кўрсаткичлар	Фаолият турлари			
		Ишлаб чиқариш	Савдо	Автомобилларга ёқилғи қуйиш	Хизмат кўрсатиш
1.	Чораклик оборот, м.с	318 000	192000	187000	156000
2.	Қўшилган қиймат, м.с	73500	32000	35500	21800
3.	Улуши, %	37,3	22,5	21,9	18,3
4.	Ишчилар ўртача сони, киши	11	3	3	7
5.	Тўланган ягона солиқ тўлови суммаси	12225	9600	9350	7800
6.	Бюджетга тўланган ҚҚС суммаси	14700			
7.	Қонунчилик бўйича тўлаши шарт бўлган ҚҚС - ?	-	6400	7100	4360

Жадвал маълумотларидан кўринадикки, корхонанинг асосий фаолият тури ишлаб чиқариш фаолияти бўлиб, жами оборотга нисбатан 37,3 фоизни ташкил этган. Айнан ушбу фаолият бўйича корхона ихтиёрий асосда қўшилган қиймат солиғига ўтиб, алоҳида ҳисоб юритган. Жумладан, шу фаолият тури бўйича

қўшилган қиймат солиғи билан боғлиқ барча ҳисоблашишлар ҳамда ҳисобга олишларни амалга оширган.

Хўжалик юритувчи субъект умумий ишчилар сони ҳам белгиланган мезондан ошиб кетмаган.

Аммо, юқорида таъкидланганидек, йил якунлангандан кейин яна бюджетга 17860 (6400+7100+4360) минг сўм қўшилган қиймат солиғи тўлаш шарт эканлиги бўйича талабнома олган. Яъни, ихтиёрий асосда қўшилган қиймат солиғи унинг барча фаолият турига тааллуқли эканлиги айтилган. Корхона учун эса, савдо, автомобилларга ёқилғи қуйиш, хизмат кўрсатиш фаолиятлари учун қўшилган қиймат солиғига ўтиш молиявий жиҳатдан самарали эмас.

Яъни, улгуржи ёки чакана савдо товарларига, бензин, дизель ва бошқа ёқилғиларга, транспорт хизмати қийматига қўшилган қиймат солиғи қўшиб истеъмолчига етказиб бера олмайди. Умуман олганда «Вахт» МЧЖ ихтиёрий асосда қўшилган қиймат солиғига ўтиб, бюджетга 14700 минг сўм қўшимча солиқ тўлагани ҳолда солиқ қонунчилигини бузган юридик шахс сифатида эътироф этилиб, яна 118200 минг сўм солиқ ҳамда пеня тўлаши лозим. Бу эса, хўжалик юритувчи субъектнинг:

- фаолият турларини кичик фирмаларга бўлиб ташлаган ҳолда айнан ишлаб чиқариш фирмаси бўйича ихтиёрий асосда қўшилган қиймат солиғига ўтишига;

- маъмурий ва ташкилий харажатларни кўпайтиришига;

- маҳсулот (иш, хизмат) нархининг оширишига таъсир қилади.

Фикримизча, бундай ҳолда ягона солиқ тўлови бўйича қайта ҳисоб-китоб ўтказиш товарларни сотиб олувчилар билан тегишли қайта ҳисоб-китоб асосида ўтказилиши, ёки улар томонидан тузилган шартномаларнинг умумбелгиланган-соддалаштирилган тартибда солиқ тўловчилар билан қилинганлигига қараб солиққа тортилиши солиққа тортиш тизимини янада чалкаштириши мумкин. Шу боис, ҳисобот йили якунлари бўйича ишчилар сони мезонига мос келмайдиган солиқ тўловчилар томонидан ўтган йили учун умумбелгиланган солиқлар бўйича ҳисоб-китоблар асосида ягона солиқ тўловини қайта ҳисоб-китоб қилишларида «ҚҚС ҳисоб китоби» ни чиқариб ташлаш, алоҳида-алоҳида фаолият юритганда фаолият турларига ихтиёрийлик асосда қўшилган қиймат солиғини тўлаш ҳуқуқини бериш лозим.

Юқоридаги таклифларнинг амалга оширилиши кичик бизнес субъектлари томонидан тўланадиган солиқларни тўғри танлашлари ва фойда суммасининг ошишига олиб келади.

*Асатуллаев Х.С.– ТМИ “Иқтисодиёт назарияси”
кафедраси мудири, и.ф.н., доцент*

ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИ ТАЪМИНЛАШДА ДАВЛАТ ФИСКАЛ (БЮДЖЕТ-СОЛИҚ) СИЁСАТИ

Мамлакатимизда юқори барқарор ўсиш суръатлари ва макроиқтисодий мутаносиблиги таъминланиши билан бир қаторда ўтган йиллар давомида жамият турмуш фаровонлиги ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга қаратилган давлат фискал (бюджет-солиқ) сиёсатининг оқилона қўлланилиши туфайли бир қатор ижобий ютуқларга эришилди. Таъкидлаш жоизки, 2016 йил якунлари бўйича Ўзбекистон ялпи ички маҳсулоти 199325,1 млрд. сўмни ташкил қилди. ЯИМнинг 1991-2016 йилларда йиллик ўсиш суръати 4,5 фоизни ташкил қилди¹¹. 2017 йилда мамлакатдаги макроиқтисодий ҳолат иқтисодиётни эркинлаштириш бўйича изчил чора-тадбирлар доирасида шаклланди. Натижада, 2017 йил якунлари бўйича республика ЯИМ ҳажми жорий нархларда 249136,4 млрд.сўмни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 5,3%га ўсди¹. ЯИМнинг индекс дефлятори 2016 йил нархларига нисбатан 118,9%ни ташкил этди. Аҳоли жон бошига ЯИМ кўрсаткичи 7692 минг сўмни ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 3,6 % га кўпдир¹².

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаб ўтганларидек, “Макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини сақлаб қолиш, жумладан, Давлат бюджети барча даражада мутаносиб, миллий валюта ва ички бозордаги нарх даражаси барқарор бўлишини таъминлаш – энг муҳим устувор вазифамиздир”¹³. Шундай экан, бугунги кунда миллий иқтисодиётни тараққий эттиришнинг ҳозирги босқичида иқтисодиётнинг мутаносиб ва барқарор ривожланишини таъминлашда иқтисодий сиёсатнинг янги устувор йўналишларини ишлаб чиқиш асосий бош масалалардан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда жамият иқтисодий тараққиётига эришиш йўлида давлат фискал сиёсатини самарали қўллаш масаласи анча долзарб ва тадқиқ этилиши

¹¹ www.stat.uz- Ўзбекистон республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий ахборот сайти маълумотлари

¹² Ўзбекистон иқтисодиёти. Ахборот-таҳлилий бюллетени 2017 йил. Center for Economic Research © JICA нашриёти, Тошкент 2018 йил, 4-бет


¹³ Ш.Мирзиёев Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Т.: “ЎЗБЕКИСТОН” НМИУ, 2017 йил, 8-бет.

лозим бўлган мавзулардан саналади. Замонавий фискал сиёсат давлат молиявий ресурсларидан оқилона фойдаланиш орқали иқтисодий ўсишни таъминлашга ва иқтисодиётдаги нохуш ҳолатларни бартараф этишга қаратилган бўлади. Унинг асосий мақсади барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга қаратилган иқтисодий цикл тебранишларини ва инфляцияни жиловлаш ҳамда юқори бандлик даражасига эришиш ҳисобланади. Юқорида зикр этилган мақсадларни рўёбга чиқаришда давлат фискал сиёсати давлат бюджети харажатлари ва даромадларини ўзгартириш орқали эришилади.

Агар республикамизнинг 2005-2017 йиллар оралиғидаги давлат бюджети сарф-харажатлари ва даромадларини таҳлил қиладиган бўлсак, давлат бюджети харажатлари ва даромадларининг ўзгариши реал ЯИМнинг ўсиш суръатлари билан мутаносиб равишда ўзгариш тенденциясига эга бўлган. Давлат бюджети харажатлари таркибий тузилишида кескин ўзгаришлар содир бўлмаган.

2017 йилга келиб давлат бюджети умумий харажатларда ижтимоий харажатлар улуши 54,5%ни, ЯИМдаги улуши эса 10,8%ни ташкил этди. Шундан, ижтимоий соҳа харажатларининг 70,1%и умумий таълимга ва 25,5%и кадрлар тайёрлашга йўналтирилган. Ижтимоий харажатларнинг 26,1%и соғлиқни сақлаш учун йўналтирилиб, шундан: амбулатор (профилактика) хизматлари учун – ушбу соҳага ажратилаётган харажатларнинг 31,6%и, касалхона ва ихтисослаштирилган клиникалар хизматлари учун – 46,3%и ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасидаги бошқа хизматлар учун 22,1%и йўналтирилди.

2005 йилда давлат бюджети даромадлари ЯИМга нисбатан 22,6 фоизни ташкил этган бўлса, 2017 йилга келиб эса, 19,9 фоизга пасайган.



1-Расм. 2005-2017 йилларда реал ЯИМ ўсиш суръатлари, давлат бюджети даромадлари ва харажатлари (ЯИМ нисбатан фоиз ҳисобида)¹⁴

¹⁴ Турли йиллардаги статистик тўпламлар: Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг
39

Худди шу тарзда давлат бюджети харажатлари 2005 йилда ЯИМга нисбатан 21,5 фоизни ташкил этган бўлса, 2017 йилда бу кўрсаткич 19,8 фоизга пасайиш тенденциясига эга бўлган. Мамлакатимизда реал ЯИМнинг ўсиш суръатларини таҳлил қиладиган бўлсак, 2005-2017 йиллардаги энг паст тенденция 2005 йилда кузатилган бунда мазкур кўрсаткич, 7 фоизни ташкил этган. Реал ЯИМнинг энг юқори ўсиш суръатлари 2010 йилда кузатилган бунда ўсиш суръати 8,5 фоизни, 2017 йилда эса 5,3 фоизга пасайган. Шунга мос равишда давлат бюджети даромадлари ЯИМга нисбатан 20,6 фоизни, давлат бюджети харажатлари эса ЯИМга нисбатан 20,5 фоизни ташкил этган. (Қаранг: 1-Расм).

2005-2017 йиллар оралиғида Ўзбекистон Республикасида давлат фискал сиёсатининг оқилона қўлланилиши натижасида давлат бюджети тақчиллиги охириги 2015-2017 йилларда 0,1 % профицит билан бажариб келинмоқда. 2017 йилда давлат бюджети даромадлар прогнозининг ўз муддатида ва тўлиқ ижро этилиши (100,3%) туфайли, 2016 йилдаги каби ЯИМга нисбатан 0,1% даражадаги профицити таъминланди.

Шундай қилиб, ўтган йилларда мамлакатимизда фискал сиёсатнинг энг муҳим устувор йўналишлари иқтисодий сиёсатнинг устуворлиги, миллий иқтисодиётнинг ўсиш даражаси, миллий ва умуминсоний кадрларни уйғунлаштириш, иккиёқлама солиққа тортишнинг олдини олишга қаратилган халқаро келишувлар ижросини, солиқ тўловчиларнинг ишчанлик кайфияти, молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжларини таъминлаш, миллий дастурларни амалга ошириш ҳамда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг стратегик йўналишлари ва тамойилларига асосланган ҳолда олиб борилмоқда.

мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденциялари ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари; Альманах Ўзбекистон 2011. Иқтисодий тадқиқотлар маркази, Тошкент 2011 йил.; Тенденции социально-экономического развития Узбекистана (2005-2014гг.)/под редакцией д.э.н. А.М.Садыкова/ Ташкент: IFMR, 2015.-112.; Экономика Узбекистана информационно-аналитический бюллетень за январь-июнь 2015 года; Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами. Тошкент – 2015.; Ўзбекистон иқтисодиёти. Ахборот-таҳлилий бюллетень Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги қўмағида тайёрланди. Center for Economic Research © JICA нашриёти, Тошкент 2018 йил. маълумотлари.

*Абдувахидов Ф.Т. - ТДИУ, “Бухгалтерия ҳисоби”
кафедраси доценти
Мавлянова Д.М.- ТДИУ, “Бухгалтерия ҳисоби”
кафедраси катта ўқитувчиси
Махмудова М.Б.- ММИ-10 гуруҳи магистранти*

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА УСТАВ КАПИТАЛИ ҲИСОБИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 21 декабрдаги «Акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторларни жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПҚ-2454-сонли қарорини бажариш юзасидан, шунингдек, акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторларни кенг жалб этиш, уларнинг корпоратив бошқарувда, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашда, сифатли, рақобатбардошли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ва уларни ташқи бозорларга етказиб беришни ташкил этишда фаол иштирок этиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш, уларнинг устав капиталидаги давлат активлари ва улушларини қисқартириш ҳисобига иқтисодиётда давлат иштирокини тубдан камайтириш назарда тутилган эди. Бунга мувофиқ,

– устав капиталидаги давлат улушининг камида 15% хорижий инвесторларга сотилиши;

– устав капиталидаги камида 15% улуши, шу жумладан, қўшимча акцияларни чиқариш йўли билан, хорижий инвесторларга сотилиши;

– ишлаб чиқариш ва стратегик хом ашёни дастлабки қайта ишлаш соҳасида фаолиятни амалга оширувчи акциядорлик жамиятларининг шунингдек, табиий монополиялар субъектларининг ҳамда ижтимоий аҳамиятга эга бўлган товарлар ва хизматларни тартибга солиб бориладиган нархлар бўйича етказиб берувчилар аниқлаштирилган эди.

Акциядорлик жамиятлари таъсисчилари билан биргаликда, ўзларининг устав капиталида хорижий инвесторларни камида 15% миқдоридаги улушлар билан қатнашишга жалб этишни белгиланган муддатларда таъминламаган акциядорлик жамиятларини бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклларга айлантиришни 01.12.2016 йилгача бўлган муддатда таъминлаш назарда тутилган.

Товар (иш ва хизмат) лар учун нарх ва тарифлар ҳамда жамиятнинг устав капиталларига минимал талаблар фақат миллий валютада белгиланган.

Шунингдек, давлат божлари, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар фақат сўмда ундирилади. Ушбу фармонга мувофиқ, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг устав капитали камида 600 млн. сўм, янги ташкил этилаётган акциядорлик жамиятларининг устав капитали 1600 млн. сўмни ташкил этилиши назарда тутилган. Бунда ҳар бир акциянинг номинал қиймати беш минг сўмдан кўп бўлмаслиги эътироф этилган.

Бунда, акциядорлик жамиятлари ягона шаклда чекланмаган акционерлар сони билан ташкил этилади. Акциядорлик жамиятлари икки хил акция чиқариши мумкин: оддий ва имтиёзли. Жамият томонидан чиқариладиган барча акцияларнинг номинал қиймати баравар бўлиб, уларнинг (акция капитали) ҳисоби 8310- "Оддий акциялар" ва 8320-"Имтиёзли акциялар" ҳисобварақларида олиб борилади.

Жамиятни ташкил этиш тўғрисидаги қарор таъсисчилар йиғилиши томонидан қабул қилиниб, таъсис шартномасини имзолайдилар. Унда жамиятни ташкил этиш бўйича биргаликда олиб бориладиган фаолият тартиби, устав фонди миқдори таъсисчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, жамиятнинг шаклига кўра, бошқа қоидалар белгилаб олинади. Таъсисчилар йиғилиши унинг таъсис ҳужжати бўлган жамият Уставини тасдиқлайди. Бу буйруқ билан қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ тайёрланган унинг устави, устав фонди миқдори ва акциялар эмиссияси проспектини тасдиқлайди ҳамда қимматли қоғозлар чиқарилади.

Қимматли қоғозларни чиқариш - бу қонун ҳужжатлари билан белгиланган жараён дир. Қимматли қоғозларни муомалага чиқариш *эмиссия* деб номланади. Биринчи ва қўшимча эмиссиялар фарқланади. Акциянинг биринчи эмиссияси акциядорлик жамияти ташкил этилганда ёки давлат корхонаси акционерлик жамиятига ўзгартирилиши жараёнида амалга оширилади. Жамиятни таъсис этишда унинг акциялари ҳақини тўлаш жамият муассислари томонидан акцияларнинг номинал қиймати бўйича амалга оширилади.

Акцияларнинг қўшимча чиқарилиши биринчи чиқарилган акцияни жойлаштирилгандан сўнггина амалга оширилади. Акцияни жойлаштириш – битим тузиш йўли билан акцияларни биринчи эгаларига бериш дир. Қимматли қоғозларни чиқариш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби амалдаги меъёрий ҳужжат билан тартибга солинади.

Акцияларни жойлаштириш нархи жамият акциядорларининг умумий йиғилиши ёки кузатув кенгаши томонидан қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчиларининг савдо майдончаларида вужудга келаётган нархлар

конъюнктурасидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Бунга кўра, акцияни жойлаштириш нархи билан номинал қиймат ўртасида фарқ вужудга келиши мумкин. Бу фарқ эмиссия даромади деб аталади.

21-сон БҲМСга кўра, эмиссион фарқ акцияни номинал қийматдан ошган қийматда фақат биринчи марта сотилганда ҳисобга олиниб, 8410 - "Эмиссия даромади" ҳисобварағида акс эттирилади. Ушбу фарқ сумма солиқ тўловчининг даромади сифатида қаралмайди, даромад солиғи ва ягона солиқ тўловига тортилмайди. Жойлаштирилган имтиёзли акцияларнинг номинал қиймати акционерлик жамияти устав капиталининг 20% ошмаслиги лозим. Акционерлик жамияти рўйхатида эълон қилинган устав капитали бир йил мобайнида тўлиқ шакллантирилади. Акс ҳолда устав капиталининг миқдори жойлаштирилмаган акциялар суммасига камайтирилиши лозим. Акционерлик жамиятларида устав капитали бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

1. Устав капиталининг рўйхатдан ўтиш пайтида таъсисчиларнинг қарздорлик суммасига: Дт 4610, Кт 8310-8320.

2. Қарздорликни тўлаш суммасига (номинал қиймат бўйича), Дт 5010, 5110, 5210, 1000, Кт 4610.

3. Акциялар номинал қийматга нисбатан юқори нархда сотилганда, (акциянинг биринчи эмиссиясида) сотиш суммасига, Дт 4610 – сотиш қиймати, Кт 8310-8320 – номинал қиймати, Кт 8410-8420 - фарқ суммаси.

Акциялар учун тўлов асосий маблағлар, қимматли қоғозлар, мулк ҳуқуқлари ёки бошқа пул қийматидаги активлар билан тўланиши мумкин. Акцияларга тўлов шакли таъсис ҳужжатлар томонидан белгиланади. Жамият ташкил этилаётганда акциялар учун тўловга киритилаётган мулк қиймати таъсисчилар ўртасидаги шартнома бўйича сотилган акцияларнинг номинал қиймати ёки мулкнинг реал бозор қиймати бўйича амалга оширилади.

Акционерлик жамиятининг устав капиталига улуш сифатида киритиладиган мулк объектларини баҳолашда, пулдан ўзга воситалар билан ҳақи тўланаётган акциялари ва бошқа қимматли қоғозларининг номинал қиймати қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақининг икки юз бараваридан ортиғини ташкил этса, жамиятнинг акциялари ва бошқа қимматли қоғозларининг ҳақи сифатида киритилаётган мол-мулкнинг қиймати махсус баҳоловчи ташкилотлар томонидан ҳисоблаб чиқилиши ўринли бўлар эди.

Акционерлик капитали дастлаб бухгалтерия ҳисобида рўйхатга олинган, лекин тўлиқ тўланмаган эмиссия ўлчамида акс этади. Шу сабабдан эълон қилинган, жойлаштирилган ёки чиқарилган акциялар амалдаги уставига

мувофиқ, қўшимча жойлаштирилган оддий акцияларнинг аналитик ҳисобини олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Акционерлик жамиятининг устав капиталини ошириш 26.04.2016 йилга қадар икки усул билан:

- акцияларнинг номинал қийматини ошириш ёки
- қўшимча акциялар жойлаштириш орқали амалга оширилган.

26.04.2016 йилдан бошлаб, акционерлик жамиятининг устав капиталини ошириш фақатгина қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан амалга оширилади. Устав капиталини кўпайтириш эмитентнинг жалб қилинган инвестициялари, ўз капитални ва ҳисобланган дивидендлар ҳисобидан амалга оширилиши мумкин.

Фикримизча, устав капиталини ошириш жараёнида таъсисчиларнинг қарздорлигини 6630-“Таъсисчиларнинг устав капиталини ошириш бўйича улушлари” ҳисобварағида ҳисобга олишни таклиф этамиз.

Шундай қилиб, устав капиталини кўпайтириш учун йўналтирилган таъсисчиларнинг қўшимча акциялари қиймати тарзида олинган даромадлари дивиденд сифатидаги даромадлар деб тан олинади ва ушбу дивиденд суммаси солиқ солиш базасига киритилмайди.

Тўраев А.Н. – Солиқ академияси доценти

ОИЛА ТАДБИРКОРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА СОЛИҚЛАР ВА БОШҚА МАЖБУРИЙ ТЎЛОВЛАРНИНГ ТАЪСИРИ ВА АҲАМИЯТИ

Ўзбекистонда иқтисодиётни янада ривожлантириш, чет мамлакатларга экспорт салмоғини ошириш, тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш учун қулай муҳит яратиш, солиқ маъмуриятчилиги ва солиққа тортиш тизимини соддалаштириш, шу орқали рақобатбардош товарлар ва хизматлар яратилиши давлатимизнинг энг асосий эътиборидаги масалалардан бўлиб келмоқда.

Кичик тадбиркорлик субъекти тоифасига кирувчи оилавий тадбиркорлик – оила аъзолари томонидан таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олиш мақсадида амалга ошириладиган ташаббускорлик фаолияти бўлиб, икки хил шаклда:

- юридик шахс ташкил этган ҳолда оилавий корхона шаклида;

- юридик шахс ташкил этмасдан фаолият юритувчи оилавий тадбиркорлик шаклида рўйхатдан ўтиб фаолият юритиши мумкин¹⁵.

Юридик шахс ташкил этмаган ҳолда оилавий тадбиркорлик - эр-хотин томонидан уларга биргаликдаги умумий мулк ҳуқуқи билан тегишли бўлган уларнинг умумий мулки негизида амалга ошириладиган ҳамда эр-хотиннинг ва уларга ёрдам берувчи оила аъзоларининг шахсий меҳнатига асосланган, юридик шахс бўлмаган жисмоний шахсларнинг биргаликдаги тадбиркорлик бўлиб белгиланган тартибдаги патент асосида фаолият юритади¹⁶.

Юридик шахс ташкил этган ҳолда ташкил этилган оилавий корхона юридик шахс мақомига эга бўлиб, ўз мулкида алоҳида мол-мулкка эга бўлиши, ўз номидан мулкӣ ва шахсий номулкий ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин. Оилавий корхона иштирокчиларидан бири унинг бошлиғи бўлиши мумкин, унга оилавий корхонанинг барча иштирокчилари бир овоздан иш муомаласида ўз номларидан иштирок этиш ҳуқуқини беради.

Оилавий корхоналар Ўзбекистон Республикаси солиқ кодексининг 351-моддасига мувофиқ, тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтгандан сўнг давлат солиқ хизмати идораларига белгиланган хабарномани тақдим этмасдан ҳам солиқ солишнинг соддалаштирилган тартибини танлашга ҳақли.

Ҳозирги пайтда ҳамда Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимини ислоҳ қилиш концепцияси бўйича таклиф этилаётган ўзгаришлардан сўнг, янги ташкил этилган ёки фаолият юритиб келаётган оилавий корхоналарнинг солиқлар ва мажбурий тўловларнинг қай бирини ва қанча миқдорда тўлаши зарурлигини мисол орқали таҳлил қилиб кўрамиз.

Мисол. Тошкент шарҳида ташкил этилган ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи оилавий корхона ягона солиқ тўловчиси бўлиб, 2018 йил 1 чорак ҳисобида 57 000 000 сўмлик тайёр маҳсулот сотишдан ялпи тушумга эга, унинг таннархи 52 200 000 сўмни ташкил этган, 4 кишидан иборат ишчи ва ходимлари бор ҳар бирига январь-март ойларига 850 000 сўмдан бир хилда маош ҳисобланади.

¹⁵ Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрельдаги “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги ЎРҚ-327-сон Қонуни.

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 29 июлдаги “Юридик шахс ташкил этмасдан оилавий тадбиркорликни ва хунармандчилик фаолиятини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги” 216-сон Қарори

1. Амалдаги тартиб бўйича ягона солиқ тўлови 2018 йил учун иқтисодиётнинг барча тармоқлари учун 5% этиб белгиланган. Ходимлар иш ҳақидан даромад солиғи тўртта шкала бўйича мос равишда 0%, 7.5%, 16.5%, 22.5%, шахсий жамғариб бориладиган пенсия жамғармасига 2% (даромад солиғи ҳисобидан). Ягона ижтимоий тўлов кичик тадбиркорлик субъектларига 15%, фуқароларнинг Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари 8% этиб белгиланган¹⁷.

- Корхоналар фаолияти бўйича даромадидан ундириладиган ягона солиқ тўлови 2018 йил 1 чораги учун тайёр маҳсулот сотишдан ялпи тушум 57 000 000 сўмдан 5%и ҳисобланади: $57\,000\,000 \cdot 5\% = 2\,850\,000$ сўм.

- Иш ҳақи бўйича жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкаси бизнинг мисол шарти бўйича тўртта шкаланинг 7,5%ига тенг. Бунда: энг кам ойлик иш ҳақининг 1 бараваригача 0%. $172\,240 \cdot 0\% = 0$ сўм. Энг кам ойлик иш ҳақининг 1 бараваридан 5 бараваригача 7,5%. Бизнинг мисолимизда маош миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг 5 бараваридан кам бўлганлиги учун маошнинг ўзи олинади: $(850\,000 - 172\,240) \cdot 7.5\% = 50\,832$ сўм, жами ишчилар учун март ойига $50\,832 \cdot 4 = 203\,328$ сўм.

Шахсий жамғариб бориладиган пенсия жамғармасига 2%лик ажратма даромад солиғи ҳисобидан ўтказилади. $(850\,000 - 172\,240) \cdot 2\% = 13\,555.2$ сўм. Жами ишчилар учун март ойига $13\,555.2 \cdot 4 = 54\,220.8$ сўм.

- Фуқароларнинг Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари ҳисобланган иш ҳақидан 8%: $850\,000 \cdot 8\% = 68\,000$ сўм. Жами ишчилар учун март ойига $68\,000 \cdot 4 = 272\,000$ сўм.

- Ягона ижтимоий тўлов кичик тадбиркорлик субъектларига умумий иш ҳақи фондидан ойига 15% бўлиб, бу корхонанинг харажатлари сифатида тан олинади: март ойи учун умумий иш ҳақи фонди $850\,000 \cdot 4 = 3\,400\,000$ сўм, $3\,400\,000 \cdot 15\% = 510\,000$ сўм.

Юқоридаги ҳисоб-китоб натижаларига кўра, 2018 йил 1 чорак бўйича оилавий корхона 57 000 000 сўмлик тайёр маҳсулот сотишдан ялпи тушумидан унинг таннарихи 52 200 000 сўм камайтирилса, 4 800 000 сўм ялпи фойдага эга бўлади, бундан ягона солиқ тўлови учун 2 850 000 сўм айрилса, 1 950 000 сўм соф фойдага эга бўлади. Агар бу фойдани 3 ой ҳисобида ўртача тақсимланса бир ой учун $1\,950\,000 / 3 = 650\,000$ сўм соф фойдага эга бўлмоқда.

¹⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ- 3454-сонли Қарори.

2. Солиқ тизимини ислоҳ қилиш инвестициялар ва Ўзбекистон Республикаси бюджетининг даромад қисми мунтазам ўсишини рағбатлантирувчи замонавий солиқ тизимини яратиш мақсадида амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимини ислоҳ қилиш концепциясида қуйидаги ўзгаришлар таклиф этилмоқда¹⁸:

- Кичик бизнесга солиқ солишда 1 млрд сўмдан ортиқ бўлмаган йиллик оборотга эга юридик шахслар кичик бизнес субъектлари деб тан олинadиган тизим жорий этилганда: Қўшилган қиймат солиғи тўловчиси ҳисобланмайдилар, 5% миқдорида оборотдан (тушумдан) солиқ тўлайдилар, йиллик обороти кичик бизнес субъекти деб тан олиш учун чекланган миқдордан ошадиган яқка тартибдаги тадбиркорлар ташкилий ҳуқуқий шаклини ўзгартирмаган ҳолда солиқ солишнинг умумбелгиланган тизимига ўтказиладиган тартибини белгилаш;

- Жисмоний шахсларга солиқ солиш бўйича жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи, ягона ижтимоий тўлов ва фуқароларнинг Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари ўрнига, 25 фоиз миқдоридаги солиқ солишнинг бир текис шкаласида солиқ солинадиган жисмоний шахсларнинг ягона даромад солиғига бирлаштириш. Базаси бир хил бўлган солиқлар ва мажбурий тўловларнинг бирлаштирилиши-ҳисоблаб чиқариш ва ҳисоботларни тақдим этишни соддалаштиради, уларга сарфланадиган вақт ва маблағлар тежаллади. Концепция доирасидаги ўзгаришлар халқ муҳокамасига қўйилиб, жисмоний ва юридик шахслар белгиланган тартибда ўз хулоса ҳамда таклифларини бериши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, ривожланган мамлакатлар иқтисодий тажрибаларидан маълумки кичик бизнес субъектлари тадбиркорлик соҳасининг ажралмас ва энг муҳим қисми ҳисобланади. Кичик бизнес нисбатан осон ташкил этиладиган, тез мослашувчан ва айниқса энг қулай ишбилармонлик муҳитини яратади. Оила аъзолари асосида ташкил этиладиган корхоналар ҳам ана шундай самарали ва юқори даромад салмоғига эга бўлиши учун уларга жорий этилаётган солиқ механизмини такомиллаштириш ҳамда солиқ юқини юридик ва жисмоний шахслар кесимида камайтириш муҳим аҳамият касб этади. Бунда оилавий корхоналарга оила аъзоларидан ташқари бошқа ходимларни ишга олганида кичик тадбиркорлик субъектлари ходимларининг чекланган ходимлар сони бўйича чекловларни бекор қилиш, акциз солиғи

¹⁸ www.norma.uz/ "Солиқ ва божхона хабарлари газетаси" №14 сон.

тўланадиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун рухсат бериш тартибини киритишни таклиф этамиз. Янги ташкил этилган оилавий корхоналар учун кичик тадбиркорлик субъектлари тўлайдиган солиқлар бўйича алоҳида имтиёзлар ва преференциялар жорий этилиши ушбу соҳанинг мамлакат иқтисодий ривожигаги ўрнини янада ошириш имконини беради.

Ширинов С. Э. ТМИ доценти, и.ф.н

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОЛИҚ ТИЗИМИДА СОЛИҚ МАЪМУРЧИЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ.

Республикада солиқ тизимида мавжуд бўлган муаммолар, мазкур соҳани тубдан қайта кўриб чиқишни тақозо қилмоқда. Мавжуд муаммоларни бартараф қилиш, миллий иқтисодиётнинг талабларига жавоб берадиган, самарали солиқ тизимини шакллантириш мақсадида республикада кенг миқёсидаги солиқ ислохотлари амалга оширилиши кутилмоқда. Шу мақсадда Хукуматимиз томонидан Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимини ислох қилишга мўлжалланган Концепция лойиҳаси ишлаб чиқилди ва кенг жамоатчилик ўртасида муҳокамага қўйилди.

Концепция лойиҳасининг асосий, ажралмас қисмларидан бири –бу, солиқ маъмурчилиги тизимини ислох қилишдир. Унда, бугунги кунда мавжуд бўлган самарасиз солиқ маъмурчилигининг давлат бюджетини даромад даражасига салбий таъсир қилаётганлиги ҳамда солиқларнинг йиғилувчанлик даражасини етарли даражада таъминлаб бераётганлиги таъкидланган.

Солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш борасида қуйидагиларни таклиф қиламиз:

1. Республикада ягона бўлган солиқ ҳисоботларини қабул қилувчи мустақил марказни ташкил қилиш. Мазкур марказ ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан Давлат солиқ хизмати идораларидан мустақил бўлиши лозим. Солиқ ҳисоботларини қабул қилувчи мустақил марказнинг ташкил қилиниши солиқ ҳисоботларига асоссиз ҳамда ноқонуний ўзгартишлар киритишларга чек қўйилишига олиб келади. Бу эса солиқ идоралари томонидан олиб борилувчи солиқ текширувларининг сифатли амалга оширилишига, текширув натижалари бўйича одил, ҳаққоний қарорлар қабул қилинишига олиб келади.

Таклиф қилинаётган марказ солиқ тўловчилардан солиқ ҳисоботларини қабул қилиш билан бир вақтда, солиқ ҳисоботларида акс этган маълумотларнинг ҳаққонийлигини доимий таҳлил қилиб бориши лозим. Таҳлил

натижасида аниқланган, солиқдан қочиш ҳоллари, солиқ тўлашдан бўйин товлаш эҳтимоли мавжуд бўлган солиқ тўловчиларни текширувлар режасига киритиш бўйича хулосалар бериши лозим. Бу эса солиқ идоралари томонидан олиб борилувчи асоссиз текширувларни сонини кескин камайишига, солиқ қонунчилигига риоя қилувчи тадбиркорлик субъектларнинг фаолиятини ривожланишига замин яратади.

2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 22²-моддасига йирик солиқ тўловчиларни аниқлаш критерияларини киритиш мақсадга мувофиқ. Чунки, солиқ тўловчилар ўз фаолиятини ташкил қилишдан олдин, қандай солиқлар ва мажбурий тўловларни тўлаши зарурлигини олдиндан билиши ва шунга мос равишда солиқларни режалаштиришлари зарур. Бу эса уларга қутилмаганда юзага келувчи молиявий қийинчиликларни бартараф қилишга имкон беради.

3. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексини қўшимча 22³-модда “Ўрта тоифадаги солиқ тўловчилар” билан тўлдириш мақсадга мувофиқ. Чунки, ўрта тоифадаги солиқ тўловчилар ўзларининг молиявий хўжалик фаолияти билан кичик тадбиркорлик субъектларидан ва йирик солиқ тўловчилардан фарқ қилади. Уларга нисбатан ҳам ўзига хос бўлган солиқ сиёсатини юритиш мақсадга мувофиқ.

4. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексини қўшимча 22⁴-модда “Кичик тадбиркорлик субъектлари” билан тўлдириш мақсадга мувофиқ. Ушбу моддада кичик тадбиркорлик субъектларини аниқлаш критерияларини баён қилиш мақсадга мувофиқ(солиқ солиш мақсадида).

Сафаров Ғ.А. ТМИ “Солиқлар ва солиққа тортиш” кафедраси доценти

РЕСУРС СОЛИҚЛАРИНИНГ РАЎБАТЛАНТИРУВЧИ АҲАМИЯТИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган солиқ сиёсатининг устувор йўналишларидан бири – солиқларнинг чекланган ресурслардан самарали ва оқилона фойдаланишини рағбатлантирувчи механизмини ишлаб чиқишга қаратилган. Сўнгги йилларда солиқ тизимини такомиллаштиришда ресурс солиқларига устувор аҳамият қаратилишига қарамасдан, амалдаги солиқлар тизимининг табиий ресурслардан самарали фойдаланишни рағбатлантиришга таъсири унчалик сезилмаяпти. Бунинг асосий сабабларини амалдаги табиий ресурслардан фойдаланиш билан боғлиқ солиқлар механизмидаги

муаммоларнинг мавжудлиги ва солиқларнинг рағбатлантирувчи роли ҳамда уларнинг табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга бўлган таъсирчанлиги етарли даражада эмаслиги билан изоҳлаш мумкин.

Иқтисодий эркинлаштириш ва модернизациялашнинг ҳозирги босқичидаги талаблар ресурс солиқлари учун икки муҳим вазифани келтириб чиқаради, яъни уларнинг биринчиси бюджет тизимининг даромадлар қисмини молиявий маблағлар билан мунтазам равишда шакллантириш бўлса, иккинчиси эса чекланган табиий ресурслардан самарали фойдаланиш ва бу жараёни рағбатлантирувчи механизмнинг таъсирчанлигини таъминлашдан иборатдир.

Шу боис республикада хўжалик субъектларининг табиий ресурслардан самарали фойдаланишини солиқлар воситасида рағбатлантириш, уларнинг аҳамиятини оширишга доир масалалар долзарб аҳамият кўриниш олган.

Солиқларнинг самарали механизмини шакллантиришнинг жаҳон амалиёти ва республикамизнинг мустақиллик йилларида бу борадаги тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, солиқ сиёсати айти пайтда эгилувчан, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишига монанд бўлиши лозим. Акс ҳолда солиқ сиёсати солиқ тўловчилар ва давлат манфаатларининг уйғунлашишига эмас, балки мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишига салбий таъсир кўрсатувчи омилга айланиши мумкин. Шунингдек, бу ўз навбатида давлатнинг ўз олдига қўйган вазифаларини тўлиқ бажаришига имкон бермайди. Натижада ҳар икки томон манфаатлари ҳам қаноатланмайди. Шунинг учун бошқа тизимлар каби солиқ тизими ҳам мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига мутаносиб ҳолда такомиллашиб бориши лозим.

Таҳлиллар кўрсатмоқдаки, хўжалик субъектларининг табиий ресурслардан самарали ва оқилона фойдаланиши ҳамда экологик самарадорликни таъминлашда солиқларнинг таъсирчанлик аҳамиятини ошириш масалаларини икки йўналишда амалга ошириш мумкин.

Биринчидан, хўжалик субъектларининг табиий ресурслардан фойдаланиши ёки атроф-муҳитга етказадиган таъсирига кўра махсус солиқларни, яъни табиий ресурс солиқларини жорий этиш орқали уларнинг табиий ресурслардан самарали ва оқилона фойдаланишига, атроф-муҳитга камроқ салбий таъсир кўрсатишига иқтисодий жиҳатдан таъсир кўрсатилади. Хўжалик субъектларининг чекланган ресурслардан самарали ва оқилона фойдаланиш ҳисобига фойда ҳажмини оширишга бўлган фаолияти

рағбатлантирилади, акс ҳолда улар солиқ мажбуриятларининг ошиши ҳисобига жазоланади.

Иккинчидан, хўжалик субъектларининг табиий ресурслардан самарали ва оқилона фойдаланишга, атроф-муҳитни соғлом бўлишига эришишга қаратилган фаолияти бошқа турдаги солиқлар, жумладан, фойда солиғи, мол-мулк солиғи кабилардан имтиёзлар бериш орқали бевосита рағбатлантирилади.

Республикамизда хўжалик субъектларининг табиий ресурслардан самарали ва оқилона фойдаланиши, экологик самарадорликни оширишга қаратилган солиқ сиёсати асосан табиий ресурс солиқлари орқали амалга оширилади. Бошқа солиқ турлари бўйича экологик самарадорликни таъминлашга қаратилган имтиёзларининг камлиги, уларнинг бу жараёнга таъсир доираси бевосита бўлса-да, камлигича қолмоқда.

Айрим маҳаллий ва хориж олимлари, мутахассисларининг ғояларида фойда солиғини камайтириш ва бунинг ўрнини ресурс солиқлари орқали шакллантириш лозимлиги илгари сурилса, баъзилари эса давлат бюджети даромадларининг асосий қисмини ресурс солиқлари ҳисобига шакллантириш ғоясига устуворлик беради.

Бизнингча, солиқ юкини ҳаддан ортиқ қисмини табиий ресурслардан фойдаланганлик учун солиқларга юклаш солиқларнинг адолатлилик тамойилига зид келади. Тўғри, бу ҳолат бир томондан иқтисодиётни эркинлаштириш шароитига мос келиши мумкин. Чунки, солиқ юкининг асосий қисми ресурс солиқларига тўғри келса, солиққа тортиш манбаи хўжалик субъектларининг фойдаси бўлгани билан фойдани яширишга бўлган интилиш ҳеч қандай маъно касб этмайди, чунки ресурс солиқлари учун солиқ солиш объекти ресурслардан фойдаланиш миқдори ҳисобланади. Лекин, бунда солиқларнинг адолатлилик тамойилининг бузилиши хўжалик субъектларининг тадбиркорлик шаклига мувофиқ тарзда амалга ошади. Тадбиркорликнинг барча шакллари фойда олишга қаратилса-да, улар бу мақсадга қаратилган фаолиятида табиий ресурсларни турли миқдорда истеъмол қилади. Айрим ҳолларда эса солиқ ундириш кўзда тутилган табиий ресурслардан бевосита фойдаланилмаслиги ҳам мумкин.

Республика солиқ тизимидаги ресурс солиқларининг ҳозирги пайтдаги ҳолатидан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, улар ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича етарли даражада самара бермаяпти. Шунинг учун бизнингча, солиқларни йилдан-йилга камайтиришга қаратилган давлат сиёсатини маъқуллаган ҳолда, солиқ тушумлари таркибида хўжалик

субъектларининг табиий ресурслардан фойдаланиши билан боғлиқ солиқларни, айниқса атроф-муҳитни ифлослантириш даражасига кўра белгиланадиган солиқларга устувор аҳамият қаратилиши, уларни давлат бюджети даромадларини шакллантиришдаги аҳамиятини оширишга қаратилган ислохотлар мамлакат солиқ тизимини такомиллаштиришдаги муҳим устувор йўналиш сифатида қаралиши мақсадга мувофиқ.

Мамлакат солиқ тизимида табиий ресурс солиқларининг ролини ошириш, улар орқали хўжалик субъектларининг табиий ресурслардан тежамкорлик ва оқилона фойдаланишини таъминлашга эришиш мумкин.

Ризаев Н. К. - БМА “Бухгалтерия ҳисоби, таҳлил ва аудит” кафедраси доценти, и.ф.н.

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ОБЪЕКТЛАР ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ

Бугунги кунда тадбиркорлик субъектлари фойдасини янада ошишида ахборот оқимлари товар оқимларига караганда катта таъсир кўрсатади. Яъни субъектларнинг инновацион ривожланиши учун уларда “интеллектуал ходимлар” ёки “интеллектуал мулк” ҳажмини ошириш ва янги замонавий бошқарув тамойилларига амал қилиш лозим бўлади.

Интеллектуал мулк категория, атама ва концепция сифатида узоқ вақтдан бери олимлар ўртасида турлича талқин этиб келинади. Жаҳоннинг ривожланган давлатларида ушбу категория ва атаманинг моҳияти, таркибий тузилиши, баҳоланиши, ҳисобини ташкил этиш ва фойдаланиши жараёнидаги таҳлил қилиш юзасидан турли назариялар, қарашлар ва ёндошувлар вужудга келди, улар атрофида ҳозиргача олимлар ва мутахассислар ҳамда амалиётчилар томонидан қизғин мунозаралар давом этиб келмоқда.

Биз “интеллектуал” ва “интеллектуал мулк” тушунчаларининг моҳияти хусусида олимлар томонидан билдирилган айрим фикрларга тўхталиб ўтамиз. Масалан, М.Пўлатов ўзининг илмий ишида интеллектуал мулк объектларини Э. Брукинг (1996) модели бўйича корхонанинг интеллектуал капиталининг таркибий қисми эканлигини келтириб ўтади (Пўлатов 2017). Ушбу моделга кўра:

Корхона интеллектуал капитали > интеллектуал мулк > патент, муаллифлик ҳуқуқи, товар белгиси, ноу-хау ва хизмат белгиси.

Кўриниб турибдики, интеллектуал мулк ўзининг объектлари бўйича интеллектуал капитал таркибига киради. Масаланинг бошқа томони шундаки,

Э.Брукинг айнан интеллектуал мулк объектига тегишли бўлган савдо белгисини бозор активлари сифатида тан олади. Бизнинг фикримизча савдо белгиси товар белгисига яқин бўлган тушунча бўлиб, унга эгалик қилиш ҳуқуқий жиҳатдан ҳимояланади.

Бутун жаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг маълумотномасида интеллектуал мулк бўйича қуйидаги фикрлар баёни келтирилади: Интеллектуал мулк инсон ақлининг яратилиши натижаси бўлиб, у ихтиро, адабий ва бадиий асарлар, товар белгилари, номлар, тасвирлар, намуналарни ўз ичига олади (WIPO 2018).

Ўзбекистон Миллий энциклопедиясида эса қуйидагича таърифланади: “Интеллектуал мулк-ижодий ақлий фаолият маҳсули. Ихтирочилик ва муаллифлик объекти ҳуқуқи мажмуасига кирувчи саноат намуналари, ихтиролар, компьютерлар учун дастурлар, товар белгилари... ва бошқалар ақлий мулк объектларига киради” (ЎЗМЭ 2002).

Демак, мулк ҳуқуқи шахснинг ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек ўзининг мулк ҳуқуқини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборатдир. Ўз навбатида ушбу қоида Конституцияда ҳам мустаҳкамлаб қўйилган: “Мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади.

И.Давлетов томонидан олиб борилган тадқиқотда эса, А.Полторак ва П.Лэрнер (2002) томонидан интеллектуал капитал, интеллектуал мулк ва интеллектуал активларга берилган таърифларни кўллаб-қувватлайди ҳамда интеллектуал мулк номоддий активларнинг таркибига киритилиши тўғри ёндошилганлигини эътироф этади (Давлетов 2018).

А. Стюарт томонидан интеллектуал капиталга берилган таърифда интеллектуал мулк тушунчасини асосан ишлаб чиқариш нуқтаи назардан ёндошади ҳамда у компанияда шаклланган ва унга тегишли бўлган ўзига хос фойдали билим деб ҳисоблайди. Шунингдек, ақлнинг эркин ҳаракат кучи таъсирида маълум шаклга эга бўлган қандайдир фойдали қийматликлар: маълумотлар рўйхати, ахборот базаси, жараённинг тафсилоти ва шу кабилар вужудга келганда, ақл-идрок мулкка айланади дея фикр юритади (Stewart T.A. 1997). А.Стюартнинг фикридан шу нарса аёнки, фойдали билимлар натижасида турли сезиб бўлмайдиган, лекин қийматни шакллантирилишини талаб этувчи мулклар пайдо бўлишини англатади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига асосан интеллектуал мулк объектлари таркибига киритилган турли мулк ҳуқуқларини қуйидаги жадвалга келтириб ўтамиз (1-жадвал).

1-жадвал

Интеллектуал мулк объектларининг таркиби ва уларнинг ҳуқуқий муҳофаза қилиш

№	Интеллектуал мулк объектлари	Мазмуни ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш
1.	Муаллифлик ҳуқуқи	Ижодий фаолият натижаси бўлган фан, адабиёт ва санъат асарларига нисбатан татбиқ этилади ва уч унсурдан иборат муаллифлик ҳуқуқининг ҳимоя белгисидан фойдаланади: <i>айлана ичига олинган лотинча «С» ҳарфи, алоҳида муаллифлик ҳуқуқлари эгасининг исми (номи), асар биринчи марта эълон қилинган йил</i>
2.	Турдош ҳуқуқлар	Ижролар, фонограммалар, эфир ёки кабель орқали кўрсатув, эшиттириш берувчи ташкилотнинг кўрсатувлари ва эшиттиришлари киради ва ҳимоя белгиси уч унсурдан иборат бўлади: <i>айлана ичидаги лотинча «Р» ҳарфи, мутлақ турдош ҳуқуқлар эгасининг исми (номи), фонограмма биринчи марта чоп этилган йил</i>
3.	Саноат мулкига бўлган ҳуқуқ	Ихтиро, фойдали модель ва саноат намунасига бўлган ҳуқуқ <i>патент берилган</i> тақдирдагина муҳофаза қилинади
4.	Ўсимликларнинг янги навлари ва ҳайвонларнинг янги зотларига бўлган ҳуқуқ	Ўсимликларнинг янги навлари ва ҳайвонларнинг янги зотларига (селекция ютуқларига) бўлган ҳуқуқлар <i>патент берилган</i> тақдирдагина муҳофаза қилинади.
5.	Ошкор этилмаган ахборот	Учинчи шахсларга маълум бўлмаган техникавий, ташкилий ёки тижорат ахборотига, шу жумладан ишлаб чиқариш сирларига (ноу-хау) қонунан эга бўлиб турган шахс уни (ошкор этилмаган ахборотни) ноқонуний фойдаланишдан муҳофаза қилиш ҳуқуқига эга бўлади.
6.	Фуқаролик муомаласи қатнашчилари, товарлар, ишлар ва хизматларни шахсийлаштириш воситалари	Фирма номи таъсис ҳужжатларида кўрсатилади ва фирма номига бўлган ҳуқуқ юридик шахс <i>давлат рўйхатидан ўтказилган</i> вақтдан эътиборан юзага келади. Товар белгиси (хизмат кўрсатиш белгиси) уни рўйхатдан ўтказиш асосида ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилинади ва рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги <i>гувоҳнома билан</i> тасдиқланади.

Бухгалтерия ҳисобида эса интеллектуал мулк объектларини активлар сифатида тан олинмишида уларни номоддий активлар билан аталади. Бу ерда номоддий активлар интеллектуал мулк объектларига нисбатан кенгрок доирага эга. Сабаби, номоддий активларга ИМОдан ташқари бошқа инсон ақлий қобилияти натижаларига боғлиқ бўлмаган, масалан гудвилл, лизхолд каби объектлар ҳам киритилади.

Бизнинг фикримизча, интеллектуал мулк объектлари (ИМО)га бўлган турли ҳуқуқларни номоддий активлар сифатида тан олинмишида қуйидаги талаблар ёки шартлар бажарилиши лозимлиги кўрсатиб ўтилади:

биринчи, моддий-ашёвий тузилишга эга бўлмаслиги. (ушбу ИМОлар жисмоний кўринишга эга эмаслиги талаб этилган, аммо айрим ИМОлар моддий шаклдан иборат бўлиб, ашёвий тузилишга эга бўлиши ҳам мумкин);

иккинчи, маҳсулот ишлаб чиқаришда (ишлар, хизматларни бажаришда) ва бошқарув жараёнларида узок муддат фойдаланиши (ИМОдан фойдаланган ҳолда тадбиркор ўз маҳсулотини бир неча йиллар давомида ишлаб чиқаради);

учинчи, корхонада ИМОга бўлган мутлақ ҳуқуқнинг мавжудлиги (масалан, патент олинганда унга бўлган мутлақ ҳуқуқлар ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисида шартномалар асосида расмийлаштирилади);

тўртинчи, ИМОни кейинчалик қайта сотиш мўлжалланмаганлиги (тадбиркор шартнома асосида ИМОга бўйича ҳуқуқни олган заҳотиёқ уни сотиб юборишни кўзда тутмайди, балки ушбу ҳуқуқ асосида маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўяди, бу унинг асосий фаолияти ҳам бўлиши мумкин);

бешинчи, ИМОни идентификациялаш (алоҳида ажратиш) имконияти мавжудлиги (масалан патентни бошқа активлардан алоҳида ажратиш мумкин, яъни бухгалтерия ҳисобининг алоҳида объектига айланади).

Хулоса қилиб таъкидлаш мумкинки, келгусида интеллектуал мулк объектлари ҳар бир тадбиркорлик субъектининг қийматини шакллантиришнинг (активлари) манбаи ва муваффақиятли ривожланишининг гарови бўлиб қолади.

Курбанов Д. Р. БМА доценти PhD

СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ОҚИЛОНА ВА САМАРАЛИ Фойдаланишни таъминлашда солиқ МЕХАНИЗМИНИНГ РОЛИ

Сув ресурсларидан оқилон ва самарали фойдаланишни таъминлашда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг ролини кўрсатиб беришда, фикримизча, олдин бир неча масалаларга эътибор бериш ва уларга нисбатан

аниқлик киритиб олиш мақсадга мувофиқ. Гап бу ерда, биринчи навбатда, сув ёки сув ресурсларининг табиат инъоми эканлиги хусусида кетаяпти. Шундай бўлишига қарамасдан, уларнинг айнан шундай эканлиги сув ва сув ресурсларидан текинга фойдаланиш мумкинлигига асос бўлолмайди. Чунки эътибор бериладиган бўлса, табиат инъоми бўлган бошқа ресурслар, жумладан, ер ва ер ости бойликларидан амалиётда текинга фойдаланилмайди¹⁹. Бу ҳолат барча табиий ресурсларга, шу жумладан, сув ресурсларига ҳам тегишли бўлиши керак. Бунинг устига, табиат ва жамият тараққиётининг маълум бир босқичларида улардан текинга фойдаланилганлиги ҳам ҳозирги шароитда худди шундай ёндошувнинг бўлиши мумкинлигини тақозо этолмайди.

Шу ўринда амалиётда сувдан фойдаланишнинг қуйидаги икки йўналишга эга эканлигини ҳам қайд этиб ўтишимиз керак: а) сувдан фойдаланиш; б) сув истеъмол қилиш. Сувдан фойдаланиш сув ресурсларини улар жойлашган сув оқимлари (жилғалар, сойлар, дарёлар, очиқ ва ёпиқ каналлар, коллектор-дренаж тармоқлари ва бошқалар) ёки сув ҳавзалари (кўллар, денгизлар, ер ости сувли қатламлари, сув омборлари, сел сувлари тўпланадиган жойлар, ҳовузлар ва бошқалар)дан ажратиб олмасдан фойдаланишни мўлжаллайди (гидроэнергетика, балиқчилик, кемачилик, рекреация ва бошқ.). Сув истеъмоли эса, аксинча, мелиорация ва ерларнинг муайян ҳосилдорлигини яратиш, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда, ниҳоят коммунал-маиший эҳтиёж ва бошқалар учун сувни танлаб олиш мақсадига эгадир. Сувни истеъмол қилиш муқаррар равишда қайтариладиган сувларни шакллантириш билан боғлиқ. Ўзбекистонда сув истеъмолининг роли жуда ошган ва сув ресурсларини ривожлантириш ва уларни бошқаришнинг асосий хусусиятлари шу билан белгиланади²⁰.

Олдинги ўринларда қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги қонунининг 3-моддасига мувофиқ сув давлат мулки, Ўзбекистоннинг умуммиллий бойлиги ҳисобланади ва ундан оқилона фойдаланиш керак. Ушбу қонуннинг бу моддасида акс этган ҳолатни (талабларни) амалга оширишни сув ва сув ресурсларидан текинга фойдаланган ҳолда уддалашнинг иложи йўқ. Шундай бўлишига қарамасдан, хусусан, республикамизда суғориш манбаларидан фойдаланиш, сув ресурсларини истеъмолчиларга етказиб бериш ва сув хўжалиги инфратузилмасини сақлаб

¹⁹ Бу ерда “Ер ва ер ости бойликлари” ҳамда “сув ресурслари” бошқа-бошқа нарса, уларни бир-бирига тенглаштириб бўлмайди, ёки улар ўртасида баробарлик белгисини кўйиш мумкин эмас, деган фикрлар, бизнингча, асоссиздир.

²⁰ Умурзоқов Ў.П., Абдурахимов И.Л. Сув хўжалиги менежменти. – Т.: Иқтисод-молия, 2008, 236-б.

туриш билан боғлиқ барча харажатлар давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилмоқда. Айрим иқтисодчи-олимларнинг ҳисоб-китобларига қараганда “Истеъмолчилар томонидан ишлатилган 1 м³ сувнинг таннархи 32,2 сўм бўлишига қарамасдан, маҳсулотлар таннархига киритилмаслиги ёки истеъмолчиларнинг сув ресурсларидан текинга фойдаланиши аксарият ҳолларда турли даражадаги исрофгарчиликларга сабаб бўлмоқда”²¹. Бундай вазиятнинг сув ресурслари тақчиллиги шароитида вужудга келишига йўл қўйилаётганлиги ҳисобга олинган бўлса, масаланинг долзарблиги янада яққол намоён бўлади.

Бундан ташқари, масаланинг юқоридаги мазмунда кун тартибига қўйилиши, бир томондан, сув ресурсларидан истеъмолчиларнинг пуллик асосда фойдаланишини тақозо этса, иккинчи томондан, сув ресурсларини янги талаблар шароитида ўзига хос тарзда баҳолаш заруратини ҳам вужудга келтиради. Шу муносабат билан таъкидлаш лозимки, сув ресурсларини баҳолаш масалаларида иқтисодий механизмни ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш, сувдан фойдаланганлик учун мажбурий тўлов воситасида тижорий ҳисоб тизимини кучайтириш борасида иқтисодчи олимлар, жумладан, аграр-иқтисодчи олимлар ҳам яққил фикрни билдирмоқдалар. Шунга кўра, иқтисодиёт илмида сўнгги йилларда сув ресурслари ва улардан оқилона ҳамда самарали фойдаланиш муаммоси юзасидан тадқиқотлар анча жонланди.

Юқоридаги мулоҳазалардан яққол кўриниб турибдики, сув ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлаш муаммосини муваффақиятли ҳал этишнинг асосий йўли замонавий бозор иқтисодиётининг тамойилларини инобатга олишдир. Ана шундан келиб чиқилган бўлса, энг аввало, қанақа шаклда бўлишидан қатъий назар сув ресурсларидан фойдаланиш, албатта, текинга амалга оширилмаслиги керак.

Бозор иқтисодиёти шароитида сув ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлашнинг энг замонавий йўли улардан фойдаланишни тўлов асосида йўлга қўйиш экан, бу ерда бу тўловнинг қандай тавсифга эга эканлиги ва уни кимнинг ихтиёрига бориб тушиши муҳим аҳамиятга эга. Шу муносабат билан таъкидлаш лозимки, ҳар бир мамлакат миқёсида сув ресурсларининг давлатга тегишли эканлиги ёки унинг эгаси давлат эканлиги инобатга олинган бўлса, сув ресурслари учун тўловнинг давлат бюджетига

²¹ Шохўжаева З.С. Қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари (Қашқадарё вилояти мисолида). И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: БМА, 2010, 9-б.

(бу ерда унинг бюджет тизимининг қайси бўғинига бориб тушиши муҳим аҳамиятга эга эмас) бориб тушиши кераклиги маълум бўлади. Бунинг устига, сув ресурслари учун тўловнинг давлат бюджетига бориб тушишининг бошқа бир сабаби ҳам бор. Бу сув ресурсларидан фойдаланганлик учун тўловнинг мажбурий тавсифга эга эканлигидир. Ўз навбатида, мажбурий тавсифга эга бўлган ҳар қандай тўлов солиқ бўлиб, солиқ эса, одатда, давлат бюджетига тўланиши керак.

Фикримизча, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ўзига хос бўлган мақсадли солиқ бўлиб, у ҳам барча солиқлар сингари икки мақсадга хизмат қилади. Биринчиси давлат бюджетини даромадлар билан таъминлаш бўлса, иккинчиси сув ресурсларидан самарали фойдаланишга рағбатлантирувчи таъсир кўрсатишдир. Шундай бўлишига қарамасдан, назаримизда, бу солиқнинг асосий мақсади давлат бюджетини даромадлар билан таъминлаш эмас, балки сув ресурсларидан самарали фойдаланишга рағбатлантирувчи таъсир кўрсатиш ҳисобланади. Шу маънода, бюджет даромадларини шакллантиришда бу солиқнинг иштироки иккинчи даражали аҳамият касб этади. Бироқ, қандай аҳамият касб этишидан қатъий назар, назаримизда, ушбу солиқ ҳозирги пайтда ўз олдига қўйилган ҳар икки вазифани муваффақиятли даражада бажараяпти деб бўлмайди. Ана шундай хулосага унга нисбатан унинг бюджет даромадларини шакллантиришдаги роли ёки сув ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлашдаги таъсири жиҳатидан қаралганда ҳам келиш мумкин. Бундай ҳолатнинг мавжудлиги, ўз навбатида, ушбу солиқнинг таъсирчанлигини кучайтириш масаласини кун тартибига қўяди. Унинг таъсирчанлигини кучайтириш билан боғлиқ бўлган муаммоларни оқилона ҳал этиш учун эса ушбу солиқнинг амал қилиш қилиш механизмини чуқур таҳлил қилиб чиқиш керак.

Усманова М. С. – ТМИ “Солиқлар ва солиққа тортиш” кафедраси доценти, и.ф.н.

РЕСПУБЛИКАМИЗДА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДАРОМАДЛАРИНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Мамлакатимиз солиқ тизимида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи асосий солиқ турларидан бири ҳисобланади. Ушбу солиқ тўғри солиқлар таркибига киради ва аҳолининг реал даромадига бевосита таъсир кўрсатади. Айниқса Ўзбекистонда эркин тадбиркорликнинг янада ривожланиб

бораётганлиги жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг аҳамиятини янада оширади. Чунки, ишбилармонлик соҳасидаги даромадларга чекланишларнинг бекор қилиниши билан топилаётган даромадлар ўртасидаги фарқ кўзга ташланиб қолмоқда, яъни юқори даромад оладиган жисмоний шахслар сони аста-секин кўпайиб бормоқда. Шунинг учун ҳам амалдаги солиқ қонунчилигимиз кам ва юқори даромад оладиган жисмоний шахсларни табақалаштиришга қўл келади, даромадларни адолатли равишда солиққа тортишни таъминламоқда.

Бизда икки ва ундан кўп даромад манбаига эга бўлган жисмоний шахслар даромадлари ҳақида йил якуни билан декларация топширадилар.

Умуман, даромадларни декларациялаш, ўсиб боровчи якунга кўра солиқ солиш шкаласининг афзаллигини тасдиқлайди. Бу нарса, ҳар хил меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи шахсларнинг бир неча жойдан даромад олиш ҳолларига тегишлидир. Табиийки, бундай жойларнинг ҳар бирида ҳам иш ҳақи тўланиш жараёнида тегишли солиқ суммалари белгиланган ставкалар бўйича ушлаб қолинади. Шундай бўлсада, барча жисмоний шахслар ўз даромадини кўрсатувчи декларацияни топширишда йил давомида олинган ҳамма даромадни кўрсатиши керак бўлади. Бундай даромадлар, қайд қилиб ўтилганидек, жамлаб чиқилади ва аввал тўланган солиқлар суммаси чегириб ташланиб, натижада йил давомида жисмоний шахснинг асосий ва асосий бўлмаган бошқа барча иш жойларидан олган турли шаклдаги иш ҳақларининг йиғиндисидан даромад солиғи қайта ҳисоблаб чиқилади. Натижада солиқ тўловчига ортиқча тўлаган солиқ суммалари қайтарилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида жисмоний шахсларга турли манбалардан даромадлар олиш учун кенг имкониятлар яратиб берилди. Масалан, тадбиркорлик фаолиятидан даромад олиш, шахсий мулкни ижарага бериб даромад олиш, шахсий томорқа хўжаликларидан даромад олиш, қимматли қоғозлардан дивидендлар ва фоизлар олиш, кўчмас ва кўчар мулкдан даромад олиш, турли мукофотлар, муаллифлик ҳақлари олиш, бир марталик меҳнат шартномалари бўйича ва турли жойлардан иш ҳақлари олиш ҳамда бошқа шунга ўхшаш манбалардан даромад олишлар пайдо бўлди.

Иқтисодиётда ресурсларнинг иштирокига қараб, бозор даромадлари мазмунан турлича бўлади ва уларнинг асосий қисмини тадбиркорлик даромади ташкил этади. Тадбиркорлик фаолияти фойда олишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди ва бу фойда тадбиркорлик даромади, деб юритилади. Таъкидлаш жоизки, бозор муносабатлари чуқурлашиб борган сари аҳоли даромадлари таркибида тадбиркорлик фаолиятидан олинадиган даромадлар улуши ортиб боради.

Тадқиқ этилишича, мамлакат аҳолисининг аксарият харажатларида озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олиш ташкил этади. Хизматлар учун ҳақ тўлаш эса, 2013-2017 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган. Тараққий этган мамлакатларда ушбу харажатларнинг асосий қисми тиббиёт, таълим ва коммунал хизматлар тўловларидан иборат. Агар ушбу ҳолатга солиқ солиш нуқтаи-назаридан қарайдиган бўлсак, ривожланган давлатларда солиқ солинмайдиган минимумнинг аксарият қисми ушбу харажатларни қоплашга йўналтирилади. Шунингдек, жисмоний шахслар даромадини солиққа тортишда деярли барча мамлакатларда солиққа тортилмайдиган энг кам миқдор муҳим аҳамиятга эга, чунки ушбу миқдор ижтимоий ва тиббиёт харажатлари бир қисмини қоплашга сарф қилинади. Республикамизда жисмоний шахсларнинг бу хилдаги харажатлари солиққа тортиладиган даромаддан чегирилмайди. Келгусида бундай чегирмалар жорий этилиши аҳоли даромадлари солиққа тортилишини янада такомиллаштиришнинг асосий йўналишларидан бири бўлиши зарур. Бунда биринчи навбатдаги вазифа – солиқ солинмайдиган минимум миқдорининг мақбул даражасини белгилашдаги ёндашувларни ишлаб чиқишдан иборат. Мазкур жараёнда энг мураккаб масала – жисмоний шахснинг олаётган даромадлари билан истеъмоли орасидаги тафовутни аҳолининг ижтимоий табақаланиши нуқтаи - назаридан одилона баҳолашдир. Солиққа тортилмайдиган энг кам миқдорни белгилашда мамлакатимизда кўпгина ижтимоий характердаги хизматлар (тиббиёт, таълим)нинг бепуллиги, коммунал хизмат ҳақлари бозор нархларидан анча пастлиги ҳамда аҳоли даромадлари таркибидаги солиқ солинмайдиган шахсий ёрдамчи хўжалик даромадлари ва натурал истеъмоли даражаси ҳисобга олиниши муҳимдир.

Хулоса қилиб таъкидлаш жоизки, республикамизда жисмоний шахсларга нисбатан солиқ солинадиган даромадлар аниқланишида солиққа тортилмайдиган даромаднинг қатъий миқдорини белгилаш ва иш ҳақлари ошишига мос равишда ушбу миқдорни ошириб бориш зарур. Дастлабки даврларда, солиққа тортилмайдиган даромадлар билан истеъмол саватчаси орасидаги тафовут бартараф этилгунга қадар, солиққа тортилмайдиган даромаднинг ошиши иш ҳақлари оширилиши даражасидан юқори бўлиши лозим. Бунда солиққа тортилмайдиган даромадлар билан истеъмол саватчаси орасидаги тафовутни аниқлашда жисмоний шахсларнинг иш ҳақидан ташқари оладиган (томорқа, мулкӣ ва бошқа) даромадлари ва истеъмол харажатлари таркибини эътиборга олиш мақсадга мувофиқдир.

СОЛИҚ МАЪМУРЧИЛИГИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Миллий иқтисодий ривожлантиришда хўжалик юритувчи субъектлар учун қулай, тушунарли ва пухта ишлаб чиқилган солиқ тизими беқиёс аҳамиятга эга ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳозирги пайтда солиқ сиёсатини амалга оширишда кескин чора-тадбирлардан воз кечишни, давлат тизимининг узлуксиз фаолият юритиши учун бюджет даромадлари барқарорлигини таъминлаш, йирик инвестиция лойиҳаларини иқтисодийтимизга киритмоқчи бўлаётган инвесторлар учун қулай солиқ тизимини яратиш, барча бизнес тоифалари учун солиққа тортишни соддалаштириш ва солиқ юқини камайтириш, шу асосда ишлаб чиқаришни, солиққа тортиладиган базани кенгайтириш ҳамда кичик корхоналар ҳам қўшилган қиймат солиғи тўлашга ўтишини рағбатлантириш зарурлигини таъкидлади.²²

Президентимизнинг 2017 йил 29 декабрида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-3454-сонли қарори ҳамда “Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2018 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун имзоланди. Мазкур Қонунга мувофиқ, бир нечта қонунлар, шу жумладан, Солиқ кодексининг 47 та моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Шу йилнинг 1 январидан бошлаб фойда солиғи ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бирлаштирилиб, солиқ ставкаси 15,5 фоиз ўрнига 14 фоиз қилиб белгиланди. Шунингдек, бюджетдан ташқари Пенсия, Республика йўл, Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаларига мажбурий ажратмалар, ягона тўлов турига - давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмаларга бирлаштирилиб, умумий солиқ ставкаси 3,5 фоиздан 3,2 фоизга пасайтирилди.

Ягона солиқ тўлови бўйича асосий ставка эса ўтган йилдагидек сақланиб қолди ҳамда тайёрлов ташкилотлари фаолияти улгуржи савдога

²² <http://uza.uz/oz/documents/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyevning-oliy-22-12-2017>

тенглаштирилиб, солиқ ставкаси товар айланмасидан 4 фоиз миқдорида белгиланди.

Жорий йилги солиқ сиёсатида фуқаролар учун ҳам бир қатор янгиликлар киритилди. Жисмоний шахсларнинг даромад солиғи бўйича учинчи ва тўртинчи шкаладаги ставкалари 0,5 фоизга пасайтирилиб, 16,5 ва 22,5 фоизни ташкил этмоқда. Фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ўтказиладиган мажбурий бадал суммаси эса 1 фоиздан 2 фоизга оширилди. Мол-мулкка солинадиган солиқ унинг кадастр қийматидан ҳисобланадиган бўлди. Бунда солиқнинг асосий ставкаси 1,7 фоиздан 0,2 фоизга камайтирилиб, солиқ ҳисоблашда кадастр қиймати 42 миллион сўмдан оз бўлмаслиги белгиланди. Агар мол-мулкнинг кадастр қиймати бўлмаса, Тошкент, Нукус шаҳарлари ва вилоятлар марказларида 210 миллион сўм, бошқа шаҳарлар ҳамда қишлоқларда эса 90 миллион сўм миқдорида ҳисобланиши белгиланди.

Якка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солиқ ставкалари ўртача 30 фоиз камайтирилгани, уларнинг фаолият кўрсатаётган жойига қараб табақалаштириш мезони ҳам кенгайтирилди.

Масалан, 2017 йилда озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари билан чакана савдо қилиш учун қатъий белгиланган солиқ миқдори Тошкент шаҳри учун энг кам иш ҳақининг 10 баробари ва вилоятлар марказларида 6,5 баробари миқдорида белгиланган бўлса, 2018 йилда тегишлича 7 баробари ва 5 баробари миқдорида белгиланмоқда, яъни ўртача 30 фоизга камаймоқда.

Президентимизнинг 2017 йил 18 июлдаги “Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳамда ўтган йил 30 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Солиқ маъмуриятчилиги такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни билан булар янада мустаҳкамланди. Негаки, ушбу Қонун туфайли 3 та Қонун ҳамда 2 та Кодексга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Жумладан, Солиқ кодексининг 16 та моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган бўлса, 7 та янги модда қўшилди. Жумладан, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Солиқ кодекси улар ва солиқ органлари ўртасида кенгайтирилган ахборот алмашинувини назарда тутувчи “Солиқ мониторинги” боби билан тўлдирилди. Бу, ўз навбатида, солиқ тўловчилар томонидан

мажбуриятларни бажаришда йўл қўйилиши мумкин бўлган хато ва камчиликларнинг олдини олиш, солиқ маъмуриятчилиги билан боғлиқ мунозарали масалаларни тезда ҳал қилиш, пеня ва жарималар ёзилиши туфайли молиявий аҳволнинг ёмонлашувига олиб келувчи вазиятларни бартараф этишда қўл келади.

Шу билан бирга, Солиқ кодексининг 54, 55 ва 354-моддаларига вақтинчалик молиявий қийинчиликка дуч келган инсофли солиқ тўловчиларга солиқ таътилларини бериш тартибини белгиловчи ўзгартиришлар киритилди. Яъни солиқ таътиллари охиригича икки йил ичида солиқ мажбуриятларини ўз вақтида ва тўлиқ бажариб, айтилган вақтда вақтинчалик молиявий қийинчиликка дуч келган хўжалик юритувчи субъектларига тегишли қарор қабул қилинган кундан эътиборан йигирма тўрт ойгача бўлган муддатга солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашни кечиктириш ва (ёки) бўлиб-бўлиб тўлаш, солиқ мажбуриятларини бажариш муддатларини ўзгартириш кўринишида тақдим этилади. Қонун билан солиқ тўловчи давлат солиқ инспекциясига мурожаат қилган санадан бошлаб 15 иш куни давомида ортиқча тўланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммаларини қайтариш тартиби белгилаб берилди.

Якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган ва мукаддам тадбиркорлик билан шуғулланиш натижасида юзага келган солиқ қарздорлигига эга бўлган жисмоний шахсларга эса банкротлик қўлланилади. Бу ўзгартириш ва қўшимчалар Фуқаролик кодексининг 26-моддасида, Солиқ кодексининг 62-моддасида ҳамда “Банкротлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 27 та моддасида ўз аксини топган.

Солиқ маъмурчилигини янада такомиллаштириш учун қуйидаги таклиф ва тавсияларни инобатга олиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

1. Амалдаги солиқ кодексининг 197-моддасига асосан ягона солиқ тўловини тўловчилар бўлган юридик шахслар солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига йилнинг навбатдаги чораги бошлангунига қадар бир ойдан кечиктирмасдан, янги ташкил этилаётган ягона солиқ тўловини тўловчилар бўлган юридик шахслар эса фаолият бошлангунига қадар тақдим этиладиган ёзма билдиришга асосан ихтиёрий асосда қўшилган қиймат солиғини тўлаши мумкин. Йил давомида кичик корхоналарнинг қўшилган қиймат солиғи тўлашга ўтиши ёки қайтиши хом ашё материалларга тегишли қўшилган қиймат солиғини қайта ҳисоб-китоб қилишни мажбур қилиб қўяди. Ушбу жараёндаги мураккаблик ва ноаниқликларни бартараф этиш учун мукамал услубият ишлаб чиқиш лозим;

2. Солиқ кодексининг 360-моддасига биноан қўшилган қиймат солиғи тўловчилар учун ягона солиқ тўлови суммаси бюджетга тўланиши лозим бўлган қўшилган қиймат солиғи суммасига, лекин ягона солиқ тўлови суммасининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорга камайтирилади. Кичик корхоналарнинг ихтиёрий асосда қўшилган қиймат солиғини тўлашга ўтишида ягона солиқ тўлови бўйича тақдим этилган ушбу чегирманинг миқдорини ошириш мақсадга мувофиқ;

3. 2018 йил 1 январдан бошлаб солиқ кодексининг 22 ва 54-моддаларига “инсофли солиқ тўловчилар” тушунчаси киритилди. Фикримизча “инсофли солиқ тўловчилар” тушунчасини “намунали солиқ тўловчилар” деб номланиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади;

4. Умумбелгиланган ва соддалаштирилган солиқ режимлари кесимида тадбиркорлик субъектларининг сони, ялпи ички маҳсулотни ишлаб чиқаришдаги ҳиссаси ва улар томонидан тўланган солиқларнинг нисбати статистик кўрсаткичлар асосида таҳлил қилиниб, улар ўртасидаги солиқ юки нотенглигини бартараф этиш зарур.

*Рузиев Ф. У. Солиқ академияси
“Молия ва кредит” кафедраси ўқитувчиси*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОЛИҚ ҚОНУНЧИЛИГИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Ўзбекистон Республикасида иқтисодий янада эркинлаштириш ва либераллаштириш шароитида макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш борасида самарали солиқ-бюджет сиёсатини амалга ошириш лозим бўлади. Шунга кўра, солиқ тизимида солиқ қонунчилиги ва солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш масалалари долзарб аҳамият касб этмоқда. Таъкидлаш жоизки, солиқ маъмуриятчилиги сифати ва самарадорлигини яхшилаш, солиқ юкини камайтириш, солиққа тортиш базасини ҳисоблаш жараёнини соддалаштириш, ягона базадан ундириладиган солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни унификация қилиш масалалари билан биргаликда амалдаги солиқ қонунчилигини танқидий ўрганиш ва таҳлил қилиш, ҳуқуқни қўллашда ортиқча ва мураккаб нормаларни бартараф этиш, шунингдек, солиқ қонунчилиги барқарорлигини таъминлаш бўйича тадбирларни ҳам амалга ошириш лозим бўлади. Бу борада, Президентимизнинг жорий йилнинг бошида алоҳида

Фармойишлари²³ қабул қилинган бўлиб, унга кўра солиқ қонунчилиги ва солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси солиқ-бюджет сиёсатини такомиллаштириш концепцияси ҳамда Солиқ кодекси янги таҳрири лойиҳасининг ишлаб чиқилиши қайд этилган. Шунингдек, ушбу ҳужжатда солиққа оид қонун ҳужжатларини ишлаб чиқишда бир қатор солиқ қонунчилиги ва маъмурчилигини такомиллаштиришга хизмат қиладиган масалалар белгилаб берилган ҳамда уларга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги кўрсатиб ўтилган. Шунга кўра, биз қуйида солиққа оид қонун ҳужжатларини мувофиқлаштириш, икки хил талқин қилиниши мумкин бўлган нормаларни бартараф этиш, бўшлиқларни тўлдириш, солиқ имтиёзлари ва преференцияларини қўллашнинг белгиланган тартибларини ишлаб чиқиш, шунинг билан биргаликда Солиқ кодексининг янги таҳририни тайёрлашда эътибор қаратиш лозим бўлган айрим ҳолат ва масалаларга тўхталиб ўтамиз. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзларга “Ушбу Кодексида, бошқа қонунларда ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларида назарда тутилган, бошқа солиқ тўловчиларга нисбатан айрим тоифадаги солиқ тўловчиларга бериладиган афзалликлар, шу жумладан солиқ ва (ёки) бошқа мажбурий тўлов тўламаслик ёхуд уларни камроқ миқдорда тўлаш имконияти солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар деб эътироф этилади²⁴”-тарзида таъриф берилган. Бизга маълумки, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар нафақат Солиқ кодексида, бошқа қонунларда ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларида, шунинг билан биргаликда Президент Фармонида ҳам назарда тутилган бўлади. Шунга кўра, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзларга таъриф беришда имтиёзларнинг Президент фармони асосида берилишини ҳам қайд этиш лозим. Шунингдек, солиққа оид қонун ҳужжатларини ишлаб чиқишда эътибор берилиши лозим бўлган масалалар қаторида “солиқ имтиёзи” ва “солиқ преференцияси” тушунчаларини аниқ чегаралаш лозимлигидан келиб чиқиб, Солиқ кодексида “солиқ имтиёзи” ва “солиқ преференцияси” тушунчаларини алоҳида-алоҳида таърифларини келтириб ўтиш лозим.

Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-454-сонли қонуни билан маҳаллий давлат ҳокимияти органларига “қонун ҳужжатларида белгиланадиган алоҳида солиқлар бўйича белгиланган ставкаларга ҳудудларнинг ҳамда фаолиятни

²³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойиши. Солиқ қонунчилигини тубдан такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида. 2018 йил 13 февраль, Ф-5214-сонли

²⁴ Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 30- моддаси.

амалга ошириш жойининг хусусиятларини инобатга олган ҳолда пасайтирувчи ва ошиб боровчи коэффицентларни киритиш” ваколати берилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-3454 сонли Қарори билан 2018 йилнинг 1 январидан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарларнинг ҳокимликларига халқ депутатлари тегишли Кенгашлари билан келишилган ҳолда минтақанинг ва фаолиятни амалга ошириш жойининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда жисмоний шахсларнинг мол-мулкидан олинадиган солиқ ва жисмоний шахсларнинг ер солиғи бўйича белгиланган ставкаларга нисбатан 0,7 дан 1,3 гача пасайтирилувчи ва оширилувчи коэффицентлар ўрнатиш ҳуқуқи берилди. Шунга кўра, Солиқ кодексига солиқ ставкаларига нисбатан пасайтирилувчи ёки оширилувчи коэффицентларнинг қўлланилиши билан боғлиқ нормаларни киритиш лозим. Қолаверса, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг айрим солиқ ставкалари бўйича пасайтирилувчи ва оширилувчи коэффицентларни ўрнатиш тартибини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш лозим. Шунингдек, бугунги кунда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғининг фойда солиғи билан унификация қилинганлиги боис, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан айрим тоифадаги юридик шахсларга маҳаллий солиқлар бўйича имтиёзлар бериш тартибига доир низомдан ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи сўзлари чиқариб ташланиши лозим. Шунингдек, амалдаги солиқ қонунчилигида давлат солиқ хизмати органлари томонидан олинган якка тартибдаги тадбиркорнинг ҳар бир ёлланган ходими учун ҳисобга олиш карточкалари якка тартибдаги тадбиркор ўз фаолиятини амалга оширмайдиган давр учун ҳар бир ёлланган ходимга қатъий белгиланган солиқ ҳамда суғурта бадалини ҳисоблашни тўхтатиб туришга асос бўлади²⁵. Қонунчиликдаги бўшлиқларни тўлдириш ва аниқликлар киритиш мақсадида якка тартибдаги тадбиркорнинг ёлланган ходими зарурият туфайли вақтинчалик ишламаган ҳолларида (меҳнат таътили, меҳнатга лаёқатсизлик касаллик таътили вақтларида ва бошқа ҳолатларда) мазкур ходимнинг ҳисобга олиш карточкасини давлат солиқ хизмати органига белгиланган муддатларда якка тартибдаги тадбиркор тақдим этган тақдирда якка тартибдаги тадбиркорнинг ушбу ходимига нисбатан қатъий белгиланган солиқ ва суғурта бадалларини тўлаш мажбурияти тўхтатилишига доир нормалар киритилиши лозим. Шунинг билан биргаликда якка тартибдаги тадбиркорнинг фаолиятини

²⁵ ²⁵ Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 311 ҳамда 374¹- моддалари.

вақтинча тўхтатиши ёлланган ходимларнинг ишсиз қолишига, солиқ тушумларига таъсир этиши, айрим ҳолларда эса яширин фаолият кўрсатишларининг олдини олиш мақсадида яқка тартибдаги тадбиркорлар учун фаолиятни вақтинча тўхтатишга асос бўлувчи ҳолатлар ҳамда вақтинча тўхтатишнинг энг қисқа ва узоқ муддатларини аниқлаштирувчи нормалар жорий этилиши лозим. Қолаверса, амалдаги солиқ қонунчилигида солиқ тўловчи тўғрисидаги ҳисоб маълумотлари²⁶да жисмоний шахс- солиқ тўловчи тўғрисидаги ҳисоб маълумотлари билан биргаликда яқка тартибдаги тадбиркорлар учун солиқ тўловчи тўғрисидаги ҳисоб маълумотлари қаторига ёлланган ходимлар ҳақидаги маълумотни ҳам киритиш лозим.

Бизнинг фикримизча юқорида қайд этилган таклифларнинг ҳисобга олиниши мамлакат солиқ қонунчилигини янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

*Рахимов Ф.Д. - преподаватель кафедры
«Налоги и налогообложение» Налоговой академии*

ПЕРСПЕКТИВЫ ВНЕДРЕНИЯ ЭЛЕКТРОННЫХ СЧЕТОВ-ФАКТУР В УЗБЕКИСТАНЕ

Текущий порядок использования счетов-фактур на бумажных носителях в Республике Узбекистан не отвечает требованиям времени в силу ряда причин.

Во-первых, счет-фактура это главный первичный документ бухгалтерского учета, позволяющий выявить реальный объем реализации хозяйствующего субъекта. Однако, доступ к данному документу для контролирующих органов (прежде всего органов государственной налоговой службы) доступен только при документальной проверке финансово-хозяйственной деятельности налогоплательщика.

Во-вторых, ограниченная информация о совокупности выписанных и принятых к учету счетов-фактурах доступна для налоговых органов в основном в виде реестров счетов-фактур, представляемых при подаче налогоплательщиком расчёта налога на добавленную стоимость. Однако, учитывая, что плательщики НДС в республике составляют не более 5 % от общего числа юридических лиц, информация о счетах фактурах, выписанных неплательщиками НДС остается практически недоступной, что, в свою очередь не позволяет совершенствовать контроль за правильностью исчисления налогов и других обязательных платежей.

²⁶ Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 82-моддаси.

Решением данной проблемы видится перевод всех хозяйствующих субъектов – юридических лиц (в перспективе определенных категорий индивидуальных предпринимателей) на применение электронных счетов-фактур. При этом, выглядит целесообразным следовать нижеследующим принципам.

1. С учетом огромного объема выписываемых бумажных электронных счетов-фактур в Узбекистане (более 1 миллиона штук в год), а также принимая во внимание то, что данная система будет внедряться впервые, целесообразно организовать поэтапный переход на использование ЭСФ, либо предусмотреть определенный переходный период, в ходе которого будет позволено наряду с ЭСФ использовать и традиционные СФ на бумажных носителях.

2. Функции оператора электронного документооборота должна выполнять единая организация (Национальный оператор), функционирующая при уполномоченном органе (ГНК).

3. Услуга (по формированию и обмену ЭСФ) должна быть бесплатной.

4. Для максимальных удобств в применении, услуга должна содержать множество решений для различных типов хозяйствующих субъектов:

- для предприятий, которые выписывают небольшое количество счетов-фактур, должна быть предусмотрена услуга по «ручному» формированию и обмену ЭСФ посредством «персонального кабинета»;

- для крупных предприятий, у которых количество ежемесячно выписываемых счетов-фактур превышает тысячу, должна предусматриваться возможность интеграции данной услуги с ERP-системами, т.е. например, если компания использует программный комплекс «1-С», то функция формирования счетов-фактур в рамках данной программы должна быть синхронизирована с внедряемой системой ЭСФ.

- для малых предприятий, которые расположены в отдаленной местности, где могут возникать проблемы с электроснабжением или подключением к сети Интернет, должна быть разработано мобильное приложение, позволяющее формировать и обмениваться ЭСФ.

5. Информация о сформированных и пущенных в оборот ЭСФ должна накапливаться в единой базе данных, с которой должны быть интегрированы базы данных иных уполномоченных государственных органов, так или иначе связанных с налоговым администрированием.

Например:

БД органов государственной таможенной службы, которые взимают акцизный налог и НДС при оформлении таможенных деклараций;

БД правоохранительных органов, которые имеют право проверять грузовые автомашины, перевозящие товары на наличие товаросопроводительных документов (т.е. возможность для сотрудника ГУБДД посредством доступа к БД проверить подлинность ТСД).

В итоге, внедряемая система должна заменить собой практику представления реестра выписанных и принятых счетов-фактур (приложения №№7,8) вместе с расчётами НДС.

6. Естественно, должна быть подготовлена соответствующая нормативно-правовая база внедрения и использования ЭСФ в Узбекистане, которая должна четко регламентировать такие вопросы, как требования к структуре ЭСФ, порядок формирования, обращения и хранения ЭСФ.

Преимущества от внедрения ЭСФ.

Для хозяйствующих субъектов:

прямая экономия денежных средств за счет сокращения канцелярских и почтовых расходов;

экономия на затратах рабочего времени своих сотрудников за счет повышения оперативности обработки ЭСФ (например, со стороны некоторых крупных организаций счета-фактуры выписываются по итогам месяца, за счет чего покупателям иногда приходится ждать по 10-15 дней, прежде чем они смогут получить счет-фактуру и отразить их в своем учете).

Для государства:

Внедрение ЭСФ позволит автоматически выявлять неплательщиков НДС неправомерно отражающих НДС в счетах-фактурах. За счет этого можно будет практически полностью исключить вероятность неправомерного отражения «входного НДС» в отчетности налогоплательщиков;

Появится возможность оперативного получения достоверной информации об объемах отгруженных (выполненных, оказанных) товаров (работ, услуг), в разрезе хозяйствующих субъектов, регионов и даже видов реализованной продукции, что также может быть использовано в целях точного определения налогооблагаемой базы по другим налогам.

Зарубежный опыт.

Российская Федерация. Выставление и получение ЭСФ допускается при обязательном использовании сертифицированных, в соответствии с законодательством России, средств криптографической защиты информации. Выставление и получение ЭСФ по телекоммуникационным каналам связи осуществляется через операторов ЭДО – коммерческих организаций, которые

на конкурентной основе позволяют предприятиям обмениваться электронными документами, в т.ч. ЭСФ.

В плане используемого программного обеспечения для небольших организаций предлагается работа через веб-портал операторов ЭДО (посредством «Персонального кабинета»), а для крупных компаний предлагаются многообразные интеграционные решения, позволяющие подключиться к обмену ЭСФ из бухгалтерских программ, систем внутреннего ЭДО, с корпоративных порталов и т.д. Как правило, операторы ЭДО имеют уже готовые интеграционные решения с популярными учётными системами (1С и SAP в России).

Сами операторы ЭДО для осуществления своих функций используют программное обеспечение собственной разработки. Обычно оно состоит из веб-серверов, серверов приложений и серверов баз данных.

Беларусь. ЭСФ является обязательным электронным документом для всех плательщиков налога на добавленную стоимость. Форма ЭСФ, а также порядок его создания (в том числе заполнения), выставления (направления), получения, подписания и хранения устанавливаются Министерством по налогам и сборам.

Электронный документооборот ЭСФ между продавцами и покупателями осуществляется с использованием Портала электронных счетов-фактур, являющегося информационным ресурсом Министерства по налогам и сборам Республики Беларусь.

Ключевой особенностью применения ЭСФ в Беларуси является то, что ЭСФ не является первичным учётным документом и, соответственно, создается плательщиком и направляется на Портал без необходимости его выставления покупателю товаров (работ, услуг).

*Бозорова Ф.А. - Солиқ академияси
“Солиқлар ва солиққа тортиш” кафедраси ўқитувчиси*

БЮДЖЕТ - СОЛИҚ СИЁСАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА СОЛИҚЛАРНИНГ ЙИГИЛУВЧАНЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Мамлакатимизда бюджет-солиқ сиёсатини такомиллаштириш юзасидан олиб борилаётган кенг қамровли ислохотлар солиқ органлари фаолиятини, жумладан, уларнинг солиқ тўловчилар ва давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш, солиқ қарзларини ўз вақтида ва тўлиқ ундириш, солиқ

назоратининг замонавий шакл ва усулларини жорий этиш йўналишларига қаратилганлиги ҳеч кимга сир эмас албатта.

Солиқ маъмуриятчилиги ва солиққа тортишнинг замонавий усулларини, солиқларнинг тўлиқ йиғилувчанлиги ва бюджетга ўз вақтида тушиши устидан самарали назорат механизмларини жорий этиш орқали солиқ-бюджет сиёсатини янада такомиллаштириш, бюджет жараёни шаффофлиги даражасини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ф-5214-сонли Фармойиши²⁷ қабул қилинган бўлиб, ушбу Фармойишда солиқларнинг йиғилувчанлиги даражасини ошириш, Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармаларига солиқ ва йиғимларнинг тўлиқ ҳажмда тушишини таъминлаш, солиққа тортилишдан бўйин товлаш имкониятини истисно қилиш асосий йўналишлардан бири сифатида белгилаб берилди.

Миллий бюджетимизнинг асосини солиқ тушумлари ташкил этар экан, Давлат бюджети даромадлари ва харажатлари мутаносиблигини таъминлашда солиқ тушумларини тўлиқ ва ўз вақтида йиғилишини таъминлаб бериш билан кўпгина иқтисодий муаммоларнинг олди олинади.

Солиқ маъмурчилигининг муҳим бўғинларидан бири бу солиқларнинг йиғилувчанлик даражаси ҳисобланади. Солиқларнинг йиғилувчанлиги эса бюджетга солиқ тушумларининг ўз вақтида тушишини таъминлашнинг қай даражада эканлигини билдиради. Маълумки, солиқ тушумларининг миқдори ҳар йили давлат бюджети даромадлари режалаштирилаётган вақтда аниқланади.

Солиқларнинг йиғилувчанлиги деганда солиқ тўловчилар томонидан тўланиши лозим бўлган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг бюджетга ўз вақтида ва бир маромда тушишини таъминлаш жараёни тушунилади. Солиқларнинг йиғилувчанлик даражасига бир қатор омиллар таъсир қилади. Улар жумласига қуйидагилар киради:

1. Бюджет даромадларининг тўғри режалаштирилиши. Агар бюджет даромадлари тўғри режалаштирилган бўлса, солиқ тушумларининг келиб тушиши билан бюджет даромадлари ўртасида боғлиқлик мавжуд бўлади ва солиқларнинг йиғилувчанлиги таъминланади.

2. Солиқ тушумларининг бюджетга тушиш жараёнининг прогноз қилиниши. Ушбу омил энг муҳимларидан бири бўлиб, солиқ тушумларининг

²⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойиши. Солиқ қонунчилигини тубдан такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида. 2018 йил 13 февраль, Ф-5214-сонли

бюджетга тушиш жараёни қанчалик объектив прогноз қилинган бўлса, солиқларнинг йиғилувчанлик даражаси ҳам шунча ошади. Бюджет даромадлари режалаштирилаётганда солиқ тушумларининг прогнозига таянилади, агар солиқ тушумлари нотўғри даражада прогноз қилинган бўлиб, унга асосланган ҳолда бюджет даромадлари режалаштирилса, солиқ тушумларининг келиб тушиши ва бюджет даромадларининг миқдори ўртасида манфий фарқ юзага келади.

3. Солиқ тўловчиларнинг солиқ потенциалининг тўғри аниқланганлиги. Солиқ тўловчиларнинг солиқ потенциалини баҳолаш, яъни уларнинг зиммасига юклатилган солиқ тўловларини тўлай олиш даражасини баҳолаш, ўз навбатида солиқларни прогноз қилиш даражасига таъсир қилади, пировардида эса бюджет даромадларини режалаштириш жараёнига таъсир қилади. Шу жиҳатдан олганда солиқ тўловчиларнинг солиқ потенциалини тўғри аниқлаш солиқларнинг йиғилувчанлигига таъсир этувчи муҳим омиллардан бири бўлиб ҳисобланади.

4. Солиқ тўловчиларнинг солиқ маданиятининг ривожланганлик даражаси. Бюджетга солиқ тушумларининг бир маромда келиб тушиши кўпинча солиқ тўловчиларнинг солиқ маданияти даражасига ҳам боғлиқ бўлади. Солиқ маданиятининг ривожланганлиги ўз навбатида солиқ боқимандалигининг камайишига ижобий таъсир қилади. Солиқ тўловчилар томонидан ўзларига юклатилган солиқ тўловларини тўғри англаб етган ҳолда тўлаб бориши, солиқ ҳисоботларини ўз вақтида тақдим этиши, солиқни тўлашдан бўйин товламаслиги солиқларнинг йиғилувчанлигини оширишга хизмат қилади.

5. Солиқ тўловчилар томонидан солиқ тўловларини тўлаш жараёнини режалаштиришни тўғри ташкил этиш даражаси. Солиқларнинг бюджетга ўз вақтида тушиши кўп жиҳатдан солиқ тўловчилар томонидан солиқ мажбуриятларини бажаришни тўғри ташкил этиш, яъни солиқларни ўз вақтида тўлашни ташкил этишни режалаштириш солиқ тушумларининг бюджетга тушиш жараёнини таъминлайди, солиқ тўловчиларнинг бюджет олдидаги қарздорлигини камайитиришга имкон яратади. Чунки, солиқ тушумларини тўлашни режалаштириш солиқ тўловчиларнинг солиқ мажбуриятларига тенг равишда молиявий манбаларни шакллантиришни ҳам тақозо этади.

6. Солиқ ундиришга хизмат қилувчи молия-кредит органларининг фаолияти самарадорлиги. Солиқ тушумларининг йиғилувчанлиги юқорида қайд

этиб ўтилганлардан ташқари солиқ ундиришга хизмат қилувчи органлар, жумладан, банк муассасалари, божхона органлари ҳамда маҳаллаларнинг солиқларни бюджетга ўтказиб бериш борасидаги фаолиятига ҳам боғлиқдир.


Агар мамлакатимизда давлат бюджети прогнозларини бажарилиш даражаси кўрсаткичини сўнгги уч йиллик даврини қиёсий таҳлил қиладиган бўлсак, белгиланган режа 2015 йилда 100.5 фоизга, 2016 йилда 100.4 фоизга, 2017 йилда эса 103.7 фоизга ортиғи билан бажарилганлигини кўришимиз мумкин. Таҳлиллар натижасини янада аниқроқ кўриниши учун, қуйидаги диаграммада акс эттирамиз.



1-расм. Ўзбекистон Республикасида 2015-2017 йиллар кесимида солиқ турлари бўйича белгиланган прогноз кўрсаткичларининг бажарилганлик даражаси таҳлили(млрд.сўмда)²⁸

Бундан мамлакатда солиқларнинг йиғилувчанлик даражаси энг юқори кўрсаткичга эга деган хулосага келишимиз табиий. Лекин бир вақтнинг ўзида шу даврларда ортиқча тўлов ҳисобидан ундирилган солиқ тўловлари ва солиқ қарздорлиги кўрсаткичини таҳлил қиладиган бўлсак, мамлакат миқёсида давлат бюджетига ундирилган тушумларнинг ҳаммаси ҳам ҳақиқий тўловчилардан ундирилмаганлигининг гувоҳи бўламиз.

²⁸ ДСҚнинг маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди



2-расм.Ўзбекистон Республикасида 2016-2017 йиллар кесимида ортиқча тўлов ва солиқ қарздорлиги таҳлили (фоизда)²⁹

Юқоридаги диаграмма маълумотларига эътибор қаратадиган бўлсак, 2015 йилда солиқ қарздорлиги жами йиғилган солиқнинг 18.0 фоиз, 2016 йилда 19.0 фоиз ва 2017 йилда эса 10.1 фоизини ташкил этган. Мутаносиб равишда давлат бюджетига ундирилган ортиқча тўлов суммасини кўриб чиқадиган бўлсак, бунда 2015 йилда жами тушумнинг 2.3 фоиз, 2016 йилда 2.2 фоиз, 2017 йилда эса 1.5 фоизини ташкил этган.

Демак, солиқларнинг йиғилувчанлик даражасини ошириш, ҳисобланган солиқни айнан унинг тўловчисидан ундириш, белгиланган режа кўрсаткичларини ортиқча тўлов ҳисобидан ундиришни олдини олиш, бир нечта солиқ давридан буён ундирилмай қолган солиқ қарздорлигини камайтириш мақсадида бюджет даромадларини тўғри режалаштирилиши, солиқ тушумларининг бюджетга тушиш жараёнини аниқ прогноллаштириш услубиётини такомиллаштириш, солиқ тўловчиларнинг солиқ потенциалини тўғри аниқлаш, уларда солиқ маданиятини шакллантириш, солиқ тўловчилар томонидан солиқ тўловларини тўлаш жараёнини режалаштиришни тўғри ташкил этиш, солиқларни ундириш вазифаси юклатилган ваколатли органларнинг иш самарадорлигини ошириш каби вазифаларни сифатли ташкил этиш лозим.

Солиқларнинг йиғилувчанлик даражаси солиқ даври якунига кўра ҳар бир ҳисобланган солиқ суммаси охиригача тийинигача давлат бюджетига солиқ тўловчи томонидан ўтказиб берилгандагина юқори деб баҳоланади. Шундан келиб чиқиб, мамлакатда солиқларнинг йиғилувчанлигини ошириш мақсадида

²⁹ ДСҚ нинг маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди

солиқ-бюджет сиёсатининг айнан қайси жабҳаларига алоҳида эътибор қаратиш юзасидан қуйидагича хулосаларни келтирамиз:

- Юридик шахс тугатилиб бошқа юридик шахснинг таркибига қўшилганда тугатилган юридик шахснинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича солиқ мажбуриятлари мазкур юридик шахсни қўшиб олган юридик шахс томонидан бажариш ва умуман юридик шахснинг тўланмаган қарздорлигини бошқа юридик шахснинг ҳисобидан қоплаш механизмини йўлга қўйиш;

- Жисмоний шахсларни даромадларини реал назорат қилиш механизмини жорий қилиш ва жисмоний шахсларнинг ортиқча тўловларини камайтириш мақсадида жисмоний шахс вафот этганда ортиқча тўланган суммани унинг меросхўрларига қайтариш;

- Муддатида тўланмаган солиқ қарздорлиги бўйича молиявий ва маъмурий жавобгарлик чораларини кучайтириш;

- Имтиёзларни фақат кейинги солиқ даврида тўлиқ тўлаб бериш шarti билан тақдим этиш.

Абдуллаев А. Б., ТМИ мустақил изланувчиси

СОЛИҚ ТЎЛОВИ ХАРАЖАТЛАРИНИ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИДА ТАН ОЛИШ

Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бюджетга ва бюджетдан ташқари давлат мақсадли жамғармаларига тўланадиган солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар уларнинг молиявий кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатади. Солиқ тўловларини бухгалтерия ҳисобида харажат сифатида тан олишдан олдин, у билан боғлиқ солиқ соҳасидаги ўзгаришлар ва баъзи тушунчаларнинг моҳияти очиш зарур. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда “солиқ тўлови” тушунчаси тўғрисида тўхталиб ўтамиз. Ўрганишлар шуни кўрсатдики, иқтисодий адабиётлар, илмий тадқиқотлар ва меъёрий ҳужжатларда “солиқ тўлови” тушунчасига турлича таърифлар ҳамда тушунтиришлар берилган.

Жумладан, профессор А.Г. Грязнованинг ёзишича: Солиқ тўлови – давлатнинг солиқ қонунчилигига асосан солиқ тўловчилар фойдаси (даромади)нинг бир қисмини давлатнинг марказлаштирилган жамғармасига

йўналтириш шаклидир³⁰.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 12-моддасида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларга қуйидагича тушунтиришлар берилган:

Солиқлар деганда ушбу Кодексда белгиланган, муайян микдорларда ундириладиган, мунтазам, қайтариб берилмайдиган ва беғараз хусусиятга эга бўлган, бюджетга йўналтириладиган мажбурий пул тўловлари тушунилади.

Бошқа мажбурий тўловлар деганда ушбу Кодексда белгиланган давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий пул тўловлари, божхона тўловлари, шунингдек ваколатли органлар ҳамда мансабдор шахслар томонидан юридик аҳамиятга молик ҳаракатларни тўловчиларга нисбатан амалга ошириш учун, шу жумладан муайян ҳуқуқларни ёки лицензиялар ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатларни бериш учун тўланиши лозим бўлган йиғимлар, давлат божи тушунилади³¹.

Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан солиқ тўловларини тўлаш бўйича солиқ мажбурияти вужудга келади. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 34-моддасида солиқ мажбурияти қуйидагича эътироф этилган:

“Солиқ тўловчининг солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ юзага келадиган мажбурияти солиқ мажбурияти деб эътироф этилади.³² Солиқ мажбуриятини бажариш бевосита солиқ тўловчи томонидан амалга оширилади.

Солиқ тўловлари бўйича солиқ мажбуриятларининг вужудга келиши асосида корхона уларни бухгалтерия ҳисобида харажат сифатида тан олиши керак. Молиявий ва солиқ ҳисоботлардаги маълумотларни объектив бўлишлиги учун даромадлар ва харажатлар тан олиниши зарур.

Бухгалтерия ҳисобининг 18-сонли “Одатдаги фаолиятдан олинадиган даромад” номли халқаро стандартида тан олиш қуйидагича баён этилган: “Айнан бир операция ёки бошқа ҳодисага тегишли бўлган даромадлар ва харажатлар бир вақтда тан олинади; бу жараён одатда даромадлар ва харажатларнинг мувофиқлиги деб номланади”³³. БҲХС 18га мувофиқ даромадлар ва харажатлар бир даврга тааллуқли бўлиши керак экан.

Юқорида келтирилган меъёрий ҳужжатлар ва иқтисодий адабиётларда келтирилган фикрлардан келиб чиққан ҳолда солиқ тўловларини солиқ харажатлари сифатида тан олиш керак деган хулоса қилинди.

³⁰ Финансово-кредитный энциклопедический словарь. — М.: Финансы и статистика. Под общ. ред. А.Г. Грязновой. 2002.

³¹ Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси. Тошкент, 2018. 12-модда.

³² Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси. Тошкент, 2018. 34-модда.

³³ Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти 18- “Одатдаги фаолиятдан олинадиган даромад”.

“Солиқ тўловлари” ёки “солиқ мажбуриятлари” корхона учун харажат бўлса, бу тушунчаларнинг харажат сифатида моҳиятини кўриб чиқишимиз зарур. Бу борада З.Н.Қурбанов “Корхона харажатлари биринчидан, унинг молиявий натижаларини аниқлашда қатнашса, иккинчидан, солиққа тортиш базасини аниқлашда қатнашади. Солиққа тортиш базасини аниқлашда қатнашиши натижасида солиқ харажатлари тушунчаси намоён бўлади. “Солиқ харажатлари” тушунчаси янги иқтисодий категория эмас, балки бу тушунчани биз кўпроқ солиқ ва бошқа мажбурий ажратмаларга тўловлар сифатида қўллаб келганмиз”³⁴ деган фикри жуда ўринлидир. Солиқ харажатига 12-сонли “Фойда солиқлари” номли бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартида “Солиқ харажати – бу давр фойдаси ёки зарарини аниқлашда ҳисобга олинган жорий ва муддати узайтирилган солиқ бўйича умумий сумма” – деб таъриф берилган³⁵.

Е.В.Егорованинг фикрича “солиқ мажбуриятлари корхоналар учун солиқ харажатлари бўлиб ҳисобланади”.³⁶

Е.Г.Дедковнинг ёзишича: Солиқ харажатлари бу - солиқлар билан боғлиқ бўлган, ҳисобланган мажбуриятлардир.³⁷

З.Н.Қурбанов солиқ харажатлари тушунчасига кенг маънода қараган ва қуйидагича таъриф берган: Солиқ харажатлари – бу хўжалик юритувчи субъектнинг (солиқ тўловчининг) бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий ажратмаларга тўловлари, солиққа тортишни ташкил этиш ва унга хизмат кўрсатиш бўйича харажатлар йиғиндисидир³⁸.

Солиқ харажатларини тўғри ҳисобга олиш ва назорат қилиш учун улар таркибини ўрганиш зарур. С.А.Смирнова солиқ харажатларини назорат қилиш ва бошқариш учун уларни тизимга келтиришни таклиф қилади³⁹. Бир гуруҳ иқтисодчилар ушбуни амалга ошириш мақсадида солиқ харажатларини тизимлашга ва таркибини беришга ҳаракат қилишган.

³⁴ Қурбанов З.Н. Солиқ харажатлари ҳисобининг назарий масалалари.”Тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш ҳамда қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришда солиқ сиёсатининг ўрни” мавзусидаги конференция материаллари.Тошкент,2016.147-148бетлар.

³⁵ БҲХС 12-сонли “Фойда солиқлари”.

³⁶ Егорова, Е. В. Налоговый анализ как самостоятельный вид экономиче-ского анализа / Е. В. Егорова // Государственный университет Минфина Рос-сии. Финансовый журнал. – 2012. – № 4. – С. 131–138.

³⁷ Дедкова, Е. Г. Анализ и прогнозирование налоговых затрат на промышленных предприятиях: дис. канд. экон. наук: 08.00.10. – Орел, 2010. – 23 с.

³⁸ Қурбанов З.Н. Солиқ харажатлари ҳисобининг назарий масалалари.”Тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш ҳамда қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришда солиқ сиёсатининг ўрни” мавзусидаги конференция материаллари.Тошкент,2016.147-148бетлар.

³⁹ Смирнова, С.А. Концепция налогового учета. Практические советы по ведению регистров налогового учета // Новое в бухгалтерском учете и от-четности. - 2002. - № 4. - С. 56 – 64.

Иқтисодий адабиётларни ўрганиш ва олимларнинг солиқ харажатлари таркиби тўғрисида билдирган фикрларидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги таклифни берамиз:

- солиқ ва бошқа мажбурий ажратмаларга ҳисобланган тўловлар суммалари;

- солиқ органлари томонидан текширишлар натижасида қўшимча ҳисобланган солиқ суммалари, пенялар, жарима суммалари;

- солиқларни режалаштириш, ҳисобга олиш, солиқ маслаҳати, солиқ ҳуқуқи, солиқ аудити ўтказиш бўйича харажатлар;

- молиявий ва солиқлар ҳисоботларини электрон шаклда тузиш, дастурий маҳсулларни сотиб олиш, ўрнатиш ва фойдаланиш бўйича харажатлар;

- солиқлар бўйича боқиманда суммаларни сўндириш ва бошқа солиқ харажатларини қоплаш учун олинган кредит фойзалари кўринишидаги харажатлар;

- солиқ тўловлари билан боғлиқ бошқа харажатлар.

Биз томонимиздан таклиф қилинган солиқ харажатлари таркиби асосида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш, харажатларни тўғри ҳисобга олишни, хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий натижаларини аниқлигини ҳамда солиқларни ҳисоблашнинг объективлигини таъминлайди.

Турабоев И. Қ. ТДЮУ ўқитувчиси

ХАВФЛАРНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИНГ СОЛИҚ ТЕКШИРУВЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 18 июлдаги ПФ-5116-сонли фармонида 2018 йил 1 январидан бошлаб мамлакатимизда солиқ текшируви объектларини самарали танлаб олиш учун солиққа оид ҳуқуқбузарликларни содир этиш хавфларини таҳлил қилиш, шунингдек солиқ органлари томонидан юқори ликвидли маҳсулотлар ҳақиқий ишлаб чиқариш ҳажмининг доимий ҳисоби ва назоратини амалга ошириш бўйича ихтисослаштирилган автоматлаштирилган тизим жорий этилиши белгиланган.

2016 йил охирида Солиқ кодексига киритилган ўзгартиришлар шубҳасиз тадбиркорлик субъектлари учун жуда ҳам муҳим бўлган ўзгартириш

ва қўшимчалар бўлди. Олиб борилган ислохотлар натижасида солиқ текширувлари турлари биттага қисқарди, яъни муқобил текширувлар солиқ текшируви тури сифатида қўлланилмайдиган бўлди. Шу билан бирга навбатдан ташқари текширувлар фақатгина солиқ тўловчи юридик шахс фаолияти тугатилган пайтда ҳамда давлат солиқ хизмати органларига солиқ қонунчилик бузилганлик ҳолатлари бўйича маълумотлар олинганда қисқа муддатли текширувлар шаклида ўтказилиши мумкин.

Ҳозирги пайтга келиб навбатдан ташқари текширувлар фақатгина қисқа муддатли текширув шаклида амалга ошириладиган бўлди, бундан тугатилаётган юридик шахс фаолиятини текшириш мустасно. Яъни бу ҳолларда солиқ тўловчининг молиявий-хўжалик фаолияти текширувдан ўтказилмайди ва унинг муддати 1 кун ҳисобланиб мазкур муддат ҳам узайтирилиши мумкин эмас. Аммо шундай ҳоллар мавжуд бўладики, солиқ тўловчи томонидан содир этилган қонун бузилишлар мазкур субъектда унинг молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш ўтказишни талаб қилади. Бизнингча бу ҳолат муаммога олиб келиши мумкин. Айтайлик, бирор корхонада солиқ қонунчилигини бузганлик ҳолати бўйича навбатдан ташқари текширув тайинланди ва мазкур текширув, албатта, қисқа муддатли текширув шаклида амалга оширилди. Текширув давомида эса мазкур қонунбузарлик ҳолатини тўлиқ текшириб чиқиш учун қисқа муддатда, яъни бир кун ичида амалга ошириш мумкин эмас, шунингдек ҳолат солиқ тўловчининг молиявий ҳужжатларини ўрганиб чиқишни, яъни молиявий-хўжалик фаолиятини текширишни талаб этиши мумкин. Аммо қонунчиликда навбатдан ташқари текширувларнинг фақатгина тугатилаётган корхоналарда ўтказиладиган текширувларидагина молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш мумкин. Бошқа ҳолатларда эса фақатгина режали текширув давомидагина молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш мумкин. Бундай ҳолатда солиқ тўловчининг режали текширишни ўтказилишини кутишга тўғри келадими? Режали текширувларни даврийлиги ҳам қандай муддатни ташкил этиши, шунингдек солиқ тўловчинини текширишлар режа-графикка киритиш жараёни узок вақт талаб қилишини ҳам инобатга олиш зарурдир. Агар солиқ тўловчинини текширишлар графикка киритгунга қадар ўтадиган муддат давомида солиқ тўловчи томонидан қонун бузилиш ҳолати узок давом этиши мумкин.

Солиқ тўловчиларни солиқ текширувларига танлаб олишни солиқ ҳуқуқбузарлиги содир этиш хавфини таҳлил қилган ҳолда амалга ошириш мана шундай муаммоларни ҳал этади, шунингдек солиқ текширувларига фақатгина

солиқ қонунчилигини бузиш эҳтимоли мавжуд бўлган солиқ тўловчиларга нисбатангина тайинлашигагина олиб келади.

Мазкур воситадан жаҳоннинг иқтисодий ривожланган давлатларида анчадан буён фойдаланиб келинмоқда. Мазкур усул RBI (risk based inspection) or RBA (risk based assessment), текширувларни хавфларни таҳлил қилган ҳолда амалга ошириш деган маънони беради.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш муҳимки, кўплаб ривожланган давлатларда солиқ тўловчиларни ёппасига текшириш амалиётидан воз кечилиб, уларнинг солиқ қонунчилик бузиш хавфи юқори бўлган солиқ тўловчиларнигина солиқ текширувлари билан қамраб олиш ва бунинг натижасида солиқ текширувлари ҳамда солиқ маъмуриятчилигининг самарадорлигини амалга оширишдан иборатдир.

Масалан, Ирландия солиқ текширувлари учун солиқ тўловчиларни танлаб олишда фақатгина электрон тизим “Risk Evaluation Analysis and Profiling - REAP” тизимини қўллаган ҳолда амалга оширилади ҳамда мазкур текширишларга саралаш жараёни алоҳида норматив ҳужжат билан тартибга солинади⁴⁰.

Қирғизистон Республикасида халқаро ташкилотлар молиявий кўмаги ёрдамида хавфлар таҳлили бўйича солиқ тўловчиларни режали текширувга танлаб олиш бўйича ишлар амалга ошириб келмоқда. Солиқ кодексига ҳам хавфлар таҳлили бўйича текширувларга саралаш бўйича қоидалар киритилган⁴¹.

Тожикистон Республикаси Солиқ кодексига ҳам хавфларни бошқариш тизимга бағишланган алоҳида қоидалар мавжуд бўлиб, унда солиқ тўловчиларни солиқ қонунчилигини бузиш хавфини баҳолаш асослари бўйича текширувларга саралаш назарда тутилади⁴². Албатта кўшнилари миздаги бу янгиликлар хали такомиллаштиришни талаб қилади, аммо барибир мазкур соҳада олдинга қадам ташланганини инобатга олиш зарурдир.

RBI (risk based inspection)нинг мазмуни солиқ тўловчилар тўғрисида барча маълумотларни ўрганиб таҳлил қилиш ҳамда улар томонидан солиқ қонунчилигини бузиш ёки солиқларни тўлашдан бўйин товлаш хавфини аниқлашдан иборатдир.

⁴⁰“Code of Practice for Revenue Audit and other Compliance Interventions”, <https://www.revenue.ie/en/search.aspxq=REAP>

⁴¹ Ст.101 Налогового кодекса Республики Кыргызстан

⁴² Глава 6 Налогового кодекса Республики Таджикистан

Умуман олганда мазкур усулни бизнинг қонунчилигимиз учун янгилик десак ҳам унчалик тўғри бўлмайди. Масалан, божхона қонунчилигига мазкур тизимни қўллаш киритилган бўлиб, мазкур қоидаларда давлат божхона органлари божхона назорати доирасида текширилиш зарур бўлган товарлар, транспорт воситалари, ҳужжатлар ҳамда шахсларни божхона қонунчилигини бузиш хавфларини таҳлил қилган ҳолда амалга оширилиши белгилаб ўтилган⁴³. Солиқ муносабатларида хавфларни таҳлил қилиш тизими элементлари амалдаги қонунчиликда ҳам белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 октябрдаги ПФ-3665-сонли фармонида назорат қилувчи органларга тадбиркорлик субъектларини текширишнинг йиллик ва квартал мувофиқлаштирувчи план-графикларни шакллантиришнинг асосланган принципларини ишлаб чиқиш ва режа-графикларни мазкур асосланган принциплар бўйича шакллантириш топширилган. Ушбу фармон ижросини таъминлаш юзасидан барча назорат қилувчи органлар, жумладан давлат солиқ хизмати органлари томонидан режа-графикларни тузишнинг асосланган принциплари ишлаб чиқилган. Мазкур принциплар хавфларни таҳлил қилиш тизимини бошланғич элементи ҳисобланади. Аммо мазкур принциплар такомиллаштириши зарур ҳисобланади.

Бунинг учун режали солиқ текширувларини самарадорлигини ўрганиб чиқиш ҳамда солиқ тўловчилар фаолиятини молиявий-хўжалик фаолиятини текширишларни тайинлашни фақатгина RВI орқали амалга оширишни кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Агар бунда ижобий ҳолат аниқланса солиқ тўловчиларни ёппасига текшириш амалиёти бўлган режали текширувларни ўтказишдан воз кечиш масаласини кўриб чиқиш муҳимдир. Чунки ривожланган давлатларда, масалан юқорида таъкидлаб ўтилган Ирландияда режали текширувлар мавжуд эмас. Фақатгина солиқ органларида мавжуд маълумотлар ва учинчи шахслардан олинган маълумотлар таҳлили бўйича солиқ қонунчилигини бузиш ва солиқларни тўлашдан бўйин товлаш хавфи юқори бўлган солиқ тўловчига нисбатан солиқ текшируви тайинланади.

Мазкур тизимда солиқ қонунчилигини бузиш хавфи энг юқори бўлган солиқ тўловчи фаолиятини текширувдан ўтказишни энг биринчи навбатда амалга оширишга имкон беради. RВI жорий қилиниши солиқ текширувларни солиқ қонунчилигини бузаётган ёки бузиш хавфи мавжуд бўлган ҳамда солиқларни яшириш хавфи мавжуд бўлган солиқ тўловчиларни адресли текшириш ўтказишни ва ўз навбатида эса инсофли солиқ тўловчини ортиқча

⁴³ Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси, 29-боб

асосланмаган солиқ текширувларидан ўтказишни олдини олади. Солиқ тўловчиларни солиқ текширувларига танлашни РВІ орқали амалга ошириш ёппасига, яъни тотал солиқ текширувларини ўтказишни бекор қилади. Бунинг натижасида солиқ маъмуриятчилиги олиб бориш бўйича харажатлар қисқаради ҳамда солиқ текширувларининг самарадорлиги ҳам ошади.

Бозоров А.А. – ДБА тадқиқотчиси

ДАРОМАДЛАРНИ ДЕКЛАРАЦИЯЛАШ БЎЙИЧА ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРГА НИСБАТАН ТАЪСИР ЧОРАЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда давлат билан корхоналар ўртасида бўладиган иқтисодий муносабатлар солиқлар воситасида амалга оширилади ва тартибга солинади. Ушбу мамлакатларда солиқ қонунчилигини бузганлик учун қўлланилган жарималар миқдори кўп ёки камлиги бир томондан солиқ тўловчиларнинг қонунга итоаткорлик даражасини белгиласа, иккинчи томондан солиқ назоратининг такомиллашганлик даражасини кўрсатувчи мезон сифатида эътироф этилади.

Мамлакатда солиқ юки қанчалик юқори бўладиган бўлса фуқаролар фаолияти натижасида олган даромадини яширишга, солиқ бўйича хуқуқбузарликни амалга оширишга мойиллик юқори бўлади. Шунингдек, айрим ҳолатлар ҳам учрайдики, бунда солиқ тўловчи солиққа оид қонунчилик ёки бухгалтерия ҳисоби тўғри юритилишини билмасдан ҳам солиқ хуқуқбузарлигига йўл қўйиши мумкин. Шундан келиб солиққа оид қонунчилик фуқаролар учун одилона солиқ сиёсатини юритилиши муҳим аҳамият касб этади.

Давлат солиқ хизмати органларига даромадлари тўғрисидаги декларацияни тақдим этмаслик ёки унда атайлаб нотўғри маълумотлар тақдим этиш солиққа оид хуқуқбузарликлардан бири ҳисобланади.

Жисмоний шахс тақдим этган жами йиллик даромади тўғрисидаги декларацияда тўланиши лозим бўлган даромад солиғи суммасининг камайишига олиб келувчи камчиликлар аниқланган тақдирда, жисмоний шахс декларацияга зарур ўзгаришлар киритиши шарт.

Агар жисмоний шахс томонидан даромад тўғрисидаги декларацияни ўзгартириш ҳақидаги ариза даромад солиғини тўлаш муддати тугагунига қадар

берилса, солиқ тўловчи Солиқ кодексида белгиланган жавобгарликдан озод қилинади.

Агар жисмоний шахс даромади тўғрисидаги декларацияни ўзгартириш ҳақидаги аризани даромад солиғини тўлаш муддати тугаганидан кейин, бироқ камчиликлар давлат солиқ хизмати органи томонидан аниқлангунига қадар берса, солиқ тўловчи солиқнинг етишмаётган суммасини ҳамда унга тегишли пеняни тўлаган тақдирда, жавобгарликдан озод этилади.

Жисмоний шахс давлат солиқ хизмати органининг тақдим этилган даромади тўғрисидаги декларацияда аниқланган хатолик тўғрисидаги билдиришномасини олган кун давлат солиқ хизмати органи томонидан хатолик аниқланган кун деб ҳисобланади.

Жисмоний шахслар томонидан даромадлари тўғрисидаги декларацияни тақдим этиш қоидалари бузилган тақдирда уларга нисбатан қонунчиликда куйидаги бир қатор чоралар кўзда тутилган.

Агар солиқ тўловчи даромадлар тўғрисидаги декларацияни тақдим этмаган бўлса, давлат солиқ хизмати органи ўзидаги мавжуд маълумотлар асосида солиқ суммасини энг юқори ставка бўйича ҳисоблашга ва солиқ тўловчига тўланиши лозим бўлган солиқ суммаси тўғрисида билдиришнома топшириш ҳуқуқига эга.

Солиқ тўловчи жами йиллик даромади тўғрисида декларацияни тақдим этгандан сўнг, даромад солиғининг якуний суммаси ушбу декларация асосида қайта ҳисоб-китоб қилинган ҳолда аниқланади.

Шу билан бирга, доимий яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига даромадлари тўғрисидаги декларацияни тақдим этмаган, ўз вақтида тақдим этмаган ёки унда атайин нотўғри маълумотларни кўрсатган ҳолда тақдим этган фуқароларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (МЖТК)нинг 174-моддаси учинчи қисмида энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима қўлланилиши белгилаб қўйилган.

Мулкини ижарага беришдан даромад олувчи жисмоний шахслар йил якунлангандан сўнг 1 апрелгача декларация тақдим қилишлари шарт, лекин кўп ҳолатларда жисмоний шахслар дастлабки декларация тақдим қилиш вақтида тўлиқ йил учун ҳисобланган даромад солиғини тўлаб қўйишади ва кейинги йил 1 апрелгача декларация тақдим қилишмайди ушбу ҳолатда жисмоний шахсларга МЖТКга асосан энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима қўлланилади. Муаммоли жиҳати шундаки,

ушбу ҳолатда жисмоний шахс 1 апрелгача декларация топширса ҳам топширмаган тақдирда ҳам қўшимча солиқ ҳисобланмайди бироқ солиқ тўловчига сунъий равишда жарима қўлланилиб қолмоқда.

Агар жисмоний шахснинг даромадлари тўғрисида декларация тақдим этишдан бўйин товлаши, декларацияни ўз вақтида тақдим этмаслиги ёки унда атайин нотўғри маълумотларни тақдим этиши шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин анча миқдордаги (ЭКИҲ 100-300) ёки ўша қилмишлар кўп (ЭКИҲ 300-500) ва ундан ортиқ миқдордаги солиқларни тўланмай қолишига сабаб бўлса, у ҳолда Жиноят кодекси (ЖК)нинг 184-моддасида назарда тутилган жазо чоралари қўлланилишига сабаб бўлиши мумкин.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2013 йил 31 майдаги “Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаганлик учун жавобгарликка оид қонунчиликнинг судлар томонидан қўлланилиши тўғрисида”ги 8-сонли қарорининг 10-бандида МЖТК 174-моддаси ва ЖК 184-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликнинг (Солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш) субъекти бўлиб, 16 ёшга тўлган, солиқ солинадиган даромадга эга бўлган ва қонунга мувофиқ давлат солиқ органларига даромадлари ҳақида декларация тақдим этишга мажбур бўлган жисмоний шахс ҳисобланиши белгилаб қўйилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 574 ва 603-моддаларига ҳамда Уй-жой кодексининг 86-моддасига мувофиқ фуқаролар ўртасида тузилган кўчмас мулкни - уй-жойни ва нотурар жойни ижарага бериш шартномалари нотариал тасдиқланган бўлиши шарт.

Бунда, уй-жойни ва нотурар жойни ижарага бериш шартномаларини нотариал тасдиқлаш фақат жисмоний шахслар ўртасида тузилган шартномаларга тааллуқли бўлиб, тарафларнинг бири жисмоний шахс бўлмаганда шартномалар ихтиёрийлик асосида нотариал тасдиқланиши мумкин.

Фуқаролар ўртасида уй-жойни ва нотурар жойни ижарага бериш шартномасининг бўлмаслиги ёки ижарага бериш шартномасининг мажбурий нотариал тасдиқланмаганлиги МЖТКнинг 159¹-моддасига мувофиқ энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Қуйидаги расм маълумотлари асосида Ўзбекистонда Давлат солиқ хизмати органларига декларация тақдим этган ва ўз вақтида декларация тақдим

этмаган ҳамда солиқларни тўламаган шахслар сони, уларга нисбатан қўлланилган жарималар миқдорини кўришимиз мумкин.



1-расм. Ўзбекистонда Давлат солиқ хизмати органларига декларация тақдим этган ва ўз вақтида декларация тақдим этмаган ҳамда солиқларни тўламаган шахслар сони, уларга нисбатан қўлланилган жарималар миқдори⁴⁴.

Юқоридаги расм маълумотларида кўриш мумкинки, сўнгги йилларда давлат солиқ органларига декларация тақдим қилган жисмоний шахслар кескин кўпайиш тенденциясига эга тренд эгри чизиғига мувофиқ ушбу кўрсаткич 2018 йилда ҳам ортишини кузатиш мумкин. Ушбу ҳолатни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 декабрдаги 1675-сонли қарори билан 2012 йил 1 январдан бошлаб жисмоний шахсларнинг солиқ солинадиган энг кам даромадини аниқлаш мақсадида уй-жойни ижарага берганлик учун ижара тўловининг энг кам миқдорлари жорий қилинганлиги шунингдек, Президентимизнинг 2013 йил 25 декабрдаги 2099-сонли қарорига мувофиқ 2014 йил 1 январдан бошлаб солиқ солиш мақсадида жисмоний шахсларнинг нотузар жойни ва автотранспорт воситасини ижарага берганлик учун ижара тўловининг энг кам миқдорлари жорий қилинганлиги билан изоҳлаш мумкин. Шу билан бирга тўғри пропорционал равишда ҳуқуқбузарлик содир этган солиқ

⁴⁴ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

тўловчилар сони ҳамда уларга нисбатан қўлланилган маъмурий жарима миқдори ҳам ортиш кўрсаткичига эга.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда даромадларни декларациялаш бўйича ҳуқуқбузарликларга нисбатан таъсир чораларини такомиллаштириш юзасидан қуйидаги таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқдик:

Даромадлар тўғрисида декларация қандай ҳолларда қандай даромадларга нисбатан тақдим этилиши, декларация қайси муддатда тақдим этилиши, тақдим этилган декларация бўйича қўшимча ҳисобланган даромад солиғи қайси муддатларда тўланиши каби масалалар юзасидан фуқароларга тушунтириш ишларини янада кўпайтириш.

Солиқ тўловчиларга нисбатан сунъий равишда қўлланиладиган маъмурий жарималарнинг олдини олиш мақсадида, дастлабки декларация тақдим қилиш вақтида бир йўла йиллик даромад солиғини тўлаган жисмоний шахсларга йил якунлангандан сўнг 1 апрелгача тақдим этиладиган декларацияни тақдим этмаслик ҳуқуқини бериш.

Юқоридаги таклиф инобатга олинмаган тақдирда, Солиқ кодексининг 84-моддасига асосан Давлат нотариал идоралари томонидан жисмоний шахслар томонидан мулкларини ижарага берганликлари тўғрисида маълумот тақдим қилинишини инобатга олган ҳолда, Солиқ кодексининг 192-моддасига ўзгартириш киритилиб, мол-мулкни ижарага беришдан даромад олаётган жисмоний шахслар томонидан дастлабки тарздаги декларация тақдим этилиш механизмини бекор қилиш мақсадга мувофиқ.

Солиқ кодексининг 193-моддасининг 3-қисмига ўзгартириш киритилиб, “Мол-мулкни ижарага беришдан даромадлар оладиган жисмоний шахслар жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини Давлат нотариал идоралари томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида ҳар ойда даромад олинган ойдан кейинги ойнинг бешинчи кунигача тўлайдилар” тарзида баён этилиши мақсадга мувофиқ.

Артиков Н. А. ТМИ катта ўқитувчиси

СОЛИҚ МАЪМУРЧИЛИГИДА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВНИНГ САМАРАЛИ АМАЛИЁТИ

Бугунги кунда мамлакатимиз турли соҳалардаги самарали ўзгаришларни амалга ошириш баробарида, барқарор иқтисодий ривожланиш йўлида изчил одимлаб бормоқда. Буни мамлакатимиз президенти Ш.М. Мирзиёевнинг

қуйидаги сўзлари ҳам исботлайди “Бугун мамлакатимизнинг барқарор ривожланиш йўлида изчил илгарилаб боришини таҳлил қилар эканмиз, ўтган йили принципиал муҳим ислохотларни амалга ошириш бўйича қатъий қадамлар қўйилди, деб айтишга барча асосларимиз бор.

Бу ислохотларнинг асосий мақсади – аҳоли учун муносиб ҳаёт даражаси ва сифатини таъминлашдир”⁴⁵. Демак, аҳоли учун муносиб ҳаёт даражаси ва сифатини таъминлашдек асосий мақсаддан келиб чиққан ҳолда ва бу мақсадга хизмат қилувчи воситалардан ҳисобланадиган солиқ маъмурчилигида корпоратив бошқарувнинг самарали амалиётини мақоламизда таҳлил қиламиз.

Солиқ маъмурчилигида корпоратив бошқарувнинг самарали амалиёти – ривожланган бозор иқтисодиётининг асосий таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. Чунки бозор иқтисодиёти амал қиладиган шароитда, корхона акционерлари ва бошқа манфаатдор шахслар, ўз манфаатлари амалга оширилишини кафолатлаш мақсадида, мавжуд активлардан фойдаланиш устидан олиб борилаётган бошқарувнинг ҳолати тўғрисидаги маълумотларга тўлароқ эга бўлишлари талаб этилади. Ушбу назорат, ички бошқарув чора тадбирлари ҳамда ташқи ҳуқуқий ва тартибга солувчи механизмлар воситасида амалга оширилади. Корпоратив бошқарувнинг самарали ёки самарасиз эканлигини белгилувчи омиллардан бири корпоратив низолар ҳамда уларнинг табиати ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бу масалада озгина ойдинлик киритишни керак деб билдик.

Корпоратив низоларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқ тушунишимиз, низоли ҳолатларни бошқара олишимиз, низоли ҳолатларнинг олдини олиш ва ҳал этиш учун комплекс чора – тадбирлар режасини тузишимиз учун низоли ҳолатларнинг келиб чиқиш сабабларини атрофлича тушунишимиз ва аниқлаб олишимиз зарур.

Ҳозирги пайтда корпоратив низоларнинг келиб чиқиш сабаблари ва уларнинг корпорациялар фаолиятига бўладиган таъсирлари тўғрисида турли хил қарашлар мавжуд. Бир қатор олимлар корпоратив низоларнинг ижтимоий хавфини таъкидлаб, уларнинг жамият ва давлатга келтирадиган тўлдириб бўлмайдиган моддий ва иқтисодий зарарлари борлиги тўғрисида гапирадилар. Бошқа бир гуруҳ олимлар эса, корпоратив низоларнинг иқтисодий фойдалилиги

⁴⁵ Танкидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи. 15.01.2017й.

ҳақида гапиришиб, корпоратив низолар ёрдамида самарасиз мулкдорлар корпорация бошқарувидан четга чиқишларини ёқлаб келадилар. Корпоратив низоларга фақатгина юридик муаммо сифатида қараш мазкур ҳолатнинг объектив мазмунига тўғри келмайди. Корпоратив низоларга иқтисодий ҳолат сифатида қарайдиган бўлсак у ҳар доим ҳам муқим бўлмасдан ҳал қилиниши аслида мумкин эмас, яъни гоҳ у ерда гоҳида бошқа жойда доимий юз бериб туриши давомли ҳолатдир. Корпоратив низоларнинг келиб чиқиш сабабини кўпроқ акциядорлик мулкнинг табиатидан қидириш керак деб ўйлаймиз. Корпоратив низоларнинг келиб чиқишига акциядорлик мулкнинг икки хил табиатга эга эканлиги сабаб бўлиши мумкин. Бу эса ўз навбатида акцияга эга бўлиш оқибатида юзага келадиган компанияга эгалик қилиш ҳолати билан акционерлик муносабатлари механизмида мустаҳкамланган акционернинг бошқариш ҳуқуқи ўртасидаги қарама қаршилиқдир. Акцияни, тадбиркорлик фаолиятида акциядорнинг реал иштирокини тасдиқловчи сертификат сифатида тасаввур қилишимиз мумкин. Акционер энг аввало – ҳамкор, сармоядор, тижоратнинг биргаликдаги эгаси ҳисобланади.

Корпоратив эгалик ҳуқуқларининг табиати бир қанча ҳуқуқий ҳолатларни юзага келтирадигани, унинг оқибатида иштирокчиларнинг ички муросалари деган тушунча ҳам пайдо бўлади. Чунки корпоратив эгаликдаги ҳар қандай ўзгаришлар умумий манфаатлар билан боғлиқ ҳисобланади. Корпоратив муросанинг воситалари доираси одатда жуда кенг бўлади. Корпоратив муросалардан воз кечиш корпоратив низоларга сабаб бўлади. Бу умумий манфаатларнинг ўзаро уйғун ҳолатда ривожланиши ўз навбатида корпоратив бошқарувнинг самарали ривожланиш амалиётини таъминлаши билан биргаликда солиқ тушумларининг йиғилувчанлигига ижобий таъсирини ўтказди.

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки, солиқ маъмурчилигида корпоратив бошқарувнинг самарали амалиёти ўзининг табиатига кўра эволюцион ривожланишни талаб этади. Солиқ маъмурчилигидаги корпоратив бошқарувга оид бўлган халқаро ва миллий андозалар (стандартлар) ҳамда корпоратив бошқарувнинг меъёрлари мамлакатдаги мавжуд иқтисодий ва сиёсий ўзига хосликларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилиши ва албатта корхоналарнинг ўзига хос хусусиятларини назардан четда қолдирмаган тақдирдагина солиқларнинг аниқ белгиланиб камроқ қаршилиқларга учраган ҳолда ундирилишига эришамиз.

ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТ УЧУН СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ: ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

Кўпгина хорижий давлатларда солиқ имтиёзларининг қўлланилиши ҳукуматларнинг хусусий бизнес вакилларининг илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини молиялаштиришга рағбат уйғотиш билан ифодаланган. Бу муҳим вазифани бажаришда солиқ имтиёзларидан самарали фойдаланиш масаласи айниқса долзарб ҳисобланади.

Жаҳон миқёсида кузатилаётган глобал солиқ ислохотлари инновацион фаолиятни солиқлар орқали рағбатлантиришнинг назарий ва амалий жиҳатларини доимий равишда такомиллаштириб бориш зарур. Бу эса, ўз навбатида инновацион фаолиятга қаратилган солиқ имтиёзларининг самарали йўналишларини излашни тақозо этади.

Хорижда давлатнинг инновацион жараёнларни амалга оширишда инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлашнинг қуйидаги рағбатлантирувчи механизмлари амал қилади:

- имтиёзли солиқ ставкаларининг қўлланилиши (асосан кичик бизнес субъектлари учун);
- солиққа тортиладиган даромадлардан чегирмалар қилиниши;
- илмий-техник тараққиётни ривожлантиришга қаратилган қулай иқтисодий шарт-шароитларнинг яратилиши;
- солиқ мажбуриятларини бажариш учун имтиёзли шарт-шароитлар ва ҳисоботларнинг соддалаштирилган тартибининг қўлланилиши;
- амортизация рағбатлантириш усулларининг қўлланилиши ва ҳоказо.

Солиқ имтиёзлари кўринишидаги мазкур рағбатлантирувчи механизмларининг қўлланилиши хўжалик юритувчи субъектларнинг фойдалилик кўрсаткичларининг ошишига ва ўзларининг молиявий ресурсларини ўсишига олиб келади.

Маълумки, тўғри солиқлар инвестицион фаолиятнинг йўналишлари, ўлчамлари ва ўсиш суръатларига рағбатлантирувчи таъсир ўтказувчи асосий воситалардан ҳисобланади. Бу ўринда корпорациялар даромадидан олинган солиқнинг ўрни салмоқли десак муболаға бўлмайди.

Корпоратив даромад солиғини ҳисоблашда ва амортизация ажратмалари кўринишидаги харажатларни шакллантиришда комплекс ёндашув солиқ

имтиёзларидан самарали фойдаланиш йўналишларини белгилаб беради.⁴⁶ Ушбу усуллардан фойдаланиш солиққа тортишдан кейин тадбиркорлик субъектлари ихтиёрида қоладиган ўз молиявий маблағларининг ўсишига олиб келади, бу эса инвестицион фаолиятни ривожлантиришда муҳим дастак бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Ривожланган мамлакатларда қўлланиладиган тезлаштирилган амортизация усули ишлаб чиқариш фондларини доимий равишда янгилаб бориш билан белгиланади. Чунончи, АҚШда илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларида қўлланиладиган (хизмат муддати 5 йилдан 10 йилгача бўлган) ускуна ва қурилмалар учун амортизация нормаси беш йил қилиб белгиланган. Бундан ташқари, амортизация муддати беш йил бўлган асосий воситалар қийматини дастлабки икки йилда 64%гача амортизация қилишга рухсат берилади.

Японияда тезлаштирилган амортизация тизими энергия ёки ресурслардан тежамкор фойдаланувчи ускуналарни ишлатувчи, шунингдек атроф муҳитни ифлослантirmайдиган технологиялар асосида ишловчи компаниялар учун қўлланилади. Тезлаштирилган амортизациянинг ставкаси 10% дан 50% гача бўлишига рухсат берилади (кўп ҳолларда 15-18% лик ставка амал қилади)⁴⁷.

Германияда илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларида фойдаланиладиган техник ускунадан биринчи йилда унинг қийматининг 40%гача бўлган қисмини чегиришга рухсат берилади.

Францияда тезлаштирилган амортизация фақатгина энергияни тежовчи, атроф-муҳитни ифлослантirmайдиган ва ахборот технологиялари учун қўллаш қатъий белгилаб қўйилган. Масалан, компьютерни 1 йил мобайнида тўлиғича амортизация қилишга йўл қўйилади. Шунингдек, ушбу давлатда амортизацияни ҳисоблашнинг дегрессив усули қўлланилади, яъни асосий воситалар қолдиқ қиймати ва амортизация нормаларидан келиб чиқиб, ҳамда тузатиш коэффициентларини қўллаган ҳолда ҳисобланади. Тузатиш коэффициентлари ҳажми асосий воситадан фойдаланишнинг норматив муддатларига бевосита боғлиқ: 3 йилдан 4 йилгача – 1,5; 5 йилдан 6 йилгача -2; 6 йилдан ортиқ – 2,5.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, бундан бир неча ўн йиллар аввал фундаментал тадқиқотларнинг ривожланиши даражаси мамлакатнинг технологик келажаги билан ифодаланса, амалий ишланмалар ишлаб чиқаришнинг ҳозирги ҳолати билан белгиланар эди, Бугунги кунда ривожланган давлатларда

⁴⁶ Warda J. An Update of R&D Tax Treatment in OECD Countries and Selected Emerging Economies, 2008–2009. <http://www.oecd.org>.)

⁴⁷ Workman Bob H. The Amortization Book. – United Financial Publishers, 2010. – 172 p.

амалий ишланмаларга йўналтирилган инвестициялар ҳажми фундаментал тадқиқотлар учун қилинган ажратмаларга нисбатан бир неча баравар ўсганлигини эътироф этиш мумкин⁴⁸.

Ғарб давлатларида инновацион жараёнларни тезлаштиришга қаратилган имтиёзларни доимий равишда мониторингини амалга оширилиши устувор соҳа ва тармоқларда инновацион фаолиятни мақсадли рағбатлантиришни амалга оширилишидан далолат беради⁴⁹.

Хорижий давлатларда қўлланиладиган солиқ имтиёзларининг инновацион фаолиятни рағбатлантиришдаги таъсири нафақат уларнинг сони билан, балки иқтисодий конъюнктурага (ички ва ташқи), тадбиркорлик муҳитининг яратилганлиги ва инвестицион жозибadorлиги, сиёсий вазият ва бошқа бир қанча омиллар билан аниқланади. Хорижда солиқ имтиёзларининг кенг қўлланилишига қарамадан, бугунги кунда алоҳида олинган давлат учун ижобий самара берувчи “тайёр рецепт” ҳали мавжуд эмас. Илмий-тадқиқот ва замонавий технологияларни ривожлантиришни рағбатлантиришга қаратилган миллий солиқ тизимларининг шаклланишида нафақат бу борада тўпланган жаҳон тажрибаси, балки ҳар бир давлат учун ўзига хос жиҳатларни ҳам ҳисобга олинса мақсадга мувофиқ бўлади.

*Идирисов А. О. - Тошкент солиқ коллежи
“Махсус фанлар” кафедраси ўқитувчиси,
Юлдашев А. А. - Фарғона солиқ коллежи
“Махсус фанлар” кафедраси ўқитувчиси*

СОЛИҚ ИСЛОҲОТИ КОНЦЕПЦИЯСИ - СОЛИҚ ҚОНУНЧИЛИГИ ВА МАЪМУРИЯТЧИЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Замонавий талабларга жавоб берадиган солиқ тизими – иқтисодиётни жадал ривожлантириш, тадбиркорлик фаолияти учун қулай шароитлар яратиш, инвестиция муҳитини яхшилаш, ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишни кенгайтиришнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам солиқ солиш базасини кенгайтириш

⁴⁸ Инновации–фактор экономического роста/ П.Г.Никитенко, А.В.Марков, И.И.Сержинский, В.А.Колотухин; Под ред. П.Г.Никитенко. – Минск: НО ООО “БИП-С”, 2003. – 85 с.

⁴⁹ Кулагин А.С., Леонтьев Л.И. О стимулировании инновационной деятельности// Недвижимость и инвестиции. Правовое регулирование. 2002. №1

орқали солиқ маъмуриятчилигини соддалаштириш ва солиқ юкини камайтириш масалалари алоҳида ўрин тутлади. Мамлакатимизда юртимиз мустақилликка эришганидан кейин ўтган давр мобайнида тадбиркорлик субъектларида текширишларни қисқартириш ва уларнинг фаолиятига асоссиз аралашиларга барҳам бериш бўйича зарур чоралар кўриб келинмоқда. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини режадан ташқари ва муқобил текшириш тартиблари бекор қилинди, ҳисоботларнинг шакли ва тақдим этиш муддатлари соддалаштирилди.

Ўтган йиллар мобайнида солиқ соҳасида олиб борилаётган ислохотлар солиқ қонунчилиги барқарорлигини таъминлашга хизмат қилибгина қолмасдан, балки тадбиркорлик фаолиятини янада ривожланишига ҳам қулай шарт-шароит яратмоқда, шунингдек солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ўз вақтида ҳамда тўлиқ ҳажмда бюджетга келиб тушишига, солиқ органларининг иш унумдорлиги ортишига ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда десак муболаға бўлмаса керак. Бу каби ислохотлардан эса Давлатимиз ва халқимиз бирдек манфаатдор бўлишига эришилади деб ўйлаймиз. Солиқ соҳасида замон талабларидан келиб чиққан ҳолда ислохотларнинг амалга оширилиши юртимиз иқтисодиётининг барқарор ривожланишига ўз таъсирини ўтказиши билан аҳамиятлидир. Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун солиқ юкини изчиллик билан камайтириш ва қулай шарт-шароитларни яратишни таъминлайдиган солиқ тизими шакллантирилганлиги билан биргаликда, солиқ маъмуриятчилиги соҳасида, шу жумладан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни йиғиш, солиқ солинадиган базани кенгайтириш ва солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишда муайян муаммоларнинг мавжудлиги мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши дастурларини молиялаштиришнинг барқарор манбаларини таъминлашга салбий таъсирини ўтказмасдан қолмаяпти, албатта.

Айни пайтда “Ҳаракатлар стратегияси”да солиқ соҳасида кўзда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2018 йил 13 февралдаги “Солиқ қонунчилигини тубдан такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ф-5214-сонли фармойишига мувофиқ 2018-2020 йиллар учун солиқ маъмурчилигини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларни кўзда тутувчи “Солиқ ислохоти концепцияси” лойиҳаси ишлаб чиқилиб кенг жамоатчилик муҳокамасига кўйилди. Шунини алоҳида таъкидлашимиз мумкинки, “Солиқ ислохоти концепцияси” лойиҳаси мамлакатимизда солиқ юкини камайтириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ставкаларини

пасайтириш, айрим турдаги солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни бекор қилишни ёхуд унификация қилишни кўзда тутганлиги, шунингдек, солиқ маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларни ўзида мужассамлаштирганлиги билан алоҳида аҳамиятга эгадир, десак муболаға бўлмайди.

Концепция лойиҳаси юзасидан илгари сурилаётган солиқ тизимининг тубдан соддалаштирилиши ҳақида тўхталар эканмиз, ушбу ҳужжатда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг турлари, солиққа тортиш тартибларининг қисқартирилиши, солиқ тўловчиларнинг турли тоифаси учун солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш қоидаларининг ягоналаштирилиши, солиқларни ҳисоблаш усулларининг соддалаштирилиши, индивидуал солиқ имтиёзларидан кескин воз кечиш ғоялари илгари сурилган бўлиб, унинг муҳимлиги Ўзбекистондаги солиқ тизимида ишлайдиган айрим кўринишдаги жуда мураккаб тартиб-қоидаларни, бир бирига зид ва жаҳон амалиётига тўғри келмайдиган жиҳатларига барҳам берилиши назарда тутади. Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, кичик ва йирик бизнес субъектлари учун, савдо фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари учун, қишлоқ хўжалиги корхоналари учун, молия муассасалари учун, яқка тартибдаги тадбиркорлар учун ва бошқа шу каби тадбиркорлик субъектлари учун солиққа тортиш тартиблари турли-туманлигини, бир хил турдаги солиқларни солиқ тўловчиларнинг турли тоифалари учун ҳисоблаш тартиби турли-туманлиги, солиқларни тўлашда жуда кўп истисно этувчи қоидалар, қўшимча қоидалар мавжудлиги ва уларнинг қўлланилиши солиқ тизимини тартибга солувчи қоидаларни мураккаблаштирилаётганлигига ва солиқ маъмуриятчилиги харажатларини ортишига олиб келиши мумкиндир. Концепция лойиҳасида солиқ юқини кескин қисқартириш, аввало, иш ҳақиға нисбатан ва солиққа тортишнинг умумбелгиланган тартиби ўрнатилган корхоналарға нисбатан солиқ юқини камайтириш, шунингдек кичик ва йирик бизнес субъектлари ўртасидаги солиқ юқи фарқларига барҳам бериш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилгандир.

Хулоса ўрнида айтишимиз мумкинки, солиқ соҳасида замон талабларидан келиб чиққан ҳолда ислохотларнинг амалға оширилиши солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштиришға хизмат қилади ҳамда унинг шаффофлигини таъминлайди, шунингдек солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини оширишға хизмат қилади, бу эса, шубҳасиз, Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ривожланишида ўз аксини топади.

СОЛИҚЛАРНИ УНДИРИШДА БЮДЖЕТДАН ҚАРЗДОРЛИК ДАРАЖАСИНИ КАМАЙТИРИШ ЙЎЛЛАРИНИНГ ИЛМИЙ ТАДҚИҚИГА ЯНГИЧА ЁНДАШУВНИНГ ЗАРУРЛИГИ ХУСУСИДА

Ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг молиявий асослари шаклланишига ижобий таъсир этишнинг молиявий усулларида бири солиқларни ундиришда бюджетдан қарздорлик даражасини камайтиришдир. Бугунги кунда кўплаб мунозараларга сабаб бўлаётган солиқ тизими ислохотининг алоҳида бир йўналиши сифатида солиқ назоратининг ушбу йўналишига оид муносабатларни ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Бу борада Ўзбекистон Республикасини 2017–2021 йилларда ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “... солиқ юкини камайтириш ва солиққа тортиш тизимини соддалаштириш сиёсатини давом эттириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва тегишли рағбатлантирувчи чораларни кенгайтириш”⁵⁰ муҳим йўналиш сифатида белгилаб берилган.

Мамлакатимизда солиқларни ундиришда бюджетдан қарздорлик даражасини камайтириш йўллари тадқиқига бағишланган илмий тадқиқот ишлари А.Жўраевнинг “Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг самарали йўллари» мавзусидаги докторлик иши, Ф.Мирзаевнинг «Солиқлар йиғилувчанлигини ошириш йўналишлари» мавзусидаги номзодлик диссертациясида) бажарилганлигига қарамай, ҳозирги кун талабларини ҳисобга олган, бу соҳадаги илмий-услубий тадқиқот натижалари ва ишланмаларига эҳтиёж анча сезиларлидир.

Бунда, бизнинг фикримизча, қуйидагиларга эътиборни қаратиш лозим: биринчидан, солиқларни ундиришнинг зарурлигини давлат фискал тадбирлари тизими призмаси орқали ўрганиш; иккинчидан, солиқларни ундиришда бюджетга боқиманда қарздорлик генезиси, сабаблари ва уни камайтириш аҳамиятининг макроиқтисодий барқарорлик нуқтаи-назаридан таҳлил қилиш; учинчидан, бюджетга боқиманда қарздорликни камайтириш юзасидан солиқ назорати ва солиқ маъмуриятчилиги фаолиятининг ҳозирги кундаги меъёрий-

⁵⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғриси»даги ПФ-4947-сон Фармони. – www.lex.uz

ҳуқуқий асослари ва уни тартибга солиш механизмини комплекс ҳолда тадқиқ этиш.

Ҳозирги замон талаблари ва реал ҳаётӣ эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда солиқларни ундиришда бюджетдан қарздорлик даражасини камайтириш йўлларининг илмий тадқиқига *янгича ёндашувнинг фундаментал асоси* шунга таянмоғи лозимки, унда иқтисодиёт модернизацияси ва либераллашуви шароитидаги янги солиқ сиёсати доирасида мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг истиқболдаги вазифаларини ҳисобга олган ҳолда солиқларни ундиришда бюджетдан қарздорлик даражасини камайтириш йўлларини тизимли тарзда тадқиқ этиш ва унинг диққат марказида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш молиявий таъминотининг муҳим асоси бўлмиш “давлат фискал мақсадлари ва солиқ дастаклари самарали амал қилиш механизми” мутаносиблигини ўзаро мувофиқлаштириш ҳамда уйғунлаштириш орқали унинг такомиллашган механизмини ишлаб чиқиш лозим.

Мазкур *янгича ёндашув асосидаги тадқиқ қуйидагиларни ҳал этишга* имкон беради:

- ижтимоий-иқтисодий ривожланиш истиқболларига асосланган янги солиқ сиёсати асосида солиқ тўловчилар учун яратилган шароит ва иқтисодий базис, ривожланишнинг устувор йўналишларини ҳисобга олган ҳолда “бюджетга боқиманда қарздорлик”, “солиқ амалиётида тўлов интизоми” тушунчалари мазмунига тизимли ёндашувга асосланган янги таъриф бериш;

- солиқларни ундириш амалиёти тадқиқ этилди, унинг вақтида ва тўлиқ ундирилмаслиги муаммоларини аниқлаш ва уларни ҳал этишга оид таклифлар тизимини тавсия этиш;

- солиқ тўловчилар молиявий имкониятлари тизимидаги ҳозирги замон ўзгаришларини ҳисобга олган ҳолда солиқларни бюджетга ундириш бўйича солиқ тушумларини прогнозлаш услубиётини таклиф этиш;

- Республикасида солиқларни ундиришда бюджетдан қарздорлик даражасини камайтириш юзасидан давлатнинг комплекс тадбирлари тизимини илмий асослаб бериш;

- Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясига ҳамоҳанг тарзда мамлакатимизда солиқларни ундиришда бюджетдан қарздорлик даражасини камайтиришга қаратилган амалиётни такомиллаштириш Концепциясининг махсус моделини ишлаб чиқиш.

Солиқларни ундиришда бюджетдан қарздорлик даражасини камайтириш йўллариининг илмий тадқиқига янгича ёндошув булардан ташқари яна миллий солиқ тизимини “давлатнинг фискал мақсадлари ва самарали солиқ дастаклари ўзаро мутаносиб ва уйғун амал қилиши”ни таъминлаган ҳолда мукаммаллаштириш, солиққа тортиш амалиётида субъектлар манфаатлари муштараклигини таъминлаш ва тўлов интизомини мустаҳкамлаш орқали инвестицион фаоллик ҳамда солиқ тушумлари ўсиши истикболларини таъминлашга оид илмий таклиф ва амалий тавсияларни ҳам бера олиши лозим.

Раҳматов Э. Ж. ТДЮУ ўқитувчиси

СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАРНИНГ СОЛИҚ МАЖБУРИЯТЛАРИНИ БАЖАРИШЛАРИНИ РАЎБАТЛАНТИРИШ: ХАЛҚАРО ТАЖРИБА

2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналиши- Иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари ўз ичига солиқ юкини камайтириш ва солиққа тортиш тизимини соддалаштириш сиёсатини давом эттириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва тегишли рағбатлантирувчи чораларни кенгайтиришни ҳам киритилган⁵¹.

Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган чораларни амалиётга жорий этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 18 июлдаги ПФ-5116-сонли Фармони қабул қилинди. Мазкур Фармон билан тасдиқланган давлат солиқ хизмати органлари фаолияти ва солиқ маъмуриятчилигининг самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар дастурида Солиқ мажбуриятларини ўз вақтида бажарадиган ҳалол солиқ тўловчиларни рағбатлантириш бўйича чора-тадбирларини жорий этиш ҳам назарда тутилган.

Ушбу мақолада ўз солиқ мажбуриятини ихтиёрий ва ўз вақтида бажарадиган солиқ тўловчиларни рағбатлантиришдаги илғор хорижий

⁵¹ “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони

тажрибаларни кўриб чиқамиз ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида фикр юритамиз.

Солиқларнинг давлат фаолиятида аҳамияти жуда катта ҳисобланади. Давлат газнасининг асосий тўлдирувчиси бўлиб келган солиқлар ва уларнинг узлуксиз келиб тушиши давлатнинг иқтисодий хавфсизлиги, барқарор ривожланишини таъминлайди. Жаҳон давлатларнинг барчасида давлат бюджети даромади солиқлар ва мажбурий тўловлар орқали шаклланади. Ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети даромадларини шакллантиришда солиқларнинг улуши 94 % ни ташкил этади⁵². Бу эса ўз навбатида солиқларнинг ихтиёрий ва ўз вақтида тўланиши давлат учун учун қанчалик аҳамиятли эканини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Солиқ кодексига асосан солиқ тўловчилар қонун ҳужжатларида белгиланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашга мажбур эканлиги белгиланган. Яъни бу императив норма. Аммо ҳар ким ҳам ўз мулкини, яъни олинган даромадининг бир қисмини давлатга ихтиёрий топширишни хоҳламайди. Натижада солиқ тўлашдан қочиш ёки уларни тўлашдан бўйин товлаш ҳолатлари вужудга келади. Бунинг сабабларидан солиқ тўловчининг солиқ саводхонлигини пастлиги ёки унинг тўланаётган солиқларни қандай мақсадларга сарфланишини тўла англамаслик ҳолатларида ҳам бўлиши мумкин.

Солиқ тўловчилар томонидан ўз солиқ мажбуриятларини ихтиёрий ва ўз вақтида тўлашларини таъминлаш мақсадида турли рағбатлантирувчи усул ва чоралар қўлланилади. Қуйида улардан баъзиларини кўриб чиқамиз.

Лотереялар ташкил этиш ва турли ютуқлар орқали солиқ тўловчиларни рағбатлантириш

Солиқ тўловчиларнинг ўз солиқ мажбуриятларини ўз вақтида ва тўлиқ бажаришларини рағбатлантириш мақсадида инсофли солиқ тўловчиларга турли совғалар бериш ёки лотереялар ўтказиш орқали амалга оширилган. Дастлаб бундай лотерея ўтказиш 1950 йилларда Тайванда, кейинчалик 1990 йилдан бошлаб Хитойда ўтказиладиган бўлди. Ҳозирги пайтда ҚҚС лотереясида Словакия, Мальта, Руминия ва Португалия каби Европа давлатларида ҳам амалда қўлланиб келинмоқда. Қўшилган қиймат солиғи лотереясининг асосий мазмуни ҚҚС қўшилган товар ёки хизматларни сотиб олувчи миқдор давлат томонидан ташкил этиладиган лотерея иштирокчиси бўлиши мумкин бўлади ва

⁵² Ш. Джуманиязов, Г. Эрнараров. Давлат бюджети даромадларини шакллантиришда солиқ тушумларининг таҳлили. <http://www.biznes-daily.uz/ru/birjaexpert/37744-davlat-byudjti-daromadlarini-shakllantirish>

унинг ҳар бир ҚҚС тўланганлиги билдирувчи квитанция ёки чек лотерея билетига алмаштирилади ёки билет деб ҳисобланади.

Шунинг учун мижозлар магазин ёки ресторанларда харидларни амалга оширган ёки хизматлар кўрсатилган пайтда чекларни беришларини сўрашган ва давлат лотереясида қатнашиш ва унда пул мукофотлари ютиб олиш имкониятига эга бўладилар. Тайванда 1951 йилда ташкил этилган лотерея ташкил этиш натижасида йиғилган солиқлар суммаси анча ҳайратланарли бўлган, чунки мазкур сумма лотерея ўтказилмаган йилга нисбатан 76%ни ташкил этган.

Жанубий Кореяда ҳам шунга ўхшаш лотерея тизими 1990 йилларда ташкил этилган. Кейинчалик эса "кредит карталардан фойдаланганлик учун чегирмалар тизими"га айлантирилган. Яъни мазкур тизимда нақд пул айланмасини камайтириш мақсадида кредит карточкалар орқали харид қилган мижозларга даромад солиғини тўлашда чегирмалар тақдим этилган. Бизнинг мамлакатимизда банк пластик карточкалар орқали савдони амалга оширган тадбиркорлик субъектларига имтиёз берилгани сингари.

Солиқ тўловчиларга имтиёзли кредитлар тақдим этиш орқали рағбатлантириш

Масалан, Шри Ланка Ички Даромад Даромадлар Бошқармаси томонидан солиқ мажбуриятларини тўлиқ ва ўз вақтида амалга оширган солиқ тўловчиларга рағбатлантириш сифатида махсус карточкалар тақдим этилган ва солиқ тўловчилар ушбу карточкалар орқали Цейлон Халқ банкидан автомобилларни ёки офис жиҳозларини лизингга олишда имтиёзли фоизлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Солиқ тўловларининг бир қисмини солиқ тўловчининг хоҳиш-истаги бўйича тасарруф этишга имконият яратиш

Моддий рағбатлантиришдан ташқари номоддий рағбатлантириш усуллари ҳам қўлланиб келинади. Масалан, 2006 йилдан бошлаб Испания даромад солиғи тўғрисида қонунига кўра солиқ тўловчилар даромад солиғини тўлалигича тўлган солиқ тўловчиларга солиқ суммасининг 0,7% ини ҳайрия мақсадларига йўналтиришлари мумкин бўлади. Бу ҳайрия солиқ тўловчининг истагига кўра Католик черковига, ҳайрия ташкилотларига ёки давлатга ўтказилиши мумкин. Солиқ тўловчи нафақат солиқ тўлаётгани ёки ўзининг мазкур хатти-ҳаракати билан нафақат давлат фаолиятини молиялаштиришга, балки ҳайрия мақсадларида эзгу ишларни амалга ошираётганлигини англайди ва ўз мажбуриятларини тўлиқ ва ўз вақтида бажаришга ҳаракат қилади.

“The Economist” журналининг ўтган йилги сонида Японияда жисмоний шахсларнинг даромад солиғининг тўлаш схемаси (hometown tax scheme) жорий қилинган, унга кўра жисмоний шахс ўзи тўлаган солиқнинг маълум қисмини ўзи танлови бўйича шаҳар ёки аҳоли пунктига ҳисобига ўтказиши мумкин тўғрисида маълумот берилган. Яъни ўзи туғилиб ўсган ёки таълим олган шаҳарча бюджетига солиқ суммасининг бир қисмини ўтказиш орқали бевосита мазкур аҳоли пункти тараққиёти учун ўз ҳиссасини кўшган ҳисобланади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган номоддий рағбатлантириш усуллари, яъни солиқ тўловчиларга ўзи тўлаган солиқ суммасининг маълум қисмини ўз истаги бўйича сарфлаш имкониятини тақдим этилиши солиқ тўловчиларнинг ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаришга ундашда катта роль ўйнаши кўп олимлар томонидан эътироф этиб ўтилган, чунки улар нафақат давлат, балки жамиятга ҳам ёрдам бераётганларини чуқур ҳис этадилар. Солиқ тўловчи ҳам ўз солиқ мажбуриятини бажаради, ҳам хайр-эҳсон қилдиш имкониятига эга бўлади.

Масалан, даромад солиғи умумий суммасидан 0,5%ни солиқ тўловчи ўзи яшаб турган ҳудуддаги болалар уйи ёки Гематология институти болалар бўлимига дори-дармонсотиб олиш учун ўтказиш белгиланса бундай рағбатлантиришни танлайдиган шахслар ҳам камчиликни ташкил этмаса керак. Чунки бундай ҳолда шахс ҳам ўз фуқаролик бурчини бажариш билан бирга савоб ишни ҳам амалга оширади.

Ўз солиқ мажбуриятларини вақтида ва тўлалигича тўлаб бораётган инсофли солиқ тўловчиларни моддий ва номоддий рағбатлантиришни назарда тутувчи қоидаларни солиқ қонунчилигига ҳамда амалиётга киритиш орқали давлат бюджетига солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида келиб тушишни таъминлашда муҳим роль ўйнайди.

*Эшмуродов С. Т. - Солиқ академияси ўқитувчиси,
ЎЗМУ мустақил тадқиқотчиси*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА СОЛИҚ ТИЗИМИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ

Солиқлар инсоният тарихида катта мунозараларга сабабчи бўлиб келмоқда, сабаби солиқлар давлатнинг молия инструментларидан ҳисобланади ва давлат ва жамият ўртасидаги муносабатларни таъминлайди.

Ўзбекистонда солиқ тизимининг шаклланиши, тарихий ривожланишини, солиқларнинг бугунги кундаги давлат ва жамият ҳаётидаги ўрнини ўтмишда

мавжуд бўлган солиқ турлари билан қиёсий солиштириш асосида тадқиқ этиш ва тизимнинг ривожланиш истиқболларини илмий манбалар ҳамда тарихий ҳужжатлар асосида ўрганиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистонда солиқ тизими уларнинг ривожланишини ўрганиш бугунги кунда мустақил мамлакатимизда солиқ тизими соҳасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар билан муштарак тарзда таҳлил этилиб борилмоқда. Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.Каримов ўзларининг маърузаларида солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш муҳим масала эканлигини алоҳида таъкидлаганлар. “Солиққа тортиш масаласида амалиётда синалган принцип ва ёндашувларни ишлаб чиқиш, бу борада бошқа мамлакатларнинг илғор тажрибасидан фойдаланиш муҳим масаладир. Солиқ тизими нафақат солиқларни ундириш, балки биринчи галда, рағбатлантириш хусусиятига эга бўлиши лозим. Шунга эришимиз керакки, ҳар бир солиқ тўловчи у хоҳ жисмоний, хоҳ юридик шахс бўлсин, солиқ тўлашдан бўйин товламасдан даромадларини яширишга уринмасдан, аксинча, ўз ишлаб чиқаришини ривожлантирсин ва даромадини оширишга интиلسин”⁵³ дея қайд этадилар.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида солиқ тизимини ислоҳ қилишдан кўзланган асосий мақсад, юридик ва жисмоний шахсларнинг даромад манбалари, миқдори, тўлов имкониятларидан келиб чиқиб, улар зиммасидаги солиқ юкини енгиллаштириш орқали мамлакатда мукамал ҳамда одил солиқ иқлимини яратиш, ишлаб чиқаришни жонлаштириш ва иқтисодиётни барқарорлаштиришга эришишдан иборатдир.

Солиқ сиёсатини самарали юргизилиши кўп жиҳатдан уни ҳуқуқий базанинг мустаҳкамлигига боғлиқ. Бунда солиқ сиёсатига оид солиқ қонунчилиги муҳим ўрин тутаяди.

Бугунги кунда республикаимизда солиқ сиёсатининг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси, Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги Қонуни, ҳукуматнинг бошқа солиққа оид қонунлари, қарорлари, Президент фармонлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан мустаҳкамланган.

Хусусан Ўзбекистон Республикаси Конституциясида фуқароларнинг солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаш

⁵³ Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз-жамятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир.- Т.: «Ўзбекистон».2005. 89 бет

мажбуриятлари кўрсатилган. Унда шундай дейилган: Фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва йиғимларни тўлашга мажбурдирлар⁵⁴.

Мустақиллик йилларида солиқ тизими ривожланиши беш муҳим босқич билан белгиланади:

Биринчи босқичи: 1991-1997 йилларни ўз ичига олган бўлиб, Ўзбекистоннинг ўз мустақил солиқ тизимини ташкил этиш ва солиқларнинг хазинавий аҳамиятини ошириш босқичидир.

Иккинчи босқичи: Солиқларнинг бозор иқтисодиёти талабларига мослаштириш ва корхоналарнинг ишлаб чиқаришларини рағбатлантиришга қаратилган давридир. Бу давр 1997-2004 йилларни ўз ичига олади.

Учинчи босқичи: 2004 йилдан 2010 йилгача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу даврни солиқ тизимида солиқларни ихчамлаштириш соҳасидаги муҳим босқичнинг бошланиш даври деб аташ мумкин. Мазкур босқичда солиқ тўловчи юридик шахсларга имкони борича соддалаштирилган, ихчамлаштирилган солиқ тўлаш тизими жорий этилиб, уларнинг солиқ ҳисоботлари ва солиқ тўлаш муддатлари соддалаштирилди. Бунда 2008 йилда Солиқ кодексини янги таҳрирдагиси қабул қилинди ва 2008 йил 1 январдан кучга кирди⁵⁵.

Тўртинчи босқичи: 2010 йилдан то ҳозирги кунга қадар бўлган даврни ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 18 июль куни "Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5116-сонли Фармони қабул қилинди. Ушбу Фармонга кўра 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясидаги солиқ солиш тизимини изчиллик билан соддалаштириш, солиқ солинадиган базани кенгайтириш орқали солиқ юқини пасайтириш каби вазифалар ижроси юзасидан, шунингдек солиқ маъмуриятчилигининг замонавий услубларини жорий этиш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш мақсадида аниқ чора тадбирлар ишлаб чиқилди.

⁵⁴Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: «Ўзбекистон», 2017 й. 51-модда.

⁵⁵ Н.Обломуродов, Ф.Толипов Ўзбекистонда солиқлар тарихи. Тошкент. «Иқтисод-молия» 2009. 163 б.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, солиқлар давлатнинг иқтисодий жиҳатдан янги бир босқичга олиб чиқишда муҳим рол ўйнайди. Мустақиллик йилларида солиқ тизими шаклланиб ҳозирга қадар ривожланиб келмоқда.

Мамлакатимизда давом этаётган ҳозирги кенг қамровли иқтисодий ислохотлар даврида 2018 йилни Президентимиз томонидан “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили⁵⁶” деб эълон қилиниши фуқароларнинг моддий аҳволини, турмуш тарзини янада яхшилаш, тадбиркорликка эътибор қаратиш, инновацион ғоялар яратиш ҳамда инновацион ғояларни ҳаётга татбиқ этиш, жойлардаги иқтисодий инфратузилмалар фаолиятини янада кенгайтиришда ўзига хос аҳамият касб этади. Бу эса, ўз навбатида, давлатимиз ва ҳукуматимиз томонидан белгиланган вазифаларни амалга ошириш орқали шаҳар ва қишлоқларимизда истиқомат қилаётган барча фуқароларимиз учун масъулият юклайди. Фуқароларимиз солиқларни ўз вақтида тўлаш, шу орқали эса юртимиз ривожини учун ўз ҳиссасини қўшиши мумкин.

Акрамов Ш.И. БМА тингловчиси

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИНГ МУЛКИЙ ДАРОМАДЛАРИНИ ДЕКЛАРАЦИЯ АСОСИДА СОЛИҚҚА ТОРТИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ


Мустақиллик йилларида жисмоний шахслар мулкীয় даромади таркиби ва уни солиққа тортиш механизмлари шаклланди ва ушбу тизим асосида даромадлар декларация асосида солиққа тортилиб келинмоқда.

Мулкীয় даромад олишни рағбатлантириш ва фойдаланилмай келаётган мол-мулкдан самарали фойдаланиш тизимини яратиш мақсадида жисмоний шахслар мулкীয় даромадлари имтиёзли солиққа тортиш амалиёти жорий этилди. Мол мулкқини ижарага беришни тартибга солиш мақсадида ижара ҳақининг энг кам миқдорларини қонун билан белгилаб бериш тизими йўлга қўйилди.

Жисмоний шахсларнинг жами даромадлари таркибий қисмларидан бири сифатида мулкীয় даромадлар салмоғи аҳамиятга моликдир.

Жисмоний шахсларнинг мулкীয় даромадларини қуйидаги расм маълумотлари асосида ифода этамиз.

⁵⁶ Мирзиёев Ш. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисиغا Мурожаатномаси 2017 йил 22 декабрь.



1-расм. Жисмоний шахсларнинг мулкӣ даромадлари таркиби⁵⁷.

Ўзбекистонда жисмоний шахсларнинг Солиқ кодекси 189-моддасида қайд этилган даромадлариға декларация асосида солиқ солинади. Бундай даромадлар таркибига агар бу даромадларға тўлов манбаида солиқ солинмаган бўлса, мулкӣ даромадлар ҳам киритилади.

Мол-мулкни ижараға беришдан даромад олаётган жисмоний шахс, агар ушбу даромадларға жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг тўлов манбаида солиқ солинмаса, белгиланган муддатларда жами йиллик даромад тўғрисида декларация тақдим этиш билан бир қаторда ижарадан даромадлар пайдо бўлган кундан эътиборан биринчи ой туганидан кейин беш кунлик муддатда дастлабки тарздаги декларация ҳам тақдим этади. Шу билан бирга, жисмоний шахс ушбу даромадлари бўйича ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 апрелидан кечиктирмай доимий яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органиға жами йиллик даромад тўғрисидаги декларацияни ҳам тақдим этиши лозим.

Бугунги кунда жисмоний шахсларнинг мол-мулкларини ижараға бериш натижасида олинадиган даромадларини солиққа тортиш тартибини адолатли таъминлаш мақсадида ижара тўловининг энг кам миқдорларини қуйидаги жадвал маълумотлари орқали кўришимиз мумкин.

⁵⁷ Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси.-Т.: Адолат, 2018 й.

**Мол-мулкни ижарага берувчи жисмоний шахслар учун белгиланган
ижара тўловининг энг кам ставкалари⁵⁸**

№	Ижарага бериладиган мол-мулк тури	Белгиланган ставка миқдорини тавсифловчи кўрсаткич	Ойлик ижара тўлови ставкаларининг энг кам миқдорлари, сўмда		
			Тошкент ш.	Нукус шаҳри ва вилоят бўйсунувидаги шаҳарлар	бошқа аҳоли пунктлари
1.	Уй-жойлар:				
	турар жой	умумий майдоннинг 1 кв.метри учун	4 500	3 000	1 500
	нотурар жой		9 000	6 000	3 000
2.	Автомобиль транспорти:				
	енгил автомобиль (йўловчилар, багаж ташишга мўлжалланган ҳамда ҳайдовчи ўрнини ҳисобламаганда, ўриндиқлари сони 8 тадан кўп бўлмаган автотранспорт воситаси)	1 та автотранспорт воситаси учун	330 000		
	микроавтобуслар, автобуслар ва юк автомобиллари		645 000		

Юқоридаги жадвал маълумотларига кўра, жисмоний шахсларнинг уй-жойни, нотурар жойни ва автотранспорт воситасини ижарага беришдан олган даромадларига солиқ солиш ижара шартномасида белгиланган ижара ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда, бироқ ушбу мол-мулкларни ижарага топширувчи жисмоний шахслар учун белгиланган ижара ҳақининг энг кам ставкаларига асосан ҳисобланган миқдорлардан кам бўлмаган ҳолда амалга оширилади.

⁵⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги 3454-сонли қарори

Жисмоний шахсларнинг мулкый даромадларини декларация асосида солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш мақсадида:

1. Жисмоний шахсларнинг асосий мулкый даромадларининг бири мол-мулкни сотишдан ва мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромадлардир. Бизнинг мамлакатимизда мол-мулкни ижарага беришдан даромад оладиган жисмоний шахсларни ҳисобга олиш ишларини яхши йўлга қўйиш лозим. Бунда, мол-мулкни ижарага беришдан даромад оладиган жисмоний шахсларнинг даромадлари тўғрисидаги маълумотларни Республика бўйича ягона электрон базага жамлаш ва маълумотлар алмашилишида электрон тизим орқали боғланишни таъминлаш лозим.

2. Жисмоний шахслар мол-мулкни ижарага берганида ижарага олувчи жисмоний шахслар томонидан ижарага тўланган ижара ҳақлари йиллик даромадларни ҳисоблаб чиқаришда жами даромаддан чегирилиши керак. Шунда уй-жойларини ижарага берувчилар ва ижарага олувчилар ўртасида ҳаққоний суммада ижара шартномаси тузилишига эришар эдик. Натижада ижара шартномаси юқори суммада тузилиши натижасида бюджетга даромад солиғини кўпроқ тушишига эришиш мумкин.

3. Жисмоний шахсларга хусусий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган кўчмас мулки (турар жойлари)ни кетма-кет келадиган ўн икки ойлик давр ичида бир мартадан ортиқ сотишдан олинган даромадларни солиққа тортишда энг кам меъёрлар киритиш мақсадга мувофиқ.

4. Солиқ кодексининг 84-моддаси олтинчи қисми бўйича, яъни Давлат нотариал идоралари тегишинча кўчмас мулк олди-сотди шартномалари, мол-мулк ижараси шартномалари тасдиқланганлиги ва ижара ҳақи миқдори, шунингдек мерос қилиб олиш ёки ҳадя тарзида фуқароларнинг мулкига ўтаётган мол-мулк қиймати тўғрисида кўрсатилган нотариал ҳаракатлар амалга оширилган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай ўзлари жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органларига маълум қилиши шартлиги белгилаб қўйилган. Ҳозирги кунда амалиётда авто транспортларини олди сотди ва ижарасини бекор бўлганлиги тўғрисида маълумотларни олиш имкони мавжуд эмас. Солиқ кодексининг 84-моддаси олтинчи қисмини “Нотариал идоралари” жумласидан сўнг “автотранспорт воситалари ва бошқа кўчар мулклари бўйича олди сотди ёки ижарани бекор бўлганлиги тўғрисида нотариал ҳужжатлар нусхаларини” жумласи билан тўлдирилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Бунинг натижасида эса ортиқча солиқ қарздорлигининг вужудга келиши олди олинади.

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ДАРОМАД СОЛИҒИ БЎЙИЧА ИМТИЁЗЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Маълумки, солиқ имтиёзлари солиқ тизимининг ажралмас қисми ҳисобланади. Солиқ имтиёзлари воситасида солиқ тўловчиларнинг айрим гуруҳларига турли хил енгилликлар берилиб, бошқа солиқ тўловчиларга нисбатан солиқ мажбуриятлари бўйича муайян имтиёзлар назарда тутилади.

Солиқ имтиёзларига эга бўлган солиқ тўловчиларнинг солиқ юки имтиёзларга эга бўлмаган солиқ тўловчилар гарданига тушади. Шу боис, солиқ имтиёзлари аниқ, мақсадли бўлиши билан бирга келажакда бу имтиёзлар ўз самарасини бериши, яъни имтиёздан фойдаланган солиқ тўловчилар солиқ базасини кенгайтириш ҳисобига бюджетга кўпроқ солиқларни тўлашлари керак бўлади. Ана шундагина солиқ имтиёзлари олдига қўйилган мақсадга эришилади. Лекин солиқлар бўйича барча имтиёзлар ҳам юқоридаги каби самара бермаслиги мумкин. Айниқса жамиятдаги ижтимоий масалалар билан боғлиқ тақдим этилган имтиёзларда бу аниқ намоён бўлади.

Солиқ имтиёзлари инвестицион ва ижтимоий имтиёзларга бўлинади. Жисмоний шахсларга берилган солиқ имтиёзларининг асосий қисми ижтимоий йўналтирилган имтиёзлардир.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича имтиёзлар Солиқ кодексининг 179 ва 180-моддаларида келтирилган бўлиб, улар асосан ижтимоий характерга эга (1-расм).



1-расм. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича имтиёзлар таркиби

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича имтиёзларнинг асосий тури - уларнинг солиқ солинмайдиган даромадларидир. Бундай имтиёзлар Солиқ кодексининг 179-моддасига мувофиқ белгиланиб, уларни 30 дан ортиқ турлари келтирилган. Жисмоний шахсларнинг солиқ солинмайдиган даромадлари асосан ижтимоий характерга эга бўлиши билан бирга, муайян соҳаларни молиялаштиришни рағбатлантирувчи хусусиятга ҳам эга. Айрим ипотека кредитлари (ёш оила аъзоларига, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича) ва олий ўқув юртларида таълим олиш учун (ўзининг ўқиши ёки йигирма олти ёшга тўлмаган фарзандларининг ўқиши учун) йўналтириладиган суммаларга имтиёз тақдим этилиши самарали тизим эканлигини эътироф этиш лозим.

Даромад солиғидан тўлиқ озод қилинган жисмоний шахслар асосан хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналари ходимлари ва ҳарбий хизматчилардан иборат. Бунда ҳарбий хизматчилар хизматни ўташ (хизмат вазифаларини бажариш) муносабати билан олган пул таъминоти, пул мукофотлари ва бошқа тўловлар суммалари бўйича имтиёзга эга. Уларнинг бошқа даромадлари белгиланган тартибда солиққа тортилади.

Даромад солиғидан қисман озод қилинган жисмоний шахслар даромад олинган ҳар бир ой учун энг кам иш ҳақининг тўрт баравари миқдоридagi даромадлари бўйича имтиёзга эга бўлиб, ундан ортиқ даромадлари бўйича белгиланган тартибда солиқ тўлайдилар. Қисман имтиёзлар асосан юқори даражадаги унвонларга сазовор бўлган шахсларга, уруш ногиронлари ва қатнашчиларига, ёлғиз оналар, боқувчисини йўқотган оилалар ва ногиронлик ҳолатлари бўйича тақдим этилган.

Қисман имтиёзларни қўллаш жисмоний шахснинг асосий иш жойи бўйича, асосий иш жойи бўлмаган тақдирда — яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органлари томонидан жами йиллик даромад тўғрисидаги декларация асосида солиқни ҳисоблаб чиқариш чоғида амалга оширилади.

Эътиборли жиҳати шундан иборатки, қисман имтиёзлар жисмоний шахсларнинг фоизлар ва дивидендлар тарзида олинган даромадларига, шунингдек мол-мулкни ижарага топширишдан олинган даромадларига ҳам татбиқ этилади.

Маълумки, жисмоний шахсларнинг дивидендлар тарзида олинган ва дивиденд тўлаган юридик шахснинг устав фондига (устав капиталига) йўналтирилган даромадлари солиққа тортилмайди, яъни дивидендларни реинвестиция қилиниши солиққа тортилмайди. Бизнингча, жисмоний

шахсларнинг бошқа даромадларини ҳам инвестицияларга йўналтиришни рағбатлантириш мақсадида уларни даромад солиғидан озод қилиш ва мақсадли йўналтириш лозим.

Бугунги кунда кўпчилик жисмоний шахслар ўз даромадларини омонатга ёки қимматли қоғозларга йўналтириш орқали даромад олишдан чўчийдилар. Бунга бир нечта омиллар салбий таъсир кўрсатаётганлигини қайд этиш лозим. Иқтисодиётдаги инфляция даражаси, қимматли қоғозлар иккиламчи бозорининг нисбатан кам ривожланганлиги шулар жумласидандир. Натижада, аҳоли маблағлари фаол иқтисодиётга етарлича жалб қилинмаяпти.

Аҳоли даромадларини инвестицияга кенг жалб қилишда солиқ имтиёзларини тақдим этиш билан бирга, юқоридаги масалаларни ҳам узвийликда ҳал этиш кўзланган мақсадга эришишни тезлаштиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимини ислоҳ қилиш концепциясида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини тубдан ислоҳ қилиш кўзда тутилган. Албатта, бу жараёнда солиқ тўловчиларнинг кўпчилиги эътиборини жалб қиладиган жиҳатлар бисёр. Айниқса, ягона ижтимоий тўлов (иш берувчилар манфаатлари учун) ва фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадалларини бекор қилиш мазкур ўзгариш жозибадорлигини оширади. Аммо даромад солиғининг ягона 25 фоизда белгиланиши солиқ тўловчилар даромадларига жиддий таъсир кўрсатади. Жисмоний шахслар даромадларининг чорак қисмини солиққа тортилиши уларнинг солиқ юкини сезиларли даражада ошишига олиб келади.

Назаримизда, аҳолининг даромадлари унчалик юқори бўлмаган ҳозирги шароитда солиқ юкининг оширилиши уларнинг харид қобилиятини янада пасайишига олиб келади. Бу ўз навбатида жамиятдаги ижтимоий муаммоларни кучайтириши мумкин.

Бизнингча, даромад солиғи ставкасини пастроқ миқдорда белгилаш ва камида икки поғонали тизимни сақлаб қолиш мақсадга мувофиқ. Бу ўринда табиий савол туғилади, солиқ ставкасининг пасайтирилиши натижасида бюджет йўқотадиган сумма қайси манба ҳисобидан қопланади?

Бу борада биринчи навбатда жисмоний шахсларнинг ноқонуний даромадларини солиққа тортиш механизмини ишлаб чиқиш ва уларни солиққа тортиш орқали бюджет даромадларини оширишга эришиш мумкин. Тўғрироғи бугунги кунда солиқ тизими жисмоний шахсларнинг қонуний даромадларини солиққа тортиш орқали бюджетга жалб қиладди, яъни бюджет аҳолининг

тушунчалари мавжуд. Солиқ тизимида ҳар бир тушунча бошқаларидан фарқ қилганидек ,бу икки тушунча ҳам бир-биридан фарқ қилади. Яъни:

Солиқ солинадиган фойда (1-илованинг 130-сатри) - бу юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ва ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бўйича ҳисоб-китоб шаклида келтирилгандек солиқ солиниши лозим бўлган фойдадан солиқ солишдан озод қилинадиган фойда (Солиқ кодексининг 158- моддаси) айириб ташланади. Солиқ солиниши лозим бўлган фойда 1-илованинг 110-сатрида кўрсатилган тартибда ҳисоблаб чиқарилади.

Солиқ солинадиган база (1-илованинг 150-сатри) - бу юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ва ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бўйича ҳисоб-китоб шаклида келтирилгандек солиқ солинадиган фойдадан солиқ солинадиган фойдани камайтирадиган харажатлар (Солиқ кодексининг 159-моддаси) айириб ташланади.

Мисол: “ОРИГИНАЛ” корхонаси ўзи жойлашган ердаги давлат солиқ инспекциясига 2017 - йил 1-чорак учун юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи бўйича тахминий маълумотларни тақдим қилди. Бунга асосан:

- Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи бўйича солиқ солиниши лозим бўлган фойда суммаси- 38 000 000 сўмни ташкил этди.

- Тарих ва маданият ёдгорликларини таъмирлаш ишларини амалга оширишдан фойда – 2 000 000 сўм

- Жисмоний тарбия ва спорт муассасаларига берилган бадал суммаси - 1 000 000 сўм

- Инвестицияга йўналтирилган маблағлар - 3 000 000 сўмни ташкил этган.

Солиқ солинадиган фойда = 38 000 000 - 2 000 000 = 36 000 000 сўм бўлади. (Чунки тарих ва маданият ёдгорликларини таъмирлаш ишларини амалга оширишдан фойда солиқ солишдан озод этиладиган фойда таркибига киради.)

Солиқ солинадиган база = 36 000 000 – 3 000 000 - 1 000 000 = 32 000 000 сўм бўлади. (Чунки жисмоний тарбия ва спорт муассасаларига берилган бадал суммаси, инвестицияга йўналтирилган маблағлар солиқ солинадиган фойдани камайтирадиган харажатлар таркибига киради.)

Тахминий маълумотларга асосан солиқ солинадиган база 2017 йил 1-чораги учун 32 000 000 сўмни ташкил қилди (энг кам ойлик иш ҳақи 149775 сўм) . “ОРИГИНАЛ” корхонаси 2017-йил 1-чорак учун жорий тўлов тўлайди. Чунки “ОРИГИНАЛ” корхонасининг 2017-йил 1-чорак учун солиқ

солинадиган база (Солиқ Кодексининг 164-моддасига биноан) энг кам ойлик иш ҳақининг 200 бараваридан юқори. Шундан келиб чиқиб “ОРИГИНАЛ” корхонаси ҳар ойда юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи суммасининг учдан бир қисми миқдорини тўлайди. Яъни:

$32\ 000\ 000 * 7.5\% = 2\ 400\ 000$ сўм – юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи суммаси

$2\ 400\ 000 : 3 = 800\ 000$ сўм

800 000 сўм - январь ойининг 10 -кунидан кечиктирмай тўлаши керак

800 000 сўм - февраль ойининг 10 -кунидан кечиктирмай тўлаши керак

800 000 сўм - март ойининг 10 -кунидан кечиктирмай тўлаши керак.

Солиқ кодексининг 159- моддасининг бешинчи банди қуйидагича:

5) ёш оилалар тоифасига кирувчи ходимларга ипотека кредитлари бадаллари тўлашга ва (ёки) мулк сифатида уй-жой олишга текин йўналтириладиган маблағлар суммасига, бироқ солиқ солинадиган базанинг 10 фоизидан ошмаган миқдорда;

Юқоридаги сўзлардан келиб чиқиб, солинадиган фойдадан солиқ солинадиган фойдани камайтирадиган харажатлар (Солиқ кодексининг 159-моддаси)ни айириб солиқ солинадиган базани топадиган бўлсак, қандай қилиб солиқ солинадиган базани 10 фоизини аниқлаймиз ?

Юқоридаги муаммони бартараф этиш юзасидан Солиқ кодексининг 159- моддасини ёш оилалар тоифасига кирувчи ходимларга ипотека кредитлари бадаллари тўлашга ва (ёки) мулк сифатида уй-жой олишга текин йўналтириладиган маблағлар суммасига, бироқ солиқ солинадиган фойда нинг 10 фоизидан ошмаган миқдорда деб ўзгартириш киритиш мақсадга мувофиқ булар эди.

*Кудратов Б.У. - Тошкент солиқ коллежи
“Махсус фанлар” кафедраси ўқитувчиси*

ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ ЎЗБЕКИСТОН СОЛИҚ ТИЗИМИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Бугунги кунда жаҳон бозори конъюнктураси кескин ўзгариб, глобаллашув шароитида рақобат тобора кучайиб бормоқда. Бу жараён эса айти пайтда Ўзбекистонни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришни тақозо этмоқда десак муболаға бўлмайди. Айти

вақтда мамлакатимиз босиб ўтган 27 йилга яқин тараққиёт йўлини таҳлил қиладиган бўлсак, республикамизда бу даврда амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар миллий давлатчилик ва суверенитетни мустаҳкамлаш, хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни, давлатимиз чегаралари дахлсизлигини, жамиятда қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини таъминлаш учун муҳим пойдевор бўлди, халқимизнинг муносиб ҳаёт кечириши ва бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур бўлган ижобий шарт-шароитларнинг яратилишига имкон берди дейишимиз мумкин. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг бозор иқтисодиёти ислохотлари босқичма-босқич амалга оширилгани ва пул-кредит сиёсати пухта ўйлаб олиб борилгани макроиқтисодий барқарорликни, иқтисодиётнинг юқори суръатлар билан ўсишини, инфляцияни прогноз кўрсаткичлари даражасида сақлаб қолишни таъминлади ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини ривожлантириш учун кенг имкониятлар ва қулай шароитлар яратилишига хизмат қилди. Шунингдек фикрларимизнинг мантиқий давоми сифатида айтиш мумкинки, солиқ юкининг йилдан йилга камайиб бориши, солиқлар бўйича имтиёз ва преференцияларнинг қўлланилиши эса тадбиркорлик фаолиятини ривожланишига шароит яратмоқда, натижада эса кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ортишига хизмат қилмоқда.

Юртимизда олиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бугунги кунимизнинг долзарб масаласидир. Шу мақсадда аҳоли ва тадбиркорларни ўйлантираётган долзарб масалаларни ҳар томонлама ўрганиш, амалдаги қонунчилик, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва илғор хорижий тажрибани таҳлил қилиш, шунингдек кенг жамоатчилик муҳокамаси натижасида 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ишлаб чиқилди. Ҳаракатлар стратегиясининг 3-йўналишида иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштиришга йўналтирилган макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш бўйича институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш, хусусий мулк

ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш, ҳудудлар, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ҳолда ижтимоий-иқтисодий тараққий эттириш, инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий сармояларни фаол жалб этиш масалалари назарда тутилган. Мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари рўёбга чиқаришда ҳамда макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолишда солиқ юқини камайтириш ва солиққа тортиш тизимини соддалаштириш сиёсатини давом эттириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва тегишли рағбатлантирувчи чораларни кенгайтириш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид 320 та банддан иборат Давлат дастури ҳам тасдиқланган бўлиб, 2017 йилда белгиланган тадбирларни амалга ошириш учун 37,7 трлн. сўм ва 8,3 млрд. АҚШ доллари миқдорида харажатлар кўзда тутилган эди. Жорий 2018 йилга мўлжалланган Давлат дастури тадбирларини амалга оширишнинг жами харажатлари сифатида эса 11 239,2 млрд. сўм ва 1 284,9 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маблағлар кўзда тутилган⁶⁰. 2018 йилга мўлжалланган Давлат дастурида солиқ юқини камайтириш ва солиққа тортиш тизимини соддалаштириш сиёсатини давом эттириш, шунингдек тегишли рағбатлантирувчи чораларни кенгайтириш орқали солиқ юқини камайтириш ва соддалаштириш, шу асосда ишлаб чиқаришни ва солиққа тортиладиган базани кўпайтириш, кичик корхоналарни тез суръатларда ривожланиб, ишчилар сонини кўпайтириши ҳамда йирик корхоналар тоифасига ўтишини рағбатлантирувчи тизим жорий этиш, солиқ маъмуриятчилиги ва назоратини ташкил этиш тартиби ва методологиясини тубдан такомиллаштириш, ушбу тизимни илғор халқаро стандартлар талабларига мувофиқлаштириш каби тадбирларни изчилик билан амалга ошириш мақсад қилиб олинганлиги билан аҳамиятлидир.

Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун солиқ юқини изчиллик билан камайтириш

⁶⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат Дастури тўғрисидаги ПФ-5308-сонли фармони, 2018 йил 22 январь.

ва қулай шарт-шароитларни яратишни таъминлайдиган солиқ тизими шакллантирилганлиги билан биргаликда, солиқ маъмуриятчилиги соҳасида, шу жумладан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни йиғиш, солиқ солинадиган базани кенгайтириш ва солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишда муайян муаммоларнинг мавжудлиги мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши дастурларини молиялаштиришнинг барқарор манбаларини таъминлашга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Замонавий талабларга жавоб берадиган солиқ тизими - иқтисодиётни жадал ривожлантириш, тадбиркорлик фаолияти учун қулай шароитлар яратиш, инвестиция муҳитини яхшилаш, ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишни кенгайтиришнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади. Юқорида айтиб ўтилганидек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида солиқ солиш базасини кенгайтириш орқали солиқ маъмуриятчилигини соддалаштириш ва солиқ юкини камайтириш масалалари алоҳида ўрин тутди. Ўтган давр мобайнида тадбиркорлик субъектларида текширишларни қисқартириш ва уларнинг фаолиятига асосиз аралашиларга барҳам бериш бўйича зарур чоралар кўрилди. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини режадан ташқари ва муқобил текшириш тартиблари бекор қилинди, ҳисоботларнинг шакли ва тақдим этиш муддатлари соддалаштирилди.

Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурида Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Адлия вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ҳамда бошқа вазирлик ва идораларга 2017 йил 3-чорагида солиқ маъмуриятчилиги сифати ва самарадорлигини яхшилаш, тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида солиққа тортишни такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш ва қонунчиликка зарур ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритишни назарда тутувчи таклифлар ишлаб чиқиш вазифаси юклатилган бўлиб ушбу вазифаларни амалга оширишга қаратилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясидаги солиқ солиш тизимини изчиллик билан соддалаштириш, солиқ солинадиган базани кенгайтириш орқали солиқ юкини пасайтириш каби вазифалар ижроси юзасидан, шунингдек солиқ маъмуриятчилигининг замонавий услубларини жорий этиш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш мақсадида, 2017 йил 18 июлда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5116-сонли Фармони қабул қилинди. Шу билан бирга, солиқ маъмуриятчилигини амалга оширишда бир қатор муаммолар мавжудлиги сабабли мазкур фармон билан давлат солиқ хизмати органлари тизимини ислоҳ қилишнинг 7 та муҳим йўналишлари белгиланди. Солиқ қонунчилигида 2018 йил 1 январдан қуйидаги тартиб-қоидаларнинг белгиланиши солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштирилади туганлигидан дарак беради дейиш мумкин:

1) Солиқ органлари ва ҳалол солиқ тўловчилар ўртасида уларга жорий солиқ солиш масалаларини ҳал қилишда ҳар томонлама кўмаклашган ҳолда кенгайтирилган ахборот алмашинувини назарда тутувчи солиқ назоратининг замонавий шакли – солиқ мониторинги жорий этилди;

2) Илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда, йирик хўжалик юритувчи субъектларга ўз вақтида ва самарали хизмат кўрсатиш мақсадида улар бўйича солиқ маъмуриятчилиги функциялари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ДСБларига юклатилди;

3) Вақтинчалик молиявий қийинчиликларга тўқнаш келган ҳалол солиқ тўловчилар-хўжалик юритувчи субъектларга солиқ таътиллари бериш тарзидаги давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг янги шакли қўлланилмоқда. Шунингдек солиқ тўловчи томонидан ортиқча тўланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни қайтариш ёки ҳисобга олиш муддати икки бараварга қисқартирилди (амалдаги 30 иш кунидан 15 иш куни ичида амалга ошириладиган бўлди);

4) Солиқ назоратининг тўғридан-тўғри мулоқотсиз шакллари самарадорлигини ошириш мақсадида камерал назорат натижалари бўйича аниқланган тафвутлар юзасидан солиқ тўловчилар томонидан асослар тақдим этилмаган тақдирда, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммаларини суд тартибида ундириш жорий этилди;

5) Бундан ташқари, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида “Соғлом рақобат”ни таъминлаш ва “Хуфиёна бизнес” юритишга барҳам бериш мақсадида:

- давлат солиқ хизмати органларига кирим ҳужжатларини расмийлаштирмасдан товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қиладиган хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисобварақлари бўйича операцияларни 5 банк кунигача бўлган муддатга вақтинчалик тўхтатиб туриш ваколати берилди;

- солиқ органларига ҳисоб-китоблар ҳақидаги маълумотларнинг онлайн режимида берилишини таъминлайдиган назорат-касса машиналарини қўллаш орқали нақд пул тушуми устидан автоматлаштирилган назорат тизими жорий этилди;

Шу билан бир қаторда, реал иш ўринларини легаллаштириш учун давлат солиқ хизмати органларига хўжалик юритувчи субъектлар ходимларининг ҳисоботдаги ва ҳақиқий сони мувофиқлиги устидан тизимли мониторингни амалга ошириш вазифалари юклатилди.

Солиқ тизимида олиб борилаётган ислохотлар солиқ қонунчилиги барқарорлигини таъминлашга ижобий хизмат қилиши билан бир қаторда тадбиркорлик фаолиятини ривожланишига янада имкон яратади, шунингдек солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ўз вақтида ҳамда тўлиқ ҳажмда бюджетга келиб тушишига хизмат қилиши билан биргаликда солиқ органларининг ҳам иш унумдорлигига ижобий туртки бўлади. Бундан эса Давлат ва халқ бирдек манфаатдор бўлишига эришилади деб ўйлаймиз. Солиқ соҳасида замон талабларидан келиб чиққан ҳолда ислохотларнинг амалга оширилиши солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштиришга хизмат қилади ҳамда унинг шаффофлигини таъминлайди, шунингдек солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини оширишга хизмат қилади, бу эса, шубҳасиз, Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ривожланишида ўз аксини топади дейишимиз мумкин.

*Rajabbayeva D.Z. - Toshkent soliq kolleji
“Maxsus fanlar” kafedrasi o‘qituvchisi*

SOLIQ QONUNCHILIGINI TUBDAN TAKOMILLASHTIRISH – DAVR TALABI

Mamlakatimizda soliq tizimini takomillashtirish hamda soddalashtirish bo‘yicha tizimli ishlar amalga oshirilayotganligi natijasida soliq ma‘muriyatchiligi shaffofligini ta‘minlash, soliq to‘lovchilarning huquqiy savodxonligini oshirish, kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni ishonchli himoya qilish borasida muayyan yutuqlarga erishilmoqda desak mubolag‘a bo‘lmaydi. Bu borada 2017-2021 yillarda O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha Harakatlar strategiyasida soliq solish bazasini kengaytirish orqali soliq ma‘muriyatchiligi soddalashtirish va soliq yukini kamaytirish masalalari alohida o‘rin tutadi. Jumladan, bu yo‘nalishda soliq tizimini takomillashtirish jarayonida

xo‘jalik yurituvchi subektlarga nisbatan soliq yukini izchil kamaytirish maqsadida, eng avvalo, ularning daromadlaridan undiriladigan bevosita soliqlarning salmog‘ini kamaytirish muhim ahamiyat kasb etadi. Albatta, soliq yukini kamaytirish natijasida korxonalarda o‘z ixtiyorida qoladigan mablag‘lardan ishlab chiqarishni zamonaviylashtirish, uning samaradorligini oshirish maqsadida investitsiya faoliyatini kengaytirish hamda xodimlar mehnatini yanada rag‘batlantirish imkoni yuzaga keladi.

Shuningdek, soliq tizimini soddalashtirish va soliqlarni birxillashtirish bo‘yicha amalga oshirilayotgan qator chora-tadbirlar, o‘z navbatida, korxonalarining buxgalteriya xodimlarini soliqlarni hisoblash va to‘lash ishlarini soddalashtirishga hamda soliq majburiyatlarining bajarilishini samarali nazorat qilishga yordam beradi. SHuni alohida ta’kidlashimiz mumkinki, bu boradagi islohotlarni izchil davom ettirish va yanada jadallashtirish bugungi kunning eng muhim vazifalaridan biridir. Binobarin, zamonaviy talablarga javob beradigan soliq tizimi – iqtisodiyotni jadal rivojlantirish, tadbirkorlik faoliyati uchun qulay sharoitlar yaratish, investitsiya muhitini yaxshilash hamda ishlab chiqarish va xizmat ko‘rsatish ko‘lamini kengaytirishning asosiy shartlaridan biri hisoblanadi.

O‘tgan davrlar mobaynida tadbirkorlik subektlarida tekshirishlarni va ularning faoliyatiga asossiz aralashishlarni qisqartirish bo‘yicha bir qator qonun hujjatlari qabul qilindi. Tadbirkorlik subektlari faoliyatini rejadan tashqari va muqobil tekshirishlar bekor qilindi, hisobotlarning shakli va topshirish muddatlari soddalashtirildi. SHu bilan birga, soliq ma’muriyatchiligi sohasida, jumladan, soliqlar va boshqa majburiy to‘lovlarni yig‘ishda, soliq solinadigan bazani kengaytirishda va soliq to‘lovchilarning huquqiy madaniyatini oshirishda muayyan muammolar mavjudligi va bu esa o‘z navbatida, mamlakatimizni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish dasturlarini moliyalashtirishning barqaror manbalarini ta’minlashga salbiy ta’sir ko‘rsatmoqda desak noto‘g‘ri bo‘lmasa kerak.

Mamlakatimizda ijtimoiy va iqtisodiy sohalarda amalga oshirilayotgan tarkibiy o‘zgartirishlar va islohotlarning mantiqiy davomi sifatida, jumladan, 2017-2021 yillarda O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha Harakatlar strategiyasida belgilangan, soliq solish tizimini izchillik bilan soddalashtirish, soliq solinadigan bazani kengaytirish orqali soliq yukini pasaytirish kabi vazifalar belgilangan. Ushbu vazifalar ijrosi yuzasidan, shuningdek, soliq ma’muriyatchiligining zamonaviy uslublarini joriy etish, soliqlar va boshqa majburiy to‘lovlar yig‘iluvchanligini oshirish maqsadida 2017 yilning 18 iyulida O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Soliq ma’muriyatchiligini

tubdan takomillashtirish, soliqlar va boshqa majburiy to'lovlarning yig'iluvchanligini oshirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi Farmoni qabul qilindi. Mazkur Farmon bilan soliq tizimini takomillashtirish, soliqlar va boshqa majburiy to'lovlarning yig'iluvchanlik darajasini oshirish maqsadida davlat soliq xizmati organlari tizimini isloh qilishning muhim yo'nalishlari belgilab berildi. Jumladan, soliq ma'muriyatchiligi jarayoniga zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalari va ilg'or avtomatlashtirilgan tahlil uslublarini keng joriy etish, soliq to'lovchilarga, eng avvalo, tadbirkorlik subektlariga to'g'ridan-to'g'ri muloqotsiz elektron xizmat ko'rsatishga to'liq o'tish vazifasi belgilandi. Bundan ko'zlangan asosiy maqsad, bir tomondan soliq to'lovchilarning behuda qog'oz, yo'l va boshqa sarf-xarajatlarini kamaytirsam, ikkinchi tomondan ta'magirlik kabi korruptsiya holatlarining oldini olishga xizmat qiladi. SHuningdek, soliq majburiyatlarini bajarishda soliq to'lovchilarga har tomonlama ko'maklashish, ularning huquqiy madaniyatini oshirish va soliqqa oid huquqbuzarliklar profilaktikasining ta'sirchan mexanizmlarini ishlab chiqish hamda soliq nazoratini amalga oshirishning zamonaviy uslublarini joriy etish kabi vazifalar yuqorida aytib o'tilgan ezgu maqsadlarni ko'zda tutadi.

Yurtimizda soliq organlari faoliyatini, jumladan, ularning soliq to'lovchilar va davlat organlari bilan o'zaro hamkorlik qilish, soliq qarzlarini o'z vaqtida va to'liq undirish, soliq nazoratining zamonaviy shakl va usullarini joriy etish bo'yicha faoliyatini yanada takomillashtirish davr talabidir desak noto'g'ri bo'lmasa kerak. Soliq sohasida olib borilayotgan islohotlarni yangi bosqichga ko'tarish, shuningdek soliq ma'muriyatchiligi va soliqqa tortishning zamonaviy usullarini, soliqlarning to'liq yig'iluvchanligi va budjetga o'z vaqtida tushishi ustidan samarali nazorat mexanizmlarini joriy etish orqali soliq-budjet siyosatini yanada takomillashtirish, budjet jarayoni shaffofligi darajasini oshirish maqsadida 2018 yil 13 fevralda qabul qilingan O'zbekiston Respublikasi Prezidentining F-5214-sonli farmoyishi ham bu jarayonda ahamiyatlidir. Mazkur farmoyish bilan O'zbekiston Respublikasi soliq-budjet siyosatini takomillashtirish kontseptsiyasi (soliq islohoti kontseptsiyasi) loyihasini hamda Soliq kodeksi yangi tahriri loyihasini ishlab chiqish nazarda tutilgan bo'lib mazkur qonun-hujjatlarini ishlab chiqish jarayonida umume'tirof etilgan xalqaro norma va standartlar talablari hamda bozor iqtisodiyoti tamoyillariga javob beradigan normalar yaratilishiga, soliqqa tortish tizimini soddalashtirish, soliq ma'muriyatchiligini takomillashtirish hamda soliq to'lovchilar huquqlarining himoyasini izchil ta'minlashga, soliqlar yig'iluvchanligi darajasini oshirishga, soliq yukini pasaytirishga alohida e'tibor qaratilishi lozimligi ko'zda tutilganligi bilan ahamiyatlidir.

Xulosa qilib aytadigan bo'lsak, soliq sohasida olib borilayotgan islohotlar Harakatlar strategiyasida belgilangan vazifalarning amalga oshirilishiga erishilishi bilan birgalikda, soliq ma'muriyatchiligini tubdan takomillashtirishga xizmat qiladi, uning shaffofligini ta'minlaydi, bu esa shubhasiz mamlakatimizda olib borilayotgan puxta soliq siyosatining barqaror iqtisodiy o'sish sur'atlarini ta'minlash, iqtisodiyotni modernizatsiyalash orqali yurtimizning gullab-yashnashi va aholi turmush farovonligini yanada yuksaltirishda eng muhim omillardan biri bo'lib xizmat qiladi, natijadan esa davlatimiz va xalqimiz birdek manfaatdordir desak ayni haqiqatni aytgan bo'lamiz.

Исаев Х.М.-ТМИ тадқиқотчиси

БЕВОСИТА СОЛИҚЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ МОҲИЯТИ ВА УЛАРНИ АҲАМИЯТИНИ ОШИРИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Солиққа тортиш назарияси ва амалиётида солиқларни у ёки бу белгиларига кўра гуруҳлаш орқали чуқурроқ ўрганиш масалалари иқтисодий (солиқларга доир) фикрларнинг ривожланишида муҳим аҳамият касб этган. Ўрта асрлардан эътиборан ҳозирги вақтга қадар ҳам солиқларни гуруҳлашга доир энг йирик қарашлардан бири – уларни иқтисодий моҳиятига кўра бевосита ва билвосита солиқларга ажратиб ўрганишдир.

Солиқларни бевосита ва билвосита солиқларга ажратиш, уларнинг ижобий жиҳатлари ва камчиликлари, давлат бюджети даромадларини шакллантиришда уларнинг қайси бирига устунлик бериш каби масалалар ҳозирги давр солиқ сиёсатида ҳам ўзининг аҳамиятини йўқотмаган. Бу борада қатор тадқиқотлар олиб борилиб, уларнинг натижаларидан солиққа тортиш назарияси ва амалиётида муайян ютуқларга эришилган бўлсада, ҳар бир мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси ва олиб борилаётган солиқ сиёсатининг хусусиятларидан келиб чиқиб, қайсидир мамлакатда бевосита солиқларга устуворлик берилса (АҚШ), қайсидир мамлакатда эгри солиқларга устуворлик берилади (ЕИ мамлакатлари).

Шу боис, давлат бюджети даромадларини шакллантиришда мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасидан келиб чиқиб бевосита ва билвосита солиқларга устуворлик бериш энг мақбул йўл ҳисобланади.

Сўнги йилларда республикамиз давлат бюджети даромадларини шакллантиришда билвосита солиқларга устувор аҳамият қаратиб келинмоқда

(бюджет даромадларининг 50 фоиздан ортиқ қисми билвосита солиқлар ҳиссасига тўғри келади). Бевосита солиқлар ставкаларининг йиллар давомида кескин пасайтирилишига монанд равишда уларнинг бюджет даромадларидаги улуши ҳам камайиб борди (25 фоиз атрофида).

Шу ўринда бевосита солиқларнинг иқтисодий моҳиятини очиб беришга доир айрим фикр-мулоҳазаларни келтириб ўтиш лозим. Бевосита солиқлар солиқ тўловчиларнинг даромадлари, мол-мулклари ва бошқа солиққа тортиш объектларига қаратилиб, уларнинг даромадлилик даражаси ёки мол-мулкига монанд равишда солиқ мажбуриятларини келтириб чиқаради. Бунда солиқ тўловчи тўлаётган солиқ миқдори ҳақида маълумотга эга бўлади ва давлатнинг солиқ сиёсатига баҳо бера олади.

Бевосита солиқларнинг моҳиятини яхши тушуниш учун уларни билвосита солиқлардан фарқли жиҳатларига эътибор қаратиш лозим. Билвоста солиқлар товар (иш, хизмат)лар баҳосига устама равишда белгиланиб, уларнинг баҳосини ошишига олиб келади ва истеъмолчи харид қилаётган товар (иш, хизмат)лар баҳоси таркибида бундай солиқларни тўлайдилар. Маълумки, бунда истеъмолчи товар баҳоси таркибида тўлаётган солиқ миқдори ҳақида аниқ маълумотга эга бўлмайди. Аслида истеъмолчи учун бунинг қизиғи ҳам йўқ. Чунки, истеъмолчи қанча солиқ тўлаётганини билса ҳам товарни арзонроқ нархда сотиб олиш имконияти мавжуд эмас. Билвосита солиқлар солиқ тўловчиларнинг даромадлилик даражасини эътиборга олмайди. Улар қанча таркибида билвосита солиқлар мавжуд товар (иш, хизмат)ларни харид қилсалар шунча миқдорда кўпроқ солиқ тўлайдилар. Шунинг учун билвосита солиқлар айрим нашрларда истеъмол солиғи дейилади.

Назаримизда, солиқларнинг адолатлилигини таъминлашда бевосита солиқларга устуворлик бериш мақсадга мувофиқ. Лекин биз юқорида мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасидан келиб чиқиб,

бевосита ёки бевосита солиқларга устуворлик бериш керак деган фикр билдирган эдик. Чунки, бевосита солиқларнинг объекти ёки базаси унчалик катта бўлмаган шароитда солиқ юкининг кўпроқ қисмини бевосита солиқларга қаратилиши солиқ тўловчиларнинг солиқдан қочишга бўлган мойиллигини оширади. Маълумки, бевосита солиқларни тўловчилар тўлаётган солиғи ҳақида маълумотга эга бўладилар, яъни улар солиқ юкини тўлиқ ҳис этадилар. Шу боис, ўтиш иқтисодиётига эга бўлган давлатларда ёки ривожланаётган давлатларда бевосита солиқларга қараганда эгри солиқларга устуворлик берилади.

Шу ўринда қайд этиш лозимки, яширин иқтисодиёт кўлами кенг бўлган давлатларда бевосита солиқлардан кўра билвосита солиқларга устуворлик берилиши ўзининг ижобий самарасини бериши мумкин. Чунки яшириб қолинган ёки ноқонуний йўллар билан топилган даромадларни бевосита солиқлар механизмида солиққа тортиш имконияти мавжуд эмас. Бундай даромадларни истеъмол жараёнида солиққа тортиш орқали билвосита солиқлар воситасида солиққа тортиш имконияти мавжуд. Билвосита солиқлар механизмида даромадларни қонуний ёки ноқонуний йўллар билан топилганлиги умуман аҳамиятга эга эмас.

Мамлакатимизда олиб борилаётган солиқ сиёсатида ишлаб чиқаришни ва солиқ базасини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Барча бизнес тоифалари учун солиқ юкини камайтириш ва қулайлаштириш, шу асосда ишлаб чиқаришни ва солиққа тортиладиган базани кенгайтириш зарур”⁶¹лиги алоҳида қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 февралдаги “Солиқ қонунчилигини тубдан такомиллаштириш бўйича ташкилий чоратadbирлар тўғрисида”ги Ф-5214-сонли фармойишига мувофиқ, ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасининг солиқ тизимини ислоҳ қилиш концепциясида бевосита солиқларни тубдан ислоҳ қилиш назарда тутилган. Жумладан, билвосита солиқларнинг асосийлари ҳисобланган юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ва жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи механизмида жиддий ўзгаришлар бўлиши кутилмоқда.

Концепцияда юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини бекор қилиш ва дивиденд солиғини 25 фоиз қилиб белгилаш тавсия қилинган. Фойда солиғини бекор қилиниши юридик шахсларнинг инвестицион фаолиятини кенгайтиришга хизмат қилиши шубҳасиз. Лекин юридик шахс солиқ тўловчи сифатида бу жараёнда иштирок этиши, улар олган фойдасининг муайян миқдорда солиққа тортилиши солиққа тортиш тамойилларига тўлиқ мос келади. Шу боис, мамлакатимиз солиқ тизимини халқаро солиққа тортиш даражасига чиқариш учун уларнинг тажрибаларини эътиборга олиш мақсадга мувофиқ. Маълумки, кўплаб ривожланган ва ривожланаётган давлатларда корпорация солиғи амал қилади. Шу боис, юридик шахслардан олинадиган

⁶¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 61-бет.

фойда солиғини корпорация солиғига ўзгартирилиши ва ушбу солиқ механизмида муайян ўзгаришларни амалга ошириш лозим.

Концепцияда иш ҳақи ва иш ҳақи фондига нисбатан ҳисобланадиган ягона ижтимоий тўлов ва фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадалларини бекор қилиш натижасида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкасини 25 фоиз қилиб белгилаш назарда тутилган.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкасини 25 фоиз қилиб белгиланиши солиқ тўловчилар даромадларига жиддий таъсир кўрсатади, яъни уларнинг солиқ юкини сезиларли даражада ошишига олиб келади.

Бизнингча, мамлакатимизда аҳоли даромадлари унчалик юқори бўлмаган ҳозирги шароитда солиқ юкини оширилиши уларнинг харид қобилиятини янада пасайишига олиб келади. Бу ўз навбатида жамиятдаги ижтимоий муаммоларни кучайтириши мумкин. Шу боис, ҳозирги босқичда даромад солиғи ставкасини пастроқ миқдорда белгилаш ва камида икки поғонали тизимни сақлаб қолиш мақсадга мувофиқ.

Маълумки, ягона ижтимоий тўловнинг бекор қилиниши корхоналарда товар (иш, хизмат)лар таннархини пасайишига олиб келади ва уларнинг молиявий имкониятларини мустаҳкамлайди. Шу боис, юридик шахсларнинг иш ҳақи фондига нисбатан тўлайдиган ягона ижтимоий тўловни бекор қилиш ҳисобига эришадиган молиявий имкониятларини муайян даражада иш ҳақига йўналтириш механизмини кўриб чиқиш лозим.

Махмудов А М.-Фарғона солиқ коллежи директор ўринбосари

ХУФИЁНА ИҚТИСОДИЙ ОМИЛЛАР ВА СОЛИҚ-БЮДЖЕТ СИЁСАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.

Солиқ тўловчиларнинг молиявий аҳволи солиқ ҳуқуқбузарлигини содир этилишида энг муҳим омил ҳисобланади. Солиқ тўловчи солиқ тўлашдан бўйин товлагандаги фойдасини ва келиб чиқиши мумкин бўлган ачинарли ҳолларини солиштириб кўради. Агар моддий тарафдан бўйин товлаш ўзини оқласа, солиқ тўловчи ўз-ўзидан солиқларни тўламайди. Шунинг учун ҳам солиқ тўловчиларнинг солиқ тўлаш қобилиятининг сусайиши солиқ тўлашдан бўйин товлашнинг иқтисодий сабабларидан бири деб баҳолашимиз зарур.

Давлат у ёки бу ижтимоий ёки иқтисодий сиёсатни олиб боради. Бундай сиёсат қандай шахсларга қарши қаратилган бўлса, бу шахслар энг юқоридаги гуруҳларга солиқ қонунчилигининг талабларини бажармай қаршилиқ кўрсатадилар. Бу солиқларнинг тартибга солиш функцияси билан боғлиқлиги сабаблардан биридир.

Солиққа тортиш масалалари бўйича меъёрий-ҳуқуқий база ўз ичига кўп сонли қонун, фармон, қарор, низом ва тушунтиришларни олади. Солиқ қонунчилигига доимий киритилаётган ўзгартиришлар ҳам кўшимча қийинчиликларни келтириб чиқаради. Асосан фойда солиғини ҳисоблаш ва тўлаш механизми билан боғлиқ қоида бузарликлар устун турса. Энг кам жиноят содир этилган солиқлар, бу мулкӣ солиқлардир (юридик шахсларнинг мол-мулк солиғи, жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиғи ва ер солиғи), чунки кўчмас мулкни яшириш анча қийин. Буларни ҳаммаси ҳуқуқий сабаблар билан изоҳлаш мумкин.

Солиқ назорати органлари, солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти ва бошқа назорат ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг бир-бирлари билан ҳамкорликдаги камчиликлари ташкилий сабаблар қаторига киради.

Солиқ назорати шакллари ва методларидаги камчиликлар, бухгалтерия ходимлари ва раҳбарларнинг етарли даражада малакавий тайёргарликка эга эмаслиги техник сабабларга киради.

Биринчидан амалдаги солиқ сиёсатига эътирозли муносабат билан қараш;

Иккинчидан ҳуқуқий маданиятни паст даражалиги;

Учинчидан қасдан режалаштириш ҳолатлари маънавий – психологик сабаблар таркибига киради.

Банкдан ташқари айланаётган нақд пуллар мамлакат иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатади. Нақд пул тушумларини кўрсатмаслик, солиқдан қочиш ҳолатлари асосан қуйидаги соҳаларда намоён бўлмоқда:

• яширин ишлаб чиқариш ва бухгалтерия ҳисоб-китобларида акс эттирмасдан савдо-сотик фаолиятини амалга ошириш;

- қалбаки ҳужжатлар асосида «бир кунлик» фирмалар ташкил этиш;
- ҳисоб-китобларда ноқонуний нақд пулдан ёки бартердан фойдаланиш;
- ҳужжатсиз маҳсулот сотиб олиш ёки сотиш;
- назорат касса машиналаридан фойдаланмасдан савдо қилиш;
- ёлланма ишчиларни шартнома ёки контракт тузмасдан ишга олиш;
- банк ҳисоб варақасидаги пулларни фоиз ҳисобига нақд пулга ечиш;

- пластик карточкалардаги пуллар билан нақд пуллар ўртасидаги тафовут;
- ноқонуний йўли билан мамлакатга товар олиб кириш.

Хуфёна иқтисодни бартараф этиш йўллари сифатида қуйидаги таклифларни келтирмоқчимиз:

- солиқ солишда жисмоний шахслар зиммасига тушаётган солиқ юкини камайтирган ҳолда тафовутни ресурс солиқлари зиммасига юклаш;
- барча соҳаларда фаолият кўрсатаётган жисмоний шахсларни қамраб олиш мақсадида қатъий белгиланган солиқлар суммасини пасайтириш ёки “0” даражали солиқ солиш тартибини қўллаш;
- фуқаролар томонидан харид чекларини топширишни рағбатлантириш шакллари ишлаб чиқиш;
- автоматик савдо кўрсатиш терминаллари кенг қўламда жорий этиш;
- ягона солиқ тўловини пропорционал солиқдан регрессив солиқ турига ўтказиш; яъни фойда ошган сари солиқ ставкаси тушиб борувчи тизимга ўтиш.

Юқорида кўрсатилган чоралар ноқонуний сектор капиталини назорат қилиш имкони туғилишига ва тадбиркорликни қўллаб қувватлашга олиб келади.

*Маматқулов А. Н., Жакбаров А.А. -
Фарғона солиқ коллежи ўқитувчилари*

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ДАРОМАД СОЛИҒИНИ УНДИРИШ МЕХАНИЗМИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Бугун солиқ маъмуриятчилиги жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, бу борада илғор хорижий тажрибадан унумли фойдаланиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Очиқ айтиш керак, тадбиркорлик субъектларига нисбатан сақланиб қолаётган юқори даражадаги солиқ юки, солиқлар турининг кўплиги, уларнинг маъмуриятчилик жараёни мураккаблиги иқтисодиётимиз равнақига тўсқинлик қилмоқда. 2018-2020 йилларга мўлжалланган солиқ ислоҳоти концепсияси лойиҳасида ана шу ғоят долзарб масалаларга муҳим эътибор қаратилган.

Концепцияда илгари сурилаётган таклифлардан бири жисмоний шахслар даромад солиғи, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ягона ижтимоий тўлов ва фуқаролар суғурта бадалларини 25 фоизли бир текис шкаладаги ставка бўйича жисмоний шахсларнинг даромад солиғи сифатида бирхиллаштириш белгиланган.

Ушбу таклиф юзага келгандан сўнг, жамоатчилик томонидан турли хил мунозараларга сабаб бўлмоқда. Айримлар ушбу таклифни маъқулласа, айримлар эски тизимни маъқул кўрмоқда. Ушбу мақола орқали Биз ҳам ўзимизнинг муносабатимизни билдиришга ҳаракат қилдик.

Таклиф киритаётган кўпчиликнинг фикрича ягона текис ставканинг жорий этилиши нисбатан пастроқ иш ҳақи оладиган жисмоний шахсларда солиқ юкининг ошишини келтириб чиқариши мумкин, шу сабабли солиқ солинмайдиган энг кам даромадлар миқдорини жорий этиш талаб этилади. Лекин бу таклиф амалга ошиши билан муаммони ечиб бўлмайди, чунки нисбатан пастроқ иш ҳақи оладиган жисмоний шахслар томонидан солиқни ҳисоблаб чиқаришда, шунингдек Пенсия жамғармасига пул маблағларнинг ўтказилмаслиги уларнинг пенсия миқдорини аниқлашда ва молиялаштиришда жиддий муаммоларни келтириб чиқариши мумкин.

Бизнинг фикримизча мақсад солиқ тўловчи жисмоний шахсларга енгиллик яратиш бўлса 25 фоиз жуда кўп. Жисмоний шахсларнинг даромадларини солиққа тортишда иш ҳақи кўринишида олинган даромадларни солиққа тортишга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Чунки бугунги кунда асосий масала иқтисодиётни либераллаштириш, уни шаффофлаштиришга ва пировардида аҳоли даромадларини ошириш йўли билан уларнинг турмуш шароитини яхшилашга эришиш бўлиб турган бир пайтда, тадбиркорлик субъектларини янги иш ўринларини яратиш ва ишчи хизматчиларига кўпроқ иш ҳақи тўлашини рағбатлантирган ҳолда жисмоний шахслар даромад солиғини дастлабки даврларда пастроқ даражада сақлаб туриш керак. Масалан, бунинг миқдори 17 фоиз бўлиши мумкин. Лекин шу билан бирга шахсий жамғариб бориладиган пенсия бадали ҳам қолиши керак. Унинг ставкаси 2 фоиз бўлиши мақсадга мувофиқ бўлади (15 фоиз жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи, 2 фоиз шахсий жамғариб бориладиган пенсия бадали). Ушбу тартибнинг жорий қилиниши билан биринчидан меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан тўланадиган солиқлар унификация қилинади, иккинчидан солиқ тўловчи юридик шахс учун ҳам жисмоний шахс учун ҳам солиқ енгиллигини келтириб чиқаради, қолаверса ШЖБПҲга бадал тўланиши натижасида пенсия миқдорини аниқлаш осонлашади.

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаганидан кейин хусусий корхона мулкдори, оилавий корхона иштирокчиси ҳамда фермер хўжалиги бошлиғи ихтиёрида қоладиган фойда суммаси, Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотлари ва давлат пул мукофотларига сазовор бўлган жисмоний

шахслар олган бир йўла бериладиган давлат пул мукофоти жисмоний шахснинг солиқ солинмайдиган даромадлари сифатида киритилган. Шу каби айрим имтиёзлар бериш тартибини қисман сақлаб қолиш керак деб ҳисоблаймиз. Амалдаги айрим имтиёзлар умуман замонавий солиқ тизимида самарасиз ҳисобланади, масалан мерос ва ҳадя каби мулкларга (Ривожланган мамлакатларнинг деярли барчасида мавжуд) даромад солиғи солиш шулар жумласидандир.

Жалолов И.И.- ТДИУ таянч докторанти

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ДАРОМАДЛАРИДА СОЛИҚЛАРНИНГ АҲАМИЯТИНИ СТАТИСТИК ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

Давлатнинг ҳар томонлама модернизациялашуви бугуннинг замон талаби бўлиб келмоқда. Корхоналарнинг кўпайиши ва уларнинг иқтисодий ўсиши мамлакатнинг иқтисодий ўсишини таъминлаб беради. Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун солиқ юқини изчиллик билан камайтириш ва қулай шарт-шароитларни яратишни таъминлайдиган солиқ тизими шакллантирилган. Шу билан бирга, солиқ маъмуриятчилиги соҳасида, шу жумладан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни йиғиш, солиқ солинадиган базани кенгайтириш ва солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишда муайян муаммоларнинг мавжудлиги мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши дастурларини молиялаштиришнинг барқарор манбаларини таъминлашга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 июлдаги “Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5116-сонли фармонига асосан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясидаги солиқ солиш тизимини изчиллик билан соддалаштириш, солиқ солинадиган базани кенгайтириш орқали солиқ юқини пасайтириш каби вазифалар ижроси юзасидан, шунингдек солиқ маъмуриятчилигининг замонавий услубларини жорий этиш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш мақсадида қуйидаги масалалар белгиланган:

- макроиқтисодий кўрсаткичлар динамикаси ва ҳудудларнинг солиқ салоҳиятини тизимли таҳлил қилиш орқали солиқ солиш объектларини тўлиқ

қамраб олишни таъминлаш ва солиқ солинадиган базани кенгайтириш бўйича самарали чора-тадбирларни амалга ошириш;

- фаолият кўрсатмаётган корхоналарнинг фаолиятини тиклашга ҳар томонлама кўмаклашиш, паст рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган корхоналарнинг молиявий аҳволини соғломлаштириш, ўзаро ҳисоб-китоблар механизмларини мустаҳкамлаш, солиқ қарзи ошишига йўл қўймаслик орқали солиқ солинадиган базани кенгайтириш.

Бизга маълумки, солиқ ставкаларининг юқори даражада бўлиши тадбиркорларнинг эркин ҳаракатланишига тўсиқ бўлувчи воситадир. Лекин солиқлар ставкалари даражасининг жуда пасайиб кетиши давлат харажатларини қопламаслиги натижасида мамлакатнинг инқирозга олиб келишига сабаб бўлади.

Ўзбек олимларимиздан Х.Шодиев ва И.Хабибуллаевлар ўз асарларида “Статистиканинг ўрганиш объекти инсоният ҳаётида рўй берадиган барча оммавий воқеа ва ҳодисалардир, предмети эса, шу оммавий воқеа ва ҳодисаларнинг миқдорий томонларини ўрганувчи, аниқ шароит ва вақтда ҳодисаларнинг ривожланиш қонуниятларини ўргатувчи методлар йиғиндисидир”, - деб таъриф берганлар. Шунинг учун давлатнинг солиқ сиёсатини тўғри олиб бориши мамлакатнинг барқарор ривожланишига сабаб бўлади. Йил якунларига асосан иқтисодий кўрсаткичлар статистик таҳлил қилиниши ва натижаларга омилларнинг таъсири ўрганилиши солиқ сиёсатининг тўғри олиб борилганини кўрсатиб беради. Давлат бюджети даромадларининг 2015-2016 йиллардаги таркибининг таҳлилини қуйидаги 1-жадвалда кўришимиз мумкин.

1-жадвал

Давлат бюджети даромадларининг 2015-2016 йиллардаги таркиби (млрд сўмда)

Кўрсаткичлар	2015	2016	Улушда		Даромадларининг ўзгариши	
			2015	2016	суммада	%
Даромадлар жами	36493,3	41043,4	100	100	4550,1	12,5
Бевосита солиқлар	8798,4	9852,8	24,1	24,0	1054,4	12,0
юримдик шахслардан олинадиган фойда солиғи	1180,5	1215,3	3,2	3,0	34,8	2,9
савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар	1207,8	1515,3	3,3	3,7	307,5	25,5
ягона солиқ тўловидан Давлат	1191,7	1440,8	3,3	3,5	249,1	20,9

бюджетига ажратмалар						
жисмоний шахслар даромадига солиқ	3800,7	4137,4	10,4	10,1	336,7	8,9
тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ	681,5	822,3	1,9	2,0	140,8	20,7
ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи	736,2	721,9	2,0	1,8	-14,3	-1,9
Билвосита солиқлар	19193,8	21130,7	52,6	51,5	1936,9	10,1
кўшилган қиймат солиғи	10851	11891,6	29,7	29,0	1040,6	9,6
акциз солиғи	5618,4	6258,2	15,4	15,2	639,8	11,4
божхона божи	1481,5	1449,5	4,1	3,5	-32,0	-2,2
транспорт воситалари учун бензин, дизель ва суюлтирилган газни истеъмол қилганлик учун солиқ	1242,9	1531,3	3,4	3,7	288,4	23,2
Ресурс тўловлари ва мулк солиғи	4816,1	5306,2	13,2	12,9	490,1	10,2
мулк солиғи	1393	1659,2	3,8	4,0	266,2	19,1
ер солиғи	750,1	966,7	2,1	2,4	216,6	28,9
ер қаридан фойдаланганлик учун солиқ	2514,6	2517,7	6,9	6,1	3,1	0,1
сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	158,4	162,6	0,4	0,4	4,2	2,7
Бошқа даромадлар	3685	4753,7	10,1	11,6	1068,7	29,0

Манба: “Ўзбекистон рақамларда” статистик тўплам маълумотлари асосида тайёрланди.

Жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, бюджет даромадларининг 51-52 фоизини билвосита солиқлар, 24 фоизини бевосита солиқлар ва 12-13 фоизини ресурс тўловлари ва мулк солиғи ташкил қилмоқда. Солиқли даромадларни 2015 ва 2016 йилларда солиштирадиган бўлсак, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи ва божхона бож тўловларидан ташқари барча солиқларнинг ошишини кузатиш мумкин. Булар орасида ер солиғи, мулк солиғи, дизель ва суюлтирилган газни истеъмол қилганлик учун солиқ, тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ ва ягона солиқ тўловларининг юқори даражада ўсганлигини кўришимиз мумкин. Шу билан бирга бошқа даромадларнинг 29 фоизга ошганлиги ҳам ўз ифодасини топмоқда. Демак, мамлакатимизда олиб борилаётган солиқ сиёсати бюджет даромадларининг ошишини таъминлаб келмоқда. Солиқ ставкалари йилдан йилга босқичма-босқич пасайтирилсада, бу даромадларнинг ошишига олиб келмоқда. Бу жадвал маълумотлари асосида статистик усуллар орқали ўз исботини топмоқда.

Бугунги кунга келиб корхоналар сонини ошиши солиқ ставкаларининг қанчалик меъёрда эканлигини кўрсатиб турибди. Айниқса кичик корхоналарнинг бюджет даромадларидаги улушининг ошиши ягона солиқ тўлови ставкасининг меъёрдалигини кўрсатади. Шунга қарамай, мамлакатимизда солиқ ставкаларини янада пасайтириш сиёсати ҳар йили амалга ошириб келинмоқда.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, мамлакатда солиқ сиёсатининг тўғри олиб борилиши иқтисодиётнинг барқарор ривожланишига сабаб бўлади. Солиқ сиёсатининг тўғри олиб борилиши эса статистик усуллар асосида таҳлиллар олиб бориш ва шу таҳлилларга асосланиб тўғри прогнозлашга боғлиқдир. Маълумот ва таҳлилларга асосланиб, мамлакатда солиқ сиёсатининг тўғри олиб борилишида қуйидагиларни таклиф қиламиз:

- ҳар йили статистик усуллар асосида солиқ ставкаларининг эҳтимолли энг қуйи ставкаларини аниқлаш ва йил якуналари натижаларига ҳамда давлат бюджети прогнозига асосланиб солиқ ставкаларини меъёрлаштириш;

- Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат статистика қўмитаси билан ҳамкорликда статистик маълумотлар базасини шакллантириш ва улар устида мунтазам тадқиқотлар олиб бориш;

- хориж тажрибаси асосида солиқ сиёсати ва статистик таҳлилларни олиб бориш мақсадида малакали мутахассисларни тайёрлаш.

Исаев Ф.И.-БМА, таянч докторанти

СОЛИҚ ЮКИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ ХУСУСИДА МУЛОҲАЗАЛАР

Солиқ юки масаласи кўп йиллардан буён илмий тадқиқотларнинг асосий мунозараларидан бири ҳисобланади. Шунингдек, солиқ юки билан бир қаторда уни оптималлаштириш масаласи ҳам муҳимдир. Бугунги кунда солиқ юкини оптималлаштириш ҳар бир давлат ижтимоий-иқтисодий ҳаётида алоҳида аҳамията эга.

Солиқ юкини оптималлаштириш узок йиллардан буён давлат, ҳукумат, амалиётчи ва олимларнинг илмий тадқиқотининг объектларида асосий вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Чунки давлатчиликнинг пайдо бўлишидан то бугунга қадар давлат ўз ғазнаси(бюджети)ни айнан ундириладиган солиқлар асосида шакллантириб келмоқда. Шу жиҳатдан солиқ юкини аҳоли томонидан камайтирилишига мойиллик бўлган бўлса, давлат томондан, аксинча, мунтазам

равишда юқорилигини таъминлашга бўлган талаб юқори саналади. Шунинг учун солиқ юкини оптималлаштириш масаласи давлатнинг бошқарув фаолиятидаги мунозарали ва доимий равишда ечилиши мураккаб бўлган вазифалардан бири деб ҳисоблашимиз мумкин.

Иқтисодий мактабларнинг вужудга келиши билан улардан етишиб чиққан олимларнинг тадқиқотларида ҳам солиқ юкини оптималлаштириш масаласи кўп бора кузатилган десак хато бўлмайди.

Дастлаб, классик мактабнинг йирик намояндаларидан А.Смит, Д.Рикардо, Ж.Б.Сейлар ўз асарларида солиқ юкини оптималлаштириш масалаларига алоҳида аҳамият беришган.

А.Смитнинг “олтин тамойили” (адолат тамойили, аниқлик тамойили, қулайлик тамойили, тежамлилик тамойили) солиқ муносабатлари ва солиққа тортишни такомиллаштиришга хизмат қилди. Хусусан, Д.Рикардо, А.Смитнинг солиққа доир қарашларни тўлдирган бўлса, Ж.Б.Сей қуйидаги принципларни илгари сурган:

- ✓ солиққа тортишнинг маълум бир чегараси бўлиши керак;
- ✓ хазинага фойдаси кам бўлган ҳолда тўловчиларга ортиқча юк бўлаётган солиқлардан воз кечиш керак;
- ✓ солиқлар мутаносиб (текис тақсимланган) бўлиши керак;
- ✓ солиқлар ишлаб чиқаришга имкон қадар зарар бўлмаслиги керак;
- ✓ солиқлар кишилар маънавиятига салбий таъсир кўрсатмаслиги, аксинча жамият учун фойдали одатларни сақлаб қолишга хизмат қилмоғи керак⁶².

Бу принципларга амал қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан кейинги вақтларда қабул қилинаётган Фармон, қарор ва фармойишларида ҳам ўз аксини топмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 июлдаги “Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5116-сонли Фармони, 2018 йил 13 февралдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Солиқ қонунчилигини тубдан такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ф-5214-сонли фармойишлари шулар жумласидандир.

⁶² Ниязметов И.М. “Солиқ юкини оптималлаштириш: назария, услубият ва амалиёт” Монография.-Тошкент: “Молия”, 2016. 192б

Кўриниб турибдики, солиқ юкини оптималлаштириш масаласи азалдан иқтисодчи олимларнинг долзарб муаммовий мавзуларидан бири бўлиб, бугунги кунимиздаги тадқиқотларимизга дастуруламал сифатида хизмат қилмоқда.

Шу жиҳатдан бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида ҳам солиқ юки мунтазам равишда камайтирилиб келаётганлигини алоҳида таъкидлашимиз керак. Хусусан, солиқ юки 2000 йил 37,4 фоиз, 2005 йилда 30,1 фоиз, 2010 йилда 21,9 фоиз, 2015-2016 йилларда солиқ юки 20 фоиз, 2017 йил 20,2 фоизни ташкил қилган бўлса, 2018 йилда 18,9 фоиз бўлиши прогноз қилинмоқда. Мунтазам равишда юридик ва жисмоний шахслардан олинаётган солиқларнинг камайтирилиб борилаётганлиги ҳам солиқ юкини оптималлаштиришнинг муҳим асосларидан бири ҳисобланади.

Иқтисодий адабиётларда солиқ юкини оптималлаштириш масаласида кўп бора муҳим мавзу сифатида танланган бўлсада, уни пасайтириш борасида аниқ бир қоидаларни кўрсатиб беришмаган.

Ш.Тураев солиқ юкини оптималлаштириш шундай жараёнки, бунда нафақат солиқ ставкасини, балки солиқ базасини, солиқдан имтиёзларни, солиқни тўлаш муддатларини ва давлатнинг ижтимоий эҳтиёжларини оптимал даражалари асосида шаклланадиган кўрсаткични тушуниш мумкин деб ифодалайди⁶³.

Солиқ юкини оптималлаштиришга доир А.Венгернинг қуйидаги принципларини алоҳида таъкидлаш лозим:

- солиққа тортишнинг етарлилиги;
- солиққа тортиш манбасининг тўғри танланиши;
- алоҳида солиқ турлари шундай белгиланиши керакки, уларнинг комбинацияси солиқ юкини ўтказиш шарт-шароитларига жавоб бериши керак.
- солиқ юкининг мутаносиб тақсимланиши⁶⁴.

Хусусан, саноати ривожланган мамлакатлар 1970-80 йилларда иқтисодий кризисга учрадилар. Бу ўз навбатида инфляция, иқтисоднинг ўсиши заифлашди, ишсизлик ва турли хуфёна иқтисод ривожланиб, мамлакатлар иқтисодига ўз таъсирини кўрсатди. Ўша даврда вазиятдан чиқиб кетиш учун турли таклифлар ишлаб чиқилди. М.Фелдстайн даромад солиқ ставкасини 42% қилиб белгилади, амеркалик солиқ ислоҳотининг муаллифлари Бредил ва

⁶³ Тураев Ш.Ш. Хўжалик субъектларининг солиқ юкини оптималлаштириш масалалари. диссертация и.ф.н. Тошкент.-2007 й

⁶⁴ Ниязметов И.М. “Солиқ юкини оптималлаштириш: назария, услубият ва амалиёт” Монография.-Тошкент: “Молия”, 2016. 192 б

Р.Гефардт 30-35%ли даражани таклиф қилишди, М.Фридмен эса 25%гача туширди⁶⁵.

Шу ўринда иқтисодий беқарорлик ҳолатидан чиқиб кетиш учун А.Лаффернинг солиқ ставкасини кескин тушириш таклифини алоҳида таъкидлашимиз лозим. Унинг “Лаффер эгриси” назариясида солиқнинг нормал ставкаси Д.Кейнс эътироф этган 20% ва француз президенти бўлган Жискаар Д’Эстеннинг 40%ли ставкасининг ўртаси деб таклиф қилган бўлиб, бунинг натижасида ишлаб чиқариш таннархини пасайиши ҳисобига солиқ тушумини кўпайишига олиб келишини таъкидлаган. Бугун дунёнинг кўплаб мамлакатларида “Лаффер эгриси” энг мақбули ҳисобланиб келинмоқда. Бизнингча ҳам солиқ юки даражаси 40%ли ставкадан паст бўлиши ишлаб чиқаришни узлуксиз тарзда ривожланишини таъминлайди.

Хулоса ўрнида солиқ юкини оптималлаштиришни хўжалик юритувчи субъектлар мисолида таърифлашни лозим топдик. Солиқни оптималлаштириш бу – ташкилотнинг иқтисодий фаолиятининг муайян иши учун мақбул ечимни танлаш имконини берадиган барча мумкин бўлган схемалар ва усуллар тизимидир. Масалан, ҳуқуқий усуллар билан амалга ошириладиган солиққа тортишни оптималлаштириш ва юзага келиши мумкин бўлган таҳдидларни прогнозлаш, ташкилотнинг бозорда барқарор мавқеини таъминлайди, чунки у иқтисодий фаолият натижасида катта йўқотишларни олдини олишга имкон беради.

Ш.Эгамқулов ДБА тингловчиси

Солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш, бюджет даромадларини кўпайтиришнинг энг оптимал йўлидир

(Ўзбекистонда якка тартибдаги тадбиркорликни солиққа тортиш мисолида)

Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга кенг имкониятлар яратилиши, иқтисодиётимизни юқори суръатлар билан барқарор ривожлантиришга эришганимиз, аҳоли даромадларини янада кўпайтириш, фуқароларимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш учун мустаҳкам асос яратмоқда.

Шу билан бирга, юртимизда тадбиркорлик фаолияти жадал ривожланиб бораётган бўлсада, мазкур соҳани янада такомиллаштириш, хусусан, якка тартибдаги тадбиркорларни солиққа тортиш жараёнидаги муаммоларни

⁶⁵ Шамсутдинов Ф.Ш., Шамсутдинова Ш.Ф. “Чет мамлакатлар солиқ тизими” Т.:ТДИУ, 2010. 520 бет

бартараф этиш ва соддалаштириш шу куннинг долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Хусусан, жисмоний шахсларга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган уй-жой, иморат, иншоот ва транспорт воситаларини узоқ муддатларга ижарага бериб даромад олувчиларни солиққа тортишда бир қатор тадбирлар белгиланган бўлсада, лекин, амалиётда ўз мол-мулкларини турар ва нотурар жойларини, автотранспорт воситалари ҳамда бошқа мулкларини қисқа муддатга (2-3 кунга) ижарага бериб даромад олувчилар ҳам борки, амалдаги солиқ қонунчилигида уларни солиққа тортиш тартиблари белгиланмаган.

Бугунги кунда амалиётда бундай фуқаролар жуда кўпчиликни ташкил этади ва улар олаётган даромадларидан солиқ тўлашга рози, лекин амалдаги солиқ қонунчиликда уларни солиққа тортиш тартиблари белгиланмаган. Сабаби, бу хонадонларга келиб вақтинчалик ижарада яшовчилар билан шартнома тузишнинг имкони йўқ. Чунки, улар вақтинча келиб яшаб кетадилар ёки фаолият мавсумий бўлиб йилнинг маълум вақтларида келиб яшайдилар.

Амалдаги қонунчиликда вақтинчалик (1-2 кунга) яшаш учун меҳмонхона хизматини кўрсатувчиларга рухсат берилган, лекин хонадонларда вақтинча ижарада яшаш учун меҳмонхона хизматини кўрсатишга фуқароларга рухсат этилмайди.

Солиқ кодексининг 189-193-моддаларига асосан, жисмоний шахсларнинг мулкый даромадларига декларация асосида солиқ солиниши белгиланган. Мол-мулкни ижарага беришдан даромад олаётган фуқаро, агар ушбу даромадга тўлов манбаида солиқ солинмаса, уларни декларация асосида солиқ тўлайди.

Солиқ қонунчилигидаги мазкур меъёрларни мол-мулкларини турар ва нотурар жойларини ҳамда бошқа мулкларини қисқа муддатга (2-3 кунга) ижарага бериб даромад олувчиларнинг даромадларига ҳам қўллаш мумкин. Бунинг учун эса амалдаги қонунчиликка қуйидаги ўзгартиришларни киритиш талаб этилади:

фуқароларга уй-жойларини, дала ҳовли ва бошқа иморатларини вақтинчалик ижарага беришдаги тўсиқларни бартараф этиш ва уй-жойларини, дала ҳовли ва бошқа иморатларини вақтинчалик ижарага беришга рухсат бериш ҳамда ижарачилар тўғрисидаги маълумотларни, улардан олинаётган хизмат ҳақи суммалари ҳисоб-китобини мажбурий юритиш тартибини белгилаш;

ҳудудий ички ишлар, соғлиқни сақлаш ва давлат солиқ хизмати, фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органларига, шунингдек маҳалла фуқаролар

йиғинлари (махалла посбонлари)га уй-жойларини, дала ҳовли ва бошқа иморатларини вақтинчалик ижарага берувчи фуқароларни ҳисоб-китобларни мажбурий юритиши устидан қатъий назорат ўрнатиш.

Модомики, асосий масала фуқароларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, улар томонидан олинаётган даромадларга адолатли тарзда солиқ солишга қаратар эканмиз солиқ қонунчилигидаги яна бир муаммо хусусида тўхталишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Амалдаги солиқ қонунчилигига мувофиқ яқка тартибдаги тадбиркорлар тадбиркорлик фаолиятидан олган даромадлари бўйича бюджетга қатъий белгиланган солиқни тўловчилар ҳисобланади, Шу билан бирга, яқка тартибдаги тадбиркорларга фаолияти туридан келиб чиқиб, 1-3 нафаргача ишчи ёллаш, ҳар бир ёлланган ишчи учун Пенсия жамғармасига энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида суғурта бадали ва фаолияти тури учун белгиланган солиқ ставкасининг 30 фоизи миқдорида қатъий белгиланган солиқни тўлаш ҳуқуқи берилган.

Бундан ташқари, хизматлар кўрсатувчи ва ишлар бажарувчи яқка тартибдаги тадбиркорлар фаолият юритиши учун шахсий турар ёки нотурар жойга эга бўлмаса ижара тўловини, газ, электр энергияси бошқа хизматлардан фойдаланганлик учун тўловларни тўлашлари ҳам лозим.

Бу эса, тадбиркор харажатларининг ошиб кетишига ва даромадлар салмоғини камайиб, тадбиркорлик фаолиятини тўхтатишига сабаб бўлмоқда.

Хорижий мамлакатлар солиқ тизимида тадбиркорлик фаолиятидан олинadиган солиқ оила аъзолари (эр-хотин)нинг алоҳида-алоҳида тўлдириладиган декларация асосида, хўжалик раҳбари (влодовец) томонидан тўланади. Агар солиқ тўловчи турли категорияларга мансуб бўлса, у ўзи учун манфаатли бўлган категорияни танлаш ҳуқуқига эга.

Россия Федерацияси Солиқ кодексида яқка тартибда шуғулланиш мумкин бўлган 69 та фаолият турлари тасдиқланган бўлиб, улар фаолият турлари билан белгиланган тартибдаги патент асосида шуғулланишлари мумкин. Шунингдек, улар (1-15нафаргача) ишчи ёллаш ҳуқуқига эга бўлиб, солиқ ставкаси ишчилар сонига қараб суммаларда белгиланади.

Хорижий мамлакатлар солиқ тизими тажрибасидан келиб чиқиб, Ўзбекистонда ҳам яқка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятининг айрим соҳаларини, хусусан хизматлар кўрсатиш ва ишлар бажариш билан боғлиқ

бўлган соҳаларни декларация асосида солиққа тортиш тизимига ўтказишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Бундан кўзланган асосий мақсад, тадбиркорлар солиқ солиш базасидан фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган харажатларни чегириб ташлаб, қолган қисмидан солиқ тўлайдилар. Бу эса, уларнинг даромадлари ва харажатлари ҳисоб-китобини тўлиқ юриб, уларни легаллаштиришга сабаб бўлади. Ўз навбатида, мазкур тартибни қўллаш тадбиркорлар зиммасидаги солиқ юқини камайтиришга, улар сонини ошишига ҳамда бюджет даромадларининг кўпайишига ҳам сабаб бўлади.

Амалдаги қонунчиликда қатъий белгиланган солиқ календарь ойида якка тартибдаги тадбиркорнинг ишлаган кунлари сонидан қатъи назар, фаолият тури ва ушбу фаолият учун белгиланган солиқ ставкадан келиб чиқиб аниқланади.

Ҳозирги кунда тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни четдан келтириб сотиш фаолияти билан шуғулланувчи, хусусан тижорат товарлари билан электрон тижорат орқали савдо-сотик қилаётган якка тартибдаги тадбиркорларнинг ойлик товарлар айланмаса, ушбу фаолият билан юридик шахс ташкил этиб фаолият кўрсатаётганларга нисбатан 2-3 баробардан ошиб кетмоқда.


Шу сабабли, бир хил чакана савдо фаолияти билан шуғулланувчи якка тартибдаги тадбиркорлар ва чакана савдо корхоналари даромадларини барқарорлаштириш мақсадида, хорижий мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб, чакана савдо билан шуғулланувчи Якка тартибдаги тадбиркорларнинг ойлик товар айланмасининг юқори чегарасини белгилаш (масалан, Тошкент шаҳрида ЭКИҲнинг 2500, Нукус шаҳри ва вилоятга бўйсунувчи шаҳарларда ЭКИҲнинг 1500 бошқа аҳоли пунктларида ЭКИҲнинг 1000 баравари миқдорида) ва товароборотнинг ушбу чегарадан ошган қисмидан якка тартибдаги тадбиркорлар учун 2 % миқдорида кўшимча қатъий солиқ (ёки ягона солиқ тўлови)ни тўлашни жорий қилиш.

Солиқ маъмурчилигида мазкур меъёрларнинг жорий этилиши, бозор муносабатлари тобора шаклланиб, ижтимоий ва иқтисодий ислоҳотлар янада чуқурлашиб бораётган ҳозирги даврда солиққа тортишни оптималлаштириш йўли билан бюджет даромадларини кўпайтириш ва солиқларни тўлиқ, ўз вақтида ундирилишини таъминлашга имкониятлар яратади.

СОЛИҚ НАЗОРАТИДА СОЛИҚ ВА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ


Солиқ назоратини амалга оширишда бухгалтерия ҳисоби маълумотлари муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, бухгалтерия ҳисоби субъектларини молиявий ҳисоботга “Молиявий ҳисобот бухгалтерия ҳисоби субъектининг ҳисобот санасидаги молиявий ҳолати, ҳисобот давридаги фаолиятининг молиявий натижаси ва пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги тизимлаштирилган ахборотдан иборатдир” –деб таъриф берилади.




1-расм. Йиллик молиявий ҳисобот таркиби.

Молиявий ҳисоботлар бухгалтерия ҳисоби субъектлари томонидан Давлат солиқ хизмати органларига қуйидаги муддатларда тақдим этилади (2-расм ва 3-расм).



2-расм. Давлат солиқ хизмати органларига тақдим этиладиган молиявий ҳисоботлар.



3-расм. Давлат солиқ хизмати органларига тақдим этиладиган молиявий ҳисоботлар.

Солиқ тўловчилар ўз фаолиятларидан келиб чиққан ҳолда Солиқ кодексининг 23-моддасида назарда тутилган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқарадилар, ҳисобини юритадилар, белгиланган муддатларда солиқ ҳисоботларини тақдим этадилар ва бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда тўлашлари керак.

Солиқ назоратини амалга оширишда хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятига доир ҳужжатлари асосий манба бўлиб хизмат қилади. Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан расмийлаштирилган молиявий, солиқ ва бошқа ҳисоботлар солиқ назоратини муҳим ажралмас қисми ҳисобланади.

Солиқ кодексининг 67-моддасида “Солиқ назоратининг шакллари” келтирилган (1-жадвал).

1-жадвал

Солиқ назоратининг шакллари

2018 йил 1 январгача солиқ назорати шакллари	2018 йил 1 январгача солиқ назорати шакллари ⁶⁶
1) солиқ тўловчиларни ҳисобга олиш; 2) солиқ солиш объектларини ва солиқ солиш билан боғлиқ объектларни ҳисобга олиш; 3) бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига тушаётган тушумларни ҳисобга олиш;	1) солиқ тўловчиларни ҳисобга олиш; 2) солиқ солиш объектларини ва солиқ солиш билан боғлиқ объектларни ҳисобга олиш; 3) бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига тушаётган тушумларни ҳисобга олиш; 4) камерал назорат;

⁶⁶ Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 30 декабрдаги “Солиқ маъмуриятчилиги такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-455-сонли Қонуни

<p>4) камерал назорат; 5) нақд пул тушумлари келиб тушишининг хронометражи; 6) солиқ текширувлари; 7) фискал хотирали назорат-касса машиналарини қўллаш; 8) акциз тўланадиган айрим турдаги товарларни маркалаш, шунингдек айрим корхоналарда молия инспектори лавозимини жорий этиш; 9) давлат даромадига қаратилган мол-мулкни реализация қилишдан тушадиган пул маблағлари давлат даромадига ўз вақтида ва тўлиқ тушишини назорат қилиш; 10) бошқа мажбурий тўловларни ундириш вазифасини амалга оширадиган давлат органлари ва ташкилотлар устидан назорат қилиш.</p>	<p>5) нақд пул тушумлари келиб тушишининг хронометражи; 6) хўжалик юритувчи субъектлар ходимларининг ҳисоботдаги ва ҳақиқий сонининг мувофиқлиги юзасидан мониторинг; 7) солиқ текширувлари; 8) фискал хотирали назорат-касса машиналарини қўллаш; 9) акциз тўланадиган айрим турдаги товарларни маркалаш, шунингдек айрим корхоналарда молия инспектори лавозимини жорий этиш; 10) давлат даромадига қаратилган мол-мулкни реализация қилишдан тушадиган пул маблағлари давлат даромадига ўз вақтида ва тўлиқ тушишини назорат қилиш; 11) бошқа мажбурий тўловларни ундириш вазифасини амалга оширадиган давлат органлари ва ташкилотлар устидан назорат қилиш. 12) солиқ мониторинги.</p>
---	--

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан “2018 йил Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” деб эълон қилинди, тадбиркорлик субъектларининг молиявий-хўжалик фаолиятини текширишни 2 йилга тўхтатиш таклифи берилиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сонли Фармони⁶⁷да ўз тасдиғини топди. Бу эса самарали ва сифатли солиқ назоратининг камерал назорат ҳамда солиқ мониторингини йўлга қўйилишини муҳим вазифа қилиб белгилаб беради.

Солиқ тўловчининг ҳисоботлари маълумотларидан, айниқса, молиявий ва солиқ ҳисоботларидан камерал назорат ҳамда солиқ мониторингида кенг фойдаланиш солиқ соҳасидаги хато камчиликларни ўз вақтида бартараф этиб, тўловларни бюджетга ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда тушишини, шу билан биргаликда, режали солиқ текширувлари сонини кескин қисқаришига, ҳалол солиқ тўловчиларни фаолиятига асоссиз аралашувларни олдини олади.

67 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5308-сонли Фармони.


ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИНГ ДАРОМАДЛАРИНИ ДЕКЛАРАЦИЯ АСОСИДА СОЛИҚҚА ТОРТИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Жисмоний шахсларнинг даромадларни декларация асосида солиққа тортиш муносабатлари Солиқ кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган меъёрлар асосида тартибга солинади.

Бугунги кунда фуқароларимизнинг даромадларини кўпайтириш мақсадида, уларга солиқлар орқали рағбатлантирувчи механизмларни такомиллаштириш долзарб масалалардан биридир.

Жисмоний шахслар тўлов манбаида солиқ солинадиган даромадларига қўлланилмаган имтиёз суммаларини доимий яшаш жойидаги солиқ органлари тақдим этиладиган жами йиллик даромадлари ҳақидаги декларациялари асосида солиққа тортилмайдиган даромадларини солиқ солинган даромадлардан чегириш орқали қайтариб олиш ҳуқуқига эга.

Сўнги 3 йил давомида фуқароларга декларация асосида бюджетдан қайтарилган суммалар таркибини куйидаги расм маълумотлари асосида кўришимиз мумкин.



1-расм. Фуқароларга 2015 - 2017 йилларда декларация асосида бюджетдан қайтарилган суммалар тўғрисида маълумот⁶⁸.

⁶⁸ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Юқоридаги расм маълумотларини таҳлил қиладиган бўлсак, олий ўқув юртларида таълим олиш учун йўналтирилган суммаларга нисбатан чегирмалар умумий чегирмаларнинг ўртача 70 фоизини ташкил қилмоқда.

Адлия вазирлигида 2010 йил 27 майда 2107-сон билан рўйхатга олинган Низомга асосан Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларида ўқиш учун тўлов жисмоний шахс томонидан мустақил равишда (нақд пул ҳисобига, банклардаги омонат ва бошқа ҳисоб рақамларидан ёки пластик карталардан фойдаланган ҳолда) амалга оширилганда, солиқ чегирмасини жами йиллик даромади тўғрисидаги декларацияни топшириш йўли орқали берилиши тартиби белгиланган. Ушбу имтиёздан талабанинг фақатгина ўзи ёки ота-онаси фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси 2017 йил 29 декабрдаги ПҚ-3454-сонли қарорига асосан Тошкент шаҳрида мол-мулкни ижарага берувчилар учун ижара ҳақининг энг кам миқдорлари 1 ойга бир метр квадрат турар жойлар учун 4500 сўм ва нотурар жойлар учун 9000 сўм қилиб белгиланган.

Ҳозирги кунда Тошкент шаҳрида 1-хонали квартира (ўртача 50 м²) иккиламчи бозорда ўртача 1,0 - 1,5 млн.сўмдан (100-150 \$) ижарага берилляпти. Шунингдек, Тошкент шаҳрининг аҳоли гавжум жойларида жойлашган нотурар объекти (ўртача 30 – 40 м²) иккиламчи бозорда ўртача 1,5 - 2,0 млн.сўмдан (200-300 \$) ижарага берилмоқда.

Ўзбекистон тажрибасида жисмоний шахсларнинг даромадлари ва ҳаражатларини жами декларациялаш тизими йўлга қўйилмаганлиги натижасида даромадлар солиққа тортилмасдан қолмоқда.

Меъёрий хужжатга асосан жисмоний шахс ўзига 5-10 йилдан буён тегишли бўлган 2 та турар жойларни сотиб, ўрнига бошқа ҳовли жой сотиб олиши ёки даволаниш учун сотишдан олинган даромадларига солиқ солиниши адолатлилик принципига мос келмайди.

Мамлакатимизда жисмоний шахсларнинг даромадларини декларация асосида солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш борасида қуйидаги таклиф ва тавсияларни ишдаб чиқдик:

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 2 февралдаги 73-сон қарори билан тасдиқланган “2018 йилда қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш дастури”нинг 21-бандига мувофиқ, фуқароларнинг солиқ солинадиган иш ҳақи ва бошқа даромадларини олий

таълим муассасаларида **турмуш ўртоғининг** таълим олиши учун тўловга йўналтирилганда солиқ имтиёзлари (солиқ тўлашдан озод этиш) берилиши;

- фуқаролар томонидан билдирилаётган эътирозлар инобатга олган ҳолда Солиқ кодексининг 179-моддаси 11-бандига жисмоний шахсларга хусусий мулк асосида тегишли бўлган уй-жойларни кетма-кет келадиган ўн икки ойлик давр ичида бир мартадан ортиқ битим тузилган тақдирда, биринчи битимни истисно қилган ҳолда, иккинчи ва ундан кейинги битимлар асосида уй-жойларни реализация қилишдан олинadиган даромадларни, жисмоний шахсларнинг солиқ солинадиган даромадлари таркибига киритилиши;

- фуқаролар томонидан узоқ йиллар олдин сотиб олинган ёки қурилган уй-жойларни реализация қилишдан олган даромадларини солиққа тортиш жараёнида сотиб олиш ва сотиш орасидаги йилларни, йиллар орасидаги инфляцияни ва уй жойни таъмирлаш ишлари учун сарф этилган харажатларни ҳисобга олган ҳолда даромад солиғини ҳисоблаш;

- ривожланган ҳорижий давлатларнинг тажрибасидан келиб чиққан ҳолда жисмоний шахсларнинг даромадлари ва харажатларини декларациялаш тизимига босқичма- босқич ўтишни жорий қилиш мақсадида, биринчи навбатда (2019 йил 1 январдан) назорат ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи давлат органлари раҳбар ва ходимлари ҳамда уларнинг оила аъзоларининг даромадлари ва харажатларини декларациялаш тизимига ўтказиш;

- мол-мулкни ижарага берувчилар учун ижара ҳақининг энг кам миқдорларини кўчмас мулкнинг кадастр қийматидан - турар жойлар учун 1 фоиз ва нотурар жойлар учун 2 фоиз қилиб белгилаш;

- Солиқ кодексининг 179-моддаси 11-бандига жисмоний шахсларга хусусий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган мол-мулкни кетма-кет келадиган ўн икки ойлик давр ичида бир мартадан эмас балки икки мартадан ортиқ битим тузилган тақдирда солиққа тортилишини назарда тутувчи ўзгартириш киритиш мақсадга мувофиқ.

Юқоридаги таклиф ва тавсияларнинг амалиётга қўлланилиши натижасида назорат ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи давлат органлари раҳбар ва ходимлари орасида коррупцияга йўл қўйиш ҳолатларини олди олинади ҳамда маҳаллий бюджетга қўшимча маблағлар йўналтирилишига эришилади. Солиқ кодексининг 8-моддасига асосан солиқ солишнинг адолатлилик принципига риоя этилади.

СОЛИҚ ЮКИНИ ҲИСОБЛАШ ВА КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИНИНГ СОЛИҚ ЮКИНИ ПАСАЙТИРИШДА РЕГРЕССИВ СТАВКАСИНИ ҚЎЛЛАШ АҲАМИЯТИ

Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун солиқ юкини изчиллик билан камайтириш ва қулай шарт-шароитларни яратишни таъминлайдиган солиқ тизими шакллантирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 июлдаги “Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5116-сонли асосий мазмуни солиқ соҳасида янги замон талабларига мос ислохотларни амалга ошириш кузда тутилган.

Мазкур Фармон 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 5 та устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясидаги солиқ солиш тизимини изчиллик билан соддалаштириш, солиқ солинадиган базани кенгайтириш орқали солиқ юкини пасайтириш каби вазифалар ижроси юзасидан, шунингдек солиқ маъмуриятчилигининг замонавий услубларини жорий этиш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш мақсадида қабул қилинди.

Мазкур фармон доирасида Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати органлари тизимини ислох этишнинг муҳим 7 та йўналишлари белгилаб берилди. Ушбу йўналишларининг:

иккинчи йўналишида солиқ солиш объектлари ва солиқ солинадиган базанинг ўз вақтида ҳамда ишончли ҳисобга олинишини таъминлаш, ваколатли органлар ва ташкилотлар мансабдор шахсларининг солиқ солиш масалалари билан боғлиқ бўлган ишончли ахборотни ўз муддатида тақдим этиш бўйича масъулиятини кучайтириш;

тўртинчи йўналишида макроиқтисодий кўрсаткичлар динамикаси ва ҳудудларнинг солиқ салоҳиятини тизимли таҳлил қилиш орқали солиқ солиш объектларини тўлиқ қамраб олишни таъминлаш ва солиқ солинадиган базани кенгайтириш бўйича самарали чора-тадбирларни амалга ошириш;⁶⁹

⁶⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5116-сон Фармони; www.lex.uz сайти;

Солиқни жорий қилиш жараёнида солиқ юкини ҳисобга олиш жуда катта аҳамиятга эга. Солиқ юки иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг самарадорлигини белгиловчи кўрсаткич ҳисобланади:

- Солиқларнинг мажбурийлиги солиқлар воситасида иқтисодиётни тартибга солишда устунлик берса, иккинчи томондан солиқ тўловчиларнинг солиқларни яширишга бўлган интилишининг мавжудлиги туфайли солиқ назорати самарали ташкил этилмаганда етарли даражада натижага эришиб бўлмайди;

- Солиқларнинг бошқа мажбурий тўловлардан энг муҳим фарқли жиҳати эквивалентсизлик хусусиятидир. Ушбу хусусият солиқлар орқали иқтисодиётни самарали тартибга солиш учун давлат томонидан кўрсатиладиган “ижтимоий товарлар (хизматлар)”нинг муносиб (адекват) бўлишини талаб этади;

- Солиқ юкининг даражасининг иқтисодий фаолликка тескари мутаносиблиги солиқлар воситасида иқтисодиётни тартибга солишда турли хил самарали усуллардан фойдаланиш имконини беради.

Солиқ юки – солиқ тўловчининг муайян даврда бюджетга тўланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғиндисини ифодалайди. Мамлакат миқёсида солиқ юки ҳамма тўланган солиқ ва тўловларнинг ЯИМдаги салмоғи сифатида ифодаланади.

- Ҳисобот даврида давлат бюджетига тўланган солиқларнинг ЯИМга нисбати:

$$СЮ = СТ / ЯИМ * 100$$

- **СЮ** – солиқ юки;
- **СТ** – ҳисобот даврида давлат бюджетига солиқ тушумлари суммаси;
- **ЯИМ** – ҳисобот давридаги ялпи ички маҳсулот.

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида мамлакатда ялпи ички маҳсулотнинг жадал суръатлар билан ўсишида ҳар бир соҳанинг ўзига хос ўрни ва ҳиссаси мавжуддир. Мустақиллик йилларида республикада солиқ юки 2 баробардан кўпроқ пасайди, шу билан бирга давлат томонидан экспорт қилувчи корхоналар ва кичик бизнес субъектлари, инвестиция қилувчи ва янги маҳсулот турларини ўзлаштирувчи корхоналарга қўшимча имтиёзлар берилган.

Иқтисодиётнинг тармоқларида ва соҳаларида кесимида, шунингдек ишлаб чиқариш турлари зиммасига солиқлар ва мажбурий тўловларнинг улуши ҳамда солиқ юкини ҳисоб-китоб қилган ҳолда, уларни камайтириш юзасидан қуйидагиларни таклиф қиламиз:

Хўжалик юритувчи субъектлар, айниқса солиқ тўловчи корхоналар молиявий фаолияти таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, бугунги кунда уларнинг

зиммасига тушаётган солиқ юкини оғирлаштирилаётган солиқлардан бири, бу - ягона солиқ тўловидир.

Маълумки, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 3.1-бандида солиқ юкини камайтириш ва солиққа тортиш тизимини соддалаштириш сиёсатини давом эттириш, тегишли рағбатлантирувчи чораларни кенгайтириш вазифаси қўйилди.

Бу мақсадларга эришишда, фикримизча, корхоналар зиммасига оғир юк бўлаётган ягона солиқ юкини бир мунча камайтириш мақсадга мувофиқ. Шу мақсадда, ягона солиқ тўловини регрессив ставкаларини ҳисоблаш тартибини жорий қилишни таклиф этамиз.

Бунда ялпи тушумни кўпайган ҳолатлардагини, ягона солиқ тўлови ставкасини пасайтириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари томонидан ялпи тушумни оширишларига нисбатан регрессив ставкаларни қўллаш, яъни ўтган ҳисобот даврига нисбатан, агар ҳисобот даврида ялпи тушум 15% дан- 30% гача оширилса ягона солиқ тўловининг ставкаси шу қисмига 20 фоизга камайтиради, агар ҳисобот даврида ялпи тушум 30% ва ундан юқори бўлса ягона солиқ тўловининг ставкаси 25 фоизга камайтириш мақсадга мувофиқ бўлади.


*Абдуллаев Д. А- Солиқ
академияси магистранти*

ИҚТИСОДИЁТНИНГ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШДА КОРХОНАЛАР ФОЙДАСИДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Ҳозирги вақтда мамлакатимиз иқтисодиётини янада ривожлантириш ва янги босқичга кўтариш мақсадида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу борада, 2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси қабул қилинганини алоҳида қайд этишимиз лозим. Мазкур Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналиши билан миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш вазифаси белгилаб берилди. Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишда корхоналар фойдасидан олинадиган солиқлар муҳим аҳамият касб этади. Корпоратив фойда солиғи ички саноатда ушбу мамлакат ичида жойлашган ишлаб чиқариш фаолияти

самарадорлиги билан белгиланадиган рақобатбардошликка таъсир қилади. Бундан ташқари, корпоратив фойда солиғининг рақобатбардошликка таъсири фойданинг юқорилигига боғлиқ бўлади⁷⁰. Корхоналар фойдасидан олинадиган солиқ солиқ ставкалари қанча паст бўлса иқтисодиётнинг рақобатбардошлигига ижобий таъсир қилади. Аксинча фойда солиғи ставкаси қанча юқори бўлса ҳамда фойдадан олинадиган солиқ миқдори кўп бўлса салбий таъсир қилади. Фойда солиғи миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигига бевосита ёки билвосита таъсир қилади.

Шунингдек, корхона фойдасидан олинадиган солиқлар бюджет даромадларининг асосий манбаларидан бири ҳисобланади. Республикада 2017 йилда амалда бўлган солиқ қонунчилигига кўра, корхоналар фойдасидан олинадиган солиқлар таркибига юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи, қўшимча фойда солиғи ва ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини киритишимиз мумкин. Ушбу солиқ турларининг 2017 йилда давлат бюджети даромадлари таркибидаги миқдори 3576,1 млрд.сўми, улуши эса 7,2 фоизни ташкил қилган. Давлат бюджети даромадларини шакллантиришда корхоналар фойдасидан олинадиган солиқлар таркибининг миқдори ва улушини қуйидаги жадвалда кўришимиз мумкин.



1-расм. 2017 йилда корхоналар фойдасидан олинган солиқларнинг таҳлили⁷¹

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2017 йилда Республикада давлат бюджети даромадлари таркибида юридик шахслардан

⁷⁰ Knoll, Michael S., "The Corporate Income Tax and the Competitiveness of U.S. Industries" (2010). *Faculty Scholarship*. Paper 248.

⁷¹ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги расмий сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

олинадиган фойда солиғи миқдори 1475,50 млрд.сўмни ташкил этган ҳолда 2,97 фоизни, қўшимча фойда солиғи 1415,10 млрд.сўмни ташкил этган ҳолда 2,85 фоизни, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи 685,5 млрд.сўмни ташкил этган ҳолда 1,38 фоизни ташкил этган.

Бугунги кунда мамлакатимизда корхоналар фойдасидан олинадиган солиқларнинг иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлашдаги ролини ошириш ва солиқларни ҳисоблаб чиқаришни соддалаштириш борасида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2018 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-454-сонли Қонунига мувофиқ юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ва ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи битта солиқ турига - юридик шахслардан олинадиган фойда солиғига бирлаштирилди. Мазкур солиқ турларининг бирлаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги ПҚ-3454-сонли қарорига мувофиқ юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг ягона ставкалари белгиланди. Жумладан, юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг базавий ставкаси 14 фоиз, тижорат банклари учун солиқ ставкаси 22 фоиз миқдорида белгиланди. Шу билан бирга, аввалги йилларда аукцион ўтказишдан, гастрол-концерт фаолияти билан шуғулланишга лицензияси бўлган юридик ва жисмоний шахсларни жалб этиш йўли билан оммавий томоша тадбирларини ташкил этишдан даромад олувчи юридик шахслар учун амалда бўлган фойда солиғи ставкасининг 35 фоизлик миқдори бекор қилинди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимини ислоҳ қилиш концепцияси лойиҳаси ишлаб чиқилган⁷². Ушбу концепция бугунги кунда жамоатчилик томонидан кенг муҳокама қилинмоқда. Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимини ислоҳ қилиш концепцияси лойиҳасида корхоналар фойдасидан олинадиган солиқлар бўйича кўплаб ўзгаришлар кўзда тутилган. Жумладан, юридик шахсларнинг фойда солиғини бекор қилиш (тижорат банклари ва суғурта ташкилотлари бундан мустасно) ва дивидендлар солиғи 25 фоизли ставка бўйича фақатгина дивидендлар кўринишида тўланадиган даромадга солиқ солиш тартибини жорий қилиш

⁷² <http://taxreform.gov.uz-интернет> сайти.

таклиф этилмоқда. Шу билан бирга, қўшимча фойда солиғини фаолият турига қараб роялти тўлашга ўтиш билан бекор қилиш назарда тутилмоқда.

Кейинги йилларда мамлакатимизда корхоналар фойдасидан олинадиган солиқларни ҳисоблаб чиқаришни соддалаштириш ва солиқ юқини камайтириш мақсадида фойдадан олинадиган солиқ турлари камайтирилмоқда. Буни қуйидаги жадвал билан изоҳлашимиз мумкин.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида корхоналар фойдасидан олинадиган солиқ турлари⁷³

Кўрсаткичлар	2017 йил	2018 йил	2019 йил*
Корхоналар фойдасидан олинадиган солиқ турлари	юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	дивиденд солиғи
	ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи		
	қўшимча фойда солиғи	қўшимча фойда солиғи	

* Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимини ислоҳ қилиш концепцияси лойиҳасида назарда тутилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимини ислоҳ қилиш концепцияси лойиҳасида корхоналар фойдасидан олинадиган солиқлар бўйича назарда тутилган ўзгаришларга иқтисодчи олимлар ва экспертлар томонидан турлича фикрлар билдирилмоқда. Жумладан, профессор Ш.Тошматовнинг фикрига кўра “дивиденд солиғи ставкасини пасайтириш лозим, шунингдек, фойда солиғининг сақланиб қолиниши нафақат давлат бюджетини тўлдиришда фискал вазифани, шу билан бирга фойдани шакллантириш ва унинг ҳисобини юритишдаги мулкдорнинг масъулиятини ҳам оширишда катта хизмат қилади”⁷⁴. Доцент Ж.Ўрмоновнинг қайд этишича “ушбу тартиб ўзини оқламайди ҳамда фойда солиғи бўйича табақалашган ставкани яъни йирик корхоналарга 14 фоиз, кичик корхоналарга 10 фоиз қўллаш лозим”⁷⁵. Мустақил

⁷³ Муаллиф томонидан мустақил тайёрланди.

⁷⁴ <https://daryo.uz> - интернет сайти.

⁷⁵ <http://taxreform.gov.uz-интернет> сайти.

эксперт Ю.Ю.Осуповнинг фикрича⁷⁶ юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ўрнига дивиденд солиғининг жорий қилиниши натижасида фойда ва дивиденд солиқлари бирлаштирилади. Шунингдек, бизнесда инвестицион фаолликни рағбатлантиради (киритилган инвестиция харажатларига солиқ солинади), ҳамда солиқ маъмуриятчилигини анча соддалаштиради (фойда солиғи – ҳисоблаш учун жуда қийин).

Фикримизча, Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимини ислоҳ қилиш концепцияси лойиҳасида корхоналар фойдасидан олинадиган солиқлар бўйича ўзгаришларни қўллаб-қувватлаш лозим. Сабаби, мазкур ўзгаришларнинг афзалликлари кўпроқ. Жумладан, корхоналар фойдасидан олинадиган солиқ турлари қисқаради, солиқларни ҳисоблаб чиқариш соддалашади, солиқ солинадиган база унификация қилинади, солиқ юки камаяди, фойдага икки марта солиқ солинишининг олди олинади. Корхоналар фойдасидан олинадиган солиқлар бўйича ўзгаришларнинг бюджет даромадларига таъсири бўйича тўхталадиган бўлсак, бу дивиденд солиғи бўйича солиқ солинадиган базанинг белгиланишига боғлиқ. Шунингдек, ягона солиқ тўлови ҳамда хусусий ва оилавий корхоналарни бекор қилиниши натижасида солиқ тўловчилар сони кўпаяди. Бу эса корхоналар фойдасидан олинадиган солиқлар миқдорининг кўпайиши ҳамда бюджет даромадларидаги салмоғининг ортишига олиб келиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимини ислоҳ қилиш концепцияси лойиҳасида корхоналар фойдасидан олинадиган солиқларни такомиллаштириш бўйича қуйидагилар инобатга олиниши яъни:

1. Тижорат банклари ва суғурта ташкилотлари учун ҳам дивиденд солиғини жорий қилиниши;

2. Дивиденд солиғи ставкасининг 25 фоиз миқдорида белгиланиши бу жуда юқори ставка, шу сабабли солиқ ставкасини пасайтириш яъни 20 фоиз миқдорида белгиланиши;

3. Дивиденд солиғи базасини белгилашда корхоналар фаолиятига боғлиқ бўлмаган харажатларни яъни чегирилмайдиган харажатларни солиқ солинадиган базага киритилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

⁷⁶ <https://finansist.uz> - интернет сайти.


МИЛЛИЙ ҲИСОБ ТИЗИМЛАРИНИ ШАКЛЛАНИШИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ХАЛҚАРО МОДЕЛЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ ВА УЛАРНИНГ ГУРУҲЛАНИШИ

Ҳозирда мамлакатимизда давлат бюджети ҳисобини юритишда бир қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, молия органларида (молия ва ғазначилик), давлат солиқ хизмати ва божхона органларида, бюджет ташкилотларида, давлат мақсадли жамғармалари тизимларида ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни мукамаллиги, ходимлар малакаси ошириш давлат бюджети ислохотларини босқичлари ҳисобланади. Ушбу ислохотлар бюджет ҳисобини халқаро моделлар асосида ташкил этиш ва юритишни такомиллаштириш, давлат секторида халқаро бухгалтерия ҳисоби стандартларига мос стандартларни ишлаб чиқишни тақозо этади ва натижада давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий секторларига узоқ муддатли инвестициялар оқимининг ортишига эришиш мумкин.

Халқаро амалиётда, давлатларнинг миллий ҳисоб тизимлари турлича бўлиб, улар асосан мамлакатнинг ўзига хос бўлган хусусиятларини ўзида мужассамлаштиради. Амалиётчи мутахассислар ва илмий изланувчилар бу борада ўз фикрларини ранг-баранг ҳолда тасвирлашган.

Шигуннинг (Шигун, 2011) фикрича эса, ҳисоб тизими мамлакатларнинг географик жойлашувига ва бухгалтерия ҳисобини тартибга солишнинг услубий ёндашувига кўра қуйидаги гуруҳларга бўлинади: британча-американча модел (англо-американча, анло-американ-голландча), континентал модел (европача), жанубий американча модел (лотин американча), молиявий ҳисобнинг халқаро стандартлари бўйича модели (интернационал модел), собиқ социалистик мамлакатлар ва МДҲ га кирувчи мамлакатлар модели, ўтиш тизими модели (мамлакатнинг ҳисоб тизимини англо-американча ёки континентал моделларга яқинлаштириш ёки молиявий ҳисобнинг халқаро стандартларга яқинлаштириш орқали ислоҳ қилиш).

Қуйидаги 1-расмда бухгалтерия ҳисобини типларга ажратилиши илмий жиҳатдан қайта кўриб чиқилганда макромоделларга қуйидагича баҳо берилган.




1-расм. Бухгалтерия ҳисобини замонавий макромоделнинг типларга ажратилиши.

2-расмда эса гуруҳланишга тўхталиб ўтсак, адвертив модел – лотинча “adverto” сўздан олинган бўлиб, йўналтириш, олдинга интилиш деган маъноларни англатади. Ушбу модел мамлакатда бухгалтерия ҳисобини тартибга солишнинг профессионал характери ва профессионал бухгалтерлар ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган ҳисоб стандартларидан фойдаланишни тақозо этади. Бундай модел АҚШ, Буюк британия, Канада, Австралия, Исроил, Ҳиндистон, Янги Зеландия, Филиппин каби томонидан ишлаб чиқилган ҳисоб стандартлари давлат қонун чиқарувчи органлари билан келишилган ҳолда қоида тариқасида ишлатилади. Императив модел - лотинча “imperativus” сўздан олинган бўлиб, ҳукмини ўтказиш деган маънони англатади. Бухгалтерия ҳисобини қонун чиқариш орқали тартибга солиш ҳисобланиб, бундай ҳолатда ушбу қонунлар мамлакатдаги барча ташкилотларнинг бухгалтерия ҳисобини тартибга солади. Германия, Австрия, Франция, Швецария, Италия, Бельгия каби давлатлар ушбу моделдан фойдаланади. Украина ҳам бухгалтерия ҳисобини давлат томонидан тартибга солиниш тизимидан фойдаланади.

Аралаш модел – ҳисоботни тузиш ва тақдим этиш, бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритиш принциплари давлат ва профессионал бухгалтерлар ташкилоти иштирокида биргаликда ишлаб чиқилади ва амалга тадбиқ этилишини назарда тутади. Ҳуқуқий модел – халқаро ва миллий ҳуқуқий тизим асосида ишлаб чиқилган қоидалар ва меъёрлардан фойдаланиш тартибини назарда тутади. Бундай ҳуқуқий-меъёрлар, тарихан бизнес-муносабат қоидалари асосида шаклланади ва дунё мамлакатларининг кўп қисмида фойдаланиб келинмоқда. Миллий модел – дунёдаги ҳар бир давлатда ўзининг

ички хусусиятларидан келиб чиқиб шакллантирилади. Интернационал модел – ушбу модел асосан иқтисодий глобал муаммоларни ечиш жараёнида шаклланади ва молиявий ҳисобнинг халқаро стандартларига асосланади. Солиққа оид модел – тақдим этилаётган маълумотларни муҳимлиги, асосан солиқ тўловини ҳисобланиши ва тўланишидаги очиклик, шаффофликнинг муҳимлиги ҳисобланади. Ҳозирда Франция, Италия, Испания, Бельгия, Лотин Америкаси ва Украинада ушбу модел амалда қўлланилмоқда. Молиявий модел - солиқ маълумотлари олдида молиявий ҳисоб ва ҳисобот муҳимлигини назарда тутилади. Инфляцион модел – ушбу модел асосан иқтисодий ривожланмаган ва инфляциянинг ўсиш суръати юқори бўлган мамлакатларда фойдаланилиб, нарх даражасини ўзгариш кўрсаткичларига ҳисоб маълумотларини домий тўғрилашни (корректировка қилиш), мослаштиришни талаб этади. Инфляцион модел Бразилия, Аргентина, Боливия, Парагвай, Перу ва бошқа Жанубий Америка мамлакатларида сақланиб қолинмоқда. Бозор модели – бу модел асосан бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда, сиёсий тизими ўзгармас, нарх даражалари деярли ўзгармас ва миллий валютаси барқарор бўлган ҳамда ҳисобот маълумотларини инфляция суръатига нисбатан корректировка қилиш кўзда тутилмаган мамлакатларда фойдаланилади. Европа қитъаси мамлакатлари, АҚШ ва Буюкбритания ва бошқа давлатларда ушбу модел амалда.



2-расм. Бухгалтерия ҳисобини макромоделнинг гуруҳланиши.

Юқорида келтирилган бухгалтерия ҳисобининг халқаро моделларининг типларга ажратилиши ўз навбатида давлатнинг бюджет ҳисобини шаклланишида ҳам муҳим ўрин тутди. Айниқса, ривожланган мамлакатларнинг ҳисоб тизимларидаги амалий тажрибалари ривожланаётган мамлакатлардаги миллий ҳисоб ва молиявий ислохотларига амалий ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган банк-молия ва солиқ соҳасидаги ислохотлар айнан ривожланган мамлакатларнинг тажрибаларини ўрганиш орқали янги равишда ривожланиш босқичига чиқмоқда.

Отабоев А.Н. - БМА тингловчиси

БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИДА НОМОДДИЙ АКТИВЛАРНИ БАҲОЛАШ ВА УЛАРНИНГ ҲИСОБИ

Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби объектлари ҳисобини юритишнинг услубий асослари, шу жумладан номоддий активлар ҳисоби бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартлар талаблари асосида такомиллаштирилмоқда. Ҳозирги кунда номоддий активлар ҳисобини назарий ва амалий жиҳатларини илмий тадқиқ этишни талаб этмоқда.

Номоддий активлар таркибини аниқлаш, уларни баҳолаш, бухгалтерия ҳисобини юритиш, улар билан боғлиқ операциялар боғлиқ услубий ва ташкилий-амалий ёндашувлар ҳисобланади.

Илмий тадқиқот жараёнида хорижий валюталарида амалга ошириладиган операциялар ҳисоби ва таҳлилини ташкил қилиш юзасидан ишлаб чиқиладиган алоҳида амалий таклифлар Республикамиз миқёсида хорижий валюталарида амалга ошириладиган операциялар ҳисобини ташкил қилиш учун қўлланилиши мумкин:

- ривожланган давлатлар тажрибаси асосида номоддий активларнинг янги турларини тан олиш ва ҳисобини юритиш бўйича тавсиялар берилади;

- номоддий активларнинг қайта баҳолашни, фаол бозор маълумотлари асосида жорий қийматни аниқ белгилаш мумкин бўлса, қайта баҳолаш кундаги жорий қийматни тасдиқловчи ҳужжатлар асосида тўғридан-тўғри қайта ҳисоблаш йўллари белгилаб берилади;

- номоддий активларни ҳисобдан чиқарилиши билан боғлиқ операцияларни бухгалтерия ҳисобида акс эттирилиши учун ҳужжатларда расмийлаштириш юзасидан тавсиялар берилади.

Бухгалтерия ҳисоби таркибида бюджет ташкилотларининг номоддий активларни сезиларли улушни ташкил қилиши ҳамда умумиқтисодий ўсишни таъминлаши борасида бир қатор мунозарали фикрлар мавжуд. Шу каби зиддиятли ҳолатларни ёритиш муаммонинг асосларидан бирини ташкил қилади:

- номоддий активларнинг амалдаги ҳамда иқтисодий адабиётлардаги мавжуд туркумланишини ўрганиш натижасида илмий жиҳатдан асослаш;

- ривожланган давлатлар тажрибаси асосида номоддий активларнинг янги турларини тан олиш ва ҳисобини юритиш бўйича тавсиялар бериш;

- номоддий активларнинг қайта баҳолашни, фаол бозор маълумотлари асосида жорий қийматни аниқ белгилаш мумкин бўлса, қайта баҳолаш кундаги жорий қийматни тасдиқловчи ҳужжатлар асосида тўғридан-тўғри қайта ҳисоблаш йўллари белгилаш;

- номоддий активларни ҳисобдан чиқарилиши билан боғлиқ операцияларни бухгалтерия ҳисобида акс эттирилиши учун ҳужжатларда расмийлаштириш юзасидан тавсиялар бериш;

- номоддий активларнинг дастлабки қийматини арифметик текширувдан ўтказиш. “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун” ва “Номоддий активлар” номли № 7 БҲМСга мувофиқ номоддий активларни баҳолаш, номоддий активларнинг баланс қийматини жорий бозор нархлари даражасига мослаш мақсадида уларни вақти-вақти билан қайта баҳолаш бўйича таклифлар бериш.

Шуни айтишимиз мумкинки, Европа ҳамжамияти директивларида уларга нисбатан янги қоидалар белгиланмаган. Номоддий активларни баҳолашдаги асосий ёндашув – уларни бошланғич (дастлабки) қийматларда тан олиш ва ҳисоботларда акс эттиришдан иборат бўлиб қолмоқда (И.Н.Исманов, 2009), Номоддий активлар хўжалик юритувчи субъектларда дастлабки, реализация ва қолдиқ қийматларда ҳисобга олиниши лозим (Н.Ризаев, 2004). Номоддий активлар таркибини ҳисоблаш ва бунда қайси усуллардан фойдаланиш лозимлиги соҳа мутахассисларини ўйлантираётган асосий масалалардан бири ҳисобланади (Соклов Я.В., Бутынец Ф.Ф., Горецкая Л.Л., Палков Д.П.).

СОЛИҚ ТИЗИМИНИНГ ИСЛОҲОТ ЭТИЛИШИ ОРҚАЛИ ЖАЛБ ҚИЛИНАДИГАН ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ҲАЖМИНИ ОШИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ўзбекистонни 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг “Иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишларида солиқ юкини камайтириш ва солиққа тортиш тизимини соддалаштириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва тегишли рағбатлантириш чораларини кенгайтириш сиёсатини давом эттириш, иқтисодий ривожлантириш ва эркинлаштириш соҳасидаги асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.

Айни пайтдаги амалдаги солиқ тизими замонавий талабларга жавоб бермаслиги ойдинлашди. Унинг иқтисодий янада ривожлантиришни чеклаши, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва модернизация қилишни рағбатлантирмайдиган омиллари, бизнесни ривожлантириш юритиш учун энг қулай шарт-шароитларни таъминламайдиган хусусиятлари кўзга кўриниб қолди. Бундан ташқари хўжалик юритувчи тадбиркорлик субъектлари учун солиқ юкининг даражаси жуда юқори бўлиб (Ўзбекистонда бу кўрсаткич МДҲнинг аксарият мамлакатларига нисбатан юқоридир), даромадларни панада туриб хуфиёна айланмага чиқишига бошланишига сабаб бўлмоқда.

Йиллар давомида юқори солиқ ставкаси ва қўшилган қиймат солиғини (ҚҚС) тўлаш ундириш тизими солиқ тўловчиларнинг айланма маблағларини четлатиб, оралиқ ва якуний истеъмол товарлари нархининг ошишига олиб келмоқда ҳамда йирик ва кичик корхоналар бизнес субъектлари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга тўсқинлик қилмоқда. Бундан ташқари, юридик шахсларнинг мол-мулкига солиқ солишнинг амалдаги тизими ишлаб чиқариш капитал иншоотлари ва инфратузилмасига киритилаётган инвестицияларни чеклаб, шунингдек капитал талаб қиладиган тармоқларнинг харажатларини ошишига олиб келмоқда. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ва ягона ижтимоий тўловнинг ставкаларини юқорилиги ставкалари иш ҳақи миқдорини камайтиришга ва натижада иш ҳақини "конвертларда" тўланишига олиб келмоқда.

Шу билан бирга, самарасиз солиқ маъмуриятчилиги Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадлари даражасига салбий таъсир

кўрсатмоқда, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўплашни етарли даражада таъминламаслик ҳолатлари юзага келмоқда.

Юқоридагиларни келгуси йилларда бартараф этиш чора-тадбирлари сифатида қуйидагиларни келтириб ўтиш мумкин:

✓ илғор ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда, айниқса юқори тезликдаги интернет тармоғи орқали давлат органлари ва ташкилотлар ўртасида самарали маълумот алмашиш тизими ташкил этиш, турли ҳилдаги мобил илова дастурларини амалиётга кенг жорий қилиш;

✓ маъмурий солиқларни электрон тарзда жорий этишнинг шакллари ва услублари жорий этиш, шу жумладан, ҳисоб-китобларни электрон рўйхатга олишнинг ягона тизими, онлайн режимда солиқ хизмати органларига ўтказилган операциялар тўғрисидаги маълумотни тақдим этадиган касса аппаратларидан барча ҳудудларда кенг фойдаланиш, банк кредит маблағларини онлайн касса аппарат харид қилиш учун сафарбар этиш;

✓ назорат қилиш фаолиятини амалга оширишда хатарларни таҳлил қилиш ва бошқаришнинг самарали тизими ишлаб чиқиш, бу борада иқтисодиёти тез суръатлар билан ривожланаётган мамлакатлар тажрибасини амалиётга кенг қўллаш;

✓ маъмурий бошқарувнинг замонавий механизмлари қўллаш орқали, маҳаллий солиқлар ва йиғимлар ундирилишини максимал даражага етказиш, ундирилган солиқ тўловларидан иш ҳақи фондига қўшимча равишда бонусларни қўшиш;

✓ солиқ бўйича низоларни судгача ҳал этишнинг самарали тизимини қонунчилик тизимини қайта кўриб чиқиш;

✓ солиқ қончилигининг мураккаблиги сабабли тушунтириш ишларининг самарадор механизмларни ишлаб чиқиб амалиётга кенг қўллаш.

Кўрсатиб ўтилган камчиликларнинг яқин йилларда бартараф этилиши мамлакат миқёсида инвестицион жозибадорликка ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади, чунки амалдаги солиқ тизими кўпчилик инвесторлар олдида аниқ, соғлом рақобат, солиқ бошқарувининг шаффофлиги, солиқ юкининг мақбул даражасини ва инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатини таъминлаши лозим бўлади.

Фикримизча, солиқ маъмурчилигида амалга оширилаётган мазкур ислохотлар мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришни, айниқса инвестицияларни жалб қилишнинг муҳим дастагига айланади.

АКЦИЗ СОЛИҒИНИ ҲИСОБЛАШНИНГ АМАЛДАГИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ

Акциз солиғи республикамизда 1991 йил 15 февралдаги “Корхона, бирлашма ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисида” ги Қонуни асосида 1992 йилдан бошлаб жорий қилинган. Акциз солиғи бу соф даромаднинг нархда ва қўшилган қиймат солиғига тортиладиган базада ҳисобга олинадиган, билвосита солиқ сифатида бюджетга ўтказиладиган (ундириладиган) бир қисмидан иборатдир.

Акциз солиғининг ставкалари мутлақ суммада (қатъий) белгиланган акциз тўланадиган товарлар бўйича солиқ солинадиган база акциз тўланадиган товарларнинг натурада ифодаланган ҳажми асосида қуйидаги формула билан аниқланади:

С х А, бунда:

С - тегишли ўлчов бирликларида сотилган маҳсулотнинг физик ҳажми;

А - акциз солиғининг қатъий ставкаси, ўлчов бирлигига сўмларда.

Буни қуйида келтирилган жадвал маълумотларига таянган ҳолда изоҳласак:

1-жадвал

Ставкалари қатъий белгиланган акциз ости товари бўйича акциз солиғининг ҳисоб-китоби⁷⁷ (ўсимлик (пахта) ёғи бўйича)

т/р	Кўрсаткич номи	Ўлчов бирлиги	Сумма
1.	Корхонанинг ишлаб чиқарган маҳсулоти	5 тонна	459,7
2.	Акциз солиғи:		
	а) умумбелгиланган ставкада	1 тонна учун минг сўмда	459,7
	б) бюджетга тўланадигани	5 тонна учун минг сўмда	2.298,6

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, акциз солиғи бюджетга 5 тонна учун 2.298,6 сўм миқдорида тўланади.

⁷⁷ Жадвал шартли равишда ҳисобланди.

Акциз солиғининг ставкалари фоизларда (адвалор) белгиланган ишлаб чиқарилаётган акциз тўланадиган товарлар бўйича реализация қилинган акциз тўланадиган товарларнинг акциз солиғи ҳамда қўшилган қиймат солиғи киритилмаган қиймати солиқ солинадиган базадир.

Ставкалари фоизларда белгиланган акцизланадиган маҳсулот бўйича акциз солиғининг ҳисоб-китобини шартли мисол тариқасида таҳлил этамиз.

Акциз солиғи суммаси қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$O \times A / 100$ бу ерда:

O – ҚҚС ва акциз солиғи киритилмаган нарх;

A - акциз солиғи ставкаси.

Юқоридаги формуладан фойдаланиб қуйидаги жадвал маълумотларини таҳлил этамиз:

2-жадвал

Акциз солиғининг ставкалари фоизларда белгиланган акциз тўланадиган товарлар бўйича акциз солиғининг ҳисоб-итоби⁷⁸

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Сумма
1.	Маҳсулот бирлигининг таннархи	минг. сўм	1 500,0
2.	Зарур фойда	минг. сўм	100,0
3.	Маҳсулотнинг ҳисоб-китоб (улгуржи) нархи (1-сатр + 2-сатр)	минг. сўм	1 600,0
4.	Акциз солиғи ставкаси	фоиз	25
6.	Акциз солиғининг суммаси (3-сатр x 4-сатр)	минг. сўм	400,0

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, корхона акциз солиғини юқоридаги тартиб асосида ҳисоблайди ва бюджетга 400,0 минг сўм миқдорида акциз солиғи тўлайди.

Ҳозирги кунда акциз солиғи бўйича ҳисоботларни тўлдиришда асосий маълумотлар дастлабки ҳужжатдан яъни ҳисоб-фактурадан олинади. Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан дастлабки ҳужжат маълумотлари тегишли тартибда счётларга, ҳисоб регистрларига, молиявий ва солиқ ҳисоботларида акс эттирилади. Шу сабабли, дастлабки ҳужжатлардаги маълумотларнинг қанчалик

⁷⁸ Жадвал шартли равишда ҳисобланди.

тўлик, аниқ ва ишонарли бўлиши солиқларни тўғри ҳисобланишига олиб келиш билан бирга молиявий ва солиқ ҳисоботларини тўлдиришда қийинчилик туғдирмайди.

Ҳозирги кунда акциз солиғи бўйича солиқ ҳисоботи шакллари қуйдаги маълумотларни ўз ичига олади:

- Акциз солиғи тўловчиси тўғрисида маълумотлар;
- Адвалор ставкалари қўлланиладиган акциз солиғи ҳисоб-китоби;
- Адвалор ставкалари қўлланиладиган акциз солиғи ҳисоб-китобига, чегирилиши лозим бўлган акциз солиғи суммаси тўғрисидаги маълумотнома;
- Қатъий ставкалар қўлланиладиган акциз солиғи ҳисоб-китоби;
- Қатъий ставкалар қўлланиладиган акциз солиғи ҳисоб-китобига, чегирилиши лозим бўлган акциз солиғи суммаси тўғрисидаги маълумотнома;
- Табиий газ бўйича акциз солиғи ҳисоб-китоби;
- Табиий газ бўйича акциз солиғи ҳисоб-китобини қилиш пайтида чегириладиган акциз солиғи суммаси тўғрисида маълумотнома.

Ушбу ҳисоботларни тўлдиришда хўжалик юритувчи субъект томонидан ишлаб чиқарадиган маҳсулот тури танланиб, кейин тўлдириш талаб этилади.

Акциз солиғи бошка солиқлардан фарқли равишда истеъмол жараёнида ундириладиган солиқ бўлганлиги боис, маълум вақт ўтиши билан эмас операция содир бўлган вақтнинг ўзида ҳисобланади ва дастлабки ҳужжатда ўз аксини топади.

3-жадвал

Ҳисоб-фактуранинг жадвал қисми⁷⁹

Маҳсулот (иш,хизмат) номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Нархи	Жами қиймат	Акциз солиғи		Қўшилган қиймат солиғи		Таъминот қиймати қўшилган қиймат солиғи билан
					Ставка	Сумма	Ставка	Сумма	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10

Масалан: А корхона 10 бирликдаги маҳсулотини 100.000 сўмдан жами 1.000.000 сўмга сотиш жараёнида ҳисоб-фактура расмийлаштирилди. Ушбу маҳсулот акциз солиғига тортиладиган товар бўлиб, акциз солиғи ставкаси

⁷⁹ Амалдаги ҳисоб-фактура кўриниши шартли равишда тузилди

25%. Бунда акциз солиғи 250.000 сўм ($1.000.000 \cdot 25\%$). Қўшилган қиймат солиғи эса 250.000 сўм ($(1.000.000 + 250.000) \cdot 20\%$)ни ташкил этади.

Амалдаги тартиб қоидага кўра қўшилган қиймат солиғига тортиладиган базага акциз солиғи суммаси қўшилади. 5-устундаги суммага 7-устундаги акциз солиғини қўшиб, ундан қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш жараёни бир мунча ноаниқликни ва қўшимча ишни талаб қилади. Чунки, амалиётда бугунги кунда корхонанинг масъул ҳисобчилари томонидан 10-устунда таъминот қиймати қўшилган қиймат солиғи билан бирга деган устунда 5-устундаги суммадан қўшилган қиймат солиғи ҳисоблаб қўйиш ҳоллари учраб туради. Бу нафақат солиқ тўловчиларни балки солиқ ходимларини ҳам акциз солиғини ҳисоблаш ва ундиришда бир қанча муаммога сабаб бўлиши мумкин.

Юқоридаги фикрларга таянган ҳолда акциз солиғини ҳисоблашнинг амалдаги ҳолатини такомиллаштириш мақсадида қуйидаги таклифларни келтирамиз:

- акциз солиғи ва қўшилган қиймат солиғи бўйича ҳисоб-фактурани такомиллаштириш ва электрон шаклини жорий қилиш;

- акциз солиғининг Давлат солиқ хизмати органларига тақдим этиладиган солиқ ҳисоботлари бир қанча мураккаб эканлиги нафақат солиқ тўловчиларга ва ДСХО ходимларига ҳам бир қанча қийинчиликлар ва ноқулайликлар туғдиради. Шу сабабли акциз солиғи ҳисоботини қайта кўриб чиқиш ва соддалаштириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Тулаев.М.М - БМА тингловчиси

ДЕБИТОРЛИК ҚАРЗЛАРИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШ САБАБЛАРИ УЛАРНИ БОШҚАРИШНИНГ ЗАРУРЛИГИ

Дебиторлик қарзларидан тушадиган маблағлар ишлаб чиқарувчи корхонанинг асосий пул маблағлари манбаларидан бири ҳисобланади. Харидорлар мажбуриятларини ўз вақтида бажармасалар корхонада пул маблағлари дефицити келиб чиқади, жорий фаолиятини молиялаштириш учун корхонанинг айланма активларга бўлган эҳтиёжи ошади, молиявий ҳолати ёмонлашади. Бу эса ўз навбатида корхона ва харидорлар ўртасидаги ҳисоб муносабатларни ўзгартириш, кредит ва қарзларни сўндиришга қаратилган мос сиёсатни ишлаб чиқиш кераклигини келтириб чиқаради.

Бундан ташқари исталган хўжалик юритувчи субъектлар назорат қилиш бўйича асосий эътиборини фақатгина дебиторлик қарзларига эмас, балки, кредиторлик қарзларига ҳам қаратади. Шунинг учун қарзлар ҳаракати устидан

қўйиладиган назоратнинг асосий вазифаларидан бири дебиторлик қарзлар даражасини кредиторлик қарзлари даражасигача ошмайдиган ҳажмгача камайтириш ҳисобланади.

Дебиторлик қарзлари устидан доимий назорат қарзлар кечикиш ва жарима солишгача йўл қўймай, ўз вақтида сўндирилишини таъминлаши керак.

Дебиторлик қарзлари корхонада нақд пулнинг камайиб кетишига олиб келади, бу ўз навбатида ишлаб чиқариш узлуксизлиги бузилишига сабаб бўлади. Шунинг учун дебиторлик қарзлари устидан узлуксиз назоратни ўрнатиш муҳим аҳамият касб этади. Ўз вақтида сўндирилмаган дебиторлик қарзлари бўйича қарздорларга нисбатан жазо чоралари ёки бирор бир жавобгарликка тортиш бошқарувда муҳим саналади.

Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари вужудга келиш сабаблари:

1. Бир тизимга бўйсунувчи корхоналар ўртасида занжирли боғланиш мавжудлиги (бунга мисол сифатида давлат хариди бўйича етиштирилган маҳсулотни давлатга етказиб бериш, ўз навбатида давлат томонидан хўжалик субъектига зарур моддий ресурслар етказиб берилишини келтириш мумкин);

2. Корхоналарда молиявий беқарорлик ҳолатларининг юзага келиши;

3. Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари бўйича таъсир доирасининг пастлиги (бунга мисол сифатида қарзлар бўйича жарималарнинг пастлиги уларнинг сунъий равишда ўсишини келтиришимиз мумкин);

4. Макроиктисодий беқарорлик ҳолатлари юзага келиши;

5. Аванс тўловлари амал қилиши.

Дебиторлик қарзларини бошқариш

Дебиторлик қарзларидан тушадиган маблағлар ишлаб чиқарувчи корхонанинг асосий пул маблағлари манбаларидан бири ҳисобланади. Харидорлар мажбуриятларини ўз вақтида бажармасалар корхонада пул маблағлари дефицити келиб чиқади, жорий фаолиятини молиялаштириш учун корхонанинг айланма активларга бўлган эҳтиёжи ошади, молиявий ҳолати ёмонлашади. Бу эса ўз навбатида корхона ва харидорлар ўртасидаги ҳисоб муносабатларни ўзгартириш, кредит ва қарзларни сўндиришга қаратилган мос сиёсатни ишлаб чиқиш кераклигини келтириб чиқаради.

Дебиторлик қарзлари устидан доимий назорат қарзлар кечикиш ва жарима солишгача йўл қўймай, ўз вақтида сўндирилишини таъминлаши керак.

Дебиторлик қарзлари корхонада нақд пулнинг камайиб кетишига олиб келади, бу ўз навбатида қандайдир операция бажарилмай қолишига, айрим ҳолларда ишлаб чиқариш тўхтаб қолишига олиб келиши ҳам мумкин. Шунинг учун дебиторлик қарзлари устидан узлуксиз назоратни ўрнатиш муҳим аҳамият

касб этади. Ўз вақтида сўндирилмаган дебиторлик қарзлари бўйича қарздорларга нисбатан жазо чоралари ёки бирор бир жавобгарликка тортиш бошқарувда муҳим саналади.

Дебиторлик қарзларининг миқдори айланма активлар таркибида эгаллаган улушидан келиб чиқиб ўз таъсирини кўрсатади. Корхонада кўп ҳолатларда оз бўлсада дебиторлик қарзлари бўлади. Бу одий ҳолат бўлиши мумкин, лекин ҳозирги кунга келиб корхоналар бўш пул маблағларидан янада самарали фойдаланишга интилишларини ҳисобга оладиган бўлсак, дебиторлик қарзлари бу ҳолатда фойдаланиб бўлмайдиган бўш турган маблағлар ҳисобланади.

Дебиторлик қарзларини бошқариш корхона айланма активларини бошқариш умумий сиёсати таркибига киритилиши мақсадга мувофиқ. Бундан ташқари, дебиторлик қарзларини бошқариш корхона маркетинг сиёсати билан чамбарчас боғлиқ бўлиши керак.

Дебиторлик қарзлари:

- Харидор ва буюртмачилар қарзи;
- Олинган векселлар;
- Шўъба ва филиаллар қарзи;
- Берилган аванслар;
- Бошқа дебиторлик қарзлари.

Шундан келиб чиқиб, дебиторлик қарзларини бошқаришда қуйидагиларга асосий эътибор қаратилишини таклиф этаман:

- Дебиторлик қарзлари бўйича аниқ чегара ва меъёрни белгилаш;
- Истеъмол кредитлари, тижорат кредитлари бўйича аниқ схемалар ишлаб чиқиш (тўлов жадвалларини ишлаб чиқиш);
- Харидорлар билан оптимал ҳисоб-китоб шаклини шакллантириш, олдиндан тўлов, аккредитивлардан максимал фойдаланиш (аккредитив – тўловни кафолатлаш мақсадида тижорат банкида шартнома қийматига тенг миқдорда махсус ҳисобрақам очиш);
- Дебиторлик қарзларини муддатлар бўйича таснифлаш;
- Дебиторлик қарзларини диверсификациялаш (фақатгина санокли мижозлар бўйича дебиторлик қарзлари шаклланишига йўл қўймасдан кенг миқёсда кўплаб субъектлар билан ҳамкорликка киришишни назарда тутати);
- дебиторлик қарзларининг корхона молиявий барқарорлигига таъсирини доимий мониторинг қилиш, дебиторлик ва кредиторлик қарзлари нисбатини назорат қилиш ва ҳ.к;

- дебиторлик қарзлари бўйича таъсир чораларини белгилаш, яъни етказиб берилган товарларга шартномада кўрсатилган муддатдан олдин тўловлар амалга оширилганда чегирмалар белгилаш (қўллаш) ва аксинча, муддати ўтган дебиторлик қарзлари бўйича жарималар қўллашни кучайтириш;

- дебиторлик қарзлари юзага келиши эҳтимоли паст бўлган маҳсулот ишлаб чиқаришини ошириш ва аксинча дебиторлик қарзлари юзага чиқиш эҳтимоллиги юқори бўладиган маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини камайтириш дастурларини аниқлаштириш.

Мирсобитов М.М.

Солиқ академияси магистранти

ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА СОЛИҚ СИЁСАТИНИНГ РАЎБАТЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Мамлакатимизда солиқ сиёсатини либераллаштириш, солиқ юкини пасайтириш, солиқ сиёсатининг потенциал имкониятларидан, шу жумладан жамиятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда солиқлар орқали тартибга солиш механизмидан амалда фойдаланиш масалаларига катта эътибор қаратилиб, кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Жаҳонда юз берган глобал иқтисодий инқирознинг салбий оқибатларини бартараф этишда ҳар бир давлат зиммасига аҳоли ва бизнеснинг инқироздан кейин тезроқ ривожланиш имконини берадиган солиқ сиёсатининг мақбул моделини танлаш бўйича катта масъулият юкланади.

Жаҳон инқироzi шароитида ва унинг оқибатларини бартараф этишда кўплаб мамлакатлар, шу жумладан АҚШ сармояларни рағбатлантирувчи функцияларни кучайтирди. Таъкидлаш жоизки, АҚШда илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишларни молиялаштиришнинг учдан икки қисми бизнесга тўғри келса, фундаментал тадқиқотлар биринчи навбатда федерал бюджет ҳисобидан молиялаштирилади.

Бугунги кунда саноати ривожланган етакчи мамлакатларда инновацион фаолиятни рағбатлантириш учун турли хил солиқ имтиёзлари қўлланилмоқда. Голландияда эса чегирмалар фақат илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланадиган олим ва мутахассислар иш ҳақига нисбатан қўлланилади. Франция, Канада, АҚШ ва Тайвань давлатларида солиқ имтиёзларини ҳисоблашда илмий-тадқиқотга харажатни ўсиш даражаси схемасидан фойдаланилади. Илмий-тадқиқотга харажатнинг максимал ўсиш даражаси

Францияда (50%), Канада, АҚШ ва Тайвань давлатларида эса 20%ни ташкил этади.

Ўзбекистон иқтисодиётини модернизация қилиш вазифаларини ҳал қилиш учун энг асосий йўналишлардан бири бу - инновацияларни рағбатлантиришдан иборат. Бу ерда солиқлар бўйича комплекс чоратadbирларни амалга ошириш жуда муҳим рол ўйнайди. Ўзбекистон солиқ қонунчилигини таҳлил қилинса, сўнгги ўн йилликда инновацион ривожланишни рағбатлантирадиган солиқ имтиёзлари кўлами кенгайтирилди, деган хулосага келишимизга имкон беради. Ушбу тартиб асосан иккита солиққа, яъни фойда солиғи ва ҚҚС тегишли эканини кўрамыз.

Амалдаги солиқ қонунчилигига асосан фақат бюджет маблағлари ҳисобидан бажариладиган илмий-тадқиқот ва инновация ишлар обороти ҚҚСга тортилмайди. Мазкур имтиёзни олиш учун молия органининг бюджетдан маблағлар ажратиш тўғрисидаги хулосаси асос бўлиши белгиланган. Илмий-тадқиқот ташкилотлари ва бошқа корхоналарнинг хўжалик шартномаси асосида бажарган илмий-тадқиқот ва инновация ишларига ҚҚС қўлланилади. Россия Федерациясида тажрибасида кўрадиган бўлсак, бу йўналишда бажарилган ишлар ҚҚСга тортилмайди.

Шунингдек, солиқ солинадиган фойдаси - ишлаб чиқаришни модернизациялашга, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга, янги технологик жиҳоз харид қилишга, ишлаб чиқаришни янги қурилиш шаклида кенгайтиришга, ишлаб чиқариш эҳтиёжи учун фойдаланиладиган бино ва иншоотларни реконструкция қилишга имтиёзлар мавжуд.

Шуниси диққатга сазоворки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат Дастури тўғрисида» ПФ-5308-сонли Фармонида иқтисодиётни ривожлантириш ва фаол тадбиркорликни ривожлантириш учун инновацион ғоялар ва технологияларни жорий қилиш, солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига имтиёзлар тақдим этишни белгиланиши давлат томонидан инновацион фаолиятни рағбатлантирилишини яққол намоён этди.

Ривожланган хорижий давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, мамлакатимиз солиқ сиёсатида инновацион фаолиятни янада рағбатлантириш мақсадида қуйидаги солиқ механизмларини амалиётга жорий этиш тавсия этилади:

- инновацион фаолиятни амалга ошираётган тармоқ ёки соҳа корхона ва ташкилотларига рағбатлантирувчи солиқ механизмларини ишлаб чиқиш;

- саноат соҳасида ишлаб чиқариш корхоналарига инновацион фаолиятдан олинган даромадлари (обороти)га ҚҚС бўйича “0” ставка қўллаш;

- инновацион фаолият учун сотиб олинган асбоб-ускуна, технологик жиҳозларни бўйича ҚҚС суммасини бюджет билан ҳисоб-китоб олиб бориш (чегириш);

- илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларида фойдаланиладиган бино-иншоотларни мол-мулк солиғидан озод қилиш.

Юқорида қайд этилган масалалардан хулоса қилиб шуни айтиш жоизки, инновацион фаолиятни солиқ сиёсатини рағбатлантириш йўналишлари орқали мамлакатимизда қулай инвестицион иқлим ва ишбилармонлик муҳитини янада яхшилашга ҳамда солиқ механизмини такомиллаштирувчи янги омил ва имкониятлар яратишга олиб келади.

Абдуллаев С. -БМА тингловчиси

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИДА КАМЕРАЛ НАЗОРАТНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Бугунги кунда тадбиркорлик субъектлари учун қулай шарт-шароитлар яратишга, уларнинг ҳуқуқий манфаатларини таъминлаш бўйича кенг қўламли изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, тадбиркорлик субъектларининг текширувларини қисқартириш билан бир қаторда, назорат қилиш тизимини такомиллаштириш чоралари кўрилмоқда. Камерал назорат тизими ҳам шулар жумласидандир.

“Камерал” сўзи лотинча бўлиб, уйда маъносини англатади. Демак, камерал назорат ўрганилаётган объектда эмас, балки солиқ органи идорасида, ахборот технологиялари ёрдамида ўтказилади.

Камерал назоратнинг солиқ текширувидан фарқи шундаки, камерал назорат солиқ тўловчининг ҳузурига бормасдан амалга оширилади. Яъни, солиқ тўловчи томонидан белгиланган тартибда тақдим этилган молиявий ва солиқ ҳисоботини, шунингдек, солиқ тўловчининг фаолияти тўғрисида давлат солиқ хизмати органидаги мавжуд бошқа ҳужжатларни ўрганиш ҳамда таҳлил этиш асосида амалга ошириладиган назоратдир.

Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 15 майдаги “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4725-сонли ҳамда 2016 йил 5 октябрда қабул

қилинган “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4848-сонли Фармонлари соҳадаги ишларни янги босқичга олиб чиқди.

Мазкур ҳужжатларга мувофиқ тадбиркорлар фаолиятига аралашувлар янада чекланди. Хўжалик юритувчи субъектларда режали текширишлар қисқартирилиши билан бирга, уларнинг даврийлиги аниқлаштирилди. Солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш жиноятини биринчи марта содир этган, жиноят аниқлангандан кейин 30 кун ичида давлатга етказилган зарарни тўлиқ қоплаган, пеня ва бошқа турдаги молиявий санкцияларни тўлаган шахсга нисбатан жиноий иш кўзғатилмайди ва у жавобгарликдан озод қилинади. Бундай имкониятлар хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга сўнгги йилларда мамлакатимизда камерал назоратни амалга ошириш борасида бир қанча ижобий ўзгаришлар амалга оширилди жумладан:

✓ Солиқ кодексининг 70 ва 91-моддаларига киритилган кўшимчаларга мувофиқ, солиқ мониторинги амалга ошириладиган солиқ даври учун камерал назорат ва молия-хўжалик фаолияти бўйича режали текширувлар ўтказилмаслиги белгиланди.

✓ Солиқ тўловчи томонидан аниқланган тафовутларнинг асослари ёхуд аниқлаштирилган солиқ ҳисоботи тақдим этилмаган тақдирда, камерал назорат натижаси бўйича аниқланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни суд тартибида ундиришни жорий этиш мақсадида Солиқ кодексининг 70-моддасига тегишли кўшимчалар киритилди.


✓ Солиқ кодексининг 67-моддасига кўшимча киритилди ва кодекс янги “Хўжалик юритувчи субъектлар ходимларининг ҳисоботдаги ва ҳақиқий сонининг мувофиқлиги юзасидан мониторинг” 71¹-модда билан тўлдирилиб, унга кўра хўжалик юритувчи субъектлар ходимларининг ҳисоботдаги ва ҳақиқий сонининг мувофиқлиги юзасидан мониторингни амалга ошириш учун давлат солиқ хизмати органлари томонидан ўтказилган камерал назорат натижаларига кўра, давлат солиқ хизмати органларига солиқ тўловчилар томонидан тақдим этилган ҳисоботларда иш ҳақи фонди, шунингдек ходимлар сони камайтирилганлигини тахмин қилиш имконини берадиган тафовутлар ёки номутаносибликлар мавжудлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ тўловчининг ҳузурига бормасдан уларнинг солиқ соҳасидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиниши

ҳамда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўғри ҳисоблаб чиқарилиши бўйича амалга ошириладиган солиқ назоратининг самарали шаклларида бири камерал назорат ҳисобланади. Айнан, камерал назоратни амалга ошириш орқали тадбиркорлик субъектларининг ҳузурига бормасдан солиқ соҳасидаги ҳуқуқбузарлик ҳамда солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқаришда йўл қўйилаётган хато-камчиликларни аниқлаш ва уни бартараф этиш мумкин. Бу эса тадбиркорлик субъектлари томонидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўғри ҳисоблаб чиқариш ҳамда ўз вақтида бюджетга тўлаш имконини беради.

Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини камерал назоратдан ўтказишда ташқи манба маълумотлар базасини шакллантириш ва кенгайтириш муҳим ҳисобланади. Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини камерал назоратдан ўтказишда ташқи манба маълумотлари тўлиқ шакллантирилса, камерал назоратнинг самарадорлиги ҳам юқори бўлади. Бу орқали эса тадбиркорлик субъектларининг солиқ соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олди олинади.

Солиқ органларига қўшимча манбалардан ундирилган суммалар таркибида камерал назорат натижасида ундирилган суммалар улушини куйидаги расм маълумотлари асосида кўришимиз мумкин.



1-расм. Солиқ органларига қўшимча манбалардан ундирилган умумий суммалар таркибида камерал назорат натижасида ундирилган суммалар улуши динамикаси⁸⁰ (фоизда).

⁸⁰ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Юқоридаги расм маълумотларига эътибор қаратадиган бўлсак сўнгги беш йил давомида солиқ органларига қўшимча манбалардан ундирилган умумий суммалар таркибида камерал назорат натижасида ундирилган суммалар улуши ўртача 45-50 фоизни ташкил этмоқда. Лекин, сўнгги икки йил давомида камайиш тенденциясига эга бу ҳолатни солиқ тўловчилар томонидан содир этилаётган ҳуқуқбузарликларнинг камайиш кўрсаткичи билан изоҳлаш мумкин.

Камерал назорат натижасида аниқланган ҳуқуқбузарликларни янада камайтириш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Солиқ тўловчилар томонидан ҳисоботларни тўлдириш жараёнида хатоликларга йўл қўйилиши натижасида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммасининг нотўғри ҳисобланиши солиқ тушумининг муддати кечикишига, тўлов муддатининг кечиктирилиши эса устама ҳисобланишига, натижада хўжалик субъектининг молиявий аҳволини ёмонлашишига олиб келади. Шунинг учун корхоналарининг мансабдор шахслари, солиқ декларацияларини тақдим этадиган жисмоний шахслар ҳисоботларни ўз вақтида, тўғри ва электрон кўринишда солиқ идораларига тақдим этишларига эътиборни қаратишлари лозим.

Давлат солиқ хизмати органларига белгиланган муддатда солиқ тўловчиларнинг мажбуриятлари юзага келганлиги тўғрисидаги ахборотларни тақдим этмаган органлар ва ташкилотларга жавобгарлик чорасини кучайтирилиши мақсадга мувофиқ.

Тадбиркорлик субъектларида ўтказиладиган камерал назорати самарадорлигини оширишда ташқи манба маълумотларини тўлиқ ва сифатли шакллантиришга эришиш ўзининг ижобий натижасини беради. Бунинг натижасида давлат солиқ хизмати органларида тадбиркорлик субъектларининг ташқи манба маълумотлари ҳажми кенгаяди, бу эса тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини тўлиқроқ камерал назоратдан ўтказиш ва камерал назорат самарадорлигини ошириш имконини беради.

Қурбонов И.Б. –БМА тингловчиси

ЎЗБЕКИСТОНДА ПЕНСИЯ ЖАМҒАРМАСИНИ ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИ АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Мамлакатимизда олиб борилаётган бюджет-солиқ сиёсатидаги асосий йўналишлар, энг аввало, аҳоли фаровонлигини таъминлаш, уни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш, маҳаллий бюджетларни ривожлантириш ва даромад базасини кенгайтириш орқали ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий

тараққиётини жадаллаштиришга қаратилган. Давлат томонидан амалга оширилаётган харажатларнинг мақсадли сарфланиши, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва ижтимоий таъминлаш, соғлиқни сақлаш ва таълимни ривожлантириш, фуқаролик жамияти сари дадил одимлаб бораётган Республикамиз учун ниҳоятда муҳим масалалардир.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя турлари кенгайиб, унинг қўлланиш асосларини тубдан ўзгартириб борилаётган бир пайтда, хизмат кўрсатилаётган аҳоли сони ва сарфланаётган маблағ миқдори жиҳатидан пенсия таъминоти аҳолини ижтимоий ҳимоялашда асосий ўринни эгаллайди.

Пенсия тизимини ислоҳ қилиш мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунда мамлакатимизда ўтказилаётган ислоҳотлар барча жабҳаларни, жумладан, пенсия таъминотини ҳам қамраб олади. Чунки барча ислоҳотларнинг асл мақсади, инсонга муносиб турмуш шароитларини яхшилашдан иборатдир. Мазкур вазифаларнинг ижобий ҳал этилиши жамғариб бориладиган пенсия тизимини ривожланишига ҳам боғлиқдир. Нисбатан замонавий ва самарали пенсия тизимларидан бири жамғариб бориладиган пенсия тизимидир. Аммо шуни таъкидлаб ўтиш зарурки, Ўзбекистонда жамғариб бориладиган пенсия тизимини ривожлантириш ва такомиллаштиришда қуйидаги вазифаларни ҳал этиш зарур: пенсия ёшидаги одамларнинг даромадларини самарали ва адолатли тарзда сақланишини таъминлаш, тўланадиган пенсия бадаллари ва бериладиган пенсия миқдорлари ўртасидаги боғлиқлик даражасини ошириш, узоқ муддатли маблағларидан инвестицион йўналишларида фойдаланишни ривожлантириш ва шу орқали фуқароларнинг даромадларини янада ошириш.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимини ислоҳ қилиш концепцияси лойиҳаси ишлаб чиқилган⁸¹. Ушбу концепция бугунги кунда жамоатчилик муҳокамасига қўйилган. Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимини ислоҳ қилиш концепцияси лойиҳасида жуда кўплаб ўзгаришлар кўзда тутилган. Жумладан, ягона ижтимоий тўлов, суғурта бадали ва даромад солиғи ўрнига ягона даромад солиғини жорий этиш назарда тутилмоқда.

Маълумки, биринчи классик пенсия тизими XIX аср охирларидан пайдо бўлган. Илк бор тўлақонли пенсия тизимини яратиш борасидаги етакчи давлат Германиядир. 1883-1884 йилларда Германияда касаллик ва шикаст олганлик учун молиявий кўллаб-қувватлаш тизими жорий қилинди,

⁸¹ <http://taxreform.regulation.gov.uz-интернет> сайти.

1889 йилда эса пенсия таъминоти пайдо бўлди⁸². XIX асрнинг 20-йилларидан бошлаб пенсия таъминоти барча ривожланган мамлакатларда ижтимоий таъминотнинг асосий шаклига айланди.

Дунёнинг кўпчилик мамлакатларида пенсия тўловлари асосан, фуқароларнинг иш ҳақидан бадаллар ёрдамида шакллантириладиган пенсия жамғармалари ҳисобидан амалга оширилади.

Жаҳондаги ҳар бир давлат аҳолига ижтимоий ёрдам кўрсатиш сиёсатини олиб бориши натижасида ижтимоий муаммоларни давлат ёрдамида бартараф этиб боради. Аҳолига ижтимоий ёрдам кўрсатишни ташкил этиш ҳамда уни бошқариш катта молиявий маблағ талаб этади, айнан бу маблағларни давлат марказлашган ҳолда амалга оширади. Шу боис фуқароларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялашни давлат ўз зиммасига олади, мамлакатда яратилган ялпи ички маҳсулотнинг бир қисми улар фойдасига қайта тақсимланади. Пенсиялар иқтисодий мақсадга кўра ижтимоий суғурта сифатида иш ҳақи ёки оилавий даромаддан маҳрум бўлганда уларнинг ўрнини тўлдиришга қаратилади. Пенсия тизими суғурталаш асосида шакллантирилади ва аҳолининг эҳтиёжларини қондириш ҳамда конституцион ҳуқуқларини амалга ошириш учун мўлжалланган пул маблағлари жамғармаларидан фойдаланилади.

Иқтисодий жиҳатдан тараққий этган мамлакатларда қуйидаги ижтимоий жамғармалар мавжуд:

- мажбурий тиббий суғурта жамғармалари;
- аҳоли бандлиги жамғармалари;
- ижтимоий суғурта жамғармалари;
- давлат пенсия жамғармалари;
- нодавлат пенсия жамғармалари.

Хорижий давлатларда пенсия тизимини умумлашган уч даражали тизим шаклида амалга оширилади:

- давлат назорати остида пенсия жамғармалардан амалга оширилувчи умумий ва мажбурий пенсия тизими;

- мажбурий жамғарма тизими орқали бериладиган ва минимал жамғармани “тўплаган” кишилар учун ижтимоий пенсия тизими;

- тўлиқ капиталлаштириш ва жамғариш тамойилига асосланган, маблағларни индивидуал ҳисобрақамларда юритиш орқали амалга ошириладиган пенсия тизими.

⁸² Мосейко В. В. «Генезис пенсионных систем как проявление социальной функции государства» // Центр проблемного анализа и государственно-управленческого проектирования. 2008.

Фуқаролар учун пенсия тизимини ташкил этишда жаҳонга машҳур Германия ва Чили моделлари дунёда андоза сифатида танланди. Пенсия таъминотининг икки базавий модели; тақсимланувчи ва капиталлашган моделлари мавжуд. Машҳур венгер иқтисодчиси Я.Корнаи тақсимланувчи ва капиталлашган пенсия тизимлари ўртасидаги фарқлар моҳиятини асослаб берди. Тақсимланувчи модел пенсионерларни ҳозирги вақтда амалда бўлган аҳолининг иқтисодий фаол қатлами ҳисобига таъминлайди.

Пенсия тизимининг капиталлашган модели тақсимланувчи моделдан фарқли равишда инсоннинг ўз меҳнати ва пенсия бадаллари жамғарилиши натижалари билан узвий боғлиқ. Чили капиталлашган модели схемаси куйидагича: пенсия бадалларини инвестиция қилишдан ва тўплашдан ҳосил бўлган капитал пенсия харажатларини қоплашга йўналтирилади. Пенсия бадаллари капитал тўловчининг шахсий ҳисобрақамида ҳисобга олиб борилади. Ушбу ҳисобрақамни пенсия фондлари ёки пенсия кассалари, суғурта кассалари ёки банклар юритади. Пенсия маблағларини тизимли инвестиция қилиш билан ушбу институтлар инвестиция даромадларига эга бўлади. Капитал ёки йиғилган пенсия бадаллари суммаси уларни инвестиция қилишдан олинган даромад пенсия фонди фаолияти натижасида капиталлашган пенсиянинг молиявий манбасидир.

Жаҳон тажрибасини таҳлил қилиш тажрибалари шуни кўрсатадики, пенсия таъминоти манбаларини яратишнинг ҳозиргача икки усули мавжуд. Мазкур икки тизимни куйидаги жадвал асосида солиштириш мумкин. Демак, биринчи тизимда ҳеч ким ўзи учун тўламайди, ким пенсия жамғармасига ажратма ўтказаётган бўлса, демак, у ўзидан олдин пенсияга чиққан фуқаронинг пенсия даромадлари манбаи бўлиб қолади.

1-жадвал

Фондлаштирилган ва фондлаштирилмаган пенсия тизимини таққослаш⁸³

№	Солиштириш мезонлари	Фондлаштирилмаган тизими	Фондлаштирилган тизим
1.	Мақсади	Ижтимоий адолатни таъминлаш	Иқтисодий самарага эришиш
2.	Демографик омил таъсири	Тўғридан-тўғри функционал тарзда таъсир этади.	Таъсир даражаси деярли йўқ, ҳар ким ўзи учун ўзи жамғаради.
3.	Молиялаштириш манбалари	Жорий суғурта бадали жорий пенсия тўлови учун сарфланади	Жорий суғурта бадаллари шахсий ҳисобрақамларида жорий суғурталанувчининг ўзи учун жамғарилади

⁸³ Профессор Касимова Г.А. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 6, декабрь, 2017 йил

Тўлик фондлаштириш пенсия ислоҳотининг Чили модели одатда пенсияларни молиялаштиришнинг энг яхши усули ҳақидаги мунозараларда ўзига хос андоза сифатида келтирилади. Шу даврда Чили жамғарма бозорида юз берган катта ўсиш пенсия жамғармаларининг юксак даражада рентабеллигини таъминлади. Ислоҳотларнинг муваффақиятига қулай демографик вазият ҳам имконият яратди. Чилида аҳолининг атиги 8% пенсия ёшида бўлиб, бир пенсионерга 12,8 та ишловчи тўғри келади. Янги пенсия тизими ёлланма ходимларни мажбурий таъминот қилишга асосланади. Ходимлар ўз иш ҳақининг 10,0 фоизни пенсия жамғармаларидан бирига тўлашади. Ишчилар пенсия ҳисоб рақамларига ихтиёрий равишда ҳар ойда кўшимча 10,0 фоиздан ўтказмалар тўлаши мумкин. Бу сумма ҳам даромад солиғига тортилмайди.

Ривожланаётган давлатларда нодавлат пенсия жамғармалари асосий активларни давлатга тегишли бўлган секторнинг қимматли қоғозларида ушлаб турилади. Инвестициялашга бундай ёндошувнинг ижобий томонлари билан бирга салбий жиҳатлари ҳам мавжуд. Ижобий жиҳати шундан иборатки, пенсия активларининг катта қисми ишончли воситалар кўринишида сақланади, улар фонд бозоридаги баҳо ўзгаришларига унчалик кучли боғланмайди. Салбий томони эса давлат қимматли қоғозларининг кам даромад келтириши ва нодавлат пенсия жамғармалари ликвидлигининг пастлигидир.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, агар пенсия маблағларининг бутлиги ва уларни инвестициялаш самарадорлиги муаммоси ҳал этилмаса, ҳозирги пайтда пенсия тизимини ривожлантириш ва молиялаштириш борасида дунё амалиётида катта эътибор қаратилаётган жамғариш тизими тақсимлаш тизимидан деярли фарқ қилмайди. Бунда нафақат пулларни сақлаш, балки инфляция даражаси, иш ҳақининг ўсиш суръатига нисбатан унинг суръатини ошириш чораларини кўриш зарурдир.

Пенсияни молиялаштиришнинг жамғарилган механизмдан фойдаланиш субъекти бўлиб, пенсия таъминоти ва суғуртанинг нодавлат институтлари ҳисобланади. Шу сабабдан, жамғарма механизмлари дастурини умумдавлат пенсия суғурта тизимига жорий этишда пенсия жамғармалари маблағларини бошқариш бўйича тажрибага эга мамлакатлар амалиётини чуқур таҳлилий ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

ЎЗБЕКИСТОНДА ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА СОЛИҚ МАЪМУРЧИЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Мамлакатимизнинг иқтисодий-ижтимоий соҳаларда юқори натижаларга эришиши, жаҳон иқтисодий тизимида тўлақонли шаклланиб бориши учун жамият фаолиятининг барча жабҳаларида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, ахборотлашган жамиятни барпо қилиш, глобал Интернетга интеграцияни жадаллаштириш катта аҳамият касб этади.

Авваламбор, Электрон тижорат тушунчасининг мазмун-моҳиятига эътибор қаратадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикасининг “Электрон тижорат тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ “Ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда тузиладиган шартномага мувофиқ амалга ошириладиган товарлар (ишлар, хизматлар) олди-сотдиси электрон тижоратдир”⁸⁴. Ушбу таъриф орқали электрон тижоратнинг нима эканлиги ҳақида етарлича тушунчага эга бўламиз, шунингдек, ушбу таърифда “ахборот тизимларидан фойдаланилган ҳолда” деб алоҳида тўхталиб ўтилиши муҳим аҳамият касб этади.

Электрон тижоратнинг анъанавий савдо туридан қуйидаги характерли хусусиятлари билан фарқланади:

- харидор ўзига қулай вақт, жой ва тезликда маҳсулотни танлаш ва сотиб олиш имкониятига эга;
- савдо-сотик фаолиятини иш фаолияти билан бирга параллел равишда, яъни ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда олиб бориш имконияти мавжуд;
- кўп сонли харидорларнинг бир вақтнинг ўзида бир нечта фирмаларга мурожаат қила олиши. Бу кўп сонли харидорларнинг алоқа воситалари ёрдамида сотувчилар билан мулоқотда бўлиш имконияти;
- керакли маҳсулотларни тезликда излаб топиш ва шу маҳсулотлари бор фирмаларга мурожаат қилишда техника ва транспорт воситаларидан самарали фойдаланиш, маҳсулотларни бир жойга йиғиш ва уларни сотиб олишда аниқ манзилларга мурожаат қилиш. Ортиқча вақт ва харажатларни камайтиради;
- харидорнинг яшаш жойи, соғлиги ва моддий таъминланиш даражасидан қатъий назар ҳамма қатори тенг ҳуқуқли маҳсулот сотиб олиш имконияти;
- ҳозирги кунда чиққан жаҳон стандартларига жавоб берадиган маҳсулотларни танлаш ва сотиш имконияти ва.х.к.

⁸⁴ Ўзбекистон Республикасининг 2015-йил 22-майдаги “Электрон тижорат тўғрисида”ги ЎРҚ-385 сонли Қонуни(янги таҳрири) Халқ сўзи газетаси 23.05.15 й.

Президентимизнинг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони билан мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятни ривожлантириш, барча соҳаларни либераллаштириш жараёни сари янги қадам қўйилди.

Ҳаракатлар стратегиясида валюта ва солиқ назоратини соддалаштиришни ўз ичига олган электрон тижоратни ривожлантиришни рағбатлантириш, пластик карталар бўйича ўзаро ҳисоб-китоб қилиш тизимида олинмаган товар ва фойдаланилмаган хизмат учун тўловни қайтариш тартиб-таомиллари ва технологияларини жорий этиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилган ва бугунги кунда ушбу ислохотлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда электрон тижоратнинг ривожлантирилишида солиққа тортиш механизмнинг ўзига хос ўрни ва роли мавжуд.

Бу борада биринчи навбатда, солиққа тортиш муносабатларини тартибга солувчи Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига электрон тижорат тушунчасини, унинг солиққа тортиш объектлари ва базасини аниқланиш тартибини киритиб ўтиш лозим.

Шунингдек, яна бир масала, яъни электрон тижоратни қандай солиққа тортиш лозим, уни солиққа тортишнинг алоҳида тартибини ишлаб чиқиш керакми ёки уни анъанавий тижорат турларидан фарқламаган тарзда бир хил механизм асосида солиққа тортиш керакми деган масалага ҳам Солиқ кодексига ойдинлик киритиб ўтилиши, унга нисбатан солиққа тортиш механизми масалалари очиқ берилиши керак. Ушбу масалалар шундай ёритиб ўтилиши керакки, бунга асосан тадбиркорлик субъектлари ва фуқаролар ҳукуматнинг электрон тижоратга нисбатан муносабатини, кейинги йилларда амалга оширилиши ёки берилиши мумкин бўлган имкониятлар, имтиёзлар ва энгилликлар тўғрисида тўлиқ тасаввурга эга бўлишлари лозим.

Шу ўринда, электрон тижоратни республикаимизда ривожланишини рағбатлантириш долзарб масала экан, уларга нисбатан имтиёзлар бериш лозим. Ўзининг электрон тижорат фаолиятини ривожлантирмоқчи бўлган яқка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахсларга, айнан электрон тижоратни йўналишини ривожлантириш билан шуғулланувчи фирманинг ходимиغا ягона ижтимоий тўлов ва суғурта бадали тўлашдан озод қилиш, яқка тартибдаги тадбиркорларга эса айнан электрон тижоратни ривожлантириш учун яна битта қўшимча ишчи ёллаш ҳуқуқини бериш лозим. Ушбу имтиёзлар қисқа вақт

ичида юртимизда электрон тижорат соҳасининг ривожланишига катта таъсир кўрсатади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, республикамызда электрон тижорат соҳасини солиққа тортишни такомиллаштириш қуйидаги йўналишларда амалга оширилиши мақсадга мувофиқ:

1. Республикамызда амалда бўлган солиқ қонунчилиги ва мамлакатда электрон тижорат соҳасини ривожланиш даражасидан келиб чиқиб, электрон тижорат фаолиятини солиққа тортишнинг махсус тартибини ишлаб чиқиш;

2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига электрон тижорат тушунчасини, унинг солиққа тортиш объектлари ва базасини аниқланиш тартибини киритиш;

3. Электрон тижоратни ривожлантиришга бериладиган имтиёзли кредитлар, енгилликлар кўламини кенгайтириш;

4. Мавжуд юридик ва жисмоний шахсларга фаолиятларини электрон тижорат орқали ривожлантириши учун ёлланган ходимларга солиқлардан имтиёзлар бериш;

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, республикамызда ҳам электрон тижоратни солиққа тортишнинг жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда, ҳозирги шароитда маълум бир енгилликлар бериш орқали унинг ривожланишини рағбатлантириш ўзининг ижобий натижасини беради.

Очилов С.Т-БМА тингловчиси

ЎЗБЕКИСТОНДА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТГА СОЛИҚ МЕХАНИЗМЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ

Иқтисодиётни модернизациялаш, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш шароитида давлатнинг иқтисодиётга аралашуви даражаси пасайтириб борилмоқда. Иқтисодий трансформация шароитида танланган иқтисодиётнинг ислоҳ қилишнинг “ўзбек модели” марказида асосий вазифалар, яъни иқтисодий мустақиллик, ижтимоий ҳимоя, иқтисодий барқарорлик ва барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш каби-устивор масалалар қўйилган эди. Юқорида қайд этилган мазкур масалаларни эса инновацияларсиз амалга ошириш мушкул вазифа эди.

Инновация масаласига алоҳида аҳамият беришимизнинг бир неча муҳим сабаблари бор. Биринчидан, “ўзбек модели” беҳад катта ва улкан, жуда узоқ муддатли, энг устувор ва оламшумул аҳамиятга молик умуммиллий

инновацион лойиҳа ва дастуриламал ҳисобланади. Иккинчидан, инновация, инновацион фаолият ва бозор, инновацион тизим деган тушунча ва атамалар Ўзбекистон мустақил бўлгач, унинг мустақил тараққиётининг самараси ўлароқ янги йўналишлар сифатида пайдо бўлди. Учинчидан, бу икки жараён-инновация ва янгиланишлар(аниқроғи, “ўзбек модели” ва инновация) ўзаро узвий боғлиқликда намоён бўлиб, уларнинг бири иккинчисини юзага келтирди, мазмунан бойитди, таъсирчанлигини оширди¹.

Мамлакатимиз биринчи Президенти И.А.Каримов таъбири билан айтганда, “Иқтисодиётни таркибий ўзгартириш ва модернизация жараёнларини чуқурлаштириш юксак технологиялар, инновацияларни талаб қилиниши биз ўзимизга яхши тасаввур қиламиз. Жаҳон тажрибаси, юксак даражада тараққий этган мамлакатлар тажрибаси бу ҳақиқатни қайта-қайта исботламоқда”².

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-5264-сонли Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилди ҳамда Республикамиз инновацион ривожланишининг асосий йўналишлари белгилаб берилди. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан мамлакатимизда инновацион фаолиятни ривожлантириш борасида кўпгина ижобий тадбирлар амалга ошириш режалаштирилган.

Жаҳоннинг аксарият мамлакатларида аввалдан хусусий корхоналар, илмий-тадқиқот муассасаларининг турли ривожланиш даврларида инновацион фаолиятни солиқлар орқали рағбатлантириш йўналишида чора-тадбирлар ишлаб чиқилган ва самарали амал қилиниб келинган. Мазкур мамлакатларда инновацион фаолиятни рағбатлантириш мақсадида солиқ ставкаларини табақалаштириш (имтиёзли солиқ ставкалари), пасайтириш каби тартибга солиш характерига эга бўлган стандарт солиқ чораларидан ташқари, солиқ тўловларини кечиктириш, солиқ базасини камайтириш, солиқ чегирмалари бошқа механизмлардан кенг фойдаланилади.

Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида илмий-тадқиқот ишланмаларни солиқлар орқали рағбатлантиришнинг қуйидаги асосий шакллари мавжуд:

¹ Холбоев С. Миллий мустақиллик ва тараққиётнинг ўзбек модели(методология, инновация, тарихий таҳлил). Монография.-Т.: «O'zbekiston»2014.-240б

² Каримов И.А. Она юртимиз бахту икболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш-энг олий саодатдир / Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2015.304б

Илмий-тадқиқот ишланмалар бўйича жорий харажатларни рўйхатдан чиқариш. Жаҳоннинг аксарият ривожланган мамлакатлари корхоналарга илмий-тадқиқот ишланмалар бўйича жорий харажатларини ушбу харажатларни амалга оширилган ҳисобот йилида, чегириладиган харажатлар сифатида чиқариб ташланади. Айрим мамлакатларда эса ушбу фаолият билан боғлиқ кўрилган зарарнинг солиқ солинадиган фойдани тўлиқ суммасига ёки мазкур зарар суммасини келгусига даврларга тақсимлаб ўтказиш орқали амалга ошириш механизмлари қўлланилади.

Қўшимча солиқ чегирмаси. Илмий-тадқиқот ишланмалар боғлиқ фаолият турлари бўйича бизнес учун солиқ юкларини янада камайтириш ҳисобланади. Қўшимча солиқ чегирмаси корхоналарга уларнинг илмий-тадқиқот ишланмалар харажатларига нисбатан кўп миқдорда солиққа тортиш базасини камайтириш имкониятини беради. Жумладан, фирма фойда олган ҳолда ўзининг солиққа тортиладиган даромадини илмий-тадқиқот ишланмалар бўйича харажатларидан юқори бўлган қийматдан чиқариб, камайтириши мумкин. Ушбу имтиёздан фойдаланиш ҳуқуқи илмий-тадқиқот ишланмалар бўйича харажатлар ҳажмини мавжудлиги ёки олдинги даражаларга нисбатан уларнинг ўсиши билан аниқланиши мумкин. Бир қатор мамлакатларда илмий-тадқиқот ишланмалар бўйича ёки ҳар йилги ҳисоблаб чиқариш миқдорининг максимал қийматига лимитлар амал қилади.

Хусусан, Буюк Британия, Бельгия ва Данияда салмоқли кўрсаткичлар асосида, Австралия, Австрия ва Венгрияда эса – мураккаблаштирилган кўрсаткичлар асосида, яъни салмоқли ва ўсувчи кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда қўшимча солиқ чегирмалари қўлланилмоқда.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, ривожланган мамлакатлар тажрибаларини инобатга олган ҳолда давлат аҳамиятига молик инновацион вазифаларни амалга ошириш ва инновацион иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш мақсадида мавжуд солиқ инфратузилмасини янада такомиллаштириш зарур. Шу боис қуйидаги таклиф ва тавсиялар билдирилади:

1. Миллий қонунчилик нормаларига ёш инновацион корхона тушунчасини киритиш, унинг статусини ва мезон талабларини белгилаш ҳамда уларга солиқ енгилликларини жорий этиш;

2. Илмий-тадқиқот ишларига йўналтирилган маблағлар суммасига фойда ва ягона солиқ тўлови бўйича солиқ солинадиган базани камайтириш имкониятини яратиш. Давлат дастурларига мувофиқ яратилган, патент билан

ҳимояланган интеллектуал мулк объектлари натижасида олинган даромадларга солиқ солмаслик;

3. Илмий-тадқиқот ишланмаларини реализация қилиш бўйича оборот суммаларини кўшилган қиймат солиғидан бутунлай озод қилиш;

4. Ишлаб чиқаришни модернизация қилувчи ва маҳаллийлаштириш дастури доирасида маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар, эркин иқтисодий зона иштирокчиларига солиқ имтиёзлари берилиши ҳисобига солиқдан бўшаган маблағларнинг бир қисмини (масалан, 15 фоизини) мажбурий равишда илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини молиялаштиришга йўналтириш шартини жорий этиш;

5. Ишлаб чиқаришга инновацион ғояларни жалб этишни рағбатлантириш учун шу мақсадларга йўналтириладиган маблағларга нисбатан маълум муддатларга солиқ таътилини жорий этиб, ушбу маблағларни ишлаб чиқариш йўл кўйилгандан кейин давлат бюджетига тўлаш механизмини жорий этиш;

6. Инновацион ва мураккаб технологик жараёнлар (моддий сарфи кам бўлган, экологик тоза) асосида ишлаб чиқаришни йўлга қуувчи корхоналар учун ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш муддатларини инобатга олган солиқ имтиёзлари бериш мамлакатимизда мазкур фаолиятнинг ривожланишида ўзининг ижобий натижасини беради.

*Нелюбова Н. Г. – Слушатель
Налоговой академии*

ОЦЕНКА ЭФФЕКТИВНОСТИ НАЛОГОВЫХ ЛЬГОТ

В последние годы все больше возрастает роль налоговых льгот и преференций. Многие государства в условиях продолжающегося посткризисного периода в качестве одного из основных механизмов регулирования экономических отношений активно применяют льготное налогообложение. Данный инструмент позволяет стимулировать или сдерживать темпы воспроизводства отдельных видов продукции, усиливать или ослаблять накопление капитала, расширять или уменьшать платежеспособный спрос населения. Предоставление льгот и преференций направлено на привлечение инвестиций в модернизацию и диверсификацию, как базовых, так и стратегически важных отраслей экономики, создание необходимых инфраструктурных объектов. Также, с их помощью решаются такие важные

социальные задачи, как сокращение безработицы и обеспечение занятости, выравнивание уровня дифференциации доходов населения и др.

Вместе с тем, введение налоговых преференций не всегда сопровождается ясными аргументами экономического или социального характера, т.к. это напрямую не влечет расходования бюджетных средств, а, как правило, оборачивается сокращением доходов бюджета, используемых для решения поставленных перед государством задач. Наряду с этим, льготы представляют собой легитимную форму уклонения от налогов. Умелое их использование позволяет значительно снизить налоговое бремя для хозяйствующих субъектов, что в отдельных случаях может нанести ущерб экономическим интересам государства и доходам бюджета. В этой связи требуется постоянная оценка эффективности применения льгот.

В настоящее время в Узбекистане, предоставленные Правительством льготы ориентированы на обеспечение ускоренного развития новых экспортоориентированных отраслей промышленности, осуществления модернизации, технического и технологического обновления производств, локализации производства. К сожалению, многие предприятия не направляют средства, полученные ими в результате применения льгот на расширение и развитие своей деятельности. Таким образом, все усилия Правительства, направленные на поддержку как малого бизнеса, так и базовых отраслей промышленности не дают ожидаемых результатов.

В последние годы в Республике Узбекистан проводятся реформы, направленные на поэтапное сокращение льгот, а также на переориентацию их целевого назначения.

Рассмотрим налоговые и таможенные льготы, предоставляемые хозяйствующим субъектам в разрезе налогов.

Анализ показывает, что за последние 3 года заметна устойчивая тенденция сокращения количества предприятий, получивших налоговые льготы и преференции согласно Налоговому кодексу и отдельным решениям Правительства. При этом, в 2017 году наблюдается резкое увеличение количества предприятий, получивших льготы по единому земельному налогу и единому социальному платежу. Данный фактор обусловлен тем, что в 2017 году Правительством было уделено особое внимание развитию сельского хозяйства (см. табл. 1).

Таблица 1.

**Количество предприятий, получивших налоговые льготы и преференции
согласно Налоговому кодексу и отдельным решениям
Правительства в разрезе налогов в 2015-2017 гг.⁸⁵.**

№	Наименование предприятий	Льготы по Налоговому кодексу			Льготы по отдельным решениям Правительства		
		2015	2016	2017	2015	2016	2017
1	Налог на добавленную стоимость	2 173	1 907	1 428	762	683	574
2	Отчисления в государственные целевые фонды	1 018	895	790	1 695	1 427	1 347
3	Налог на прибыль	852	835	626	1 250	1 073	1 014
4	Единый социальный платеж	7 455	8 322	7 882	808	723	4 614
5	Обязательные страховые взносы в Пенсионный фонд	6 297	7 589	7 186	0	0	0
6	Налог на имущество юридических лиц	1 051	979	817	537	526	409
7	Плата за пользование водными ресурсами	32	27	22	120	108	84
8	Земельный налог с юридических лиц	321	318	253	158	143	115
9	Единый земельный налог	1 913	2 037	1 613	349	410	3 139
10	Единый налоговый платеж	4 889	4 352	4 304	42 770	10 000	10 788
	Итого по Республике	17757	18130	16752	44668	12632	18368

Рассматривая влияние налоговых льгот и освобождений на состояние экономики и общества, необходимо в первую очередь определить их место в

⁸⁵ Источник: составлено автором на основе данных ГНК

налоговой системе и соответствие необходимым качественным характеристикам. В этой связи применение практики предоставления льгот должно сопровождаться обоснованием их необходимости.

Вместе с тем, введение налоговых льгот и освобождений должно сопровождаться обоснованием: необходимости и цели введения новой льготы; эффективности от ее предоставления и приемлемости затрат бюджета.

Основной характеристикой эффективности предоставляемых льгот и преференций является изменение экономических и социальных индикаторов в результате их использования при проведении макроэкономической политики за конкретный период времени. В качестве основных макроэкономических факторов наиболее отражающих влияние финансово-экономических последствий от предоставления льгот на развитие экономики выбраны темпы роста объема таких показателей как: инвестиции, привлеченные в основной капитал; произведенная продукция промышленности и сельского хозяйства; платные услуги; строительные работы. В целом же значения коэффициентов экономической эффективности показывают во сколько раз темпы роста выбранного экономического показателя опережают темпы роста объема налоговых льгот.

Что касается коэффициента бюджетной эффективности, то он показывает насколько негативно сказывается предоставление налоговых льгот на формирование доходов Государственного и местных бюджетов. Ведь каждая льгота, предоставленная хозяйствующим субъектам, приводит к сокращению поступлений в бюджет, что в свою очередь приводит к сокращению расходов бюджета на социальную сферу.

Таким образом, результаты расчетов эффективности могут служить для мониторинга и анализа влияния налоговых льгот и освобождений на социально-экономическое развитие республики и её регионов. Кроме того, результаты могут быть использованы для выявления диспропорций по предоставлению налоговых льгот и преференций в разрезе субъектов республики и составлении рейтинга их эффективности.

С учетом изложенного можно констатировать, что уменьшение числа налоговых льгот и освобождений, увеличение их адресности, соответствующее расширение налоговой базы и снижение общих ставок налогов будут стимулировать устойчивый экономический рост на средне- и долгосрочную перспективу.


УНИФИКАЦИЯ ИМУЩЕСТВЕННЫХ НАЛОГОВ – ТРЕБОВАНИЕ ВРЕМЕНИ

На сегодняшний день одним из приоритетных направлений государственной налоговой политики является обеспечение развития регионов посредством увеличения поступлений в местные бюджеты. Общая стратегия налоговой политики Узбекистана, основанная на расширении налоговой базы и снижении налогового бремени направлена на социально-экономическое развитие регионов.

Указом Президента Республики Узбекистан «О мерах по коренному совершенствованию налогового администрирования, повышению собираемости налогов и других обязательных платежей» от 18.07.2017 №УП-5116 одним из важнейших направлений реформирования системы органов государственной налоговой службы Республики Узбекистан является реализация эффективных мер по обеспечению полного охвата объектов налогообложения и расширению налогооблагаемой базы посредством системного анализа динамики макроэкономических показателей и налогового потенциала регионов.

В последние годы в республике большое внимание уделяется увеличению доходной базы местных бюджетов в частности путем совершенствования системы имущественного налогообложения как одного из основных доходных источников. Так, на долю налога на имущества приходится от 10 до 15% общих поступлений в местные бюджеты, на долю земельного налога – от 3 до 7%.

Анализ темпов роста поступлений по имущественным платежам за 2010-2016 годы показывает, что в 2014-2015 годах наблюдалось резкое снижение поступлений как по земельному налогу, так и по налогу на имущество, что свидетельствует о неполном охвате всех категорий плательщиков, не совершенстве налогового администрирования. Благодаря принимаемым со стороны Правительства мерам в 2016 году поступления по данным налогам возросли на 10-15% (см. рис. 1).



Источник: Составлено автором на основе данных ГНК

Рис. 1. Динамика темпов роста поступлений налога на имущество и земельного налога в Государственный бюджет Республики Узбекистан

Необходимо подчеркнуть, что в 2018 году приняты меры, направленные на дальнейшее совершенствование системы имущественного налогообложения. Так, по налогу на имущество юридических лиц из объектов обложения налогом на имущество были исключены оборудование и основные фонды, по налогу на имущество физических лиц пересмотрен порядок определения налогооблагаемой базы исходя из кадастровой стоимости имущества, по земельному налогу кардинально сокращено количество зон.

Принятые изменения направлены на облегчение администрирования, сокращение издержек бизнеса на ведение отчетности, а также расширение налоговой базы и наиболее полный охват плательщиков.

Несмотря на значительные положительные сдвиги, дальнейшее реформирование системы имущественного налогообложения на современном этапе социально-экономического развития регионов является наиболее актуальной задачей.

В этой связи целесообразно в условиях Узбекистана внедрить прогрессивную форму имущественного налогообложения путем объединения налога на имущество и земельного налога в единый налог на недвижимость.

Налог на недвижимость применяют 130 стран мира, причем он отличается существенным разнообразием как с точки зрения правового статуса налогоплательщика, объекта налогообложения, так и в способах определения налогооблагаемой базы, принятых процедур взимания налога.

Опыт многих развитых стран свидетельствует о существенной роли которую играют налоги на недвижимое имущество в составе общего налога на капитал и имущество. Так, поступления от этого налога составляют 95% всех поступлений в местные бюджеты в Нидерландах, до 81% в Канаде и до 52% во Франции.

Мировой опыт свидетельствует о том, что система налогообложения недвижимости хорошо зарекомендовала себя с точки зрения выполнения фискальной, стимулирующей и социальной функций, как в развитых странах, так и в странах с переходной экономикой.

При этом, процесс внедрения налога на недвижимость предполагает одновременное осуществление комплекса мероприятий с учетом основных достоинств имущественного налогообложения, поскольку оно является наиболее надежным и стабильным источником доходов бюджета на региональном и местном уровне. Более того, на практике продуманный механизм налогообложения способствует повышению эффективности использования ресурсов.

Введение налога на недвижимость заменит существующие имущественные и земельные налоги, что будет способствовать унификации налогообложения имущества различных категорий.

Вместе с тем, существует ряд условий для введения налога на недвижимость. В частности одним из таких условий является создание полноценного кадастра недвижимости, так как учет и оценка объектов недвижимости являются базовыми предпосылками внедрения налога. Без полного учета недвижимости и ее оценки невозможно обеспечить эффективное администрирование данного налога.

Несмотря на существенные трудности, внедрение налога на недвижимость в условиях Узбекистана является наиболее оптимальным способом унификации налогов и укрепления доходной базы местных бюджетов на современном этапе развития.


MAHALLIY BYUDJETLARNING DAROMADLARINI OSHIRISHDA MULKIY SOLIQLAR VA YER SOLIG'INI TO'LASH MEXANIZMINI TAKOMILLASHTIRISH MUHIM OMIL

Mahalliy byudjetlarning daromadlarini oshirishda mulkiy soliqlar va er solig'ini to'lash mexanizmini takomillashtirish muhim omil hisoblanadi. Iqtisodiy islohotlarning hozirgi bosqichida hududlarni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishga alohida e'tibor qaratilib, mahalliy byudjetlarning balansini ta'minlash mumkin emas. Shunday qilib, 2017-2021 yillarda O'zbekiston Respublikasi besh yo'nalish bo'yicha harakatlar strategiyasining asosiy tamoyillaridan biri ijtimoiy xarajatlarni asrab-avaylash bilan barcha darajadagi davlat byudjetida muvozanat ta'minlanadi, byudjetlararo munosabatlarni takomillashtirish, mahalliy byudjetlarning daromad qismini mustahkamlashga qaratilgan.

Shu munosabat bilan hukumatning asosiy vazifasi davlat va soliq to'lovchilarning manfaatlarini maqbul birlashtirilgan soliq tizimini yaratishdir. Mahalliy byudjetlarning asosiy daromad manbalaridan biri bo'lgan mol-mulk solig'ini isloh qilishning ob'ektiv zaruriyati mamlakat soliq tizimini takomillashtirishning istiqbolli yo'nalishi hisoblanadi.

Mulk solig'i tizimini isloh qilishga katta e'tibor berilgan bo'lsa-da, yalpi ichki mahsulotga nisbatan va byudjet daromadlaridagi ulushi nisbatan past bo'lib qolmoqda. Shu bilan bir vaqtda, mol-mulk solig'i bo'yicha tushumlar ulushi soliqqa tortiladigan bazani kengaytirilishi va soliq to'lovchilar sonining ortishi sezilarli darajada ko'paydi. (1-rasm).

(YaIMga nisbatan% da)



1-rasm. Mol mulk va yer solig'ini YaIMgi ulushi⁸⁶ %*

⁸⁶ Muallif tomonidan DSQ ma'lumotlari asosida tuzilgan

2018 yildan mulk solig'i fuqarolarning ko'chmas mulk kadastr qiymati asosida hisoblab chiqiladi. Hisoblashda hisobga olinadigan mezonlarni hisobga olgan holda, kadastr qiymati bozor narxiga eng yaqin. Ushbu holatdagi farq 1,5-3 marta. Qimmatbaho qog'ozlar narxiga kelsak, ko'chmas mulkning bozor narxidan farq 10 marotaba.

Mol-mulk solig'i bo'yicha soliq yuki bir necha marotaba ko'paygani yo'q, jismoniy shaxslarning mol-mulkiga solinadigan soliq stavkasining dastlabki bosqichida kamaytirildi. Agar 2017 yilda mumkin bo'lgan maksimal ko'rsatkich 2,9% bo'lsa, 2018 yilda u 0,35% dan oshmaydi. 2018 yilda kadastr qiymati asosida hisoblangan soliq miqdori bo'yicha chegara ham mavjud bo'lib, u 2017 yilgi soliqdan 1,2 baravar ortiq oshmaydi.

Shunday qilib, mol-mulk solig'ini isloh qilish bo'yicha dastlabki qadam qo'yildi, ikkinchi bosqichda yuridik shaxslarning mol-mulkini soliqqa tortish mexanizmini qayta ko'rib chiqish maqsadga muvofiqdir. Uning yakuniy hisobotida, Xalqaro valyuta jamg'armasi missiyasi soliq islohoti kelajakda davlat korxonalaridan byudjet daromad, daromadlar keskin kamaytirish xavfini oldini olish uchun zarur, deb ta'kidladi. Soliq to'lovchilarni qamrab olishni kengaytirish uchun soliq islohoti kelajakda byudjet daromadlarini kamaytirish xavfini bartaraf etishi mumkin, bu esa davlat xarajatlarining ko'payishi uchun kerak bo'ladi.

Byudjetlarning mahalliy daromad bazasini yaxshilash, boshqaruvini oshirish maqsadida ko'chmas mulk bo'yicha mulk solig'i va yer solig'i birlashtirilib O'zbekiston joriy yilda yagona soliq va mulk solig'i solish progressiv shakllarini joriy qilish lozim. Mazkur soliqni joriy etilishi soliq tizimini takomillashtirish va soliq tushumlarini ortishini ta'minlashi mumkin.

*Norqulov M.Q, Hakimov U.F -
Soliq akademiyasi magistranti*

TADBIRKOLIK SUBYEKTLARIGA YANADA QULAY SHART-SHAROIT YARATISH ORQALI DAVLAT BYUDJETINI TO'LDIRISH

Hozirgi kunda yurtimizda tadbirkorlik subyektlariga qulay shart sharoitlar yaratilgan, qonuniy tartibda tadbirkorlikni amalga oshirmoqchi bo'lgan jismoniy shaxslar xech qanday muammo va cheklovlarsiz davlat ro'yxatidan o'tib tadbirkorlik faoliyatini amalga oshirmoqda. Aynan shu maqsadda O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2016-yil 28-oktabrda "Tadbirkorlik subyektlarini davlat ro'yxatidan o'tkazish va hisobga qo'yish tizimini takomillashtirish to'g'risida" gi 2646-sonli qarori tasdiqlandi. Buning ijrosini ta'minlash maqsadida esa O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2017-yil 9-fevralda "O'zbekiston Respublikasi

Prezidentning «Tadbirkorlik subyektlarini davlat ro'yxatidan o'tkazish va hisobga qo'yish tizimini takomillashtirish to'g'risida»gi 2016 yil 28 oktyabrdagi PQ-2646-son qarorini amalga oshirish chora-tadbirlari to'g'risida” gi 66-sonli qarori tasdiqlandi. Ushbu qarorga binoan Vazirlar Mahkamasi tomonidan “Tadbirkorlik sub'ektlarini davlat ro'yxatidan o'tkazish tartibi to'g'risida” gi nizom ishlab chiqildi. Endilikda tadbirkorlik faoliyatini amalga oshirmoqchi bo'lgan fuqarolarga tadbirkorlik subyektlarini ro'yxatga olish markazi – Yagona darcha orqali ro'yxatdan o'tgan taqdirda eng kam oylik ish haqining 1 baravari miqdorida, agarda fuqaroning o'zi internet tarmog'i orqali davlat ro'yxatidan o'tgan taqdirda esa eng kam oylik ish haqining 50% miqdorida davlat boji to'lash imkoniyati yaratilgan. Asosiysi, fuqaro qisqa vaqt ichida davlat ro'yxatidan o'tkazilishi va ro'yxatdan o'tganlikni tasdiqlovchi guvohnomani olishi mumkin. Bundan tashqari tadbirkorlarni qo'llab quvvatlash va yanada qulaylik yaratish maqsadida Vazirlar Mahkamasining 2015-yil 31-iyulda “Xususiy tadbirkorlar tomonidan xodimlarni yollagan holda tadbirkorlik faoliyatini amalga oshirish tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida” gi 219-sonli qarori qabul qilindi va unga binoan yakka tartibda tadbirkorlik faoliyati bilan shug'ullanuvchi shaxsga faoliyat turidan kelib chiqib 1 tadan 3 tagacha qo'shimcha ishchi yollash huquqiga ega bo'ldi. Ammo hozirgi kunda yakka tartibdagi tadbirkorlar doimiy yashash joyidan boshqa viloyat, shahar va tumanlarga faoliyat yuritayotganda yordamchi xodim olish yoki yordamchi xodim bilan mehnat shartnomasini bekor qilishi uchun yakka tartibdagi tadbirkorlar doimiy yashash joyidagi DSI murojaat qilishi kerak bo'ladi. Hozirgi kundagi qonunchiligimizdagi kamchiliklar fuqarolar va tadbirkorlik subyektlari tomonidan huquqbuzarlik sodir etishga zamin yaratib bermoqda bunga misol kilib aytadigan bulsak bir fuqaro 2018-yil 4- yanvar kuni Xiva shahridan yakka tartibdagi tadbirkor sifatida ro'yxatdan o'tib, Toshkent shahrida oziq va noziq ovqat maxsulotlarini chakana sotish bilan shug'ullanishni boshladi. U, Vazirlar Mahkamasining 31.07.2015-yildagi 219-sonli “Xususiy tadbirkorlar tomonidan xodimlarni yollagan holda tadbirkorlik faoliyatini amalga oshirish tartibi to'g'risida”gi nizomga asosan yakka tartibdagi tadbirkorga o'z majburiyatlari bo'yicha soliqlar va boshqa majburiy to'lovlarni to'lash bilan bir qatorda har bir xodim uchun quyidagilarni:

Budjetdan tashqari pensiya jamg'armasiga sug'urta badallarini — har oyda eng kam oylik ish haqining 50 foizi miqdorida;

qat'iy belgilangan soliqni — tadbirkor tomonidan amalga oshiriladigan faoliyat bo'yicha nazarda tutilgan belgilangan stavkaning 30 foizi miqdorida to'lash majburiyati yuklatilgan. Tadbirkor ikki oy faoliyat yuritgach savdo aylanmasi yaxshi bo'layotganligi (sog'ligi yomonlashganli) yoki boshqa sabablarga ko'ra Qashqadaryo

viloyatidan bo'lgan ishsiz fuqarolar bilan mehnat shartnomasi tuzib, yordamchi xodim qilib olmoqchi bo'ldi. Qonunchiligimizdagi kamchilik yoki noqulaylik shundaki, bu tadbirkor yordamchi xodim olish yoki yordamchi xodim bilan mehnat shartnomasini bekor qilishi uchun yakka tartibdagi tadbirkor doimiy yashash joyidagi DSI murojaat qilishi kerak bo'ladi.

Endi bunday tadbirkorlar hozirgi holatda ikki xil yo'l tutishi mumkin:

Yakka tartibdagi tadbirkor minimum ikki kun savdo qilmay, ikki kun vaqtini yo'qotib va yo'lkira xarajat qilib o'zining doimiy yashash joyidagi DSIga murojaat qilib yordamchi xodim olishi yoki yordamchi xodim bilan mehnat shartnomasini bekor qilishi mumkin.

Yakka tartibdagi tadbirkor noqonuniy ravishda xodimlarini ishlatishda davom etib, davlat butudjetiga zarar yetkazishda davom etishi mumkin.

Yuqoridagi muammoli holatni birgina Buxoro viloyati misolida taxlil qiladigan bo'lsak hozirgi kunda davlat ro'yxatidan o'tib faoliyat yuritayotgan yakka tartibdagi tadbirkorlar soni jami 17 890 tani tashkil qiladi. Quyida keltirilgan jadvalda o'zining doimiy yashash joyidan boshqa viloyat, shahar va tumanlarda faoliyat yuritayotgan tadbirkorlar tomonidan yuqorida aytib o'tilgan muammo tufayli noqonuniy ishchi ishlatib byudjetga yetkazilayotgan zararni ko'rishimiz mumkin.

Faoliyat turi	YaTT soni		Yordamchi xodim olish imkoniyatiga ega tadbirkorlar soni~	Byudjetga tushum (ming so'mda)		
	Umumiy soni~	Shundan boshqa viloyat, shahar va tumanlarda faoliyat yuritadi~		Qat'iy belgilangan soliq tushumi	Byudjetdan tashqari pensiya jamg'arligiga sug'urta badali tushumi	Bir yilda
Oziq-ovqat va nooziq ovqat tovarlarini sotish	10 000	700	250	64 590,0	21 530,0	322 950,0
Qishloq xo'jaligi mahsulotlarini sotish	5 890	650	220	28 419,6	18 946,4	255 776,4
Maishiy xizmatlar	1000	700	350	27 127,8	30 142,0	388 831,8
Boshqa faoliyat turlari bo'icha	1000	550	250	19 377,0	21 530,0	277 737,0
JAMI	17 890	2 600	1 070	139 514,4	92 148,4	1 245 295,2

Yuqoridagi jadvalda minimum miqdordagi ko'rsatgichlarda asosida xulosa qilib aytadigan bo'lsak bir yilda Buxoro viloyatini o'zida 1,2 mlrdso'm pul

mablag'lari davlat byudjetiga tushmagan, endi xuddi shu ko'rsatgichni 12 ta viloyatga ko'paytiradigan bo'lsak 15 mlrd so'mni tashkil etadi.

Davlat byudjetga yuqoridagi kamomadni ta'milash uchun yakka tartibdagi tadbirkorlar tomonidan yordamchi xodim olish yoki yordamchi xodim bilan mehnat shartnomasini bekor qilish uchun yakka tartibdagi tadbirkor faoliyat yuritish joyidagi yagona DSIga, yagona darcha markaziga murojaat qilgan holda yoki inter aktiv usulda ya'ni o'zi internet orqali yordamchi xodimni ro'yxatdan o'tkazishi yoki yordamchi xodim bilan mehnat shartnomasini bekor qilish imkoniyatini yaratish kerak. Shunday imkoniyat yaratilganda davlat byudjetiga tushadigan tushumlar miqdori ham oshadi va bu orqali davlat byudjeti taqchilligi ham qisman bo'lsada qoplanadi shuningdek qonunchiligimizdagi kamchilik ham tartibga solinadi.

Очилов А.- БМА тингловчиси

МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТ ДАРОМАДЛАРИНИ КЎПАЙТИРИШ МАҚСАДИДА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИНГ МОЛ-МУЛК ВА ЕР СОЛИҚЛАРИ МЕХАНИЗМИ ВА МАЪМУРЧИЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Ўзбекистон Республикаси солиқ тизими ва солиқ маъмуриятчилиги борасидаги энг асосий муаммолардан бири, бу – маҳаллий солиқлар тизими самарадорлигининг паст даражада эканлигидир. Шу сабабдан, маҳаллий бюджетларнинг солиқли даромадларини кўпайтириш ҳам солиқ тизими ва маъмурчилигини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларидан бири бўлиб ҳисобланмоқда. Бугунги кунда маҳаллий бюджетлар даромадларида мол-мулк ва ер солиқлари муҳим роль ўйнасада, мазкур солиқларнинг умумий фискал аҳамияти, яъни солиқ тушумларидаги улуши жуда сезиларсиз. Боз устига, айниқса жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солиқлари маъмурчилигини ҳозирги кунда унчалик самарали деб бўлмайди. Агар ушбу солиқларни ҳисоблаш, солиқ тўловчиларни ҳисобга олиш ва хабардор қилиш, ҳисобланган солиқларни ундириш билан боғлиқ умумий сафарбарликни баҳолайдиган бўлсак, вақт, меҳнат ресурси ва бошқа физик ресурслар сарфи нуқтаи назаридан бу солиқлар бошқа солиқларга нисбатан анча қимматга тушмоқда дейиш мумкин. Бироқ, бир пайтнинг ўзида маҳаллий бюджетлар молиявий имкониятлари фақат ошириб бориш замон талаби бўлиб қолмоқда.

**Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг ЯИМга
нисбатан ресурс солиқлар улуши (%да)**

Кўрсаткичлар	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017
Ресурс ва мулк солиқлари	3,64	3,36	3,33	3,42	3,27	3,40	3,49	3,62
Мулк солиғи	0,77	0,69	0,73	0,76	0,85	0,86	0,89	0,91
Ер солиғи	0,55	0,52	0,56	0,50	0,49	0,53	0,62	0,64
Ер қабридан фойдаланганлик учун солиқ	2,22	2,06	1,97	2,08	1,84	1,92	1,98	1,98
Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	0,09	0,09	0,08	0,08	0,09	0,09	0,12	0,15

Ўтказилаётган илмий изланишда ҳозирда маҳаллий бюджет даромадларини шакллантиришда ўз ечимини кутаётган муаммолардан бири маҳаллий солиқ объектларининг ҳисобга олинишида сусткашликка йўл қўйилаётганлиги, кадастр идоралари маълумотлари (Тошкент шаҳридан бошқа) Республика бўйича тўлиқ шаклланмаганлиги ва бошқа бир қатор хато камчиликлар юзасига келганлиги сабабли маҳаллий солиқларга тушумлар тушмасдан қолишига олиб келмоқда.

Бунинг натижасида, мол-мулк ва ер солиқлари ҳисоблаш, ундиришда иш самарадорлиги пастлиги, ҳосил бўлган солиқларни мажбурий тартибда ундириш учун қатор муаммолар мавжудлиги, давлат солиқ хизмати органларида ушбу солиқларни ҳисоб-китобини юритиш учун алоҳида шахсий карточкалар очилиб, алоҳида солиқ ҳисоблаб келинмоқда, амалиётда бир солиқ туридан ортиқча тўлов ва бошқа бир туридан солиқ қарзига йўл қўйилмоқда.

Бундан ташқари, солиқ тўловчилар учун ушбу солиқларни тўлашда бир қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Бу борада ўтказилган малакавий амалиёт даврида Чет мамлакатларда жисмоний шахслар эгалигидаги мол-мулкларни солиққа тортиш тажрибалари таҳлил қилинганда, Россия Федерацияси, Англияда ва АҚШда жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солиқлари ўрнига ягона кўчмас мулк солиғи жорий этилиб, бунда бино иншоотлар ва улар эгаллаган ер майдонларининг кадастр қиймати солиқ базаси ҳисобланади.

Ҳозирги кунда жисмоний шахслар эгалигидаги мол-мулк ва ер солиқларини ҳисобга олишда, белгиланган тартибда солиқлар ҳисобланишида, имтиёзлар қўллашда ва бошқар бир қатор солиқ элементларини ҳисобга олишда такрорланишлар ва ер солиғи ҳисобланишининг мураккаблиги мавжудлиги солиқ тўловчилар учун қийинчиликлар ҳамда муаммолар юзага келтирмоқда.

Хусусан,

1. Бир объект учун иккита шахсий карточка юритилади;
2. Бир объект учун иккита ҳисоб рақамига тўловлар амалга оширилади;
3. Объект шахсий карточкасининг бирида ортиқча ва бирида қарздорлик ҳосил бўлиши юритиш керак;
4. Солиқ тўловчилар битта объект учун иккита ҳисоб рақамига тўловларни тўлашлари лозимлигидир.

Таклиф қилинадиган тартиб

Ривожланган давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, кўчмас мулк солиғини жорий этиш

Натижаси

Солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш механизми соддалашади

Солиқларни ҳисоблашда адолатлилик принципи ва шаффофлик таъминланади

Солиқни ҳисобини юритиш, тўлаш жараёни соддалашади ва унинг харажатлилиги камаяди

Дастурий маҳсулотда ишлаш тезлиги ошади.

Жисмоний шахсларга тегишли бўлган 5,6 млн та шахсий карточка камаяди.

Жисмоний шахсларга тегишли бўлган 800 млн.га яқин қарздорлик ортиқча тўловлар ҳисобидан камаяди.

Солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш механизми соддалашади

1-расм. Кўчмас мулк солиғини жорий этиш афзаллиги

Юқоридагиларни инобатга олиниб, жисмоний шахсларнинг Ривожланган давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб ҳолда, кўчмас мулк солиғини жорий этиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Бунинг натижасида:

1. Кўчмас мулк солиғининг жорий этилиши билан солиқларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш механизми соддалашади;

2. Солиқларни ҳисоблашда Солиқ кодексининг 8-моддасига асосан адолатлилик принципи таъминланиб, солиқ солишнинг шаффофлиги акс этади;

3. Солиқларни ҳисобини юритиш, уларни тўлаш билан боғлиқ жараёнлар соддалашиши билан солиқнинг харажатлилиги камайтиради;

4. Шахсий карточкаларда сунъий ортиқча тўлов ва солиқ қарзи ҳосил бўлишининг олди тўлиқ олинади ҳамда 800,0 млн.сўмга яқин қарздорлик ортиқча тўловлар ҳисобидан камаяди;

5. Давлат солиқ қўмитаси маълумотлар базасидаги дастурий маҳсулотларнинг ишлаш тезлиги ошади;

6. Жисмоний шахсларга тегишли бўлган 5,6 млн та шахсий карточка камаяди;

7. Тўлов хабарномаси ихчам ва тушунарли шаклда бўлиб, почта хизмати орқали жўнатилади.

*А.Мирзарахимов, Ш.Баҳромов –
Солиқ академияси магистрантлари*

СОЛИҚ ҚОНУНЛАРИНИ БУЗГАНЛИГИ УЧУН МАНСАБДОР ШАХСЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИНИ БЕЛГИЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Мамлакатимизни модернизация ва ислоҳ этиш шароитида, айниқса, суд-ҳуқуқ ислоҳотларини амалга ошириш жараёнида хўжалик юритувчи субъектларнинг юридик жавобгарлиги тушунчаси ва унинг моҳиятини очиб бериш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бугунги кунда мазкур масалани тизимли таҳлил этиш, хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан жавобгарликни қўллашда қонун устуворлигини таъминлаш, тадбиркорлик фаолияти эркинлигини кафолатлаш ҳамда уларнинг манфаатлари нуктаи назаридан жавобгарлик тизими, асослари ва унинг ўзига хос хусусиятларини очиб бериш долзарб вазифалардан биридир.

Хўжалик соҳасида либераллаштириш тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш ва уларга нисбатан

қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чораларини эркинлаштириш, бошқача қилиб айтганда, оддийлаштиришни тақозо этмоқда⁸⁷.

Тадбиркорлик субъектлари томонидан содир этилиши мумкин бўлган солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликка тортиш ва ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш масалалари ҳам либераллаштирилган ҳолда тадбиркорлик манфаатлари ҳимоясига устунлик бериш йўналишида ислоҳ этилди.

Шу сабабли солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликка тортиш билан боғлиқ масалага тааллуқли бўлган қоидалар Солиқ кодексида ўз ифодасини топган. Унда солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликка тортишнинг умумий шартлари, жавобгарликдан озод қилиш, шахснинг солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этганликда айбини ва уни жавобгарликка тортишни истисно қиладиган ҳолатлар, жавобгарликни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар, молиявий санкциялар ва уларни қўллаш тартиби ва шу каби бошқа масалалар ўз ифодасини топган.

Маълумки, Солиқ кодексининг 5-моддаси солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг принципларига бағишланган бўлиб, унга кўра, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари солиқ солишнинг мажбурийлиги, аниқлиги, адолатлилиги, солиқ тизимининг ягоналиги, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ошкоралиги ва солиқ тўловчининг ҳақлиги презумпцияси принциплари асосланган.

Бундан ташқари, солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни қўллаш билан боғлиқ бўлган махсус принциплар ҳам мавжуд, лекин бундай принциплар юқорида биз кўриб ўтганимиз каби ажратилган ҳолда алоҳида нормаларда принцип тарикасида ўз аксини топмаган бўлиб, уларни қонун нормаларининг мазмун-моҳиятини таҳлил қилган ҳолда аниқлаш мумкин.

Солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликка тортишнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

- қонунийлик принципи;
- айбсизлик презумпцияси;
- бита ҳуқуқбузарлик учун такроран жавобгарликка тортилмаслик;
- солиқ тўловчининг солиққа оид ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликка тортилиши уни солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбуриятдан озод этмаслиги;
- солиқ тўловчининг ҳақлиги презумпцияси.

⁸⁷М.Мамасиддиқов. Тадбиркорлик фаолияти эркинлигини кафолатлашда молиявий жазоларни либераллаштиришнинг ўрни. Олий ҳўжалик суди ахборотномаси.№12-сон.2016 йил, -Б. 28.

Солиқ тўловчининг солиққа оид ҳуқуқбузарликлари учун жавобгарликка тортилиши уни солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбуриятидан озод этмайди. Ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик солиқ тўловчи томонидан ўзига юклатилган мажбуриятни бажармаганлик ҳолатида вужудга келади ва ўзининг функциясига кўра солиқ тўловчи томонидан ўз мажбуриятларини бажаришдан озод этувчи эмас, балки бажаришга мажбурловчи ҳуқуқий воситалардан бири ҳисобланади. Шу муносабат билан мажбуриятни бажармаслик натижасида тўланмаган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар жавобгарликка тортиш натижасида ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетмайди.

Хусусан, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 11-моддасига кўра, тадбиркорлик фаолияти субъектларининг давлат органлари, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар, шунингдек банклар билан ўзаро муносабатларида тадбиркорлик фаолияти субъекти ҳуқуқларининг устуворлиги принципи амал қилиб, унга мувофиқ, қонун ҳужжатларида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган барча бартараф этиб бўлмайдиган зиддиятлар ва ноаниқликлар тадбиркорлик фаолияти субъектининг фойдасига талқин этилади.

Қонунчиликда якка тартибдаги тадбиркорнинг солиққа оид ҳуқуқбузарлиги учун жавобгарликка тортишнинг ўзига хос хусусиятлари белгиланган, хусусан, якка тартибдаги тадбиркор жисмоний шахс бўлишига қарамасдан Солиқ кодекси 108-моддасининг тўртинчи қисмига мувофиқ якка тартибдаги тадбиркор томонидан содир этилган солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун молиявий санкциялар юридик шахслар учун назарда тутилган тартибда қўлланилади.

Солиқ кодексининг 113, 115, 118, 120- моддаларида кўрсатилган ҳуқуқбузарликлар ҳамда қонун ҳужжатларида кўрсатилган бошқа ҳуқуқбузарликлар буидан мустасно. Шунингдек, Солиқ кодексининг 108-моддасига мувофиқ, шахснинг айби қонунда белгиланган тартибда исботланмагунига қадар у солиққа оид ҳуқуқбузарликни содир этишда айбдор ҳисобланмайди. Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, шахсни айбини исботлашда солиқ текшируви далолатномаси мавжуд бўлишлиги муҳим аҳамиятга эга.

ТАДБИРКОРЛИҚ СУБЪЕКТЛАРИНИ СОЛИҚҚА ОИД МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИНИ ЎЗИГА ҲОС ХУСУСИЯТЛАРИ.

Ўзбекистон иқтисодиётидаги таркибий силжишлар ўзининг мақсади, асосий тамойиллари ва устувор йўналишларига эга. Шу сабабли, 2017 – 2021 йилларга мўлжалланган стратегиядан кўзланган мақсад — олиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамият ривожини янги босқичга кўтариш, ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш буйича энг муҳим устувор йўналишларни амалга ошириш белгиланган.

Маълумки мамлакатимизда демократик бозор ислохотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларидан бири тадбиркорлик фаолияти учун ҳар томонлама қулай, имкониятлар ва шарт шароитлар яратиш ва тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳисобланади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майда “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4725-сонли Фармони қабул қилинди. Ушбу фармон ижросини таъминлаш юзасидан жами 32 та қонун ва 10 та кодексга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилган бўлиб, тадбиркорлик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар сони, жумладан улар янада соддалаштирилди, шунингдек 2016 йил 5 октябрда давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4848-сонли Фармони қабул қилинди ва солиққа оид ҳуқуқ бузарликлар ҳамда ортиқча текширувлар қисқартирилди. Ушбу Фармон ҳисобига айрим қарор ва фармонларга ўзгартириш киритилди. Хусусан:

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 96-моддасига кўра солиқ текширувини ўтказишга солиқ тўловчи томонидан тўсқинлик қилинган ёки солиқ тўловчи даромадлар олиш учун фойдаланаётган ёҳуд солиқ солиш

объектини сақлаш билан боғлиқ ҳудудларни, биноларни, шу жумладан жойларни кўздан кечириш учун давлат солиқ хизмати органларини мансабдор шахсларини киритиш рад этилган, солиқ тўловчи қайд этилган манзилда бўлмаган, шунингдек солиқ тўловчи томонидан солиқ ҳисоботи ва молиявий ҳисобот тақдим этилмаган ҳолларда давлат солиқ хизмати органи солиқ тўловчининг банклардаги ҳисоб варақлари бўйича операцияларини тўхтатиб туриш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилишга ҳақли.

Ҳуқуқбузарликни объекти тадбиркорлик субъектларини фаолиятини ва уларнинг банклардаги ҳисоб варақлари бўйича операцияларини ўтказишга оид муносабатлар ҳисобланади. Ҳуқуқбузарликни объектив томони эса тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини ҳамда уларнинг банклардаги ҳисоб варақлар бўйича операцияларини қонунга хилоф тарзда тўхтатиб туришдан иборат. Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятининг тўхтатиб туриш деганда, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини маълум муддатга бутунлай тўхтатиб туриш тушунилади. Тадбиркорлик субъектларининг банклардаги ҳисоб варақлари бўйича операцияларини тўхтатиб туриш бу тадбиркорлик субъектларининг ҳисоб варағига келиб тушган пул маблағларини қабул қилиш ва киритиб қўйиш миқдорнинг ҳисоб варағидаги тегишли маблағларини ўтказиш ва бериш ҳамда ҳисоб варақ бўйича бошқа операцияларини маълум муддатга тўхтатиб қўйишдир.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб тадбиркорлик субъектларининг ҳисоб варақларида пул маблағлари, мавжудлиги тўғрисидаги ахборотлар прокуратура, тергов ва суриштирув органларига мазкур банк миқдорига нисбатан кўзғатилган жиноят иши мавжуд бўлган тақдирда етказилган зарар ундирилиб ёки унинг мол мулки хатланишини таъминлаш мақсадида терговчи ёхуд суриштирувчининг асослантилган қарорига биноан прокурор санкцияси билан тақдим этилади.

Тадбиркорлик субъектларини ҳисоб варақларида пул маблағлари мавжудлиги тўғрисидаги ахборотлар судга унинг ёзма сўрови асосида, мазкур банк миқдорига нисбатан суднинг юритувидаги ишлар бўйича тақдим этилади. Шунингдек ҳуқуқ бузарликнинг объекти ва субъекти маъмурий жиноят кодексининг 245-моддасига кўра маъмурий ишлар бўйича туман (шаҳар) судлари судьялари томонидан кўриб чиқилади.

Қонун ҳужжатларига кўра тадбиркорлик субъектларини ўз фаолиятлари юзасидан давлат статистик, молиявий, солиқ ва бошқа ҳисоботларни ҳамда давлат хизматларини кўрсатиш, лицензиялаш ва руҳсат бериш жараёнида

тегишли органга рўйхати аниқ белгиланган ҳужжатларни тақдим этиши зарур ҳисобланади.

Ҳуқуқбузарликнинг объектив томонини қуйидагилар ташкил этади:

- Тадбиркорлик субъектларини қонун ҳужжатларини назарда тутилмаган статистика, молия, солиқ ҳисоботларини ва бошқа ҳисоботни талаб қилиб олиш;

- Тадбиркорлик субъектларидан қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган ўзга ҳужжатларни, шу жумладан банк ҳисоб варағини очишда ортиқча ҳужжатларни талаб қилиб олиш;

- Тадбиркорлик субъектларидан қонун ҳужжатларидан назарда тутилган ҳисоботни тақдим этишнинг белгиланган муддатлари ва тартибига зид равишда талаб қилиб олиш ва бошқалар.

Тадбиркорлик субъектларини солиққа оид маъмурий жавобгарликларини янада камайтириш асосида қуйидагича хулоса чиқарилди:

1. Жаҳон молиявий инқирозининг глобал таъсирларидан сақланишинг иқтисодий омилларини узлуксиз ўрганиб бориш ҳамда солиққа оид маъмурий жавобгарликни камайтириш самарадорлигини оширишга қаратилган чораларнинг қўллашнинг миллий тамойиллари асосида йўлга қўйиш.

2. 2017-2021 йилларда солиққа оид маъмурий жавобгарликлардаги ўзгаришлар бўйича меъёрий ҳуқуқий механизмни такомиллаштириб бориш.

3. Солиққа оид маъмурий жавобгарликларда давлат кўмагини мунтазам ташкил этиш ҳамда унинг аралашув жараёнини минималлаштириш;

4. Солиққа оид маъмурий жавобгарликлардаги ўзгаришлар бўйича хорижий тажрибаларни ўрганиш ҳамда самарали механизмларини Ўзбекистон шароитида қўллаш.

Таслимов Ш.-БМА тингловчиси

ДАРОМАДЛАРНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШДА ИЖТИМОЙ ЧЕГИРМАЛАРНИ ҚЎЛЛАШНИНГ ЗАРУРЛИГИ

Аҳоли турмуш даражаси ўсишида ва фаравон ҳаёт кечиришида унинг даромадлари ва харажатлари муҳим ўрин эгаллайди. Аҳоли даромадлари қанчалик ошиб борар экан, унинг турмуш даражаси сифати ҳам шунчалик яхшиланиб бораверади. Шундай экан, аҳоли даромадларини давлат томонидан тартибга солиш, уни янада ошириш чораларини кўриб чиқиш ва амалга

ошириш мамлакатимизнинг ҳозирги кунда олдига қўйган энг долзарб масалаларидан биридир.

Аҳоли даромадларидан тўланадиган солиқлар давлат бюджетини тўлдириш жараёнида юзага келадиган молиявий муносабатларда намоён бўлади. Фуқаролардан олинадиган даромад солиғи давлат бюджети даромадларини шакллантириш билан бир вақтда, уларнинг фаоллигини оширишга ҳам хизмат қилади⁸⁸.

Даромад солиғи воситасида давлат ҳаттоки бир-бирига зид келувчи турли хил вазифаларни ҳал қилади. яъни, бир томондан, даромад солиғи орқали давлат бюджетининг катта қисмини шакллантирса, иккинчи томондан аҳоли даромадлари даражасини бошқариб боради ва шу орқали фуқароларнинг шахсий истеъмоли таркиби ҳамда жамғармаларини тартибга солади. Бошқа томондан кишиларнинг ўз даромадларидан имкон қадар рационал фойдаланишларини рағбатлантиради. Шунингдек, мазкур солиқ механизми ичида аҳолининг нисбатан кам таъминланган тоифаларига ижтимоий ёрдам беришни ҳам назарда тутиши мумкин⁸⁹.

Шундай қилиб, жисмоний шахслар даромадларидан солиқ аҳолининг пул даромадлари даражасига таъсир қилади, шу билан бирга давлат солиқни даромадлардан янада самаралироқ фойдаланиш учун рағбатлантирувчи омил сифатида ишга солади. Даромад солиғи воситасида аҳоли даромадларининг, айниқса юқори даромадларнинг бир қисмини аҳолининг муҳтож қатлами манфаатларига қайта тақсимлаш амалга оширилади. Шу орқали жамиятда фуқаролар даромадларидаги тенгсизлик маълум даражада текисланади.

Фуқароларнинг даромадларини солиққа тортишда адолат принципига таянилиши, даромадлар умумий ёндашувда, яъни ҳаммага бир хил тартибда солиққа тортилиши лозимлиги ҳақида маҳаллий олимларимиздан Ниязметов ҳам ўз илмий ишларида бир қатор фикрлар билдирган. Хусусан, у Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига келтирилган “солиқ солишнинг адолатлилиги” ва “солиқ тизимининг ягоналиги” принципларига тўлиқ риоя этилмаётганлиги ҳолатларига алоҳида тўхталган. Даромадларни солиққа тортишда солиқ қонунчилигида ягона ёндашувнинг мавжуд эмаслиги, аксинча бир-биридан

⁸⁸ Куликова М.А. Зарубежный опыт подоходного налогообложения физических лиц и возможности его применения в отечественной практике // Мордовский государственный университет имени Н.П.Огарёва. Саранск, Россия, 2016.

⁸⁹ Бархатова Т.А. Пути совершенствования стандартных и социальных налоговых вычетов по НДФЛ // Бухгалтерский учет, налоги и налогообложение. – СПбГУСЭ, 2012. С.167-173.

мутлако фарқ қиладиган турли режимлар асосида даромадларга солиқ солинишини олим танқидий таҳлил қилган⁹⁰.

Шуни таъкидлаш жоизки, фуқароларнинг даромадларини адолатли солиққа тортиш принципи классик иқтисодчи Адам Смитнинг машҳур тўртта принципининг биринчисидир. Унинг солиққа тортишдаги адолат (тенглик) принципига кўра ҳар бир шахс давлат паноҳида топган даромадларига ва ўз тўлов қобилиятига муносиб солиқ тўлаши керак⁹¹. Смит принципининг моҳиятига кўра солиқ тўловчилар, биринчидан, давлат томонидан яратилган ижтимоий неъматларни истеъмол қилиб қўлга киритган бойлигига муносиб солиқ тўлаши керак. Иккинчидан, солиққа тортишда фуқароларнинг тўлов қобилияти ҳам ҳисобга олиниши керак. Мазкур тамойилни Ниязметов у ишлаб чиқилган даврда ҳам, ҳозир ҳам жуда кўп муҳокама қилинадиган, давлат миқёсида ҳам, алоҳида ижтимоий гуруҳлар (қатламлар) доирасида ҳам қаттиқ баҳс-мунозараларни келтириб чиқарадиган чуқур фалсафий маъноли тамойил деб тушунтириб кетган⁹². Чунки, солиққа тортишдаги адолат нисбий тушунча бўлиб, олинаётган солиқ ёки солиққа тортиш тартиби бир томон учун адолатли кўринса, бошқа томон учун у адолатсиз бўлиб туюлиши мумкин. Солиққа тортишдаги адолат тушунчасининг яна бир мунозарали жиҳати шундаки, жамиятнинг маълум бир қатламлари бўладикки, улар ҳарчанд давлатнинг ижтимоий неъматларидан баҳраманд бўлмасин, бу неъматларнинг мажбурий ҳақи, яъни солиқни тўлашга ноқобил бўлади. Бундай ижтимоий қатламдан давлат ўз ҳақини ундириб олишдан воз кечади ва буни бошқа бир (ўзига тўқ) қатламни юқорироқ солиққа тортиш ҳисобидан қоплайди. Айнан мана шу адолатни таъминлаш истаги солиққа тортишдаги прогрессивлик тушунчасини юзага келтирган⁹³. Бу албатта давлат (умумжамият) нуқтаи назаридан адолатли ҳисобланади, бироқ юқорироқ солиққа тортилаётган қатлам ҳар қандай ҳолатда ҳам оғир солиқ босимини салбий воқелик сифатида қабул қилади.

Шу сабабдан, даромадларни солиққа тортишнинг замонавий тизимларида даромад солиғидан умумий, яъни стандарт чегирмалар бериш механизми шаклланган. Яъни, бундай чегирмалар фуқароларнинг бой ёки камбағаллиги, даромади қанча эканлигидан қатъи назар ҳаммага бирдек татбиқ этилади.

⁹⁰ Ниязметов И.М. Солиқ юкини оптималлаштириш: назария, услубият ва амалиёт. Монография. – Тошкент: «Молия», 2016. – 17 б.

⁹¹ Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. – М.: Соцэргиз, 1962. – 684 с.

⁹² Ниязметов И.М. Солиқ юкини оптималлаштириш: назария, услубият ва амалиёт. Монография. – Тошкент: «Молия», 2016. – 13 б.

⁹³ Озеров И. Основы финансовой науки. Учение об обыкновенных доходах. – М., 1908. Вып.1.

Жисмоний шахслар даромад солиғи механизмидан самарали фойдаланишда ижтимоий чегирмалар тизими жуда муҳим элемент ҳисобланади. Чунки, айнан ижтимоий чегирмалар тизимини қўллаш орқали давлат жисмоний шахсларнинг даромадлари ва мос равишда истеъмолини бошқаради. Ижтимоий чегирмалар бериш орқали аҳолининг кам таъминланган қатламини ижтимоий ҳимоя қилади. Бироқ, Ўзбекистонда мазкур кўп қиррали воситадан қарийб фойдаланилмаяпти.

Ўзбекистон Республикасида жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортиш тизимининг танқидий таҳлили шуни кўрсатдики, халқаро амалиётда кенг ва самарали қўлланиб келинаётган ижтимоий чегирмалар тизими амалда мавжуд эмас. Шу сабабли, даромадларни солиққа тортишда ижтимоий чегирмаларнинг халқаро амалиётини тадқиқ қилган ҳолда илғор хориж тажрибасини Ўзбекистонда қўллаш имкониятлари аниқлаш жуда долзарб муаммо ҳисобланади.

2-ШЎЪБА

ЎЗБЕКИСТОНДА ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ҲУДУДЛАР ВА КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ МОЛИЯВИЙ – ИҚТИСОДИЙ РАЎБАТЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

*Тухлиев Б.К. Солиқ академияси Маънавият ва
Маърифат ишлари бўйича биринчи проректор*

ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ МАНБАЛАРИ ВА УЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Маълумки, мамлакатимиз иқтисодиётининг реал тармоқларини бозор муносабатлари асосида ташкил қилиш босқич ва жараёнларида хўжалик юриштишнинг турли мулкчилик шаклларидаги ташкилий-ҳуқуқий субъектлари ривожланиб, ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) қийматида давлат мулкининг салмоғи камайиши, нодавлат сектори улуши эса ўсиш тенденциясига эга бўлмоқда. Натижада, ЯИМ қийматида даромадлар таркиби ўзгариб, капитал маблағларнинг марказлашган тақсимотидан инвестициянинг бозор шаклларига ўтиш жараёнига нодавлат корхона ва ташкилотларини, шунингдек хорижий инвестицияларни тўғридан тўғри инвестицион фаолиятларга кенгроқ жалб қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратмоқда. Бунинг самараси ўлароқ Ўзбекистон иқтисодиётида инвестицион фаолиятни тобора фаоллаштиришда давлатнинг бевосита инвестор сифатидаги роли ва ўрни камайиб, хусусий инвесторларнинг тараққий этиб боришида кузатиш мумкин. Бу эса ўз навбатида янги институционал тузилмаларнинг пайдо бўлиши, инвестицион инфратузилма субъектлари, яъни тижорат банклари, махсус молия-кредит инвестиция институтлари кабиларнинг шаклланиши билан ифодаланади.

“Бундан буён ривожланишнинг узок муддатга мўлжалланган концепциялари ишлаб чиқилади. Бу борада биринчи қадам сифатида Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурлари қабул қилиниб, мазкур дастурларни молиялаштириш фонди ташкил этилди.

Иқтисодиётни ривожлантиришда аҳоли қўлида тўпланган маблағларни инвестиция шаклида ҳаракатга келтириш, одамларда тадбиркорлик ҳиссини кучайтириш муҳим вазифаларимиздан биридир”⁹⁴.

⁹⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси “Халқ сўзи” газетаси 2017 йил 22 декабрь

Таҳлилларимизнинг гувоҳлик беришича, республикамиз иқтисодиётининг хусусий секторида инвестицион фаолиятни молиялаштириш тизими такомиллашиб, инвестициялаш шакл ва манбаларининг кўпайиши кузатилмоқдаки, бу ҳолатни ижобий тенденция сифатида баҳолаш лозим. Шунинг эътиборга олиб, бозор муносабатлари шароитида инвестицион фаолиятни амалга ошириш ва ривожлантиришнинг асосий, қулай шарт-шароитлари, бизнинг фикримизча, қуйидаги, яъни:

- инвестицион фаолиятни амалга оширишни молиявий жиҳатдан таъмин-ловчи манбаларнинг сезиларли даражада кўпайиши;
- хусусий капиталнинг давлат капитали устидан устуворлигининг ошиб бориши;
- инвестицион фаолиятда иштирок этувчи мулкчиликнинг турли шаклидаги хўжалик юритувчи субъектлар ва объектлар сонининг муттасил ўсиш суръатига эга бўлаётгани;
- бўш турган пул маблағларини жамлаш ва уларни инвестицион фаолиятга жалб қилиш орқали инвестициялар билан боғлиқ талаб ва таклифни мувофиқлаштирадиган инвестицион бозорнинг шаклланганлиги, шунингдек унинг институтларини ташкил қилиш жараёнининг ривожланаётганлиги каби йўналишларда ўз ифодасини топмоқда.

Ушбу жараёнлар тадрижий йўл билан босқичма-босқич равишда инвестиция капиталини шакллантириш тизимини мулкчилик шакли ва молиялаштириш манбаларига мос ҳолда такомиллаштириб бориш учун катта имкониятлар яратади деб ҳисоблаймиз. Шу билан бирга инвестиция капитали таркиби ва инвестициялаш субъектлари ташкилий тузилмаларининг бозор иқтисодиёти талабларига мос равишда ўзгариши инвестицион фаолиятни жадаллаштириш ва диверсификациялаш жараёнини янада такомиллаштириш борасида қулай шарт-шароитлар яратиши табиийдир. Давлатнинг инвестицион фаолиятни амалга оширишдаги иштирокининг пасайиши ўтиш даврида инвестицион фаолият турларига жалб этиладиган давлат даромадлари ҳажмининг камайиши оқибатида юз беради. Демак, иқтисодиётнинг устувор, айниқса реал тармоқларини давлат бюджети ҳисобидан инвестициялаш талабларининг пасайиб бориши молиялаштириш билан боғлиқ муаммоларни хусусий сектор орқали ҳал этиш мумкинлигини объектив ҳақиқатга айлантиради. Бироқ, ҳозирча хусусий сектордаги корхоналар, банклар ва аҳолининг молиявий ресурслари кўпайиш тенденциясига эга бўлишига

қарамасдан, уларнинг жорий мавжуд имкониятлари инвестицион фаолиятдаги барча муаммоларни ҳал этиш учун етарли эмас.

Давлат бюджети ҳисобидан инвестицион фаолиятни амалга оширишда устувор тармоқларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қисқариши давлат инвестиция сиёсатининг эътибори хусусий тузилмалар: корхоналар, банклар ва аҳоли зиммасига кўчишини шарт қилиб қўйиши табиийдир. Бироқ, ҳозирча хусусий сектордаги инвестицион фаолият субъектлари миқдори ва сони ортганига қарамай, уларнинг инвестицион фаолиятлардаги ўрни ва мавқеи давлатнинг иқтисодиётдаги роли ва ўрнини боса олмаяпти.

Мулкчилик шакллари ўзгариб бориши билан инвестицион фаолиятни молиялаштиришдаги давлат манбалари ўрнини тобора турли-туман хусусий инвестицион манбалар эгаллаб бориши, бу эса инвестицион фаолиятни кенг қўламда номарказлашувига ва пировардида, инвестицион фаолият кўлами ва самарасининг ортишига олиб келиши лозим. Бугунги кунда бу ҳолат асосан давлат мулкни хусусийлаштириш ҳисобига амалга ошмоқда ва натижада инвестиция фаолияти молиявий захира имкониятларини шакллантириш муаммоси юзага чиқди.

Ушбу муаммога оид иқтисодиёт инвестиция-молия ресурсларининг реал, даставвал ишлаб чиқариш секторида таҳлил қилиш, жамғармаларни инвестицияларга айлантириш механизмини тараққий эттириш каби муҳим жиҳатларини ажратиб кўрсатиш мумкин. Ишлаб чиқариш инвестицияларини молиялашнинг барча мавжуд имкониятларидан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиш шарт-шароитларини тадқиқ этиш бозор шароитида инвестиция фаолиятини молиялашнинг ички ва ташқи манбалари тузилмаси ва мутаносиблигининг ўзгариши билан боғлиқ.

Иқтисодий адабиётларда ички инвестиция манбалари ҳисобига миллий манбалар, шу жумладан корхоналарнинг ўз маблағлари, молия бозори ресурслари, аҳоли жамғармалари, бюджетдан ажратиладиган инвестиция маблағлари тилга олинади. Хорижий инвестициялар, кредитлар ва заёмлар ташқи манбалар деб ҳисобланади. Ушбу тасниф ички ва ташқи манбалар тизимини уларнинг шаклланиш ҳамда умуман миллий иқтисодиёт даражасида қўллаш нуктаи назаридан акс эттиради. Бироқ, у мазкур жараёнларни макроиқтисодий даражада таҳлил қилиш мақсадида қўлланиши мумкин эмас.

Зотан, нисбийлик нуктаи назаридан корхона (фирма) даражасида бюджет инвестициялари, кредит ташкилотлари, суғурта компаниялари, нодавлат нафақа ва инвестиция фондлари ва бошқа шу каби инвесторларнинг маблағ-лари ички

эмас, балки ташқи манбалар ҳисобланади. Шунингдек, корхонанинг ташқи молиявий манбалари бўлиб, аҳолининг инвестицион фаолиятга йўналтириши мумкин пул жамғармалари ҳам ҳисобланади. Бозор муносабатларига ўтиш шароитида инвестицион фаолиятни молиялаштириш тизимининг аста-секин нодавлат сектори зиммасига ўзгариши ўз навбатида хусусий, жамоа, қўшма корхоналарни ташкил қилиш ва ривожлантириш ҳамда инвестицион фаолиятни молиялаштириш манбаларининг таркибий таснифига ҳам катта таъсир кўрсатади. Масалан, хусусий ёки жамоа мулки бўлган корхоналар учун корхона эгаларининг шахсий жамғармалари ички манба вазифасини ўташи мумкин. Хорижий фирмалар билан биргаликда улушли эгалик қилинаётган корхоналар учун хорижий мулкдорнинг инвестициялари мазкур корхона учун ички манба деб қаралади. Демак, бозор муносабатлари тараққий этиб боргани сари корхоналарнинг инвестицион фаолиятини молиявий таъминлаш манбалари ҳам тобора ранг-баранг бўлиб бораверади.

Шундай қилиб, макроиқтисодий ва микроиқтисодий даражада инвестицион фаолиятни молиявий таъминлашнинг ички ва ташқи манбалари бир биридан тубдан фарқ қилади. Инвестицион фаолиятни молиялаштириш манбаларининг классификацияси (таснифи)га аниқлик киритиш зарурати инвестициялашнинг бозор моделига ўтиш жараёнидаги объектив ўзгаришлар, инвестицион жараёнларда давлат ва корхоналар функцияларининг тақсимланиши, инвестиция бозори, шунингдек асосий вазифаси сармояларни жамлаш, сўнг уларни тадбиркорлик фаолиятига жойлашдан иборат бўлган институтлар тизимининг тараққиётига боғлиқ.

Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда инвестицияларни молиявий таъминлаш манбаларининг таҳлили шундан далолат берадики, умумий инвестиция харажатлари ҳажмида ички манбалар улуши турли мамлакатларда кўплаб объектив ва субъектив омилларга боғлиқ равишда жиддий фарқланиб туради. Иқтисодий адабиётларда ғарб мамлакатларида инвестицияларнинг ички ва ташқи манбалари ўртасидаги нисбат турлича баҳоланади.

Таҳлилларимизнинг гувоҳлик беришича, республикамиз иқтисодиётининг хусусий секторида инвестицион фаолиятни молиялаштириш тизими такомиллашиб, инвестициялаш шакл ва манбаларининг кўпайиши кузатилмоқдаки, бу ҳолатни ижобий тенденция сифатида баҳолаш лозим. Шунинг эътиборга олиб, бозор муносабатлари шароитида инвестицион фаолиятни

амалга ошириш ва ривожлантиришнинг асосий, қулай шарт-шароитлари, бизнинг фикримизча, қуйидаги, яъни:

- инвестицион фаолиятни амалга оширишни молиявий жиҳатдан таъмин-ловчи манбаларнинг сезиларли даражада кўпайиши;
- хусусий капиталнинг давлат капитали устидан устуворлигининг ошиб бориши;
- инвестицион фаолиятда иштирок этувчи мулкчиликнинг турли шаклидаги хўжалик юритувчи субъектлар ва объектлар сонининг муттасил ўсиш суръатига эга бўлаётгани;
- бўш турган пул маблағларини жамлаш ва уларни инвестицион фаолиятга жалб қилиш орқали инвестициялар билан боғлиқ талаб ва таклифни мувофиқлаштирадиган инвестицион бозорнинг шаклланганлиги, шунингдек унинг институтларини ташкил қилиш жараёнининг ривожланаётганлиги каби йўналишларда ўз ифодасини топмоқда.

Кузиева Н.Р.. – Солиқ академияси “Солиқлар ва солиққа тортиш” кафедраси мудири, и.ф.д., проф.

ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАР ВА КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА МОЛИЯ-СОЛИҚ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Республикамызда жаҳон стандартларига жавоб берадиган ва жаҳон бозорларида талаб қилинадиган маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган, замонавий юқори технологияли ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун хорижий инвестицияларни, биринчи галда тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш бўйича қулай шарт-шароитлар яратиш, минтақаларни саноат салоҳиятини, ишлаб чиқариш, транспорт-транзит ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш, уларни рақобатдош ва экспортга йўналтирилган замонавий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга янада фаол жалб этишни кенгайтиришда эркин иқтисодий ҳудудлар ва кичик саноат зоналарни изчил ривожлантириш муҳим масала ҳисобланади.

Бугунги кунда мамлакатимизда эркин иқтисодий зоналар фаолиятини тартибга соладиган мустаҳкам қонунчилик ва меъёрий база яратилди, уларни ривожлантириш учун хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этишга кўмаклашадиган кенг кўламли солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда

преференциялар тизими шакллантирилди. Ҳозирги пайтда республикамиз минтақаларида 15 эркин иқтисодий зоналар ташкил этилди ва фаолият юритмоқда.

Ҳудудларни ривожлантириш ва янги иш ўринлари яратиш, аҳоли даромадларини кўпайтиришда эркин иқтисодий зоналар ҳиссасини ошириш, лойиҳа бўйича бошқариш тамойиллари асосида ҳамда 2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига⁹⁵ мувофиқ ишлаб чиқаришни модернизация қилишнинг муҳим талабларидан бири инновацион ва инвестицион фаолият турларини кенгайтириш, қулай инвестиция муҳитини яратишда давлатнинг бевосита қўллаб-қувватлаш унсурларининг ролини ошириш, хўжалик субъектларининг ўз фаолият йўналишларини инновациялар асосида мустақил ва эркин белгилаш муаммолари ҳал этилмоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 25 октябрида қабул қилинган “Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат оналари фаолияти самарадорлигини ошириш борасидаги қўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги ПҚ-3356-сонли Қарори алоҳида ўз аҳамиятли жиҳатлари билан долзарблигини қайд этиш мумкиндир.

Қарорга кўра, ташқи бозорларда харидоргир бўлган юқори қўшилган қийматли рақобатдош, сифатли маҳсулот ишлаб чиқарилишини таъминлайдиган минерал-хомашё ва қишлоқ хўжалиги ресурсларини чуқур қайта ишлаш бўйича юқори технологияли замонавий ишлаб чиқаришларни барпо этишга хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этиш учун ғоят қулай ишбилармонлик муҳитини вужудга келтириш, шунингдек, республика минтақаларининг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан комплекс ҳамда самарали фойдаланиш, бунинг асосида янги иш жойларини ташкиллаштириш ва аҳоли даромадларини ошириш мақсадида 2017 йилнинг 1 декабридан бошлаб эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарини бошқариш ҳамда улар фаолиятини ташкил этишнинг янги тизими жорий этилиши белгиланди.

Эркин иқтисодий зоналарнинг иштирокчиларига фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови бўйича берилган имтиёзларнинг амал қилиш муддати эркин иқтисодий зона ҳудудида ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга қабул қилинган санадан бошлаб ҳисобланади. Шунингдек, солиқ қонунчилиги ўзгарганида эркин иқтисодий зоналарнинг иштирокчилари солиқлар ва бошқа

⁹⁵Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони.

мажбурий тўловлар бўйича улар рўйхатдан ўтказилган санада амал қилган норма ва қоидаларни қўллашга ҳақлидирлар, акциз солиғи олинадиган товарлар солиққа тортилишини тартибга солувчи ҳужжатларнинг нормалари ва қоидалари бундан мустасно.

2017 йилнинг 1 ноябридан бошлаб эркин иқтисодий зоналарнинг иштирокчилари - тадбиркорлик субъектлари томонидан тузиладиган импорт шартномаларини Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитасида экспертизадан ўтказиш талаби бекор қилинди.

Тижорат банклари амалдаги кредит шартномаси бўйича мажбуриятларни бажариш учун эркин иқтисодий зоналар иштирокчилари - корхоналарнинг пул оқимларида вақтинчалик номутаносиблик рўй берган ҳолларда кредитни қайтариш муддатини кейинга кўчириш ёки муддатини узайтириш йўли билан асосий қарз юзасидан тўловлар миқдорини камайтириш бўйича кредит шартномаларига тегишли ўзгартиришлар киритиш; кредит буюртманомасини кўриб чиқиш учун эркин иқтисодий зоналар иштирокчиларидан воситачилик ҳақи ундирилишини бекор қилиш ва абонент ҳақи тўлашдан озод қилиш; эркин иқтисодий зоналар ҳудудида инвестиция лойиҳаси ишга туширилгунга қадар, аммо норматив муддатдан кўп бўлмаган даврда берилган кредитлар юзасидан кўшиб ҳисобланган фоизларни капиталлаштириш чора-тадбирларини кўриши қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 августдаги “Эркин иқтисодий зоналар самарали фаолият кўрсатиши учун вазирликлар, идоралар ва жойлардаги давлат ҳокимияти органларини мувофиқлаштиришни кучайтириш ва уларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3175-сонли Қарори ҳам алоҳида аҳамиятлидир.

Мазкур Қарорга кўра, эркин иқтисодий зоналар фаолиятини янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгиланди:

- эркин иқтисодий зоналар ҳудудида, биринчи навбатда, кластер ёндашувлардан кенг фойдаланган ҳолда эркин иқтисодий зоналар иштирокчилари ўртасида яқин кооперация алоқаларини йўлга қўйиш, маҳаллий хом ашё ва материаллар асосида рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ва бутловчи буюмлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича юқори технологияли замонавий корхоналар ташкил этиш;

- эркин иқтисодий зоналар ҳудудида жойлашган саноат корхоналари ва инфратузилма объектларида янги малакали иш ўринлари ташкил этишни

таъминлаш, шу асосда республика минтақалари аҳолисининг бандлик даражасини ва даромадларини ошириш;

- маҳаллий минерал-хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш ва дунёда танилган брендлар остида юқори қўшилган қийматли рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун ҳудудида эркин иқтисодий зоналар ташкил қилинган минтақалар ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш;

- етакчи хорижий компания ва корпорациялар иштирокида юқори технологияли замонавий инновацион ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун хорижий инвестициялар, авваламбор, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича энг қулай шароитлар яратиш;

- ишлаб чиқариш, муҳандислик-коммуникация, йўл-транспорт ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш, шунингдек, сифатли логистика хизматлари кўрсатиш бўйича замонавий инфратузилмани шакллантириш;

- эркин иқтисодий зоналар йўналишлари бўйича кадрларга бўлган жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларидан келиб чиқиб ва уларнинг эркин иқтисодий зоналар ҳудудида жойлашган саноат корхоналари ва инфратузилма объектларида ишлаб чиқариш амалиёти ўташини назарда тутган ҳолда, олий ва ўрта махсус касб-хунар таълими муассасаларида юқори малакали мутахассислар тайёрлашни йўлга қўйиш.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокими, уларнинг биринчи ўринбосарлари ярим йил ва йил якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентига эркин иқтисодий зоналар ҳамда кичик саноат зоналарини ривожлантириш ва уларнинг фаолияти самарадорлигини оширишга доир амалга оширилаётган ишлар ҳақида шахсан ҳисобот бериши лозимлиги алоҳида қайд этилди.

Шунингдек, эркин иқтисодий зоналар иштирокчилари учун қонунчиликда белгиланган солиқ ва божхона имтиёз ҳамда преференциялари, валюта режимининг алоҳида шартларига сўзсиз риоя этилишини, уларнинг хўжалик фаолиятига аралашувга йўл қўймаслик ва эркин иқтисодий зоналар иштирокчилари инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш доирасида технологик ускуналар, материаллар, эҳтиёт қисмлар ва бутловчи буюмларни олиб киришда тақдим этилган солиқ ва божхона имтиёзларидан мақсадли фойдаланиши устидан қатъий назорат ўрнатилиши лозимлиги белгилаб берилди.

Сирдарё вилоятининг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан комплекс ҳамда оқилона фойдаланишини таъминлаш, шу аснода янги иш ўринлари ташкил этиш ва маҳаллий аҳолининг даромадларини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 апрелида қабул қилинган “Сирдарё” эркин иқтисодий зонасини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5412-сонли Фармони ўз долзарблиги билан алоҳида аҳамиятлидир. Фармонга кўра, “Сирдарё” эркин иқтисодий зонасини “Жиззах” эркин иқтисодий зонаси Сирдарё вилояти Сирдарё туманидаги филиали ва Сирдарё вилоятининг Янгиер шаҳридаги кичик саноат зонаси негизида ташкил этилиши белгиланди. “Сирдарё” эркин иқтисодий зонасининг фаолият юритиш муддати 30 йилни ташкил этади ва бу муддат кейинчалик узайтирилиши мумкиндир. “Сирдарё” эркин иқтисодий зонаси фаолият юритадиган муддат давомида унинг ҳудудида алоҳида солиқ ва божхона тартиблари амал қилади.

Республикада фаолият кўрсатаётган эркин иқтисодий зоналар фаолиятини ривожлантириш ва амалдаги молия-солиқ механизмни янада такомиллаштириш мақсадида қуйидаги таклифларни келтириш мумкин:

- хорижий компания ва фирмаларнинг республика эркин иқтисодий зоналар ҳудудларида ўз бизнесини юритиш учун мамлакатимизда яратилган қулай шароитларни кенг ёритиш ва бўлажак инвесторларни, биринчи навбатда, хорижда ушбу шароитлар билан таништириш ишларини янада такомиллаштириш;

- эркин иқтисодий зоналар ҳудудида ташкил қилинган хўжалик субъектлари ўртасида саноат ва кооперация алоқалари янада ривожлантириш, зарур логистика тизимини такомиллаштириш;

- истиқболли лойиҳа таклифларини шакллантириш, чуқур таҳлил қилиш ҳамда баҳолаш мақсадга мувофиқлиги, асослилиги ва рентабеллиги асосида эркин иқтисодий зоналар ҳудудида амалга ошириш учун танлаб олиш, мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш, жумладан, лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, объектларни ишга тушириш ва якуний мақсадларга эришишни таъминлайдиган ягона яхлит тизимни яратиш;

- эркин иқтисодий зоналарда тақдим этилган имтиёзлар киритилган инвестиция ҳажмига боғлиқ равишда берилиб, шу жумладан эквивалентда:

- 300 минг АҚШ долларидан 5 млн АҚШ долларигача инвестиция киритилганда — 7 йил муддатга;

- 5 млн АҚШ доллари ва ундан ортиқ инвестиция киритилганда — 10 йил муддатга, кейинги 5 йил мобайнида фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови

ставкалари амалдаги ставкалардан 50 фоиз паст миқдорда қўлланилган ҳолда берилиши мақсадга мувофиқдир.

- эркин иқтисодий зоналар салоҳиятидан етарлича фойдаланиш, эркин иқтисодий зоналар иштирокчилари томонидан рақобатдош, экспортбоп ва импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш, уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши, ички бозорни истеъмол товарлари ва бутловчи буюмлар билан таъминлаш, республикада экспорт салоҳиятини кенгайтириш ва валюта тушумлари миқдорини кўпайтиришга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

- эркин иқтисодий зоналар иштирокчиларини рўйхатга олиш, уларга ер участкаларини ажратиш, инвестиция лойиҳаларини маъқуллаш, корхоналарни ташқи муҳандислик инфратузилмасига улаш, тадбиркорларга ишлаб чиқараётган маҳсулотини ички ва ташқи бозорларда сотишга кўмаклашиш жараёнларини жадаллаштириш.

Умарова Г. Т. – ТМИ “Минтақавий иқтисодиёт” кафедраси ўқитувчиси

ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАРНИНГ АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ОШИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ

Республикамизда бозор муносабатларини самарали тадбиқ этиш, аҳолини иш билан таъминлаш ва бу орқали ижтимоий-иқтисодий тараққиётга эришиш, энг аввало, мавжуд меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишга бевосита боғлиқ ҳисобланади. Мамлакатда меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш, аҳоли бандлик даражасини оширишда эркин иқтисодий зоналар ташкил этиш йўлга қўйилган.

Эркин иқтисодий зона - минтақани жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун мамлакат ва чет эл капиталини, истиқболли технология ва бошқарув тажрибасини жалб этиш мақсадида тузиладиган, аниқ белгиланган маъмурий чегаралари ва алоҳида ҳуқуқий тартиботи бўлган махсус ажратилган ҳудуддир.

Эркин иқтисодий зоналар мамлакатни халқаро меҳнат тақсимоти жараёнларига янада чуқурроқ жалб қилиш, яъни экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳамда шу орқали валюта тушумини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга, эркин иқтисодий зоналар мамлакат ички бозорларини импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар билан таъминлаш

ҳамда шу ҳудудда чет эл сармояси ёрдамида юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш имконини беради.

Мамлакатимизда эркин иқтисодий зоналарни ташкил этишда маҳаллий минерал-хомашё ресурсларни чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматга эга рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган замонавий корхоналар ташкил этиш, республика ҳудудларининг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланиш, шу асосида янги иш ўринлари яратиш, аҳоли даромадини ошириш учун хорижий, аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг муҳим омили сифатида ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки, эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш мамлакат ички бозоридаги иқтисодий жараёнларни фаоллаштиришга йўналтирилган чет эл сармоясини жалб қилиш билан бирга:

- инновацион фаолиятни ривожлантириш, илғор технологияларни жорий қилиш, экспорт, шунингдек, транспорт ва телекоммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш;

- саноат маҳсулотлари экспортини қўллаб-қувватлаш ва валюта тушумини кўпайтириш, маҳсулотларнинг янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, тўлиқ циклда маҳсулот ишлаб чиқарувчи саноат (экспорт) зоналарини ташкил этиш;

- маҳаллий маҳсулот ва хизматларнинг ички ва ташқи бозорларда халқаро сифат, сертификатлаштириш, қадоқлаш талабларини жорий этиш орқали рақобатдошлигини ошириш;

- хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш, юқори қўшилган қийматли маҳсулотларни ишлаб чиқариш;

- ва ниҳоят, янги иш жойларини барпо этиш, малакали ишчи-муҳандислар, хўжалик ва бошқарув кадрларини тайёрлаш, малакасини ошириш каби бир қатор муҳим масалаларни ҳал қилиш имконини беради.

Мамлакатимизда ушбу мақсадларга эришиш, шунингдек, эркин иқтисодий зоналар фаолиятидаги халқаро тажрибалар афзалликларини иқтисодий тузилмага жорий қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримовнинг 2008 йил 2 декабрдаги Фармонида асосан Навоий вилоятида дастлабки эркин индустриал-иқтисодий зона, 2012 йил 13 апрелдаги Фармонида асосан «Ангрен» махсус индустриал зонаси ҳамда 2013 йил 18 мартдаги Фармонида асосан «Жиззах» махсус индустриал зонаси ташкил этилган эди.

Ҳозирги кунда ҳудуд ички имкониятларидан самарали фойдаланиш, ташқи бозорларда талаб катта бўлган, юқори кўшилган қийматли рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган минерал-хомашё ва қишлоқ хўжалиги ресурсларини чуқур қайта ишлаш бўйича замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этишга хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этиш учун қулай шароитларни яратиш, шунингдек, Самарқанд, Бухоро, Фарғона ва Хоразм вилоятларининг ишлаб чиқариш ҳамда ресурс салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланиш, шу асосда янги иш ўринлари ташкил этиш ҳамда аҳоли даромадларини ошириш мақсадида: 2017 йил 12 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Самарқанд, Бухоро, Фарғона ва Хоразм вилоятлари ҳокимликларининг Самарқанд вилояти Ургут туманида – “Ургут”, Бухоро вилояти Ғиждувон туманида – “Ғиждувон”, Фарғона вилояти Кўкон шаҳрида – “Кўкон”, Хоразм вилояти Ҳазорасп туманида – “Ҳазорасп” эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисидаги фармони имзоланди.

Ташкил этилган “Навоий”, “Ангрен”, “Жиззах”, “Ургут”, “Ғиждувон”, “Кўкон” ва “Ҳазорасп” эркин иқтисодий зоналарида умумий қиймати 486 миллион долларга тенг 62 лойиҳа амалга оширилган, 4 минг 600 дан ортиқ иш ўрни яратилган. Фармацевтика соҳасига ихтисослашган “Нукус-фарм”, “Зомин-фарм”, “Косонсой-фарм”, “Сирдарё-фарм”, “Бойсун-фарм”, “Бўстонлик-фарм”, “Паркент-фарм” сингари 7 янги эркин иқтисодий зонани ривожлантириш бўйича изчил ишлар олиб борилмоқда.

Шунингдек, бўш турган ёки самарасиз иш юритаётган ишлаб чиқариш биноларидан самарали фойдаланиш мақсадида ушбу бинолар негизида кичик саноат зоналари ташкил этилмоқда. Уларнинг сони 96 тага етди. Бугунги кунгача ушбу зоналарда умумий қиймати 535 миллиард сўмга тенг 1021 лойиҳа амалга оширилган, 9 минг 600 дан зиёд иш ўрни яратилган. Лойиҳалар доирасида нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам харидоргир бўлган енгил саноат, кимё, озиқ-овқат маҳсулотлари, электр техникаси буюмлари, замонавий қурилиш материаллари, мебель ва бошқа тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Бундан ташқари, 248 лойиҳани амалга ошириш натижасида 11 минг янги иш ўрни яратиш режалаштирилмоқда.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, Республикамизда ташкил этилган эркин иқтисодий зоналар маҳаллий минерал-хом ашё ресурсларини қайта ишлаш асосида рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган замонавий корхоналар ташкил этишга, шу асосида янги иш ўринлари яратишига муносиб ҳисса қўшмоқда.

ЎЗБЕКИСТОНДА ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ҲУДУДЛАР ВА КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАР ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Кейинги йилларда мамлакатимизда эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарини вужудга келтириш, жумладан уларнинг фаолиятини тартибга солувчи мустаҳкам норматив-ҳуқуқий базани шакллантириш, эркин иқтисодий ва саноат зоналарини ривожлантиришга хорижий ҳамда маҳаллий инвестицияларни жалб этиш имконини берадиган солиқ, божхона имтиёзлари ва енгилликларининг кенг тизимини яратиш борасида аниқ мақсадга йўналтирилган кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи муҳим йўналишида - фаолият кўрсатаётган эркин иқтисодий зоналар, технопарклар ва кичик саноат зоналари самарадорлигини ошириш, янгиларини ташкил этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилган⁹⁶.

Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётида қулай инвестиция муҳитини яратиш, реал тармоқ ва хўжалик юритиш субъектлари фаолиятларини инновациялар асосида диверсификациялаш, уларни замонавий техник-технологик асбоб-ускуна ва жиҳозлар асосида модернизация қилиш, мазкур жараёнларга етарли даражада инвестициялар йўналтириш мақсадида уларни молиялаштириш манбаларини такомиллаштиришни талаб этади.

Республикамизда эркин иқтисодий ҳудудлар ва кичик саноат зоналарни ташкил этиш, улар фаолиятини ривожлантириш ва такомиллаштиришда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари алоҳида ўз аҳамиятли жиҳатлари билан долзарблигини қайд этиш мумкиндир. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 октябрдаги “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини жадаллаштириш ва кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-4853-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 январидagi “Ургут”, “Ғиждувон”, “Қўқон” ва “Ҳазорасп” эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида”ги

⁹⁶Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони.

ПФ-4931-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 майдаги “Нукус-фарм”, “Зомин-фар”, “Косонсой-фар”, “Сирдарё-фарм”, “Бойсун-фарм”, “Бўстонлик-фарм” ва “Паркент-фарм” эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-5032-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 апрелдаги “Сирдарё” эркин иқтисодий зонасини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5412-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 25 октябрдаги “Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари фаолияти самарадорлигини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3356-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 10 апрелдаги “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 196-сонли Қарорлари шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 октябрдаги “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4853-сонли Фармони бугунги кунда алоҳида долзарблиги билан муҳимдир.

Фармонга кўра, “Навой”, “Ангрен” ва “Жиззах” эркин иқтисодий зоналари фаолиятини янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари сифатида қуйидагилар белгиланди:

- хорижий инвесторларга мамлакатимиз иқтисодиётининг реал секторларига инвестиция киритиши учун янада қулай шароитлар яратиш мақсадида эркин иқтисодий зоналар учун ягона ҳуқуқий режимни белгилаш, солиқ ва божхона имтиёзлари, преференцияларни бирхиллаштириш;

- маҳаллий минерал-хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлайдиган ва юқори қўшимча қийматга эга рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган юқори технологияли ва маҳаллийлаштириладиган замонавий корхоналарни ташкил қилиш учун тўғридан-тўғри инвестицияларни, авваламбор, хорижий инвестицияларни фаол жалб этиш, эркин иқтисодий зоналарнинг муайян соҳага ихтисослашувини қўллаб-қувватлаш ва уларда саноат кооперациясини ривожлантириш;

- эркин иқтисодий зоналарда “ягона дарча” тамойили асосида барча турдаги давлат хизматларини кўрсатишга, жумладан, рухсат бериш тартиб-таомилларига босқичма-босқич ўтиш;

- ишлаб чиқариш, муҳандислик-коммуникация, йўл-транспорт ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантириш, шунингдек, сифатли

логистика хизматлари кўрсатиш бўйича замонавий инфратузилмани шакллантириш;

- олий, ўрта махсус касб-хунар таълими муассасаларида эркин иқтисодий зоналарнинг соҳа кадрларига бўлган ҳозирги ва истиқболдаги эҳтиёжларидан келиб чиқиб, уларнинг эркин иқтисодий зоналарда жойлашган корхоналарда ишлаб чиқариш амалиётини ўташини назарда тутган ҳолда, юқори малакали мутахассисларни тайёрлашни ташкил этишдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 январдаги “Ургут”, “Ғиждувон”, “Қўқон” ва “Ҳазорасп” эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-4931-сонли Фармонига кўра, “Ургут”, “Ғиждувон”, “Қўқон” ва “Ҳазорасп” эркин иқтисодий зоналарнинг фаолият кўрсатиш муддати, кейинчалик уни узайтириш имконияти билан 30 йилни ташкил қилади. Фаолият кўрсатиш муддати мобайнида “Ургут”, “Ғиждувон”, “Қўқон” ва “Ҳазорасп” эркин иқтисодий зоналар ҳудудларида алоҳида солиқ, божхона ва валюта режими амал қилади.

“Ургут”, “Ғиждувон”, “Қўқон” ва “Ҳазорасп” эркин иқтисодий зоналар дирекциялари эркин иқтисодий зоналарнинг бутун фаолият кўрсатиш даврида солиқлар ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилинган.

Республикамиз фармацевтика тармоғини ривожлантиришда хорижий ва маҳаллий инвестицияларни фаол жалб этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, доривор ўсимликлар хом ашёсини етиштиришнинг ноёб шароитларини инобатга олган ҳолда маҳаллий доривор воситалар бозорини ўзимизда ишлаб чиқарилган юқори сифатли дори воситалари билан тўлдириш ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Наманган, Сирдарё, Сурхондарё ҳамда Тошкент вилоятларининг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан комплекс ҳамда самарали фойдаланиш асосида янги иш ўринларини яратиш ва республикамиз аҳолиси даромадларини оширишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 майдаги “Нукус-фарм”, “Зомин-фарм”, “Косонсой-фарм”, “Сирдарё-фарм”, “Бойсун-фарм”, “Бўстонлик-фарм” ва “Паркент-фарм” эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-5032-сонли Фармони асосида янги “Нукус-фарм”, “Зомин-фарм”, “Косонсой-фарм”, “Сирдарё-фарм”, “Бойсун-фарм”, “Бўстонлик-фарм” ва “Паркент-фарм” эркин иқтисодий зоналари ташкил этилганлиги билан долзарбдир.

Ушбу эркин иқтисодий зоналарини асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб қуйидагилар белгиланди:

- доривор ўсимликлар хомашёсини ўзига хос табиий шароитларда етиштириш ва кейинчалик қайта ишлаш борасида Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Наманган, Сирдарё, Сурхондарё ҳамда Тошкент вилоятларининг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятларидан комплекс ҳамда самарали фойдаланишни таъминлаш;

- юқори қўшилган қийматли замонавий фармацевтика маҳсулотлари ва дори воситаларини ишлаб чиқаришни, биринчи навбатда белгиланган тартибда ташкил этилган плантацияларда етиштирилган доривор моддалар (субстанциялар) ҳамда доривор ўсимликлар хомашёси негизда ташкил этиш учун хорижий ва маҳаллий инвесторларнинг тўғридан-тўғри инвестицияларини жалб этиш;

- доривор ўсимликлар хомашёсини қайта ишлаш ва дори воситалари, тиббиёт буюмлари, ёрдамчи ва қадоқлаш материаллари ишлаб чиқариш бўйича янги замонавий ишлаб чиқариш ва қувватларни ташкил этиш;

- мустаҳкам кооперация алоқаларини ўрнатиш ва эркин иқтисодий зоналар ташкилотлари ҳамда республикамизнинг бошқа корхоналари ўртасида саноат кооперациясини риво;

- жлантириш асосида маҳаллий доривор ўсимликлар хом ашёси ва материаллари негизда фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш;

- доривор ўсимликлар хомашёси интродукция ва культивациясини ўрганиш бўйича тажриба-экспериментал лабораториялари бўлган илмий-тадқиқот марказлари ташкил этиш.

Тошкент вилоятининг туристик салоҳиятини янада ривожлантириш ҳамда ундан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, ҳудудга хорижий ва маҳаллий туристларни кенг жалб қилиш учун қулай шароитлар яратиш, замонавий инфратузилмани жадал ривожлантиришни таъминлаш, кўрсатилаётган туристик, меҳмонхона ва транспорт хизматларини кенгайтириш ва сифатини ошириш каби масалаларини ҳал этишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг қабул қилинган 2017 йил 5 декабрдаги “Чорвоқ” эркин туристик зонасини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-5273-сонли Фармони алоҳида аҳамиятлидир.

Мазкур Фармонга кўра, “Чорвоқ” эркин туристик зонаси - эркин иқтисодий зона ҳисобланиб, эркин туристик зона ва эркин туристик зона иштирокчилари сифатида рўйхатга олинган тадбиркорлик субъектларига эркин иқтисодий зоналар тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг қоидалари, шу

жумладан, эркин иқтисодий зоналар ва улар иштирокчилари учун назарда тутилган барча имтиёз ва преференциялар татбиқ этилади.

Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини ташкил этишда эришилаётган ижобий натижаларимиз билан бир қаторда айрим муаммолар ҳам мавжуддир. Ушбу муаммоларни бартараф этишда куйидаги таклиф ва тавсияларни келтириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- инвестиция лойиҳаларини кўриб чиқишда янгидан ташкил этилаётган иш ўринлари сони, салоҳиятли хорижий шерик ва инвестор-мамлакатнинг мавжудлиги, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг ички ва ташқи бозорларда талаб қилиниши, экспорт ҳажми, шунингдек, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш даражаси ҳисобга олиниши лозим;

- эркин иқтисодий зоналар ҳудудида жойлаштириш ва амалга ошириш учун таклиф этилаётган инвестиция лойиҳаларини келишиб олиш ва маъқуллаш механизмини янада такомиллаштириш;

- эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари учун зарур муҳандислик-коммуникация ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ўз вақтида барпо этиш масалаларини чуқур таҳлил этиш;

- таклиф этилаётган инвестиция лойиҳаларининг ишончли молиявий манбалар, шу жумладан, маҳаллий ва хорижий кредит ресурслари, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобига ишончли таъминланишини ташкил этиш;

- эркин иқтисодий зоналарнинг ҳудудида фойдаланишга топширилган корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланишига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

*Эшимбоева Д. Д. - Фаргона солиқ коллежи
Иқтисодий фанлар кафедраси бош ўқитувчиси*

ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ҲУДУДЛАР ВА КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ РАВБАТЛАНТИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Мамлакатимизни 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида вилоят, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уларнинг мавжуд салоҳиятидан самарали ва оптимал фойдаланиш масаласига алоҳида эътибор қаратилади.

Мамлакатимизнинг ҳудудий таркибига кирган ҳар бир вилоят, туманлар маълум объектив қонуниятлар асосида ташкил этилган бўлиб, географик ва ҳудудий жойлашуви, иқтисодиётнинг таркиби, саноат ва қишлоқ хўжалигининг ривожланганлик даражаси, ҳудудларнинг демографик ҳолати ва аҳолининг жойлашуви, шунингдек, иқлими сув ва табиий ресурслар салоҳиятига эгаллиги билан бир-биридан фарқ қилади. Фарғона, Андижон, Наманган, Сирдарё, Хоразм вилоятларида фойдали қазилма, минерал хом ашё ресурслар жуда кам, Навоий, Тошкент, Қашқадарё, Сурхондарё ва Бухоро вилоятларида ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси фойдали қазилма минерал хом ашё ресурсларга бой, Жиззах, Самарқанд вилоятларида ушбу ресурслар мавжуд ҳудудлар қаторига киради.

Ривожланиб бораётган Ўзбекистон Республикасида ҳозирги вақтда кичик бизнесни ривожлантириш ва уни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг самарали йўлларида бири бўлиб эркин иқтисодий ҳудудлар ва кичик саноат зоналари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат мулки объектларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига сотиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2014 йил 3 июлдаги ПҚ-2200 сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор ва паст рентабелли ташкилотларнинг фойдаланилмаётган ҳудудларини ҳамда ортиқча ишлаб чиқариш майдонларини янада мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2014 йил 15 июндаги 192-сон қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 31 декабрдаги “Кичик саноат зоналарини барпо этиш ва уларнинг фаолиятини ташкил қилиш тартиби тўғрисидаги низомини тасдиқлаш ҳақида”ги 378-сонли қарори билан тасдиқланган низом Республикада ҳудудларида кичик саноат зоналарини барпо этиш ва ривожлантиришга ҳуқуқий замин яратади десак бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш ва модернизациялаш бўйича “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси”да белгиланган чора-тадбирлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудларни комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга уларнинг мавжуд салоҳиятидан самарали ва оптимал фойдаланиш, ҳудудларда аҳолининг ўзгариб бораётган эҳтиёжларини тўлароқ қондиришга эришишга ҳудудий корхоналар фаолиятига замонавий инновацион технологияларни

ишлаб чиқаришга кенг татбиқ этишга ҳудудий рақобатдош ва халқаро стандартларга жавоб берадиган сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ҳудудларда ишлаб чиқаришни ихтисослашувини тўғри ташкил этиш ва экологик тоза маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтишга ҳудудларда кичик саноат зоналарини ташкил этиш механизмини янада такомиллаштириш ва ишлаб чиқаришнинг тўлиқ циклини амалга оширувчи тадбиркорлик субъектлари фаолиятини шакллантиришга хизмат қилади.

Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарини ривожлантириш мақсадида қуйидаги таклифларни берамиз:

1. Эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш бўйича Республика миқёсидаги ёки маҳаллий ҳамда нодавлат ташкилотларнинг экспертиза ўтказиш тизимини ва улар томонидан амалга оширилиши лозим бўлган фаолият турларини белгилаш талаб қилинади.

2. Халқаро шартномалар ёки ички шартномаларнинг ҳуқуқий экспертизаси ва унга қўйилган талаблар бўйича норматив ҳужжатлар мавжуд эмаслиги боис ушбу йўналишда норматив ҳужжатлар тизимини ишлаб чиқиш керак.

3. Ўтказилган экспертизаларнинг оқибатлари муддатлари уларни текширадиган экспертиза ва унга қўйилган талабларни жорий этиш керак.

4. Маълум бир соҳаларда миллий экспертлар гуруҳи муаммони ҳал қилишда ёрдам бера олмаса, хорижий мамлакатлар экспертлар гуруҳлари билан шартномалар тузиш талаблари ишлаб чиқилиши керак.

5. ЭИЗлар фаолиятини ташкил қилиш ва ривожлантириш учун муҳим бўлган қонунлар ва қонун ости ҳужжатлар рўйхати ва улар қабул қилинганидан кейин ўз аҳамиятини йўқота бораётганларини вақтида аниқлай оладиган ҳуқуқий экспертизалар ўтказиш тизимини такомиллаштириш.

6. Инвестицион лойиҳалар пакетини экспертизадан ўтказиш тартибини такомиллаштириш.

7. Давлат томонидан ЭИЗларда фаолият юритадиган корхоналарни аудиторлик текширувлар ўтказишида ёрдам берувчи давлат органлари тизимини белгилаш.

8. ЭИЗларда ишлаб чиқилган маҳсулотнинг сифатини текширадиган экспертлар гуруҳини тузиш ва уларнинг фаолият йўналишларини белгилаб олиш.

9. ЭИЗлар иштирокчиларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш мақсадида давлатлар орасида низо юзага келганда ёки давлат ва хорижий

ташкilot ўртасидаги муаммоларни ҳал қилиш мақсадида экспертиза тайинланадиган халқаро экспертлар гуруҳини шакллантириш талаб қилинади.

10. Ҳуқуқий экспертизаларни амалга оширувчи экспертларнинг масъулияти ва жавобгарлик доираси бўйича мезонлар ишлаб чиқиш ва уларни тегишли қонунларга киритиш талаб қилинади.

*Yulchiboyeva M. S. Farg‘ona soliq ko‘lleji
“Iqtisodiy fanlar” kafedrasi yetakchi o‘qituvchisi.*

O‘ZBEKISTONDA ERKIN IQTISODIY ZONALAR YARATISHNING IQTISODIYOTDAGI ROLI

Erkin iqtisodiy zonalar -davlatlararo kelishuvlarga yoki maxsus qonunlarga muvofiq, xo‘jalik va tashqi iqtisodiy faoliyat bilan shug‘ullanish uchun imtiyozli soliq, moliya, huquqiy sharoitlar joriy qilinadigan muayyan hududlar. Xorijiy va mahalliy tadbirkorlarni jalb etish maqsadlarida tashkil etiladi va ularda zarur ishlab chiqarish va ish yuritish infratuzilmasi barpo etiladi. Erkin iqtisodiy zonalar ko‘p hollarda davlatlararo tutash hududlarda (bir necha davlatlarning chegaralari tutashgan hudud), xalqaro aeroportlar, port shaharlarda yoki transport yo‘llari tutashgan hududlarda tashkil etiladi.

O‘zbekistonda erkin iqtisodiy zonalar milliy iqtisodiyot taraqqiyoti uchun ijobiy baholandi. Shu bois 1996 yilning 25 aprelda mamlakat parlamenti O‘zbekiston Respublikasining "Erkin iqtisodiy zonalar to‘g‘risida" qonunini qabul qildi. Bu qonun chet el investitsiyalari, savdo va sanoat sohalarining rivojlanishi, aholini ish bilan ta‘minlashni yaxshilash uchun qulay sharoit yaratishga me‘yoriy huquqiy asos yaratdi.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev 2017 yil 12 yanvar kuni 4 ta erkin iqtisodiy zonalar tashkil etish to‘g‘risidagi farmonni imzoladi. Samarqand viloyatining Urgut tumanida, Buxoro viloyatining G‘ijduvon tumanida, Farg‘ona viloyatining Qo‘qon shaxrida va Xorazm viloyatining Hazorasp tumanida erkin iqtisodiy zonalar tashkil qilinishi belgilandi.

Prezidentimiz topshirig‘iga asosan erkin iqtisodiy zonalarda investitsiya loyihalarini amalga oshirishni jadallashtirish, xorijdan yuqori texnologik uskunalar xarid qilish uchun O‘zbekiston tiklanish va taraqqiyot jamg‘armasi mablag‘i hisobidan 100 mln dollar miqdorida chet‘el valyutasidagi kredit liniyasi ochilgan.

Iqtisodiyotda davlat ishtirokini kamaytirish, xususiy mulk huquqini himoya qilish va uni ustuvor mavqeini yanada kuchaytirish, kichik biznes va xususiy tadbirkorlik rivojini rag‘batlantirishga qaratilgan institutsional va tarkibiy islohotlarni

davom ettirish. Xususiy mulkning huquq va kafolatlarini ishonchli himoya qilishni ta'minlash, barcha turdagi to'siq va cheklovlarni bartaraf etish, xususiy tadbirkorlik va kichik biznes rivojiga to'liq erkinlik berish, "Agar xalq boy bo'lsa, davlat ham boy va kuchli bo'ladi" degan prinsipni amalga oshirish. Kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni keng rivojlantirish uchun qulay ishbilarmonlik muhitini yaratish, tadbirkorlik tuzilmalarining faoliyatiga davlat, nazorat va huquqni muhofaza qiluvchi organlar tomonidan noqonuniy aralashuvlarning qat'iy oldini olish. Davlat mulkini xususiylashtirishni kengaytirish va uning tartib-taomillarini yanada soddalashtirish, xo'jalik yurituvchi sub'ektlarning ustav jamg'armalarida davlat ishtirokini kamaytirish, davlat mulki xususiylashtirilgan ob'ektlar bazasida xususiy tadbirkorlikni rivojlantirish uchun qulay shart-sharoitlar yaratish. Investitsiya muhitini takomillashtirish, mamlakat iqtisodiyoti tarmoqlariga va hududlariga xorijiy, eng avvalo, to'g'ridan-to'g'ri xorijiy investitsiyalarni faol jalb qilish. Korporativ boshqaruvning zamonaviy standart va usullarini joriy etish, korxonalarni strategik boshqarishda aksiyadorlarning rolini kuchaytirish. Tadbirkorlik sub'ektlarining muhandislik tarmoqlariga ulanishi bo'yicha tartib-taomill va mexanizmlarni takomillashtirish va soddalashtirish. Ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanish jarayonlarini tartibga solishda davlat ishtirokini kamaytirish, davlat boshqaruvi tizimini markazlashtirishdan chiqarish va demokratlashtirish, davlat-xususiy sheriklikni kengaytirish, nodavlat, jamoat tashkilotlari va o'zini o'zi boshqarish organlarining rolini oshirish kerakligi ishlab chiqildi.

Erkin iqtisodiy zonalarni rivojlantirish uchun mahalliy xom ashyo va materiallar asosida yuqori texnologiyali maxsulotlar ishlab chiqarishni mahalliyashtirish jarayonlarini chuqurlashtirishni, ishlab chiqarilayotgan mahsulotlarni xalqaro standartlarga muvofiq yaratishni tashkil etish zarur.

Xulosa qilib shuni taklif qilamizki, ma'sul vazirlik va idoralar tomonidan loyihalarni ko'rib chiqish va muvofiqlashtirish jarayoni murakkabligicha qolib, odatda rasmiy harakter kasb etmoqda. Erkin iqtisodiy zona qatnashchilariga yer uchastkalari ajratish masalalarini hal etishda hanuz byurokratizm asoratlari saqlanib qolmoqda. Bu kabi kamchiliklarni bartaraf etish. Erkin iqtisodiy zonalarda investor va tadbirkorlarga yanada keng imkoniyatlar yaratishda oid kompleks chora tadbirlar ishlab chiqish, ushbu zonalar faoliyatiga doir me'yoriy-huquqiy bazani qayta ko'rib chiqish, bugungi zamon talablariga moslashtirish, barcha uchun va ochiq va tushunarli mexanizm yaratish zarurdir. Mutasaddi idoralar erkin iqtisodiy zonalarda joylashgan korxonalarni barcha zarur muxandislik-kommunikatsiya tarmoqlari va infratuzilma bilan o'z vaqtida ta'minlanishini choralarini ko'rishlari kera

*Abdullayeva Z.A. Soliq akademiyasi magistranti,
Mamadjonov N.N Soliq akademiyasi magistranti*

MAMLAKATIMIZDA ERKIN IQTISODIY ZONALAR VA KICHIK SANOAT ZONALARI FAOLIYATI SAMARADORLIGINI OSHIRISH YO‘LLARI

Iqtisodiyotni modernizatsiyalash va diversifikatsiyalash sharoitida mamlakatimiz soliq tizimini isloh qilish va uning asosiy yo‘nalishlarini belgilash muhim ahamiyatga egadir. Hozirgi kunda Respublikamizda o‘tkazilayotgan soliq islohotlari natijasida soliq tizimida qator ijobiy o‘zgarishlar ro‘y bermoqda. Mamlakatimizda yuqori texnologiyali yangi ishlab chiqarish quvvatlarini tashkil etish, hududlarni raqobatdosh va eksportga yo‘naltirilgan zamonaviy sanoat mahsulotlari ishlab chiqarishni o‘zlashtirishga yanada faol jalb qilish, ishlab chiqarish, muhandislik kommunikatsiya, yo‘l transport, ijtimoiy infratuzilma va logistika xizmatlarini jadal rivojlantirishni ta‘minlash uchun to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalarni jalb etishni kengaytirishning eng muhim omili sifatida erkin iqtisodiy zonalarni izchil rivojlantirish borasida qulay shart-sharoitlar yaratish dolzarb hisoblanadi. Prezident ta‘biri bilan aytganda, “Iqtisodiyotni rivojlantirish va liberallashtirishning ustuvor yo‘nalishlaridan biri tarkibiy o‘zgartirishlarni chuqurlashtirish, milliy iqtisodiyotning yetakchi tarmoqlarini modernizatsiya va diversifikatsiya qilish hisobiga uning raqobatbardoshligini oshirish hisoblanib, unda faoliyat ko‘rsatayotgan erkin iqtisodiy zonalar, texnoparklar va kichik sanoat zonalari samaradorliginin oshirish, yangilarini tashkil etish muhim hisoblanadi”⁹⁷.

O‘zbekiston iqtisodiyotini tarkibiy qayta qurish tubdan yangilashni, mavjud texnika-jihozlar parkini almashtirishni, yangi texnologiyalar sotib olishni, yuqori malakali kadrlar tayyorlashni, ilg‘or tajribalarni jalb qilishni talab etadi. Xorijiy investitsiyalarni jalb qilish vaqtan yutish, chet el kapitalidan keng miqyoslarda va maqsadga muvofiq foydalanish imkoniyatini yaratadi. Chet el kapitalini jalb qilishni kengaytirish masalasini hal qilishda, bizning nazarimizda, ish faqat etishmayotgan manbalar va texnologiyalarni chetdan jalb qilish bilan cheklanib qolmasligi lozim. Shu bilan bir qatorda O‘zbekiston iqtisodiyotining xorijiy investitsiyalarni yangi loyihalarda amalga oshirish, xalqaro mehnat taqsimoti afzalliklaridan unumli foydalanish va qo‘shma korxonalar tashkil etish yo‘li bilan jahon xo‘jaligiga integratsiyasi muammolarini hal qilish lozim.

⁹⁷ O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldagi “O‘zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo‘yicha Harakatlar strategiyasi to‘g‘risida” gi PF -4947 sonli farmoni

Investorlarga keng soliq imtiyozlari va preferensiyalar berilgan. Jumladan, bugungi kunda mamlakatimizda 15 ta erkin iqtisodiy zonava 1 ta erkin turistik zona faoliyat yuritmoqda. “Navoiy”, “Angren”, “Jizzax”, “Urgut”, “G‘ijduvon”, “Qo‘qon” va “Hazorasp” erkin iqtisodiy zonalarida umumiy qiymati 486 million dollarga teng 62 loyiha amalga oshirilgan, 4 ming 600 dan ortiq ish o‘rni yaratilgan. Farmasevtika sohasiga ixtisoslashgan “Nukus-farm”, “Zomin-farm”, “Kosonsoy-farm”, “Sirdaryo-farm”, “Boysun-farm”, “Bo‘stonliq-farm”, “Parkent-farm” singari 7 ta yangi erkin iqtisodiy zona, “Sirdaryo” erkin iqtisodiy zona hamda “Chorvoq” erkin turistik zonalarini rivojlantirish bo‘yicha izchil ishlar olib borilmoqda.

Bundan tashqari, joylardagi bo‘sh turgan yoki foydalanilmayotgan binoshootlar negizida davlat va xususiy sektor o‘rtasidagi sheriklik asosida barpo etish, iqtisodiyotning raqobatbardoshligini ta‘minlash, eksport salohiyatini oshirish, yangi ish o‘rinlarini yaratish, shuningdek ishlab chiqarish sohasida aholi bandligini oshirish, yangi raqobatbardoshli ishlab chiqarishlarni, ularni muhandislik kommunikasiyalari o‘tkazilgan va zarur infratuzilmaga ega bo‘lgan alohida hududlarda jamlash yo‘li bilan tashkil etish uchun investitsiyalar va texnologiyalarni jalb etish maqsadida tashkil etilgan kichik sanoat zonalarining soni ham 96 tadan oshdi. Ular faoliyati doirasida umumiy qiymati 535 milliard so‘mga teng 1021 loyiha amalga oshirilgan, 9 ming 600 dan ziyod ish o‘rni yaratilgan. Loyihalar doirasida nafaqat ichki, balki tashqi bozorda ham xaridorgir bo‘lgan engil sanoat, kimyo, oziq-ovqat mahsulotlari, elektr texnikasi buyumlari, zamonaviy qurilish materiallari, mebel va boshqa tayyor mahsulotlar ishlab chiqarilmoqda. Bundan tashqari, 248 loyihani amalga oshirish natijasida 11 ming yangi ish o‘rni yaratish rejalashtirilmoqda.

Shunga qaramasdan, tegishli vazirlik, idora va xo‘jalik yurituvchi sub‘ektlarning bu sohada tashabbuskorligi yetishmasligi, erkin iqtisodiy zonalar va kichik sanoat zonalarini rivojlantirish bo‘yicha ishlarni tashkil qilish darajasi sustligini ta‘kidlash joiz.

Xususan, mas‘ul vazirlik va idoralar tomonidan loyihalarni ko‘rib chiqish va muvofiqlashtirish jarayoni murakkabligicha qolib, odatda rasmiy xarakter kasb etmoqda. Erkin iqtisodiy zona va kichik sanoat zonalarini qatnashchilariga yer uchastkalari ajratish masalalarini hal etishda hanuz byurokratizm asoratlari saqlanib qolmoqda.

Yangi tashkil etilgan erkin iqtisodiy zona va kichik sanoat zonalarida yangi korxonalar tashkil etish uchun xorijiy sarmoyalarni jalb qilish ishlari sust bormoqda. Erkin iqtisodiy zonalar va kichik sanoat zonalarini elektr energiyasi, tabiiy gaz, suv

va boshqa kommunikatsiya tarmoqlari bilan barqaror ta'minlashda muammolar kuzatilmoqda.

Ushbu zonalar faoliyatiga doir me`yoriy-huquqiy bazani qayta ko'rib chiqish, bugungi zamon talablariga moslashtirish, barcha uchun ochiq va tushunarli mexanizm yaratish zarurligini inobatga olib, erkin iqtisodiy zona va sanoat zonalarini faoliyati samaradorligiga erishish maqsadida quyidagi takliflarni berish mumkin:

1. O'zbekistonda erkin iqtisodiy zonalar va kichik sanoat zonalarini ishtirokchilariga qo'yiladigan talablar, soliq imtiyoz va preferensiyalari hamda ishtirokchilarini soliqqa tortish xususiyatlarini yangi qabul qilinayotgan O'zbekiston Respublikasi Soliq kodeksiga bob ajratib mustahkamlab qo'yish;

2. Erkin iqtisodiy zonalarda ishlab chiqarish infratuzilmasi bilan birga savdo korxonalarini, maishiy xizmat ko'rsatish markazlari, xalqaro standartlarga javob beradigan tibbiyot va ta'lim muassasalari, xordiq chiqarish va madaniyat markazlarini barpo etish orqali chet el investorlariga yashash uchun qulay sharoitlar yaratish va boshqalar;

3. Mamlakatimizdagi erkin iqtisodiy zonalar bo'yicha amal qilayotgan qonunchilikka maxsus zonalar direksiyalari tomonidan investorlarni mustaqil qidirib topish va jalb qilish uchun vakolatlarni berish va kengaytirish haqida o'zgartirishlar kiritish lozim. Janubiy Koreya va Xitoy tajribasi shuni ko'rsatadiki, ularning muvaffaqiyatli rivojlanishi uchun maxsus zona rahbariyati investorlarni topish va jalb qilish, ularni rag'batlantirish uchun qo'shimcha sharoitlar yaratish bo'yicha nisbatan mustaqil qaror qabul qilish;

4. Erkin iqtisodiy zonalar va kichik sanoat zonalarida ishlab chiqarilishi o'zlashtirilishi uchun tavsiya qilinayotgan tayyor mahsulotlar, materiallar va butlovchi buyumlar ro'yxatini ularning joylashuviga qarab belgilash hamda har biriga chiqindini maksimal utilizatsiya qilish texnologiyalaridan foydalanish, ularni qayta ishlash va ikkilamchi mahsulotlar ishlab chiqarish yo'nalishini tatbiq etish;

5. Erkin iqtisodiy zonada xorijiy investitsiyalarning asosan korxonalar ustav fondiga ulush qo'shish bilan amalga oshirilayotganligini inobatga olgan holda ularga nisbatan joriy etilgan amaldagi soliq imtiyozlarini to'g'ridan-to'g'ri investitsiyalarning texnika va texnologiyalar ko'rinishida jalb etilganligi bo'yicha qo'llash maqsadga muvofiqdir. Bunday yondashuv mavjud ishlab chiqarish kuchlarining yangi texnika va texnologiyalar bilan tezkor suratlarda qayta modernizatsiyalashuvini ta'minlaydi.

ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ОРҚАЛИ ЭРИШИЛАЁТГАН ҲАМДА КЕЛАЖАҚДА КУТИЛАЁТГАН НАТИЖАЛАР

Солиқ сиёсатини эркинлаштириш хорижий инвестициялар жалб этиш юзасидан, солиқ юкини пасайтириш ишбилармонлик муҳитини янада яхшиланишини такомиллаштиришнинг муҳим вазифаларидан бири сифатида белгилаб келинаётганлиги бунинг ёрқин далилидир. Бозор иқтисодиёти шароитида солиқ тизимини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар тадбиркорлик субъектлари ва аҳоли зиммасидаги солиқ юкини пасайишига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатиб, мамлакатимиз иқтисодиётига хорижий инвестицияларнинг кириб келишига шароит яратиб бермоқда.

Мамлакатимизда юқори технологияли янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш, ҳудудларни рақобатдош ва экспортга йўналтирилган замонавий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга янада фаол жалб қилиш, ишлаб чиқариш, муҳандислик-коммуникация, йўл-транспорт, ижтимоий инфратузилма ва логистика хизматларини жадал ривожлантиришни таъминлаш учун тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишни кенгайтиришнинг энг муҳим омили сифатида эркин иқтисодий зоналарни изчил ривожлантириш борасида янада қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида Президентининг “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4853 фармони ҳамда 2017 йил 7 августдаги “Эркин иқтисодий зоналар самарали фаолият кўрсатиши учун вазирликлар, идоралар ва жойлардаги давлат ҳокимияти органларини мувофиқлаштиришни кучайтириш ва уларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор фикримизнинг ёрқин далилидир.

Белгилансинки, мазкур бандда қайд этилган божхона имтиёзлари қўлланган ҳолда олиб келинган ускуналар, хом ашё, материал ва бутловчи буюмлар сотилган ёки беғараз берилган ҳолларда, улар олиб келинган пайдан бошлаб уч йил давомида божхона тўловлари қонунчиликда белгиланган тартибда тўлиқ ҳажмда ундирилади.

Фармонда кўзда тутилган имтиёзлар киритилган инвестициялар ҳажмига қараб 3 йилдан 10 йил муддатгача, жумладан:

300 минг АҚШ долларидан 3 миллион АҚШ долларигача ҳажмдаги инвестициялар — 3 йил муддатга;

3 миллион АҚШ долларидаан 5 миллион АҚШ долларидаага ҳажмдаги инвестициялар — 5 йил муддатга;

5 миллион АҚШ долларидаан 10 миллион АҚШ долларидаага ҳажмдаги инвестициялар — 7 йил муддатга;


10 миллион ва ундан кўп АҚШ доллари ҳажмидаги инвестициялар сўнгги 5 йилда амалдаги ставкалардан 50 фоиз кам ҳажмдаги даромад солиғи ва ягона солиқ тўлови ставкалари қўлланган ҳолда — 10 йил муддатга берилади.

“Ангрен” ва “Жиззах” эркин иқтисодий зоналари иштирокчилари учун шундай тартиб жорий этилсинки, унга мувофиқ эркин иқтисодий зоналар иштирокчилари:

эркин иқтисодий зоналар фаолияти давомида экспортга йўналтириладиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун олиб келинадиган хом ашё, материал ва бутловчи буюмлар учун божхона тўловлари тўлашдан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод этилади;

Муҳтарам Президентимиз 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунларига бағишланган маърузасида“ “Навоий” эркин иқтисодий зонаси бўйича маълумотларни келтираман. Ўтган 8 йил мобайнида бу ерда атиги 24 та лойиҳа амалга оширилиб, уларда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар улуши жуда паст ва атиги 900 та одам ишга жойлаштирилган. Ўтган йили эса маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 24 фоизга пасайган”⁹⁸лиги келтириб ўтган.

Юқоридаги эътирозларни инобатга олган ҳолда бугунги кунда “Навоий” эркин иқтисодий зонасини янада ривожлантириш мақсадида бир қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда Хусусан:



⁹⁸Мирзиёев Ш.М. Танкидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак, - Т “Ўзбекистон”, 2017 й -104 с

Навоий эркин иқтисодий зонасида юқоридаги эътирозлардан келиб чиққан ҳолда 2017-2019 йилларда экспорт улушини 138,1 млн.долларга ошириш, бу кўрсаткич эса ўтган 6 йил давомида эса бор йўғи 20,5 млн.долларни ташкил этган.



Уларда амалга ошириладиган лойиҳалар эса 191,4 млн.долларга оширилиши режалаштирилмоқда.

Юқоридаги маълумотлардан шуни кўришимиз мумкинки хорижий инвесторлар томонидан мамлакатимизга ўзининг хорижий инвестициясини киритиши ва янги лойиҳаларни киритиши экспорт боб маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва янги иш ўринларни яратишга хизмат қилади.

Мазкур ислоҳотларнинг пировард натижасида тадбиркорлик ва ишбилармонлик муҳитини янада яхшилашга, хорижий инвестициялар оқимини ошишига, солиқ базасини кенгайтишга ҳамда аҳоли фаровонлигини ва мамлакатимиз иқтисодий қудратининг янада юксалишига эришилади.

*Ravshanova O.I. Banking and finance academy of the Republic of Uzbekistan
The first course master of the faculty of "Taxes and taxation"*

THE ROLE OF TAX POLICY TO REDUCE THE SCALE OF INFORMAL ECONOMY.

"The informal economy is the reaction of the population to the non-flexible economic system." (Ernando De Soto)

Taxes are the major source of budget revenues in most countries as well as the means of financing the state, local and regional programs and expenditures. The Informal economy has a big impact on the state budget revenues. If the tax burden is

heavy in the economy and the tax system is imperfect, the country's informal economy will expand. Moreover, the government couldn't finance its programs and public services if the state budget hadn't enough money or source. We can't eliminate the scale of informal economy completely but can reach to minimize it until certain point that provides us with stable economic growth and fruitful condition of the budget. The scale of informal economy is different, depending on the country's law, the fairness of taxation, the mentality of nations and many other factors. According to the information of the first deputy of economy minister Mubin Mirzayev, the size of shadow economy is estimated at over 50% of GDP. "For comparison: according to the research of the International Association of Chartered Certified Accountants (ACCA), the volume of the informal economy in Russia in 2016 was 39% of GDP, Azerbaijan - 67%, Ukraine - 45.9%, Turkey - 25.7%. USA (7.7%), Japan (10%) and China (10.1%) are estimated to have lowest size of the informal economy"⁹⁹. It is five times more than the scale of Japan's informal economy that is considered as the one of the advanced and developed country in the world. Why? Why our results are lower than these countries. What kind of barriers blocks our activities against informal economy? Before discussing the informal economy and its influence, we should have the imagination about the informal economy. The informal economy is harm for world business, it cause the lack of control by tax authorities. Informal traders couldn't make the contracts related to financial credits, they can't develop the range of their activities, it will influence to poverty, we can see that where more volume of informal economy there is more poverty. Informality is a barrier for connecting with economical institutions. The duration of the informal economy couldn't be long. The members of informal economy live with on the treasury. A summary measure of the informal economy is the income generated by economic agents that operate informally. According to Anuradha Joshi, Wilson Prichard & Christopher Heady (2014)'s concepts that it is not easy to control small and medium business on the economy by the government. Paying attention to the scale of informal economy and controlling it, government provide increasing of the budget revenues, recovering the public order and also the number of creating new jobs as well as growing of the percentage of GDP. From the 1 table of the article, we can see the features of the informal and formal economy. By learning this table, we shall get fruitful information about the pros and cons of these two sectors.

99 From the speech of the first deputy of the ministry of economy at the international press club,18.01.2018.

Informal economy ← **Formal economy**

Features **A** **B** **C** **D**

	Subsistence enterprises	Micro enterprises and small businesses	Small and medium businesses	Small medium and large businesses.
Degree of informality	Totally informal	High proportion of sales undeclared and workers not registered	Some proportion of sales undeclared and workers unregistered	Labor and firms registered and regulated.
Type of activity	Street traders, cottage/ micro enterprises, subsistence farmers.	Small manufacturers, service providers, distributors, contractors.	Small and medium manufacturers, service providers.	Range of manufacturing and services
Technology	Labor intensive	Mostly labor intensive	Mixed labor and capital intensive	Knowledge and capital intensive
Owner profile	Poor, low education, low level of skills.	Poor and non-poor, likely educated, skilled	Non-poor, well-educated, high levels of skills	Non-poor, highly educated, sophisticated level of skills.
Markets	Low barriers to entry, highly competitive, high product homogeneity.	Low barriers to entry, highly competitive, some product differentiation.	Some barriers to entry, established markets.	Significant barriers to entry, established market, product niche
Finance needs	Working capital	Working capital, some investment capital, supplier credit.	Investment capital and working capital, letters of credit, supplier credit.	Investment capital and working capital, letters of credit, supplier credit.
Other needs	Personal insurance, social protection, security	Personal and business insurance and business support services, security.	Personal and business insurance, business development services.	Personal and business insurance, business development services.
Tax status	Earnings can be below minimum tax threshold, no	Liable for tax, difficult to identify and assess, poor or	Liable for tax, under – reported	Taxed under tax assessment

100 “Taxing the Informal Economy: The Current State of Knowledge and Agendas for Future Research” scientific report, Anuradha Joshi, Wilson Prichard & Christopher Heady, To link to this article: <https://doi.org/10.1080/00220388.2014.940910>, 2014 The Author(s). Published by Taylor.

	recordkeeping, cash transactions.	no recordkeeping, cash transactions.	earnings, use loopholes, escape formal tax assessments.	
Tax design desired features	No tax liabilities.	Low rates to encourage registration	Higher rates to encourage graduation into formal regime.	-

Notes: Grey scale text comprises features less relevant to taxation. Source: Adapted from Zinnes'(2009, p.8) adaptation of Djankov et.al.(2002)

Scientists suggest that there are a lot of benefits to tax the informal sector. First of all, it improves the tax morale and tax culture. People should know that why they are paying money on the type of tax. They should go to tax inspection voluntarily. On this way, country can raise the number of new jobs. Especially SME's are more tend to occur on the field of informal economy. By reducing the tax burden and regularize the tax policy of the country we can reach to expand the tax base, develop Small and medium businesses, minimize the harm of the activity of informal economy, and implement more advanced technologies into production and as well as protect the rights of labor force, provide the growth of GDP and also regular revenue to the state budget. There are several reasons for high rate of informal economy compared with GDP of Uzbekistan. Firstly, Uzbekistan's tax regime is much more difficult to understand, there are approximately 20 taxes and compulsory payments to pay. (Government should simplify the tax system) Secondly the tax rate of taxes for enterprises very high. Moreover the tax incentives are not equal to taxpayers so we can say that tax system is unjust. That's way the share of informal economy of Uzbekistan is relatively high compared with GDP of the country.

Акрамов К., Юлдашев У. – ТМИ магистрантлари

ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ МОҲИЯТИ ВА УЛАРГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ОМИЛЛАР

Хорижий инвесторлар қўшма корхоналарда ўз ҳиссаси билан қатнашиб, хорижий инвесторларга тўлиқ тегишли бўлган корхоналарни яратиш, хусусийлаштиришда қатнашиш, хорижий шериклар билан банк тузиш, қимматбаҳо қоғозларни сотиб олиши, ер ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлиши, эркин иқтисодий ҳудудларда фаолият олиб боришлари мумкин.

Жаҳон иқтисодиёти глобаллашиб, савдо йўлидаги тўсиқлар камайиб, солиқ қонунлари ва тартибга солувчи режимлар эркинлашиб бораётган ҳозирги шароитда четдан киритиладиган инвестиция оқимлари тез суръатлар билан ўсмоқда. Тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларининг дунё бўйича умумий ҳажми 1980 йилдагига қараганда 14 баравардан зиёд ўсиб, 2017 йил ҳолатига, жами 11 трлн. АҚШ доллариغا етди. Ҳозирги вақтда бутун дунёда 64 мингга яқин мамлакатлараро компаниялар мавжуд бўлиб, улар 870 мингга хорижий шуба корхоналари фаолиятини назорат қилиб туради. Ушбу корхоналар сотилаётган маҳсулотлар ҳажми тахминан 18 трлн. АҚШ долларини ташкил этди. Бу эса ўз навбатида, бутун жаҳон экспорти ҳажмининг 2 бараваридан зиёддир¹⁰¹.

Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда хорижий инвестицияларнинг аҳамияти бениҳоят катта бўлиб, у қуйидагилар билан изоҳланади:

- биринчидан, хорижий инвестициялар ишлаб чиқаришга замонавий техника ва технологияларни жорий этиб, экспортга мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ривожлантиради;

- иккинчидан, импорт ўрнини босувчи товар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва бунинг учун хорижий инвестицияларни иқтисодиётнинг устувор соҳаларига йўналтириш ва пировардида аҳолининг меъёрдаги турмуш даражасини таъминлаш имконини яратади;

- учинчидан, кичик бизнесни ривожлантириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини жадаллаштириш орқали ўсиб бораётган аҳолини иш жойлари билан таъминлайди;

- тўртинчидан, корхоналарнинг эскирган ишлаб чиқариш қувватларини, моддий-техник базасини янгилайди ва техник қайта қуроллантиради.

Инвестиция лойиҳалари, аввало, устувор тармоқларга, яъни нефть ва кимё саноати, транспорт, энергетика, ер ости қазилма бойликларини ишлаб чиқариш, қурилиш, телекоммуникация тармоқлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларни кенг қайта ишлаш, туризм соҳасини ривожлантиришга қаратилиши лозим.

Мақсадига кўра, хорижий инвестициялар тўғридан-тўғри ва портфель инвестицияларга бўлинади. Портфель инвестициялар (portfolio investment) - шундай инвестицияларки, бунда капитални даромад олиш мақсадида корхоналарнинг акциялари, облигациялари ва бошқа қимматли қоғозларини сотиб олиш учун сарфланади. Бундай инвестициялар корхоналарнинг молиявий

¹⁰¹ А.В.Вахабов, Ш.Х.Ҳажибакиев, Н.Г.Муминов. Хорижий инвестициялар: - Т.: “Молия”, 2017. – 47-50, 54-б.

хўжалик фаолияти устидан назорат ўрнатиш ҳуқуқини бермайди. Хорижий портфель инвестициялар барча халқаро операцияларни амалга оширишда фирмалар учун муҳим аҳамиятга эга. Бу турдаги инвестицияларга, асосан, молиявий муаммоларни ечиш учун мурожаат қилинади. Корпорацияларнинг молиявий бўлимлари маблағларнинг бир мамлакатдан бошқа мамлакатга қисқа муддатли инвестициялардан юқори фойда олиш учун ўтказадилар. Бундай инвестициялар, кўпинча, хусусий тадбиркорлар капиталига асосланган, баъзида эса ўз қимматбаҳо қоғозларини чиқаради ва хорижий қимматбаҳо қоғозларини сотиб олади.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар (ТТХИ) – бу капитални тўғридан-тўғри экспорти бўлиб, инвестиция киритувчига шу корхона устидан назорат қилиш ҳуқуқини беради. Бунда корхона асосий компаниянинг хориждаги шохобчасига айланади. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, асосан хусусий тадбиркорлик капитали шаклида бўлади.

Халқаро статистикада инвестицияларни тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар турига киритиш бўйича ҳар хил ёндашувлар мавжуд. Хорижий инвесторлар томонидан назорат қилиш ҳуқуқини белгиловчи кўрсаткич сифатида улар эга бўлган акционерлик капиталининг хиссаси кўрсаткичидан фойдаланилади. Бу кўрсаткич АҚШда 10%, Франция ва Буюк Британияда 20% га яқин, Германияда 25%дан 50% гача, Ўзбекистонда эса 49% даражасида белгиланган¹⁰². Шунингдек, шу корхонанинг бошқарувида тўғридан-тўғри амалга оширилаётган инвестицияларнинг узоқ муддатли эканлиги ҳам унинг муҳим белгиларидан биридир. Инвестициянинг бу кўриниши таваккалчиликни, инвестициялардан фойдаланиш самарадорлиги учун масъулиятни давлат ва аҳоли зиммасига юкламасдан, балки уларни тадбиркорлик тизимлари ўртасида тақсимлашнинг энг яхши ва синалган усули ҳисобланади.

Тўғридан-тўғри инвестициялар икки мақсадга йўналтирилади:

1. Янги компания ташкил этиш.
2. Банкрот бўлган компанияларни харид қилиш.

Халқаро компанияларнинг пайдо бўлишига қадар барча хорижий инвестициялар портфель инвестициялар шаклида бўлган. ТТХИ XX асрнинг 20-йилларидан бошлаб ривожлана бошлади, аммо бу йилларда портфель инвестициялар ҳажми тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажмига нисбатан икки баробар кўп эди.

¹⁰² Ё.К.Қориева, И.У.Нематов “Хорижий инвестициялар” фани бўйича таълим технологияси. / “Иқтисодий таълимдаги ўқитиш технологияси” сериясидан. – Т.: ТДИУ, 2008, 154-бет.

Сўнги қирқ йил ичида ТТХИ ҳажмининг барқарор суръатларда ўсиши натижасида уларнинг жаҳон ялпи ички маҳсулотигаги улуши саккиз бараварга ошди ва ҳозирда 16%ни ташкил этади. XXI аср бошларида ТТХИ ички инвестициялар ва ташқи савдога қараганда жадалроқ ривожланмоқда. ТТХИ жаҳон хўжалиги глобаллашувининг асосий омилига айланди. ТТХИ фаоллашувининг сабаблари ва ҳаракатлантирувчи кучлари қуйидагилардан иборат:

- ТТХИ ёрдамида миллий бозорларда монополистик фойдаолишнинг мумкинлиги;
- ташқи савдога нисбатан қўшимча фойда олиш имконияти;
- ТМКнинг ТТХИни элтувчилари сифатида майдонга чиқиши;
- ТТХИга нисбатан ривожланаётган мамлакатлар эҳтиёжининг кескин ўсиши;
- реципиент-мамлакатларда ТТХИни жалб қилишни рағбатлантирувчи механизмларнинг шаклланиши.

XXI аср бошларида ТТХИ ҳажмининг жадал суръатлар билан ўсиши ва уларнинг халқаро миқёсда бошқарилиши зарурияти инвестициялар билан ташқи савдо миқдори ўртасида боғлиқлик масалаларини тадқиқ этишни тақозо этмоқда. ТТХИ ҳажми ташқи савдонинг ўсиш суръатлари ва ривожланиш истиқболларига жиддий таъсир ўтказди. Улар ўртасидаги боғлиқлик қуйидагиларда намоён бўлади:

- ташқи савдо иқтисодий ўсиш омили сифатида тан олинган;
- ТТХИ хорижий бозорларга товар ва хизматлар етказиб беришнинг воситаси, халқаро ишлаб чиқариш тизимининг асоси сифатида жаҳон савдосининг йўналишлари, ҳажми ва таркибига жиддий таъсир кўрсатади;
- жаҳонда аксарият мамлакатлар ТТХИнинг иқтисодий ривожланиш жараёнидаги ижобий ўрнини қўллаб-қувватлашмоқда. Ушбу ҳолат мазкур мамлакатлар томонидан амалга оширилаётган хорижий инвестициялар борасидаги сиёсатда ўз аксини топмоқда. Шу билан бирга, ТТХИ оқимида жаҳон мамлакатлари томонидан олиб бориладиган ташқи савдо сиёсати ижобий таъсирини ўтказди;
- жаҳон иқтисодиётида ТТХИ ва ташқи савдодан иқтисодий ривожланишда уйғунликда фойдаланиш лозим.

Юқоридагилардан келиб чиқиб хулоса қиладиган бўлсак, хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг бир қанча шакллари мавжуд, яъни:

- улуши қўшилиб қатнашиши орқали қўшимча корхоналарни ташкил этиш;
- 100% мол-мулк хорижий инвесторларга тегишли бўлган хорижий корхоналарни ташкил этиш;
- йирик хорижий компания ва фирмаларнинг шуъба корхоналари ва филиалларини ташкил этиш;
- концессия ва лизинг шартномалари тузиш;
- тендерлар эълон қилиш;
- эркин иқтисодий ҳудудлар ташкил этиш;
- молиявий активларни сотиш ва сотиб олиш.

Джуманиязов Ш. Р. ТДИУ катта ўқитувчиси

ҲУДУДЛАРДА ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Республикамизда ҳудудларнинг ишлаб чиқариш, ресурс салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш, транспорт, муҳандислик-коммуникация ҳамда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, ишлаб чиқариш жараёнига энг самарали технологияларни кенг татбиқ қилишда эркин иқтисодий зоналарнинг ўрни муҳимдир. Шу боисдан ҳам юртимизда маҳаллий хом ашё ҳамда ишлаб чиқариш захираларидан самарали фойдаланиш, эркин иқтисодий зоналарда рақобатдош маҳсулотлар тайёрлашга катта эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда эркин иқтисодий зоналардаги корхоналар томонидан ташқи бозорда талаб юқори бўлган рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган, минерал хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш бўйича янги қувватларни барпо этиш, бунинг учун ҳудудларга чет эл инвестицияларини жалб қилишни кенгайтириш мақсадида хорижлик инвесторларга янги имтиёз ҳамда преференциялар берилаётганлигини ҳам алоҳида қайд жоиздир. Жумладан, эркин иқтисодий зоналарда фаолият кўрсатадиган корхоналарга киритиладиган инвестициялар ҳажмига қараб 3 йилдан 10 йилгача муддатга солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда преференциялар қўлланилишидан ташқари, у ердаги корхоналар учун барча қулайлик ва шарт-шароитлар яратилмоқда.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида макроиқтисодий

барқарорликни мустаҳкамлаш, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларга хорижий, аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш, давлат мулки хусусийлаштирилган объектлар базасида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, вилоят, туман ва шаҳарларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир кўплаб вазифалар белгиланган¹⁰³. Мамлакатимизда эркин иқтисодий зоналар, технопарклар ва кичик саноат зоналари фаолияти самарадорлигини ошириш, янгиларини ташкил этиш борасида олиб борилаётган ишлар бунда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда 17 та эркин иқтисодий зона фаолият юритмоқда. “Навоий”, “Ангрен”, “Жиззах”, “Ургут”, “Ғиждувон”, “Қўқон” ва “Ҳазорасп” эркин иқтисодий зоналарида умумий қиймати 486 миллион долларга тенг 62 лойиҳа амалга оширилган, 4 минг 600 дан ортиқ иш ўрни яратилган. Фармацевтика соҳасига ихтисослашган “Нукус-фарм”, “Зомин-фарм”, “Косонсой-фарм”, “Сирдарё-фарм”, “Бойсун-фарм”, “Бўстонлик-фарм”, “Паркент-фарм” сингари 7 янги эркин иқтисодий зонани ривожлантириш бўйича изчил ишлар олиб борилмоқда.

Президентимиз топшириғига асосан эркин иқтисодий зоналарда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни жадаллаштириш, хориждан юқори технологик ускуналар харид қилиш учун Ўзбекистон тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағи ҳисобидан 100 миллион доллар миқдорида чет эл валютасидаги кредит линияси очилган. Кичик саноат зоналарида дирекциялар ташкил этилган. Кредит олиш ва банк хизматларидан фойдаланишда муаммо бўлмаслиги учун ҳар бир зонага муайян тижорат банки бириктирилган. Бозор талаблари ва импорт номенклатурасини ўрганиш асосида тадбиркорлар учун таклифлар, истикболли лойиҳалар рўйхати шакллантирилган. Кичик саноат зонасида ишлайдиган субъектлар 2 йил барча солиқлардан озод этилган. Бўш турган ёки самарасиз иш юритаётган ишлаб чиқариш биноларидан самарали фойдаланиш, янги корхоналар ташкил этишни рағбатлантириш мақсадида ушбу бинолар негизида кичик саноат зоналари ташкил этилди. Мамлакатимиздаги кичик саноат зоналари 96 тага етди.

Бугунги кунгача ушбу зоналарда умумий қиймати 535 миллиард сўмга тенг 1021 лойиҳа амалга оширилган, 9 минг 600 дан зиёд иш ўрни яратилган¹⁰⁴.

¹⁰³“Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сонли Фармони.

¹⁰⁴www.stat.uz – Ўз.Р. Давлат статистика қўмитасининг расмий сайти

Лойиҳалар доирасида нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам харидоргир бўлган енгил саноат, кимё, озиқ-овқат маҳсулотлари, электр техникаси буюмлари, замонавий қурилиш материаллари, мебель ва бошқа тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Бундан ташқари, 248 лойиҳани амалга ошириш натижасида 11 минг янги иш ўрни яратиш режалаштирилмоқда.

Шунинг билан биргаликда эркин иқтисодий зоналар салоҳиятидан етарлича фойдаланилмаётганлигининг оқибатида унинг иштирокчилари томонидан рақобатдош, экспортбоп ва импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми ҳамон паст, уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши, ички бозорни истеъмол товарлари ва бутловчи буюмлар билан таъминлаш, республикада экспорт салоҳиятини кенгайтириш ва валюта тушумлари миқдорини кўпайтиришдаги улуши паст даражада қолмоқда.

Шунингдек, айрим инвестиция лойиҳалари портфелининг сифати талабга жавоб бермайди, эркин иқтисодий зона ҳудудида етакчи хорижий компаниялар иштирокида, аввало, маҳаллий минерал-хомашё ресурслари ва қишлоқ хўжалиги хомашёсини чуқур қайта ишлаш, шунингдек, жаҳонга машҳур брендлар остида экспортбоп тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича юқори технологияли маҳаллийлаштирилган замонавий корхоналар ташкил этиш ишлари суғ амалга оширилмоқда, эркин иқтисодий зона ҳудудида ташкил қилинган хўжалик субъектлари ўртасида саноат ва кооперация алоқалари етарли даражада эмас, зарур логистика тизими мавжуд эмас.

Шуларни ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимизда эркин иқтисодий зоналарда маҳаллий минерал-хомашё ресурсларни чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматга эга рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган замонавий корхоналар ташкил этиш, республика ҳудудларининг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланиш, шу аснода янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли даромадини ошириш учун хорижий, аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг муҳим омили сифатида ривожлантириш куйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарида жойлашган корхоналарни барча зарур муҳандислик-коммуникация тармоқлари ва инфратузилма билан ўз вақтида таъминлаш;

- кластер ёндашувлардан кенг фойдаланган ҳолда ЭИЗ иштирокчилари ўртасида яқин кооперация алоқаларини йўлга қўйиш;

- эркин иқтисодий зона ҳудудида жойлашган саноат корхоналари ва инфратузилма объектларида ишлаб чиқариш амалиёти ўташини назарда тутган

ҳолда, Олий ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларида юқори малакали мутахассислар тайёрлашни йўлга қўйиш;

- эркин иқтисодий зона иштирокчиларини рўйхатга олиш, уларга ер участкалари ажратиш, инвестиция лойиҳаларини маъқуллаш, корхоналарни ташқи муҳандислик инфратузилмасига улаш, тадбиркорларга ишлаб чиқараётган маҳсулотини ички ва ташқи бозорларда сотишга кўмаклашиш жараёнлари муддатининг асоссиз чўзилишининг олдини олиш.

Демак, эркин иқтисодий зоналар мамлакатни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун маҳаллий ва чет эл капиталини, илғор технология ва бошқарув тажрибасини жалб этиш мақсадида тузиладиган, маъмурий чегаралари ва алоҳида ҳуқуқий тартиботи аниқ белгиланган махсус ажратилган ҳудуд саналади.

Ҳозирги вақтда мамлакатлар ривожланиб бораётган эркин иқтисодий зоналарни яратиш ва бу орқали импорт маҳсулотларини нархини камайтиришга уриниш, янги иш ўринларини шакллантириш орқали мамлакатни инкироздан чиқаришнинг ягона йўли сифатида қарашмоқда. Маълумотларга кўра, бугунги кунда дунёда 3,5 мингдан зиёд эркин иқтисодий зоналар ташкил этилган бўлиб, улар 140 га яқин мамлакатда жойлашган¹⁰⁵. Бутун дунёдаги эркин иқтисодий зоналарда салкам 70 миллион киши меҳнат қилади. Уларнинг йиллик савдо айланмаси эса 500 млрд. доллардан зиёддир. Ўзбекистоннинг аҳолисининг 60 % ёшлар (30 ёшгача) ташкил қилишини ҳисобга олсак, бу ҳолатнинг нақадар долзарб эканлигини кўришимиз мумкин.

Гиясов С.А. БМА катта ўқитувчиси

ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ЗАМОНАВИЙ КАМЕРАЛ СОЛИҚ НАЗОРАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати органларида солиқ маъмурчилигини такомиллаштиришнинг муҳим йўналишларидан бири – бу камерал солиқ назорати фаолиятини яхшилаш ҳисобланади. Камерал солиқ назоратнинг асосий мақсади – солиқ тўловчилар фаолиятидаги ҳужжатли текширишлар сонини камайтириш, уларнинг ҳуқуқий онгини ошириш, молиявий ва солиқ ҳисоботларини ўз вақтида топшириш интизомини шакллантириш, келгусида солиқ қонунчилигини кўпол равишда бузилмаслигини олдини олишдан иборатдир.

Албатта, давлат солиқ хизмати органларида янги ташкил қилинган камерал солиқ назорати бўлимларининг амалиётдаги ишлаш жараёнида бир

¹⁰⁵ www.worldeconomics - жаҳон иқтисодиёти янгиликлари.

қатор муаммолар мавжуд бўлиб, бунда асосан камерал солиқ назоратни амалга ошириш учун ички ва ташқи ахборотларнинг етарли эмаслиги, солиқ тўловчиларнинг солиқ қонунчилигини яхши, мукамал билмаслиги, мунтазам солиқ қонунчилигига киритилаётган кўплаб ўзгаришлар оқибатида солиқ ва молиявий ҳисоботларини ўз муддатида солиқ идораларига топширилмаслиги, молиявий ва солиқ ҳисоботларнинг реквизитларини тўғри тўлдирмасликлари каби омилларни келтириш мумкин. Камерал солиқ назоратини амалга ошириш учун ички ахборот маълумотлар базаси яхши шаклланган бўлсада, аммо ташқи ахборотлар сифатини талаб даражасида деб бўлмайди.

Дарҳақиқат, бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида алоҳида белгилаб ўтилган¹⁰⁶. Хусусан, солиқ органлари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ҳолати солиқ маъмуриятчилигининг шаффофлигини, солиқ солиш масалаларида манфаатдор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорлик қилиш ҳамда назорат самарадорлигини, шунингдек давлат хизматларидан фойдаланиш имконияти етарли даражада таъминланмаётганлиги эътироф этилган. Шунинг учун мазкур Фармоннинг дастлабки муҳим йўналишларида Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати органлари тизимини ислоҳ этишнинг қўйидаги устувор вазифалари белгилаб берилди. Жумладан:

- солиқ маъмуриятчилиги жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва илғор автоматлаштирилган таҳлил услубларини кенг жорий этиш, солиқ тўловчиларга, энг аввало, тадбиркорлик субъектларига тўғридан-тўғри мулоқотсиз электрон хизмат кўрсатишга тўлиқ ўтиш;

- солиқ солиш объектлари ва солиқ солинадиган базанинг ўз вақтида ҳамда ишончли ҳисобга олинишини таъминлаш, ваколатли органлар ва ташкилотлар мансабдор шахсларининг солиқ солиш масалалари билан боғлиқ бўлган ишончли ахборотни ўз муддатида тақдим этиш бўйича масъулиятини кучайтириш;

- солиқ мажбуриятларини бажаришда солиқ тўловчиларга ҳар томонлама кўмаклашиш, солиққа оид ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг таъсирчан механизмларини ишлаб чиқиш ва солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, солиқ назоратини амалга оширишнинг замонавий услубларини жорий этиш.

¹⁰⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 июлдаги “Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5116-сонли Фармони. ЎРҚХТ, 2017 й., 29-сон, 684-модда.

Камерал солиқ нозоратини амалга оширишнинг ташқи манба маълумотлар базаси Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 84-моддасига мувофиқ солиқ тўловчиларнинг мажбуриятлари юзага келганлиги тўғрисида ахборот тақдим этадиган қуйидаги органлар ва ташкилотлар томонидан белгиланган муддатда давлат солиқ хизмати органларига тақдим қилинадиган маълумотлар асосида шаклланади.¹⁰⁷

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига асосан солиқ тўловчиларнинг мажбуриятлари юзага келганлиги бўйича 53 та мутасадди вазирлик ва идоралар томонидан давлат солиқ хизмати органларига маълумотлар тақдим этиб бориш тартиби аниқ белгиланган ва унга асосан бир қатор идоралар билан ўзаро маълумот алмашинуви тўғрисида битимлар имзоланган.¹⁰⁸ Битимларга асосан вазирлик ва идораларнинг маълумотлар базасини давлат солиқ қўмитасининг ягона маълумотлар базасига интеграциялаштириш борасида жами 53 та вазирлик ва идоралар билан 112 та йўналишлар бўйича ахборотлар Ягона базага интеграциялаштирилди. Шундан, 6 та вазирлик ва идораларнинг 7 та йўналиши бўйича ахборотлар VPN каналлари орқали ҳамда 47 тасидан 105 та йўналишдаги маълумотлар электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда license.soliq.uz web-тизими орқали интеграциялаштирилган.

Давлат солиқ қўмитасининг ягона интеграциялаштирилган ахборот-ресурс базасида 2017 йил 1 январь ҳолатига жами 1 709 мингдан зиёд, шундан 40,1 фоизи юридик ва 59,9 фоизи жисмоний шахсларнинг солиқ мажбуриятлари пайдо бўлганлиги тўғрисида ахборотлар шакллантирилган.¹⁰⁹ Бундан кўриниб турибдики, солиқ идораларида ташқи манба бўйича жуда катта маълумотлар базаси шаклланган.

Аммо, давлат солиқ инспекциялари поғонасида тақдим қилинаётган маълумотлар асосида шаклланаётган ташқи манба маълумотлар базаси сифат жиҳатидан тўлиқ шакллантирилмаяпти. Жумладан, кадастр идоралари томонидан юридик ва жисмоний шахслар эгалигидаги ер майдонлари тўғрисидаги маълумотлар жуда сифатсиз тақдим қилинаётганлиги, шунингдек, сотилган нефт маҳсулотлари тўғрисида ҳудудий нефт базаларининг маълумотлари, бажарилган қурилиш ишлар ҳажмлари тўғрисида ягона буюртмачи инжиниринг компаниялари ва “Қишлоққурилишинвест” ихтисослаштирилган шўъба инжиниринг компаниялари томонидан

¹⁰⁷ Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. “Адолат” нашриёти, Т.: -2016. 410 б.

¹⁰⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 30 октябрдаги ПҚ-1843-сонли қарори. ЎРҚХТ, 06.11.2017 й., 07/17/3376/0211-сон.

¹⁰⁹ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари.

маълумотлар тўлиқ ёки ўз вақтида тақдим қилинмаётганлиги, “Ўзбекнаво” эстрада бирлашмаси томонидан концерт-томоша фаолияти билан шуғулланишга лицензия олган юридик ва жисмоний шахслар бўйича маълумотларнинг тақдим этилмаганлиги ташқи манба маълумотлар базасини тўлақонли ва сифатли шакллантирилишига салбий таъсир қилмоқда. Шу сабабли, бизнинг фикримизча маълумотлар базасини Республика миқёсида марказлашган ҳолда шакллантириш лозим.

Шунингдек, ташқи манба маълумотлар базасини тўлиқ, мукамал ва ўз вақтида шакллантирилишини таъминлаб бориш мақсадида маълумотларни тақдим этадиган корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини солиқ агентлари масъулиятига тенглаштириш ҳамда жавобгарлигини ошириш, хато тақдим қилган, маълумотларни тўлиқ ёки умуман тақдим этмаган ташкилотларга нисбатан кескин чоралар кўрадиган механизм ташкил қилиш лозим. Бунинг учун ахборот тақдим этадиган ташкилотлар фаолиятини ўзаро келишилган битимлар доирасида мажбуриятларини бажарилиши борасида ҳар ойда текшириб бориш, маълумотларни тўлиқ тақдим қилиш тизимига тезроқ ўтиш лозим. Ташқи манба маълумотлар базаси мукамал шакллантирилмас экан, камерал солиқ назорат иши самарадорлигини такомиллаштириш тўғрисида фирка юритиб бўлмайди.

Бундан ташқари, фаолият турлари бўйича лицензияси мавжуд корхоналар тўғрисида солиқ тўловчининг тарихи бўйича давлат статистика қўмитаси ва рўйхатга олиш органи маълумотларидан ягона марказий маълумотлар базасини яратиш камерал солиқ назоратининг ташқи ахборот базасини мустаҳкамлайди ва давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ тўловчиларнинг молиявий ва солиқ ҳисоботлари асосида жойларга чиқмасдан, масофадан назоратни амалга оширишини таъминлайди.

Солиқ кодексининг 84-моддасига асосан с бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгарлик чоралари Солиқ кодексида назарда тутилиши ва ушбу жазо чораларини кучайтириш лозим. Бундай ҳолатлар солиқ тўловчи солиқларни тўламаган ёки кечикиб тўлаганда юзага келадиган ҳуқуқий оқибатга тенглаштирилиши лозим. Бунинг натижасида камерал солиқ назоратини ўтказиш учун ташқи ахборот манбасини шакллантириш бўйича масъулият кучайиб инновацион технологиялар асосида камерал солиқ назорат ўтказиш учун имкониятлар кўпаяди.

3-ШЎЪБА

ҲУДУДЛАРНИНГ САНОАТ ВА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ, ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ ХИСОБИГА СОЛИҚ ТУШУМЛАРИНИ КЎПАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

*Набиев Э. Г. – ТМИ кафедра мудири, и.ф.д., проф.
Мусаева З.Н. - ТМИ катта ўқитувчиси*

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ РИВОЖДАНТИРИШДА СОЛИҚ ТУШУМЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

Бугунги кунда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича “Ҳаракатлар стратегияси”да иқтисодиётда маъмурий-буйруқбозликка асосланган бошқарув тизимидан мутлақо воз кечилиб, бозор ислохотлари босқичма-босқич амалга оширилгани ва пул-кредит сиёсати пухта ўйлаб олиб борилгани макроиқтисодий барқарорликни, иқтисодиётнинг юқори суръатлар билан ўсишини, инфляцияни прогноз кўрсаткичлари даражасида сақлаб қолишни таъминлади ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини ривожлантириш учун кенг имкониятлар ва қулай шароитлар яратилишига хизмат қилиши белгилаб олинган. Ҳаракатлар стратегиясининг III-устувор йўналишида “Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари” белгиланган бўлиб, унда иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш, жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, тадбиркорлик тузилмаларининг фаолиятига давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари томонидан ноқонуний аралашувларнинг қатъий олдини олиш¹¹⁰ – бўйича алоҳида ислохотлар амалга оширилиши белгилаб қўйилган.

Мамлакатимизда миллий иқтисодиётни таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, бандликни таъминлаш, аҳолининг

¹¹⁰ “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон. www.lex.uz

даромади ва турмуш сифатини оширишнинг муҳим омил ва йўналишларидан бири тариқасида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш устувор масалалардан биридир. Юртбошимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганларидек, “Тармоқлар ва ҳудудларни модернизация қилиш, уларнинг рақобатдошлик даражасини ошириш, экспорт салоҳиятини ривожлантириш масалалари доимий эътиборимиз марказида бўлиши лозим. Бунинг учун хорижий сармоялар ва илғор технологияларни ҳамда ахборот-коммуникация тизимларини барча соҳаларга янада фаол жалб этишимиз зарур бўлади”¹¹¹. Шу боисдан, мамлакатимизда ҳудудлар молиявий салоҳиятини юксалтириш ва унда хизмат кўрсатиш соҳасининг ролини оширишга қаратилган иқтисодий ислохотларни изчиллик билан амалга ошириш долзарб масалалардан ҳисобланади.

2016-2020 йилларда мамлакатимизда хизматлар соҳасини ривожлантиришдаги устувор йўналишлар ва вазифалар этиб қуйидагилар белгиланган:

– хизматлар соҳасини ривожлантириш ҳисобига ялпи ички маҳсулотни кўпайтириш, унинг республика иқтисодиётидаги улушини 48,7 фоизгача етказиш;

– 2020 йилга бориб қишлоқ жойларда хизматларни 1,8 бараварга ўстириш;

– муҳандислик-коммуникация, йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, тармоқларда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ҳисобига хизматлар соҳасини, таркибий ўзгартиришларни жадал ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш;

– рақобат ва тадбиркорлик муҳитини шакллантириш, ҳамда бир вақтнинг ўзи да кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантиришга кўмаклашиш.

XX аср иқтисодиётининг энг асосий қонуниятлари—бу индустриал иқтисодиётни постиндустриал иқтисодиётга ёки хизматлар иқтисодиётига ўзгаришидандир. Хизматлар иқтисодиётига ўтиш жараёни универсал бўлиб, барча мамлакатларга хосдир. Лекин, ушбу жараён ҳар бир мамлакатнинг ўз ички имкониятлари асосида шаклланиб бориши ҳамда бевосита иқтисодиётнинг ривожланиш даражасига боғлиқ.

¹¹¹ Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. Тошкент оқшоми газетаси. №260 (13.323), 2016 йил 15 декабрь

XX аср иқтисодиётининг энг асосий қонунияти—бу индустриал иқтисодиётни постиндустриал иқтисодиётга ёки хизматлар иқтисодиётига ўзгаришидадир. Хизматлар иқтисодиётига ўтиш жараёни универсал бўлиб, барча мамлакатларга хосдир. Лекин, ушбу жараён ҳар бир мамлакатнинг ўз ички имкониятлари асосида шаклланиб бориши ҳамда бевосита иқтисодиётнинг ривожланиш даражасига боғлиқ. Шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти қайд этганларидек, “Барчамизга аёнки, хизмат кўрсатиш соҳаси иқтисодиётимизни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим манбаи ва омили ҳисобланади. Жаҳон тажрибаси бугун айнан ушбу соҳа ялпи ички маҳсулотни шакллантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, одамларнинг фаровонлигини оширишда етакчи ўрин тутишини кўрсатмоқда”¹¹² дея таъкидлаб ўтган эди. Хизматларнинг ривожланиши ўзининг узоқ тарихига эга эканлиги натижасида XX аср сўнгига келиб, унинг жаҳон Ялпи ички маҳсулоти таркибидаги улуши 68,0 % га етди. Ўтган 100 йил давомида хизматлар соҳаси таркибий жиҳатдан кескин ўзгарди. XX аср бошларида кўрсатилаётган хизматлар доираси чегараланган бўлиб, уларнинг катта қисмини уй хизматлари, шунингдек савдо, транспорт, маиший хизматлар ташкил этган. Бугунги кунда эса илмий тадқиқотлардан тортиб токи таъмирлаш хизматларигача, таълимдан бошлаб токи қариялар ва ногиронларга хизмат кўрсатишгача бўлган 160 та хизмат турлари мавжуд бўлиб, мураккаб ақлий меҳнатдан фойдаланиладиган соҳалар юқори ўринни эгаллайди.

Халқаро хизматлар бозорини ўрганиб, уларнинг натижалари умумлаштирилганда қуйидаги тенденцияларни кўриш мумкин:

– ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, молиявий институтлар томонидан кредитлаштириш амалиётининг деярли 70 фоизи шу соҳага тўғри келади;

– ЯИМ таркибида хизматлар соҳасини улуши АҚШда 78,5%, Германияда 69,1%, Россияда 43,4%ни, ушбу соҳада яратилаётган иш ўринлари салмоғи эса АҚШда 73,0%, Германияда 41,0% ва Россияда қарийб 30%ни ташкил этади;

– инқирозга қарамасдан келажакда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ахборот ва коммуникация технологиялари, инновацион технологиялар бозорининг вужудга келиши ва жадал ривожланиши, молия-банк секторини ривожлантиришнинг янги тартибларини шакллантириш, бошқарув тизимининг самарадорлигини

¹¹² Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. – Т.: Ўзбекистон. 2015. – 64 б.

сезиларли даражада ошириш, аҳолининг замонавий хизмат турларига, шу жумладан халқаро туризмнинг турли шакллариغا бўлган эҳтиёжини мунтазам ошиб боришидан иборат бўлади;

– маркетинг, реклама, менежмент, ва компьютер хизматларига кўп харажат талаб этадиган юқори технологияли саноат тармоқларини шакллантириш, аҳоли эҳтиёжлари билан бир қаторда, хизматлар соҳасини ривожлантиришнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади;

– жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатлари ривожланган ҳамда ривожланаётган мамлакатларда туризм, транспорт, умумий овқатланиш ва бошқа хизмат турларига бўлган талабни пасайиши орқали хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг ривожланишига таъсир кўрсатади.

2017 йилда республика иқтисодиётида хизмат кўрсатиш соҳасининг ўрнини оширган ҳолда, унинг ЯИМдаги улушини 47,3% гача етказиш учун қуйидаги вазифаларни амалга оширилди:

- кредит ташкилотлари томонидан мазкур соҳа ривожига кенг кредит линияларини жорий этилди;

- хизмат кўрсатиш соҳасида 10 мингдан ортиқ шохобчаларни фойдаланишига топширилди;

- ҳудудларда туризм соҳасини ривожлантириш дастурларини амалга оширилди.

Хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантиришнинг қуйидаги инновацион ривожланишга босқичма-босқич ўтишни амалга ошириш лозим:

- юқори технологик тармоқларни хизмат кўрсатишдаги жадал ўсиши;

- энергия тежамкор тармоқларни янада ривожланиши таъминлаш керак.

Қуйидаги хизмат кўрсатиш соҳаларида бозор инфратузилмаси ва кичик бизнеснинг ривожланишини амалга оширишда кўмаклашиш керак:

- инфратузилма объектларини ташкил этишда давлат ҳокимияти органлари томонидан кўмаклашиш, бунда биринчи навбатда информацион-тижорат тармоқларини ривожлантириш, ҳуқуқий, маркетинг ва молия-кредит хизматларини ривожлантириш;

- бошқа манбаларни, шунингдек чет эл инвестияларини кенг жалб қилиш механизмини такомиллаштириш;

- ўзини ўзи самарали бошқариши учун хизмат кўрсатиш соҳасидаги кичик бизнес субъектларига иш майдонлари, бино ва иншоотлар етказиш, суғурта схемаларидан фойдаланиб молиялаштиришнинг банкдан ташқари шаклининг механизмини жорий этиш, технологик ускуналарни лизингга бериш

каби тадбирларни амалга оширилиши кўзда тутилган¹¹³.

Мамлакатимизнинг ҳудудларини жадал ривожлантириш учун маҳаллий минерал-хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлайдиган ва юқори қўшимча қийматга эга рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган юқори технологияли ва маҳаллийлаштириладиган замонавий корхоналарни ташкил қилиш, ушбу ҳудудларда ишлаб чиқариш, муҳандислик-коммуникация, йўл-транспорт ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантириш, шунингдек, сифатли логистика хизматлари кўрсатиш бўйича замонавий инфратузилмани шакллантириш асосида ҳудудларни комплекс ривожлантириш орқали аҳолининг бандлигини таъминлаш, ушбу ҳудуд аҳолиси учун муносиб ҳаёт даражаси ва сифатини таъминлашдан иборатдир. Ушбу мақсадда эркин иқтисодий зоналар иштирокчилари учун қуйидаги имкониятлар яратиб берилганки, мазкур имкониятлар дунёнинг биронта мамлакатада мавжуд эмас. Жумладан:

- ер солиғи, даромад солиғи, юридик шахслар мулк солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови;

- Республика йўл жамғармаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмаларидан;

- ўзининг ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун олиб келинадиган ускуналар, хомашё, материал ва бутловчи буюмлар, шунингдек, мамлакатимизда ишлаб чиқарилмайдиган ва лойиҳаларни амалга ошириш доирасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича олиб келинадиган қурилиш материаллари учун божхона тўловларидан озод этиш (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари);

- эркин иқтисодий зоналар доирасида иштирокчилар ўртасида тузилган шартномаларга мувофиқ хорижий валютада ҳисоб-китоб қилиш ва тўлаш.

Ўзбекистон Республикасининг бошқа хўжалик юритувчи субъектлари–резидентлари томонидан етказиб берилган товарлар, ишлар (хизматлар) учун хорижий валютада тўлаш, шунингдек, экспорт ва импорт қилинадиган товарлар учун ўзларига қулай бўлган тўлаш ҳамда ҳисоб-китоб қилиш шарт ва шаклларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади.

¹¹³ О.С.Комолов. “Хизматлар кўрсатиш ва унинг ривожланиш босқичлари”– ТМИ.

ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ КОРРУПЦИЯ ҲОЛАТИ БЎЙИЧА ЖАВОБГАРЛИГИНИ БЕЛГИЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Коррупция давлат хизматчиларининг функционал ёки профессионал вазифаларини ғаразли мақсадда бузиш билан боғлиқ жинойий ҳаракатларининг асосий шаклларида бири ҳисобланади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Трансмиллий уюшган жинойятчиликка қарши Палермо конвенциясида (8-модда) “коррупция расмий шахсга ҳақ бериш ёки таклиф қилиш, шунингдек шахсан ёки воситачилар орқали сўраш ёки қабул қилиш, ёхуд уни бошқа жисмоний ёки юридик шахсга топшириш эвазига лавозим эгасининг ўз вазифаларини бажараётганда бирон бир хатти-ҳаракат қилиши ёки қилмаслигидир , деб таъриф берилади”.

Коррупция муаммоси умумий ва глобал характерга эга бўлиб, бундай ҳолатлар давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳалари учун хавфли. Шу сабабли у иқтисодиётга, ҳукумат қарорларини ижросига зарарли таъсир кўрсатадиган, ахлоқни бузадиган, фуқаролар, фуқаролик жамияти институтларининг амалга оширилаётган давлат сиёсатига ишончига путур етказадиган, адолатпарварлик тамойилини бузадиган салбий иллат сифатида эътироф этилади.

Коррупция билан боғлиқ жинойятлари оқибатида иқтисодиётга етказиладиган зарар миқдори жуда катта ҳисобланади. Россиялик олимлар тадқиқотлари натижалари коррупция натижасида бевосита иқтисодий йўқотишлар йилига 20 дан 40 миллиард долларни ташкил этишини қайд этади. Коррупциянинг иқтисодиётга билвосита зарари эса, яъни капитални экспорт қилиш эвазига ҳисоб-китобларга кўра ҳар йили 20-25 миллиард долларни, солиқ қонунчилигидаги номутаносиблиги оқибатида йўқотишлар миқдори ЯИМнинг қарийб 2,5 фоизни, барча даражадаги мансабдор шахсларга пора тарзидаги бериладиган тўловлар миқдори эса битимнинг 10 фоизигачасини ташкил этган¹¹⁴.

Гарвард университети олимларининг тахминий ҳисоб-китобларига кўра, коррупция маҳсулот ва хизматларнинг нархини 5-15 фоизга оширади. Давлат харидлари ва таъминотидаги коррупциядан тушган зарарлар ушбу объектлар бўйича барча бюджет харажатларининг тахминан 30 фоизини ташкил қилади¹¹⁵.

¹¹⁴ Симанович А. А. Институциональные коррупции // Безопасность бизнеса. 2009. № 3. С. 30–31

¹¹⁵ <http://www.fian.ru/economy/20110201/329132334.html>

Коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини ошириш миллий қонунчилик меъёрларни халқаро стандартлар мувофиқлаштиришни талаб этади.

БМТнинг 1990 йилги Гавана (Куба) Конгрессида мансабдор шахслар Кодексини ишлаб чиқиш вазифаси белгилаб қўйилган бўлиб, миллий қонунчиликни ривожлантириш мақсадида 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясида коррупцияга қарши курашишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш ва коррупцияга қарши курашиш тадбирларининг самарадорлигини ошириш ҳамда аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва онгини юксалтириш, бу борада давлат тузилмаларининг фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари билан ўзаро самарали ҳамкорлигини ташкил этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган¹¹⁶.

Коррупция ҳолатларини таҳлил қилиш коррупция жиноятларининг асосий қисми юридик шахслар манфаати учун кўзлаб содир этилишини кўрсатмоқда.

Маъмурий ва фуқаролик ҳуқуқи институтлари ривожланган хорижий давлатларнинг коррупция қарши курашиш ҳолатлари таҳлили қонунчилик меъёрларида жавобгарликни аниқ белгилаш ва уларни такомиллаштириб борилиши ўз самарасини берганлигини кўриш мумкин.

Юридик шахсларнинг коррупция жиноятлари учун жавобгарликнинг ҳуқуқий ва ташкилий асослари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясининг 4-моддасида ҳисобланади. Ушбу халқаро шартнома ҳаётнинг барча жабҳаларида коррупцияни ривожланиши ва тарқалишининг олдини олишга қаратилган кенг қамровли ҳужжатдир.

БМТ Конвенциясининг 26-моддасида иштирокчи давлат ўз ҳуқуқий меъёрларига мувофиқ, коррупция билан боғлиқ жиноятларда иштирок этганлик учун юридик шахсларнинг жавобгарлигини аниқлаш учун зарур бўлган чораларни кўриши зарур ҳисобланади. Юридик шахсларнинг бундай жиноятлар учун ушбу Конвенцияси қоидаларига мувофиқ, иштирокчи давлатнинг ҳуқуқий принциплари асосида жиноий, фуқаролик ёки маъмурий жавобгарлиги бўлиши мумкин¹¹⁷.

³2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2017 йил 13 февраль, 6-сон.

¹¹⁷БМТ 58-сессияси 51- ялпи мажлиси 58/4 сонли қарори. 2003 йил 31 октябрь, Нью-Йорк.

Юридик шахсларнинг коррупцияга қарши жиноий жавобгарлиги масаласи Конвенциясида белгиланганлигига қарамасдан мазкур қонунда амалга ошириш кўпчилик давлатларнинг миллий қонунчилигида назарда тутилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси (17-модда)да ижтимоий ҳавфли қилмиш учун ақли расо ва белгиланган ёшга етган жисмоний шахслар жиноий жавобгарликка тортилиши белгиланган¹¹⁸.

Коррупция жиноятининг асосий кўринишларидан бири бўлган пора олиш билан боғлиқ ҳолатлар учун Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги “Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 19-сонли қарорида порахўрлик жинояти учун жавобгарликка фақат давлат, кооператив, жамоат ва бошқа корхона, муассаса ва ташкилотларда мансабдорлик вазифасини доимий ёки вақтинчалик бажараётган ходимлар тортилиши белгилаб қўйилган. Ёхуд пора берувчининг манфаати учун тегишли ҳаракатларни бажариш ваколатига эга бўлмаса-да, лекин ўзининг эгаллаб турган лавозими мавқеига кўра пора учун ушбу ҳаракатлар бошқа мансабдор шахс томонидан бажарилиши учун чора кўриш мумкин бўлган мансабдор шахслар ҳам ушбу жиноятнинг субъекти эканлиги белгилаб қўйилган¹¹⁹

Ҳолбуки шундай хатти-ҳаракатлар юқорида таъкидланганидек, кўпинча юридик шахс манфаатини кўзлаб амалга оширилади.

Россия қонунчилигига кўра (25.12.2008 йилдаги 273-ФЗ - сонли Қонун 14-моддаси) юридик шахс номидан ёки унинг манфаати учун коррупция ёки коррупцияга оид жиноятлар содир этиш учун шарт-шароитлар яратадиган ташкилот, коррупция ёки жиноятларга тайёргарлик кўриш ва уни бажариш учун Россия Федерацияси қонунларига мувофиқ юридик шахсга нисбатан жавоб чоралари қўлланилиши мумкинлиги белгиланган. Ушбу модда меъёрига мувофиқ юридик шахсни жавобгарликка тортиш жисмоний шахсни жавобгарликдан озод қилмайди ва мазкур қоидалари қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда хорижий юридик шахсларга нисбатан қўлланилади

Россия қонунчилик меъёрлари юридик шахсларга нисбатан коррупция жиноятлар учун фақат маъмурий ва фуқаролик жавобгарлик белгиланишини назарда тутди.

Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни 27-моддасида “Юридик шахслар коррупцияга оид

¹¹⁸ Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодеси "Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси", 1995 йил, 1-сон.

¹¹⁹ Norma.uz.

ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўлади”, деб белгилаб қўйилган. Аммо фақат солиқ қонунчилиги айбдорга маъмурий ёки жиноий жазо билан бирга юридик шахсга молиявий жазо қўлланилишини назарда тутади.

Ҳаттоки, юридик шахсни тугатиш тартиби асосини белгилаб берувчи асосий қонун ҳужжати ҳисобланган Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси 53-моддасида ҳам коррупция ҳолатларида юридик шахсни тугатиш мумкинлиги кўрсатилмаган.

Баён этилганларга кўра коррупцияга оид жиноятлар учун жавобгарлик меъёрларини аниқ белгилаб қўйиш зарур, деб ҳисоблаймиз. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси 53-моддасига “коррупция қарорига асосан тугатиш мумкин” деган қўшимча киритиш тавсия этилади.

Бу меъёрнинг киритилиши коррупцияни олдини олиш ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясининг 4-моддаси ижросини таъминланиши учун хизмат қилади.

*Мухаммадиев Р. З. Солиқ академияси
Иқтисодиёт бўйича проректори*

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИДА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик фаолиятига фақат илмий ёндашув бўлсагина кўзлаган мақсадга эришиш имконияти кафолатланади. Фақат замонавий ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқарилсагина рақобатга дош бера олади ва бозорда рақобатбардош товарга айланади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “Мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш, халқимизнинг фаровон турмушини таъминлашда муҳим ўрин тутаётган тадбиркорликни кўллаб-қувватлаш масаласи давлат сиёсатининг стратегик йўналишларидан биридир”¹²⁰.

Шуни таъкидлаш лозимки, бугунги стратегик ҳаракат шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг янги маҳсулот яратишида янгича иқтисодий фикрлашнинг тансиқлиги, бозор муносабатларига мослаша

¹²⁰ Ш.М.Мирзиёев “Миллий тараққиёт йўлимининг қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз” Ж 1.Тошкент: Ўзбекистон 2017. 201-б.

олмаслик, бозор қонуниятларини мукаммал ўзлаштирилмаганлик каби ҳолатлар кузатилмоқда.

Бизнинг фикримизча, янгича иқтисодий фикрлашни шакллантиришда энг аввало бизнес субъекти ўзини намоён этиши, имкониятлардан самарали фойдаланиши, аниқ қарор қабул қилиб, ташаббускор ва масъулиятли бўлиши, юқори касбий тайёргарликка эга бўлиб, ўз фаолиятини аниқ мақсад сари йўналтириши лозим.

Хусусан, Тадбиркор:

- тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга оид қонунчиликни;
- амалий ҳаракат қилишни;
- ишлаб чиқаришни ташкил этишни;
- тўсиқ ва муаммоларни ҳал этиб, тезкор қарор қабул қилишни;
- бозор шароитида маҳсулотни баҳолашни ва сотишни;
- иқтисодиётни тушуниб, ижодкор бўлишни;
- ижтимоий-иқтисодий, техникавий, замонавий илм-фан ютуқларига

таяниб, бозордан бир қадам олдинда юришни билиши зарур.

Ҳар бир тадбиркор ўз салоҳиятини англаб етиши учун қўйидаги саволлар билан ўзини синовдан ўтказиши керак:

- ушбу фаолият бўйича зарур билимга эгаманми?
- фаолиятим қонунийми, мажбуриятларимни англадимми?
- фаолиятим бугунги кунда долзарбми, татбиқ этиш мумкинми?
- юз бериши мумкин бўлган муаммоларга тайёрманми?
- келгуси фаолиятимдан қандай хулосалар чиқардим?
- мавжуд муаммоларни ҳал қилиш усуллари мавжудми?

Булардан ташқари бозорда доимий ўз ўринни эгаллаши учун фаолият даврининг тарихий ва тадрижий моҳиятини англаши, замонавий бозорга мослашиш услубларини билиши лозим. Бу дегани сўз, тадбиркор бозор шароитида инновацион янгилик яратувчи, ижодкор бўлиши керак. У албатта қатъиятли бўлиши, шунингдек, бизнесда тадбиркорлик одобини билиши хусусан, ҳалол ва ҳаром, нима мумкин, нима таъқиқланган каби жиҳатларга амал қилиши зарур. Зеро бизнес фақат ҳалол рақобат муҳити шаклланган шароитда кенг ривожланади.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Кичик бизнес - жамиятда ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий вазиятни мўътадиллаштиришга ёрдам берадиган ўрта тадбиркорлар синфининг

пайдо бўлиши демакдир”¹²¹. Бугунги кунда кичик бизнес кенг ривожланмаган замонавий иқтисодиётни тасаввур этиб бўлмайди. Кичик ва хусусий тадбиркорлик ривожланиши ва рақобат муҳитини шакллантиришда солиқ тизими алоҳида ўрин эгаллайди.


Айнан ушбу мақсадларга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг солиқ тизимини ислоҳ қилиш концепцияси юқорида келтирилган тадбиркорлик ривожини, мавжуд манбалардан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтириш билан аҳамиятлидир.

*Кутбитдинова М. И. -Солиқ академияси
кафедра мудири, и.ф.н.*

ХУДУДЛАРДА ХИЗМАТЛАР СОҲАСИНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАРЁНЛАРИДА МЕНЕЖМЕНТДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Хизмат кўрсатишлар соҳаси иқтисодиётнинг энг истиқболли ва жадал ривожланаётган тармоқларидан бири ҳисобланади. Уни бошқариш менежмент тамойилларига таянишини тақозо этади. Маълумки хизматлари кўрсатиш жуда хилма-хил бўлиб, булар жумласига савдо ва транспорт хизматларидан тортиб молиявий, суғурта ва турли хил воситачилик хизматлари киради.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш имконини бермоқда. Натижада, 2017 йилда ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) таркибида хизматларнинг улуши 47,3 фоизни ташкил этиб ҳажми 116795,7 млрд.сўмдан ошди ва 2016 йилга нисбатан 8,9 фоизга ўсди. (1-расм)



1-расм. ЯИМ таркибида хизматларнинг улуши, % да¹²²

¹²¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997. 197-б.

¹²² Манба: stat.uz. муаллиф ишланмаси.

Хизматлар ҳажмининг ошиши бозорда янги турдаги хизматларнинг пайдо бўлиши, хусусан, кредит карталари орқали тўловлар, Интернет-савдо, янги савдо марказлари, овқатланиш корхоналари, меҳмонхоналарнинг ташкил этилиши, таълим хизматларининг ҳамда дам олиш соҳасидаги танловнинг кенгайиши каби омиллар таъсири остида кечган.

2017 йилда иқтисодий фаолият турлари бўйича бозор хизматлари таркибида транспорт хизматлари 30,3 % ни, савдо хизматлари 27,4 % ни, молиявий хизматлар 12,8 % ни, алоқа ва ахборотлаштириш хизматлар 6,8% ни, таълим соҳасидаги хизматлар 3,6 % ни, кучмас мулк билан боғлиқ хизматлар 3,3 % ни, бошқа хизматлар 3,2 % ни, яшаш ва овқатланиш хизматлари 3,1% ни, шахсий хизматлар 2,7 % ни, ижара хизматлари 2,2 % ни, компьютерлар ва маиший товарларни таъмирлаш бўйича хизматлар 2,0 % ни, соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар 1,4 % ни ҳамда меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар 1,2 % ни ўз ичига олади.

Ҳудудлар таркибида хизматлар ҳажмининг ўсиши 2017 йилда 2016 йилга нисбатан Тошкент шаҳрида (114,6 %), Навоий (107,0 %), Сирдарё (106,0 %), Андижон (105,6 %), Хоразм (105,3 %), Жиззах (105,2 %), Наманган (105,0 %) вилоятларида ва Қорақалпоғистон Республикасида (106,0 %) юқори суръатларда бўлган.

Хизматлар ҳажмининг нисбатан юқори улуши Тошкент шаҳрида (32,1 фоиз), Тошкент (7,9 фоиз), Самарқанд (7,1 фоиз), Фарғона (6,5 фоиз), Андижон (5,7 фоиз) фоиз), Қашқадарё (5,0 фоиз) вилоятларига тўғри келади. Сирдарё (1,4 фоиз), Жиззах (2,1 фоиз), Навоий (2,6 фоиз), Хоразм (3,1 фоиз), Сурхондарё (3,8 фоиз) вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси (3,0 фоиз) эса энг кам улушига эга бўлган ҳудудлар қаторига киради.

Саноат ривожланган ҳудудларда (қазиб олиш саноатидан ташқари) – Тошкент шаҳри, Тошкент, Навоий вилоятларида – хизматлар соҳасининг аҳоли жон бошига ўртача кўрсаткичлари Сурхондарё, Қашқадарё, Наманган, Жиззах ва Сирдарё вилоятларига нисбатан анча юқори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-325-сонли Қарорининг 7-бандида белгиланган 35-иловадаги рўйхатга мувофиқ хизматлар кўрсатаётган юридик шахслар учун даромад (фойда) солиғи ва ягона солиқ тўлови тўлашдан озод этиш тарзидаги имтиёзларнинг муддатлари 2020 йил 1 январгача узайтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 апрелдаги ПҚ-2863-сонли қарорида қишлоқ жойларда тиббий хизматлар кўрсатиш соҳасида ташкил этиладиган янги микрофирмалар ва кичик корхоналар давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб 10 йил муддатга ягона солиқ тўловидан озод этилиши белгиланди.

Ўзбекистон Республикасида иқтисодий фаолият турлари бўйича хизматларнинг статистик ҳисоби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 26 февралдаги “2016-2020 йилларда хизматлар соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги 55-сон қарори билан тасдиқланган Хизматлар соҳасини ривожлантириш дастурига мувофиқ амалга оширилади.

Миллий иқтисодиётни ислоҳ қилиш жараёнлари нафақат хизматлар соҳасида юқори кўрсаткичларга эришишга, балки уни янада ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни яратишга ёрдам беради.

Хизматлар таркибининг сифат жиҳатдан кенгайиши янги иш ўринларини яратиш, инвестицион фаолиятни фаоллаштириш, илғор ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ва самарали бошқарув усулларини жорий қилиш учун зарур бўлган хизматлар соҳасига хорижий капиталнинг кириб боришини ошириш ҳамда солиқ ва пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш имконини беради.

Буларнинг барчаси Ўзбекистонда хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишнинг оқилона таркибини шакллантириш ҳамда келажакда аҳоли турмуш даражаси ва сифатини ошириши имконини беради.

Бутабаев М.Ш. – заведующий кафедрой

«Инвестиции» БФА, к.э.н.

Котов В.А. – доцент кафедры

«Инвестиции» БФА, к.э.н.

ПУТИ ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ ВОЗДЕЙСТВИЯ ИНВЕСТИЦИОННОЙ И НАЛОГОВОЙ ПОЛИТИКИ НА РОСТ КОНКУРЕНТОСПОСОБНОСТИ ПРЕДПРИЯТИЙ-ЭКСПОРТЕРОВ УЗБЕКИСТАНА

Задачи инновационного развития национальной экономики, проведения глубоких экономических реформ и наращивания экспортного потенциала

Узбекистана требуют проведения согласованной и взвешенной инвестиционной и налоговой политик государства.

Как видно из Рис. 1, налоги являются важнейшим элементом взвешенной инвестиционной политики любого государства, т.к. с их помощью оно способно активизировать деятельность различных категорий иностранных и внутренних инвесторов, имеющих избыток капитала и способных вложить его в приоритетные отрасли и регионы любой страны. Благодаря наличию стимулирующей функции налогов государство имеет возможность косвенно воздействовать на функционирование рыночной экономики с целью обеспечения ускоренного развития приоритетных ее секторов или отраслей. Именно таким перспективным сектором выступает экспортоориентированный сектор, охватывающий предприятия реального сектора экономики и организации социальной сферы. Как правило, специальные режимы налогообложения для предприятий-экспортеров должны быть привязаны к общей стратегии налоговой политики и тесно скоординированы с общей системой налогообложения в целях содействия постепенному переходу от упрощенного к общеустановленному режиму налогообложения и для сведения к минимуму диспропорций в налогообложении разных субъектов хозяйствования.

Как показывает проведенное нами исследование передового мирового опыта, в зарубежных странах применяются различные, иногда противоположные по своему содержанию подходы к стимулированию деятельности предприятий-экспортеров. Так, ряд стран стимулировали свой экспорт на основе проводимой государством промышленной политики, предварительно определив наиболее перспективные с их точки зрения производства и товары.

В большинстве случаев такая политика давала положительные результаты, особенно когда речь шла о развитии нетрадиционного экспорта или экспорта современных технически сложных изделий, требующих значительных капиталовложений для организации производства и продвижения на мировые рынки. Наиболее показательным примером такого рода политики может служить Южная Корея. Однако, политика стимулирования отдельных производств содержит в себе высокую степень риска.

В процессе формирования стимулирующей налоговой политики для предприятий-экспортеров большое значение имеет правильный выбор

Принципиальная схема обращения инвестиций в современной экономике



стратегических приоритетов и определение отраслей производства, имеющих хорошие возможности для данной страны в долгосрочной перспективе. В связи с этим просматривается четкая связь между масштабами наращивания экспортного потенциала и эффективностью налогового стимулирования предприятий-экспортеров. При этом стимулирующее налогообложение по направленности своего воздействия становится сродни государственному финансированию, т.к. оно содействует активизации деятельности по освоению выпуска качественной продукции и наращиванию их экспортного потенциала. Соответственно налоговый механизм в этом случае строится на совершенно иных принципах по сравнению с теми рестрикционными принципами, которые обеспечивают гарантированное поступление государственных доходов. Изменение в зависимости от экономической конъюнктуры размера и состава налоговых льгот позволяет государству оперативно воздействовать на производственный цикл, устранять возникающие в ходе воспроизводственного процесса диспропорции, регулировать интенсивность накопления капитала.

Мировая экономическая пресса полна примеров неудачной реализации крупных экспортных проектов в Южной Корее, Таиланде, Сингапуре,

Малайзии, Индонезии и Бразилии, когда административные ошибки и игнорирование данного инструмента инвестиционной политики обернулись для них значительными потерями. Учитывая данные обстоятельства, актуальным становится тщательная систематизация и творческое использование различных механизмов поддержки экспорта на основе стимулирующего налогообложения, применяемых странами-ведущими поставщиками технологий и наукоемкого оборудования¹²³.

В настоящее время ситуацию в области стимулирующего налогообложения предприятий-экспортеров Узбекистана можно охарактеризовать как достаточно урегулированную, что обусловлено наличием мощной государственной поддержкой их деятельности в правовом аспекте, а также технико-материальном плане. Доказательством эффективности поддержки субъектов предпринимательства служат следующие факты: например, на 1 января 2016 года в результате предоставления налоговых льгот у 57 763 предприятий осталось 11 107,7 млрд. сум, что на 55,8 млрд. сум или на 0,4 процентов меньше, чем на 1 января 2015 года¹²⁴.

Отмечая явные преимущества стимулирующего налогообложения предприятий-экспортеров, следует отметить необходимость дифференцированного подхода в налоговой политике при налогообложении разных по величине предприятий. Например, для малых предприятий, осваивающих выпуск экспортной продукции, основной целью налоговой политики должно стать способствование добровольному выполнению налогового законодательства. В то же время налогообложение крупных предприятий-экспортеров и связанные с этим существенные риски формирования доходов бюджета требуют применения передовых механизмов камерального контроля со стороны соответствующих налоговых органов.

Таким образом, можно сделать вывод, что многие достигнутые в последние годы позитивные результаты в области наращивания экспортного потенциала республики стали возможны в результате существенного повышения согласованности проводимой в стране государственной инвестиционной и налоговой политики, а также широкого использования выработанных мировой практикой методов содействия экспорту и активизации инновационного развития предприятий-экспортеров.

¹²³ Килинкарлова Е. В. Налоговое право зарубежных стран. -М: Юрайт, 2015. С.135 - 148.

¹²⁴ «Аналитический вестник по итогам деятельности органов государственной налоговой службы за 2016 год» Государственного Налогового комитета Республики Узбекистан. С. 232.

*Абдибаева Т. - Солиқ академияси доценти, и.ф.н,
Очилов О. И. - Солиқ академияси мустақил изланувчиси*

ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ЎРНИ ВА УЛАРНИ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИДА ТАСНИФЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш шароитида макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш, юқори ўсиш суръатларини сақлаб қолиш ва миллий иқтисодиётни рақобатбардошлигини таъминлашда инвестицияларнинг аҳамияти беқиёсдир. Зеро, ҳар қандай иқтисодий фаолиятнинг амалга оширилиши капитал билан боғлиқ бўлиб, фойда олиш ёки иқтисодий-ижтимоий самарага эришиш мақсадида сарфланган маблағ инвестиция сифатида эътироф этилади.

Миллий иқтисодиёт тармоқларига инвестицияларни кенг жалб қилиш, қулай инвестиция муҳитини барпо этиш, ички ва ташқи молиявий манбалардан самарали фойдаланган ҳолда мамлакат экспорт салоҳиятини ошириш муҳим вазифаларга киради. Жумладан, тараққиётимизнинг янги йўналишларини белгилаб берувчи Ҳаракатлар стратегиясида ҳам “ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқариш, транспорт-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш” ва “ҳалқаро иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш, жумладан, етакчи халқаро ва хорижий молиявий институтлар билан алоқаларни кенгайтириш, пухта ўйланган ташқи қарзлар сиёсатини амалга оширишни давом эттириш, жалб қилинган хорижий инвестиция ва кредитлардан самарали фойдаланиш” устувор вазифалар сифатида белгиланган.¹²⁵

Мамлакатда инвестиция муҳитини яхшилаш орқали миллий иқтисодиётга хорижий сармояларни фаол жалб этиш бўйича белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш мамлакатимизнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириб, тўғридан-тўғри сармоялар жалб қилиш ҳамда ҳудудларнинг экспорт имкониятларини янада кенгайтирмоқда.

Бунинг натижасида иқтисодиётимизга йўналтирилаётган инвестициялар ҳажми йилдан-йилга ўсиб бормоқда (1-жадвал).

¹²⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 7 феврал, ПФ-4947.

**Ўзбекистон Республикасида 2005-2017 йилларда асосий капиталга
киритилган инвестициялар динамикаси¹²⁶**

Макроиктисодий кўрсаткичлар	2005 й.	2010 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.
Асосий капиталга инвестициялар, млрд.сўм	3165,2	15338,7	40737,3	49 476,8	60 719,2
Асосий капиталга инвестицияларнинг ЯИМдаги улуши, фоизда	19,9	24,6	24,4	25,0	24,4

Таҳлил натижалари шуни кўрсатмоқдаки, 2005 йилдан буён республикаимиз иқтисодиётига жалб қилинган инвестициялар ҳажми мунтазам равишда ўсиб келмоқда. Жумладан, 2017 йилда асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми 2005 йилга нисбатан 19 баробар, 2010 йилга нисбатан 3.9 марта ва 2016 йилга нисбатан 1,2 баробар ошган. Бироқ, инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши сўнгги ўн йилликда 20-25 фоиздан ошмаган. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар кўлами иқтисодиётга сарфланаётган инвестициялар ҳажми ва уларнинг ЯИМдаги улушини янада ошириш зарурлигини кўрсатади.

Инвестициялар, улардан самарали фойдаланиш ушбу тушунчанинг иқтисодий мазмун-моҳиятига бевосита боғлиқ.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 9 декабрда қабул қилинган “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонунида инвестицияга қуйидагича таъриф берилган: “инвестициялар — қонун ҳужжатларида тақиқланмаган тадбиркорлик фаолияти ва бошқа турдаги фаолият объектларига киритиладиган моддий ва номоддий неъматлар ҳамда уларга бўлган ҳуқуқлар, шу жумладан, интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқлар, шунингдек реинвестициялар”¹²⁷.

Хўжалик юритувчи субъектларда инвестициялар бухгалтерия ҳисоби объекти сифатида асосан икки гуруҳга бўлинади ва уларнинг назорати ушбу гуруҳлар бўйича амалга оширилади. Булар қуйидагилардан иборат:

- молиявий инвестициялар;
- капитал инвестициялар.

¹²⁶ Манба: <https://stat.uz> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий сайти.

¹²⁷ Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуни, 2014 йил 9 декабр, ЎРҚ-380-сон, 3-модда.

Ўзбекистон Республикасининг 12-сонли “Молиявий инвестициялар ҳисоби” номли бухгалтерия ҳисоби миллий стандартида молиявий инвестициялар қуйдагича эътироф этилган: “Молиявий инвестициялар – хўжалик юритувчи субъект тасарруфидаги даромад олишга (фоиз, роялти, дивиденд ва ижара ҳақи шаклида) мўлжалланган, инвестиция қилинган сармоя қийматининг ортиши ёки инвестиция қилувчи компания бошқа наф олиш учун фойдаланиладиган активлар.”¹²⁸

Демак, молиявий инвестициялар корхоналарнинг қўшимча даромад олиш мақсадида бошқа корхоналарга сарфлаган активларидир. Молиявий инвестициялар уларга сарфланган капитал қийматининг ошиши кафолатланган ҳолларда амалга оширилиши керак деб ҳисоблаймиз.

Бизнинг фикримизча, капитал инвестициялар—бу корхоналарнинг келгусида иқтисодий-ижтимоий наф келтирадиган активларга эгалик қилиш ҳуқуқини қўлга киритиш мақсадида амалга оширадиган мақсадли сарфларидир.

БҲМС №12 “Молиявий инвестициялар ҳисоби”да молиявий инвестицияларнинг асосан икки тури: узоқ муддатли молиявий инвестициялар ва қисқа муддатли (жорий) молиявий инвестициялар акс эттирилган.

21-сон БҲМС талабларидан келиб чиқиб инвестицияларни бухгалтерия ҳисобининг объекти сифатида қуйдагича таснифлаш мумкин (1-расм):



1-расм. Инвестицияларнинг бухгалтерия ҳисоби объекти сифатидаги таснифи

Ушбу таснифлаш бухгалтерия ҳисобининг 21-сонли миллий стандарти асосида тузилган бўлиб, бухгалтерия ҳисобининг 12-сонли “Молиявий инвестициялар” номли стандарти ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2002 йил 27 декабрдаги 140-сон буйруғи билан тасдиқланган

¹²⁸Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари тўплами. –Т.: “Норма”, 2010, 197-б.

молиявий ҳисобот шаклларида ҳам инвестицияларнинг турлари акс эттирилган. Бироқ, бугунги кун талаблари ва иқтисодийни модернизация ва диверсификация қилинаётганлигини инобатга олиб, ушбу меъёрий ҳужжатларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз ва инвестицияларнинг таснифи бўйича қуйидаги таклифни берамиз (2-жадвал).

2-жадвал

Корхоналар инвестицияларининг бухгалтерия балансига акс эттирилиши бўйича таснифланиши (тавсия)

№	Амалдаги бухгалтерия баланси бўйича			№	Тавсия этилаётган бухгалтерия баланси бўйича		
	Баланс моддалари бўйича инвестициялар турлари	Сатр коди	Счёти		Баланс моддалари бўйича инвестициялар турлари	Сатр коди	Счёти
1	Қимматли қоғозлар	040	0610	1	Улушни тасдиқловчи қимматли қоғозларга инвестициялар	040	0610
					Қарз ва ҳосилавий қимматли қоғозларга инвестициялар	050	0620
2	Шўъба хўжалик жамиятларига инвестициялар	050	0620	2	Пай ва улушлар кўринишида киритилган инвестициялар	060	0630
	Қарам хўжалик жамиятларига инвестициялар	060	0630				
	Чет эл капитали мавжуд корхоналарга инвестициялар	070	0640				
3	Бошқа узоқ муддатли инвестициялар	080	0690	3	Бошқа узоқ муддатли молиявий инвестициялар	070	0690
4	Капитал қўйилмалар	100	0800	4	Бино ва иншоотларни куриш ва капитал таъмирлашга инвестициялар	101	0810
					Узоқ муддатли активларни харид қилишга инвестициялар	102	0820
					Ерни ва балансдаги ижтимоий объектларни ободонлаштиришга инвестициялар	103	0830
					Молиявий лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларга инвестициялар	104	0840

				Бошқа турдаги капитал инвестициялар	105	0850
5	Қисқа муддатли инвестициялар	370	5800	Қисқа муддатли қимматли қоғозларга инвестициялар	371	5810
				Қисқа муддатли қарз кўринишидаги инвестициялар	372	5820
				Бошқа турдаги қисқа муддатли инвестициялар	373	5890

Юқорида келтирилган тавсияларнинг амалиётга тадбиқ этилиши инвестициялар ҳисобини самарали ташкил этиш орқали бошқарув тизимини муҳим ахборотлар билан таъминлашга ва ҳар бир инвестиция турлари бўйича олинадиган даромадларни тўғри ва тўлиқ акс эттиришга хизмат қилади деб ҳисоблаймиз.

*Шарипова Д.Н.-доцент ВВТИ, к.э.н.,
подполковник таможенной службы*

МЕРЫ ПО АКТИВИЗАЦИИ ЭКСПОРТА ТОВАРОВ НА ОСНОВЕ БИРЖЕВЫХ И ЯРМАРОЧНЫХ КОНТРАКТОВ И ВЗАИМОДЕЙСТВИЕ НАЛОГОВЫХ И ТАМОЖЕННЫХ ОРГАНОВ

Осуществление широкомасштабной модернизации, технического и технологического обновления промышленных производств, оснащение их самым современным высокотехнологичным оборудованием, ускоренное внедрение в отраслях промышленности современных научных достижений и прогрессивных инновационных технологий является основной задачей в обеспечении роста экспортного потенциала, производства конкурентоспособной продукции, укреплении платёжного баланса страны и повышении устойчивости национальной валюты.

Обеспечение устойчивого экономического роста в Узбекистане связано среди прочих факторов с развитием внешнеэкономической деятельности. Последовательно реализуемые правительством меры по либерализации процедур, связанных с осуществлением внешнеторговых операций, способствуют формированию благоприятного делового климата, повышению доли производимых субъектами хозяйственной деятельности товаров и услуг, предназначенных для реализации на внешнем рынке. Они играют роль действенного катализатора в стимулировании роста объемов узбекского экспорта на зарубежных рынках, инвестиционного процесса в стране.

Опыт показывает, что в этих процессах организация экспорта через выставочно-ярмарочные биржи и товарные биржи играют неоспоримую роль катализатора продажи, приобретения и вывоза товаров, работ, услуг из Республики Узбекистан. Такие методы эффективного заключения экспортных контрактов являются одними из самых активных способов развития мировой торговли и биржевой индустрии. В Узбекистане за сравнительно короткий период своего развития была внедрена Единая электронная система торгов, приняты биржевые стандарты, соответствующие мировым, внедрена процедура листинга.

В соответствии с Указом Президента Республики Узбекистан №4947 от 7 февраля 2017 года утверждена «Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017—2021 годах» в целях внедрения рыночных механизмов валютного регулирования, стимулирования роста экспортного потенциала страны, активного привлечения прямых иностранных инвестиций, повышения конкурентоспособности отечественных производителей на внешних и внутреннем рынках.

Анализ объёмов экспорта нашей республики демонстрирует наличие изменения в сторону диверсификации экспорта. В целом, экспортировав продукцию на сумму 11,1 миллиардов долларов США, по итогам 2016 года Узбекистан занимает 84-е место в рейтинге 224 стран мира, а доля малого бизнеса в экспорте в 2016 году составила 28,6%.

В целях активизации и расширения экспорта на основе биржевой и ярмарочной торговли за свободно конвертируемую валюту хозяйствующим субъектам разрешается осуществлять вывоз стратегически важных природных ресурсов и сырья Постановлением Кабинета Министров №174 от 15 апреля 1999 года. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан «О мерах по повышению эффективности биржевой и ярмарочной торговли» №174 от 15.04.1994 определяет порядок экспорта через товарно-сырьевые биржи на основе указанного перечня товаров, реализация которых осуществляется только за свободно конвертируемую валюту. Настоящий Порядок определяет основные условия продажи товаров, разрешенных к реализации на биржевых и выставочно-ярмарочных торгах товарно-сырьевых бирж, в том числе через специализированные торговые площадки, только за свободно конвертируемую валюту.

Все экспортные контракты, заключенные на бирже, подлежат соответствующей регистрации на бирже или в ее филиале (специализированной

торговой площадке) с указанием эквивалента в долларах США по курсу Центрального банка Республики Узбекистан на день заключения контракта и направляются брокерами биржи в территориальные таможенные органы по месту заключения контрактов. Таможенные органы определяют ответственных работников, которые по согласованному графику принимают у брокеров биржи заверенные контракты, оформляют в установленном порядке и возвращают брокерам в течение одного рабочего дня с момента поступления контракта. Указанные контракты являются основанием для заполнения грузовых таможенных деклараций.

В соответствии с Постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему совершенствованию мониторинга экспортно-импортных операций» от 30 сентября 2003 г. № 416 таможенными, налоговыми органами и уполномоченными банками проводится мониторинг за проведением валютных операций по отгрузке товаров, поступлению валютной выручки в уполномоченные банки страны и уплаты налогов с доходов в бюджет государства.

Система мониторинга за внешнеторговыми операциями вводится в целях обеспечения надлежащего контроля за исполнением внешнеторговых контрактов, заключаемых хозяйствующими субъектами, и обмена информацией между хозяйствующими субъектами, таможенными и налоговыми органами, Центральным и уполномоченными банками через Единую электронную информационную систему внешнеторговых операций (ЕЭИСВО).

Таможенные посты территориальных управлений Государственного таможенного комитета Республики Узбекистан проводят сверку внесенных хозяйствующим субъектом данные контракта в ЕЭИСВО с данными грузовой таможенной декларации и при отсутствии расхождений в установленном законодательством порядке оформляют грузовую таможенную декларацию. Экспортеры имеют право осуществлять экспорт товаров (за исключением сырьевых товаров), работ и услуг на основании инвойса, без наличия экспортного контракта после поступления полной оплаты на их счета в уполномоченных банках Республики Узбекистан и внесения данной информации в ЕЭИСВО.

При этом экспорт свежей плодоовощной продукции, винограда, бахчевых культур, бобовых, а также сушеных овощей и фруктов может осуществляться на сумму, не превышающую в эквиваленте 20 тысяч долларов США по курсу

Центрального банка Республики Узбекистан на день оформления экспортной таможенной декларации.

В статье 243 «мониторинг за внешнеторговыми операциями» Таможенного кодекса Республики Узбекистан осуществляется путем отслеживания и анализа исполнения контрактов (договоров, соглашений), заключенных между резидентами и нерезидентами Республики Узбекистан, связанных с перемещением товаров через таможенную границу и предусматривающих проведение в соответствии с законодательством взаиморасчетов в национальной валюте Республики Узбекистан или иностранной валюте.

В ходе мониторинга исполнения контрактов (договоров, соглашений) проводится сверка информации, содержащейся в Единой электронной информационной системы внешнеторговых операций с грузовой таможенной декларацией, контроль за соответствием фактических характеристик и ассортимента по количеству и качеству товаров сведениям, указанным в Единой электронной информационной системы внешнеторговых операций, а также проверка соответствия контрактов требованиям законодательства и выявление просроченной дебиторской задолженности по ним.

Государственный таможенный комитет Республики Узбекистан, являясь одним из органов, осуществляющих валютный контроль, взаимодействует с другими уполномоченными органами в сфере внешнеторговых операций, а также коммерческими банками и иными организациями путем обмена информацией, в том числе через Единую электронную информационную систему внешнеторговых операций.

Таможенные органы в случае выявления признаков нарушений валютного законодательства информируют налоговые органы для предотвращения снижения или сокрытия доходов в иностранной валюте.

В целях расширения экспортного потенциала отраслей экономики, дальнейшего повышения эффективности деятельности по оказанию всемерного содействия субъектам предпринимательства при осуществлении ими внешнеторговой деятельности, продвижении конкурентоспособной продукции на внешние рынки, основными задачами биржевой ярмарочной деятельности является организация международных торгово-промышленных выставок, ярмарок и других аналогичных мероприятий, с целью обеспечения широкой демонстрации продукции национальных производителей и стимулирования ее сбыта, распространения информации об экспортном потенциале Республики

Узбекистан, научных и производственных возможностях организаций в специализированных интернет-изданиях.

На основании Постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан «Об утверждении положения о порядке регистрации экспортных контрактов» № 1006 от 21 декабря 2017 г В целях сокращения различных бюрократических процедур и освобождения продвижения грузов через границу Республики Узбекистан, субъектам ВЭД с 3 ноября 2017 года на основании УП-5215 «О мерах по упорядочению лицензирования экспорта и импорта специфических товаров, а также регистрации экспортных и экспертизы импортных контрактов» были предоставлены льготы по регистрации экспортных контрактов, заключенные на основании решений Правительства Республики Узбекистан и межправительственных соглашений.

При этом экспортные контракты, заключенные на товарно-сырьевых биржах и подлежащие регистрации на товарно-сырьевых биржах, экспортные контракты на поставку продукции собственного производства, производимой предприятиями с иностранными инвестициями (кроме экспорта лицензируемых специфических товаров), не подлежат регистрации в Министерстве внешней торговли Республики Узбекистан.

Принятые Президентом нашей страны указы и постановления по поддержке предпринимательства открывают широкие возможности для дальнейшего расширения деятельности субъектов малого бизнеса и частного предпринимательства, эффективной организации производства. Особое внимание, уделяемое дальнейшему развитию сферы, служит обеспечению устойчивого развития экономики, созданию новых рабочих мест, дальнейшему повышению благополучия народа. Снятие излишних бюрократических процедур позволит ускорить внедрение в отраслях промышленности современные научные достижения и приобрести прогрессивные инновационные технологии, что является основной задачей в обеспечении роста экспортного потенциала, производства конкурентоспособной продукции, укреплении платёжного баланса страны и повышении устойчивости национальной валюты.

Всё это служит для усиления защиты прав предпринимателей, ликвидации бюрократических барьеров, упрощения и сокращения порядка выдачи разрешений и регистрации, коренное улучшение деловой среды в стране, за счет усовершенствования нормативных актов, направленных на улучшение системы расчетов и отчетности, таможенного администрирования,

создание ещё более удобных условий для ускоренного развития предпринимательской деятельности, повышение доли индивидуальной собственности в развитии экономики.

Ганибоев И. Ш.

Фаргона солиқ коллежи ўқитувчи

ҚИШЛОҚЛАРДА САНОАТ ВА ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ, СОЛИҚ ТУШУМЛАРИНИ КЎПАЙТИРИШ ВА АҲОЛИ БАНДЛИГИ ДАРАЖАСИНИ ЯНАДА ОШИРИШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИДИР.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947–сонли Фармонида назарда тутилган устувор йўналишлардан бири, иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштиришга йўналтирилган макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш бўйича институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш, ҳудудлар, туман ва шаҳарларда комплекс ва мутаносиб ҳолда ижтимоий-иқтисодий тараққий эттириш, инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий сармояларни фаол жалб этиш ҳисобланади.

Бугунги кунда қишлоқ жойларда саноат ва хизмат кўрсатишни янада ривожлантириш ва қишлоқ аҳолиси бандлигини таъминлаш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. 2017 йилда ялпи ички маҳсулотнинг 33,5 фоизи саноат (қурилишни қўшган ҳолда) 47,3 фоизи кўрсатилган хизматларни ҳиссасига тўғри келади.¹²⁹

Ўтган давр давомида саноат ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, саноат ва хизмат кўрсатиш соҳасида маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни кенгайтириш эвазига ялпи маҳсулотдаги улушини кўпайтириш бўйича бир қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилиндики, булар ўз

¹²⁹ <https://stat.uz> маълумотлари бўйича.

самарасини бермоқда, жумладан, хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, авваламбор қишлоқ жойларда кўрсатилаётган хизматларнинг турини кенгайтириш ҳамда сифатини яхшилаш ва бунинг асносида мамлакат иқтисодиётини барқарор ва шиддатли ривожлантиришда, аҳолининг бандлигини таъминлаш, даромадини кўпайтириш ва фаровонлигини юксалтиришда хизмат кўрсатиш соҳасининг роли ҳамда аҳамиятини ошириш мақсадида, 2012 йил 10 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги ПҚ-1754-сонли қарори қабул қилинди. Қарорда биринчи навбатда қишлоқ аҳоли пунктларида хизмат кўрсатиш корхоналарини ривожлантириш, хизмат кўрсатиш соҳасига оилавий тадбиркорлик субъектлари ҳамда ихтисослашган касб-хунар коллежлари ва олий таълим муассасалари битирувчилари ичидан ёшларни кенг жалб этиш белгилаб қўйилди.

Қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ва мувозанатлашган тарзда ривожлантириш, қишлоқ аҳолисининг замонавий юқори технологик ва бозор хизмат турларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, бунинг асосида янги иш жойларини яратиш ва аҳоли даромадлари оширилишини таъминлаш мақсадида 2013 йил 17 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2013 - 2016 йилларда қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1957-сонли қарори қабул қилинди.

Аҳолини турмуш даражасини янада яхшилаш, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишни янада енгиллаштириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелда “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги ЎРҚ-327-сонли Қонуни қабул қилинди. Оилавий тадбиркорлик ўз иштирокчиларининг ихтиёрийлигига асосланади. Оилавий тадбиркорлик юридик шахс ташкил этган ёки ташкил этмаган ҳолда амалга оширилиши мумкинлиги белгилаб қўйилди.

Ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштириш, максимал даражада қулай инвестиция иқлимини яратиш, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари фаолиятининг очик-ойдинлигини ошириш, шу асосда тадбиркорлик фаолиятини юритиш шароитларини тубдан яхшилаш, янги иш жойларини барпо этиш ва иқтисодиётнинг хусусий секторида аҳоли бандлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 7 апрелдаги

“Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4609-сонли Фармони қабул қилинди.

Ҳозирги кунда иқтисодийнинг муҳим тармоқларидан бири бўлган саноат ва хизматлар соҳасининг ўрни жуда катта ва аҳамиятлидир. Бу ишлаб чиқаришнинг мураккаблашуви, бозорни кунлик ва шахсий талабдан келиб чиққан ҳолда товарлар билан тўлдириш, жамият ҳаётини янгиловчи илмий-технологик тараққиётнинг жадал ўсиши билан боғлиқдир. Қишлоқ жойларда саноат ва хизмат кўрсатишни ривожлантириш учун солиқ юкини камайтириш ва аҳолини иш билан таъминлаш жараёнини янада такомиллаштириш мақсадида қуйидаги тавсияларни бераман:

1. Қишлоқ жойларда ташкил этилаётган саноат ва хизмат кўрсатиш корхоналари учун, улар томонидан олинаётган банк кредитлари ва импорт қилинаётган ускуналарга енгилликларни назарда тутувчи меъёрларни киритиш;

2. Қишлоқ жойларда янги ташкил этилган саноат ва хизмат кўрсатувчи тадбиркорлик фаолиятини (савдо ва умумий овқатланиш соҳасидан ташқари) дастлабки йилларида солиққа тортишда енгилликлар яратишни кўпайтириш;

3. Қишлоқ жойларда янги ташкил этилган саноат ва хизмат кўрсатувчи (савдо ва умумий овқатланиш соҳасидан ташқари) корхоналарда ишлаётган ишчи ва хизматчилардан жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи ва суғурта бадалларини камайтирилган солиқ ставкаларини жорий қилиш.

4. Қишлоқ жойларда янги ташкил этилган саноат ва хизмат кўрсатувчи корхоналари томонидан ишлаб-чиқарилган товарлар, ишлар, хизматлар экспортини рағбатлантириш бўйича меъёрлар киритиш;

5. Қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш фаолияти билан шуғулланувчи яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган солиқ ставкаларини янада камайтириш.

Идирисов А. О., Каршиев О. Т.

Тошкент солиқ коллежи ўқитувчилари.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ПАРЛАМЕНТГА МУРОЖААТНОМАСИ — ЮРТИМИЗДА ТАДБИРКОРЛИКНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ГАРОВИ

Маълумки, кўплаб тараққий топган мамлакатларда давлат раҳбарларининг миллий парламент аъзолари ҳузурида энг асосий ва долзарб сиёсий, ижтимоий-иқтисодий масалалар ва жамиятни демократик

ривожлантириш бўйича Мурожаатнома билан чиқиш тажрибаси мавжуд. 2017 йилнинг 22 декабрида юртимиз тарихида илк бор Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакатимиз парламентиغا 2017 йилда амалга оширилган асосий ишлар якуни ва Ўзбекистон Республикасини 2018 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналишларига бағишланган Мурожаатномаси тақдим этилди.

Мурожаатномада Ҳаракатлар стратегиясининг 3-йўналиши бўлган “Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари” хусусида тўхталар эканлар юртбошимиз, миллий иқтисодиётимизни мустаҳкамлаш, юртимизни ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқиш учун олдимизда ҳали кўплаб вазифалар турганлигини алоҳида таъкидладилар.

Шуни таъкидлаш лозимки, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишда айрим муаммолар мавжуд. Юртбошимиз тадбиркорлик нима учун кутилган даражада ривожланмаётганлигига тўхталар эканлар, соҳа вакилларини асоссиз равишда текшириш ҳолатлари кўп эканлиги, ҳеч кимга керак бўлмаган ортиқча тартиб-таомиллар ҳамон сақланиб қолаётганлиги, бундан эса кўпгина ваколатли органларнинг айримлари фақат ўз шахсий манфаатини ўйлаб иш кўраётганлиги, божхона тартиб-таомилларининг мураккаблиги тадбиркорликка тўсқинлик қилаётган асосий омиллардан бири эканлиги каби салбий иллатларга ҳам барҳам бериш шартлиги каби танқидий фикрларини билдирдилар. Шу муносабат билан айтилган пайтда юртимизда ҳам барча ривожланган давлатлардаги каби божхона кўриги хавф-хатардан огоҳ этиш тизими орқали амалга оширилишини кўзда тутган ҳолда, натижада эса ҳам давлат ресурсларини, ҳам тадбиркорларнинг вақтини тежаш мақсадида 2018 йилдан бошлаб тадбиркорлик субъектлари учун божхона кўригида хавф-хатардан огоҳ этиш тизими, яъни тадбиркорлар қанчалик ҳалол эканига қараб, уларни “яшил” ва “қизил” йўлаклар орқали ўтказишни жорий этилди.

Айтилган вақтда ноқонуний текширишлар, тадбиркорлик фаолиятига асоссиз аралаштиришга қарши курашни кучайтириш мақсадида тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш тизими тубдан қайта кўриб чиқилмоқда. Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши фаолияти давр талабига жавоб бераётганлиги муносабати билан текширишлар ўтказишга рухсат беришнинг махсус электрон ахборот тизимига ўтиш ва унинг назоратини Бош прокуратурага юклаш кўзда тутилган. Шу билан бир қаторда 2018 йилга Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-

қувватлаш йили, деб ном берилгани муносабати билан барча тадбиркорлик субъектларининг молиявий-хўжалик фаолиятини текширишни икки йилга тўхтатиб турилиши илгари сурилди, бу эса ўз навбатида юртимизда қонуний фаолият олиб боровчи тадбиркорларнинг фаолиятига ортиқча тўсқинлик қилишни олди олинишига қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Ўйлаймизки, Президентимиз томонидан Олий Мажлисга Мурожаатномаси ўзида халқимиз манфаатларини тўла акс эттирганлиги, тадбиркорлар ва инвесторлар учун янада қулай шароит яратишни ўзида мужассам этганлиги, қабул қилинадиган қонун-ҳужжатларини оддий фуқароларимиз ва тадбиркорларимиз манфаати нуқтаи назаридан кўриб чиққан ҳолда кенг жамоатчилик муҳокамаси асосида қабул қилиниши каби ижобий ғоялар илгари сурилганлиги билан мамлакатимизнинг ҳар томонлама ривожланиб тараққий топишига ижобий хизмат қилиши билан катта аҳамият касб этади десак муболаға бўлмайди.

Мейлиев О. Р. - ТМИ катта ўқитувчиси

ХУДУДЛАРНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШДА СОЛИҚЛАРНИНГ ТАЪСИРЧАНЛИГИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Иқтисодиётни янада ривожлантиришда макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, ҳудудларга хорижий инвестицияларни жалб этиш, ҳудудларни комплекс ривожлантириш долзарб аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев таъкидлаганидек “Тармоқлар ва ҳудудларни модернизация қилиш, уларнинг рақобатбардошлик даражасини ошириш, экспорт салоҳиятини ривожлантириш масалалари доимий эътиборимиз марказида бўлиши лозим. Бунинг учун хорижий сармоялар ва илғор технологияларни ҳамда ахборот-коммуникация тизимларини барча соҳаларга янада фаол жалб этишимиз зарур бўлади”¹³⁰.

Сўнгги йилларда мамлакатимиз ҳудудларини комплекс ривожлантириш ҳамда уларнинг даромад базаларини мустаҳкамлаш мақсадида мамлакат Президенти томонидан бир қанча фармон ва қарорлар қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 июндаги

¹³⁰ Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент, “Ўзбекистан” НМИУ, 2016 й. 14 -бет.

“Маҳаллий бюджетларни шакллантиришда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бюджет ваколатларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-5075-сонли Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бюджет ваколатларини кенгайтириш ва маҳаллий бюджет даромадларини шакллантиришдаги масъулиятини ошириш тўғрисида”ги ПҚ-3042-сонли қарорларини келтириб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Маҳаллий бюджетлар даромадларининг асосий қисмини солиқлар ташкил этишини ҳисобга олган ҳолда маҳаллий бюджетлар даромадлари таркибида уларнинг улушини таҳлил ва тадқиқ этиш ҳамда солиқларнинг аҳамиятини ошириш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Солиқ тизимининг самарадорлиги давлат бюджетига маблағларни ўз вақтида ва қутилган даражада келиб тушишини таъминлаш ҳамда хўжалик субъектлари фаолиятига оптимал даражада таъсир этиши билан баҳоланади. Солиқлар давлатнинг марказий бюджети билан бирга маҳаллий бошқарув органларининг даромадларини ҳам шакллантиришнинг асосий манбаси бўлиб ҳисобланади. Эътиборли томони шундан иборатки, мамлакатда шаклланган қонунчилик тизими ёки солиқ қонунчилиги унинг барча ҳудудларида ягона тизим ва кўринишга эга бўлсада, у ҳудудлар тараққиёти ва ривожланиш даражасига турли хил тарзда таъсир кўрсатиши мумкин. Айниқса, мамлакат ҳудудлари иқтисодий тараққиётининг кескин даражада табақалашуви шароитида бу жараён янада жиддий кўриниш олади.

Шу ўринда маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантиришнинг республикамизда қарор топган механизмини таҳлил қилар эканмиз, мустақиллик йилларида ушбу механизмга қатор ўзгартиришлар киритилишига қарамасдан ўз ечимини кутаётган муаммолар мавжудлигича қолаётганлигини эътироф этиш мақсадга мувофиқ.

Маҳаллий солиқлар ва маҳаллий йиғимлар ҳудудлар бюджети даромадларининг муҳим манбаи ҳисобланади, бироқ уларнинг асосий қисмини умумдавлат солиқларидан ажратмалар ҳисобидан шакллантирилади. Маҳаллий бюджетларнинг юқори бюджетга тобелиги ўз навбатида, маҳаллий солиқ ва йиғимларнинг харажатларни қоплашга етмаслиги ва энг муҳими маҳаллий ҳокимият органларининг солиқ-бюджет ҳуқуқларини чекланишини исботидир.

Сўнгги йилларда маҳаллий бюджетлар даромадларини барқарорлаштириш мақсадида бир қатор тадбирлар амалга оширилган бўлсада, маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантиришдаги муаммолар тўлиқ

бартараф этилмаган. Бизга маълумки, маҳаллий бюджетлар тақчиллигига йўл қўйилмаслиги жиҳатидан харажатларини тўлиқ молиялаштира олмаётган ҳолда, умумдавлат солиқларининг ҳам кўпгина қисми маҳаллий бюджетларга йўналтирилмоқда.

Худудларнинг молиявий мустақиллиги молия ва солиқ салоҳиятининг даражаси билан аниқланади ҳамда бюджетлар ўртасида солиқларнинг чекланган меъёрлари асосида олдиндан белгилаб қўйилади. Шу билан бир вақтда молиявий мажбуриятлар республика миқёсидан худудларга етарли бўлмаган даражада молиявий таъминот асосида қўчирилади.

Маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантириш амалиёти кўрсатмоқдаки, умумдавлат солиқлари вилоятлар маҳаллий бюджетларини шакллантириш имкониятларидан келиб чиқиб республика ҳукумати томонидан худудлар бўйича бирламчи тақсимланаётган бўлса, вилоят ҳокимликлари томонидан вилоят марказий бюджети ҳамда унинг таркибидаги шаҳар ва туманлар ўртасида иккиламчи равишда тақсимланмоқда (айрим ҳолларда маҳаллий солиқлар ва йиғимлар ҳам вилоят бюджети, унинг таркибидаги шаҳар ва туманлар бюджетлари ўртасида тақсимланади). Бу ҳолат ўз навбатида вилоятлар марказий бюджети ва унинг таркибидаги шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетлари даромадларини шакллантиришнинг ҳуқуқий асослари ва амалиётини тадқиқ этишни тақозо этади.

Худудларда тадбиркорликни жадал ривожлантирмасдан, уларнинг экспорт салоҳиятини оширмасдан ҳамда солиқ базасини кенгайтирмасдан солиқ тушумларини ошириш мумкин эмас.

Худудларни жадал ривожлантириш, маҳаллий бюджет даромадлар базасини кенгайтириш ҳамда уларнинг барқарорлигини таъминлаш мақсадида қуйидагиларни амалиётга тадбиқ этиш мақсадга мувофиқ:

1. Маҳаллий ҳокимият идораларининг солиқ йиғимларини кўпайтиришга бўлган қизиқишларини ошириш ва субвенцияларни ҳамда бошқа молиявий ёрдам турларини қисқартириш мақсадида режадан ортиқча тушган солиқ миқдорини тақсимлаш механизминини қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш керак. Бизнингча, худудларга режадан ортиқча тушумларни тасарруф этиш ҳуқуқини бериш юзасидан меъёрий ҳужжатлар жорий этилса, субвенцияларга бўлган эҳтиёжни кейинчалик солиқ тушумларининг ошиши эвазига қоплашга истиқболли имконият яратилар эди.

2. Маҳаллий бюджетлар даромад базасини янада мустаҳкамлашда уларга тўғридан тўғри келиб тушадиган солиқларни (мол-мулк, ер-сув, ресурс

солиқлари) ҳисобланиш усули ва имтиёзларини қайта кўриб чиқиб, янада такомиллаштириш муҳимдир. Ҳозирда ҳудудларнинг жойлашган географик ва иқтисодий ҳолатларини инобатга олиб белгиланган ставкалар бизнингча, бир оз номутаносибдир. Қолаверса, табиий ресурсларга бўлган солиқ имтиёзларини қисқартириш ва асосий солиқ юқини бу солиқларга юклаш хом-ашё ва материалларни оқилона ҳамда тежамкорлик билан фойдаланишга олиб келади.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалар ҳудудларни иқтисодий ривожланишини жадаллаштириш, уларнинг молиявий барқарорлигини ошириш ва ўз навбатида солиқ тушумларини кўпайтириш имкониятини яратишга хизмат қилади.

*Шаакрамов К.К- к.э.н., доц.,
кафедры «Инвестиций» БФА*

АКТИВИЗАЦИЯ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА – ОСНОВА РАЗВИТИЯ КОНКУРЕНТОСПОСОБНОЙ ЭКОНОМИКИ

В Узбекистане формирование благоприятной предпринимательской среды, активизация её деятельности представляет собой один из приоритетных направлений инновационного обновления, повышения конкурентоспособности экономики страны, ускоренного развития субъектов малого бизнеса и частного предпринимательства.

В условиях рыночных отношений передовой опыт зарубежных стран показывает, как велико значение малого бизнеса и частного предпринимательства в ускоренном развитии национальных экономик, инновационного её обновления, преимущества которого умело сочетаются с другими факторами устойчивого и сбалансированного функционирования государств. К примеру, в существующих теориях экономического развития все более упоминается предпринимательская модель экономического развития, где новые малые и средние предприятия имеют огромный потенциал для улучшения состояния экономики. Согласно этой теории государство проводит целенаправленную политику по поддержке этого сектора экономики, изыскивает достаточно эффективные и гибкие способы стимулирования предпринимательской деятельности.

За годы независимости в Узбекистане реально сформировалась многоукладная экономика, где частная собственность получила приоритетное развитие. «Малый бизнес и частное предпринимательство заняли не только определяющее место в экономике страны, но и стали основным источником наполнения рынка необходимыми товарами и услугами, роста доходов и

благосостояния людей, важнейшим фактором роста занятости населения»¹³¹. Президент Республики Узбекистан Ш.М.Мирзиёев, выступая на совместном заседании палат Олий Мажлиса, отметил: «...для нас всегда будет иметь стратегическое значение задача обеспечения роста нашей экономики устойчивыми темпами. Прежде всего, мы должны еще больше усилить работу по реформированию и либерализации экономики, ускорить начатое структурное преобразование ее отраслей и сфер. Модернизация отраслей и регионов, повышение их конкурентоспособности, развитие экспортного потенциала всегда будут находиться в центре нашего внимания...»¹³² При этом важное значение придается и развитию МБ и ЧП, который стал приоритетным в ходе осуществления экономических реформ.

Приоритетными направлениями экономического реформирования стало создание благоприятного делового климата и надёжных правовых гарантий ускоренного развития малого бизнеса и частного предпринимательства как важнейшего фактора образования среднего класса собственников, устойчивого развития экономики страны. Только за последние десять лет доля малого бизнеса в структуре валового внутреннего продукта возросла в 1,85 и уровень занятости в этой сфере в 1,7 раза. За годы независимого развития совокупные доходы населения республики в реальном исчислении возросли более чем в 8,9 раза. При этом более 62% из них составили абсолютно новые доходы – доходы от собственности и осуществления предпринимательской деятельности.

В республике за последние годы были приняты меры по дальнейшему созданию максимально благоприятной бизнес-среды для развития предпринимательской деятельности: упрощён порядок государственной регистрации субъектов предпринимательства и их подключения к инженерно-коммуникационным сетям; внедрён механизм по масштабному вовлечению субъектов малого бизнеса в процесс государственных закупок; сокращено вмешательство государственных и контролирующих органов в финансово-хозяйственную деятельность малых и частных предприятий; существенно расширены права субъектов предпринимательства; с двух до трёх лет продлён срок, в течение которого вновь созданные малые предприятия и микрофирмы не подлежат плановым налоговым проверкам. Важно подчеркнуть, что запрещается проведение налоговых проверок субъектов малого предпринимательства, своевременно уплачивающих налоги и другие

¹³¹ Статистический сборник 20 лет независимости Республики Узбекистан. – Т. Узбекистан, 2011, С. 6-8.

¹³² Мирзиёев Ш.М. Свободное, демократическое и процветающее государство Узбекистан мы построим вместе с нашим мужественным и благородным народом. Выступление на совместном заседании палат Олий Мажлиса РУз. – Народное слово, 16 декабря 2016 г.

обязательные платежи, а также обеспечивающих устойчивые темпы роста и рентабельность производства; усовершенствован механизм льготного кредитования субъектов малого бизнеса, прежде всего, для приобретения высокотехнологичного оборудования, в особенности, на этапе обновления и модернизации производств. В них предусмотрено пониженное налогообложение, различные системы льготного кредитования, совершенствование и упрощение механизма взаимодействия субъектов малого бизнеса и частного предпринимательства с коммерческими банками и другие меры по поддержке субъектов МБ и ЧП.

Исходя из вышеизложенного, для активизации предпринимательской деятельности и раскрытия причин сдерживающих создание экспортоориентированных предприятий МБ и ЧП, важно предусмотреть новый отработанный административный регламент, четко определяющий взаимоотношения субъектов предпринимательства с государственными, налоговыми и контролирующими органами, коммерческими банками; сократить факты неправомерного вмешательства контролирующих органов в деятельность субъектов предпринимательства; создать действенный механизм и институциональные основы продвижения продукции малого бизнеса и частного предпринимательства на мировые рынки и т.д.

На основе проведенных исследований, мы считаем, что следует обратить внимание на вновь организуемые или приватизируемые предприятия, основанные на частной собственности или с участием иностранного капитала, выпускающие экспортоориентированную продукцию – для них нужно создать дополнительную систему налоговых льгот и преференций, стимулирующих их активное развитие; среди налоговых льгот и преференций необходимо выделить пониженное налогообложение, различные системы льготного кредитования, в особенности при ввозе из-за рубежа необходимого оборудования или сырья для выпуска экспортоориентированной продукции, создания упрощенных систем учета и отчетности в производстве и др. меры по поддержке субъектов малого предпринимательства.

Таким образом, государственная поддержка малого бизнеса и частного предпринимательства, формирование класса реальных собственников является важнейшей частью государственной экономической политики, развитие малого бизнеса рассматривается как важнейший фактор укрепления доходной части местных бюджетов, повышения конкурентоспособности выпускаемой продукции и её экспортоориентированности.

ПОТЕНЦИАЛ ИНСТРУМЕНТОВ СТРУКТУРИРОВАННОГО ФИНАНСИРОВАНИЯ И ЕГО ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ПРЕДПРИЯТИЯМИ-ЭКСПОРТЕРАМИ

Мировой опыт показывает о том, что для развития и обеспечения экономического роста страны большое значение имеет расширение экспортного потенциала предприятий которое невозможно обеспечить без своевременного и полного финансирования программ их инновационного развития. Учитывая данные обстоятельства, исследование потенциала инструментов структурированного финансирования (СФ) особенно актуально для экспортоориентированной экономики Узбекистана, т.к. главными получателями такого финансирования, как правило, является предприятие, ориентированные на экспорт продукции. Как показывает мировой опыт, уровень развития механизма СФ является важным фактором прироста потребности предприятий в финансовых ресурсах, необходимых для пополнения оборотных средств и осуществления инвестиций. Коммерческие банки не всегда могут прокредитовать дорогостоящий проект вследствие нормативных ограничений со стороны Центрального банка и жесткого риск-менеджмента. В связи с этим эффективным средством, решение данной проблемы, согласно мировой практике, являются внешние заимствования ресурсов на относительно дешевом международном финансовом рынке.

Как показал проведенный нами анализ существующих в мировой науке подходов к определению потенциала структурированного финансирования (СФ), одни банки и финансово-инвестиционные компании относят его к области проектного финансирования, а другие – к межбанковскому, т.е. связанному и торговому финансированию. Преимуществом инструментов СФ является то, что использование СФ улучшает в совокупности денежные потоки страны, что в конечном итоге приводит к расширению спектра и увеличению масштабов финансирования программ наращивания экспортного потенциала предприятий Узбекистана.

Однако для эффективного использования потенциалы сложных по своей форме и содержанию методов структурированного международного финансирования необходимо наличие качественного и системно проработанного методологического материала, а также владение понятийном аппаратом, которым необходимо руководствоваться при осуществлении международных сделок с финансовыми инструментами данного вида.

По мнению крупного французского банка, «структурированное товарное финансирование относится к сумме банковских операций, направленных на импорт/экспорт товаров, не являющихся простыми традиционными формами торгового финансирования»¹³³.

В практике краткосрочного кредитования предприятий-экспортеров коммерческими банками Узбекистана используются, как прямой банковский кредит под экспортно-импортные операции, так и методы торгового финансирования. При этом обеспечиваются более низкие процентные ставки по кредитам, которые предоставляются иностранными банками развитых стран узбекским банкам в рамках межбанковских кредитных линий.

Следует отметить, что некоторые инструменты торгового и структурированного финансирования часто тесно переплетаются и порой различаются только по сроку предоставляемого финансирования. Инструменты СФ в основном, имеют долгосрочный характер.

Основные признаки, формы и определяющие факторы МСФ приведены в Таблице 1.

Таблица 1

Признаки, формы и факторы влияния международного структурированного финансирования

Признаки	Формы	Факторы влияния	
		внутренние	внешние
Наличие нескольких контрагентов	Синдцированное финансирование	Инвестиционная привлекательность страны или региона	Состояние мировой экономики и конъюнктура мирового рынка капитала
Долгосрочный характер финансирования	Пред экспортное финансирование	Степень интеграции финансового рынка страны в мировую экономику	Наличие специализированных институтов (ЭКА) в странах-партнерах по внешней торговле
Объект финансирования – внешнеторговый контракт или инвестиционный проект	ЭКА - финансирование	Уровень капитализации национальной банковской системы	Отсутствие барьеров для движения капитала между странами
Связанный характер финансирования	Эмиссия еврооблигаций	Степен открытости экономики	Наличие открытых лимитов финансирования на страну или регион

¹³³ David Hew. STRUCTURED FINANCE DEALS HOW DO THEY WORK AND WILL THEY WORK? [Electronic resource]/ 2000. Mode of access: www.unescap.org

По признаку срочности привлекаемых ресурсов среди инструментов структурированного финансирования выделяют три основных типа:

❖ -краткосрочные (до 1 года) – банковские кредиты, кредитные линии на пополнение оборотного капитала или вексельные программы;

❖ -среднесрочные (1-5 лет) – инвестиционные банковские кредиты, синдицированные кредиты, бридж-кредиты под будущее IPO (первичное размещение акций на зарубежной бирже), вексельные займы, облигационные займы, CLN (Credit Linked Notes, структурированные кредитные ноты);

❖ -долгосрочные ресурсы (свыше 5 лет) – инвестиционные банковские кредиты, синдицированные кредиты, ЕСА-финансирование, евробонды.

Следует отметить что, инструменты СФ в настоящее время присутствуют как на современном рынке капитала, включая некоторые сегменты фондового рынка (инструменты секьюритизации, еврооблигации, кредитные ноты), так и на кредитном рынке – в форме синдицированных кредитов, инструментов долгосрочного финансирования экспортно-импортных контрактов под покрытие экспортных страховых агентств (ЭКА-финансирование) и др. Применение указанных инструментов СФ позволяет привлекать неограниченные объемы инвестиций с открытого рынка для реализации крупных инвестиционных проектов, что обеспечивает повышение уровня конкурентоспособности предприятий-экспортеров. В тоже время они создают благоприятные условия для инвесторов так как платой за высокий уровень принимаемых ими рисков служит высокая норма прибыли на вложенный ими капитал в уставные фонды предприятий-экспортеров.

Следует отметить что, внедрение инновационных методов структурированного финансирования предприятиями-экспортерами в Узбекистане началось только с 2017 г. в форме евробондов и бридж-кредитов под будущие программы IPO. Так, АО «Кварц» в конце 2017 года выпустило IPO, условиями которого для инвесторов установлено ограничение на приобретение не более 2287 штук акций на 1 человека. В 2018 году Министерством финансов Республики Узбекистан принято решение о выпуске евробондов общим объемом на 1 млрд. доллара США. Применение элементов структурированного финансирования повышает возможности стимулирования роста денежных потоков и развития конкурентоспособности предприятия при расширении масштабов выпуска экспортоориентированной продукции.

Учитывая, что инструменты СФ могут использоваться предприятиями-экспортерами не только в качестве инструментов финансирования их крупных инвестиционных проектов, но и в качестве эффективного средства продвижения их продукции на зарубежные рынки, от органов государственного, отраслевого и регионального управления требуется принятие безотлагательных мер для скорейшего внедрения инструментов структурированного финансирования в хозяйственную практику Узбекистана, что позволит ускорить инновационное развитие национальной экономики.

*Хасанов О.М.-Солиқ академияси
мустақил изланувчиси*

ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗЛИКНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ ВА УНИНГ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ БИЛАН ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИГИ

Дунё ҳамжамиятини доимий эътиборида бўлиб келаётган ва аниқ бир чегара билмайдиган муаммолардан бири бу экологияни ўзгаришидир. Мазкур масалани охириги йилларда инсоният барча халқлар ва давлатларнинг ҳаётий манфаатларига дахлдор бўлган бир қатор муаммолар вужудга келганлигини ўз турмуш тарзида тушуна бошлади. Бу экологик муаммолар бир неча йиллар олдин халқаро миқёсда эътироф этилган ва ечилиши барча халқлар учун муҳим бўлган масалалардан бири бўлиб бормоқда.

Мазкур масаланинг аҳамиятлиги бир неча ўн йиллар олдин халқаро миқёсда кўтарилган. Жумладан, XX асрнинг охирида экологик хавфнинг ривожланиб бориши БМТ даражасидаги қарорларни қабул қилинишига олиб келган. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ривожланиш ва инсон атроф-муҳитига бағишланган биринчи конференцияси 1972 йил Швециянинг Стокгольм шаҳрида ўтказилган ва тегишли қарорлар қабул қилинган. Конференцияда бугунги ҳамда келажак авлодлар манфаатлари учун атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича принциплар ва режалар тузиб олинган, умуман олганда ушбу жараёнда биринчи экологик доктрина ишлаб чиқилган (*Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш доктринаси*¹³⁴).

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида ҳам экологик хавфсизликни ижтимоий иқтисодий аҳамиятига ва унинг долзарблигига Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов алоҳида тўхталиб ўтган

¹³⁴ В. К. Донченко, М. В. Смирнова, «Экологическая безопасность и устойчивое развитие регионов в Санкт-петербургском государственном университете» 2014.

жумладан, “экологик хавфсизлик кишилик жамиятининг бугуни ва эртаси учун долзарблиги, жуда зарурлиги боис энг муҳим муаммолар жумласига киради. Экология ҳозирги замоннинг кенг миқёсдаги кескин ижтимоий муаммоларидан биридир. Уни ҳал этиш барча халқларнинг манфаатларига мос бўлиб, цивилизациянинг ҳозирги куни ва келажаги кўп жиҳатдан ана шу муаммонинг ҳал қилинишига боғлиқдир¹³⁵” деб ўз асарларида баён қилган.

Ушбу асарда таъкидланганидек экологик хавфсизликни таъминлаш нафақат бугун балки келажак авлод учун ҳам энг долзарб масалалар сирасига киради, шунингдек, ушбу масала маълум бир чегара билмайдиган ва халқаро даражада эътибор талаб этади.

Экологик муаммоларни ўз вақтида ечилиши ва самарали натижага эришиш учун экологик хавфсизликни таъминлаш энг муҳим омиллардан бири саналади. Бунда даст аввал экологик хавфсизлик тушунчасига тўхталиш ва унинг мазмун моҳиятига эътибор қаратиш лозим бўлади.

Олиб борилган илмий изланишларда экологик хавфсизликка турли кўринишдаги ёндашувлар мавжуд, жумладан, миллий адабиётларимизда экологик хавфсизлик бу, атроф табиий муҳит ҳолатини организмларнинг ҳаётий зарур эҳтиёжларига жавоб бера олиши ёки инсонлар учун соғлом тоза ва қулай табиий шароитга эга атроф-муҳит ҳолатидир¹³⁶ деб тушунча берилган.

Шунингдек, машҳур биолог Н.Ф.Реймерс ўзининг илмий ишларида экологик хавфсизликка икки жиҳатдан ёндашиш зарур деб ҳисоблайди. Биринчи инсон ва инсониятнинг бевосита ёки билвосита ҳаётий муҳим элементларини зарарланишига (ёки бу зарарланишдан келадиган хавфларга) олиб келмайдиган фаолият, вазият ва жараёнлар уйғунлиги, иккинчи, ер шари ва унинг турли минтақаларида инсониятнинг табиий, ижтимоий-иқтисодий, техноген ва сиёсий тайёргарлиги (балки жиддий бўлмаган талофатларга мослашиши) даражасида ерда экологик мувозанатни таъминловчи вазият жараён ва фаолиятлар мажмуасидир деб таъкидлаган¹³⁷.

Шу билан бирга, изоҳли луғатларда экологик хавфсизликка бу атроф-муҳит ва аҳолини соғлиғига зарар етказиш хавфи бўлмаган вазият деб таъриф берилган¹³⁸.

¹³⁵ И.А.Каримов, «Хавфсизлик ва барқарор таракқиёт йўлида» Т. 6. – Т., 1998. – Б.110

¹³⁶ Ж.Т.Холмўминов, Н.Б.Шоимов, О.А.Камалов, О.Ж.Холмўминов. “Экология ҳуқуқи”: Дарслик/ -Т. 2014.

¹³⁷ Н.Ф. Реймерс, «Экология: теория, законы, правила, принципы, и гипотезы» / - М., 1994, С. 156,

¹³⁸ Толковый словарь по охране природы. М., 1995. С.186.

Экологик хавфсизликни таъминланиши ва иқтисодий ривожланиш билан чамбарчас боғлиқлик бўлиб, унинг амалий ва назарий ўзига хос исботлари мавжуддир.

Жумладан, иқтисодий адабиётлардан бизга маълумки Экологик Кузнет эгри чизиғи (Environmental Kuznets Curve, “ЕКС”) бу иқтисодий ўсиш ва атроф-муҳит сифати ўртасидаги боғлиқликни тасвирлаб туради¹³⁹.

Ушбу назарий қарашда яъни, эгри чизиқ орқали қуйидаги ҳолат тасвирланади:

Хусусан, мамлакатдаги иқтисодий ўсиш маълум бир даражага етгунга қадар атроф-муҳит ҳам шунга мос равишда ифлосланиб боради ва шундан сўнг, ушбу иқтисодий ўсиш нуқтасидан ривожланиш давом этса атроф-муҳитга етказилаётган зарарни камайтиришга эришилади.



Буни қуйидаги ҳолатларда тасвирлаймиз:

- иқтисодий ривожланмаган ёки кам даромадга эга бўлган ҳолатларда атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатувчи воситалардан воз кечиш ёки улардан фойдаланмаслик имконсиз бўлиши мумкин, чунки маълум бир қатлам улардан фойдаланишга мажбур бўлади ва бунга уларнинг даромадларини чекланганлиги ҳамда танлаш имконининг йўқлигидир;

- даромад маълум бир ўсиш даражасига етгандан кейин, ушбу жараёнда иштирок этаётган қатлам вакилларига танлаш имкониятлари вужудга келади ва ушбу нуқтадан кейинги босқичларда атроф-муҳит ва истеъмол сифатига эътибор берила бошланади ва натижада экологияга етказилаётган зарар ҳам камайиб боради.

Фикримиз исботи мамлакат иқтисодий ривожланиши солиққа тортиш тизими оптималлигига боғлиқ бўлиб, унинг оптимал миқдори ялпи ички маҳсулотни ўсишига олиб келади ва бюджет даромадлари барқарорлиги ҳамда ўсиши эвазига мамлакатлар мос равишда атроф-муҳит муҳофазасига ҳамда тозалик учун харажатларни ошириб боради.

¹³⁹ E.Tim, I.Mallika, P.Gian and R.Alex, «Economic Growth and the Environment»

Шунингдек, иқтисодий ривожланиш жараёнида замонавий технологик ускуналардан фойдаланишга доир рақобатнинг мавжудлиги бу ўз ўзидан экологияга ижобий таъсир кўрсатади.

Юқоридагилардан кўришиб турибдики экологик хавфсизликни таъминлаш бу тўғридан-тўғри иқтисодиётга яъни, товарлар ишлаб чиқарилиши ва хизматлар кўрсатилишида ўз таъсирини кўрсата олади, шу билан бирга иқтисодий ривожланиш ҳам маълум бир нуқтада давлатнинг тартибга солиш тизими орқали (*молиявий механизмлар воситасида*) экологик хавфсизликни таъминлашга хизмат қилади.

Чунки табиий ресурслар жумладан, ер остидан олинadиган минераллар ва ёнилғилар айрим товарлар ишлаб чиқарилишида ва хизматлар кўрсатилишида асосий манба бўлиб хизмат қилади. Мухтасар қилиб айтганда экологик хавфсизликни таъминлаш нафақат иқтисодий балки ижтимоий соҳалар учун ҳам жуда муҳимдир буларнинг энг асосийларидан бири бу, инсонлар саломатлигини асрашга хизмат қилади.

*Нормурзаев У.Х.-Солиқ академияси
мустақил тадқиқотчиси*

ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИ БИТИРУВЧИЛАРНИНГ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА СОЛИҚ МЕХАНИЗМИНИНГ ТАЪСИРЧАНЛИГИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва диверсификациялаш, фаол инвестиция сиёсати юритиш ҳисобига етакчи тармоқларни модернизациялаш ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришни рағбатлантириш асосида ҳар йили минглаб янги иш ўринлари яратилмоқда, бу ўз навбатида ўта долзарб муаммо ҳисобланган аҳоли, авваламбор ёшлар бандлигини таъминлаш имконини бермоқда.

Мамлакатимизда сўнги йилларда солиқ ислохотларига алоҳида эътибор қаратилиб, таълим муассасалари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш ва уларни қўллаб-қувватлашга қаратилган тадбирлар мунтазам равишда амалга ошириб келинмоқда.

Бугунги кунда таълим муассасаларини битирган фуқароларнинг бандлигини таъминлаш юзасидан бир қанча чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, жумладан:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини кўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги ПФ-5106-сонли Фармонининг 13-банди билан Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг таълим муассасасини тамомлаганига уч йил бўлмаган, биринчи марта ишга қабул қилинган ёшларга даромад солиғини биринчи йил учун 50 фоиз, иккинчи ва учинчи йиллар учун эса 25 фоизга камайтириш тўғрисидаги таклифлари маъқулланган.

Шунга кўра, 2018 йилнинг 1 январидан бошлаб таълим муассасасини (ўрта махсус, касб-ҳунар таълими; олий таълим; олий ўқув юртидан кейинги таълим) тамомлаганига уч йил бўлмаган, биринчи марта ишга қабул қилинган ёшларга даромад солиғини биринчи йил учун 50 фоиз, иккинчи ва учинчи йиллар учун эса 25 фоизга камайтириш тариқасида имтиёзлар берилади.

Мазкур қарорга мувофиқ жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича қўлланилган солиқ имтиёзлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2013 йил 22 мартда 2439-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг “Солиқ ҳисоботининг шакллари тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорининг 2-иловасига мувофиқ тасдиқланган “Ҳисобланган ва амалда тўланган даромадлар суммалари ҳамда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ушлаб қолинган суммалари тўғрисида”ги маълумотноманинг (кейинги ўринларда маълумотнома деб юритилади) 006-сатри “солиқ солишдан озод қилинадиган даромадларнинг умумий суммаси”да яъни имтиёз қўлланилган даромадларнинг суммалари кўрсатилади.

Таълим муассасасини битирувчиси (касб-ҳунар коллежи ёки олий таълим муассасаси) ўқишни 2017 йил июнь ойида тамомлаб, 2018 йил 1 январдан ишга жойлашган бўлса, даромад солиғи 2019 йил 1 январгача 50 фоизга, 2020 ва 2021 йил 1 январгача 25 фоизга камайтирилади.

Агар, таълим муассасасини тамомлаганига уч йил бўлмаган, биринчи марта ишга қабул қилинган ходимни Солиқ кодексининг 180-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган (ҳар бир ой учун энг кам иш ҳақининг тўрт баравари миқдорида) имтиёзи мавжуд бўлса, мазкур имтиёз қўлланилгандан кейин ҳисобланган даромад солиғи суммаси биринчи йил учун 50 фоиз, иккинчи ва учинчи йиллар учун эса 25 фоизга камайтирилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2005 йил 6 октябрда 1515-сон билан рўйхатга олинган “Иш берувчилар томонидан фуқароларнинг

шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига мажбурий бадалларни қўшиш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 5-бандига асосан, даромадлари қонунга мувофиқ ҳар бир тўлиқ ой учун энг кам иш ҳақининг тўрт баравари миқдорида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғига тортилмайдиган фуқаролар жамғариб бориладиган пенсия тизимида умумий асосларда иштирок этадилар, яъни иш берувчи ходим иш ҳақи солиқ солинадиган қисмидан 2 фоизини ШЖБПХга ўтказди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги ПҚ-3454-сон Қарорининг 8-иловасига мувофиқ, белгиланган ставкалардан келиб чиқиб ҳисобланган, бюджетга тўланадиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи суммаси фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ўтказиладиган, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи солинадиган даромадларидан “0” ставка бўйича солиқ солинадиган даромад (энг кам иш ҳақининг бир баравари) чегирилган ҳолда 2% миқдорида ҳисоблаб чиқариладиган ҳар ойлик мажбурий бадаллар суммасига камайтирилади.

Юқоридагилар асосан, даромадлари қонунга мувофиқ ҳар бир тўлиқ ой учун энг кам иш ҳақининг тўрт баравари миқдорида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғига тортилмайдиган фуқаролар учун ШЖБПХга ўтказиладиган мажбурий бадал суммаси ҳисобланган иш ҳақидан 861 200 сўм ($177\,240 \cdot 5$) чегирилган ҳолда қолган суммасидан 2 % миқдорида ҳисобланиб, бюджетга ўтказиладиган даромад солиғи суммасидан камайтирилади.

Мисол учун, энг кам иш ҳақининг тўрт баравари миқдорида имтиёзга эга бўлган ходимга ҳисобланган 1 200 000 сўм иш ҳақидан 6 776 сўм миқдорида ($1\,200\,000 - 861\,200 = 388\,800 \cdot 2\%$) ШЖБПХга мажбурий бадал ҳисобланади. Агар, ходим энг кам иш ҳақининг тўрт баравари миқдорида имтиёзга эга бўлмаса, ҳисобланган 1 200 000 сўм иш ҳақидан 20 555,2 сўм миқдорида ($1\,200\,000 - 172\,240 = 1\,027\,760 \cdot 2\%$) ШЖБПХга мажбурий бадал ҳисобланади.

2. Юқорида қайд этилганларга асосан, таълим муассасасини (ўрта махсус, касб-ҳунар таълими; олий таълим; олий ўқув юртидан кейинги таълим) тамомлаганига уч йил бўлмаган, биринчи марта ишга қабул қилинган ёшларга даромад солиғини биринчи йил учун 50 фоиз, иккинчи ва учинчи йиллар учун эса 25 фоизга камайтириш тариқасида имтиёзлар берилади.

Мисол учун, таълим муассасасида (касб-ҳунар коллежи ёки олий таълим муассасаси) ўқишни 2018 йил 15 июнь куни тамомлаб, 2019 йил 1 августдан

ишга жойлашган бўлса, даромад солиғи 2020 йил 1 августгача 50 фоизга, 2021 ва 2022 йил 1 августгача 25 фоизга камайтирилади.

3. Жисмоний шахс 2017 йил 30 июнда таълим муассасасини тамомлаган ва биринчи марта 2018 йил 3 январдан ишга қабул қилинган бўлса, фармонда назарда тутилган тартибда имтиёз биринчи йили учун солиқ солинадиган даромадларини 50 фоизга камайтириш йўли билан берилади.

Мисол учун, 2018 йил учун январь оyi учун ҳисобланган иш ҳақидан 1 200 000 сўм иш ҳақидан 8 555,2 сўм $(1\,200\,000/2)=600\,000-172\,240) = 427\,760 \cdot 2\%$ ШЖБПХга мажбурий бадал ҳисобланади.

4. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрда “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги ЎРҚ-406-сонли Қонунининг 3-моддасига асосан ёшлар (ёш фуқаролар) - ўн тўрт ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган шахслар ҳисобланади.

Мазкур Фармонда назарда тутилган даромад солиғи бўйича имтиёзлар ўн тўрт ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган шахсларга нисбатан татбиқ этилади.

Мамлакатимизда юқоридаги ижобий ҳолатларни амалга оширилиши билан бир қаторда таълим муассасаларни битирувчиларнинг бандлик даражасини янада ошириш юзасидан қуйидаги таклиф ва тавсияларни белгиламоқда:

➤ Таълим муассасалари битирувчиларининг ўз мутахассислиги бўйича ишлаб чиқаришга тез мослашишини таъминлаш ва етук кадр бўлиб етишиши учун олий ўқув юртларининг бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалари ҳисобидан ишлаб чиқариш амалиётига юборилган ҳар бир талаба учун энг кам иш ҳақининг 2 баравари миқдорида талабалар амалиёти раҳбарларига ҳақ тўлаш ҳамда транспорт харажатларини талабаларга қайтариш тартибини жорий қилиш.

➤ Хўжалик юритувчи субъектларнинг манфаатларини рағбатлантириш ёш мутахассисларни жалб қилиш учун уларга қуйидаги солиқ имтиёзлари ва преференцияларни бериш:

- таълим муассасаларининг битирувчиларини биринчи маротаба ишга қабул қилганидан сўнг биринчи йил учун ягона ижтимоий тўловни тўлашдан озод қилиш, шунингдек, иккинчи ва учинчи йилларда 50 фоизга камайтириш;

- таълим муассасаларини тамомлаган ёш мутахассислар даромадларини солиққа тортиш бўйича ишга жалб қилингандан сўнг 3 йил мобайнида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини энг кам ставка (2018 йил учун 7,5 фоиз)да ундириш тартибини жорий қилиш.

- Ёш мутахассисга уй-жой ижараси учун тўловлардан имтиёзлар бериш.
- Олий ўқув юртлари битирувчиларининг меҳнат фаолиятини ташкил этиш учун қўшимча шарт шароитлар яратиш мақсадида, давлат бюджети ҳисобидан энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баравари миқдорида бир марталик тўловни тақдим этиш мақсадга мувофиқ.

Рузиев Ф. У. - Солиқ академияси ўқитувчиси

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ СОЛИҚЛАР ВОСИТАСИДА РАЎБАТЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш шароитида иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш долзарб аҳамият касб этмоқда. Зеро, мамлакатимизда барқарор ижтимоий-иқтисодий ўсишни таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ўрни бекиёсдир. Хусусан, уларнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги ҳиссаси 2016 йил якуни бўйича 56,9 фоизни ташкил этмоқда. Таъкидлаш жоизки, бу кўрсаткич хорижий мамлакатларда, жумладан Францияда 62 фоизни, Италияда - 60 фоизни, Японияда - 55 фоизни, Германияда - 54 фоизни, Буюк Британияда - 53 фоизни, АҚШда - 52 фоизни, Қозоғистонда - 25,6 фоизни ҳамда Россияда – 20,0 фоизни ташкил этади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб қувватлаш ва уларга қулай шарт-шароитлар яратиб бериш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида уларнинг сони ҳам йил сайин ошиб бормоқда. 2017 йил 1 январь ҳолатига республикаимизда фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектлари сони (деҳқон ва фермер хўжаликларидан ташқари) 218170 тани ташкил этиб, 2000 йилга нисбатан 118731 тага ёки 2,2 баробар кўпайган¹⁴⁰. 2000 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида меҳнат фаолияти билан банд бўлганлар сони 4,5 миллион кишини ташкил этган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 8,6 миллион кишини, 2016 йилда эса 10,4 миллион кишини ташкил этиб, мазкур соҳада банд бўлганлар сони 2000 йилга нисбатан солиштирилганда 5,9 миллион кишига ёки

¹⁴⁰ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

2,3 баробар кўпайган. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида банд бўлганларнинг иқтисодиётда банд бўлганлар умумий сонидаги улуши 2000 йилда 49,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2005 йилда бу кўрсаткич 64,8 фоизни, 2010 йилда 74,3 фоизни, 2016 йилда эса 78,2 фоизни ташкил этган. Мазкур соҳада банд бўлганларнинг 79,1 фоизини яқка тартибдаги тадбиркорликда,

20,8 фоизини эса кичик корхона ва микрофирмаларда банд бўлганлар ташкил этади¹⁴¹. Албатта бу натижаларга эришишда давлатимиз томонидан яратиб берилаётган қулайлик ва имкониятлар билан бир қаторда мазкур бизнес вакилларига қўлланилаётган имтиёз ва преференциялар ҳамда ажратилаётган кредитлар ҳажмининг жадал суръатларда ошиб бориши ҳам муҳим омил бўлмоқда. Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига солиқ имтиёзлари ва преференциялар бериш орқали мамлакатда ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муҳим бўлган янги иш ўринларини яратиш, ёшлар ва ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини иш билан таъминлаш, иқтисодиётга замонавий технологиялар ва инвестициялар киритиш, экспорт салоҳиятини ошириш, инновацион фаолиятни ривожлантириш ҳамда аҳолининг даромадлилик даражасини ошириш орқали турмуш тарзини яхшилаш каби долзарб масалалар ҳал этилади. Шунинг учун ҳам бизнинг фикримизча, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини молиявий рағбатлантириш орқали мамлакат иқтисодиётини янада ривожлантириш мақсадида қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади:

Биринчидан, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 31 майдаги 332-сонли қарори билан эксперимент тарзида Жиззах вилояти ҳудудидаги кичик бизнес вакилларига нисбатан қўлланилаётган имтиёз ва преференцияларни мазкур бизнеснинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши ўрта ва паст даражада бўлган ҳудудларга нисбатан ҳам тадбиқ этиш лозим.

Иккинчидан, иқтисодий фаолият турларининг таркибида кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари сони энг кам бўлган соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш фаолияти билан шуғулланаётган бизнес вакилларига нисбатан солиқ имтиёзлари ва преференцияларни кўпайтириш.

Учинчидан, 2018 - 2021 йилларда фермер хўжаликларини босқичма-босқич кўп тармоқли фермер хўжаликларига айлантириш бўйича ҳудудий дастурларни амалга оширишда кўп тармоқли фермер хўжаликлари учун солиқ таътилларини жорий этиш лозим.

¹⁴¹ Шу манба

Тўртинчидан, кичик бизнес субъектларини белгилаш мезонлари қаторида фақатгина ишчилар сони эмас, балки бизнес соҳалари бўйича йиллик товар айланмаси миқдори мезонини ҳам киритиш лозим.

Бешинчидан, кичик бизнес субъектларига нисбатан ходимлар сонини кўпайтиришга, товар айланмаси ҳажмини оширишга, инновацияни жорий этишга, шунингдек йирик бизнес субъектларига айланишини рағбатлантирувчи имтиёзларни бизнес соҳалари бўйича босқичма-босқич жорий қилиш лозим.

Юқорида келтириб ўтилган йўналишларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини солиқлар воситасида янада рағбатлантириш, мазкур бизнес вакилларини фаол тадбиркорлик фаолиятини олиб боришга, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга, янги иш ўринлари яратишга, даромад топишга бўлган иштиёқини янада кучайтириш билан бир қаторда, турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек “Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади”.

*Kazakhova M. Sh.- Teacher of Chilanzar
Communal Service and Service College*

FURTHER WAYS OF PERFECTION OF TAXATION OF SUBJECTS OF SMALL BUSINESS AT THE PRESENT STAGE OF DEVELOPMENT OF MARKET RELATIONS

The development of small business in Uzbekistan is one of the most important directions for solving economic and social problems at the state and local levels. Small business has a special place in the economy, as it is one of the forces that helps to advance the economy of any country. Small business solves the problem of employment, creates a sustainable economic development of the state.

As noted, the First President of the Republic of Uzbekistan Islam Karimov in his report at the meeting of the Cabinet of Ministers devoted to the results of the socio-economic development of the country in 2015 and the most important priorities of the economic program for 2016 "... In October last year, the World Bank published a rating "Doing Business", where Uzbekistan in just one year rose by 16 points and took 87th place. Especially it should be noted that, according to such criteria as "support of new business", Uzbekistan currently ranks 42nd in the world, to ensure

the implementation of concluded contracts-32nd, in terms of efficiency of the system of bankruptcy of economically insolvent enterprises - 75th place"¹⁴²

The creation and management of small business does not require large expenditures and capital investments, which makes it possible to carry out modernization and technical and technological re-equipment of production faster and easier, to master new types of products, to constantly update its nomenclature and to ensure competitiveness.

Small business is the most important element in the development of a market economy, without which the state can not develop harmoniously. Small business largely determines the pace of economic growth, the structure and quality of the gross national product, small businesses form a healthy market competitive environment, the middle class, which is the backbone of the public system, quickly and effectively solve many social problems of the state¹⁴³.

The simplified system of taxation represents an important measure of liberalization of the tax system and is one of the areas of financial support for small businesses. The establishment of simplified (in a broad sense) taxation systems leads to a reduction in costs for the taxpayer, as well as the corresponding administrative costs for verifying the use of such methods by taxpayers.

Scales of strengthening of their legal protection, material support and provision of modern services are expanding. In particular, according to the changes introduced this year in the tax legislation, the rate of a single tax payment levied on microfirms and small enterprises decreased two and a half times in comparison with the previous year. For small businesses and microfirms in the service sector, a single tax payment has been reduced from 6 to 5 percent. Thus, the main task in the field of taxation of small business is to develop a system that creates incentives for the development of small businesses and at the same time provides for measures that limit the possibilities of abuse as much as possible. An analysis of existing systems of taxation of small businesses has shown that special tax regimes, undoubtedly, should contribute to the development of small business in our country.

In order to further radically improve the business climate, liberalization and accelerated progress towards deepening market reforms and providing more freedom to entrepreneurship, improving taxation for the development of small businesses and

¹⁴² Karimov I.A. Our main goal - despite the difficulties, resolutely go forward, consistently continuing reforms, structural changes in the economy, creating even broader opportunities for the development of private property, entrepreneurship and small business: a report at a meeting of the Cabinet of Ministers dedicated to the results of the socio-economic development of the country in 2015 and the most important priority areas of the economic program for 2016. www.press-service.uz

¹⁴³ . Slepov VA, Shubina TV Finance organizations (enterprises). - M.: Infra-M, 2011. -352 c.

private entrepreneurship, increasing their role and share in the country's economy, developing export potential, securing employment and income. The population needs:

- a further reduction in the tax rate for the active development of competitive advantages for small businesses in the manufacturing industries that produce finished products with high added value;

- improvement of openness and transparency in relations between business entities with tax and supervisory bodies, cardinal simplification of the reporting system and the mechanism for submitting reports to financial, tax and statistical bodies with a phased transition to the electronic system for their submission;

- submission to the subjects of small business and private entrepreneurship of additional privileges and preferences for tax, customs and other payments that promote accelerated development and improve the efficiency of entrepreneurial activities;

- Creation of favorable conditions for broad participation of small business and private entrepreneurs in foreign economic activity, assistance in promoting their products to foreign markets, simplification and liberalization of procedures for registration of export contracts and, in general, customs administration, and others.

In general, it can be said that further improvement of the taxation of small businesses should stimulate the activity of developing innovative activities, increasing the attractiveness of doing business among the population, which ultimately contributes to the reduction of unemployment, the growth of qualification workers employed in the small business segment, and also to the influx foreign and domestic investment in the segment of small business, increasing the level of competition in the market, and therefore, to stimulate quality growth trolled services and products sold.

Умаров И. Ю.-ТДИУ мустақил изланувчиси

ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИДА ИНВЕСТИЦИЯЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Бугунги кунда иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширишда озиқ-овқат саноатида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш соҳасида яратилаётган имкониятлар катта аҳамиятга эгадир. Шу сабабли озиқ-овқат саноати корхоналарида инвестициялар самарадорлигини ички фойда нормаси усули орқали таҳлил қилиш, озиқ овқат тадбиркорлигининг жадал ривожланишини таъминлаш, хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва унинг

дахлсизлиги кафолатларининг ҳуқуқий механизмларини янада мустаҳкамлаш, озиқ овқат тадбиркорлигини ривожлантириш йўлидаги бюрократик тўсиқларни бартараф этиш¹⁴⁴, республикада инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш мақсадида 2016 йил 5 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4848-сон "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонининг қабул қилинганлиги миллий иқтисодиётнинг мутаносиблиги ва барқарорлигини таъминлаш, унинг таркибида озиқ овқат саноати, хизмат кўрсатиш соҳаси, озиқ овқат саноатида тадбиркорлик фаолияти улушини янада кўпайтиришга асос бўлди.

Озиқ-овқат саноати корхоналарида инвестициялар самарадорлигини ички фойда нормаси аниқлаш масалаларига хорижий олимлардан бири С.С.Боргаяковнинг фикрига кўра, инвестицияларни мақсадга мувофиқ икки жиҳати қараб чиқилади: захира категорияси сифатида ва оқим категорияси сифатида. Инвестициянинг моҳияти бўйича турлича ёндашувлардан фарқли равишда муаллиф инвестициялар самарадорлигини ички фойда нормаси кўрсаткичларни ўлчашнинг даврий жиҳатини бош мезон деб ҳисоблайди. Умуман, Ю.Богатин ва В.Швандар ёндашувида таҳлил натижаси корхонада инвестицияларнинг ички фойда нормасини аниқлаш субъектив омил билан, яъни корхона эгасининг ёки раҳбарларининг дисконт нормасини ихтиёрий белгилаши асосида баҳоланади. Шунинг учун бу ёндашув ички фойда нормасини амалда бир неча йиллардан бери ишлаётган озиқ-овқат корхоналар мисолида ўрганишга тўлиқ мослашмаган. Бу ёндашувдан янги ишга туширилаётган озиқ-овқат корхоналар мисолида фойдаланиш мақсадга мувофиқ¹⁴⁵.

И.Ульянов ички фойда нормасини баҳолашда тўртта формуладан иборат модел ишлаб чиққан:

$$C_{FA} = \frac{I_{FP}}{t} \quad (2) \quad K_A = \frac{C_{FA}}{D} \quad (3) \quad A_F^o = A_F \times K_A \quad (4) \quad r_A^o = \frac{P}{A_F^o}, \quad (5)^{146}$$

Бу ерда:

C_{FA} — жорий нархларда асосий фондларнинг йиллик истеъмоли, сўм;

¹⁴⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги фармони. 7 февраль 2017 йил. <http://press-service.uz/uz/document/5482/>.

¹⁴⁵ Богатин Ю., Швандар В. Оценка эффективности инвестиций по системе международных показателей. 4 глава. Оценка эффективности бизнеса и инвестиций. Финансы. М. 1999 г. –С.165.

¹⁴⁶ Леонтьев, И. Л. Моделирование инновационно-инвестиционного развития социально значимых объектов территории : автореф. дис. ... д-ра экон. наук : 08.00.05 /-Екатеринбург, 2013. –С.41.

I_{FP} – озиқ – овқат корхонасидаги йиллик инвестициялар, сўм;
 t – озиқ – овқат корхонасидаги ишлаб чиқаришни йиллик ўсиш суръати, фоиз;

K_A – коррективировка коэффиценти;

D – йиллик амортизация суммаси, сўм;

A_F – асосий фондларнинг баланс қиймати, сўм;

A_F° – асосий фондларнинг коррективировка қилинган қиймати, сўм;

P – йиллик солиқ тўлангунга қадар бўлган фойда, сўм;

r_A° – ички фойда нормаси, фоизда.

1-жадвал.

Ички фойда нормасини И.Ульянов модели бўйича таҳлили

Йиллар	2009	2010	2011	2012	2013	2016
Формула	$C_{FA} = \frac{I_{FP}}{t}$,					
“RASH-MILK” МЧЖ	5458	4309	3756	2067	3223	5792
“Избоскансут” МЧЖ	4427	1362	2431	3421	4078	6768
“Сут ишонч” МЧЖ	2557	1035	2863	1020	1493	1088
Формула	$K_A = \frac{C_{FA}}{D}$,					
“RASH-MILK” МЧЖ	0,00	0,00	1,70	2,33	3,44	6,14
“Избоскансут” МЧЖ	37,99	0,04	0,05	0,59	4,9	0,08
“Сут ишонч” МЧЖ	0,02	0,82	2,02	0,00	0,00	7,91
Формула	$A_F^{\circ} = A_F \times K_A$,					
“RASH-MILK” МЧЖ	1602	5947	9222	4293	7682	4717
“Избоскансут” МЧЖ	3018	5632	7503	9544	9131	1564
“Сут ишонч” МЧЖ	4835	1981	4879	1464	1709	1982
Формула	$r_A^{\circ} = \frac{P}{A_F^{\circ}}$,					
“RASH-MILK” МЧЖ	16,25	40,95	32,99	92,30	10	41,4
“Избоскансут” МЧЖ	0,25	13,69	2,85	0,14	0,01	3,23
“Сут ишонч” МЧЖ	36,27	0,96	0,23	1,72	62	0,54

Манба: корхоналарнинг бухгалтерия ҳисоботи маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоби.

1-жадвалда Андижон вилоятида фаолият кўрсатаётган **ОЗИҚ – ОВҚАТ** корхоналарида инвестициялар самарадорлиги 2009–2016 йиллар мисолида таҳлил қилинган. Жадвал маълумотларига кўра, “RASH-MILK” масъулияти

чекланган жамиятида 2009-2013 йилларда асосий фондларнинг истеъмоли камайиб борган, лекин 2014 йилдан бошлаб ортган ва 2016 йилда 5792 минг сўмгача кўпайган. Натижада, юқорида таъкидланганидек, ички фойда нормаси ҳам корхонада 2009 йилдаги 16,25% дан 2012 йили 92,30% га етган ёки олти бараварига ўсган. 2016 йилда эса пасайиб, 41,4% га тушиб қолган. 2009 – 2016 йилларда корхонада асосий фондлар қиймати 1,7 баробарига ортган ҳолда маҳсулот сотишдан тушган ялпи тушум қарийиб 8 млрд сўмдан 16 млрд сўмга етган бўлсада, маҳсулот таннархи билан ялпи тушум ўртасидаги фарк камайиб кетган. Бу эса озиқ-овқат корхонасида ички фойда нормасини пасайишига олиб келган.

«Избоскансут» МЧЖда асосий фондлар истеъмоли 2010 йилда камайган, 2011-2012 йилларда эса ўсган. 2016 йилга келиб у 6788 минг сўмга етган ёки 2009 йилга нисбатан 1,5 бараварига ортган. Лекин бу кўрсаткич 2010 йили 2009 йилга нисбатан 3 бараварига камайган, кейинги йилларда икки бараварга ўсган, аммо 2009 йил даражасига етмаган. Бунга мос равишда ички фойда нормаси ҳам 2010 йилда ўсиб, кейин 2011-2012 йилларда яна пасайиб кетган. 2013 йилда ички фойда нормаси энг паст даражага тушган ҳолда 2016 йилда бирданига

3,23 коэффициентгача ўсган.

Корхонада асосий фондлар қиймати 2013–2016 йилларга келиб 18 млрд сўмдан ошиб кетган, маҳсулот сотишдан олинган ялпи тушум эса 13 млрд сўмдан 5 млрд сўмгача қисқариб кетган. Бу эса корхонада асосий фондлар истеъмолини ошириб юборган ва A_F^o коэффициентини катта миқдорда коррективка қилиниши эвазига ички фойда нормасини кескин пасайтириб юборган.

“Сут ишонч” МЧЖда эса асосий фондларни истеъмоли 2010 ва 2011 йилларда кескин ортиши эвазига ички фойдаси нормаси ҳам пасайиб кетган. 2012 йилда эса бироз ўсган. Антекс ҳиссадорлик жамиятида асосий фондларни истеъмоли 2010 йилда 2009 йилга нисбатан 4 баравар ортган, 2011 йилда эса 11 бараварига ортган. 2012 йилга келиб у бирданига кескин камайиб кетган ва 2009 йил кўрсаткичини 40 % га тенглашган. 2013 йилда бу кўрсаткич ўсган бўлсада, 2016 йилга келиб у яна 2012 йил кўрсаткичига яқинлашиб қолган. 2013 – 2016 йилларда корхонада асосий фондларнинг қиймати 1,8 млрд сўмдан 2,5 млрд сўмгача ошган ҳолда, маҳсулот сотишдан тушган ялпи тушум 13,5 млрд сўмдан 10,3 млрд сўмгача қисқарган. Бу эса

корхонада ички фойда нормасини пасайишига олиб келган. 2013 йилда ички фойда нормаси 6225 минг сўмгача ўсган ёки аввалги йилларга нисбатан юқори даражада ортган. Лекин бунинг сабаби 2013 йилда корхонада инвестицион фаоллик энг минимал даражагача пасайганлиги сабабли A_F^o коэффициенти ҳам жуда оз миқдорда коррективка қилинганлиги бўлиб ҳисобланади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, И.Ульянов модели ички фойда нормасини маҳсулотнинг фонд истеъмоли даражасига қараб аниқласа, фонд қайтими ёндашуви ишлаб чиқариш имкониятини ўсишига қараб баҳолайди ва шу жиҳатидан улар бошқа усуллардан афзал бўлиб ҳисобланади. Таҳлилда ички фойда нормаси кўрсаткичи янги эксплуатацияга топширилган корхоналар мисолида ўрганилганда, маълумотлар базасини уч йилдан беш йилгача бўлган давр оралиғида олиш маъқул. Чунки корхона лойиҳада белгиланган ишлаб чиқариш қувватига эришиш учун шунча вақт талаб қилинади, лекин қурилиш даври харажатларини ҳисобга олганда корхонада дастлаб давр харажатлари кўп бўлади. Амалда фаолият кўрсатаётган корхоналарда эса инвестицион циклни узунлиги ўртача бир - икки йилга тенг, лекин ишлаб чиқариш воситаларини янгилаб бўлгандан сўнг уларни қутилган даражадаги самарадорликка эришиш муддати тўлиқ қувват билан ишлаганда икки йил, камроқ қувват билан ишлаганда эса уч йилдан беш йилгача бўлган даврни ўз ичига олиши мумкин экан. Шунинг учун ички фойда нормасини баҳолашда корхоналардаги инвестицион циклни аниқлаб олгандан сўнг уни баҳолаш энг долзарб муаммо бўлиб ҳисобланади. Бу корхоналарда инвестицияларнинг самарадорлигини баҳолашда аниқлик даражасини янада кўтариш ва уларга инвестицион циклни ҳисобга олган ҳолда самарадорлик даражасини ўсиш ва камайиб бориш траекториясини ҳисоблаб чиқишга имкон беради.

Имамова Н.М – БМА таянч докторанти

ЭКСПОРТ КОРХОНАЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ

Мамлакатлар ўз ишлаб чиқарган маҳсулотларини ташқи бозорга олиб чиқишлари учун, фаол фаолият юритишлари ва халқаро бозорда ўз ўрнини топиши унинг қоидалари ва талабларини билишни талаб этади. Шу сабабли хўжалик юритувчи субъектларда экспорт-импорт операцияларини ҳисобга олиш масалалари янада долзарб бўлиб келмоқда. Ўзбекистон Республикасининг “Ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида қонуни”да - ташқи

савдо фаолияти халқаро товарлар ишлар (хизматлар) савдоси соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятидир. Ташқи савдо фаолияти товарларни, ишлар (хизматлар)ни экспорт ва импорт қилиш йўли билан амалга оширилади¹⁴⁷ деб белгиланган. Товарларнинг Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан уларни қайта олиб кириш тўғрисидаги мажбуриятни олмасдан олиб чиқиб кетилиши, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, товарлар экспортдир. Субъектларда экспорт операцияларини амалга оширишнинг муҳим жиҳатларидан бири маҳсулотларни сотиш билан боғлиқ операциялар ҳисобланади. Мазкур операциялар тўғридан-тўғри маҳсулот ишлаб чиқарувчи субъект томонидан ёки воситачилар орқали амалга оширилади. Бухгалтерия муомалаларини амалга оширишда хўжалик юритувчи субъект ишлаб чиқарган маҳсулотига нарх белгилашдан бошлаб токи хорижий харидорга сотишгача бўлган барча жараёнларни ҳисобда акс эттиради. Иккинчи ҳолатда хўжалик юритувчи субъектда воситачилик хизматлари учун комиссия ҳақ суммаси ҳам муҳимдир. Бухгалтерия ҳисобини ташкил этишда экспорт фаолият билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектлар олдидаги асосий вазифалар қуйидагилар бўлиб ҳисобланади.

-экспорт операцияларини ҳисобга олишни тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни билиш ва уларга риоя этиш;

-товарлар гуруҳлари бўйича товарлар ҳаракатининг аналитик ва синтетик ҳисобини олиб бориш;

-ҳар бир йўналишдаги фаолиятнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш методикаси моҳиятини ҳисобга олиш;

-ташқи савдо операцияларини хорижий валютада амалга ошириш миллий валютага нисбатан қайта ҳисоб-китоб қилиш операцияларини амалга ошириш, курс фарқларини аниқлаш бухгалтерия ҳисобида акс эттириш;

-ҳисоб сиёсатини ташқи савдо фаолияти турлари ва шакллари бўйича бухгалтерия ҳисобининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда аниқ шаклда шакллантириш;

-бошқарув қарорларини қабул қилиш учун бухгалтерия ахборотларини шакллантириш;

-ташқи савдо фаолиятининг барча турлари учун микро даражада валюта назоратини ташкил этиш;

-ҳаражат турлари бўйича ҳисобни ташкил этиш

¹⁴⁷ Ўзбекистон Республикасининг “Ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида”ги қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида. 2000 йил 26 май 77-II-сон www.lex.uz



1-расм. Хўжалик юритувчи субъектларда экспорт фаолиятини амалга оширишнинг асосий хусусиятлари

Юқорида кўрсатилган барча хусусиятлар бухгалтерия хизмати ходимларидан малакавий талаблар мажмуини аниқлаб беради. Экспорт ҳужжатлари ва улар билан боғлиқ муомалаларни ҳисобга олиш тартиби бир томондан, шаклларни ташкил қилиш ишларида қўлланиладиган айрим ташқи иқтисодий шартномалар, хорижий харидорлар билан ҳисоб-китоблар, иккинчидан солиқ, валюта ва божхона қонунлари нормалари билан белгиланади. Анъанавий жаҳон амалиётида мол-мулкка эгалик ҳуқуқини вужудга келишида товарлар етказиб бериш хавфи билан боғлиқ таваккалчиликлар халқаро савдода қўлланиладиган халқаро савдо терминларини ўз ичига қамраб олган Инкотермс 2010 қоидалари билан аниқланади ва тартибга солинади. У ташқи савдо шартномасининг шартларини мутлақо ўзгартирмайди, фақатгина шартномада тарафларнинг қайси бири етказиб бериш учун зарур бўлган ҳаракатларни амалга ошириш кераклигини кўрсатиб, қачон сотувчи харидорга маҳсулотни етказди ва тарафлар қандай харажатларни ўз зиммаларига олишларини ўзида акс этади. Экспорт операцияларини ҳисобга олишни қуйидаги босқичларга бўлишимиз мумкин. Экспорт маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар учун экспорт маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ҳисобга олиш, савдо субъектлари учун жўнатишга мўлжалланган экспорт товарларни ҳисобга олиш. Ишлаб чиқарувчи хўжалик

юритувчи субъектларда ишлаб чиқариш билан боғлиқ ҳисоб китоблар 2000 “Асосий ишлаб чиқаришни ҳисобга олувчи счёт”ларда савдо субъектларида экспортга жўнатиладиган товарларнинг ҳисоб-китоби 2900 “Товарлар”ни ҳисобга олувчи счётларда юритилади. Товарларни алоҳида ҳисобга олиш мақсадида экспорт қилинган товарлар субсчётини очиш мақсадга мувофиқ бўлади. Экспорт қилинган товарларни ҳисобга олиш ўзига хос хусусиятларга эга. Шу ўринда савдо субъектларида экспортга жўнатилган товарлар счётини очиш мақсадга мувофиқ деб топдик. Бу юкланган товарларнинг мавжудлиги ва ҳаракатланиши тўғрисидаги маълумотни жамлайди. Улар таркибига бир қатор аналитик счётларни очиш айти муддаодир. Булар қуйидагилар бўлиб,

- тўғридан-тўғри экспорт товарлари;
- божхона омбори ва портларидаги экспорт товарлари;
- чегарадаги экспорт товарлари;
- чет элга экспорт қилинадиган ва қайта ишланадиган экспорт товарлари;
- экспорт жўнатилган товарлар.

Экспорт муомалаларини ҳисобга олишнинг яна бир хусусиятидан бири экспорт маҳсулотлари учун қўшимча харажатлардир.

Экспорт муомалаларини амалга оширишда тижорат харажатларига суғурта харажатлари, юкларни ташиш харажатлари, транзит юкларни ортиш ва тушириш харажатлари, юкларни сақлаш харажатлари, божхона божлари солиқлар ва бошқалардир. Мазкур жараёнда бирламчи ҳужжатлар асос бўлиб ҳисобланади. Ушбу харажат гуруҳларини тақсимланиши экспорт операциялари учун маблағ сарфланишини назорат қилиш имконини беради. Экспорт муомалаларида хўжалик юритувчи субъектлар учун яна бир жараён хорижлик харидорлар билан ҳисоб-китоблар ҳисобидир. Умуман олганда экспорт операцияларини қуйидаги мураккабликлари хусусиятларини кўрсатиб ўтишимиз мумкин.

-ташқи бозорга чиқиш йўлини аниқлаш тўғридан-тўғри (мустақил) ёки билвосита воситачилар орқали;

-алоҳида ҚҚС ҳисобини юритиш зарурияти;

- экспорт операциялари бир вақтнинг ўзида камида иккита валютада – миллий ва хорижий валютада акс эттирилиши керак, бу валюта курсларида ижобий ва салбий фарқларнинг юзага келишига олиб келади;

-экспорт товарлари ҳаракатини мамлакат божхонаси ҳудудида ва ундан ташқарида босқичма-босқич назорат қилишни амалга ошириш;

Юқорида келтириб ўтилган функциялар бухгалтерия операцияларида экспорт билан боғлиқ битимларни ақс эттириш жараёнини сезиларли даражада мураккаблаштиради ва уни ташкил этиш методологиясига юқори талаблар қўяди.

Дусияров Ш. Х. -БМА тингловчиси

САНОАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШДА СОЛИҚ МЕХАНИЗМИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ижтимоий ислохотлар натижасида кейинги йилларда иқтисодиётимизда барқарор ўсиш таъминланмоқда. Бу каби барқарор ўсишлар замирида модернизация ва диверсификацияни иқтисодиётимизда кенг ва янада самарали равишда қўллаш ётади. Бу борада Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017—2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясидаги иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш номли учинчи устувор йўналишида солиқ юкини камайтириш ва солиққа тортиш тизимини содалаштириш сиёсатини давом эттириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва тегишли рағбатлантирувчи чораларни кенгайтириш белгилаб берилди. Шу билан бирга, мазкур учинчи устувор йўналишда таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш ҳам белгиланди.¹⁴⁸

Жумладан, миллий иқтисодиётнинг мутаносиблиги ва барқарорлигини таъминлаш, унинг таркибида саноат, хизмат кўрсатиш соҳаси, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушини кўпайтириш;

ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқариш, транспорт-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш;

юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат

¹⁴⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони. ЎРҚХТ, 2017 й., 6/70/20/354/23/448/37-сон 07.02.2017 й.

жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш;

ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни рағбатлантириш сиёсатини давом эттириш ҳамда, энг аввало, истеъмол товарлар ва бутловчи буюмлар импортининг ўрнини босиш, тармоқлараро саноат кооперациясини кенгайтириш;

фаолият кўрсатаётган эркин иқтисодий зоналар, технопарклар ва кичик саноат зоналари самарадорлигини ошириш, янгиларини ташкил этиш каби устувор йўналишлар белгилаб берилди.

Модернизация анъанавий жамиятдан саноатлашган, йирик машиналашган ишлаб чиқаришга ҳамда ижтимоий жараёнларни қонунларга таянган ҳолда оқилона бошқаришга асосланган жамиятга ўтиш жараёнларини намоён этади. Назарияда модернизация деганда «анъанавий тарздаги ёпиқ жамият»га қарама-қарши ўлароқ «замонавий очик тарздаги жамият»ни шакллантиришга олиб келувчи саноатлаштириш, секулярлаштириш, урбанизация, умумий таълим, ваколатли сиёсий ҳокимият тизимларининг қарор топиши, ҳудудий ва ижтимоий сафарбарликнинг кучайиши каби жараёнларнинг мажмуи тушунилади.

Саноат қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини қайта қуришнинг негизи ҳисобланади. Уни янги техника билан таъминлаш орқали саноат деҳқон хўжалигини иқтисодий ва маданий жиҳатдан юқори даражага кўтаришга, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги муҳим тафовутни йўқотишга, деҳқон меҳнатини индустриал меҳнатга айлантиришга ёрдам беради.

Саноат учун узлуксиз фан-техника тараққиёти ва ишлаб чиқариш илм-фан ютуқлари билан қуролланишининг ўсиши характерлидир. Унда электрлаштириш ва электронизациялаш, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва компьютерлаштириш ҳамда химиялаштириш соҳасидаги илғор ютуқлардан кенг фойдаланилади ва уларнинг ютуқларини тинчлик мақсадида қўлланилади.

Саноат, айниқса унинг устувор соҳалари бутун ишлаб чиқаришни глобаллаштириш муаммоларини ҳал этишнинг калитидир. Саноат моддий ишлаб чиқаришнинг бош тармоғи, иқтисодиётнинг пойдеворидир. Миллий иқтисодиётнинг барча тармоқларини қайта қуришга қодир бўлган йирик машиналашган саноатгина мустақилликнинг бирдан бир моддий негизи бўлиши мумкин.

Ўзбекистонда одатда солиқлар орқали тартибга солишда солиқ тизимининг асосан икки муҳим инструментида кўпроқ фойдаланилади: ставкалар ва имтиёзлар.

Фойда солиғи бўйича тушум ва солиқ имтиёзлари таҳлили¹⁴⁹

Кўрсаткичлар	2011	2012	2013	2014	2015	2016
Солиқ ставкаси (%)	9	9	9	8	7,5	7,5
Солиқ тушумлари (ЯИМга нис-н %)	1,1	1,0	0,9	0,8	0,7	0,7
Солиқ тушумлари (умумий солиқ ва божхона тўловларига нисбатан %)	5,1	4,7	4,0	3,5	3,2	2,8
Иқтисодиётдаги солиқ имтиёзлари (2016 й. нархларда, млрд.сўмда)	3980,8	6697,7	9143,1	10734,3	12082,4	9758,9
Иқтисодиётда бандлар сони (минг)	11916,4	12223,8	12525,8	12815,6	13066,6	13306,7
Саноатдаги солиқ имтиёзлари (2016 йил нархларда млрд.сўмда)	1691,3	3498,3	4531,8	5471,3	7040,7	5535,9
ПФ-3860 ¹⁵⁰ бўйича саноатдаги солиқ имтиёзлари (2016 йил нархларда млрд.сўмда)	26,4	23,4	29,6	45,4	41,1	31,5
Саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми (2016 йил нархларда млрд.сўмда)	41655,9	50730,6	61105,8	75193,5	91705,3	111267,2

¹⁴⁹ Садиқов А. ва бошқалар - Тенденции социально-экономического развития Узбекистана (2005-2014)/Тошкент. IFMR., 2015 - 112 б., Турдиев Д. ва бошқалар - Экономика Узбекистана информационно-аналитические бюллетени за 2006-2015гг., Ташкент. 2015. Center for Economic Research., Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

¹⁵⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 14 мартдаги “Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-3860-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 52-сон, 689-модда.

Мазкур жадвал орқали фойда солиғи бўйича саноатдаги солиқ имтиёзларининг самарадорлиги таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, 2011-2016 йиллар мобайнида иқтисодиётдаги солиқ имтиёзларининг ўсиш суръатлари ўртача 23 фоизни, саноатдаги солиқ имтиёзларининг ўсиш суръатлари ўртача 33 фоизни ташкил этган бўлса, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръатлари ўртача 22 фоизни, иқтисодиётда бандлар сонининг ўсиш суръатлари эса ўртача 2 фоизни ташкил этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-3860-сонли Фармон бўйича биргина 2015 йилда фойда солиғидан 41,1 млрд.сўм ёки 2015 йилдаги 12083,9 млрд.сўм умумий солиқ имтиёзларига нисбатан атиги 0,3 фоизни ташкил этган. Бу саноатда солиқ имтиёзларининг самарадорлиги пастлигидан далолат беради.

Солиқ имтиёзларининг иқтисодиётга таъсирини мониторинг қилиш механизмнинг мавжуд эмаслиги, солиқ имтиёзлари самарадорлигини оширишни тўхтатувчи омил ҳисобланади, хусусан реализация ҳажмини оширишга, шу жумладан экспортга, меҳнат унумдорлигини оширишга, маҳсулотлар сифати ва ҳ.к. Таъсир этадиган мониторингни мавжуд эмаслиги, иқтисодиёт ва бюджет учун иқтисодий оқибатларни ўзаро муносабатларидан келиб чиққан ҳолда солиқ имтиёзларини тақдим этишнинг аниқ мезонларини белгилашга имкон бермайди, бу эса имтиёзларни тақдим этиш механизмнинг аниқлиги, очиқлиги ва шаффофлигини яратилишини қийнлаштиради.

Модернизация бўйича имтиёзлар самарадорлиги пастлигининг яна бир асосий сабабларидан бири бу солиқ ва божхона имтиёзларининг ҳеч қандай шартларсиз берилиши ва қайтариб олинмаслигидадир. Имтиёзлардан фойдаланувчи корхона ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сифатини ошириш, ҳажмини кўпайтириш ёки экспорт ҳажмини ошириш бўйича ҳеч қандай мажбурият қабул қилмайди.

Ҳукумат қарорлари билан алоҳида тақдим этиладиган имтиёзларни қисқартириш ва унинг ўрнига маълум тармоқларни ривожлантиришга йўналтирилган мақсадли солиқ кредити тарзидаги имтиёзларни қўллаш зарур. Бунда биринчидан давлат бюджетига қўшимча маблағлар келиб тушишини таъминлаб, ўз навбатида иқтисодиётдаги солиқ юкини пасайтириш имконини берса, иккинчи томондан соғлом рақобатни янада ошишига олиб келади.

ИНВЕСТИЦИЯ РЕСУРСЛАРИНИ ЖАЛБ ҚИЛИШДА СОЛИҚ МЕХАНИЗМИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ

Мамлакатимиз иқтисодиётининг инвестицион жозибадорлигини оширишда солиқ механизми ҳал қилувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Бунда, аввало давлат солиқ тизими таркибий тузилишининг ўзи мамлакат умумий инвестицион муҳитига таъсир кўрсатади. Солиқ тизимининг алоҳида элементлари орқали эса инвестицияларни бошқариш, яъни уларнинг йўналишини иқтисодиётнинг тармоқ ёки соҳаларига қараб ўзгартириш мумкин.

Шунинг учун, республикамызда инвестицион фаолликни ошириш ва инвестициялар оқимини кучайтиришни солиқ воситасида рағбатлантириш даражаси қандай, деган масалага тўхталамиз. Инвестицияларнинг зарурлигига тўхталадиган бўлсак, энг аввало Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг «Биз бир оддий ҳақиқатни доимо эсда тутишимиз даркор, яъни, сармоясиз тараққиёт йўқ, ишлаб чиқаришни ва умуман, мамлакатимизни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашни инвестицияларсиз тасаввур этиб бўлмайди» дея асосли таъкидлаганини ҳозир ёдга олишимиз ўринли бўлади.

Ўзбекистонда инвестиция сиёсатини шаклланишининг ўзига хос хусусиятлари Мустақиллик йилларида Ўзбекистон иқтисодий сиёсати фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш ҳисобига: макроиқтисодий барқарорликни қўллаб-қувватлаш, иқтисодий муносабатларни эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш, иқтисодиётни таркибий қайта тузишга йўналтирилди.

Агар республика солиқ тизимининг таркибий тузилишига назар ташлайдиган бўлсак, Ўзбекистонда тадбиркорликка солиқларни 2 та йирик лагерга ажратиш мумкин: умумбелгиланган ва соддалаштирилган солиқ режимлари. Биринчи режимда солиқлар сони кўплиги ва ставкалар юқорилиги учун кичик бизнес субъектларига қулай инвестицион муҳитни таъминлаш мақсадида соддалаштирилган махсус солиқ режимлари ишлаб чиқилган.

Бундан ташқари, ҳар иккала режимда ҳам тадбиркорликка асосий солиқларнинг (фойда солиғи, ягона солиқ тўлови, ягона ижтимоий тўлов) ставкалари йиллар давомида пасайиш тенденциясига эга. Бошқа томондан эса, мулкый ва истеъмолга солиқлар, айниқса жисмоний шахслар мол-мулк, ер солиқлари ҳамда акцизлар мунтазам ошириб борилмоқда.

Фойда ва даромад солиғи каби тўғри солиқлар ставкаларининг пасайтирилиши, мулкый ва истеъмол солиқларининг эса оширилиши солиқ юкининг шахсий тўғри солиқлардан реал тўғри солиқларга кўчирилишига, бу эса иқтисодиётда ўлик капитал шаклланиши ва ортиқча истеъмолни чеклаб, даромадлар жамғарилиши ва инвестицияга йўналтирилишини рағбатлантиради.

Хорижий инвестицияларни рағбатлантириш давлат мулкани тасарруфдан чиқариш ва хусусийлаштириш натижасида хусусий секторни ривожлантиришда устувор йўналиш бўлиб ҳисобланади.

Ҳуқуқий асосдаги қулай инвестиция муҳитининг яратилиши хорижий инвестиция ва кредитларнинг кўпайишига имкон яратди.

Энди солиқ тизимининг инвестицияларни рағбатлантиришга қаратилган элементларига тўхталадиган бўлсак, Солиқ кодексида инвестицияларни рағбатлантиришга қаратилган бир қатор солиқ имтиёзлари кўзда тутилган. Хусусан, 155-моддага кўра банклар ва лизинг берувчиларнинг инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун жалб қилинган кредитлар бўйича хорижий молия институтларига тўланадиган даромадлари солиққа тортилмайди. 282-моддага биноан Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурига киритилган объектлар қурилиши учун ажратилган ерлар, норматив қурилиш муддати даврида ер солиғидан озод қилинади. Солиқ кодексининг 129, 208 ва 355-моддаларига кўра инвестор ва давлат мулкани бошқариш бўйича ваколатли орган ўртасида тузилган шартномага биноан инвестиция мажбуриятлари сифатида киритилаётган мол-мулк фойда солиғи ва ЯСТни ҳисоблаб чиқишда жами даромад таркибига киритилмайди, шунингдек ҚҚСдан озод этилади.

Шуни таъкидлаш жоизки, солиқ қонунчилигимизда хорижий инвестициялар оқимини кучайтиришга қаратилган солиқ имтиёзлари ички имкониятларни ҳаракатга келтиришга қаратилган солиқ элементларидан кўпроқ.

Солиқ кодексининг 59-боби (376-378 моддалар) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 апрелдаги «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-3594-сон Фармонида биноан тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этадиган ва белгиланган рўйхат бўйича иқтисодиёт тармоқларида маҳсулотларни ишлаб чиқаришга (хизматлар кўрсатишга) ихтисослаштирилган корхоналар уларнинг киритган

инвестициялари ҳажмидан келиб чиқиб фойда солиғи, мулк солиғи, ОИИРС, РЙЖга ажратма, ЯСТ тўлашдан маълум муддатларга озод қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 21 декабрдаги «Акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторларни жалб қилиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-2454-сон Қарорига биноан хорижий инвесторлар акциядорлик жамиятларида ўзларига тегишли бўлган акцияларидан дивиденд тарзида олаётган даромади бўйича солиқ тўлашдан 2020 йилгача озод қилинган. Хорижий инвестицияси мавжуд акциядорлик жамиятларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилган тақдирда даъво аризаси билан судга мурожаат этганда давлат божи тўлашдан озод қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 октябрдаги «Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4853-сон Фармонига биноан ЭИЗлар ҳудудида солиқ ва божхона режимлари бирхиллаштирилди ва ушбу зоналар иштирокчилари фойда солиғи, мулк солиғи, ер солиғи, ОИИРС, РЙЖга ажратма, УТТМРЖга ажратма, ЯСТ тўлашдан киритилган инвестициялар ҳажмига қараб маълум муддатларга озод қилинади.

Ўзбекистонда 2017 йилдаги инвестиция фаолияти натижалари республикаимиз иқтисодиётида барча молиялаш манбалари ҳисобидан ўзлаштирилган инвестициялар миқдори 2016 йилга нисбатан 7,1 фоизга ошиб, 11,9 млрд. АҚШ долларини ташкил этди.

Аммо, юқоридаги имтиёزلарга қарамасдан Ўзбекистонда солиққа тортиш 2016 йил натижалари бўйича халқаро “Doing Business” кўрсаткичларида 138 ўринни, 2017 йил натижалари бўйича 87 ўринни эгаллади.

Солиқ тизимининг танқидий таҳлили шуни кўрсатдики, республикаимизда хўжалик субъектларининг даромадларига турли хил (20 га яқин) солиқ режимларига бирлаштирилган 70 га яқин ставкаларда солиқ солинади. Ҳозирги кунга келиб Ўзбекистонда солиққа тортиш шу даражада табақалашиб кетдики, бу унинг амалда мураккаблашиб, халқаро андозалардан йироқлашиб кетишига олиб келди.

Тадқиқотлар кўрсатдики, алоҳида солиқ режимлари амал қилиши ҚҚС тўлов занжирига путур етказди, чекланган ресурслар ва мулклардан самарасиз фойдаланишга замин яратади, ўлик капитал ёки иқтисодиётга фойдаси кам бўлган, ишлаб чиқаришда қатнашмайдиган ҳашам мол-

мулкларнинг кўпайиб боришига олиб келади. Энг асосийси, солиқ юкининг иқтисодиёт субъектлари ўртасида адолатсиз тақсимланишига сабаб бўлади.

Солиққа тортишнинг халқаро тажрибаларидан келиб чиқадиган бўлсак, республикамизда солиқ юкини барчага мутаносиб тақсимлаш, солиққа тортишни соддалаштириш, ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва энг асосийси инвестицион фаолликни ошириш учун, энг аввало, солиққа тортишнинг махсус режимларини босқичма-босқич бекор қилиб, барча тадбиркорлик субъектларини умумбелгиланган солиқ режимига ўтказиш орқали солиқ тизимини унификациялаш лозим.

Бундан ташқари, hozirgi кунда корхоналарга берилаётган солиқ имтиёзларининг кўпчилиги индивидуал характерга эга. Айниқса, Солиқ кодексидан ташқари бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида тақдим этилаётган солиқ имтиёзлари тўғрисида шу фикрни билдириш мумкин. Зеро, Солиқ кодексининг 8-моддасида солиқ солишнинг умумийлиги, солиқлар бўйича яқка тартибдаги хусусиятга эга бўлган имтиёзлар берилишига йўл қўйилмаслиги қатъи белгилаб қўйилган. Шунини таъкидлаш жоизки, солиқлар бўйича ҳаддан зиёд ва индивидуал тарзда имтиёзлар беришга ружу қўйиш қайсидир маънода хуфёна иқтисодиётнинг ривожланишига сабаб бўлади ва давлат бюджетини катта ҳажмдаги молиявий маблағлардан маҳрум қилади.

Аслини олганда тадбиркорлик субъектлари учун энг яхши солиқ имтиёзи бу паст солиқ ставкалари, яъни енгил солиқ юкидир. Корхоналарнинг айрим тоифаларига берилган, иқтисодий асосланмаган ва самарасиз солиқ имтиёзлари рўйхати қанчалик қисқартирилса саноат корхоналарининг солиқ юкини камайтиришга шунчалик имкон яралади. Шу сабабли, индивидуал характерда Солиқ кодексидан ташқари берилган барча солиқ имтиёзларини бекор қилиб, уларнинг ўрнига халқаро амалиётда синалган инновацион солиқ кредитлари, солиқ таътилларини кўзда тутиш ҳамда интернет тармоғида маҳаллий ва хорижий инвесторларни зарур статистик ахборотлар, бизнесни юритиш учун яратилган шарт-шароитлар билан таъминлайдиган “Инвестиция портали”ни ишга тушириш.

Инвесторларни қизиқтирган саволларга жавобларни берувчи доимий ишлайдиган кўнғироқларни қабул қилиш ва хизмат кўрсатиш механизминини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ.

*Худоёрова О. К.- Солиқ академияси доценти,
Эшмуродов С. Т. -Солиқ академияси ўқитувчиси,
Ашууров Н.-Миллий рассомчилик ва дизайн
институтининг кафедра мудири*

КИЧИК БИЗНЕСДА ОДОБ ВА МАЪНАВИЯТНИНГ ЎРНИ

Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришгач, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган очик демократик давлат барпо этишни мақсад қилиб қўйди. Ҳаётимизнинг ҳамма томонларини модернизациялашга нисбатан бўлаётган эътибор янада кучаймоқда. Хусусан, ижтимоий-иқтисодий жараёнларни қонунга таянган ҳолда оқилона самарали бошқариш, илғор замонавий технологиялардан фойдаланиш, рақобатга асосланган муҳитни яратишга қаратилгани муҳим аҳамиятга эгадир. “Пировард мақсадимиз ижтимоий йўналтирилган барқарор бозор иқтисодиётга, очик ташқи сиёсатга эга бўлган кучли демократик ҳуқуқий давлатни ва фуқаролик жамиятини барпо этишдан иборатдир”¹⁵¹.

Айни шу ўринда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакат иқтисодиётига нафақат мустаҳкам ташқи жиҳати, балки келажаги эканлигини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак. Бунда эришган ютуқларимиздан фахр туйғуси илк мамнунликда яшаш учун янги марралар сари интилиш ва тараққиёт йўлидан қатъият билан бориш зарур ҳисобланади. Бугунги кунда эволюцион тараққиёт йўлидан ривожланиш энг самарали йўлдир. Ўзбекистон ана шу йўлдан бормоқда. Бу йўналишда бозор иқтисодиётининг моҳиятини онгли англаб етишга эътибор берган ҳолда, ёшларнинг дунёқарашини кенгайтириш, иқтисодий маданиятини шакллантиришда уларнинг мустақил фикр юритиши, ижодий изланиши ва турли қарашларини таҳлил этиш орқали оқилона хулосалар чиқариш мумкин.

Айниқса бозор иқтисодиёти шароитида ёшларнинг ўз ақли, заковати, салоҳияти, малакаси, тажрибаси, маҳорати, қизиқишига қараб хоҳлаган меҳнат фаолияти билан шуғулланиш имкониятига кўра фаровон ҳаёт кечиришни амалга ошириш долзарб масаладир.

Ёшларнинг янгича иқтисодий тафаккури ва дунёқарашини ўстиришда халқаро даражага кўтарилган инновацион муҳитни таъминлаш талаб этилади. Ҳар қандай меҳнатсевар, халқпарвар, ватанпарвар, адолатпарвар, виждон,

¹⁵¹ И.А.Каримов Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. “Ўзбекистон” Т.1995 й. 9 бет.

самимийлик каби ахлоқий фазилатларга эга бўлган улуғ инсонлар тарих саҳифаларида учмас из қолдирадилар.

Маълумки инсонни инсонийликка даъват этадиган нарса унинг маънавияти, ички дунёси, ахлоқи, тарбия кўрганлигида намоён бўлади. Ҳақиқий бозор иқтисодиётининг юзага келишида инсоний муносабатлар ҳам ўзаро манфаатдорлик, тўғрилиқ каби умуминсоний сифатларга таяниб, адолат асосида иш юритиш зарурдир.

Кишиларни ҳаққига хиёнат қилиш, таъмагирлик, порахўрлик, мунофиқлик қилмасдан тўғри иш юритиш имонли ва ҳалол, билимдон бўлиш, инсоннинг одоби ва маънавиятли бўлиши талаб этилади. Шунингдек, иш юритишда ташкилотчилик қобиляти, ирода, ва ўткир ақл соҳиби бўлиш, мустаҳкам тартиб-қоидалар ўрнатиш орқали моддий ва маънавий фаровонликка эришиш қоидасига халқ фаровон бўлса, давлат ҳам бой ва кудратли бўлади деган ақидага амал қилиши муҳим ҳисобланади.

Мамлакатни иқтисодиётини юксалтиришда ҳар бир киши ҳаётимизнинг қай бир соҳасида ишлашдан қатъий назар касбий фаолиятида ҳалол инсон ва бағри кенг олийжаноб табиати, муомала борасида меъёр қоидаларига риоя эта олиши, сабрли, диёнатли қисқаси мукамал бўлиши керак.

“Даст ба кору дил ба ёр”-қул меҳнат билан ва юрак Аллоҳ ишқи билан” ибораси муқаддас саналиб эъзозланадиган Нақшбандия тариқатини асосий ҳаёти шиоридир.

Ҳазрат Баҳоуддин нақшбандлик касби билан шуғулланганлиги учун бу тариқат Нақшбандия номи билан юритилади. Нақшбанд дегани юрагида Аллоҳ нақшланган деганидир

Нақшбандийлик тариқатида ўз ҳалол ҳақиқати, ҳалол лукмага риоя этиш ва ўз меҳнати билан кун кечириш шартлари мавжуд. Инсон ўз фаолиятини қатъият билан режа асосида ташкил этса, шунда иш унумли ва самарали бўлади. Инсон ҳар бир ишни ғайрат билан бошлаб, уни бажаришда чўчимаслик, ишни қўл учида эмас бор вужуд, иштиёқ билан бошлашнинг асосий натижаси соф муваффақиятни намоён этади. Ана шундай ишланганда ҳар қандай инсон фаровон яшайди, жамият эса гуллаб яшнайдди.

Инсон ўз иш фаолияти давомида ўзига қуйидаги саволларни бериб туриши лозим.

-нима учун тадбиркорлик билан шуғулланыпман?

-ҳодимларнинг маоши қанча бўлиши керак?

-ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифати қандай? бошқа корхонадаги маҳсулотдан афзаллиги нимада?

-қандай янги технологиялардан фойдаланиш мумкин?

-ишни самарали ташкил этиш ва яхши натижага эришиш учун нималарга эътибор бериш керак?

Бозор иқтисодиёти мураккаб ва масъулиятли вазифаларни қўймоқда. Бугунги кунда ижтимоий меҳнатга муносабатни тубдан ўзгартириш ва иқтисодий ислохотлар жараёнида ҳар бир инсоннинг фойдали меҳнат билан шуғулланмоғи, турмуш фаровонлигини ошириш ишига муносиб улушини қўшмоғи зарур.

Бунда тадбиркор–нималарни билиши керак?

-тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишни;

-амалий ҳаракат қилишни;

-Тўсиқ ва муоммоларни ҳал этишни ва қандай ютуқларга эришиш мумкинлигини;

-ишлаб чиқаришни ташкил этишни;

-маҳсулотни сотиш, бозор муносабатлари шароитида баҳолашни,

-тўғри йўл танлаш, ўз кучи, билимига, ақл-заковатга ишониш ва суяниш, ҳуқуқий муҳит ва ишбилармонлик қобилиятига эга бўлишни;

-иқтисодиётни тушуниш, бозор иқтисодиёти ижодкори бўлишни;

-ижтимоий-иқтисодий техникавий замонавий илм фан ютуқларига таянган ҳолда фаол ҳаракатланишни;

-касб маданиятига эга бўлиши маънавий оламининг бойлиги, дунёқарашининг кенглиги, мустақил ва ижодий фикрлаш лаёқати, муомала одоби, иродаси, сабри, қатъияти, маҳорати, юксак инсоний хислатлари, тажрибаси, шахсий намунаси, жамоада обрў эътиборга эга бўлишни тушуниб етиши ва ҳоказо.

Маълумки Ўзбекистон кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ички ва ташқи омиллар таъсирида ривожланиб боради. Бозор муносабатларининг кучайиши, бозор инфратузилмасини янада жадал фаолиятини ташкил этиш каби чора-тадбирлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қулай имкониятларни яратади. “Мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш, халқимизнинг фаровон турмушини таъминлашда, муҳим ўрин тутаётган тадбиркорликни

кўллаб-қувватлаш масаласи давлат сиёсатининг стратегик йўналишларидан биридир”¹⁵²

Бу эса бозор муносабатлари шароитида замонавий ва сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқариши билан бирга рақобатда иштирокни этиш тақозо этади. Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришга йўналтирилган шарт-шароитларнинг сифат даражасини таъминлашга жиддий эътибор бериш муҳим ҳисобланади. Бу борада шу нарса аниқки, давлатнинг кучи ва қудратини маънавий жиҳатдан баркамол бўлган кишилар белгилайди. Маънавият эса инсон ҳаётини беҳад гўзаллаштиради.

Закиров Ш. М.- Налоговая академия, к.ф.н., доц.

ЦЕЛЕСООБРАЗНОСТЬ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ЗАРУБЕЖНОГО ОПЫТА ПРОТИВОДЕЙСТВИЯ КОРРУПЦИИ КАК ФАКТОР РЕАЛИЗАЦИИ СТРАТЕГИИ ДЕЙСТВИЙ ПО РАЗВИТИЮ УЗБЕКИСТАНА

Президент Республики Узбекистан Шавкат Мирзиёев 3 января 2017 года подписал Закон "О противодействии коррупции". Данный нормативно-правовой документ направлен на комплексное регулирование правоотношений в сфере борьбы с коррупцией, повышение эффективности антикоррупционных мер, осуществляемых государственными органами, организациями и институтами гражданского общества, недопущение коррупционных проявлений во всех сферах общественной жизни, создание в обществе обстановки нетерпимости ко всем ее проявлениям путем повышения правосознания и правовой культуры граждан. В правовом акте закреплены основные принципы и направления государственной политики по противодействию коррупции, приводится система уполномоченных органов, определяются механизмы и раскрываются вопросы участия органов самоуправления граждан, институтов гражданского общества, средств массовой информации и граждан, а также международного сотрудничества в данной сфере. Необходимость принятия и своевременность данного закона определяется множеством факторов, среди которых актуальность ограждения права частной собственности субъектов предпринимательства от противоправных посягательств, необоснованного вмешательства в их деятельность имеет особое значение. Закон будет способствовать росту деловой

¹⁵² Шавкат Мирзиёев Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Т.:“Ўзбекистон”2017. 201 бет.

активности и повышению инвестиционной привлекательности страны, а также укреплению правовых гарантий защиты прав и свобод граждан. Несомненно, при составлении текста данного закона исходили из передового опыта зарубежных стран в борьбе против коррупции.

7 февраля 2017 года Президент Республики Узбекистан Ш.М.Мирзиёев утвердил стратегию действий по развитию Узбекистана, в которой определены важнейшие приоритеты и четкие ориентиры дальнейшего углубления демократических реформ и ускоренного развития страны в предстоящие пять лет.¹⁵³ Стратегия действий призвана стать мощным импульсом для поступательного движения Республики Узбекистан по пути реформирования и модернизации страны, построения правового и демократического государства с развитой рыночной экономикой, сильного гражданского общества, обеспечения верховенства закона, безопасности и правопорядка, неприкосновенности государственных границ, межнационального согласия и религиозной толерантности в обществе. В ней предполагается отдельное внимание уделить системе профилактики правонарушений, коренному совершенствованию деятельности органов внутренних дел по борьбе с преступностью и охране общественного порядка. В части совершенствования системы противодействия преступности и профилактики правонарушений предусматривается совершенствование организационно-правовых механизмов противодействия коррупции и повышение эффективности антикоррупционных мер.

Противодействие коррупции осуществляется в разных странах исходя из их исторического, а иногда и религиозного развития. Антикоррупционная борьба в этих странах проходит с различным эффектом и по различным направлениям. При этом реализация единой международной антикоррупционной стратегии, состоящей из различных профилактических мероприятий и репрессивных мер, на современном этапе развития мирового сообщества была бы более эффективна, нежели разрозненные действия отдельных профилактических субъектов в разных странах.

Исследование зарубежного опыта противодействия коррупционной преступности основывается на анализе особенностей ее восприятия правительством и правоохранительными органами зарубежных стран.

Сегодня, оценивая уровень коррупции в мире, можно говорить об условной градации всех стран на две большие категории - те, которые успешно

¹⁵³ Указ Президента Республики Узбекистан от 07.02.2017 г. № УП-4947, "Народное слово», 2017 г., № 28 (6692)

справляются с этой проблемой, и те, для которых коррупция представляет неразрешимые трудности.¹⁵⁴

Достаточно чистыми в отношении коррупции странами, которые входят в первую двадцатку держав, характеризующихся сформированностью на государственном уровне антикоррупционной стратегии, являются Финляндия, Дания, Новая Зеландия, Исландия, Сингапур, Швеция, Канада, Нидерланды, Люксембург, Норвегия, Австралия, Швейцария, Япония, Израиль и ряд других стран.

Некоторые особенности организации антикоррупционной деятельности в вышеуказанных странах сводятся к следующему - коррупция осознается правительствами этих стран как серьезная угроза национальной безопасности. При этом коррупция рассматривается как внешняя и внутренняя проблема. Поэтому усилия по ограничению коррупции в этих странах масштабны и, как правило, институционализированы. Например, система борьбы с коррупцией в Нидерландах включает, в частности, следующие ключевые процедурные и институциональные меры:

- система мониторинга возможных точек возникновения коррупционных действий в государственных и общественных организациях. Система подбора лиц на должности, опасные с точки зрения коррупции;

- система наказаний за коррупционные действия, при этом основной мерой является запрещение работать в государственных организациях и потеря всех социальных льгот, которые предоставляет государственная служба.

Схожие меры применяются также в Израиле и Канаде. В ЮАР уровень коррупции сегодня низкий, т. к. там существует обязанность правительства отчитываться перед парламентом, а также обязательной подачи чиновниками и депутатами имущественной декларации, вообще максимальной открытости государственной системы, регулярного проведения публичных заседаний государственного комитета по контролю за расходованием государственных средств¹⁵⁵. Антикоррупционная политика Сингапура впечатляет своими успехами. Главная идея антикоррупционной политики заключается в «стремлении минимизировать или исключить условия, создающие как стимул, так и возможность склонения личности к совершению коррумпированных действий».

¹⁵⁴ Есаян А.К., Петросян О.Ш., Трунцевский Ю.В. О первоочередных мерах, предпринимаемых в органах внутренних дел по борьбе с коррупцией // Российский следователь. 2008. № 17.

¹⁵⁵ Гилевская М.А. Передовые национальные антикоррупционные стратегии. URL: <http://www.corrupti.net/rus/2/html>.

Как видно, борьба с коррупцией - чрезвычайно сложная и многоплановая задача, которая далеко не всегда успешно решается за рубежом. Здесь нужны политическая воля и целенаправленные государственные усилия. В связи с этим целесообразно исследовать и применять эффективный опыт зарубежных стран в сфере борьбы с коррупцией в Узбекистане. Вместе с тем, необходимо глубоко осознать то, что наибольший эффект в борьбе с коррупцией может дать в первую очередь ликвидация ее причин, а именно - искоренение коррупции лежит на путях деятельности по минимизации и, в дальнейшем, исключению условий, стимулирующих и склоняющих личность к совершению коррумпированных действий.

4-ШУЪБА

СОЛИҚ МАЪМУРЧИЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ҲАМДА СОЛИҚЛАР ВА БОШҚА МАЖБУРИЙ ТЎЛОВЛАРНИНГ ЙИГИЛУВЧАНЛИГИНИ ОШИРИШДА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ КЕНГАЙТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ.

*Djurayeva K. G. - Soliq akademiyasi
“Informatsion texnologiyalar” kafedra mudiri, i.f.n.*

DAVLAT IDORALARI O‘RTASIDA ELEKTRON HAMKORLIKNI TAKOMILLASHTIRISH ASOSIDA SOLIQLAR VA BOSHQA MAJBURIY TO‘LOVLARNING YIG‘ILUVCHANLIK DARAJASINI OSHIRISH

O‘zbekiston Respublikasi davlat soliq xizmati organlari tizimini isloh etishning muhim yo‘nalishlaridan biri bo‘lib-soliq ma‘muriyatchiligi jarayoniga zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalari va ilg‘or avtomatlashtirilgan tahlil uslublarini keng joriy etish, soliq to‘lovchilarga, eng avvalo, tadbirkorlik subyektlariga to‘g‘ridan-to‘g‘ri muloqotsiz elektron xizmat ko‘rsatishga to‘liq o‘tish hisoblanadi.

Davlat soliq qo‘mitasi tomonidan tizim faoliyatini avtomatlashtirish, Davlat soliq qo‘mitasi Yagona integratsiyalashtirilgan axborot resurs bazasi imkoniyatlaridan foydalangan holda soliq ma‘muriyatchiligi jarayonida zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan keng foydalanish, Davlat soliq qo‘mitasi va boshqa vazirliklar hamda idoralar o‘rtasida, jumladan aloqa kanallari orqali elektron axborot almashuvini yanada kengaytirish, soliq to‘lovchilarga ko‘rsatilayotgan elektron davlat xizmatlari sifatini oshirishga alohida e‘tibor qaratilmoqda.

Davlat soliq qo‘mitasi va tegishli davlat organlari, boshqa tashkilotlar bilan axborot turi (soliq to‘lovchilarda soliq majburiyatlari paydo bo‘lishi (to‘xtatilishi) bo‘yicha hamda soliq to‘lovchilarga tegishli bo‘lgan boshqa ma‘lumotlar) aniq ko‘rsatilgan holda elektron axborot almashish jarayonining muvofiqlashtirilishiga imkon beruvchi yangi texnologiyalar, dasturiy mahsulotlar va avtomatlashtirilgan axborot tizimlari mavjud bo‘lib, bunda tizimdagi mavjud axborot uzatish tarmoqlari,

solliq idoralarining yagona integratsiyalashtirilgan axborot resurs bazasidan samarali foydalanish yo‘lga qo‘yilgan.

Solliq idoralarining yagona integratsiyalashtirilgan axborot resurs bazasi solliq va boshqa majburiy to‘lovlar tushumini hisobga olish hamda nazorat qilish darajasini oshirishga, solliq tushumlarining qo‘shimcha manbalarini aniqlash va solliq to‘lashdan bo‘yin tovlashning oldini olishga, shuningdek solliq to‘lovchilar uchun ko‘rsatilayotgan interaktiv xizmatlar turini kengaytirish hamda sifatini oshirishga yo‘naltirilgan bo‘lib, davlat solliq xizmati idoralari axborot-kommunikatsiya tizimini yanada rivojlantirish va faoliyat samaradorligini oshirishga xizmat qiladi.

Solliq idoralarining yagona integratsiyalashtirilgan axborot resurs bazasini shakllantirishning birinchi bosqichi, ya‘ni barcha hududiy davlat solliq inspeksiyalarining axborot bazalari Davlat solliq qo‘mitasining markaziy ma‘lumotlar bazasiga integratsiyalashtirish ishlari yakuniga yetkazilib, quyi davlat solliq xizmati organlari faoliyati ustidan nazorat qilishning samarali mexanizmlari yo‘lga qo‘yildi.

Solliq idoralarining yagona integratsiyalashtirilgan axborot resurs bazasini shakllantirishning ikkinchi bosqichida solliq to‘lovchilar majburiyatlarining paydo bo‘lishi (to‘xtatilishi) bo‘yicha vazirlik va idoralarning ma‘lumotlar bazasini Davlat solliq qo‘mitasining ma‘lumotlar yagona axborot bazasiga integratsiyalash borasida 53 ta vazirlik va idoralar bilan o‘zaro axborot almashinuvi yuzasidan bitimlar imzolanib, 112 ta yo‘nalishdagi axborotlar Davlat solliq qo‘mitasining Yagona integratsiyalashtirilgan axborot resurs bazasida jamlangan.

Tashqi manbalardan kelayotgan ma‘lumotlarni qabul qilish, ularni solliq organlarida mavjud ma‘lumotlar bilan taqqoslagan holda qo‘shimcha solliq bazasini aniqlash maqsadida, Davlat solliq qo‘mitasi tomonidan dasturiy mahsulotlar hamda avtomatlashtirilgan axborot tizimlari ishlab chiqilib, amaliyotga joriy etilgan.

Jumladan, “Tashqi manba ma‘lumotlari” avtomatlashtirilgan axborot tizimi yordamida solliq to‘lovchilarning majburiyatlari yuzaga kelganligi (tugatilganligi) to‘g‘risida idora va tashkilotlardan axborotlar elektron shaklda qabul qilinib, yagona integratsiyalashtirilgan axborot resurs bazasida shakllantirish ishlari amalga oshiriladi. «Qayta ishlash va tahlil» dasturiy mahsulotida ushbu taqdim etilgan ma‘lumotlar avtomatik ravishda qayta ishlangan holda, solliq to‘lovchilarning budjet va budjetdan tashqari maqsadli jamg‘armalar bilan munosabatlari tahlil qilinadi.

Tahlil olib boriladigan yo‘nalishlardan biri bo‘lib Yer resurslari, geodeziya, kartografiya va davlat kadastr qo‘mitasi tomonidan taqdim etiladigan ma‘lumotlar hisoblanadi. Ushbu yo‘nalishda yuridik shaxslar tomonidan geodeziya va

kartografiya faoliyatini amalga oshirish uchun litsenziya, yerdan foydalanuvchi yuridik shaxslar to'g'risida, yakka tartibdagi tadbirkorlar yer turlari, qishloq xo'jaligi yerlari sifati, qishloq xo'jaligi yerlarining me'yoriy qiymati, bino va inshootlar to'g'risida, fuqarolar foydalanayotgan yerlar to'g'risidagi tashqi manbadan kelayotgan ma'lumotlar qabul qilinib, ularni soliq organlarida mavjud ma'lumotlar bilan taqqoslagan holda qayta ishlanib, tahlil qilinadi.

Lekin ushbu ma'lumotlarning avtomatik shakllantirilishi bo'yicha munozarali holatlar mavjud.

Davlat soliq qo'mitasi va Yer resurslari, geodeziya, kartografiya va davlat kadastri qo'mitasi o'rtasida o'zaro hamkorlik samarali yo'lga qo'yilmaganligi oqibatida ma'lumotlar bazalarida tafovutlar mavjud. Soliq idoralarining bazasida 212000 gektar yerga ega 3247 ta fermer xo'jaliklari haqidagi ma'lumotlar mavjud emas. Kadastr idoralarida ro'yxatga olingan 405508 ta turar joy va noturar joy obyektlari soliq idoralarida soliq obyekt sifatida hisobga olinmagan. Buning oqibatida budjetga yagona yer solig'i bo'yicha 1.8 mlrd so'm tushmasdan qolgan.

Hozirgi kunga qadar 1 mln 100 mingdan ortiq turar joylarning kadastr hujjatlari mavjud emas va bu obyektlar soliq bazasida hisobga olinmasdan kelinmoqda.

Davlat soliq qo'mitasiga yuboriladigan ma'lumotlar Yer resurslari, geodeziya, kartografiya va davlat kadastri qo'mitasi tomonidan to'liq va o'z vaqtida kiritilishi yo'lga qo'yilsa, bu o'z navbatida - soliq to'lovchilarga oid ma'lumotlar bazasini to'laqonli va sifatli shakllantirib, soliq xodimlarining qo'l mehnatini kamaytirishga va qo'shimcha soliq manbalarini aniqlashga imkoniyat yaratgan bo'lar edi.

Bu borada ikki tomonlama tuzilgan Bitimlarga o'zgartirishlar kiritish, tegishli davlat organlari, boshqa tashkilotlar tomonidan birlamchi ma'lumotlarni taqdim etish mexanizmlarini qayta ko'rib chiqib, taqdim etiladigan ma'lumotlarga talablar hamda birlamchi ma'lumotlarni dasturiy mahsulotning tegishli bandlariga o'z vaqtida, belgilangan muddatlarda kiritilishining aniq ko'rsatilishi ushbu muammolarning hal etilishiga ijobiy ta'sir ko'rsatadi.

Yuqorida keltirilganlarni tahlil qilgan holda, axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini keng qo'llash orqali soliq ma'muriyatchiligini takomillashtirish, davlat idoralari o'rtasida elektron hamkorlikni optimallashtirish asosida soliqlar va boshqa majburiy to'lovlarning yig'iluvchanlik darajasini oshirishda quyidagi ishlarning amalga oshirilishini maqsadga muvofiq deb hisoblaymiz:

xalqaro standartlar darajasida soliq ma'muriyatchiligi sohasini axborotlashtirish va telekommunikatsiya texnologiyalarini qo'llash bo'yicha texnik me'yorlarni ishlab chiqish;

jahonning rivojlangan mamlakatlarining soliq ma'muriyatchiligi sohasida qo'llanilayotgan eng so'nggi texnologiyalarni, sinalgan ilg'or yutuqlarni Davlat soliq qo'mitasining axborot tizimlarida joriy etish imkoniyatlarini o'rganish hamda tegishli xulosa va takliflarni ishlab chiqish;

Davlat soliq qo'mitasining yagona integratsiyalashtirilgan axborot resurs bazasi imkoniyatlaridan unumli foydalangan holda, soliq ma'muriyatchiligini avtomatlashtirishni yanada rivojlantirish hisobiga soliqlarning to'liq yig'iluvchanligini va budjetga o'z vaqtida tushishini ta'minlash;

Davlat soliq qo'mitasining yagona integratsiyalashtirilgan axborot resurs bazasida to'planayotgan, tashqi va ichki manbalardan olingan axborotlarni intellektual tahlil tizimlaridan foydalangan holda samarali qayta ishlash va tahlil qilishning yangi mexanizmlarini yaratish;

davlat soliq xizmati organlari tomonidan ko'rsatilayotgan barcha davlat xizmatlarini bosqichma-bosqich elektron ko'rinishiga o'tkazish;

Davlat idoralari o'rtasida elektron hamkorlik va ma'lumotlar almashinuvini yo'lga qo'yish bo'yicha ishlarni jadallashtirish;

tegishli vazirlik va idoralar tomonidan Davlat soliq qo'mitasiga ma'lumotlarni (soliq to'lovchilarda soliq majburiyatlari paydo bo'lishi (to'xtatilishi) bo'yicha va soliq to'lovchilarga tegishli bo'lgan boshqa ma'lumotlarni) taqdim etish mexanizmlarini takomillashtirish.

Xulosa o'rnida shuni aytish mumkinki, Davlat soliq qo'mitasiga vazirliklar va idoralar tomonidan birlamchi ma'lumotlarni taqdim etish mexanizmlarini doimo takomillashtirish, Davlat soliq qo'mitasining yagona integratsiyalashtirilgan axborot resurs bazasida to'planayotgan axborotlarni intellektual tahlil tizimlaridan foydalangan holda samarali qayta ishlash va tahlil qilish - soliq ma'muriyatchiligini takomillashtirishda muhim ahamiyat kasb etib, davlat budjeti daromadlari y'ani, soliqlar va boshqa majburiy to'lovlarning yig'iluvchanlik darajasini oshirishda hamda to'liq va o'z vaqtida budjetga undirilishida asosiy omillardan biri bo'lib xizmat qiladi.

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИНГ ДАРОМАД СОЛИҒИНИ ҲИСОБЛАШНИНГ ИҚТИСОДИЙ-МАТЕМАТИК УСУЛЛАР АСОСИДАГИ ТАҲЛИЛИ

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг жисмоний шахслар даромад солиғи бўйича бир қанча ҳуқуқий асослар яратилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 51-моддасида фуқароларнинг қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбурийлиги белгилаб қўйилди¹⁵⁶.

Ўзбекистон Республикасида аҳоли даромадларини солиққа тортиш тизими Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 15 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаганларни солиққа тортиш тўғрисида”ги 227-ХП-сонли Қонуни асосида жорий қилинган.

Ҳозирги кунда, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғига оид муносабатлар, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг махсус қисмига тегишли 6-бўлими, 29-33 боблари, 167-188 моддаларида ўз аксини топган¹⁵⁷.

Иқтисодчи олимларнинг фикр-мулоҳазаларига эътибор қаратадиган бўлсак, хорижлик олимлар томонидан мавзу доирасида кўплаб илмий изланишлар олиб борилган. Бироқ, ўзбек иқтисодчи олимларининг илмий изланишларида жисмоний шахсларнинг даромадларига нисбатан даромад солиғини ортиб боровчи яқун бўйича ҳисоблаш механизми иқтисодий-математик усуллардан фойдаланган ҳолда ифодаланиши деярли учрамайди.

Жисмоний шахсларнинг даромадларини солиққа тортиш билан боғлиқ кўрсаткичларни ифода этган ҳолда, солиқни ҳисоблаш амалиётига математик ёндашиш учун айрим маълумотларга мурожаат қилиш мақсадга мувофиқ.

Солиқларни ундиришда прогрессив ставканинг қўлланилиши солиққа тортишнинг адолатлилиги принципининг амалиётга татбиқ қилинишида намоён бўлади.

Даромад солиғида прогрессивлик, оилавий аҳвол каби тушунчалар ўз аксини топади. XX асрнинг бошларига келиб даромад солиғи ва прогрессив солиқ солиш, солиқ тизимининг гулдастаси деб тан олинди десак хато бўлмайди.

¹⁵⁶ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси

¹⁵⁷ Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси

Солиқнинг прогрессив ставкасида даромад ёки бошқа объект қиймати ошиб бориш билан бирга солиқ ставкаси ҳам ошиб боради. Масалан, Ўзбекистон солиқ қонунчилигида жисмоний шахсларнинг даромадига солиқ бўйича шундай ставка қўлланилади. Алоҳида таъкидлаш жоизки, республикамизда 2018 йилда жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи ставкалари 4 та шкалада бўлиб, 1-шкала 0 %, 2-шкала 7,5 %, 3-шкала 16,5 % ва 4-шкала 22,5 % ни ташкил қилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, 2013 йилнинг 1 январидан бошлаб, солиқ солиш шкаласи йил бошидаги энг кам ойлик иш ҳақи (ЭКИХ) миқдори (2018 йил учун (172 240 сўм))дан келиб чиқиб аниқланади ва энг кам иш ҳақи миқдорининг йил давомида ўзгаришига қарамасдан қайта кўриб чиқилмайди.

Даромад солиғини ҳисоблашда “0” даражали ставка киритилиши кам даромад олувчи жисмоний шахсларни ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган.

Юқорида келтирилган Ўзбекистонда жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғига оид маълумотлардан фойдаланиб, жисмоний шахсларнинг ойлик иш ҳақидан олинadиган даромад солиғи ва бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига ўтказилadиган мажбурий суғурта бадали суммасини ҳисоблаш формуласини қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$d(M; K) + SB(M) = \begin{cases} M \cdot 8\%, & 0 \leq M \leq K, \\ (M - K) \cdot 7,5\% + M \cdot 8\%, & K < M \leq 5K, \\ (M - 5K) \cdot 16,5\% + 4K \cdot 7,5\% + M \cdot 8\%, & 5K < M \leq 10K, \\ (M - 10K) \cdot 22,5\% + 5K \cdot 16,5\% + 4K \cdot 7,5\% + M \cdot 8\%, & M > 10K \end{cases} \quad (1)$$

бу ерда, $d(M; K)$ – жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи суммаси, M – жисмоний шахснинг ойлик иш ҳақи, K – энг кам иш ҳақи миқдори, $SB(M)$ – бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига ўтказилadиган мажбурий суғурта бадали.

Солиқ ислоҳоти концепцияси лойиҳасида эса жисмоний шахсларнинг ойлик иш ҳақидан олинadиган даромад солиғи ва бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига ўтказилadиган мажбурий суғурта бадали бирлаштирилиб 25 % ставка қилиб белгиланган. Бу эса (1) формулани қуйидаги кўринишга олиб келади.

$$d(M) + SB(M) = M \cdot 25\% \quad (2)$$

бу ерда, $d(M)$ – жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи суммаси, M – жисмоний шахснинг ойлик иш ҳақи, $SB(M)$ – бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига ўтказилadиган мажбурий суғурта бадали.


Жисмоний шахсларнинг 500 000 сўмдан 4 900 000 сўмгача бўлган ойлик иш ҳақидан жорий ва концепцияга кўра қанча миқдорда ушланма ушлаб қолинишини MS Excel амалий дастурида (1) ва (2) формулаларга асосланиб ҳисоблаб чиқилса, қуйидаги жадвал (1-жадвал)га ва диаграмма (1-диаграмма)га эришилади.

1-жадвал

Жисмоний шахсларнинг ойлик иш ҳақидан жорий ва концепцияга кўра қанча миқдорда ушланма ушлаб қолиниши

№	Ойлик иш ҳақи	Жами ушланма (жорий)	Жами ушланма (концепция)	Фарқи (сўмда)	№	Ойлик иш ҳақи	Жами ушланма (жорий)	Жами ушланма (концепция)	Фарқи (сўмда)
1.	500000	64582	125000	-60418	24.	2800000	660230	700000	-39770
2.	600000	80082	150000	-69918	25.	2900000	690730	725000	-34270
3.	700000	95582	175000	-79418	26.	3000000	721230	750000	-28770
4.	800000	111082	200000	-88918	27.	3100000	751730	775000	-23270
5.	900000	130074	225000	-94926	28.	3200000	782230	800000	-17770
6.	1000000	154574	250000	-95426	29.	3300000	812730	825000	-12270
7.	1100000	179074	275000	-95926	30.	3400000	843230	850000	-6770
8.	1200000	203574	300000	-96426	31.	3500000	873730	875000	-1270
9.	1300000	228074	325000	-96926	32.	3523091	880772,8	880772,8	0,005
10.	1400000	252574	350000	-97426	33.	3600000	904230	900000	4230
11.	1500000	277074	375000	-97926	34.	3700000	934730	925000	9730
12.	1600000	301574	400000	-98426	35.	3800000	965230	950000	15230
13.	1700000	326074	425000	-98926	36.	3900000	995730	975000	20730
14.	1800000	355230	450000	-94770	37.	4000000	1026230	1000000	26230
15.	1900000	385730	475000	-89270	38.	4100000	1056730	1025000	31730
16.	2000000	416230	500000	-83770	39.	4200000	1087230	1050000	37230
17.	2100000	446730	525000	-78270	40.	4300000	1117730	1075000	42730
18.	2200000	477230	550000	-72770	41.	4400000	1148230	1100000	48230
19.	2300000	507730	575000	-67270	42.	4500000	1178730	1125000	53730
20.	2400000	538230	600000	-61770	43.	4600000	1209230	1150000	59230
21.	2500000	568730	625000	-56270	44.	4700000	1239730	1175000	64730
22.	2600000	599230	650000	-50770	45.	4800000	1270230	1200000	70230
23.	2700000	629730	675000	-45270	46.	4900000	1300730	1225000	75730

Жисмоний шахсларнинг ойлик иш ҳақидан жорий ва концепцияга кўра қанча миқдорда ушланма ушлаб қолиниши



1-жадвалдан кўришиб турибдики, жисмоний шахслар концепцияга кўра, 3 523 091 сўмгача (шартли олинган миқдорларга кўра) бўлган миқдордаги даромад қиладиганлардан жами ушланмалар жорий ушланмалардан кўпроқ ушланади, 3 523 091 сўмдан юқори даромад қиладиганларда эса аксинча эканлигини кўришимиз мумкин. Маълумки, ҳозирда республикамиздаги жисмоний шахсларнинг деярли кўпчиликларининг ойлик иш ҳақлари миқдори 3 523 091 сўмдан кам эканлигини кўришимиз мумкин. Бу эса ўз навбатида уларнинг ойлик даромадларининг камайишига олиб келади. Бунинг ечими сифатида концепциядаги ушланманинг фоизини камайтириш ёки жисмоний шахсларнинг ойлик иш ҳақлари миқдорини оширишни кўришимиз мумкин.

*Ismatullaev Sh. A. - Soliq akademiyasi "Informatsion texnologiyalar" kafedrasida dotsenti, f.m.f.n
Muhamedov A. - O'zMU dotsenti,*

ROSSIYA FEDERATSIYASI VA O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI TASHQI SAVDO AYLANMASIGA TA'SIR ETUVCHI OMILLARNING EKONOMETRIK TAHLILI

O'zbekiston Respublikasi mustaqillikka erishganidan buyon Rossiya Federatsiyasi mamlakatimizning asosiy strategik hamkorlaridan biri hisoblanadi. O'zbekiston Respublikasi va Rossiya Federatsiyasi o'rtasida bir qator sohalarda hamkorlik to'g'risida shartnomalar imzolangan. Ulardan eng asosiysi 2004-yilda¹⁵⁸ tuzilgan "Strategik hamkorlik" to'g'risidagi shartnoma hisoblanadi.

O'zbekiston va Rossiya o'rtasidagi iqtisodiy hamkorlik ham yildan-yilga ortib bormoqda. Xususan, 2016-yil yakuniga ko'ra bu ikki davlat o'rtasida o'zaro savdo aylanmasi 4,2 milliard AQSh dollarini tashkil etdi.¹⁵⁹ Hozirgi vaqtda O'zbekiston hududida joylashgan 960 dan ortiq korxonada Rossiya kapitali mavjud, Rossiyaning yirik kompaniyalarining 64 ta vakolatxonasi mamlakatimizda faoliyat yuritmoqda.¹⁶⁰ Bundan tashqari, O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning 2017-yil 4-5-aprel kunlari Rossiya Federatsiyasiga davlat tashrifi mobaynida qiymati 16 milliard AQSh dollariga yaqin 50 dan ortiq shartnomalar imzolandi.¹⁶¹ Bu O'zbekiston va Rossiya hamkorligi yuksak darajada rivojlanayotganining yorqin ifodasidir. Biroq 2014-2016-yillardagi Rossiya iqtisodiyotida neft narxining tushib

¹⁵⁸ www.lex.uz

¹⁵⁹ www.mfer.uz

¹⁶⁰ www.tren.az/casia/uzbekistan/2721523


¹⁶¹ www.gov.uz

ketishi, xorijiy investitsiyalarning chiqib ketishi, AQSh va Yevropa mamlakatlarining sanksiyalari kabi sabablar tufayli yuz bergan iqtisodiy inqiroz O‘zbekistonga ham o‘z ta’sirini o‘tkazmay qolmadi. Rossiya iqtisodiyotidagi tushish O‘zbekiston Respublikasiga ham katta ziyon keltirdi. Ushbu kelgan zararni baholash, kelgusida ushbu holat takrorlanmasligini ta’minlash, bu ikki davlat o‘rtasidagi strategik hamkorlikni yanada rivojlantirish yo‘llarini aniqlash dolzarb masala bo‘lib turibdi.

O‘zbekiston va Rossiya o‘rtasidagi hamkorlikning ba’zi bir qirralariga e’tibor qaratish orqali bu ikki davlat savdo-iqtisodiy munosabatlari naqadar muhim ekanligining guvohi bo‘lishimiz mumkin.

Quyidagi diagrammada 2017-yilgi O‘zbekistonning Rossiyaga eksport qilayotgan mahsulotlari tarkibi keltirilgan. Unga ko‘ra, eng katta ulushni tekstil va oyoq kiyimlar eksporti tashkil qilar ekan (umumiy eksportning 53%). Undan keyingi o‘rinlarni deyarli bir xil ko‘rsatkich bilan oziq-ovqat va qishloq xo‘jaligi mahsulotlari eskporti (15%) va kimyo sanoati mahsulotlari eksporti (14%) egallab turibdi.

Quyidagi grafikda O‘zbekiston Respublikasining Rossiya Federatsiyasidan 2017-yildagi importining tarkibi keltirilgan. Unga ko‘ra eng yirik ulush metallar va ulardan tayyorlangan mahsulotlarga tegishli ekan (19,30%). Undan keyingi o‘rinlarda kelgan yog‘och va undan tayyorlangan mahsulotlar hamda mashina, uskuna, transport vositalari importi mos ravishda umumiy importda 18% va 16% ulushga ega. Mineral mahsulotlar ulushi umumiy importning 15% ni tashkil etgan. Navbatdagi o‘rinlarda bir xil (12%) ulushga ega bo‘lgan kimyo sanoati hamda oziq-ovqat va qishloq xo‘jaligi mahsulotlari importlaridir.




Rasm 2. O‘zbekistonning Rossiyaga eksport mahsulotlari tarkibi. 2017-yil¹⁶².

¹⁶² Manba: www.russian-trade.com/reports-and-reviews

Rossiya Federatsiyasi bojxona xizmati bergan ma'lumotlarga ko'ra, 2015-yil yakunlari bo'yicha Rossiya va O'zbekiston o'rtasidagi tashqi savdo aylanmasi 2,837 milliard AQSh dollarini tashkil etdi, shundan 2235,4 millioni Rossiya eksporti, 601,8 millioni esa importi hisoblanadi.¹⁶³ 2016-yilga kelib bu ikki davlat o'rtasidagi tashqi savdo aylanmasi ba'zi manbalarga ko'ra 4,2 milliard AQSh dollarigacha oshganligi keltirib o'tilgan.¹⁶⁴ Lekin Rossiya Federatsiyasining bergan statistik ma'lumotlariga ko'ra bu ko'rsatkich 2016-yilda 2,7 milliard AQSh dollaridan ortiq bo'lgan.

Quyida 1995-2017-yillar oralig'ida O'zbekiston Respublikasi va Rossiya Federatsiyasi o'rtasida tashqi savdo aylanmasi (million AQSh dollarida) keltirilgan.

Rossiya Federatsiyasi va O'zbekiston Respublikasi tashqi savdo aylanmasiga bir qancha omillar ta'sir ko'rsatadi. Quyida ekonometrik model yordamida qaysi omillarning bu ikki davlat o'rtasidagi tashqi savdosida ahamiyati, ta'siri yuqori ekanligini tahlil qilamiz.



Rasm 3. O'zbekistonning Rossiyadan importi tarkibi, 2017-yil¹⁶⁵.


O'zbekiston Respublikasi va Rossiya Federatsiya o'rtasidagi tashqi savdo aylanmasi (Y) ga ta'sir etuvchi omillar sifatida Rossiyada YaIM ning hajmi (X_1), Rossiyada inflatsiya darajasi (X_2), O'zbekistonda YaIM ning hajmi (X_3), O'zbekistonda inflatsiya darajasi (X_4), Rossiya rublining so'mga nisbati (X_5) va O'zbekistonda erkin konvertatsiyaning mavjudligi (X_6 , bor-1, yo'q -0) kabilar omillar sifatida tanlab olindi va ular to'g'risidagi ma'lumotlar www.mfa.uz,

¹⁶³ По данным Федеральной таможенной службы РФ, 2017

¹⁶⁴ www.trend.az/casia/uzbekistan/2721523

¹⁶⁵ Manba: www.russian-trade.com/reports-and-reviews

www.rusexporter.ru, www.imf.org, www.ereport.ru, www.finansist.uz manbalaridan olindi.



Manba: www.mfa.uz, www.rusexporter.ru, www.imf.org, www.ereport.ru ma'lumotlari asosida mualliflar tomonidan tuzildi.

Olingan ma'lumotlar asosida jadval tuzilib, korrelatsion va regression tahlil o'tkazilib quyidagi regressiya tenglamasini (ekonometrik modelni) hosil qildik:

$$Y = 0,778 + 0,0237 X_3 + 0,0282 X_5$$

$$R^2 (\text{determinatsiya koeffitsiyenti}) = 83,3\%$$

O'zbekiston Respublikasining YaIMning bir birlikka o'sishi, qolgan omillar o'zgarmagan holatda, O'zbekiston Respublikasi va Rossiya Federatsiyasi o'rtasidagi tashqi savdoning 0,0237 ga o'sishiga, Rossiya rublining O'zbekiston so'miga nisbati bir birlikka o'sishi ikkala davlat o'rtasidagi tashqi savdo aylanmasining 0,0282 birlikka o'sishiga olib keladi. Modelning aniqlik darajasi o'rtacha 83,3 % ni tashkil etadi.

Olingan ekonometrik model asosida xulosa qiladigan bo'lsak, O'zbekiston va Rossiya o'rtasidagi tashqi savdo aylanmasiga ikkala davlatdagi YaIMning hajmi, inflatsiya darajasi va Rossiya rublining O'zbekiston so'miga nisbati kabi omillarning ta'siri qolgan omillarning ta'siridan kuchli bo'lib, O'zbekiston va Rossiya o'rtasidagi tashqi savdo aylanmasini oshirish uchun bu ko'rsatkichlarni yaxshilash (oshirish) kerak ekan.

ЭФФЕКТИВНОСТИ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В НАЛОГОВЫХ ОРГАНАХ УЗБЕКИСТАНА

Опережающее развитие сектора ИКТ является одним из приоритетов экономической политики Узбекистана. В указе Президента Республики Узбекистан Ш.М.Мирзиёева «Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 года» в третьем приоритетном направлении развития и либерализации экономики отмечается, что необходимо широкое «внедрение информационно-коммуникационных технологий в экономику, социальную сферу, системы управления».¹⁶⁶

Мировой опыт показывает, что внедрение достижений информационных технологий (ИТ) является наиболее прогрессивным и экономически эффективным направлением в работе предприятий и организаций любой сферы деятельности, в том числе налоговых органов. Ускоренное развитие информационных технологий позволяет сделать вывод о том, что производительность и качество работы информационных систем (ИС) будут повышаться при незначительном росте их стоимости.

Учитывая, что эффективное функционирование налоговой системы возможно только при использовании передовых информационных технологий, базирующихся на современной компьютерной технике, с момента формирования самой налоговой системы в Узбекистане проводилась целенаправленная работа в области развития и внедрения информационно-коммуникационных технологий (ИКТ) в деятельность налоговых органов.

В рамках политики руководства страны, направленной на повышение эффективности деятельности органов государственного и хозяйственного управления, создание «электронного правительства», что обеспечило бы оперативное и качественное предоставление интерактивных услуг населению со стороны органов государственной власти, государственным налоговым комитетом ведется постоянная работа по внедрению информационно-коммуникационных технологий по всем направлениям деятельности налоговых органов.

¹⁶⁶ Указ Президента Республики Узбекистан «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» // Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2017 г., № 6, ст. 70.

Сегодня органы государственной налоговой службы – это технически высоко оснащенная модернизированная, мобильная система, способная справиться с самым широким спектром задач. Сразу после образования Госналогслужбы Узбекистана были определены следующие основные направления информатизации:

- создание ИС налоговой службы;
- разработка и внедрение новых эффективных ИТ;
- развертывание современной коммуникационной сети, обеспечивающей информационный обмен как внутри системы, так и с другими ведомствами республики;
- подготовка кадров к работе в новой компьютерной среде.

Внедрение целевой комплексной программы информатизации в налоговых органах позволило обеспечить сбор и обработку больших объемов информации. Вместе с тем электронные образы документов, массивы аналитической, обработанной и обобщенной информации постоянно увеличиваются и накапливаются в налоговых инспекциях как на юридические, так и физические лица.

Эффективное и полноценное применение достижений ИТ потребует сложной многовариантной обработки практически всего этого объема информации. При этом для получения ответов на запросы работников налоговой инспекции особенно важна скорость реакции ИС ввиду того, что работа осуществляется в процессе диалога “компьютер-человек”. Уже в настоящее время основной внешней межуровневый документооборот в Госналогслужбе республики (от районной к региональной инспекции) проходит по электронным каналам.

Взаимодействие с государственными организациями является одним из условий, позволяющих обеспечить исполнение доходной части бюджетной системы страны. В настоящее время государственные органы имеют различные технические (программные и аппаратные) платформы, на основе которых созданы их ИС, в связи с чем возникает проблема их совместимости, которую необходимо решить на прикладном уровне ввиду того, что ее решение на физическом уровне представляется в настоящее время исключительно технически сложным и дорогостоящим мероприятием. Основными инструментами взаимодействия должны в этом случае стать прикладные форматы протоколов обмена, программные комплексы обмена и конвертации

(преобразования) данных во внутреннее представление конкретной ИС (в ее базы данных) [1].

Исключительно важно обеспечить конфиденциальность информации как при передаче и приеме, так и при использовании в других организациях и ведомствах. В данный момент возможен доступ налогоплательщиков к открытой информационно-справочной информации по вопросам налогообложения, а также переход к компьютерной технологии подачи налоговой отчетности.

Техническую основу информатизации Госналогслужбы Узбекистана составляют в настоящее время локальные вычислительные сети, созданные на базе персональных компьютеров типа IBM PC. Основное системное программное обеспечение (ПО) - операционные системы фирм Microsoft и Novell (NetWare для локальных сетей), хотя в ряде регионов получили распространение операционные системы типа UNIX и Windows NT. В качестве программных инструментов обработки информации используются различные системы управления базами данных (СУБД) - FoxPro, Clipper, MS SQL Server, Access, Informix, Oracle, Pick и др. Общесистемные и прикладные пакеты программ, входящие в состав ИС, распространяются, как правило, централизованно.

Основные прикладные программные продукты функционируют по технологии “файл-сервер”, хотя начались централизованные разработки по технологии “клиент-сервер”. В последнее время все сильнее заявляют о себе чисто сетевые технологии обработки данных, в том числе с использованием глобальных, территориально широко распространенных сетей, например, Internet. Важное значение для внедрения таких технологий имеет наличие развитых телекоммуникационных средств со специальными средствами защиты информации, хотя физически они могут быть развернуты и в масштабах предприятия.

Использование глобальной международной сети Internet в информационной системе Госналогслужбы Узбекистана имеет и другое важное назначение - оно позволит сделать доступными для населения страны нововведения в налоговой сфере.

Структура внедрения информационно-коммуникационных технологий в государственных налоговых органах основана на интегрированной системе сбора и обработки данных, включающей министерства и ведомства, комиссии и инспекции, органы исполнительной власти на местах. При этом основное

внимание уделяется анализу и прогнозированию налоговых поступлений в бюджет и внебюджетные фонды, мониторингу оборота наличных денежных средств, принятию мер по сокращению внебанковского оборота, взысканию налоговой задолженности. Благодаря этому в несколько раз повысилась эффективность труда сотрудников налоговых органов, возрос уровень собираемости налогов и обязательных платежей, взыскания налоговой задолженности, оперативность реагирования с целью предотвращения нарушений налогового законодательства. Например, внедрение одной только автоматизированной информационной системы «Учет задолженности юридических и физических лиц» позволило сократить затрачиваемое на выставление инкассовых поручений время с трех дней до 10 минут, а потребление бумаги – на 41,2 тонны.

Можно сказать, что сложившаяся на сегодняшний день в Узбекистане налоговая политика становится одним из ключевых факторов, влияющих на темпы экономического роста, модернизации экономики, направленных на достижение конечной цели – рост благосостояния населения и процветание страны.

Matchanov M.J. (UrDU), t.f.n., dots.

Matchanov O. (TSK)

MASOFADAN OLINGAN MA'LUMOTLAR ORQALI KADASTR TIZIMINI TAKOMILLASHTIRISH MUKAMMAL SOLIQ MEXANIZMINING GAROVI

Bugungi kunda davlatimiz rahbari tomonidan milliy davlatchilik tizimini yanada mustahkamlash, mamlakat ichkarisidagi tizimlarni qayta ko'rib chiqish orqali iqtisodiyotni liberallashtirishga katta e'tibor qaratilmoqda. Shu bilan birga iqtisodiy sohalardagi o'zgarishlar va tuzilmalardagi qayta shakllanish jarayonlari davlat iqtisodiyotini o'sishiga bir qator umid bermoqda. Ilmiy tadqiqotchi sifatida yuqoridagi jarayonlarda faol qatnashish uchun ushbu maqola orqali davlatchiligimiz uchun yangi, ammo sinalgan xorij tajribasini qisman yoritishga harakat qildik. Davlatimiz yangi mustaqillikka erishgan, barcha sohalarda to'laqonli boshqaruv shakli va "unuttirilgan" milliy psixologiyaga ehtiyoj mavjud. Uni shakllantirish uchun qat'iy qonunchilik mexanizmi yaqqol ko'zga tashlanayapti. Ammo, mamlakatimizda qishloq xo'jaligi yoki umuman boshqa sohalarda ham kadastr ishlari yaxshi tashkil qilinmagan. Germaniyada soliq mexanizmini to'g'ri tashkil qilish

uchun dastavval kadastr tizimini mukammallashtirgan, bunday boshqarmalar odatda ichki ishlar vazirligi yoki moliya vazirligi tarkibiga kiritilgan. Bugungi kunda bu davlatda barcha xildagi kadastr hujjatlari shakllangan va yer egalarining faoliyati sir tutiladi. Shvetsiyada kadastr tizimi barcha omma uchun ochiq va mukammal himoyalangan elektron tizimga ega. Mamlakatning barcha hududi to‘liq davlat va xalq nazorati ostida. O‘zbekistonda ham shunday deb aytish uchun esa asos yo‘q. Mamlakatimiz sarhadlari, qishloq xo‘jaligiga yaroqli yerlar, shaharlar, aholi manzilgohlari, tabiiy boyliklarning mukammal kadastr mavjud emas. Demak, soliqqa tortish uchun ma‘lumot yetarli emas. Soliq tizimi hodimlari bu haqidagi ulkan ma‘lumotlar tizimini shakllantirishning ilojini topa olmayaptilar. Bunday holatda Ispaniya tajribasiga tayanamiz. U yerda kartalarni chizish, ularni yangilab turish ishlariga xususiy firmalarni jalb etish yaxshi natija bergan (1). Kadastr tuzishga 6 yil davomida davlat 1 mlrd. AQSH dollari sarflagan va keyingi 3 yil davomida kadastrdan kelgan daromad 2.5 mlrd. AQSH dollarini tashkil etgan. Bugungi kunda mavjud davlat kadastr boshqarmalarining kuchi va vaqti bu jarayonni yakunlash uchun yetarli emas. Shu sababli ham bizda xususiy kadastr firmalariga ehtiyoj mavjud. Ularni moliyalashtirish esa vaqtinchalik qarz olish orqali amalga oshirilishi va keyinchalik soliqlar evaziga qarzlarni qoplanishi mumkin. Bu jarayon o‘zini to‘liq oqlaydimi? Qarzlarni yopish uchun yetarli mablag‘ qaytarib olinadimi? Javob berish uchun kadastr tizimining hozirgi holatini ko‘rish yetarli. Bu yondashuv dunyoning barcha davlatlarida o‘zini oqlagan. Bundan tashqari davlat boyliklarining yagona kadastr shakllanadi, mukammal soliq tizimi ishga tushadi, xalq nazorati o‘rnatiladi. Bugungi kunda, qishloq xo‘jaligida, dehqonchilikka yaroqli hududlar “UZGEODEZKADASTR” davlat korxonasi tomonidan nazorat qilinadi. Ammo, barcha qishloq xo‘jaligi yerlari to‘liq nazorat ostidami? Javob, ha. Nazorat mexanizmini bir shaxs yoki tashkilot darajasidan chiqarish va Shvetsiyadagi kabi xalq uchun ochiq qilish lozim. Shu holda ijobiy javob qoniqarli bo‘ladi. Buning uchun barcha yerlarning elektron kartalarini ishlab chiqish talab qilinadi. Boshqa kadastr ishlari, jumladan, hayvonot olami, yoki o‘simlik olami, shahar yoki boshqa kadastr tizimi uchun mavjud universitetlarimizda yetarli kadr tayyorlanyaptimi? Bu muammo yechimi ham oldin bu ish bilan yuzlashgan davlatlar tajribalarida bor. Yevropaning iqtisodiy rivojlangan davlatlari kadastr tizimini masofadan olingan ma‘lumotlar asosida ishlab chiqqan va ulardan bu jarayon uchun keng foydalangan. Bugungi kunda tuman, viloyat kesimlarida kadastr ishlari masofadan ma‘lumotlar olish, asosan, Google Earth dasturi ma‘lumotlari asosida olib borilayotganini guvohi bo‘lyapmiz. Bu uslub dastlabki ma‘lumotlarni shakllantirish uchun yetarli ammo,

doimiy nazorat mexanizmi uchun qo‘l kelmaydi. Bunday holatda, Landsat yoki Sentinel sun‘iy yo‘ldoshlari ma’lumotlaridan ham keng foydalanish zarur bo‘ladi. Bu sun‘iy yo‘ldoshlar ma’lumotlari har 9 va 5 kun ichida yangilanadi va yer resurslarini doimiy boshqaruvini shakllantirish imkoni bor.

Umumiy xulosa sifatida quyidalilarni keltiramiz:

Xususiy kadastr firmalariga keng imtiyozlar berish va u orqali davlatimiz hududlari, tabiiy boyliklari kadastrini ishlab chiqish zarur.

Mavjud kadastr tizimi asosida soliq mexanizmini shakllantirish, hattoki har bir daraxtning kadastrini ishlangan bo‘lishi maqsadga movofiq. Har bir obyekt tabiiy yoki iqtisodiy bo‘lsin davlat nazoratida tursin.

Masofadan olingan ma’lumotlar asosida tabiiy boyliklar nazoratining operativ boshqaruv shaklini tashkil qilish madsadga muvofiq. Bugungi kunda universitetlarda masofadan olingan ma’lumotlarni tahlil qila oladigan kadrlar tayyorlanilmoqda.

Barcha turdagi kadastr ma’lumotlari xalq uchun ochiq bo‘lishi va xalq nazorati tashkil qilinishiga erishish kerak.

Fikrimizcha, yuqoridagi darajaga erishish, byudjet daromadlarini o‘shishiga yordam berib. soliqdan qochish holatlarini oldini oladi.

Ахраров Б.С. - Солиқ академияси “Информацион технологиялар” кафедраси катта ўқитувчиси

СОЛИҚ ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАҲОРАТЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЭЛЕКТРОН ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШДАГИ РОЛИ

Ҳозирги ижтимоий-иқтисодий шароитларда солиқ органлари ходимларининг касбий маҳоратларини ошириш давлат бошқарувида юқори салоҳиятли рақобатбардош кадрлар билан таъминланганлигининг муҳим мезонлари сифатида эътироф этилмоқда.

Юқори касбий маҳоратга эришишда профессионал муҳитнинг роли беқиёс. Касбий маҳорат ходимнинг касбий фаолиятга тайёргарлик кўришида ҳамда келгуси касбий-коммуникатив фаолияти жараёнида шаклланади.

Ҳозирги замон тадқиқотчилари фақат керакли сондаги, юқори касбий маҳоратга эга бўлган, юқори натижа кўрсата оладиган профессионал ходимлар билангина муваффақиятга эришиш мумкинлигини тақозо этмоқдалар.

Солиқ органлари ходимлари ўзларининг лавозим вазифаларини юқори даражада бажаришлари учун улардан аналитик ва ижодий фикрлаш

қобилиятлари – ностандарт вазиятларда оптимал қарор қабул қилиш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларига, муомала маданиятига оид касбий билим, малака ва кўникмалари юқори савияда ривожланган бўлиши талаб этилади.

Давлат солиқ хизматининг асосий функцияларидан бири – солиқ солиш масалаларига дахлдор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни солиқ тўловчиларга ва аҳолига ўз вақтида таништириш ва етказиш ишларини ташкил этишдан иборатдир. Ҳозирги иқтисодий шароитларда ушбу функцияларни бажаришда солиқ органлари ходимларига принципал жиҳатдан янги вазифалар юклатилмоқдаги, ушбу вазифаларни муваффақиятли бажаришлари учун улар доимо ўз билимларини ошириб боришлари зарур бўлиб қолмоқда. Айниқса, бугунги кунда Республикамизда жорий этилган ва узлуксиз ривожлантирилаётган “электрон ҳуқумат” тизими орқали аҳолига, бизнес вакилларига электрон давлат хизматлари кўрсатишда уларнинг касбий маҳоратлари асосидагина юқори самарага ва натижаларга эришиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил 11 апрель куни қабул қилган “Давлат хизматларини кўрсатиш тизимини жадал ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарориди аҳолига давлат хизматларини кўрсатиш миллий тизимининг сифат жиҳатдан янги босқичга жадаллик билан ўтишини таъминлаш вазифалари белгиланган. Жумладан, ушбу Қарорда давлат органлари ходимлари учун қуйидаги талаблар белгиланган:

“давлат хизматларини кўрсатиш жараёнига жалб этилган ходимларнинг ўз лавозим мажбуриятларини сўзсиз, ўз вақтида ва сифатли бажаришини таъминлаш, уларнинг масъулиятини кучайтириш, ҳозирги замон талабларига мувофиқ ишлаш кўникмаларини ва маданиятини ошириш, улар ишини объектив баҳолаш механизмларини жорий этиш”.

Ушбу талабларнинг бажарилишида нафақат солиқ органларининг давлат хизматларини кўрсатиш жараёнига жалб этилган ходимлар, балки ҳар бир солиқ органи ходими масъулдир. Сабаби, солиқ тўловчиларга янги электрон хизматлар, уларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш, хизматлардан фойдаланиш тартиби тўғрисида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришда ҳар бир солиқ органи ходимининг бу борадаги билимлари, касбий маҳоратлари катта аҳамиятга эга. Улар электрон давлат хизматларидан фойдаланиш тартиби бўйича солиқ тўловчиларга маслаҳат ёрдамларини бериш, шу жумладан, қабул қилинган маъмурий регламентларнинг талабларини аниқ ва батафсил тушунтира олишлари зарур. Бу ҳолат эса ҳар бир солиқ органи ходимининг

жорий этилган электрон ахборот хизматига оид етарли билимга эга бўлишини тақозо этади.

Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 20 октябрда қабул қилган 353-сонли “Давлат электрон хизматлари кўрсатиш сифатини баҳолаш методикасини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарорига кўра Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан давлат электрон хизматлари кўрсатиш сифатини баҳолаш методикаси тасдиқланган.

Электрон давлат хизматлари сифатини ҳаққоний баҳолашда нафақат юқоридаги методикага, балки хорижий тажрибага ҳам асосланиш зарур бўлмоқда. Хорижий давлатларда электрон давлат хизматларидан фойдаланувчилар учун “бир дарча” марказлари, сайтлар, инфокиосклар, call-марказлар, SMS-сўровлар орқали электрон давлат хизматларидан қаноатланганлик даражаси баҳоланади. Масалан, Францияда тақдим этилаётган электрон давлат хизматлари сифатидан қаноатланганликни баҳолаш мақсадида “Инновацион хизмат” ташкил этилган. Ушбу хизмат ўзининг www.ensemble-simplifions.fr расмий Web-сайти орқали электрон давлат хизматлари фойдаланувчиларининг хизматлардан қанчалик қаноатланганликларини ҳамда уларнинг фикрларини ўрганиш мақсадида мунтазам равишда сўровлар ўтказиб боради.

Россияда электрон давлат хизматлари сифатини баҳолашда фойдаланувчилар ўз фикр ва эътирозларини www.vashkontrol.ru сайтида ҳамда www.nalog.ru сайтининг “Анкетирование” бўлимида билдиришлари мумкин.

Ушбу сайтларда Солиқ органларининг солиқ тўловчиларга тақдим этилган электрон давлат хизматлари сифатидан қаноатланганликни баҳолашда хизмат кўрсатувчи солиқ органи ходимининг хизмат билан боғлиқ касбий маҳорати, фойдаланувчига муносабати, унга сидқидилдан ёрдам бериш иштиёқи, хизмат кўрсатиш вақтининг давомийлиги, солиқ тўловчиларга уларнинг ёзма равишдаги сўровларига жавобан солиқ мажбуриятлари бўйича солиқлар, пенялар, жарималар ҳақида бепул маълумотлар тақдим этиш ва хизмат сифатидан шикоят қилиш каби кўрсаткичлар ҳисобга олинади.

Бизнингча, электрон давлат хизматларини самарали кўрсатишда солиқ органи ходими қуйидаги касбий маҳоратга эга бўлиши зарур:

- рус ва хорижий тилларни билиши;
- солиқ тўловчилар билан ишлашда хушмуомалалик, вазминлик ва камтарлик фазилатларига эга бўлиши;
- ўз йўналиши бўйича мукамал билимларга эга бўлиши;

– ахборот-коммуникация технологияларидан, жумладан Интернет тармоғидан фойдалана билиши.

Юқоридаги фикрлар билан бирга давлат солиқ органлари ходимларини тайёрлашда бакалаврият ва магистратура босқичи ҳамда қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари тингловчилари учун ўқув соатлари ҳажмини оптимал тақсимлаган ҳолда “Электрон давлат хизматларидан фойдаланиш маданияти” мавзусида ўқув машғулоти ва семинарларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Шунингдек, электрон давлат хизматлари кўрсатишда ижобий баҳоланган солиқ органлари ходимларини моддий рағбатлантириш механизмларини ишлаб чиқиш уларнинг ўз касбий маҳоратларини янада ривожлантиришга ҳамда солиқ ходими касбининг нуфузини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Nasridinov S. S. - Soliq akademiyasi “Informatsion texnologiyalar” kafedrasida katta o‘qituvchisi

IQTISODIY MASALALARGA SIMPLEKS USULINING IKKILANGANLIK NAZARIYASINI QO‘LLASH

Ma’lumki, chiziqli programmalash usullari jumladan, simpleks usul iqtisodiy masalalarning eng yaxshi (optimal) yechimini topishga yordam beradi. Optimal yechim topilgandan so‘ng iqtisodiy ob’ektlar (zavod, fabrika, firma) boshqaruvchilari oldida quyidagiga o‘xshagan masalalarni yechishga to‘g‘ri keladi:

1. Xom-ashyolarning ba’zilarini oshirib, ba’zilarini qisqartirib sarf qilinsa, optimal yechim qanday o‘zgaradi?
2. Optimal yechimni o‘zgartirmasdan xom-ashyolar sarfini qanday darajaga ko‘paytirish (kamaytirish) mumkin?
3. Mahsulotga bo‘lgan talab bir birlikka kamayganda (oshganda) optimal yechim qanday o‘zgaradi?

Shunga o‘xshash boshqa muammolarni hal qilishda Simpleks usulining ikkilanganlik nazariyasi teoremlaridan foydalaniladi. Bunda ikkilanish nazariyasining quyidagi teoremlariga asoslaniladi. Quyidagi o‘zaro qo‘shma masalalarni qaraymiz:

$$AX \leq B,$$

$$A^T Y \geq C^T,$$

Berilgan masala: $x_j \geq 0, \quad j = \overline{1, n},$ **Ikkilangan masala:** $y_i \geq 0, \quad i = \overline{1, m},$

$$F = CX \rightarrow \max.$$

$$\tilde{F} = B^T Y \rightarrow \min$$

1-teorema (muvozanatlik teoremasi). $X^* = (x_1^*, x_2^*, \dots, x_n^*)$ berilgan masalaning, $Y^* = (y_1^*, y_2^*, \dots, y_m^*)$ ikkilangan masalaning optimal yechimi bo‘lsin.

Agar $y_i^* > 0$ bo'lsa, u holda $a_{i1}x_1^* + a_{i2}x_2^* + \dots + a_{in}x_n^* = b_i$.

Ikkilanish natijasida va muvozanatlik teoremlaridan quyidagi xulosalarni chiqarish mumkin.

2-teorema. $X^* = (x_1^*, x_2^*, \dots, x_n^*)$ berilgan masalaning, $Y^* = (y_1^*, y_2^*, \dots, y_m^*)$ ikkilangan masalaning joiz yechimi bo'lsin.

Agar $y_i^* > 0$ tengsizlik bajarilganda $a_{i1}x_1^* + a_{i2}x_2^* + \dots + a_{in}x_n^* = b_i$

tenglik o'rinli bo'lsa, u holda X^*, Y^* mos ravishda berilgan va ikkilangan masalalarning optimal yechimlari bo'ladi.

Ikkilanish teoremlari chiziqli programmalash masalasining standart, kanonik va boshqa turdagi masalalari uchun ham o'rinli.

3-teorema. $X^* = (x_1^*, x_2^*, \dots, x_n^*)$ berilgan masalaning, $Y^* = (y_1^*, y_2^*, \dots, y_m^*)$ ikkilangan masalaning optimal yechimi bo'lsin.

Agar $y_i^* > 0$ bo'lsa, $a_{i1}x_1^* + a_{i2}x_2^* + \dots + a_{in}x_n^* = b_i$.

Agar $x_j^* > 0$ bo'lsa, $a_{1j}y_1^* + a_{2j}y_2^* + \dots + a_{mj}y_m^* = c_j$.

Bu shartlarni quyidagicha talqin qilish mumkin: agar birinchi masala yechimidagi noma'lum musbat qiymatga ega bo'lsa, u holda ikkinchi masalada tegishli shartlar optimal rejada tenglikka aylanadi.

Bundan ko'rinadiki: optimal yechimning ikkilangan bahosi – resurslar tanqisligi darajasining o'lchovidir. Mahsulot ishlab chiqarishda to'la ishlatiladigan xom-ashyo “tanqis (defitsit) xom-ashyo” deyiladi. Bunday xom-ashyoni oshirib sarf qilish korxonada mahsulot ishlab chiqarish darajasini oshiradi. Mahsulot ishlab chiqarishda to'la ishlatilmaydigan xom-ashyo “notanqis (kamyob bo'lmagan) xom-ashyo” hisoblanadi. Bunday xom-ashyolarni ikkilangan bahosi nolga teng bo'ladi. Ularning miqdorini oshirish ishlab chiqarish rejasini oshirishga ta'sir qilmaydi.¹⁶⁷

1-masala. Deylik, korxonada bir xil mahsulotni 3 ta texnologiya asosida ishlab chiqarilsin. Har bir texnologiyaga bir birlik vaqt ichida sarf qilinadigan xom-ashyolar miqdori, ularning zahirasi, har bir texnologiyaning unumdorligi quyidagi jadvalda keltirilgan. Har bir texnologiya bo'yicha korxonaning ishlash vaqtini shunday topish kerakki, natijada korxonada ishlab chiqarilgan mahsulotlarning miqdori maksimal bo'lsin.

Resurslar	Texnologiyalar			Zaxira
	T_1	T_2	T_3	
Ish kuchi (ishchi/soat)	15	20	25	1200
Birlamchi xom ashyo (t)	2	3	2,5	150

¹⁶⁷Igor Griva., Stephen G.Nash., Ariela Sofer. Linear and Nonlinear Optimization. 2009. pp. 214-217.

Elektroenergiya (Kvt/ch)	35	60	60	3000
Texnologiyaning unumdorligi	300	250	450	
Texnologiyalarni ishlatish rejalari	x_1	x_2	x_3	$Z \rightarrow \max$

Masalaning matematik modeli:

$$\begin{cases} 15x_1 + 20x_2 + 25x_3 \leq 1200, \\ 2x_1 + 3x_2 + 2,5x_3 \leq 150, \\ 35x_1 + 60x_2 + 60x_3 \leq 3000, \\ x_j \geq 0, \quad (j = \overline{1,3}), \\ Z = 300x_1 + 250x_2 + 450x_3 \rightarrow \max. \end{cases}$$

Masalani simpleks usuli bilan yechamiz.

Quyidagi jadvaldan ko'rinadiki, $X^* = (60, 0, 12, 0, 0, 180)$, $Z(X^*) = 23400$.

Jumladan T_1 texnologiyani 60 soat, T_3 texnologiyani 12 soat qo'llash kerak. T_2 texnologiyani esa umuman qo'llamaslik kerak. Ikkilangan masalaning yechimi: $Y^* = (12, 60, 0)$, $\tilde{Z}(Y^*) = 23400$. Masalaning yechimidan ko'rinadiki, 1 va 2-resurslar (ish kuchi va birlamchi xom-ashyo) to'la ishlatiladi. Demak, ular kamyob resurslardir. 3-resurs (elektroenergiya) kamyob emas.

Berilgan masala yechimini uning cheklamalariga qo'yganda 1 va 2-shartlar tenglikka aylanadi. 3-shart qat'iy tengsizlikka aylanadi.

X_b	C_b	B	300	250	450	0	0	0	a.k.
			X_1	X_2	X_3	X_4	X_5	X_6	
X_4	0	1200	15	20	25	1	0	0	48
X_5	0	150	2	3	2,5	0	1	0	60
X_6	0	3000	35	60	60	0	0	1	50
Δ_j		0	-300	-250	-450	0	0	0	
X_3	450	48	0,6	0,8	1	0,04	0	0	80
X_5	0	30	0,5	1	0	-0,1	1	0	60
X_6	0	120	-1	12	0	-2,4	0	1	-
Δ_j		21600	-30	110	0	18	0	0	
X_3	450	12	0	-0,4	1	0,16	-1,2	0	
X_1	300	60	1	2	0	-0,2	2	0	
X_6	0	180	0	14	0	-2,6	2	1	
Δ_j		23400	0	170	0	12	60	0	

Demak har bir mahsulotning 1 birligini ishlab chiqarish uchun sarf qilinadigan turli xom-ashyoning miqdori (normasi) va mahsulot birligining bahosi (narxi), ishlab chiqarilgan mahsulotlarni optimallashtirishda muhim rol o'ynaydi.

*Ташмухамедов Д. М. - Миробод тумани ДСИ,
ВЭИОНҚ шуъба бошлиғи
Ташмухамедова Я. А. - ТДИУ, таянч докторанти*

СОЛИҚ МАЪМУРЧИЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг ўзининг мустақил солиқ сиёсатини юритишга, солиқ тизимини шакллантиришга ва уни мукамал этиб ташкиллаштиришга ҳаракат қилиб келмоқда. Солиқлар давлат бюджетининг асосий қисмини ташкил этганлиги боис ҳам, унинг мамлакат иқтисодиёти ривожланишидаги ўрни жуда муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги кунга солиқ соҳасида кўплаб ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, солиқ қонунчилигида, уни такомиллаштириш масалаларида, давлат солиқ органлари бошқаруви тизимида, солиқ маъмурчилигини такомиллаштиришда олиб борилаётган ислоҳотларни инобатга олмасликнинг иложи йўқ.

2017–2021-йилларга мўлжалланган Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясининг устувор йўналишларида ҳам бунга алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, иқтисодиётни ривожлантириш йўналишида солиқ юкини камайтириш, солиққа тортиш тизимини соддалаштириш сиёсатини давом эттириш ва солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва рағбатлантириш масалаларига урғу берилган.¹⁶⁸

Бугунги кунда аҳоли ҳамда тадбиркорлик субъектлари вакиллари солиқларни ўз вақтида тўлаш муддатларидан, солиқ қонунчилигидаги ўзгаришлардан хабардор қилиш, уларнинг солиққа оид ҳуқуқий билимларини янада юксалтириш, солиқ тўловларини электрон тарзда, ортиқча сарф харажатсиз амалга оширишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу сабабли ҳам, солиқ органлари тизимида илғор ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилиши солиқ қонунчилиги бузилишларининг олдини олиш, уларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича ахборот-таҳлилий ишлар самарадорлигини оширишга муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш, қоғозсиз ҳужжат алмашинувини жорий этиш ва давлат солиқ хизмати органлари

¹⁶⁸ Шавкат Мирзиёев. “Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. “Адолат” – 2017, 112 бет

ишининг самарадорлигини оширишга қаратилган элликка яқин дастурий маҳсуллар ишлаб чиқилиб амалиётга жорий этилмоқда.

Шу билан бир қаторда “Электрон ҳукумат” тизимини жорий этиш доирасида давлат органлари фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларини жадал ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларининг ваколатли органлар билан ўзаро ҳамкорлигининг бевосита мулоқот қилмайдиган шакллари кенгайтириш бўйича тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 13 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида”ги ЎРҚ-436-сонли Қонунига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексининг 22-моддасига ўзгартириш киритилди, яъни ушбу модда “22-1. Солиқ тўловчининг шахсий кабинети” деган тушунча билан тўлдирилди.¹⁶⁹ Бу тушунча солиқ тўловчилар билан муносабатларни электрон шаклда амалга ошириш учун ҳуқуқий асос ҳисобланади.

“Солиқ тўловчининг шахсий кабинети” фаоллаштирилгач, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятларни бажариш бўйича солиқ тўловчи ва солиқ ундирувчи ўртасидаги ўзаро муносабатлар фақат электрон шаклда амалга оширилади.

Жорий этилаётган технологиялар аҳоли, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун янги имкониятлар яратади, шу билан бир қаторда ахборот алмашиш ва тарқатиш тезлигини оширишга имкон беради. Бу эса, фискал органларнинг ўз вазифаларини бажариш самарадорлигини кенгайтиради. Шу ўринда “Жисмоний шахслар имтиёзлари тўғрисида маълумотнома”, “Ўз бизнесингни ярат”, “Солиқ тўловчиларни рўйхатга олиш” каби бошқа интерфаол хизматлар ҳамда “Soliq” мобил иловаси ишлаб чиқилиши замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг тезкор ривожланиши ва амалиётга тадбиқ этилишининг ёрқин натижасидир.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини жадал ривожлантириш мақсадида мамлакатимизда кўплаб ислохотлар, чора-тадбирларнинг амалга оширилмоқда. Зарур қонун ва қарорларнинг қабул қилиниши, жумладан, солиқ соҳасида амалга оширилаётган солиқ имтиёзлари, соддалаштирилган солиқ тизимининг такомиллаштирилиб борилиши, солиқ ставкаларининг пасайтирилиб бориши ўз самарасини бермоқда.

¹⁶⁹ «Шахсий кабинет»нинг янги имкониятлари. - www.soliqinfo.uz

Шундай экан, солиқ маъмурчилигини янада такомиллаштиришда ахборот-коммуникация технологияларининг ўрни бекиёсдир. Шу сабабли ахборот-коммуникация технологиялари солиқ тўловчиларнинг солиқ хизмати органлари билан ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ва такомиллаштиришда асосий воситалардан бири бўлиб ҳисобланади. Солиқ маъмурчилигини янада такомиллаштириш ҳамда ахборот-коммуникация технологиялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида қуйидаги таклифларни бермоқчимиз:

1. Солиқ солишнинг замонавий тамойиллари ва механизмларини жорий этишда аудиторлик, солиқ маслаҳатчилари ва солиқ хизматчиларининг ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятини янада кучайтириш учун ахборот-коммуникация технологиялардан самарали фойдаланиш чораларини кўриш;

2. Солиқ солинадиган базани кенгайтириш ва солиқ назоратини такомиллаштириш мақсадида ягона ахборот ресурс базасига тақдим этиладиган ахборотларни қайта кўриб чиқилишини таъминлаш;

3. Тадбиркорлик субъектларининг интерактив хизматлардан фойдаланишлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш, хусусан электрон рақамли имзо билан тўлиқ таъминлаш, шахсий кабинетга уланиш бўйича чоратадбирларни амалга ошириш;

4. Солиқ маъмурчилиги самарадорлигини янада яхшилаш мақсадида хорижий давлатларнинг солиқ тизимидаги автоматлаштириш механизмлари бўйича тажрибасини инобатга олган ҳолда солиқ тўловчиларни масофавий назорат қилишни такомиллаштириш ўйлаймизки ўз самарасини беради.

*Тошев Б. Юристлар малакасини
ошириш маркази кафедра мудири ю.ф.д.,*

СУД-ТЕРГОВ ФАОЛИЯТИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА АХБОРОТ КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ АҲАМИЯТИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль кундаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони билан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури

тасдиқланган эди. Давлат дастурининг иккинчи йўналиши - “Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари” қонун устуворлигини ва суднинг чинакам мустақиллигини таъминлаш чора-тадбирларини назарда тутилган эди. Мазкур йўналишнинг “Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, суднинг нуфузини ошириш, суд тизимини демократлаштириш ва такомиллаштириш” номли 2.1-банди 68-кичик бандида судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш кўзда тутилган бўлиб, унга кўра:

судьялар ўртасида ишларни автоматик равишда тақсимлаш тартибини жорий қилиш;

судларда ўз вақтида электрон тарзда ахборот алмашувини таъминловчи корпоратив алоқани жорий этиш, суд фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация тизимини киритиш;

суд қарорларининг ахборот-ҳуқуқий электрон базасини юритиш, шахсий ҳаёт дахлсизлигини таъминлаган ҳолда ва суд иштирокчиларининг розилиги билан барча суд қарорларини чоп этиш тартибини жорий қилиш (ёпиқ суд жараёнида кўриб чиқилганларидан ташқари) вазифаси белгиланган эди.

Ушбу вазифани амалга ошириш фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш, фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган илғор илмий-техника воситалари ва ахборот-коммуникация технологияларини, шунингдек ишни ташкил этишнинг замонавий шакл ва усулларини жорий этишга хизмат қилади.

Бугунги кунда суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш, шунингдек одил судловга эришиш даражасини ошириш суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш соҳаси бугунги кунда давлат сиёсатининг асосий устувор йўналиши сифатида белгилаб олинди.

Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг кейинги вақтларда қабул қилган фармон, қарор ва фармойишлари асосида уд ҳокимиятининг мустақиллиги тўғрисидаги конституциявий нормаларга ва одил судловни амалга ошириш фаолиятига аралашганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципига оғишмай амал қилинишини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қилиш ҳолатлари юзасидан зудлик билан зарур чоралар кўриш, жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқларни тиклаш бўйича барча зарур чоралар кўриш, суд-тергов

фаолиятининг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш, ходимлар ўртасида суиистеъмолчилик ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш, фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган илғор илмий-техника воситалари ва ахборот-коммуникация технологияларини, шунингдек ишни ташкил этишнинг замонавий шакл ва усулларини жорий этиш давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишлари сифатида белгилаб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2017 йил 30 ноябрь куни қабул қилинган “Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 5268-сонли фармони юқорида таъкидланган устувор вазифаларни амалда таъминлашга қаратилган муҳим ҳужжат ҳисобланади.

Фармонда жорий йилда суд-тергов фаолиятида қатор ижобий ишлар амалга оширилгани таъкидлаши билан бирга, қонунчиликда жиноят ишларини тергов қилиш ва кўриб чиқиш жараёнида далилларни тўплаш, мустаҳкамлаш, текшириш ва баҳолашда қонунийлик ва холисликни таъминлашга тўсқинлик қилувчи айрим ҳуқуқий бўшлиқларнинг мавжудлиги алоҳида таъкидланди.

Мазкур ҳолатлар фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларнинг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатиши, айрим ҳолларда эса аҳолининг асосли эътирозига, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ва суднинг беғаразлигига бўлган ишончининг пасайишига олиб келаётгани эътироф этилди.

Ҳақиқатан ҳам коррупцияга қарши кураш самарадорлигини ошириш, қонун устуворлиги, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, инсонпарварлик, адолатлилик ва айбсизлик презумпцияси каби конституциявий принципларни сўзсиз ва оғишмай таъминлаш, суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиш, жиноят-процессуал ва жиноят-ижроия қонунчилигини янада такомиллаштириш орқали фуқароларнинг суриштирув, тергов ва суд жараёнларида конституциявий ҳуқуқларини тўлиқ рўёбга чиқаришга эришилиши мумкин. Бунинг учун ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш (ўта оғир жиноятлар бўйича), тинтув, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш, тергов эксперименти тарзидаги процессуал ҳаракатларни видеоёзув воситаларидан фойдаланган ҳолда мажбурий видео қайд этиш амалга оширилиши муҳим процессуал норма сифатида ўрнатилди.

Бундан кейин тергов ҳибсхоналари, вақтинча сақлаш ҳибсхоналари ва махсус қабулхоналар, маъмурий қамокни ўташ жойларини видеокузатув

воситалари билан жиҳозлаш орқали коррупциявий ҳолатларга йўл қўймаслик, фуқаронинг содир қилган қилмишини шубҳали далиллар билан асослашга чек қўйиш, содир этган ҳуқуқбузарлик ёки жинояти учун тайинланган жазо ўтиш даврида унга инсоний муносабатлар бўлиш, оила аъзолари билан масофадан мулоқотга киришиш орқали ўзи ҳақида ишончли ахборот тарқатиш, шу орқали қаерда бўлмасин ҳуқуқ ва эркинликлари қонунларда белгиланганидек эркинлик ва қонун устуворлиги тамойили орқали ҳимояга олинганини намойиш этишдан иборат.

Президентимизнинг юқоридаги фармонида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Олий суди, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги бошқа манфаатдор вазирликлар ва идораларга суд-тергов ҳаракатларини юритишнинг инновацион шакл ва услубларидан фойдаланишнинг, шунингдек, далиллар алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончилиги тўғрисидаги жиноят-процессуал қонунчилик талабларига риоя этилишини таъминлашнинг илғор хорижий тажрибасини ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш, ҳодиса содир бўлган жой ҳолатини ўзгартириш, далилларни йўқотиш ёки йўқ қилишга қаратилган ҳаракатларнинг олдини олиш, амалдаги қонунчиликни ҳамда жиноят ишларини тергов қилиш ва кўриб чиқиш услубиётини янада такомиллаштириш, суд-тергов фаолиятида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни кенгайтириш, жиноят иши бўйича иш юритувни, шу жумладан, “Электрон жиноят иши” тизимини жорий этиш орқали оптималлаштириш ва соддалаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш вазифалари юкланган эди.

Бу вазифаларни амалда таъминлаш учун эса амалдаги жиноят ва жиноят процессуал қонунчиликни янада ривожлантиришга оид илмий-амалий тадқиқотларни ўтказиш, хорижий тажрибани чуқур ўрганиш орқали тергов ва суд фаолиятида далиллар мақомини аниқлаштириш, далилларга баҳо бериш, уларни ишга қўшиш, электрон далиллар институтини ривожлантириш, шахсни кузатув остига олиш орқали унинг ҳаракатларига баҳо беришда ахборот коммуникация технологияларини қўллашнинг процессуал қоидаларини қонунчиликка мустаҳкамлашга тўғри келади.

Ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасига шиддат билан кириб келган ахборот коммуникация технологиялари нафақат тергов-суд жараёнининг сифатини таъминлаш, балки мазкур фаолият даврида инсон ҳуқуқ ва эркинликларига қандай риоя этилаётганига ҳам қўшимча қафолат яратади. Ҳодиса содир бўлган жойдаги шахсларнинг кўрғазмаларининг ўзгартирилиши мумкинлигини

инобатга оладиган бўлсак, тергов жараёнида самарали ва инновацион ёндошув орқали қўлланган ахборот коммуникация технологиялари ҳар қандай шубҳага ўрин қолдирмайди, яъни инсон омилига боғлиқ бўлмайди.

Тергов-суд фаолиятида ахборот коммуникация технологияларининг қўлланилиши келгусида сифатли тергов олиб бориш, тўпланган далилларни электрон архивлаштириш, тергов-суд процесси иштирокчиларининг қонуний манфаатлари, ҳуқуқларини бир хилда таъминлаш ва суднинг очиқлиги, қабул қилинадиган қарорларнинг шаффофлигини таъминлашга хизмат қилади. Шунингдек, бу ҳолат одамларга олиб борилаётган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларга ишонч уйғотади, қонун устуворлиги, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, инсонпарварлик, адолатлилик ва айбсизлик презумпцияси каби конституциявий принципларга оғишмай риоя этишни амалда кўрсатади.

Ахборот коммуникацияларини тезкор қидирув, суриштирув ва тергов фаолиятига жорий қилиш инсон ҳуқуқларининг ҳимояси янада кучайтирилса, шунингдек, тизимда коррупция билан боғлиқ хатти-ҳаракатларга барҳам берилишига амалий ёрдам беради

*Vaxabova N. T. Toshkent soliq kolleji,
bosh o'qituvchi*

ELEKTRON SOLIQ XIZMATLARI PORTALI – MY.SOLIQ.UZ ORQALI KO‘RSATILAYOTGAN ELEKTRON DAVLAT XIZMATLARINING AFZALLIKLARI VA MUAMMOLAR

О‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 18 iyuldagi PF-5116-sonli farmoniga muvofiq, soliq ma’muriyatchiligi jarayoniga zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalari va ilg‘or avtomatlashtirilgan tahlil uslublarini keng joriy etish, soliq to‘lovchilarga, eng avvalo, tadbirkorlik subyektlariga to‘g‘ridan-to‘g‘ri muloqotsiz elektron xizmat ko‘rsatishga to‘liq o‘tish vazifalari belgilab qo‘yilgan.

Ushbu vazifalarni bajarish maqsadida Davlat soliq qo‘mitasi tomonidan zamonaviy axborot texnologiyalarni joriy etish orqali soliq to‘lovchilarga yangi interaktiv xizmatlarni joriy etish, soliq organi xodimi va soliq to‘lovchilarni bevosita munosabatga kirishishini kamaytirish hamda soliq ma’muriyatchiligining shaffofligini ta’minlash bo‘yicha bir qator ishlar olib borilmoqda.

Bugungi kunda Davlat soliq qo‘mitasining “Elektron davlat xizmatlari - my.soliq.uz” portali orqali 35 turdagi elektron davlat xizmatlari ko‘rsatilmoqda.

Portalda yuridik shaxslar, jismoniy shaxslar va yakka tartibdagi tadbirkorlar uchun qulaylik yaratish maqsadida soliq to'lovchining shaxsiy kabinetlari joriy etildi.

O'zbekiston Respublikasining 2017 yil 13 iyundagi O'RQ-436-sonli Qonuni bilan Soliq kodeksiga yangi "22-1. Soliq to'lovchining shaxsiy kabinet" moddasi kiritildi. Soliq to'lovchining shaxsiy kabinet tushunchasining kiritilishi bilan soliq to'lovchilar bilan deyarli barcha munosabatlar elektron shaklda ham amalga oshirish uchun huquqiy asos yaratildi.

Qonunchilikda ko'zda tutilgandek, soliq to'lovchilar va davlat soliq xizmati organlarining soliq to'g'risidagi qonun hujjatlarida nazarda tutilgan huquq va majburiyatlari amalga oshirilishi bilan bog'liq bo'lgan o'zaro munosabatlarni elektron tarzda amalga oshirishga o'tish soliq to'lovchining xohishiga ko'ra, uning arizasi asosida amalga oshiriladi. Aks holda, soliq to'lovchi va davlat soliq xizmati organi o'rtasidagi o'zaro munosabatlar soliq to'g'risidagi qonun hujjatlarida belgilangan tartibda amalga oshiriladi.

Soliq to'lovchining shaxsiy kabinetidagi konfidensial ma'lumotlarning xavfsizligini ta'minlash maqsadida, shaxsiy kabinetga kirish soliq to'lovchining elektron raqamli imzosi orqali amalga oshiriladi.

Shaxsiy kabinet soliq to'lovchi jismoniy va yuridik shaxslar hamda yakka tartibdagi tadbirkorlar uchun alohida shakllantiriladi.

Portalda ko'rsatiladigan elektron davlat xizmatlari orqali murojaatlarni, soliq organlarida hisobga turish, nazorat-kassa mashinalarni ro'yxatdan o'tkazish, ortiqcha soliq to'lovlarni qaytarish to'g'risida arizalarni, soliq hisobotlar va deklaratsiyalarni davlat elektron ko'rinishda yuborish, soliq qarzi mavjud emasligi, STIR berilganligi to'g'risida va boshqa ma'lumotnomalarni soliq organlariga tashrif buyurmasdan olish, hisoblangan, to'langan summalar, soliq qarzi, ortiqcha to'lov, penyalari hamda budjet va budjetdan tashqari maqsadli jamg'armalar bilan hisob-kitoblar to'g'risidagi ma'lumotlarni Davlat soliq qo'mitasining axborot resurslaridan bevosita olish hamda shu kabi boshqa imkoniyatlari yaratilganligi, soliq organi xodimi va soliq to'lovchilarni bevosita munosabatga kirishishini kamaytirishga olib kelmoqda.

Shu bilan birga, zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalardan foydalangan holda tadbirkorlik subyektlari va fuqarolarga qulay shart-sharoitlar yaratish maqsadida, soliq va boshqa majburiy to'lovlarni bankka bormasdan soliq to'lovchining shaxsiy kabinet orqali, Click, PayMe kabi to'lov tizimlari yordamida mobil telefon yoki internet orqali onlayn rejimda jismoniy shaxslarning barcha soliqlarini, jumladan hisoblangan penya va jarimalarni to'lash imkoniyati yo'lga

qo'yildi. Soliq to'lovchining shaxsiy kabineti orqasi soliqlarni to'lash tizimi 24 soat davomida uzluksiz va bepul ishlaydi.

Bu imkoniyatlardan tashqari elektron xizmatlar portalidan, shaxsiy kabinetdan foydalanishda bir qator muammolar ham mavjud. Soliq to'lovchi yuridik shaxslar va yakka tartibdagi tadbirkorlar seminarlarda olib borilgan tushuntirishlar orqali bevosita elektron portaldagi xizmatlardan foydalanish haqida ma'lumotga ega bo'ladilar va foydalanish imkoniyatiga egalar. Bizga ma'lumki, mol-mulk solig'ini to'lash va deklaratsiya topshirish haqida ma'lumotlarni sms orqali jismoniy shaxslarga yetkazib beriladi. Biroq yuqorida sanab o'tilgan xizmat turlari haqida barcha egaligidagi mol-mulk va yer solig'i obyektlari bo'lgan millionlab jismoniy shaxslar xabardor bo'lmaydilar, deyarli ko'pchiligi tizimdan foydalanish haqida umuman ma'lumotga ega emas.

Masalan, uchastka soliq inspektoriga 1 tadan 3 tagacha mahalla berilgan bo'lib o'rtacha 3000 dan ortiq xonadonlar biriktirilgan. Ushbu xonadonlarning barchasi soliq to'lovchi hisoblanadi va uchastka soliq inspektori ushbu xonadonlarga birma bir borib soliq to'lovlari to'g'risidagi xabarnomani tarqatishi va soliqlarni undirishi lozim. Agar to'lov xabarnomasi tarqatish jarayonida mablag'i bo'lmagan fuqarolarga moliyaviy ahvoli yaxshilangandan keyin yana borishga majbur bo'ladi. Tumanlar markazida 3-5 tagacha mini banklar mavjud bo'lib, chekka qishloqda uning filiallari mavjud emas. Fuqaro 50-60 ming so'm soliq to'lash uchun shuncha xarajat qilib, 10-40 kilometr masofani bosib tuman markaziga borishi lozim. Qishloq joylaridagi fuqarolarning ko'pchiligida internet tarmog'i orqali foydalanish lozim bo'lgan telefonlar mavjud emas hamda undan foydalanib, "Payme", "Click"dan to'lovlarni amalga oshirishlari va undan tasdiqlovchi kvitantsiyasi mavjud emasligi sababli tajribasi kam.

Natijada uchastka soliq inspektori soliqlarni borib undirishiga ehtiyoj katta. Uning yo'l xarajati mashina bilan ta'minlanmaganligi, xonadon soni ko'p bo'lganligi uchun jismonan harakati yetmasligi va tadbirkorlarga targ'ibot ishlarini o'z vaqtida amalga oshira olmasligiga sabab bo'ladi.

Bu muammolarni hal etish uchun quyidagi vazifalarni amalga oshirish maqsadga muvofiqdir:

-Aholining aksariyati uyali aloqa telefonlaridan foydalanadilar, shuning uchun elektron xizmatlar haqidagi tushuntirish va targ'ibot ishlarini uyali aloqa tashkilotlari bilan hamkorlikda olib borishni keng yo'lga qo'yish;

- Asosan aholi bilan uchastka soliq inspektorlari tushuntirish ishlari olib boradi, shu sababli uchastka soliq inspektorlari elektron xizmatlar va ulardan foydalanish

tartiblari haqida bilimlarga ega bo'lishlari zarur;

- Uchastka soliq inspektorlari ish samaradorligini oshirish uchun ularning faoliyatini iqtisodiy-ijtimoiy jihatdan takomillashtirish;

-Aksariyat elektron xizmatlardan foydalanishda soliq to'lovchidan ma'lumotlarini xavfsizligini ta'minlash maqsadida elektron raqamli imzoga ega bo'lish talab etiladi. Elektron raqamli imzo olishda ham muammolarning mavjudligi va ularni bartaraf etish;

-Soliq organlarida hamon soliq to'lovchilar elektron tarzda topshirgan soliq hisobotlarida aniqlangan kamchiliklarni bartaraf qilish uchun talabnomalarni hududiy pochta bo'limlari orqali yuborilmoqda yoki telefon orqali kelib olib ketishlari aytilmoqda. Ushbu talabnomalarni soliq to'lovchilarning elektron pochtaga yoki shaxsiy kabinetiga yuborish.

Bu nafaqat soliq organlariga Respublikamizdagi boshqa boshqaruv va mahalliy davlat hokimiyati organlari tomonidan ko'rsatilayotgan interaktiv xizmat turlarini aholiga keng targ'ib qilishda qo'llash muhim ahamiyatga ega bo'ladi.

*Насимова Н. Ш. Фаргона солиқ коллежи
ахборот технологиялари кафедраси катта ўқитувчиси*

ЎЗБЕКИСТОНДА СОЛИҚ МАЪМУРИЯТЧИЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ҲАМДА СОЛИҚЛАР ВА БОШҚА МАЖБУРИЙ ТЎЛОВЛАРНИНГ ЙИГИЛУВЧАНЛИГИНИ ОШИРИШДА АКТДАН Фойдаланишни кенгайтириш масалалари

Маълумки, ҳозирги кунда нафақат солиқ соҳасида балки жамиятимизнинг деярли барча соҳаларида ахборот тизимлари ва замонавий ахборот технологияларининг ўрни бекиёслигини изоҳлаш шарт эмас. Буни солиқ соҳасида фаолият юритаётган маълум тажрибага эга бўлган ходимнинг ахборотлар билан ишлаш кўникмаси, малакаси, услуби ҳамда техник воситалар орқали мулоқот жараёнида намоён бўлиши, ахборот тизимларининг таъминланганлигидан сезишимиз мумкин.

Мамлакатимизнинг ҳар бир бурчагида ахборот технологияларидан фойдаланиш даражаси жадал ривожланмоқда. Тан олиш керак, ҳукуратимиз томонидан ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш ҳамда ахборот технологияларидан кенг фойдаланишга қаратилган чора-тадбирлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Бу борада ахборот-коммуникация технологияларининг алоҳида ва муҳим ўрин тутиши ҳисобга олиниб, юридик

ва жисмоний шахсларнинг давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро муносабатларини электрон шаклда амалга оширишини таъминлаш, давлат бошқаруви тизимида “ягона ойна” тамойилини жорий этиш каби вазифаларни ҳал этишни ўз ичига олган 2013-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантириш комплекс дастури қабул қилинган.

Ўзбекистонда ушбу дастур замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантириш ва иқтисодиётимизнинг барча соҳаларига кенг тадбиқ этиш, ахборот ресурслари, тизим ва тармоқларини жадал ривожлантириш, тадбиркорлик субъектлари ҳамда аҳолига кўрсатилаётган интерфаол давлат хизмати турларини кенгайтириш ва яхшилашни рағбатлантиришга қаратилган бўлиб, унда ахборот тизимлари комплекси ва “электрон ҳукумат” тизимининг маълумотлар базасини яратишга доир тадбирлар белгиланган.

Электрон ҳукумат бошқарув жараёнларини автоматлаштиришга асосланган, юридик ва жисмоний шахсларга давлат хизматларини ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда кўрсатишни ўз ичига олган давлат бошқарув тизимидир. “Электрон ҳукумат” тизимини жорий қилишнинг истиқболли режалари доирасида идоралараро интеграциялашган платформани яратиш устида ишлар олиб борилмоқда. Бу платформа барча давлат органлари ахборот тизимларини бирлаштиради, аҳолига маълумот олиш, ариза топшириш ва бошқа хизматлардан фойдаланиш бўйича идоралар ўртасида маълумот алмашишга хизмат қилади. Идоралараро интеграциялашган платформа орқали яратиладиган ягона ахборот мухити тадбиркорлик ривожланишини қўллаб-қувватлашда муҳим омиллардан бири бўлади.

Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш орқали ишбилармонлик мухитини янада такомиллаштириш, максимал даражада қулай инвестиция иқлимини яратиш, давлат ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқ-ойдинлигини ошириш, шу асосда тадбиркорлик фаолиятини юритиш шароитларини тубдан яхшилаш мақсадида қуйидагилар таклиф этилади:

- Ўзбекистонда тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг ривожланишида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш бўйича халқаро тажрибани ўрганиш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш;
- Давлат органлари билан тадбиркорлик субъектлари ўртасида ўзаро муносабатларнинг контакtsiz шаклларини самарали жорий этиш имкониятларини тўлиқ ҳамда ишлатиш;

- Тадбиркорлик субъектлари фаолияти ривожланишида ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланишга тўсқинлик қиладиган муаммоларни аниқлаш;

- Ахборот-коммуникация технологиялари асосида тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантириш бўйича услубий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Бу тадбирларнинг амалга оширилиши тадбиркорларга ўз фаолиятларини оптималлаштириш, фаолиятларидаги муаммоларни ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ҳал этишда кўмак бериб, натижада ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланувчилар сонининг кескин ўсишида ҳамда ахборотлашган жамиятнинг шаклланишида қудрати иқтисодий восита бўлишига имконият яратилади.

Бизнинг хулосамизга кўра, солиқ сиёсатида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишнинг ўрни каттадир. Бу соҳани ривожлантириб, аҳолига кенг имкониятлар яратиб бериш давлатимизга солиқ тушумини янада кўпайтиришга эришган бўламиз. Тан олишимиз керакки, ахборот-коммуникация технологиялари ҳар бир давлатнинг асосий иш қуролидир. Буюк халқимиз айтганидек, иш қурулинг соз бўлса, машаққатинг оз бўлур.

Yaxyaeva N. S.

Toshkent soliq kolleji o'qituvchisi

SOLIQ MA'MURIYATCHILIGINI TAKOMILLASHTIRISHDA AXBOROT-KOMMUNIKATSIYA TEXNOLOGIYALARINING O'RNI

Har bir mamlakatda soliq to'lovchilar zimmasidagi soliq yukini kamaytirish orqali ishlab chiqarishni yanada rivojlantirish va iqtisodiyotni barqarorlashtirish faqat izchil soliq ma'murchiligini amalga oshirish orqali erishiladi. Soliq ma'murchiligiga axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini keng qo'llash orqali esa soliq organlari bilan soliq to'lovchilar o'rtasidagi o'zaro muloqot ijobiy natija beradi.

O'zbekistonda bu borada olib borilayotgan soliq islohatlari bunga zamin yaratmoqda. Bugungi kunda Prezidentimiz tomonidan qabul qilinayotgan Farmon va Qarorlar soliq siyosatini erkinlashtirish, tadbirkorlikni rivojlantirish, ijtimoiy sohani rag'batlantirish, soliq yukini kamaytirish hamda soliq ma'muriyatchiligini takomillashtirishga qaratilmoqda. 2017-2021 yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasidagi soliq solish tizimini izchillik bilan soddalashtirish, soliq solinadigan bazani kengaytirish

orqali soliq yukini pasaytirish kabi vazifalar ijrosi yuzasidan, shuningdek soliq ma'muriyatchiligining zamonaviy uslublarini joriy etish, soliqlar va boshqa majburiy to'lovlarning yig'iluvchanligini oshirish maqsadida O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 18 iyuldagi "Soliq ma'muriyatchiligini tubdan takomillashtirish, soliqlar va boshqa majburiy to'lovlarning yig'iluvchanligini oshirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PF-5116-son Farmoni qabul qilindi.

Ushbu Farmon bilan O'zbekiston Respublikasi davlat soliq xizmati organlari tizimini isloh etishning muhim yo'nalishlari belgilab berildi. Jumladan, soliq ma'muriyatchiligi jarayoniga zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalari va ilg'or avtomatlashtirilgan tahlil uslublarini keng joriy etish, soliq to'lovchilarga, eng avvalo, tadbirkorlik subyektlariga to'g'ridan-to'g'ri muloqotsiz elektron xizmat ko'rsatishga to'liq o'tish vazifasi yuklatildi.

Hozirgi kunda Davlat soliq xizmati organlari faoliyatida axborot-kommunikatsiya texnologiyalari yordamida soliqqa oid ma'lumotlarni yig'ib, tegishli ma'lumotlar bazasini shakllantirish va unga ishlov berish, tahlil qilish jarayonlarida qo'llaniladigan bir qator dasturiy mahsulotlar va avtomatlashtirilgan axborot tizimlari yaratilgan.

Soliq to'lovchilarni kameral nazoratdan o'tkazish bo'yicha Davlat soliq qo'mitasining 2017 yil 1 dekabrda 763-sonli buyrug'iga asosan Davlat soliq xizmati organlarida soliq to'lovchilar faoliyatini kameral nazoratdan o'tkazish maqsadida "Avtomatlashgan kameral nazorat" dasturiy mahsuloti amaliyotga joriy qilinib, bu tizim orqali 35 ta yo'nalishda soliq to'lovchilarning elektron tarzda taqdim etilgan moliyaviy va soliq hisobotlari tashqi manba ma'lumotlari asosida avtomatlashgan tarzda tahlil qilinib, kam hisoblangan soliqlar va boshqa majburiy to'lovlarni qo'shimcha hisoblash hamda soliq to'lovchilar o'rtasida profilaktika ishlari samaradorligini oshirish imkoniyati yaratildi. Shuningdek, dasturiy mahsulotda respublika, viloyat, tuman (shahar), vazirlik, tarmoq hamda korxonalar kesimida soliq to'lovchilar tomonidan taqdim qilingan soliq va moliyaviy hisobotlar asosida o'tkazilgan tahliliy natijalar va soliq qonunchiligiga rioya etilishi yuzasidan tahliliy ma'lumotlar alohida jadvallar ko'rinishida shakllanadi. Buning natijasida, davlat soliq xizmati organlari tizimida kameral nazorat tadbirlarini amalga oshirishning samaradorligi va sifat ko'rsatkichi ko'tarilib, soliq to'lovchilarning hisobotlarni xato va kamchiliklarsiz taqdim etish yuzasidan olib boriladigan profilaktika ishlari yanada yaxshilanadi. Kameral nazorat tadbirlarini o'tkazishda xodimlar uchun qo'shimcha imkoniyatlar yaratilib, tegishli tahliliy yo'nalishlar va yondashuvlarda muayyan darajada qo'l mehnati kamayishiga erishilmoqda.

Shu bilan birga soliq to'lovchilarga qulaylik yaratish maqsadida Davlat soliq qo'mitasining elektron davlat xizmatlari my.soliq.uz portalida "shaxsiy kabinet"lari orqali soliqlarni mustaqil ravishda hisoblab chiqarish, hisobot va soliq deklaratsiyalarini yuborish, rasmiy tushuntirishlar, hisob raqamiga qo'yilgan inkasso topshiriqnomalari ro'yxati bilan tanishish, soliqlarni real vaqt (onlayn) rejimida to'lash, korxonaga yuborilgan ogohlantirish xabarnomalari to'g'risida tezkor xabardor bo'lish va boshqa imkoniyatlar ham yaratilgan.

Bugungi kunda shaxsiy kabinet orqali soliq to'lovchilarga tegishli bir qator ma'lumotlar davlat soliq xizmati organlarining ma'lumotlar bazasidan to'g'ridan-to'g'ri elektron ko'rinishda taqdim etiladi.

Ammo, davlat soliq inspeksiyalarida "Avtomatlashgan kameral nazorat" dasturiy mahsuloti yordamida aniqlangan soliq va moliyaviy hisobotlarni to'ldirishda xatoliklarga yo'l qo'yilganligi yoki taqdim etilgan soliq hisobot va davlat soliq xizmati organlari ma'lumotlari o'rtasida aniqlangan ziddiyatlar bo'yicha tegishli tuzatishlar kiritish bo'yicha shakllangan talabnomalarni soliq to'lovchilarga shaxsan telefon tarmog'i orqali chaqirib yetkazilmoqda yoki pochta bo'limlaridan xat orqali xabardor qilinmoqda.

Yuqoridagilardan kelib chiqib, ushbu talabnomani soliq to'lovchining shaxsiy kabineti orqali elektron shaklda rasmiylashtirish va o'zaro almashish imkoniyatini yaratilsa, maqsadga muvofiq bo'lardi. Bu o'z navbatida soliq xizmati organlarida faoliyat yuratayotgan inspektorlarning ishini unumli bo'lishiga, sarf- xarajatlarni kamayishiga olib keladi.

*Зайнутдинова М.Б ТАТУ, АТ кeфeдpаси доценти
Асқаралиев О.У ТАТУ 2-бoсқич магистpанти*

СОЛИҚ ТИЗИМИДА МАЪЛУМОТЛАР ИШОНЧЛИЛИГИ ҲАМДА БУТУНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МУАММОЛАРИ. ЭЛЕКТРОН РАҚАМЛИ ИМЗОНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА ТЕКШИРИШ

Ахборотлаштириш соҳасидаги ислохотлар изчил олиб бoрилаётгани натижасида республикамизнинг барча тармоқлари ва давлат бошқаруви органлари олдига қўйилган вазифалардан келиб чиқиб, замонавий ахборот-коммуникацион технологиялари ва телекоммуникация тизимларини ривожлантириш ва уларни ҳаётга кенг жорий қилинишига эришилмоқда.

Ҳозирги кунда жамиятнинг барча соҳаларида замонавий ахборот технологияларини, компьютер техникаси ва телекоммуникация воситаларини

ҳар бир соҳада жорий этиш, ҳамда улардан фойдаланиш, фуқароларнинг ахборотга ортиб бораётган талаб-эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш, жаҳон ахборот жамиятига кириш ҳамда жаҳон ахборот ресурсларидан фойдаланишни кенгайтириш учун қулай шарт – шароитлар яратилиб келинмоқда. Жумладан, “электрон ҳужжат”, “электрон рақамли имзо (ЭРИ)”, “электрон хат” тушунчалари жамиятнинг ҳар қайси соҳасига жадал кириб бормоқда.

Ҳужжатлардаги қўйилган шахсий имзоларни сохталаштириш нисбатан мураккаб бўлиб, шахсий имзоларнинг муаллифларини ҳозирги замонавий илғор криминалистика услубларидан фойдаланиш орқали аниқлаш мумкин. Аммо электрон рақамли имзо хусусиятлари бундан фарқли бўлиб, иккилик санок системаси хусусиятлари билан белгиланадиган хотира регистрлари битларига боғлиқ. Хотира битларининг маълум бир кетма-кетлигидан иборат бўлган электрон имзони кўчириб бирор жойга қўйиш ёки ўзгартириш компьютерлар асосидаги алоқа тизимларида мураккаблик туғдирмайди.

Бугунги юқори даражада ривожланган бутун дунё цивилизациясида ҳужжатлар, жумладан махфий ҳужжатларнинг ҳам, электрон кўринишда ишлатилиши ва алоқа тизимларида узатилиши кенг қўлланилиб борилаётганлиги электрон ҳужжатлар ва электрон имзоларнинг ҳақиқийлигини аниқлаш масалаларининг муҳимлигини келтириб чиқармоқда.

Очиқ калитли криптографик тизимлар қанчалик қулай ва криптобардошли бўлмасин, аутентификация масаласининг тўла ечилишига жавоб бера олмайди. Шунинг учун аутентификация услуги ва воситалари криптографик алгоритмлар билан биргаликда комплекс ҳолда қўлланилиши талаб этилади.

Ҳозирги кунда барчамизга маълум бўлган, ахборот хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этувчи электрон рақамли имзосиз криптобардошли тизим бўлмаса керак.

Электрон рақамли имзо ахборот-коммуникация тармоғида алмашинадиган ҳужжатли маълумотлар ва уларнинг манбаларини ҳақиқий ёки ҳақиқий эмаслигини аниқлаш масаласини, яъни маълумотлар аутентификацияси масаласининг ечимини таъминловчи криптографик восита ҳисобланади.

Электрон ҳужжат техника воситаларидан ва ахборот тизимлари хизматларидан ҳамда ахборот технологияларидан фойдаланилган ҳолда яратилади, ишлов берилади ва сақланади. Электрон шаклда қайд этилган, ЭРИ билан тасдиқланган ва электрон ҳужжатнинг уни идентификация қилиш

имкониятини берадиган бошқа реквизитларига эга бўлган ахборот электрон ҳужжатдир.

Электрон ҳужжатларни тармоқ орқали алмашишда уларни ишлаш ва сақлаш харажатлари камаяди, қидириш тезлашади. Аммо, электрон ҳужжат муаллифини ва ҳужжатнинг ўзини аутентификациялаш, яъни муаллифнинг ҳақиқийлигини ва олинган электрон ҳужжатда ўзгаришларнинг йўқлигини аниқлаш муаммоси пайдо бўлади.

Электрон ҳужжатларни аутентификациялашдан мақсад уларни мумкин бўлган жинояткорона ҳаракатлардан ҳимоялашдир. Бундай ҳаракатларга қуйидагилар киради:

- *фаол ушлаб қолиш* - тармоққа уланган бузғунчи ҳужжатларни (файлларни) ушлаб қолади ва ўзгартиради.

- *маскарад* – абонент *C* ҳужжатларни абонент *B* га абонент *A* номидан юборади;

- *рenegатлик* – абонент *A* абонент *B* га хабар юборган бўлсада, юбормаганман дейди;

- *алмаштириш* – абонент *B* ҳужжатни ўзгартиради, ёки янгисини шакллантиради ва уни абонент *A* дан олганман дейди;

- *такрорлаш* – абонент *A* абонент *B* га юборган ҳужжатни абонент *C* такрорлайди.

Маълумот манбаининг аутентификациялаш масаласи ахборот-коммуникация тизимларининг бир-бирига ишонмайдиган икки томони орасида маълумот алмашинувида юзага келади. Бу масалани ҳал қилишда иккала томон ҳам биладиган махфий калитдан фойдаланиб бўлмайди. Бу ҳолатда маълумотнинг манбаини аутентификация қилишга имкон берадиган электрон рақамли имзо схемаси қўлланилади. Бунда одатда фойдаланувчининг махфий калитига асосланган имзо қўйишдан олдин хатолик коддини аниқловчи хэш функция ёрдамида маълумот сиқилади.

Электрон рақамли имзо тизими иккита асосий муолажани амалга оширади:

- рақамли имзони шакллантириш муолажаси;
- рақамли имзони текшириш муолажаси.

Имзони шакллантириш муолажасида хабар жўнатувчисининг махфий калити ишлатилса, имзони текшириш муолажасида жўнатувчининг очиқ калитидан фойдаланилади.


Рақамли имзони шакллантириш муолажаси

Ушбу муолажани тайёрлаш босқичида хабар жўнатувчи абонент *A* иккита

калитни генерациялайди: махфий калит k_A ва очик калит K_A . Очик калит K_A унинг жуфти бўлган махфий калити k_A дан ҳисоблаш орқали олинади. Очик калит K_A тармоқнинг бошқа абонентларига имзони текширишда фойдаланиш учун тарқатилади.

Рақамли имзони шакллантириш учун жўнатувчи A аввало имзо чекилувчи матн M нинг хеш функцияси $L(M)$ қийматини.

Хеш-функция имзо чекилувчи дастлабки матн M ни дайджест t га зичлаштиришга хизмат қилади. Дайджест M –бутун матн M ни характерловчи битларнинг белгиланган катта бўлмаган сонидан иборат нисбатан қисқа сондир. Сўнгра жўнатувчи A ўзининг махфий калити k_A билан дайджест t ни шифрлайди. Натижада олинган сонлар жуфти берилган M матн учун рақамли имзо ҳисобланади. Хабар M рақамли имзо билан биргаликда қабул қилувчининг адресига юборилади.



1-расм. Электрон рақамли имзони шакллантириш схемаси.

Рақамли имзони текшириш муолажаси. Тармоқ абонентлари олинган хабар M нинг рақамли имзосини ушбу хабарни жўнатувчининг очик калити K_A ёрдамида текширишлари мумкин


Электрон рақамли имзони текширишда хабар M ни қабул қилувчи B қабул қилинган дайджестни жўнатувчининг очик калити K_A ёрдамида расшифровка қилади. Ундан ташқари, қабул қилувчини ўзи хеш-функция $h(M)$ ёрдамида қабул қилинган хабар M нинг дайджести t ни ҳисоблайди ва уни расшифровка қилингани билан таққослайди. Агар иккала дайджест t ва t' мос келса рақамли имзо ҳақиқий ҳисобланади. Акс ҳолда имзо қалбакилаштирилган, ёки ахборот мазмуни ўзгартирилган бўлади.

Электрон рақамли имзо тизимининг принципиал жиҳати – фойдаланувчининг электрон рақамли имзосини унинг имзо чекишдаги махфий калитини билмасдан қалбакилаштиришнинг мумкин эмаслигидир. Шунинг

учун имзо чекишдаги махфий калитни рухсатсиз фойдаланишдан химоялаш зарур. Электрон рақамли имзонинг махфий калитини, симметрик шифрлаш калитига ўхшаб, шахсий калит элитувчисида, химояланган ҳолда сақлаш тавсия этилади.

Электрон рақамли имзо имзо чекилувчи ҳужжат ва махфий калит орқали аниқланувчи ноёб сондир. Имзо чекилувчи ҳужжат сифатида ҳар қандай файл ишлатилиши мумкин. Имзо чекилган файл имзо чекилмаганига бир ёки бир нечта электрон имзо қўшилиши орқали яратилади.

Имзо чекилувчи файлга жойлаштирилувчи электрон рақамли имзо имзо чекилган ҳужжат муаллифини идентификацияловчи қўшимча ахборотга эга. Бу ахборот ҳужжатга электрон рақамли имзо ҳисобланмасидан олдин қўшилади. Ҳар бир имзо қуйидаги ахборотни ўз ичига олади:



2-расм. Электрон рақамли имзони текшириш схемаси

- имзо чекилган сана;
- ушбу имзо калити таъсирининг тугаши муддати;
- файлга имзо чекувчи шахс хусусидаги ахборот (Ф.И.Ш., мансаби, иш жойи);
- имзо чекувчининг идентификатори (очик калит номи);
- рақамли имзонинг ўзи.

Хулоса қилиб айтганда солиқ тизимидаги маълумотлар ишончилиги ҳамда бутунлигини таъминлаш борасида электрон рақамли имзо(ЭРИ)дан фойдаланиш, маълумот эгаси ва ДСХО манфаатлари учун хизмат қилиши шубҳасиздир.

